ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

А.ҚОДИРИЙ номидаги
ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Ж.Ҳасанбоев, Х.Тўрақулов, Н.Усманов

ПЕДАГОГИКА ФАНИДАН ИЗОҲЛИ ЛУҒАТ

Тошкент - 2009

Ушбу изоҳли луғат Педагогика фанига оид атамалар ва сўз бирикмаларининг маъноси, мазмун-моҳияти ҳамда улардан истеъмолда фойдаланишга тегишли маълумотлар келтирилган.

Изоҳли луғат Ўзбекистон Республикасидаги ўқув муассасаларининг талабалари ва педагогика фани ўқитувчилари учун мўлжалланган.

Педагогика фанлари доктори, профессор **М.Х.Тохтаходжаева**нинг умумий таҳрири остида.

Тақризчилар:
Педагогика фанлари доктори, проф. **Нишонова С.Н.**
Педагогика фанлари доктори, проф. **Маҳкамов У.И.**

ISBN 978-9943-09-000-2

© Ўзбекистон Республикаси «Fan va texnologiya» нашриёти, 2009 йил.

СЎЗ БОШИ

Мустақиллик туфайли ҳаётимизга кўплаб янгиликлар кириб келмоқда. Миллат орзуси, аждодлар орзуси бўлмиш Мустақиллик қатор имкониятлар ва манфаатларни рўёбга чиқармоқда. Халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлари асосида, янгиланган маънавият, маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологиялар ютуқларига таянган ҳолда кадрлар тайёрлашнинг мукаммал тизими шакллантирилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» азалий орзуимизга эришишнинг қонун билан ҳимояланган ҳужжати сифатида тасдиқланди ва амалда улардан кенг фойдаланилмоқда.

Дастур кадрлар тайёрлаш миллий моделини рўёбга чиқарди. У ҳар томонлама камол топган, ижодий ва ижтимоий фаол, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил, фуқароларни тарбиялашни назарда тутади.

Дастурдаги узлуксиз таълим кадрлар тайёрлаш тизимининг асоси, миллий моделнинг таркибий қисми бўлиб, унинг фаолият олиб бориши давлат таълим стандартларида таъминлаган.

Юқоридаги ўзгаришлар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги давлат таълим стандартларидаги кўпгина атамалар, тушунчалар ва ибораларга таъсир қилмоқда.

Бугунги кунда амалда қўлланаётган тушунчалар, атамалар ва ибораларнинг аксарияти янгича маъно касб этмоқда. Шу сабабли ҳозирги замон илғор ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий ҳаётда мавжуд тушунчалар ва атамаларнинг салмоқли ёки уларнинг мазмуни ва моҳияти бугунги кунда бизга нотанишдир. Бу ҳол давлат таълим стандартлари асосида тузилган педагогика назарияси ўқув дастурларидаги

кўпгина ибора ва атамаларга янгича таъриф ва изоҳлар беришни тақозо этмоқда.

Шунинг учун Педагогика фани бўйича ишлатилаётган тушунчаларни бир жойга йиғишни ва уларнинг изоҳини беришни асосий вазифа қилиб белгиладик. Атама ва иборалар алифбо тартибида жойлаштирилди.

Изоҳли луғатда «Педагогика назарияси» ва педагогиканинг янги соҳалари: «Янги педагогик технология», «Таълимни технологиялаштириш муаммолари», «Тарбияланганликни ташхислаш ва корреляциялаш» каби фанлардаги қўлланилаётган тушунчалар ва атамалар ёритилди. Изоҳли луғатни тузишда илмийлик, изчиллик, лойиқлик, назарияни амалиёт билан боғлиқлилик, кўргазмалилик, мослик каби тамойилларига асосланилди.

Изоҳли луғатдаги материални ўрганиш ва қўллашда педагогикадаги билимларни оғзаки баён этиш, техника ва технологиялар, хорижий таълим технологиялари, китоб ва дарслик устида ишлаш, илғор тажрибаларни ўрганиш каби метод ва усуллардан фойдаланилди.

Изоҳли луғатни тайёрлашда Педагогика фанлари номзоди, доцентлар Ш.Абдуллаева, Т.Камолиддинов, Х.Т.Сарибоев, ўқитувчи Ш.Ниёзова ва бошқалар ўз мақолалари билан фаол иштирок этдилар. Бундан ташқари «Иқтидор» мавзусига доир атамаларнинг изоҳи ўқитувчи Р.Мунарова ҳамда ахлоқий тарбия ва педагогика тарихи фанига доир атамаларнинг изоҳи ўқитувчи Д.Р.Фарсахонова томонидан тайёрланди.

«Изоҳли луғат» Ж.Ҳасанбоев, Х.Тўрақулов, М.Ҳайдаров, О.Ҳасанбоеваларнинг “Педагогика фанидан изоҳли луғат” (Тошкент, “Fan va texnologiya”, 2008, 480 бет) и асосида тайёрланиб, тўлдирилган ҳолатда қайта чоп эттирилмоқда. Табиийки, унда камчиликлар ҳам мавжуд. Шунинг учун ишдаги хато-камчиликларни аниқлаб, уни бартараф этишга ёрдам берган барча ҳамкасбларимизга миннатдорчилик билдирамиз.

Муаллифлар.

А

Абак – қадимги юнон ва римликларнинг ҳисоб тахтаси, кейинчалик эса, у Ўрта аср Ғарбий Европасида ҳам қўлланган. Абакнинг конструкциялари турли хил бўлиб, ундан арифметик ҳисоблаш ишларида фойдаланилган. Дастлабки абак устига қум сепилган ва йўл-йўл қилиб ажратилган текис тахта бўлиб, бу йўллар бўйича ҳисоблаш белгилари (тошча, суякча, тангалар) сурилган. Кейинчалик бу ҳисоблаш белгилари симга тузилган ва **абак симлар тортилган рамка бўлиб қолган.**

Абак баъзи Шарқ халқларида, масалан, Хитойда ҳозир ҳам учраб туради. Россияда арифметик ҳисоблаш учун узоқ замонлардан бери **чўт** ишлатилиб келинган. Номографияда абак сўзи махсус ҳисоблаш номограммаларига тадбиқ этилган.

Абдулвоҳид Бурҳонов – Мунзим (1875 - 1934) маърифатпарвар шоир, давлат ва жамоат арбоби Мирзо Абдулвоҳид Бурҳонов 1875 йили Бухорода таваллуд топади. Дастлабки таълимни эски мактабда олади.

XIX асрнинг 90 – йилларидан Абдулвоҳид Бурҳонов – Мунзим тахаллуси билан маърифий шеърлар ёза бошлайди, кейинчалик эса амалий фаолиятида ҳам маърифатпарварлик билан шуғулланади. XX асрнинг биринчи ўн йиллигида Мунзим янги усулдаги мактаб очиш учун ҳаракат қила бошлайди. Бухородаги дастлабки жадид мактабининг очилиши ҳам унинг номи билан боғлиқ. У 1908 йил Самарқандга бориб, жадид мактабларидаги ўқитиш услубини ўрганади ва шу йили ўз ҳовлисида жадид мактаби 1909 йилда эса катта ёшдагилар учун кечки мактаб ташкил этади.

Бухорода 1909 йилдан шакланган жадидлар ташкилоти аввал маърифатпарварлик ишларини олиб борди. Мунзим бу ташкилот ишига фаол қатнашиб, шу йили бир қатор ҳамфикрлари билан «Тарбияи

афтол» фаолиятини тузишда иштирок этди. Бу жамият Бухоролик маърифатпарварларни тарғиб этиб халқнинг сиёсий онгини уйғотишда катта аҳамият касб этди.

1917 йил феврал инқилобидан сўнг Бухоро жадидлари А. Бурҳонов бошлиқ эски жадидларга, Ф. Хўжаев ва А. Фитрат бошлиқ янги жадидларга бўлинади. Биринчи гуруҳнинг асосий фаолияти маърифатпарварлик бўлса, иккинчи гуруҳ кенг ислоҳатлар тарафдори эди. Кейинчалик бу икки гуруҳнинг бирлашуви натижасида «Ёш бухоролик» лар партияси тузилиб, Мунзим унга раис этиш сайланди.

1918 йилдан 1920 йилларнинг сентябригача Мунзим Тошкентда яшайди. Бухоро Халқ Совет Республикаси тузилгач, у аввал Марказий ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари, кейинчалик Халқ маорифи нозири, Соғлиқни сақлаш нозири лавозимларида ишлайди. Халқ маорифи нозири лавозимида ишлаган Мунзим 1922 йил июнда миллий кадрлар, хусусан, муҳандислар тайёрлаш мақсадида бир гуруҳ бухоролик ёшларни Германияга юбориш тўғрисидаги БХСР ҳукумати қарорининг қабул қилинишига катта ҳисса қўшади. Шу қарорга асосан, у мазкур ишини ташкил этиш бўйича комиссия раиси этиб тайинланган эди. 1922 йилнинг ёзида Мунзимнинг шахсан ўзи Бухоролик 44 кишини Германияга олиб бориб Берлиндаги ўқув юртига жойлаштиради. 1920 йилнинг ўрталаридан бошлаб Мунзим ўзини томоман ижодий ва публицистик фаолиятига баҳшида этади. Абдулвоҳид Мунзим 1934 – йилда узоқ давом этган касалликдан сўнг вафот этади.

Абдулла Авлоний (1878 - 1934) янги давр ўзбек маданияти, адабиётининг асосчиларидан бири, болалар адабиёти, ўзбек миллий театри, драматургияси, матбуоти,ўзбек миллий педагогикасининг тамал тошини қўйган, халқимизнинг асл фарзандидир.

Авлоний 1878 йил 12 июлда Тошкентнинг Мерганча маҳалласида тўқувчи Миравлон ака оиласида таваллуд топди. Аввал Ўқчидаги бошланғич мактабда, сўнг шаҳар мадрасаларидан бирида таҳсил олди. Бироқ, кўпроқ мустақил ўқиб – ўрганди, тез орада ўз даврининг саводхон, маърифатпарвар кишисига айланди. Авлоний асримиз бошларида ўлкамизда авж олган жадидчилик ҳаракатининг фаол иштирокчиси сифатида миллат болаларини саводхон қилиш, улардан етук олимлар, мутахассислар тайёрлаш, Ватанни озод кўришда фидойилик билан меҳнат қилди: Ана шу мақсадда жуда кўп соҳаларда фаол иш олиб борди. 1907 йилда ўз ўрнида «Шуҳрат» номли газета нашр қилди. У маҳалласида янги усулдаги мактаб очди. «Усули жадид» мактаблари учун тўрт қисмдан иборат «Адабиёт ёҳуд миллий шеърлар», «Биринчи муаллим», «Иккинчи муаллим», «Мактаб гулистони», «Туркий гулистон ёҳуд ахлоқ» каби дарслик ва ўқиш китоблари тузди. Мактаб маориф ишларига ёрдам кўрсатиш мақсадида ҳайрия жамияти ташкил қилди. «Нашриёт» ширкати тузиб, Хадрада «Мактаб кутубхонаси» китоб дўконини очди.

Абдулла Авлоний ўзбек театрининг тараққиётида ҳам алоҳида хизмат кўрсатди. Унинг «Турон» труппаси (1913) ўлкамизда ташкил этилган биринчи профессионал театр труппаси эди. Адиб драматургияда ҳам унумли фаолият олиб борди. Театр, озарбайжон драматургларининг асарларини ўзбек тилига таржима қилди, ўзи ҳам «Пинак», «Адвокатлик осонми?», «Биз ва сиз» номли пъесалар ёзиб саҳнага қўйди. Феврал ва октябр воқеаларидан сўнг Авлоний «Турон» номли газета нашр этиб, унда илғор қарашларни илгари сурди. 1919 – 1920 йилларда Афғонистон элчихонасида бош консуль вазифасида ишлади. Хизматдан қайтгач, маърифатпарварлик фаолиятини давом

эттирди. Ҳарбий ўқув юртида, Ўрта Осиё давлат университетида ўзбек тили ва адабиётидан дарс берди, профессор даражасига кўтарилди.

Маърифатпарвар адиб, драматург, педагог, ношир ва жамоат арбоби Абдулла Авлоний 1934 йил 25 августда Тошкентда вафот этади. У Тошкентдаги Боткина қабристонига дафн этилган.

Авлоний ўзининг ахлоқий қарашларида биринчи навбатда миллатпарварлик, ватанпарвар, илм – фанни севувчи, виждонли кишилар тарбиясига эътиборини қаратган. Ўзбек жадид адабиётидаги маърифатпарварлик ғояларини шоир ва драмтург сифатидагина эмас, педагог сифатида ҳам кенг халқ оммаси орасига олиб кирди ва жадид биродарларининг халқни маърифатлаштириш дастурига амалий ишлари, педагогик фаолияти ва бадиий ижоди билан ҳисса қўшди.

Абдулла Қодирий (1894 – 1938) янги давр ўзбек адабиётининг асосчиларидан бири, ўзбек миллий романчилик мактабининг тамал тошини қўйган буюк адибдир.

У 1894 йил 10 апрелда Тошкентда боғбон оиласида туғилган. 9-10 ёшларида эски усул мактабида таҳсил кўради. Сўнг рус тузем мактабида ўқийди. 17-18 ёшларида бир савдогарга ёлланиб, уч–тўрт йил ишлайди. Сўнг боғбонлик билан тирикчилик ўтказади.

Абдулла Қодирий ижоди 1913-1914 йилларда бошланди. У шу йиллари барча илғор фикрли ёшлар қатори жадидчилик ҳаракатига қўшилган ва ўзининг илк асарларида маърифат, миллат тараққиёти ва ҳурлиги ғояларини тарғиб эта бошлаган. Қодирий дастлаб маърифий шеърлар ёзди. «Аҳволимиз», «Миллатимиз», «Тўй» каби шеърлар жадид матбуотида эълон қилинади. 1915 йили у Беҳбудийнинг «Падаркуш» фожеаси таъсирида «Бахтсиз куёв» пьесасини ёзади. Сўнг ўзи «Миллий рўмон» деб аталган «Жувонбоз» ҳикоясини яратади. Бу асарлар ҳам маърифатпарварлик қарашлари маҳсули бўлиб, жамиятдаги

чиркин иллатлар ва қолоқ урф–одатларни кескин танқид қилишга йўналтирилган. 1916 йилда ёзилган «Улоқда» ҳикояси А. Қодирий ижодида бадиий изланишлар ривожини кўрсатадиган муҳим ҳодисалардир. 1917 йил феврал ва октябр воқеаларидан кейин А.Қодирий ҳаётида ҳам, ижодида ҳам ўзгаришлар рўй берди. У шўро идораларида ишлади. «Иштикоиюн» ва «Қизил байроқ» газеталарида адабий ходим, «Муштум» журнали ташкилотчиларидан бўлди. Москвада В. Брюсов номидаги журналистлар институтида таҳсил олди. А.Қодирий 1925-1926 йилларда «Ўтган кунлар» романини эълон қилади. Бу тўлақонли реалистик илк ўзбек романи бўлиб, Қодирийнинг жадидона сиёсий қарашлари юксак бадиий ифодасини топган асар эди. 1928 йили ёзувчи «Меҳробдан чаён» романини эълон қилди. Бу роман ҳам адибга катта шуҳрат келтирди. Бундан ташқари, А. Қодирий «Обид кетмон» қиссасининг, «Тошпўлат тажанг нима дейди?», «Калвак маҳзумнинг хотира дафтаридан» туркум сатирик ҳикояларнинг, рус ва ғарб адабиётидан ўгирилган қатор таржималарнинг ҳам муаллифидир. Абдулла Қодирий 1937 йил охирларида ҳибсга олиниб, 1938 йил 4 октябрда Тошкентда Бўзсув бўйида қатл этилади. Бу улуғ сиймо ўзининг эзгу мақсад – муддаолар йўлидаги шижоати, фавқулотда наёб истеъдоди, жасорати билан халқимиз маданияти, адабиёт тарихида ёрқин из қолдирди, кўп асрлик миллий адабиётимиз ва янги ўзбек адабиёти ривожида туб бурилиш ясаб, янги босқич романчилик мактабига асос солди.

Абдулҳамид Чўлпон (1897 - 1938). Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон янги ўзбек шеъриятининг асосчиларидандир. Чўлпон 1897 йили Андижон шаҳрида зиёли оилада дунёга келади. Чўлпон эски мактабда, сўнг мадрасада ўқиди. Андижондаги рус – тузем мактабида таълим олади. Шарқ адабиётида араб, форс тилларини ўзлаштиради, рус тили ва

адабиётини ўрганади. Чўлпон 10 – йилларнинг ўрталарида ижтимоий ва иқтисодий фаолият билан шуғуллана бошлайди. У «Қаландар», «Андижонлик», «Чўлпон» тахаллуслари билан матбуот нашрларида мақола, шеър ва турли хабарлар билан чиқиб туради.

Унинг «Дўхтир Муҳаммадиёр», «Ватанимиз Туркистонда темир йўллар», «Адабиёт надир?» каби илк ҳикоя ва мақолаларида, ўнлаб шеърларида жадидчилик ғояларининг ошкора ифодаланганлигини кузатишимиз мумкин.

Шоирнинг қисқа умри давомида «Тонг сирлари», «Уйғониш», «Булоқлар» каби шеърий тўпламлари нашр этилган. Унинг театр соҳасида қилган ишлари алоҳида эътиборга сазовар. Чўлпон ўзбек давлат драма театрида адабий эмакдош вазифасида ишлаш билан бирга ўнга яқин пъесалар, театр саҳналарини яратган, унинг «Ёркиной», «Ўртоқ Қаршибоев», «Чўрининг исёни», «Муштумзўр», «Замона хотуни» каби саҳна асарлари ўзбек драматургияси тараққиётига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

Чўлпон «Кеча ва Кундуз» номли романини эълон қилиб, ўзбек романчилиги ривожига катта таъсир кўрсатди. Бу асарида халқимизнинг аср бошларидаги ҳаёти манзараларини тасвирлар экан, истибдод ва жаҳолат миллатнинг тараққиётини ва ҳурлигини бўғувчи манфур ҳодисалар эканини бадиий акс эттиради.

Ўзбек адабий таржима мактабининг ривожланишида ҳам Чўлпоннинг беқиёс ҳиссаси бор. У М. Горькийнинг «Она» романини, А.С. Пушкиннинг «Дубровский», «Борис Годунов» ҳамда Шекспирнинг «Ҳамлет» трагедиясини ва яна ўнлаб ҳорижий асарларни ўзбек тилига моҳирлик билан ўгиради.

Чўлпон бутун онгли ҳаёти давомида ўз Ватанининг озодлиги, эрки, келажаги учун қайғуради ва ёниб шеърлар ёзди, турли жанрларда

асарлар яратди. У 1928 йилдан бошлаб то умрининг охиригача тайзиқ остида яшади, чунки унинг бутун ижодида миллий ғоя ва маърифатпарварлик, ватанни озод кўриш, эрк учун кураш каби ғоялар акс этарди. У мустабид тузум остида эзилиб ётган миллатни, халқни куйлар эди. Лекин у тайзиқлар ва қийноқлар ниҳоятда кучайган бир шароитда ҳам ўз эътиқодидан қайтмади. Ана шу эътиқоди ва иродаси туфайли халқ эрки ва озодлиги йўлида 1937 йил қатоғон қурбони бўлди. Чўлпон 1938 йил 4 октябрда Тошкентдаги Бўзсув бўйида қатл этилади.

Абдураззоқ Самарқандий (1413-1482). *Тўлиқ исми* – Жалолиддин Исҳоқ ўғли Камолиддин Абдураззоқ Самарқандий. У Ҳирот шаҳрида туғилган, бошланғич таълимотни ҳам шу ерда олади. Отаси Самарқанд шаҳридан бўлган. У Самарқанд шаҳрида ўқиб, анча вақт шу ерда фаолият кўрсатади. Шоҳрух саройида тафсир, ҳадис, фиқҳ, тарих, тил ва адабиёт фанларидан етарли маълумот олган.

Устозлари: акалари – Абдулғаффор, Абдулқаххор, Абдулваҳоблар.

Асарлари: «Матлаи саъдайин ва мажмаи баҳрайн» асари бизгача етиб келган. У ахлоқий тарбия тўғрисида тўхталиб, инсонпарварлик, дўстлик, меҳр-мурувват, инсоф-диёнат каби хислатларни улуғлайди ва ёшларни тўғри сўз, ўзаро дўст-иноқ, ҳурмат-иззатда кўришликка, доимо яхшилик қилишга ундайди. Ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор беришликни таъкидлайди. Олимнинг тарбия, мактаб хусусидаги фикрларидан таълим жараёнида фойдаланиш ижобий самара беради.

Абдурауф Фитрат (1886- 1938) йирик давлат ва сиёсат арбоби, шоир ва олим, ношир ва драматург, маърифатпарвар Фитрат 1886 Бухорода зиёли оиласида дунёга келди. Дастлаб эски мактабда ўқиди, кейин Мирараб мадрасасида таҳсилни давом эттирди.

Асримиз бошларида вужудга келган «Тарбияи атфол» жамияти кўмагида 1909 – 1913 йилларда Истанбулда таҳсил олди. Бу ерда қизғин

ижод қилди. Шунинг самараси ўлароқ, 1911 йили «Сайҳа» («Чорлов») номли шеърий тўпламини чоп эттиради. Туркияда қайтгач, Бухорода ўқитувчилик қилади. «Ёш бухороликлар» ҳаракатида фаол иштирок этади, унинг бош мафкурачиси, ғоявий йўл бошчиларидан бирига айланади.

1917 йил апрелдан 1918 йил мартгача Самарқандда чиқиб турган «Ҳуррият» газетасига муҳаррирлик қилади. 1918 йили Фитрат Тошкентга келади.

У бу ерда асосан илмий, ижодий, маърифий ишлар билан кўпроқ банд бўлди. У бир қатор дарсликлар тузади, «Чиғатой гурунги» номли ижтимоий – адабий ташкилотда фаол иштирок этади.

1921 йили Бухорога таклиф этилади. У халқ хўжалигининг бир қатор соҳаларини яхшилашда, айниқса, маориф соҳасида сезиларли ишларни амалга оширади. Унинг ташаббуси билан бир гуруҳ иқтидорли ёшлар Истанбул, Берлин, Москва каби шаҳарларга ўқишга юборилади. Бухоро мактаблари учун ўқув қуроллари, дарслик ва қўлланмалар нашр этиш йўлга қўйилади. Фитрат 1921 – 1922 йилларда бир қатор юқори лавозимларда ишлаб, ўзининг давлат арбоби сифатидаги истеъдодини кўрсата олди. У 1923 – 1924 йилларда Москва ва Ленинградда яшади, Шарқ тиллари институтида ишлади. Турк, араб, форс тиллари ва адабиётидан ёшларга дарс берди. Ленинград дорулфунуни профессорлигига сайланди. «Абулфайзхон», «Або Муслим» каби трагедиялари, «Бедил», «Қиёмат», «Чин севиш», «Шайтоннинг тангрига исёни» каби асарлар ёзиб, чоп эттирди. Москвадан қайтгач, Республикамизнинг илмий, маданий – маърифий ҳаётида фаолият кўрсатади. Фитрат тилшунос олим сифатида ўзбек тилининг қоидалари тўғрисида «Сарф», «Нақв» дарсликларини ёзди. Мусиқашунос олим сифатида «Шашмақом», «Ўзбек классик мусиқаси ҳам унинг тарихи»,

«Шарқ мусиқаси» каби тадқиқотлар яратди. 30 йилларда у илмий – тадқиқот муассасаларида, ўқитувчилар малакасини ошириш институти ва дорулфунунда ишлади. 1937 йили «халқ душмани» сифатида ҳибсга олиниб, 1938 йили Тошкент шаҳрининг ҳозирги Юнусобод тумани Бўзсув қирғоғидаги қатлгоҳда отиб ташланди. Фитрат меросининг бугунги кунда истиқлол ғояларини мустаҳкамлашдаги аҳамияти беқиёс, унинг фидоийликни, миллатпарвар ва асосийси инсонпарварликни ўргатади.

Абдураҳмон Жомий (1414-1492). *Тўлиқ исми* – Нуриддин Абдураҳмон ибн Аҳмад.

У Жом шаҳрида туғилади, аммо оиласи Ҳиротга кўчиб боргач, бошланғич маълумотни ўша ерда олади. Отаси Жомийнинг болаликдан билим олишига катта эътибор беради. Мактабни тугатгач, «Низомия» мадрасасида ўқийди. У ерда араб тили, аруз, қофия, бадииётдан таҳсил олгач, Самарқандга бориб математика, физика, астрономияни ўрганади.

Устозлари: Саъдиддин Қошғарий, Шайх Баховиддин Умар, Мавлоно Муҳаммад Асад, Қозизода Румий, Абулайс Самарқандий, Саид Шариф Журжоний, Шаҳобиддин Муҳаммад.

*Шогирдлари***:** Алишер Навоий.

Асарлари: Жомий бир қанча асарлар яратиб, шулардан таълимий-ахлоқий йўналишда ёзганлари: «Баҳористон», «Ҳафт авранг» («Етти тахт»), «Силсилату заҳаб» («Олтин тизмалар»), «Туҳфат ул-аброр» («Эркинлар туҳфаси»), «Сабҳат ул-аброр» («Яхшилар тасбиҳи»), «Ҳирадномаи искандар», «Саломон ва Аблос» кабилар. Жомий асарларида ҳақиқий инсонга хос бўлган ахлоқий хислатларни тарбиялашга катта эътибор беради. Талабалар ахлоқий тарбиясини такомиллаштиришда Жомийнинг ижодий меросидан кенг

фойдаланилса, талабаларда юксак инсоний фазилатлар таркиб топтирилади.

Абдуқодир Шакурий (1875 - 1943). Маърифатпарвар, педагог Абдуқодир Шакурий 1875 йилда Самарқанднинг Ражабамин қишлоғида боғбон оиласида туғилди. Шакурий эски усулдаги мактабни тамомлаганидан кейин Самарқанд шаҳридаги мадрасага ўқишга киради. Шакурий рус гимназиясига бориб, унинг ички тартиб-қоидалари ва ўқитиш усуллари билан танишади. Шундан кейин ёш муаллимда ўз халқининг болалари учун шу тартибдаги янги мактаб ташкил қилиш орзуси пайдо бўлади. Абдуқодир Шакурий Самарқанд гимназиясида кўрган ва ўзи орзу қилган янги ўқитиш усуллари Россиянинг турли жойларида яшаган бошқа туркий халқларида мавжудлигини газеталардан билиб олади. Шакурий дўстлари ёрдамида Қўқон шаҳрига боради ва у ерда янги мактабдаги ўқитиш усуллари билан танишади. Самарқандга 1901 йилнинг кузида биринчи янги усулдаги мактабни ташкил қилади. Шакурий фақат ўқитувчилик қилиш билан чегараланиб қолмаган, ўз мактаби учун дарсликлар ёзиб, уларни ўз маблағлари ҳисобига нашр қилдирган. Масалан, унинг «Раҳномаи савод» («Савод чиқариш қўлланамаси») деб аталаган китоби шу тариқа чоп этилган.

Шакурий қизлар учун ҳам янги усулдаги мактаб ташкил қилган. Унда ўзи раҳбарлигида рафиқаси муаллимлик қилган. Кейинчалик ўғил ва қиз болалар гуруҳини бирлаштириб ўқита бошлаган. 1921 йилда Самарқанд шаҳридаги 13-мактабга мудир этиб тайинланади. У болаларни тарбиялаш, ўқитишга катта ғайрат билан киришди, кўп йиллар давомида шу мактабнинг мудири ҳамда она тили ва адабиёти ўқитувчиси вазифаларида ишлади. 1925 йилда А. Шакурийнинг ташаббуси билан қишлоқ аҳолиси ўз маблағлари ҳисобига тўрт синфли

янги мактаб қуриб ишга туширади. Абдуқодир Шакурий 1943 йилда вафот этади.

Абстракт тушунча - Нарса ва ҳодисаларнинг мавҳум белги, хусусият, сифат ва ўзаро муносабатларини акс эттирадиган тушунчадир.

Авесто – «Авесто» (асли «Овасто») сўзи «Огоҳнома», «Донишнома» деган маъноларни ифодалайди. «Авесто» зардуштийлик динининг муқаддас китоби ҳисобланиб, ўз даврида ўша пайтларда бу динга эътиқод қилувчилар учун муқаддас китоб саналган ва унга бир неча минг йиллар давомида ихлос билан амал қилиб келганлар (Абдураҳмонов А. Саодатга элтувчи билим. Т.: «Мовароуннаҳр», 2002, 720 бет).

Ҳозир эса бу китоб аждодларимиз маданияти ва маънавий қадриятларидан дарак берувчи, жаҳон тамаддунига (цивилизациясига) муҳим ҳисса қўшган, оламшумул аҳамиятга эга бўлган она юртимизнинг энг қадимги, энг мўътабар, энг нодир, маданий тарихий, маърифий ёдгорлиги сифатида ўрганилади.

«Авесто» узоқ даврлар мобайнида – милоддан олдинги 3 минг йилликнинг охирларидан бошлаб оғзаки тарзда шаклланиб авлоддан-авлодга ўтиб келган. Муқаддас «Авесто» нинг ёзувлари турли даврларда ёзилган ва бу ёзувлар ҳар хил ижтимоий муҳитнинг маҳсули бўлган. Уларни милоддан аввалги XII-VIII асрлар орасида Хоразмда туғилиб ўсган Зардуштра (Зардушт) бир тизимга солиб, ўзи ҳам «Авесто»нинг «Гоҳлар» («Готлар») қисмин ёзиб китобат қилган ва «Зардуштия» динига асос солган. Яъни Зардушт ўша даврдаги кўпхудолик ғоялари ва у ғоя билан боғлиқ бўлган урф-одат ва диний маросимларга қарши чиқиб яккахудолик ғояларини тарғиб этади.

Абу Райҳон Беруний ҳам Зардуштрани инсониятни кўпхудолик (полетеизм)дан якка худолик (монотиезм)га тарғиб этган илк пайғамбарлардан бири бўлган, деб таърифлаган.

Кўпхудолик билан боғлиқ бўлган даҳшатли одатлардан бири инсонларни қурбонликка сўйиш бўлган. Тарихнинг ана шундай чиркин, даҳшатли даврларида инсоният халоскори сифатида ватанимиз ва миллатимиз ифтихори бўлмиш Зардушт мардларча майдонга чиқди. Зардушт инсоният ҳаёти учун ғоят зарарли бўлган кўпхудолик эътиқодларининг ғайриинсоний моҳиятини чуқур англаб етди ва ўз билимларини яккаю ягона Олий тангри – Аҳура Мазда (Хурмузд) ваҳийлари билан бойитиб, инсоният онги ва мафкурасида инқилоб ясаб, ўтмишнинг бундай даҳшатли чиркин сарқитларига болта уруб чил-парчин қилиб ташлади ва кишилик жамиятининг маънавий тараққиётини янги йўналишга солди.

Унинг таълимоти, сиймоси, номи билан аталадиган «Зардуштийлик» дини инсонларга асрлар бўйи маънавий мадад, руҳий озиқ бўлиб хизмат қилди. «Авесто» даги алқов қўшиқлари, санолар башарият томонидан узоқ-узоқ йиллар мобайнида қироат билан куйлаб келинди ва инсонларда келажакка умид, яхшилик, эзгулик, мардлик, қаҳрамонлик, покизалик, ростгўйлик туйғуларини тарбиялайди, ёвузликка нисбатан эса нафрат ҳиссини уйғотишга хизмат қилди ва мамлакатлар бўйлаб кенг тарқалди. Жумладан, қадимги Парфия, Бақтерия, Сўғдиёна, Паркана, Озарбайжон, Эрон, Хуросон, Ироқ, Муғилистондан тортиб то Сурия, Хитой, Шимолий Ҳиндистон, Рум, Ҳабашистон ва бошқа мамлакатларга тарқалган.

Абу Райҳон Берунийнинг ёзишича, Искандар Зулқарнайн мил. авв. 330-йилда аҳамонийлар империясини мағлуб этгач, инсонларни ханифликка, яккахудоликка тарғиб қилиб, оташхоналарни вайрон этган.

Олимларга «Авесто»даги тиббиёт, фалсафа ва илми нужумга доир ўринларини таржима қилиб қолдириб, қолган кўпхудолик қисмини ёқиб юборишни буюрган.

Ўтмишда «Авесто» ва Зардуштнинг ватани қаерда бўлганлиги тўғрисида олимлар ўртасида баҳс-мунозаралар бўлиб ўтган. Пировардида ўттиздан ошиқ чет эллик машҳур авестошунос олимлар ва ўзимизнинг қадимшунос, тарихчи, авестошунос тадқиқотчи олимларимиз «Авесто» ва Зардуштийлик динининг асосчиси Зардуштнинг ватани **Ўзбекистон, Хоразм** деб қатъий бир тўхтамга келганлар. Олимларнинг бундай якдиллик билан чиқарган хулосаларини БМТнинг маориф ва маданият бўлими – ЮНЕСКО ҳам тасдиқлаган (Абдураҳмонов А. Саодатга элтувчи билим. Т.: «Мовароуннаҳр», 2002, 219-бет)

Ушбу фикрни ўз ўрнида юртбошимиз ҳам таъкидлаб ўтганлар: «Авесто энг мўътабар, қадимий қўлёзмамиз… Бу нодир китоб бундан 30 аср муқаддам икки дарё оралиғида, мана шу заминда умргузаронлик қилган аждодларимизнинг биз авлодларига қолдирган маънавий, тарихий меросидир» (Каримов И.А. Адолатли жамият сари. – Т.: 1998, 39-40-бет)

Автоматика фани (АФ) – Автоматика XIX асрнинг бошларида ўзининг ривожланиш босқичига кўтарилади. Автоматика фақатгина ўзини-ўзи бошқарадиган қурилма эмас, балки у техникани автоматик бошқариш ҳақидаги фандир. АФ табиат ва жамият воқеа-ҳодисалари ривожини автоматик бошқаришга хизмат қилишига мўлжалланган бўлиб, у кишиларни оғир жисмоний меҳнатдан озод қилиб, тараққиётни тезлаштириб, одамларда назорат-бошқарув функциясини қолдиради.

Автоматлаштириш – бу инсоният турмуш тарзидаги ўз иш фаолиятини кескин тезлаштиришга қаратилган фаолият бўлиб, бундай

функцияларни механизм ва машиналар зиммасига юклатиш жараёнидир.

Автоматлаштирилган ахборот технологиялар – барча ахборот операцияларини автоматлаштириш даражасида амалга оширади ва бу орқали жамиятнинг илмий-техник тараққиётини жадалаштиришга хизмат қилади.

Автоматлаштирилган ахборот технологиялар**и** (ААТ) – бу инсоният турмуш тарзидаги ўз иш фаолиятини кескин тезлаштиришга қаратилган фаолият. Улар асосида автоматлаштирилган техника ва технологиялардан фойдаланган ҳолда бошқариш автоматлашади. Бунда одам ақлий фаолият функциялари ЭҲМ лар зиммасига юкланади.

Автоматлаштирилган ахборот технология таълим жараёнида ўргатиш ва ўрганилганликни текшириш ва назорат қилиш имкониятини берувчи дастурий ҳисоблаш воситалари тизимидан амалиётда кенг фойдаланишга эришилади.

Магнитли ва оптик дисклар ёрдамида катта ҳажмдаги ахборотларни жамлаш; ер шарининг исталган жойидан ахборотни қабул қила олиш ва тайёрланган алгоритмлар ҳамда дастурий таъминотга асосланган ахборотларни ишлаб чиқариш, яъни билимларни жамлашга махсус компьютерлар яратиш; анънавий усулларни доимо эътиборга олиш; замонавий ахборот технологиялари эътиборга олинади.

Автоматлаштирилган ахборот технологиянинг ривожланиш йўналишлари: матн бўйича муҳаррир билан ишлаш; жадвалли процессор билан ишлаш; маълумотлар базасини бошқариш тизими билан ишлаш; графикли объектлар билан ишлаш; мультимедияли тизимлар билан ишлаш, гипер матнли тизимлар билан ишлаш ва шу кабиларда.

Автоматлаштириш ахборот технологиянинг вазифалари: Маълумотларни электрон усулда қайта ишлайди; бошқарув функциясини автоматлаштиради; қарор қабул қилишнинг оптимал вариантини танлашни кафолатлайди; электрон офисни ташкил этиш имкониятини яратади ва шу кабилар. Шунингдек, бошқарув вазифаларини ҳал этиш учун тизимли ташкил этилган ахборот жараёнларини амалга ошириш усул ва воситалари мажмуидан иборатдир. Кейинги пайтларда замонавий ахборот технологияларни компьютер ахборот технологияси деб юритилмоқда.

ААТ нинг мақсади барча ахборот операцияларини автоматлаштириш доирасида амалга ошириш ва бу орқали жамиятнинг илмий-техник тарққиётини жадаллаштиришга хизмат қилишдир. Бунда маълумотларни электрон усулда қайта ишлайди; бошқарув функциясини автоматлаштиради; қарор қабул қилишнинг оптимал вариантини танлашни кафолатлайди; электрон офисни ташкил этиш имконини яратади ва шу кабилар. Таълим-тарбияга тегишли катта ҳажмдаги ахборотларни магнитли ва оптик дисклар ёрдамида жамлайди. Ер шарининг исталган жойидан ахборотни қабул қила олиш ва кузатишда асосий восита бўла олади; тайёрланган маълумотлар ва дастурий таъминотга асосан ахборотни ишлаб чиқариш, яъни билимларни жамлашга махсус компьютерлар яратиш ва шу кабилардан иборат.

ААТ нинг самарали усуллари қуйидагилар: анъанавий усулларни доимо эътиборга олади; замонавий (компьютерли) ахборот технологиялари жорий этилади. Бунда дастурлаш бўйича махсус бўлмаган фойдаланувчининг ҳам ахборот жараёнида фаол иштироки таъминланади.

ААТ қуйидагиларни амалга оширади: матн бўйича муҳаррир билан ишлаш; жадвалли процессор билан ишлаш; маълумотлар вазифасини бошқариши тизими билан ишлаш; графикали объектлар билан ишлаш; мультимедия тизимлар билан ишлаш; гиперматнли тизимлар билан ишлаш ва шу кабилар.

Умуман олганда, амалга ошириладиган технологиялар, операциялар синфлари бўйича моҳиятан ва дастурий таъминот жиҳатидан кўриб чиқилади. Улар қуйидагиларни қамраб олади: матнни қайта ишлаш, электрон жадваллар, автоматлаштирилган маълумотлар банки, графикли ва овозли ахборотни қайта ишлаш, мультимедия ва шу кабилар.

Автоматлаштирилган ахборот тизимлари – ахборотлар, ахборотларни ишлаб чиқишда қўлланиладиган иқтисодий-математик усуллар ва моделлар ҳамда бошқарув қарорларини қабул қилишга мўлжалланган техник, дастурий, технологик воситалар ва мутахассислар мажмуидир.

Автоматлаштирилган ахборот тизимларининг функционал қисми автоматлаштирилган тизимнинг вазифа, топшириқ ва режалаштирилган мақсадга эришиш жараёнини амалга оширишга қаратилган бўлади. Бунда дастурий ва техник воситалар, шунингдек, бутун лойиҳани тўлиқ ишга тушириш аниқланади ва баҳоланади.

Автоматлаштирилган ахборот тизимларини яратиш ва қўллашда қуйидаги омиллар муҳим аҳамият касб этади: мутахассисларнинг ахборотни қайта ишлашни автоматлаштириш тизимида фаол иштироки зарурлиги; таълим объектини ўрганишда автоматлаштирилган ахборот тизимларининг таъминловчи ва функционал қисмлари зарурлиги; автоматлаштирилган ахборот тизимлари учун математик модел, алгоритм, тизим ва техник, дастурий таъминот зарурлиги; қўлга

киритилган самарадорлик мезонлари ёрдамида бошқарув соҳасида оптимал вариантларни кафолатлаш ва шу кабилар.

Автоматлаштирилган ахборот тизимларини ҳаётга жорий этиш босқичлари: лойиҳани асослаш босқичи; техник лойиҳалаштириш-мантиқий лойиҳалаштириш; қўлланмани лойиҳалаштириш; жорий этиш; эксплуатация (амалда фойдаланиш).

Автоматлаштирилган ахборот тизимларининг самарадорлиги: объект ва унда кечаётган жараён ҳақидаги маълумотларни ахборотлар кўринишида ифодалаш имконини беради; объект ҳақидаги барча омиллар ва ресурсларни ягона автоматлаштириш тизим шаклида ифодалай олади; жараёнларни бошқаришда ахборотли технология сифатида фаолият кўрсата олади ва, ҳаттоки, бутун муассаса ёки жамоа фаолиятининг муайян мақсадга йўналтирилган ахборотли муҳити ҳам бўлиши мумкин; жараённи бошқаришдаги энг қулай вариантни танлаш имкониятини беради; ахборот оқими тузилмасини такомиллаштиради; ахборот маҳсулотига тўғридан-тўғри кириб борилади; истеъмолчиларга намунали хизмат кўрсатилади; лойиҳалаштириш вақти қисқаради ва шу кабилар.

Автомониторинг – бу ўқитувчининг ўз касбий фаолиятига қай даражада тайёргарлигини аниқлаб бориш. Ўзларини-ўзлари баҳолаш ва шу асосда ўзларининг интеллектуал салоҳиятини мунтазам ривожлантиришини назорат қилиш жараёни.

Автореферат – илмий асар ёки тадқиқотнинг муаллиф томонидан тайёрланган қисқача мазмуни, ифодаси.

Авторитар технология - бу ўқитувчининг дарс жараёнини тўлиқ назоратидаги асосий бошқарувчиси сифатидаги таълим жараёнидир.

Авторитар педагогика – Авторитар педагогика технология деб ҳам юритилади. Бу таълим-тарбия жараёнида раҳбарликда

ўқитувчининг обрўсига асосланиш, унга ўқувчиларнинг кўр-кўрона, сўзсиз итоат этишлари. Бунда ўқувчиларнинг эркин ва мустақил фикрлашлари, шундай ҳаракатлар қилишлари чекланган бўлади.

Авторитет - шахснинг бошқалар томонидан эътироф қилинган обрўси, фазилати, бошқаларга нисбатан таъсири ва улар томонидан қадрланиши. Авторитет чин ёки сохта бўлади.

Адабиётлардан конспект тузиш – «конспект» терминнинг ўзи бирон та мақола, китоб, нутқ ва шу сингари бошқа ишларнинг қисқача мазмунини баён қилиш маъносини англатади.

Адабиётларни таҳлил қилиш – бу муаллиф томонидан қараб чиқилаётган у ёки бу илмий ишдаги асосий масалаларни кўриб чиқиш натижасидир. Бунда ўқитувчининг фаолиятига ёки ўрганилаётган муаммога бевосита алоқаси бўлган масалаларни алоҳида ажратиб кўрсатиш лозим бўлади ***(****Зуҳра Исмоилова****).***

Адаптация – лотинча сўз бўлиб, **adaptation** – мослашув маъносини англатади. Бу ерда адаптация илмий изланиш олиб боришда қўлга киритилган натижани (методологик, усул, модель, алгоритм ва ҳоказоларнинг) тадқиқ этилаётган объект ёки предметни ифодалай олишлиги назарда тутилади.

Адаптативлик. Бунда қўлга киритилган натижа илмий тадқиқот иши йўналишига қараб турлича бўлиши мумкин. Улар: қурилма, механизм, машина ва бошқа техникалар; буюм; метод; методология; макет; модель; технология ва ҳ.к. Тадқиқот олиб бориш жараёнида қўлга киритилган натижанинг тадқиқот объекти ва предметлари хосса ва хусусиятлари ҳамда улар орасидаги турли хил алоқадорликни тўлиқ акс эттира олишлиги текширилади.

Адаптив машғулот - ўқувчининг ташқи муҳитга, жамоага, меҳнат вазифаларини бажара олишга мослашувини таъминлашга қаратилган машғулот.

Адекват (лотинча adequatus – тенглашган, мос, айнан бир, ўхшаш) – билиш назариясида нарса ва ҳодисаларнинг хоссалари ва алоқаларини уларнинг объектив мазмунига тўғри келадиган аниқ ва мос қилиб олиш. Инсон онги объектив борлиқни ижтимоий амалиёт асосида адекват акс эттира боради. (ЎзМЭ. – 1ж. – Т.: ЎМЭ Давлат илмий нашриёти, 2000. – 73-б.).

Адекватлик – илмий тадқиқиот иши натижасининг тадқиқот объекти (нарса ва ҳодисалар) кечиши, яъни объектнинг функционал вазифаларини (ўзгариш, ишлаш қонуниятларини ва ҳ.к.) **айнан акс эттирилиши (адекватлиги)** текширилади. Бунда объект модели билан тадқиқот натижаси модели ўртасидаги ўхшашлик, мослик ва улардаги қонуниятларнинг нечоғлик тенг акс эттирилиши муҳим аҳамият касб этади.

Адолат – ижтимоий-фалсафий, ахлоқий ва ҳуқуқий тушунча. Кишилар ижтимоий-сиёсий онгида ката аҳамиятга эга муайян ижтимоий гуруҳлар ва айрим шахсларнинг тушунчаларини ўзида акс эттиради. Сиёсий хатти-ҳаракатлар, ҳуқуқ ва бурч меъёрлари, ахлоқий муносабатлар, меҳнат ва тақдирланиш, жиноят ва жазо, хизмат ва уни тан олиш, қадр-қимматни эътироф қилиш ва ҳ.к.га адолат тушунчаси орқали баҳо берилади. Адолат тушунчаси муайян тарихий шарт-шароит ва ижтимоий-иқтисодий муносатаблар билан белгиланади. Адолатнинг ахлоқий жиҳати инсонлараро муомалада бир хил муносабатда бўлишни, бир-бирининг иззат-нафсига тегмасликни, ахлоқ-одоб қоидаларига риоя қилишликни билдирадди. (*ЎзМЭ. Т.: 2000, 1-том, 134-бет*).

Адолат – (арабча «адолат» одиллик, тўғрилик) ахлоқ ва ҳуқуқнинг меъёрий категорияларидан бири бўлиб, мавжуд ижтимоий воқелик инсон моҳиятига ва ҳуқуқларига мос ёки мос эмаслигини ажратишда мезон бўлиб хизмат қилади.

Жамиятнинг шахсга, шахснинг жамиятга ва бир шахснинг иккинчи шахсга муносабатида намоён бўлган адолат ана шу муносабатларнинг баҳолаш мезонидир. Адолат инсоннинг маънавий қадриятларининг олий кўриниши бўлиб, бахт, озодлик, тенглик, тинчлик тушунчалари каби, инсон эрки ва иродасини ўзида ифода этади.

Адолат (одиллик) – ахлоқ ва ҳулқнинг меъёрий категорияси. Адолат натижасида тенгликка эришилади, инсонпарварлик таъминланади. Адолат асосига қурилган жамиятда фуқоралар ўртасида, давлат билан фуқаролар орасида ижобий муносабатлар ўрнатилади. Фуқароларнинг фаровон турмуш кечиришига, моддий неъматлардан кенг фойдаланишга имконият яратилади. Адолат ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ўз ўрнини топганда одиллик ҳукм суради.

Адъюнкт – олий таълим ёки ИТМ нинг адъюнктурасига белгиланган тартибда қабул қилинган ва ҳарбий йўналишдаги алоҳида дастур асосида маълум мутахассислик бўйича номзодлик диссертацияси устида илмий иш олиб бораётган мутахассислик ёки магистрлик дипломига эга бўлган олий маълумотли изланувчи.

Аз-Замахшарий (1075-1144). *Тўлиқ исми* – Абулқосим Маҳмуд ибн Умар аз-Замахшарий. У дастлабки таълимни болалигида ўз оиласида ота-онасидан олади. Ёшлигидан илмга жуда қизиққан. Гурганждаги мадрасада таҳсил олади. Сўнгра Бухоро, Марв, Нишопур, Исфахон, Шом, Бағдод, Ҳижоз, Макка шаҳарларида бўлиб, машҳур олиму

фозиллардан араб тили ва адабиётини, луғат, ҳадис, наҳв, фиқҳ илмларини ўрганади.

Асарлари: «Асос ал-балоға» («Сўзга усталик асослари»), «Самин ал-арабия» («Араб тили мағзи»), «Фиҳ ал-луғат» («Энг яхши луғат»), «Муҳаддатан ул-адаб» («Нафис адабиётга муқаддима»), «Муҳожату ан-наҳвия» («Грамматика ҳожатлари»), «Атвоқ уз-заҳаб» («Олтин шодалар»), «Атвоқ уз-заҳаб фил маваоиъз вал-хутаб» («Ўгит ва насиҳатларнинг олтин шодалари») каби 56 та асар яратган. У «Устоз уд-дунё», «Устоз ал-араб ва ал-ажам», «Фахру Ховаразм», «Жаруллоҳ» каби шарафли унвонларга эга бўлган. Олимнинг асарларида инсон камолотига оид пурмаъно фикрларни кўплаб учратишимиз мумкин. Уларда асосан инсонларни тўғри йўлга, покликка, ҳалолликка чорлайди. Олимнинг ижодий меросидан таълим жараёнида унумли фойдаланилса, ахлоқий тарбия борасида ижобий натижаларга эришиш имкони яратилади.

Академик – юксак илмий унвон. ЎзР да ЎзР ФАда академиклар сайланади. Академиклик унвони ЎзР ФА ва бошқа илмий ҳамда ўқув муассасаларининг олим ва ижодкорларига, шунингдек, айрим шахсларга берилади.

Академик даража – икки босқичли олий таълимда бериладиган (бакалавр ёки магистр) даражадир.

Академик лицей (АЛ) – ўрта махсус ўқув юрти. Академик лицейлар ўқувчиларнинг қизиқишларини ва қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг жадал интеллектуал ривожланиши, чуқурлаштирилган ихтисослаштирилган ҳолда ўқитишни таъминлайди. Академик лицейлар, асосан олий ўқув юртлари қошида ташкил этилади ва уларнинг битирувчилари ўзларининг олий ўқув юртларига ёки танлаган бошқа йўналишдаги олий ўқув юртига кириш ҳуқуқига эгадир.

Унга ЎзР да 1997 йил 29 августда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»га мувофиқ умумий ўрта таълим мактаблари (9-синф)ни тугатган ўқувчилар қабул қилинади. Таълим муддати 3 йил бўлиб, унда ўрта махсус маълумот беради. Ўқувчиларнинг интеллектуал қобилиятини жадал ўстиришни, уларнинг чуқур, табақалаштирилган ва касб-ҳунарга йўналтирилган билим олишларини таъминлайди. АЛларда ўқувчилар ўзлари танлаб олган таълим йўналиши (гуманитар, техника, аграр ва бошқалар) бўйича билим савияларини ошириш ҳамда фанларни чуқур ўрганишга қаратилган махсус билим олиш имкониятига эга бўладилар. АЛ ни битирувчиларга давлат томонидан тасдиқланган диплом берилади ва у таълимнинг кейинги босқичларида ўқишни давом эттириш ёки эгаллаган ихтисослик бўйича ишлаш имконини беради.

Академия – илмий кадрлар тайёрлашнинг аниқ соҳалари бўйича олий ва олий ўқув юртидан кейинги таълим дастурини амалга оширади.

Академия – юнонча сўз бўлиб, у Akademos – афсонавий қаҳрамон Академ номидан олинган. Академия кўпинча илмий муассаса, жамоат ташкилотлари ва ўқув юртларининг номи. Жумладан, милоддан аввалги IV асрларда Платон (Афлотун) асос солган юнон фалсафий мактаби; Шарқ мамлакатларидаги академия тарзидаги муассаса ва жамиятлар VIII – IX асрларда ташкил топа бошлаган. Араб халифалигида Хорун ар-Рашид ҳукмронлиги даври (786-809)да «Байт ул-ҳикмат» («Байт ул-ҳикма»)га асос солиниб, халифа Маъмун ҳукмронлиги даври (813-833)да «Байт ул-ҳикма»нинг фаолияти янада ривож топган, унинг расадхонаси ва катта бой кутубхонаси бўлган.

Акмеология – инсоннинг касб-ҳунар (мутахассислик) жараёнида энг юксак босқичларга етишиш муаммоларини ўрганувчи фандир.

Айниқса, инсоннинг камолот даврига етган ва ривожланиш жараёнини ўрганади.

Акме сўзи (русча-расцвет, вершина) – камолот, юксалиш, етуклик маъноларини англатади.

Акмеология жаҳон миқиёсида илм-фаннинг ривожланиши жараёнида техника, тиббий ва бошқа фанлар қатори ривож топаётган фандир.

Акмеологиянинг мазмун-моҳияти: Инсоннинг ҳар бир касб-ҳунарни билим орқали чуқур эгаллаши, унинг жамият ривожи, миллат равнақи, турмуш фаровонлиги ҳамда ижтимоий тараққиётнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий-ҳуқуқий жиҳатларига ижобий таъсирни кучайтиришга хизмат қилишини чуқур англаши, ўз ижодий фаолиятини, касб-ҳунар соҳасидаги бурч ва масъулиятини адо этишга сарфлаш мақсадида мукаммаллик ва камолотга эришиш жиҳатларини фанлар билан уйғунликда ўрганишдан иборатдир.

Акмеология қуйидаги фанлар билан ҳамкорлик қилади: тарих; ҳуқуқ; фасафа, социология, генетика, психология, педагогика, этика, эстетика, валеология, геронтология.

Акмеологиянинг тадқиқот объекти – бу объектив қонуниятларга асосланган ҳолда касб-корликнинг методологик, техннологик ҳамда гуманитар (инсонпарварлик) жиҳатларини ўрганишни эгаллаш жараёнида, жамият ривожида касб-ҳунарнинг моддий, иқтисодий ва маънавий жихатлари билан боғлиқ акмелогик муаммолар юзага чиқади. Масалан, бозор муносабатларининг ривожланиши янги касб-ҳунарларни шакллантириш, етук ва давр талабларига монанд кадрлар долзарб муаммо бўлмоқда. Глобализация, модернизация, экология, демография, технологик жараёнлар ва ижодий фаолиятга комплекс ёндошиш, касб-корлик маданияти, комиллик ва

мукаммаллик ҳақида аллома ва мутафаккирларнинг қарашларини таҳлил қилишда миллий ва умуминсоний қадриятларга хос жихатларни ва замонавий тажрибаларни чуқур эгаллаш, техника, технология ва ахборот маданиятини ўзлаштириш масалалари акмеологиянинг предмет объектидир *(Шайхова Х.О.).*

Алгоритм (алгорифм) – бирор операциялар (амаллар) системасини маълум тартибда бажариш ҳақидаги аниқ қоида бўлиб, маълум синфга оид мисол ва масалаларни ечишга имкон берувчи қатъий кетма-кетлик. Алгоритм даставвал берилган маълумотлар ёрдами билан чекли сондаги қадамлар (амаллар) орқали изланаётган натижага олиб келади. Бунда берилган маълумотлар маълум чегара ичида ўзгаради.

Алгоритм сўзи IX-асрда яшаган улуғ ўзбек олими Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий исмидан келиб чиққан. Арабча ал-Хоразмий хоразмлик деган маънони англатади ёки лотинлаштирилгани **Algorithm** кўринишида бўлади.

Ал-Хоразмий арифметика ва алгебрага оид муҳим асарлар яратди. Бу асарлар XII асрга келиб араб тилидан лотин тилига таржима қилинди.

Европаликлар Ал-Хоразмийни ўнли позицион саноқ системаси ва алгебранинг асосий қоидаларига оид асарлари орқали таниган эди.

Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийнинг биргина **«Ҳинд арифметикаси ҳақида китоб»** асарида математика фани тараққиётида хусусан, **сонлар назариясининг** такомиллашувида муҳим роль ўйнайди. Бу асарда **Ҳиндистонда** кашф этилган рақамлар соддалаштирилган ва уларнинг моҳияти араб тилида биринчи марта баён этилган. У томонидан соддалаштирилган саноқ системаси истеъмолга киргунга қадар қўпол саноқ усулларидан фойдаланиб

келинган. Ал-Хоразмийнинг сонлар назариясини такомиллашувидаги буюк хизматларидан бири **ўнлик позицион саноқ системасига** асос солди, яъни 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9 араб рақамларига йўқ сон (“0”- ноль)ни қўшишни кашф қилди ва ушбу саноқ системасида 9 сонидан кейинги сонлар (10, 11, 12, 13, 14, 15, …..) қатори ҳосил қилинди.

Ал-Хоразмийнинг ўнлик саноқ системасини яратиш бўйича қилган кашфиётини фанда **сонлар назариясининг буюк инқилоби** бўлди, деб эътироф этилди.

Алгоритм – педагогик технология таркибий бўлаклари (модуллари) ўзаро кетма-кет жойлашувининг ҳамда педагогик технология жараёнларини амалга оширишнинг қатъий кетма-кетлигининг белгиланган қоидаси.

Белгиланган қонун-қоидаларни бажариш (алгоритмни амалга ошириш) да ҳеч қандай ихтиёрийликка йўл қўймаслик керак ва ундан мазкур йўналишдагилар фойдалана олиши керак.

Алгоритмларнинг бажарилиш жараёнини маълум бир босқичидан (узлуксиз таълим тизимида) кейин бошқа босқичига айрим кўрсатмалар (мақсад ва вазифалар) бериш йўли билан ўтиш мумкин.

Алгоритмни қўлланиш соҳаси деб, алгоритм натижавий бўлган бошланғич маълумотларнинг энг катта соҳасига айтилади. Бошқача айтганда, агар масала шартлари қўлланилиш соҳасидан олинган бўлса, у ҳолда алгоритм бу шартларни қайта ишлайди ва тўхташ рўй беради, агарда шартлар бу соҳадан олинмаган бўлса, унда ё ҳеч қачон тўхташ рўй бермайди, ёки тўхташ рўй берса ҳам биз натижасини ҳисобга олмаймиз.

Алгоритм – маълум бир турга оид масалаларни (муаммоларни ечишда ишлатиладиган амал операция) ларнинг – ҳаракатларнинг муайян тартибда бажарилиши ҳақидаги аниқ қоида (қонун, дастур).

Бунда асосий мақсад фоқеа ва ҳодиса (манба)ларда бўлаётган жараёнлар кечишининг қатъий кетма-кетлигини ўрнатишдан иборат бўлиб, унинг ёрдамида маълум бир турга оид ҳамма масалаларни ечишда ишлатиладиган амаллар тизимининг муайян тартибда бажарилиши ҳақидаги аниқ қоидани яратилади. Таълим-тарбия жараёнидаги қатъий тартибни ўрнатишга имкон беради. Бир хил русумдаги (типдаги) масалаларни (муаммоларни) оммавий ҳал қилишга ундайди. Оммавий ҳал қилинадиган муаммоларни ва улар тўғрисидаги билимларни мустаҳкамлайди.

Алгоритм термини кишилик жамияти турли жабҳаларида қўлланилади ва мантиқий ҳамда сонли алгоритм кўринишда ишлатилади. Алгоритмлардан турли фан йўналишларида фойдаланилади, ҳаттоки, уларнинг баёни алгоритмик тарзда бўлади.

Алгоритм термини IX асрларда яшаган ватандошимиз Ал-Хоразмий номи билан боғлиқ ҳолда истеъмолга кирди ва бугунги кунда «Алгоритмлаш назарияси» номидаги аниқ йўналиш пайдо бўлди. Алгоритмлаш номли табиий-математик фанларда алоҳида йўналиш бўлиб, мунтазам равишда ривожланади.

Алгоритмлаш – педагогик технология таркибий бўлаклари модулларининг ўзаро жойлашувини ҳамда педагогик технология жараёнларини амалга ошириш кетма-кетлиги тартиби (қоидаси) ни белгилаш жараёни.

Алишер Навоий (1441-1501). Тўлиқ исми – Низомиддин Алишер Навоий.

У Ҳиротда туғилиб, шу ерда яшаб улғаяди. Болалигидан адабиёт ва бадиий ижодга муҳаббати баланд эди, шеър тинглашни ва ўқишни жуда севган.

Алишер Ҳиротда ва Машҳадда ўқиган, мантиқ, фалсафа, мусиқа, ҳуснихат ва бошқа фанларни, араб, форс тилларини ўрганган. 15 ёшида халқ орасида истеъдодли шоир сифатида танилган.

Устозлари: Мир Саййид Қобулий (тоғаси), Лутфий, Абдураҳмон Жомий, Муҳаммад Али Ғарибий, Абуллайсий Самарқандий.

*Шогирдлари***:** Камолиддин Беҳзод, Мирак Наққош, Султонали Машҳадий, Устод Ноий, Абдуллоҳ Ҳусайний ва ҳ.к.

*Асарлари***:** «Ҳамса»: «Ҳайрат ул-аброр» (1483), «Фарҳод ва Ширин» (1484), «Лайли ва Мажнун» (1484), «Сабъаи сайёр» (1484), «Сади Искандарий» (1485); «Хазоин ул-маоний» (1491-1498), «Муҳокамат ул-луғатайн» (1499), «Бадойи ул-бидое» (1500), «Мажолис ун-нафоий», «Маҳбуб ул-қулуб», «Лисон ут-тайр», «Насойим ул-муҳаббат», «Назмул жавоҳир». Навоий ўз асарларида комил инсон образини талқин этади. Унинг асар қаҳрамонлари жисмонан кўркам, гўзал бўлиш билан биргаликда маънан етук, ахлоқан баркамол шахс сифатида намоён бўлади. Таълим жараёнида Навоий асарларидан фойдаланиш натижасида талабаларда барча ижобий ахлоқий фазилатлар юксалтирилади.

Ал-Ахсикатий (1073-1134). *Тўлиқ исми* – Абу Рашод Аҳмад ал-Ахсикатий. Фарғона водийсининг Ахсикат шаҳрида туғилган. У ёшлигидан илм-фанга қизиқиб, араб, форс, юнон тилларини қунт билан ўрганган. Бошланғич таълимни Ахсикатда олади, сўнг Марвга бориб ўқийди. Ал-Ахсикатий «Фазллар эгаси» унвони билан эл ўртасида машҳур бўлади. У Марвда адиб, шоир, котиб, ёзувчи ва султонлар девонида мунший бўлиб ишлаган.

Устозлари: Абу Қосим Маҳмуд ас-Суфий, Абу Музаффар ас-Саъноний.

Шогирдлари: У мадрасаларда мударрислик қилиб кўплаб шогирдлар етиштирган.

Асарлари: «Тарих китоби», «Уларнинг сўзлари ҳақида китоб», «Қўшимчалар китоби» кабилар. Абу Аъло ал-Маарийнинг «Чақмоқ тошдан чиққан учқун» асарига шарҳ ёзиб, тилшуносликка оид фикрларини баён этади.

Алоқадорлик – бу муҳит, тизим ва унинг элементлари орасидаги моддий, энергетик, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий жиҳатдан ахборотлар алмашинувидир.

Муҳит – бу тизимни ўраб турган ва фаолият кўрсатишга таъсир кўрсатадиган ҳолатдан иборат.

Алоқадорлик жараёни кечишида тизим ва муҳитни эътиборга олишда узвийлик доимо эътиборда бўлади, чунки берилган тизимни бевосита ўраб турган муҳитнинг ўзи бошқа бир умумий тизим ҳам бўлиши мумкин.

Аллома – арабча сўз бўлиб, у Ўрта Осиё халқларида илм – фаннинг бир ёки бир нечта соҳасининг мукаммал эгаллаган киши, билимдон шахсдир.

Амалга ошириш - фикр (ғоя, назария, модел, алгортм, мезон, тамойил ва ҳ.к) дан амалиётда фойдаланиш. Масалан, дарсда таълимнинг инновацион усулидан фойдаланиш ва шу кабилар.

Амалий (тадбиқий) тадқиқот (АТ) – бу мавжуд ишлаб чиқариш воситаларини, истеъмол предметларини такомиллаш ёки янгисини яратиш билан тавсифланувчи ижодий жараён. **АТ нинг мақсади** фундаментал тадқиқотда олинган билимни моддийлаштиришдан иборат. Бунда кўпроқ дедукция тадқиқот усулидан фойдаланилади ва бевосита муайян тадқиқот объекти билин иш кўради. Бу жараён ижтимоий соҳаларди инсон, жамоа, қатлам ва жамият билан иш

кўрилса, техника соҳасида (ишлаб чиқариш соҳасида) эса тадқиқот объекти механизм, машина, технология ёки ташкилий структура, яъни «Сунъий» табиат билан иш олиб борилади. Тадқиқот ишини амалий йўналтирилганлик ва аниқ мақсадларга амалий тадқиқотдан ҳоҳлаган мақсадни олишнинг катта эҳтимолини беради.

Амалиёт – Назарий билимларни амалиётда қўллаш – бу амалиёт деб аталади.

Амал қилиш муддати - жавобгар идоранинг қарорига мувофиқ меъёрий ҳужжатларни муомалага киритиш вақтидан бошлаб, уни бекор қилиш ёки алмаштиришгача бўлган даври.

Амир Темур (1336-1405). *Тўлиқ исми* – Амир Темур Кўрагон ибн Амир Тарағай. Амир Темур ёшлигида хат-савод чиқариб, ўз даврининг тиббиёт, риёзиёт, фалаккиёт, меъморчилик ва тарих илмларини ўрганган. У дастлабки саводини оилада чиқаради ва 7 ёшидан мадрасада ўқий бошлаган ҳамда ёшлигида мадрасадаги тенгқурларидан ўзиб кетган.

Устоз-пирлари: Шайх Шамсиддин Кулол, Саййид Амир Кулол, Шайх Зайниддин Тойбодий (Саййид Барака), Шайх Бобу Сунгу.

Асарлари: «Темур тузуклари», «Малфузоти Темурий» («Темурнинг айтганлари»), «Воқиоти Темурий» («Темурнинг бошидан кечирганлари»). Булардан ташқари Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида тарихчи ва ёзувчилар яратган машҳур асарлари ҳам мавжуд («Зафарнома», «Темурнома» кабилар). Амир Темур фарзандлари ва набираларига айтган панд-насиҳатларида адолатлилик, ўзаро ҳурмат, инсонпарварлик, саховатлилик каби ахлоқий фазилатларни устун қўяди. Бугунги кунда талабаларда ахлоқий фазилатларни ривожлантиришда «Темур тузуклари»даги ахлоқий тарбияга оид қарашларидан унумли фойдаланиш лозим.

Анализ - дарс ўтиш жараёнини таҳлил қилиш.

Анализ (бўлакларга ажратиш**) –** бу нарса, воқеа ва ҳодисаларни таркибий қисмларга, бўлакларга ажратишдир.

Ананавий дарслар – дарсни бир хил ўтиш жараёни. Ҳар доимги бир хил ҳолат.

Андиша – бу оқибатини ўйлаб ёки юз-хотир қилиб юритилган мулоҳаза, эҳтиёткорлик ҳиссидир.

Андишали одам деганда, оқибатини ўйлаб иш қиладиган, юз-хотирни биладиган, ор-номусли, шарм-ҳаёли, иболи инсонни тушунамиз. Одатда андишали одам бетгачопарлик қилмайди, фаросат билан иш тутади.

Андишалилик – бу кўпроқ ўзбекларга хос хислат бўлиб, унда катталар сўзига қулоқ солиш, даврада одоб сақлаш, ота-онага, катталарга, аёлларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, сабр-тоқатли бўлиш ҳисси муҳим роль ўйнайди.

Андишалилик – андишанинг оти қўрқоқ эмас, балки андишалилик иродалилик белгисидир.

Андоза – бу 3 босқичда олиб борилади:

1.Қизиқишни уйғотиш.

2.Саволларга жавоб излаш мақсадида тадқиқ қилиш.

3.Хулосаларни тузиш натижалар устида фикрлаш.

Андозалаштириш – намойиш қилиш; кимнингдир фикрлари (ғоялари, қарашлари, таълимотлари) ёки етук мутахассисларнинг фаолиятини уюштириш мумкин бўлган мисолни (намунани) тақдим этиш. Шунингдек, моделлаштириш масалалари ҳам ушбу йўналишга деярли мос келади.

Андрагогика – катта ёшдагилар таълими. Бу – катта ёшдагиларнинг ўқиш, ўрганиш жараёнидаги ўзига хосликлари, касбий

эҳтиёж ва қизиқишлари, таълимга тайёрлиги, билим, кўникма, малака даражаси, дунёқарашлари, ҳаётий тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг таълим-тарбия жараёнини ташкил қилишнинг илмий, назарий, методик масалаларини ўрганувчи фан *(Йўлдошев Ж., Йўлдошева Ф., Йўлдошева Г.).*

Анжуман – форс – тожикча сўз бўлиб, кенг доирада ўтказиладиган йиғин, кенгаш, мажлислар ва шу кабилардир.

Аниқ қарорлар – аниқ ҳамда тўла – тўкис исботланган маълумотлар, хабар ва янгиликлардан иборат ахборотлар асосида қабул қилиниб, улар мазкур қарорларнинг бажариш хусусиятларини беглилайди *(Джураев Р.Х., Турғунов С.Т).*

Аниқлаштириш методи – бу умумий назариядан айрим қўллашларга ўтиш ёки абстрактдан аниқ кўп хилликка ўтиш; аниқлаштириш натижаларини белгили расмийлаштириш (мисол, масала, чизма, модель, алгоритм, ҳисобот, иншо ва ҳ.к) ларнинг мажмуасидан иборат.

Аниқлаштириш методи компонентлари:

Умумий назариядан айрим қўллашларга ўтиш ёки абстрактдан аниқ кўп хилликка ўтиш; аниқлаштириш натижаларини белгили расмийлаштириш (мисол, масала, схема, модель, хисобот, иншо ва ҳакозолар тарзида) ва шу кабилар.

- **Исбот методи компонентлари:** Тезисни аниқлаш; исбот усулини танлаш; зарур ва етарли далилларни саралаш; хулосаларни таърифлаш (қарши усул, классификация); сабаб-оқибат алоқаларини аниқлаш; исбот, фикр, алгоритм, схема, модель ва шу кабилар.

- **Тушунчаларни аниқлаш ва тушунтириш методи компонентлари:** Хил ва тур белгиларини топиш; кўрсатиш,

тушунтириш, тасвирлаш, таъриф бериш, натижаларни (мантиқий таърифлаш, тушунча диктанти, ўйинлар ва ҳакозо) белгили расмийлаштиришлар киради (*Алимов Н.Н*).

Анкета - Сўров шакли. Савол ва тестлар ёрдамида амалга оширилади.

Анкеталар методи – бу ўқувчилардан сўраш усули бўлиб, у ўқувчилар жамоасининг билимлари тўғрисидаги керакли маълумотларни олиш учун, уларнинг фикрлари ва қарашларини аниқлаш ҳамда касбга йўллашни белгилаш учун махсус шаклда ишланган бўлмоғи лозим. Анкетада кўзланган мақсадга мувофиқ саволлар бўлиб, уларнинг жавобларидан педагогик натижалар келиб чиқиши кўзда тутилади. Ёзма жавобларни оммавий равишда йиғиб олиш методи **анкета методи** деб аталади. Анкеталарни ишлаб чиқариш мураккаб илмий жараён. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги анкеталар мазмунига, берилган саволлар шаклига, тўлдирилган анкеталар маълумотларини ЭҲМ ни қўллаб, математик-статистик методлар билан ишлашга имкон берадиган қилиб тузилади. Ҳужжатларнинг етарли даражада аниқлик билан шундай таҳлил қилиниши педагогик жамоаларнинг реал фаолиятидаги сабабли боғланишлар ва боғлиқликларни аниқлашга ёрдам беради.

Аннотация – (лотинча annotatio – қайд) - қисқача таъриф бўлиб, у китоб, қўлёзма мундарижасини ва бошқа жиҳатларини очиб беради.

Анъана – арабча сўз бўлиб, узоқ замондан бери авлоддан – авлодга ўтиб давом этиб келаётган урф – одатлар, ахлоқ мезонлари, қарашлар ва шу кабилардир. Анъана – ижтимоий ва маданий меросдир *(Зуҳра Исмоилова)* .

Анъана – бу узоқ вақтлардан бери аждоддан – авлодга ўтиб келаётган ва бизгача етиб келган, кўпчилик томонидан қабул қилинган

тартиб ва қоидалардир. «Анъана», «Урф – одат», «маросим» лар бир – бирига боғланиб, кўпинча урф – одат тушунчаси асосида тарғиб қилинади.

Анъанавий ўқув адабиётлар – билим олувчиларнинг ёши, психологик ва физологик хусусиятлари, маълумотлар ҳажми, матн ўлчовлари-шрифтлари, қоғоз сифати, муқова тури каби кўрсаткичларни инобатга олган ҳолда қоғозда чоп этиладиган манбалар *(Тойлоқов Н., Маллаев З.).*

Анъанавий қарорлар – бу таълим жараёнини илмий асосда ташкил этиш, таълим сифатини давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқлаштириш, педагогик ходимларда зарурий кўникма ва малакаларни шакллантириш ҳамда таълим муассасаси фаолиятини такомиллаштириш йўналишидаги иш режалари, турли дастурларни тасдиқлаш, шунингдек, одатий вазиятларда қилиндиган қарорлардир *(Джураев Р.Х., Турғунов С.Т).*

Арбоб – XVIII, XIX ва XX аср бошларида Бухоро амирлигидаги қишлоқ ва шаҳарларда маҳалла бошлиғи оқсоқол, қишлоқ мироблар бошлиғига нисбатан айтилади. Ҳозирги кунда ижтимоий – сиёсий ҳаёт, маданият ва фан соҳасидаги машҳур киши арбоб дейилади.

Архив методи (АМ) – бу кундалик қайдномаларни ва ёзувларни, архив маълумотларини меҳнат, ўқув ёки ижодий фаолиятни тахлил қилувчи тадқиқот тури.

«АМ хилма-хиллигига контент – анализ техникаси ҳам таълуқлидир. Контент – анализ ўзидан янада такомиллаштирилган хужжатлар анализининг қатъий методларини намоён қилади. Тадқиқотчи мазмун бирлигини ажратиб олинган маълумотларни умумлаштиради».

Бу метод нафақат психологияда, балки бошқа илмий адабиётларда ҳам кенг тарқалгандир. Бу методдан кўп ҳолларда, асосан сиёсий психология, реклама психологияси, алоқаларда кенг фойдаланилади.

Контент – анализни ишлаб чиқиш Г.Лассуэла, Ч.Осгуд, Б.Берельсонлар номи билан боғлиқ бўлиб, улар «котент –анализ; коммуникатив тадқиқотлар» фундаментал монографиянинг муаллифларидир.

Контент –анализдаги матн таҳлилининг стандарт бирлиги бўлиб: 1)сўзлар; 2)тугалланган фикр; 3)мавзу; 4)персонаж; 5)муаллиф ва 6)яхлит ҳолдаги йўлланма ҳисобланади. Улар бир мазмунда янада умумий тузилиш сифатида кўриб чиқилади. Контент – тахлил маълумотларни қайта ишлашнинг бирқанча усуллари мавжуд». *(Нишонова З.Т. Қаршиева Д.С. Экспериментал психология. –Т..: 2006й. - 25 бет.)*

Асимметрия тамойили – бунда объектнинг симметрик шаклидан симметрик бўлмаган ҳолатга ўтиши таъминланади.

Асириддин ал-Ахсикатий (1108-1198). *Тўлиқ исми* – Абулфазл Муҳаммад Тоҳир Асириддин ал-Ахсикатий. У болалик ва ўқиш йилларини Ахсикатда, сўнгра Фарғонада ўтказган. Ўқишни давом эттириш учун дастлаб Балхга, сўнгра Ҳирот ва Марвга боради, бир қатор мадрасаларда таҳсил олади. У ўз даврининг тиб, риёзиёт, кимё, нужум, ҳикмат, фалсафа, мантиқ илмларини пухта ўрганади. Унга Қизил Арслон ҳукмронлиги даврида «Малик уш-шуаро» ва «Амири шуаро» унвонлари берилган.

Асарлари: шоир жами 13300 мисра шеър ёзган бўлиб, шундан 8678 мисраси қасида, 2882 мисраси эса ғазал бўлиб қолганлари қитъа, рубоий, фард, таржеъбанд каби шеърий асарлар бўлган. Бугунги кунда шоирнинг қўлёзмалари дунёнинг машҳур шаҳарлар (Лондон, Берлин,

Теҳрон, Душанбе) кутубхоналарида сақланмоқда. Шоирнинг ғазалларида ахлоқ, одоб, инсоний фазилат, Ватан туйғуси, ишқ-муҳаббат, илм-маърифат, ор-номус масалалари кенг ўрин тутади. Ёшларни шоир ижоди билан таништириш ахлоқий тарбия борасида яхши самара беради.

Асос – ўзаро боғланган баъзан эса бир-бирининг ўрнини босадиган фикрлар (ғоялар, моделлар, алгортмлар, мезонлар, тамойиллар ва шу кабилар) қатори, масалан, давлат фикрлаш асосларида, агар янги стратегиялар ҳудди шу мақсадларга хизмат қилса, ҳар бир босқич ичида стратегияларни алмаштириш мумкин.

Аспирант – лотинча aspirans – бирор нарсага интилувчи илмий тадқиқот ишига лаёқати бўлган ҳамда илмий тадқиқот институти ёки ОЎЮ аспирантурасида номзодлик диссертацияси устида илмий тадқиқот ишлари олиб бораётган олий маълумотли ёки магистр академик даражасига эга бўлган мутахассис.

Аспирантура – олий ўқув юртидан кейинги таълим босқичи бўлиб, магистрлик негизида уч йил (тўрт йил сиртқи) давом этади. Аспирантура УТТнинг таркибий қисми, олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар (фан номзодлари) тайёрлаш шакли. Бу даражанинг мақсади муайян мутахассисликлар бўйича олий тоифали илмий ва илмий педагогик кадрларни шакллантиришдан иборат. Диссертацияни муваффақиятли ҳимоя қилганларга «Фан номзоди» илмий даражаси берилади.

Атама – табиий тилдаги сўз ёки сўз брикмалари (нол ёки абстракт нарсаларни ифодоловчи). Атаманинг у ёки бу контекстдаги маъноси тўғрисидаги масала доим муҳокама қилинади, чунки одатдаги тил кўп маъноли. Одатдаги тил маъноли бўлганлиги сабабли, атаманинг ҳар бир ҳолатидаги қўлланилиши маъноли муҳокама қилиб борилади. Бир фан

ёки илмий назариялар, атамалар битта маънода ишлатилади. Атамалар назарий ва эмперик турларга ажратилади. Назарий атамаларга тажриба билан асосланган, эмперик атамага эса тажиба орқали тасдиқланган хулосалар тегишли бўлади.

Аттестат – лотинча «attestoer» сўзидан олинган бўлиб, «гувоҳлик бераман», деган маънони билдиради ва ходимнинг малакасини, ўқитувчиларнинг билим даражасини белгиловчи ҳужжат.

Аттестат – ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тайёрлов йўналишлари бўйича бошланғич малакасини олганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Ат-Термизий (824-892). Тўлиқ исми: Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ибн Саара ат-Сулами ал-Буғий ат-Термизий. У 824 йили Термиз яқинидаги Буғ қишлоғида дунёга келади ва болалигидан илмга қизиққан, айниқса, ҳадис илмини чуқур эгаллаган. У ёшлигидан ҳадисларни тўплай бошлаган ва бу йўлда кўплаб ҳадис илми олимлари билан мулоқотда бўлиб, уларнинг суҳбатини олган. Ҳижоз, Макка, Мадина, Ироқ, Хуросонда бўлиб ҳадис илми, фиқҳ, илми ал-қироат, баён тарих ва бошқа илмларни ўрганади.

Устозлари: Имом ал-Бухорий, Имом Муслим, Имом Абу Довуд, Қутайба, ибн Саъийд, Исҳоқ ибн Мусо, Маҳмуд ибн Ғайлон, Саъид ибн Абдураҳмон, Муҳаммад ибн Башшорс, Али ибн Ҳужр, Аҳсад ибн Мунияъ, Муҳаммад ибн ал-Мусанно, Суфён ибн Вақиъ.

Асарлари: «Суннан», «Аш шамоил ан-Набавий» («Пайғамбарнинг алоҳида фазилатлари»), «Ал-илал фил-ҳадис» («Ҳадислардаги иллат ва оғишлар ҳақида»), «Китоб ат-тарих», «Китоб аз-зуҳд» («Зоҳидлик ҳақида китоб»), «Китоб ал-асмл вал-куна» («Ровийларнинг исм ва лақаблари ҳақида китоб») ва бошқалар. Ат-Термизий асарларида доимо инсонни ҳалоллик, адолат, эътиқод, диёнат, коплик, меҳнатсеварлик,

мурувватлилик, меҳр-шафқат, катталарга, ота-она ва қариндошларга ҳурмат руҳида тарбиялашга катта эътибор берган. Ушбу асарлардан бугунги кунда таълим жараёнида фойдаланиш ижобий самаралар беради.

Афина мактаб тизими – уч турдаги мактаблардан, яъни мусиқа, гимнастика ва гимназия мактабларидан иборат эди.

Мусиқа мактаби – хусусий мактаб бўлиб, унда пул тўлаб ўқитилар эди. Мусиқа мактабларида фақат 7 ёшдан 16 ёшгача бўлган бой қулдорларнинг ўғил болалари ўқирдилар. Бу турдаги мактабда мусиқий тарбия ҳам бериларди (“muza” сўзидан олинган, қадимги Юнонистонда «Muzi» - санъат, адабиёт ва фан худоси ва хомийси). Мусиқий таълимотнинг мазмуни хат-савод, адабиёт, ҳисоб, декламасия, ашула ва мусиқа дарсларини ўқитишдан иборат эди.

Гимнастика мактаби – палестра (кураш мактаби) дейиларди. Бу маълум бир тоифадаги кишиларга қарашли мактаб бўлиб, унда 12 ёшга кирган ва айни вақтда мусиқа мактабини ўқиётган ўғил болалар пул тўлаб ўқир эдилар. Бу турдаги мактабда ўсмирлар югуриш, сакраш, диск ирғитиш, найза санчиш ва кураш машқини бажарардилар, шу билан бирга сузиш машқларини ҳам ўтказар эдилар.

Гимназия – давлатга қарашли мактаб бўлиб, унда асосан Афинадаги катта ер эгалари – киборларга мансуб номдор оилалардан чиққан, мусиқа ва гимнастика мактабларини тамомлаган аслзода ёшлар ўқирдилар. Бунда улар 16 ёшдан 18 ёшгача жисмоний, ақлий, ахлоқий ва эстетик тарбия олишларини давом эттирар эдилар. Бундан ташқари аслзодаларни давлатни идора қилишга лаёқатли қилиб тайёрлаш мақсадида уларга фалсафий ва сиёсий тарбия берилар ҳамда нотиқлик санъати ўргатилар эди. 18 ёшга тўлган аслзодалар эфеблар гуруҳига мансуб бўлиб, улар 20 ёшгача махсус ҳарбий тайёргарлик кўрар, айни

вақтда ижтимоий-сиёсий тарбия ҳам олар эдилар. Қизлар эса ёшлигиданоқ уй-рўзғор ишлари билан шуғулланар эди [Ҳасанбоева О., Ҳасанбоев Ж., Ҳамидов Ҳ. Педагогика тарихи. Т.: 2004, 11-12 бетлар].

Афина тарбияси – милоддан аввалги VII-V асрларда қадимги Афинада болалар ва ўсмирлар (қуллардан ташқари) тарбияси тизими. 7 ёшдан 16 ёшгача бўлган болалар грамматика мактаби, кифарачилар ва палестра мактабида ўқитилган. Ўзига тўқ оилаларнинг фарзандлари Машғулотларни 18 ёшгача гимназияда давом эттирганлар. 18-20 ёшдаги ўсмирлар тарбияси Эфебияда шуғулланиш билан якунланган. Маънавий тарбия гимнастик тарбия билан қўшиб олиб борилган. Жисмоний меҳнат билан шуғулланишга йўл қўйилмаган (ЎзМЭ. 1-том, 511-бет).

Афсона – халқ оғзаки ижоди жанри. У хаёлот, уйдирма ва тўқимадан иборат бўлса-да, сўзловчи ва тингловчи томонидан ҳақиқатдек тасаввур этилади, ҳатто бўлиб ўтган даври, макон ҳам кўрсатилади. Афсоналар оғиздан-оғизга, элдан-элга ўтиб келган.

Афсона оғзаки ҳикоят бўлиб, у хаёлий образ ёки тасаввур асосига қурилади, ҳикоя қилувчилар ва тингловчилар томонидан қачонлардир шундай бўлгандек қабул қилинади. Ривоятдан фарқли ўлароқ афсона заминида албатта мўъжиза, сеҳр-жоду бўлади. Афсоналар олам ҳақида, топонимик, элатларнинг келиб чиқиши, ҳайвонот дунёсига оид, табиат воқеа-ҳодисалари хусусида, тарихий шахслар тўғрисида, диний ва бошқа турли-туман мавзуларда бўлади (ЎзМЭ. 1-том, 521-бет).

Ахборот - агарда тайёрланган маълумотлардан бирор нарса (жараён, ҳодиса) тўғрисида аниқликни ошириш мақсадида фойдаланилса, у ҳолда фойдаланган маълумотларга ахборот деб аталади.

Ахборотлаштириш ахборот жараёнларини ривожлантириш восита ва шароитларининг бутун мажмуи бўлиб, тегишли техник, баъзани

яратиш, ташкилий – иқтисодий, маданий маърифий, ислоҳатлар қилишни ўз ичига олувчи жараён бўлиб, у таълимни технологиялаштиришга кенг имкониятлар яратади.

Ахборотлар таълим-тарбия жараёнларини бошқаришда асосий манба бўлиб ҳисобланади, чунки улар объектдан олинган ахборотларни тизимларга (қисм тизимларга) ажратиш ва қайта ишлаш ҳамда керакли мақсадлар бўйича узатиш алгоритмларини амалда жорий этишга кенг имкониятлар яратади.

Инсониятнинг ахборот ишлаб чиқариш бўйича имкониятларини кучайтирувчи замонавий технологиялар, ахборотлашган жамиятнинг интеллектуал салоҳияти сифатини ҳам белгилайди ва бундай жараёнлар ахборотлаштириш саноатини мунтазам ривожланишини таъминлайди.

Ахборотлардан самарали фойдаланиш асосида фаолият кўрсатиш қуйидаги вазифаларни ҳал этишнинг оптимал йўлларини таъминлаб беради: манба ва унда кечадиган жараён тўғрисидаги маълумотларни қайта ишлаш; жараёнлар кечиши ҳақидаги даврий маълумотларни мунтазам олиб туриш ва улар асосида оралиқ назоратлар олиб бориш; ихтиёрий жорий сўровларга ўша пайтнинг ўзида жавоб олиш, расмийлаштириш ва бошқаришига керакли тузатишлар кирита олиш ва шу кабилар.

Ахборотлаштириш соҳасидаги туб бурилишларнинг ниҳоятда аҳамиятлиси, яъни ҳақиқий инқилобий тусдаги ахборотлаштириш, бу ЭҲМ лар базасидаги фан ва техника инқилобини ўз ичига олади.

Ахборот – истеъмол учун тайёрланган теварак-атроф (манбалар) - дан олинган маълумотлар ахборот деб аталади.

Ахборот воқеа ва ҳодисалар ҳақидаги истеъмолдаги маълумотларни беради. Ҳодиса ва воқеалар мазмун-моҳиятини очиб беради.

Педагогика фани талқинидаги маълумотлар бериш номидаги бўлимда ва таълим-тарбия жараёнидаги барча маълумотларни тўплаб, уларни ўрганилаётган манбага мос тизимларга ажратиб, истеъмолга тайёрлаб беради ва тайёрланган ахборот орқали педагогик фаолият олиб борилади. Ахборот термини кишилик жамиятининг барча жабҳаларида қўлланилади ва улар асосида таълим-тарбия жараёни олиб борилади ҳамда педагогик фаолият бошқарилади.

XXI аср – ахборотлаштирилган жамият сари асрида ахборотнинг роли ва ўрни кундан-кунга ўсиб бораверади ҳамда ахборот саноати вужудга келади.

Ахборот – (лотинча “informatio” сўзидан келиб чиққан) – бу бирор-бир далил, воқеа-ҳодисани баён қилиш, тушунтиришни билдиради. Кенг маънодаги **ахборот** моддий дунёнинг у ёки бу томони ва унда содир бўлаётган жараёнларни билдиради. Ахборотни ўрганишда – унинг яратилиши, ўзгартирилиши, фойдаланиш қонунлари ҳисобга олинади.

Ахборот жамияти – бу кўпчилик ишловчиларнинг (ахборотлар билан шуғулланувчи кишиларнинг) ахборот, айниқса, унинг олий шакли бўлмиш билимларни ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш ва амалга ошириш билан банд бўлган жамиятдир. Ахборот жамияти таърифидан кўриниб турибдики, бу соҳадаги ишлар ривожи бевосита таълим-тарбия ва илмий муассасалардаги олимлар, мутахассислар ижодий меҳнати билан боғлиқдир. Буларни янги ўқув адабиётларисиз ва ўқитишнинг инновацион технологияларисиз, жумладан, ахборот технологияларисиз тасаввур этиб ҳам бўлмайди. Ахборот жамиятида нафақат ишлаб чиқариш, балки бутун турмуш тарзи ва қадриятлар тизими ҳам ўзгаради. Бу жамиятда интеллект, билимлар ишлаб

чиқилади ва истеъмолга киритилади, натижада мунтазам равишда ақлий меҳнат билан шуғулланишга олиб келади.

Ахборот излаш – ахборот массивида олдиндан белгиланган излаш шарти (сўрови) талабини қондирувчи ёзувлар борлигини аниқлаш, агар улар мавжуд бўлса, бундай ёзувлар жойлашишини аниқлаш жараёни.

Ахборот-коммуникацион технологиялар (АКТ) – бу талабаларнинг муайян йўналишдаги билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштиришда янги техник универсал дидактик восита бўлиб, у уларнинг амалий тафаккурини кенгайтириб ҳамда чуқурлаштириб, улардаги ўша йўналиш бўйича билим, кўникма ва малакаларини юқори даражага кўтаради.

Ахборотлар банки (АБ) – кишилик фаолияти соҳасининг ёки илмий билишнинг маълум йўналиши бўйича ахборотларни аниқ мақсад йўлида йиғиш, сақлаш, тизимларга ажратиш ва оммавий фойдаланишга мўлжалланган техник, дастурий, алгоритмик тиллар ва уларни ташкилий воситалари мажмуаси .

Ахборотлар банкининг мақсади маълумотларни қайта ишлаб, ундан фойдаланишга ўргатишдан иборат бўлиб, унинг вазифаси эса таълим-тарбия жараёнини олиб боришда ва таълимни бошқаришда ахборот таъминотини амалга ошириш ва уларни бошқаришдаги самарадорликни назорат қилишдан иборатдир.

АБ таълимни бошқаришда ва таълим-тарбия жараёнини маълумотлар билан таъминлашда ҳамда жараёнларнинг кечишини назорат қилишга бошқарув алгоритмини тузиш имкониятини беради.

АБ таълим-тарбия жараёнини бошқаришнинг ахборотли таъминотини ва шулар асосидаги касбий компьютерли тизимлар яратишда фойдаланилади.

Ахборотлаштирилган жамиятнинг ҳар бир бўғинида АБ га мурожаат қилинади, шу асосда замонавий таълим технологиялари яратилади ва таълим-тарбия жараёнларини оптимал бошқаришга имконият яратилади.

Ахборотлар даражасини аниқлаш – бу материални ўрганишда дастлаб тадқиқот обьектини ифодаловчи маълумотлар ва улар асосида ҳосил қилинадиган ахборотларнинг қай даражага тўғри келишини билиш жараёни натижасидир.

Ахборотларни математик аппаратлар ёрдамида ўзлаштириш – бу кўп ўзгарувчиларга эга бўлган тадқиқот манбаи ва уларнинг хоссаларини ИТИ жараёнида ўрганишни математик модель ёки алгоритмлар ёрдамида олиб бориш жараёнидир.

Ахборотларни ўзлаштириш – бу илмий-тадқиқот иши давомида маълумотларни тўплаб олгандан кейин, уларни тадқиқот мақсади ва вазифаларига мос тизимларга ажратиб ахборотга айлантириш жараёнидир.

Ахборотларни ўзлаштиришни синаш – бу ахборотларни мантиқий кетма-кетлик ва исбот ёки далилларга асосланиб, шунингдек, оддий амалий мисоллар орқали кўриб чиқиш жараёни бўлиб, ундан кўзланган мақсад ИТИ нинг амалий аҳамияти ҳақида хулоса чиқариш жараёнидир.

Ахборотлаштириш – бу юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ҳамда ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда шароит яратишнинг ташкилий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий жараёнидир. Агар ахборот компьютер техникаси ёрдамида узатиш, ишлов бериш ва сақланиш имкониятига эга бўлса, у **компьютер ахбороти** дейилади.

Ахборотлашган жамият (АЖ) – бу кўпчилик ишловчиларнинг ахборот, айниқса, унинг олий шакли бўлмиш билимларни ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш, керакли манбаларга узатиш ва амалга ошириш билан бўлган жамиятдир.

АЖда нафақат ишлаб чиқариш, балки бутун турмуш тарзи ва ҳаттоки қадриятлар тизими ҳам ўзгаради. Бу жамиятда интеллект, билимлар ишлаб чиқилади ва истеъмолга киритилади, натижада мунтазам равишда ақлий меҳнат билан шуғулланишга олиб келади. Бу соҳадаги ишлар ривожи бевосита таълим-тарбия ва илмий муассасалардаги олимлар, мутахассислар ижодий меҳнати билан боғлиқдир. Буларни янги ўқув адабиётларисиз ва ўқитишнинг янги педагогик технологияларисиз, жумладан, ахборот технологияларисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Ахборотли модул – бу таълим мақсадини белгилаш ва режалаштирилган натижалар билан чегараланган, фанлараро ва фан ичидаги боғлиқликни ҳисобга олиб тузилган ва якуний назоратларнинг даражали тизимини қамраб олувчи, ўқув фани мазмунини мунтазам ва тугалланган қисми.

Ахборот ресурси – ахборот тизими таркибида мавжуд бўлган электрон шаклдаги ахборот, маълумотлар банки, маълумотлар базасидир.

Ахборот ресурслари – бу маълумотлар базалари ва банклари, турли хил архивлар, кутубхоналар, музейлар фонди ва бошқаларни ўз ичига олади. Ресурс – бирор нарса ёки ҳодисанинг захирасини белгилайди. Ахборот тизимидаги алоҳида ҳужжатлар ва ҳужжатларнинг бутун бир мажмуидир.

Фаолият ахборот ресурслари алгоритм, модел, лойиҳа, дастур, билимлар банки ва шу кабилар асосида фаолият юритади. Ахборот

ресурсларини бошқариш деганда: ҳар бир даражада ва бошқариш функцияси даражасида ахборотга бўлган эҳтиёжни баҳолаш; ҳужжатлар тури, шаклларини стандартлаш ахборот ва маълумотларни тўплаш, маълумотларни бошқариш тизимини яратиш англанилади. Таълим-тарбия тизимини бошқаришга, маълумотлар базасини яратишга кенг имкониятлар яратади ва ўрганилаётган жараённи бошқаришнинг оптимал вариантларини танлашда ахборотли таъминот яратилади.

Ахборот ресурсларини қуйидаги кўринишларда учратиш мумкин: моддий, табиий, меҳнат, молиявий, энергетик ва шу каби ресурслар. Ўрганилаётган объект учун ана шу кабилар аниқ ва пухта тайёрланса, муаммо ечимини топиш масаласи анча енгиллашади, ҳатто ўрганилаётган объект бўйича ахборот ресурслари мукаммал тайёрланган ва улардан фойдаланишнинг оптимал варианти яратилган бўлса, у ҳолда тайёрланган ахборот ресурсларидан бошқа ахборот ресурслардан эквивалент сифатида ҳам фойдаланиш мумкин.

Ахборот ресурслари кишилар томонидан бошқариладиган ва улар манфаатлари йўлида ҳаракат қилувчи, объектни бошқаришда мустаҳкам илмий - техник асос бўлади. Бу тизимларни ва уларни ахборотли жиҳатларини тадқиқ қилишда муҳим аҳамият касб этади ҳамда қўйилган муаммонинг изланаётган оптимал ечимини кафолатлаш имкониятини яратади.

Ахборот ресурс маркази (АРМ) – бу таълим муассасасида марказлаштирилган, тўланган босма ва аудиовизуал материаллар мажмуасидир.

АРМ компьютер ва алоқа воситалари ёрдамида қўшимча алоқа манбалари ва материалларига кириш имконини беради.

АРМ нинг асосий дастури таълим берувчи ва олувчилар томонидан ўқув дастурига мувофиқ тўпланган аудиовизуал материалларни ўз ичига олади.

АРМ дастуридаги индивидуал ва технологик манбалар таълим берувчилар, медиатека мутахассислари ҳамда таълим олувчилар ўртасидаги ўзаро мунтазам алоқани таъминлайди.

АРМ таълим муассасасидаги янгиликларни ёйишда ўқув муасасаси билан жамият ўртасидаги асосий алоқа канали бўлиб ҳисобланади ва шу орқали таълим олувчиларни зарур ахборотлар билан таъминлайди.

АРМ таълим муассасасининг ахборотли таъминот маркази бўлиб ҳособланади ва ундан таълим олувчилар индивидаул иш кўникмаларини ўстиришда фойдаланишга доимо кафолат бўлади.

Шунингдек, **АРМ** орқали таълим олувчилар ахборотларни тўплаш, ахборотларга ҳохлаган пайтда мурожаат қилиш ва ахборот манбалари билан ишлаш кўникмасини шакллантиришга эришилади.

АРМ асосий вазифаси ҳар бир таълим олувчининг билимини кенгайтириш ҳамда таълим жараёнида ахборотларни излаш ва улардан самарли фойдаланиш мақсадида ахборотларнинг келиб тушишини таъминлаш.

Таълим муассасасининг **АРМ** учун уларга тегишли адабиётлар (китоблар, даврий нашрлар, журналлар ва ҳ.к) микрофильмлар, слайдлар, грампластинкалар, компьютерли тизимлар, аудио ва видео ёзувлар асосий манба бўлиб ҳисобланади.

Ахборот тармоғи (АТ**)** – алока тизимларида компьютерлар ёрдамида ахборотлашишга хизмат қилувчи қурилмаларнинг бир-бири билан боғланган ҳолати.

Ахборот-таълим муҳити (АТМ) - бу ўрганувчи, ўргатувчи (ўқитувчи) ва янги ахборот технологиялари воситалари (ЯАТВ)

ўртасидаги ўқув ахборотли ҳатти-харакатлар жараёни пайдо бўлиши, ривожланишига имкон берувчи шарт-шароитлар мажмуаси ҳамда муайян ўқув курси бўйича предметли мазмуни муҳити компонентлари (компьютерга улашувчи турли хил ўқув, намойиш қилувчи жиҳозлар, дастурий воситалар ва тизимлар, ўқув кўргазмали ва бошқалар) жамланган шароитда ўрганувчининг (ўргатувчининг ҳам) фаол билиш фаолиятини шакллантириш жараёнидир.

АТМ нинг мақсади: шахснинг ижодий ташаббускорлик қобилияти ва потенциалини ривожлантириш асосида таълим олувчиларга билимларни мустақил эгаллаш ва уларни сифатли ўзлаштириш учун шарт-шароит яратиш, ҳамда ўқитиш натижаларини таҳлил қилишни автоматлаштиришни таъминлаш.

Ахборот тизими (АТ) – ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ва ундан фойдаланиш имконини берадиган ташкилий жиҳатдан тартибга солинган ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва алоқа воситаларидир.

Ахборот технологияси - ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш ва унга ишлов бериш ҳамда уни тарқатиш учун фойдаланиладиган жами усуллар ва жараёнлардир.

АТнинг таъминотлари. АТлари қайси соҳада қўлланилишидан қатъий назар **АТнинг таъминоти** деб юритиладиган компонентларни ўз ичига олади. Улар: **дастурий, техник, ҳуқуқий, ахборот, ташкилий, математик ва лингвистик таъминотларидир**.

- **Дастурий таъминот** – АТ ишини амалга оширишда зарур бўлган компьютер дастурлари тўпламидир.
- **Техник таъминот** – АТ нинг ўз функциясини амалга ошириш жараёнида ишлатиладиган барча техник воситалар мажмуидир.

- **Математик таъминот** – АТ дан фойдаланишда амалий масалаларни ечишда қўлланиладиган математик моделлар, усуллар ва маълумотлар базасини бошқариш алгоритмлари тўпламидир.
- **Ахборот таъминоти** – ҳужжат айланмаси ва ҳужжатлар шаклини рационал ҳолга айлантиришни ўз ичига олган ахборотни жойлаштириш ҳамда ташкил қилиш бўйича услуб ва воситалар йиғиндисидир.
- **Лингвистик таъминот** – инсон ва тизим орасидаги мулоқотни ишлаб чиқиш ҳамда таъминлаш учун ахборотларга ишлов беришда ва фойдаланишнинг турли босқичларида ишлатиладиган тил воситалари йиғиндиси.
- **Ташкилий таъминот** – АТ дан фойдаланиш, унга самарали ахборот хизматини кўрсатиш бўйича ташкилий тадбирлар ва бошқариш ҳужжатлари мажмуасидир *(Усмонов А.Н.)*.
- **Ҳуқуқий таъминот** – АТ ни яратиш ва функциялаштиришни тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрлар йиғиндиси.

Ахборот технологиялари (АТ) – бу тизим масалаларни ечимини топиш мақсадида ахборотларни йиғиш, қайта тиклаш, сақлаш, ифодалаш, тизимлаш, узатиш ва уни истеъмолчи фойдаланиши учун қулай ҳолга келтириш жараёнини компьютер ва телекоммуникация воситалари ёрдамида амалга ошириладиган, тартибга солинган ва ташкиллаштирилган тизим ва амалий дастурлар мажмуасидир.

Ахборот технологиялари – жараёнларни бошқаришдаги асосий манба бўлиб ҳисобланади. Улар илмий ходим томонидан тайёрланган маълумотларни тизимларга ажратиш ва қайта ишлаш ҳамда керакли мақсадлар бўйича қайта ишланган маълумотларни узатиш алгоритмларини ўз ичига олади. Шунинг учун ахборот

технологияларидан рационал файдаланиш илмий ходимлар меҳнати самарадорлигини оширади.

У қуйидаги вазифаларни ҳал этишнинг оптимал йўлини таъминлаб беради: манба ва унда кечадиган жараён тўғрисидаги маълумотларни қайта ишлаш; жараёнлар кечиши ҳақидаги даврий маълумотларни мунтазам олиб туриш ва улар асосида оралиқ назоратлар олиб бориш; ихтиёрий жорий сўровларга ўша пайтнинг ўзида жавоб олиш, расмийлаштириш ва бошқаришга керакли тузатишлар кирита олиш.

Ахборотлаштириш фақатгина фан ва техника ютуғи бўлмасдан, балки улар таълим, тарбия, санъат, тиббиёт, иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, саноат ва шу каби соҳаларнинг ривожланишида ҳам доимо муҳим омил бўла олади.

Ахборот технологиялари ва улардан рационал фойдаланиш туфайли инсоннинг ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш фаолияти, унинг кундалик мулоқот соҳаси дунё цивилизацияси ишлаб чиққан тажриба, билимлар ва маънавий қадриятларни жалб этиш ҳисобига кенгайиб бораверади.

Замонавий ҳисоблаш техникаси ва алоқа воситалари асосида ахборотларни тўплаш, сақлаш ва керакли манбаларга узатишнинг замонавий усуллари, яъни компьютерлаштирилган усулларигача ривожланиб бораверади.

Бешинчи авлод ЭҲМ ларининг пайдо бўлиши, бу соҳадаги ишларни жонлантириб юборди, яъни эндиги ҳаёт нафақат ахборотлар, ахборот технологиялари, балки ахборот тизимларини яратишни тақозо этиб қолди ва улардан билим базалари, вазифалар, мантиқий хулосаларни ечувчи машина каби хизмат тизимларини ўз ичига олишини талаб қилмоқда. Бу талабларни ҳал қилиш ижтимоий ислоҳотларга боғлиқдир.

Ахборот технологияси фани (АТФ**)** – ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва режалаштирилган мақсадни амалга оширишда ахборотларни ўзатишни ҳамда қайд этилган жараёнларни амалга оширишда техник воситалардан фойдаланишни ўргатадиган фан.

АТФ таълим ва кадрлар тайёрлаш жараёнини ахборотлаштиришнинг оптимал вариантларини топишда асосий интеллектуал манба бўлиб ҳисобланади, шунингдек, илмий тадкикот ва лойиҳалаш ишлари хамда таълимни бошқаришда ҳам тўғри ҳамда истиқболли қарорлар қабул қилишда ишончли маълумотларга таяниш имкониятларини кафолатлайди.

АТФ кишининг замонавий интеллектуал салоҳиятини юксалтиришда кенг қамровли муҳим асос бўлиб ҳисобланади ва дунё бўйича муайян соҳа бўйича ютуқлардан тезкор хабардор бўлишликни кафолатлайди.

Ахборот тизими – ўз таркибида компьютерлар, компьютер тармоқлари, ахборот ва дастурий таъминот ҳамда одамларнинг биргаликдаги фаолият юритиш жараёнини акс эттириб, у истеъмолчи учун ахборот ишлаб чиқаришни ўз зиммасига олади.

Ахборот тизимларининг асосий вазифаси ҳодиса ва жараёнлар кечишини бошқариш имкониятларини яратишдан иборат. Шунингдек, ахборотларга асосланган, мақсади олдиндан белгиланган ва шу мақсадга эришиш дастури ишлаб чиқилган бошқарилувчи жараёнга мақсадли таъсир кўрсатади.

Таълим-тарбияда ахборот тизимларининг асосий вазифалари – бу ўрганилаётган объектга тегишли барча ахборот ресурсларини оптимал бошқариш ёрдамида истеъмолчига керакли бўлган ахборотларни ишлаб чиқиш ва улардан таълим объектини бошқаришда фойдаланиш учун ахборотли ва техникавий таъминот муҳитини яратишдир.

Компьютер тармоқлари, ахборот ва дастурий таъминот ва шу кабиларни яратишда фойдаланилади. Ахборот тизими - бошқарув хизмати ходимларининг ишини енгиллаштиришга самарали таъсир кўрсатади, яъни улар ёрдамида объект тадқиот методологияси бўйича ахборотларни жамлаш, сақлаш, тадқиқот мақсадига мос синфларга ажратиш ва узатиш жараёнини самарали амалга оширади.

Ҳозирда қуйидаги ахборот тизими фаолият кўрсатмоқда: ижро этувчи ахборотлар, қарорлар қабул қилишни қўллаб-қувватлаш тизимлари, эксперт тизимлари. Ахборот тизимларининг барча ташкил этувчилари, яъни техник воситалар, математик дастурий лингвистик таъминланиши, одамлар билан ўзаро ҳамкорликда уйғун ҳолда фаолият юритишни тақозо этади.

Ҳозирги кунда муаммонинг қўйилишига қараб ахборот тизимидаги ахборотлар ҳажми кескин ошиб бормоқда. Бу ахборотлар устида бажариладиган амалларни бажаришни тезлаштиришни талаб этмоқда, яъни ахборот тизимининг ишини (вазифаларини амалга оширишни) автоматлаштириш зарур эканлигини талаб қилади.

АТ нинг мақсади: тадқиқот манбаини «Маълумотлар→ ахборотлар→ ахборот тизимлари» нуқтаи назаридан ўрганиш; объектни ифодалаш ва ундаги жараёнлар кечиши қонуниятларини тадқиқ этишга бўлган ахборотлар эҳтиёжини аниқлаш; ахборотлар тўплаш, синфларга ажратиш ва улардан кўрсаткичлар орасидаги алоқадорликни ўрганиш мақсадида ахборотларни қайта ишлаш методологиясини яратиш. АТ нинг вазифаси деб, ахборотларга асосланган мақсади олдиндан белгиланган ва шу мақсадга эришиш дастури ишлаб чиқилган бошқарувчи жараёнига мақсадли таъсир кўрсатиш - қарор қабул қилиш деб аталади.

АТ амалда ҳар қандай тадқиқот объектини ўз фаолиятини юритишда режалаштирилган мақсадга эришишга ҳаракат қилувчи ахборот тизими сифатида қараш мумкин. Бундай тизимлар таълим-тарбиявий жараёнларнинг ахборот эҳтиёжларини қондиради ва уларни оптимал бошқаришга имконият яратади.

АТ таълимини бошқарув хизмати ходимларининг ишларини енгиллаштиришга самарали таъсир кўрсатади, яъни улар ёрдамида объект ва тадқиқот методологияси бўйича ахборотларни жамлаш, сақлаш, тадқиқот мақсадига, мос синфларга ажратиш ва узатиш жараёнида фойдаланилади.

АТ қайта ишланган ахборотлардан фойдаланишда тадқиқот мақсад – вазифаларни амалга оширишда уларнинг яроқлилиги, қулайлиги, тўлиқлиги ва аҳамиятлилигини баҳолаш ҳамда баҳоланган ахборотни объектни тадқиқ этишга тавсиялар ишлаб чиқариш ва шу кабилар.

Замонавий педагогик тадқиқотларда қуйидаги терминлар ҳам кенг қўлланилмоқда: ижро этувчи ахборотлар тизими; қарорлар қабул қилиш тизими; эксперт тизимлар; автоматлаштирилган ахборот тизимлари.

Ахборот тизимлари (АТ) – белгиланган мақсадга эришиш учун ахборотларни шакл ва мазмунига кўра турларга ажратиш, уларни сақлаш, излаш ва қайта излаш тамойиллари, қайта ишлашда қўлланиладиган усуллар, шахслар ҳамда воситаларнинг ўзаро боғланган мажмуи *(Абдукодиров А.А ва бошкалар «Ахборот технологиялари» – Т..: Укитувчи 2002-й. 133 бет.).*

Ахборотни факсимиль узатиш (АФУ) - одамлар ўртасидаги ахборот алмашинуви АФУ ёрдамида матн, газета қўлёзма, графика, фотография ва бошқа шу каби ҳар қандай ҳужжатни бир объектдан иккинчи объектга етказиб берилади, у энг афзал , қулай, шунингдек, узатилаётган ахборот (ҳужжат) асл нусхасидек қилиб аниқ етказилади.

Ахборот цивилизацияси – ахборотни тўплаш, таҳлил қилиш ва ундан фойдаланиш ҳамда атроф муҳит ўзи ҳақида ахборот яратиш учун энг кўп маълумот олишга қодир бўлган жараён.

Инсоният ҳаёти ва унинг тараққиёти жамиятни ахборотлаштириш билан боғлиқ ҳолда ўрганилади, яъни инсоннинг ҳар бир ҳаракати ахборот олиш ва узатиш ёки ундан фойдаланиш, уни ўрганиш, ўзлаштириш, сақлаш ва бойитишдан иборат, бу ҳозирги инсоният цивилизациясини ахборот цивилизацияси, деб аташга олиб келади.

Ахборотларни авлоддан-авлодга узатишнинг аҳамияти таълим-тарбия ишининг аҳамияти билан ҳамоҳангдир. Яъни, ушбу жараён таълим-тарбия цивилизациясининг мавжудлик шарти ҳисобланади.

Цивилизациянинг бош белгиси – ахборотни тўплаш, мавҳум (абстракт) таҳлил қилиш ва ундан ўз интеллектуал салоҳиятини бойитишда фойдаланишдан иборат.

Ахборот цивилизацияси ахборотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва ундан фойдаланишнинг шакл, усул ва воситаларини такомиллаштириб боришга имконият яратади ва унинг заминида янги ахборот технологиялари ётади.

Ахлоқ - жамиятда қабул қилинган жамоатчилик фикри билан мақулланган жараёндир.

Ахлоқ - кишиларнинг бир-бирларига, оилага, жамиятга бўлган муносабатларида намоён бўладиган хатти-ҳаракатлари, хулқ-атворлари , одоблари мажмуи. Ҳуқуқдан фарқли равишда ахлоқ талабларини бажариш-бажармаслик маънавий таъсир кўрсатиш шакллари (жамоатчилик томонидан баҳо бериш, қилинган ишни маъқуллаш ёки қоралаш) билан белгиланади. Ахлоқни этика фани ўрганади.

Инсоният тараққиётида ахлоқ муҳим ўрин тутади. Шарқнинг буюк мутафаккирлари инсонни ахлоқий камол топтириш, уни ҳар томонлама

ривожлантириш, маънавий қиёфасини шакллантириш жамият тараққиётининг муҳим омилларидан бири, деб қарашган.

Ахлоқнинг шаклланишида ва унинг ижтимоий ўрнида диннинг аҳамияти катта. Дининг асосий мақсадларидан бири, инсондаги ёмонликнинг зарарларини баён қилиш ҳамда ёмон йўлга кириб кетганларни тўғри йўлга даъват этишдир. Зардуштийликнинг муқаддас китоби Авестода яхшилик ва эзгулик худоси Ахурамазда билан ёмонлик ва ёвузлик худоси Ахримайну ўртасидаги кураш абадий давом этади. Ахлоқ бу курашнинг ифодасидир, деган ғоя илгари сурилади.

Исломда, унинг муқаддас китоби Қуръони Каримда ахлоқ масаласига алоҳида эътибор берилган. Исломда олижаноб ахлоқнинг энг муҳим тушунчалари таърифланиб, инсониятни уларга амал қилиш сари ундалади. Булар – эҳсон, кечиримли бўлиш, сабр-тоқат, ростгўйлик, ширинсўзлик, ота-онани, ўзидан катта ёшдагиларни ҳурмат қилиш, ор-номус, садоқат ва бошқалардир. Шу тарзда инсониятнинг бутун амалий фаолияти яхшилик ва ёмонликка ажралади. Мусулмонлар бир-бирларини яхшилик ва олижаноб ахлоққа чақиришлари, ножўя ишлардан қайтаришлари Аллоҳ тарафидан фарз қилинган. Ислом ахлоқининг асосида ҳалоллик ва тақво ётади. Кимки, жисмоний ва маънавий пок бўлса, ундай кимса ахлоқсизлик йўлига кирмайди. (*Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т., 2000, I, 530-бет*).

Ахлоқ (араб. хулқнинг кўплиги) – ижтимоий онг шаклларидан бири. Кишиларнинг тарихан таркиб топган хулқ-атвори, юриш-туриши, ижтимоий ва шахсий ҳаётдаги ўзаро, шунингдек, жамиятда бўлган муносабатларни тартибга солиб турувчи барқарор, муайян норма ва қоидалар йиғиндиси. Ахлоқ нормалари кишиларнинг хатти-ҳаракатида ўз ифодасини топади. Ахлоқнинг бурч, виждон, ор-номус каби бир қатор категориялари мавжуд.

Ахлоқ жамиятда турли функцияларни бажаради. Улар орасида қуйидагилар энг муҳими ҳисобланади:

1) кишилар орасида турли муносабатларни мувфиқлаштириш;
2) кишилар фаолиятининг инсонпарвар қадриятлари ва мўлжалларини белгилаб бериш;
3) шахсни ижтимоийлаштириш.

Кишилар фаолиятини мувофиқлаштирар экан, ахлоқ уларни инсонпарвар, эзгу, ҳалол, адолатли муносабатларга ундайди. Умуман олганда, ахлоқ жамият ва шахс тараққиётининг умумижтимоий қадриятлари асосида амалга оширади *(«Фалсафа» қомусий луғат. Т., 2004, 40-41 бетлар*.

Ахлоқ - ижтимоий онг шакли бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида инсоннинг хулқ-атворини йўлга солиб турадиган тамойиллар талаблар, меъёрлар ва қоидалар йиғиндиидан иборат. Ахлоқий тушунчалар: яхшилик, шараф, виждон, эътиқод, садоқат ва бошқалар баҳоланувчи характерга эга. Ахлоқ мазмуни муайян қадрият йўл-йўриқларини, хулқ-атвор меъёрлари мотивларини, инсонлараро муомала шаклларини ўз ичига олади ва айни вақтда уларни асослайди. (Пўлатова М.П. Махсус педагогика. Т., 2005, 139-142 бетлар).

Ахлоқ - кишиларнинг бир – бирига, оилага, ватанга, жамиятга бўлган муносабатларида намоён бўладиган хатти – ҳаракатлар йиғиндиси. Ахлоқ ҳар бир кишининг хулқини, ички дунёсини кўрсатади.

Ахлоқ белгиланган нормалар билан тартибга солинади, улар ҳуқуқий нормалардан фарқ қилиб, мажбурий характерга эга эмас. Ахлоқий нормалар урф – одатлар, намуна кучи, жамоатчилик фикри таъсирида вужудга келади. Алоқий нормаларни бажариш ихтиёрий виждонга боғлиқ. Ахлоқ ишонтириш, тушунтириш билан

таъминланади. У инсон ва адолат туйғуси, иймон ва ҳалоллик каби тушунчалар билан узвий боғлиқдир.

«Ахлоқи Жалолий» - Жалолиддин Давонийнинг ахлоққа оид асари. Тўлиқ номи «Лавоми ул ашроқ фи макорим ил-ахлоқ» «(Яхши хулқларда нурлар зиёси)». Асар Оқ қўюнли сулоласининг асосчиси Ҳасанбекнинг илтимосига кўра унинг ўғли Султон Ҳалилга атаб ёзилган. Унда ахлоқий муаммолар ижтимоий-фалсафий нуқтаи назардан таҳлил қилинади. Асарни ёзишда муаллиф Арасту, Афлотун, Ибн Мискавейх, Абу Носир Фаробий, Ибн Сино ва Насриддин Тусийларнинг ахлоқий таълимотларидан фойдаланган. Рисола уч қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмида хулқий тарбия ва ахлоқий хислатларни эгаллаш ҳақида сўз юритиб, ахлоқнинг асосий тушунчалари: донолик, адолат, шижоат ва иффатга муфассал тўхталган, ахлоқ илмининг мақсад ва вазифалари белгилаб берилган. Иккинчи қисм оила ва оилавий ҳаёт масалаларига бағишланган. Унда болаларни тарбиялаш ва камолга етказиш, касб-ҳунарни эгаллаш, хулқ-одоб қоидалари, нутқ маданияти ва бошқалар ёритилган. Учинчи қисм ижтимоий-сиёсий масалаларга бағишланган. Унда шаҳар, яъни давлатда яшовчи халқлар, давлат бошлиғи ва фуқароларнинг ўзаро муносабати, жамият ҳақида фикр-мулоҳазалар ўрин эгаллаган. Рисола кейинги даврларда Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида кенг тарқалди. У Эрон, Ҳиндистон, Араб мамлакатлари, Мовароуннаҳр ва Хуросонда мактаб ва мадрасаларда асосий қўлланма вазифасини ўтади. (ЎзМЭ. Т.: 2000, 1-том, 531-бет).

«Ахлоқи Муҳсиний» - Ҳусайн Кошифийнинг ахлоққа оид асари. Султон Ҳусайннинг ўғли, темурийлар шаҳзодаси, Марв ҳукмрони Муҳсинга бағишланган. Бу асар шахсий, оилавий ва фуқаролик ахлоқ асосларини ўз ичига олган 40 бобдан иборат. Асарда муаллиф адолат,

сабр, ёқимлилик, ҳаё, одоб, ишонч, ваъдага вафо қилиш, шижоат ва сиёсат каби масалалар ҳақида сўз юритади. «Ахлоқи Муҳсиний»ни 1858 йил Огаҳий форс тилидан ўзбек тилига таржима қилган. Асар Ўрта Осиёда кенг тарқалган. Унинг кўпгина нодир қўлёзма нусхалари Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтида сақланади. (ЎзМЭ. Т.: 2000, 1-том, 531-бет).

Ахлоқий билим – ишончга айланган тақдирдагина хулқни тартибга солиб туради. Ҳақиқий ахлоқнинг маънавий пойдевори бўлиб, унинг асосий мезони ахлоқий билимдир.

Ахлоқий ишонч – ҳақиқий ахлоқий ишонч талабанинг ахлоқ нормаларини, хулқ - атворини шакллантиришга олиб боради. Ахлоқий ишонч онгнинг узоқ муддатли фаолияти натижасида унинг юксак маҳсулоти сифатида юзага келади.

Ахлоқий маданият – шахснинг жамият ахлоқий тажрибаларини эгаллаши ва бу тажрибалардан бошқа одамлар билан бўлган муносабатларида фойдаланиши, ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориши сингари жиҳатларни ўз ичига олади. Ахлоқий маданият шахс ахлоқий тараққиётининг белгичи ҳисобланиб, шахснинг ўзгалар билан ўзаро муносабатларида намоён бўлади. Шахснинг ахлоқий мабданияти унинг муомала одоби, этика қоидаларига риоя этиши, касбий одоби ҳамда ўзгаларга нисбатан муносабатнинг барча турларида кўриниш мумкин.

Ахлоқий маданиятнинг кўринишлари – инсонпарварлик; ҳалоллик; ташаббускорлик; ватанпарварлик; меҳнатсеварлик; фаоллик; ижодкорлик; сахийлик; маъсулиятлилик; камтарлик; поклик.

Ахлоқий муносабатлар – кишилар фаолиятини мувофиқлаштириб, уларни инсонпарвар, эзгу, ҳалол, адолатли муносабатлари ҳисобланади. Жамиятда турли муносабатларнинг тўғри

йўлга қўйилишидир. Ахлоқий муносабатлар ўз навбатида қуйидаги кўринишларида бўлади:

- кишиларнинг бир-бирига бўлган муносабати, бунда аввалambор талабанинг ўз гуруҳдошларига бўлган тўғри муносабатини шакллантириш (бирор масалани сўраганда тўғри маслаҳат бериш, бир-бирига ёрдам бериш ва шу кабилар);

- кишиларнинг ўз Ватанига бўлган муносабати, бунда талабаларни ватанпарварлик, Ватан туйғуси, Ватан соғинчи, Ватан қайғуси руҳида тарбиялаш;

- кишиларнинг ўз оиласига бўлган муносабати, бунда талабаларни ота-онасини ҳурмат қилишга, оила аъзоларига нисбатан доимо ҳурмат кўрсатишга ўргатиш, ота-онасининг берган тарбияси, унинг ўқиши, таълим олишига бўлган эътибори туфайли талабанинг шу даражага етганлиги, талабалик бахтига муяссар бўлганлигини, бунинг учун ота-онасидан бир умр миннатдор бўлиб, унинг хизматида бўлишликни уқтириш;

- кишиларнинг жамиятга бўлган муносабати, бунда талабанинг атрофдаги ижтимоий муҳитга бўлган муносабатини тўғри йўлга қўйиш лозим (жамоат жойларида ўзини тута билиши, доимо атрофдагиларга ҳурмат билан қараши, ўз ватандошларига доимо яхшиликни соғиниб яшаши кабилар);

- кишиларнинг ўз давлатига бўлган муносабати, бунда талаба давлатнинг олиб бораётган сиёсатини тўғри англаб етиши, давлат сиёсатининг бўлажак тарғиботчиси эканлигини тушуниб етиши, сиёсатга ўзининг тўғри муносабатини билдира олиши, давлатнинг иқтисодий, маънавий, маданий соҳасига ўз ҳиссасини қўша олишга қодир бўлиши ва ўзини шунга бурчли деб билиши лозим.

Ахлоқий одоб – талабанинг аниқ мақсадини кўзлаб, доимий, изчил уюштирилган фаолияти, жамият аъзоларининг замирида майдонга келадиган ҳолатдир.

Ахлоқий онг – инсон онгида ахлоқий тамойилларнинг акс этиши бўлиб, ахлоқий қарашлар, тушунчалар, ахлоқий эътиқод, ахлоқий хулқ-атвор меъёрлари ва қоидалари, ахлоқий тасаввур кабилардан ташкил топади. Ахлоқни инсон кўзи олдида гавдалантирувчи ахлоқий муносабатлар ахлоқий онг асосида юзага келади. [Ҳошимова М.К. Талабаларнинг ахлоқий тарбиясини ривожлантиришда руҳиятга оид биоэнергетик билимлардан фойдаланишнинг назарий-амалий асослари. П.ф.док.дисс.авт. Т. 2006, 17-б].

Ахлоқий онг мезонлари: ахлоқий билим; ахлоқий тафаккур; ахлоқ нормалари.

Ахлоқий онг сифатлари меҳнат севарлик; ватанпарварлик; ҳақиқатгўйлик; адолатпарварлик; бурч, маъсулият, виждон, ғурур каби инсоннинг ички руҳий ҳиссиётига асосланади.

Ахлоқий тарбия қандай хатти-ҳаракат қилиш кераклигини айтибгина қолмай, балки нима учун бошқача эмас, бевосита шундай ҳаракат қилиш кераклигини тушунтиришга интилади.

Ахлоқий тарбия деганда шаклланаётган, ривожланаётган, ўсиб келаётган авлодда хулқ-одоб меъёрларига мос келувчи сифатларнинг шаклланиши тушунилади. Ахлоқий тарбияланган шахсларсиз етук кишилик жамияти қуриш мумкин эмас. Ахлоқий тарбия шахснинг баркамол шаклланишида асосий ўринни эгаллайди.

Ахлоқий тарбия - инсонни ўзгаларга зарари тегмайдиган жамиятда ўз ўрни бўлибгина қолмай, балки ўзгаларга нафи тегадиган қилиб тарбиялаш.

Ахлоқий тарбия – бу таълим олувчиларни ижтимоий-аҳлоқий меъёрлар мазмунидан хабардор қилиш, уларга аҳлоқий меъёрнинг ижтимоий ҳаётдаги аҳамиятини тушунтириш, уларда ижтимоий-ахлоқий меъёрлар (талаб ва тақиқлар) га нисбатан ҳурмат ҳиссини қарор топтириш асосида ақлий онг маданиятини шакллантиришдир.

Ахлоқий тарбияни бериш усуллари: ахлоқий тарбияни ўқитиш жараёни билан қўшиб олиб бориш усули; ахлоқий тарбия жараёнининг муваффақияти ўқитувчилар жамоасининг савиясига боғлиқлигини эътиборга олиш усули; тарбиявий ишларнинг режали бўлиш усули; ўқув муассасасида ижобий эмоционал шароит яратиш усули; ахлоқий тарбияда онгни, тушунчаларни шакллантиришда тушунтириш, ўқитиш, суҳбат, мунозара усулларидан фойдаланиш; тарбиявий соатлар савиясини ошириш усули; турли – туман тадбирлар, адабий кечалар, байрам, фестиваллар, мусобақалар ўтказиш усуллари; дарс жараёнини ва дарсдан ташқари машғулотларда шарқ қадрият ва миллий анъаналар акс этган Қуръони Карим, Ҳадис, Ҳикматлар, «Мутафаккирларнинг одоб – ахлоқига оид асарлари» дан ўқиб ўрганиш ва ҳ. к. *(Зуҳра Исмоилова)*.

Ахлоқ нормаси – кишиларнинг хулқ, феъл-атворларини тартибга солувчи ахлоқий талаблар мезони.

Ахлоқ тузилмаси – уч асосдан иборат: ахлоқий англаш (ахлоқий онг), ахлоқий ҳис этиш (ахлоқий ҳиссиёт) ва ахлоқий муносабатлар (ахлоқий хатти-ҳаракатлар). Ахлоқий тарбия жараёнида ахлоқ тузилмасининг ушбу уч омили бирдек иштирок этади. Ахлоқ тузилмасидаги ушбу уч омил бир-бирисиз камдан-кам учрайди, улар доимо бир-бирини тақозо этиб келади.

Ахлоқий тушунчалар – ахлоқий муносабатларда акс этиб, ахлоқий категориялар сифатида қабул қилинади. Ахлоқий

тушунчаларга эзгулик, бурч, виждон, саҳийлик, ҳурмат, ҳалоллик, поклик, ростгўйлик кабилар киради. Ахлоқий тушунчаларни шунчаки ёд олиш эмас, балки англаб ўзлаштириш, ўз хатти-ҳаракатларига дастуриламал сифатида қабул қилиш ва ахлоқий эътиқодни шакллантириши лозим. [Ҳошимова М.К. Талабаларнинг ахлоқий тарбиясини ривожлантиришда руҳиятга оид биоэнергетик билимлардан фойдаланишнинг назарий-амалий асослари. П.ф.док.дисс.авт. Т. 2006, 18-б].

Ахлоқий ҳиссиётлар - ахлоқий тушунча ва меъёрларга асосланган ҳолда инсонда маълум хатти-ҳаракат ёки ҳолатга нисбатан вужудга келувчи ички кечинма сифатидаги муносабатни ўзида акс эттиради. Ахлоқий ҳиссиётлар мазмунан бой ва мураккаб тузилишга эга бўлиб, ижтимоий маҳсул сифатидаги инсон ривожининг юқори босқичида вужудга келган. Инсон ўз хатти-ҳаракатларини ахлоқий жиҳатдан англаб етган ҳолда фаолият кўрсатади, лекин ўша англаб амалга оширилган ахлоқий қарор тубида ахлоқий ҳиссиёт ётади. [Ҳошимова М.К. Талабаларнинг ахлоқий тарбиясини ривожлантиришда руҳиятга оид биоэнергетик билимлардан фойдаланишнинг назарий-амалий асослари. П.ф.док.дисс.авт. Т. 2006, 18-б].

Ашурали Зоҳирий (1885- 1937). Таниқли маърифатпарвар, йирик тилшунос, луғатшунос, адабиётшунос олим, журналист ва таржимон, Туркистондаги жадидчилик ҳаракатининг кўзга кўринган намоёндаларидан бири Ашурали Зоҳирий 1885 йили Қўқонда туғилган. У дастлаб Қўқондаги Мадалихон мадрасасида таҳсил кўради, араб ва форс тилларини пухта эгаллайди, ўзбек ва форс-тожик мумтоз адабиётни ўрганади. Ҳар томонлама билим соҳиби бўлган А.Зоҳирий 1907 йилдан бошлаб рус-тузем мактабида, шунингдек, жадид мактабида ўзбек тили ва адабиётидан дарс беради.

1912 – 1919 йилларда эса педагогик фаолияти билан бирга журналист сифатида ҳам қизғин иш олиб боради. 1917 – 1918 йилларда Туркистон Мухторияти ҳукуматининг барпо этилиши А.Зоҳирий фаолиятига янгича йўналиш бағишлайди. У «Эл байроғи» газетасига муҳаррирлик қилиб, Мухторият ғояларининг кенг халқ оммаси ўртасида тарқалишига муносиб ҳисса қўшади.

А.Зоҳирий фаолиятининг 1917 йилдан кейинги асосий йўналиши маърифатпарварлик билан боғлиқ. У Қўқондаги биринчи дорулмуаллиминнинг ташкилотчиси ва дастлабки Фарғона водийси учун кўплаб ўқитувчиларни етиштириб берди. У асос солган дорулмуаллимин кейинчалик педагогик техникумга айлантирилди. 1930 йили шу техникум базасида Фарғона давлат педагогика институти ташкил этилди.

А. Зоҳирий эркпарвар ғоялари учун 1929 ноябрида ҳибсга олиниб, ўн йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Қамоқ муддатини тугатгач, аллома яна севимли касби - маърифатпарварлик билан шуғулланади. Аммо 1937 йилда қатоғон бўрони авж олгач, у яна қамоққа олиниб, ўша йилнинг 4 декабрида отиб ташланади. А.Зоҳирий қабри қаердалиги номаълум.

Ақидапарастлик – энг кўп тарқалган зарарли мафкуравий оқимлардан биридир. Чунки у диний шаклда ҳам, дунёвий шаклда ҳам намоён бўлади. Ақидапарастлик билан фундаментализм бир нарсадир. Унинг диний шаклига христиан ақидапарастлиги, ислом ақидапарастлиги мисол бўла олади. Дунёвий шаклига эса собиқ совет давридаги коммунистик ақидапарастлик ёрқин мисолдир. Ақидапарастлик қайси шаклда бўлмасин, барибир эркин ҳаётга, ҳур фикрга, техникавий тараққиётга тўсиқ бўлади.

Ақл – кишининг ўз идроки, қалби ва фикри асосида дунёвий, ҳаётий ҳақиқатларни англаш ва уларга ўз фаолиятида маънавий-инсоний нуқтаи назардан амал қилишдир.

Ақл – инсон миясининг дунёни акс эттириш ва шахснинг воқеликка бўлган муносабатини бошқариб турадиган фаолияти. Ақл объектив дунё нарса-ҳодисаларининг муҳим қонуний алоқа-муносабатларини акс эттириш ва шу тариқа воқеликни ижодий ўзгартириш имконини беради. Фикрнинг теранлиги, танқидийлиги, уйғунлиги, тезлиги ва кенглиги ақлнинг энг муҳим сифатлари ҳисобланади. Ақл яшаш шароити таъсирида, фаолият таълим-тарбия жараёнида ривожланади. Бир неча фалсафий оқимларда ақл олий ибтидо ва моҳият (панлогизм), инсонларнинг билиши ва халқи асоси (рационализм) деб тушунилади. (ЎзМЭ. Т.: 2000, 1-том, 552-бет).

Ақл – 1.Одамнинг билиш, фикр юритиш қобилияти.

2.Заковат даражаси: фаҳм-идрок зеҳн, донишмандлик, етуклик.

3.Эс, хуш, мия.

Ақллилик – киши ўз тафаккурини мустақил ишлата олиши ва ундан фақат эзгу мақсадларида фойдаланиши. Агар ақлини етарли ишлата олмаса ёки уни ёвуз ниятларда ишлатса ундай одам ақлсиз ҳисобланади. Чунки киши қилган гуноҳ ишлар тез кунда ўзига қайтади. Буни билмаган одам ақлсиздир. Яна бошқа адабиётларда «ақлли» тушунчаси – ақли расо, мияли, ақл билан вужудга келган билимдонлик, деб эътироф этилган. (Зиёмуҳаммадов Б. Комилликка элтувчи китоб. Т.: «Турон иқбол» 2006, 116-б).

Аҳмад Югнакий (XII-XIII асрлар). Адиб онадан кўзи ожиз ҳолда дунёга келган.

Асарлари: «Ҳибатул ҳақойиқ» («Ҳақиқатлар совғаси») асари таълимий-ахлоқий йўналишда ёзилган бўлиб, билимлилик, адолат,

саховат, мурувват каби хислатлар улуғланади, етук инсонни тарбиялаш ғояси илгари сурилади. Асар ёшларни маънавий камолотга, ахлоқий баркамолликка йўллайди, ижтимоий ҳаётдаги кишилар ўртасидаги зиддиятларни аҳиллик, саховат, яхшилик билан ҳал этишга даъват этади.

Б

Байналминаллик – бу барча халқлар билан дўст бўлиб, тинчлик ва тараққиёт учун курашга чорловчи фаолият. Бу ахлоқий қоида сифатида ватанпарварликни бойитади ва айниқса ўз миллий қобиғига ўралиб қолишга йўл бермайди.

Байналминаллик фазилати – юқори ижтимоий сифатлардан бири бўлган, умуминсоний маънавий қадриятдир. Бунда киши бошқа халқ ва миллатнинг ўзига хос маънавиятига, урф-одат ва маданиятига кўнгил қўйиб, уни ҳурматлаши тушунилади. Бошқа миллатнинг маънавияти ва маданиятига бефарқ бўлган кишида, эҳтимол ўз миллатини жуда кучли севганлиги туфайлидир, лекин унда байналминаллик туйғуси бўлмайди. Бу фазилат жаҳонда тинчлик ва тотувлик ўрнатилишига, ижтимоий ва иқтисодий тараққиётга ҳамда сиёсий барқарорликка ижобий таъсир этади. Пировардида ер юзида тинчлик ва фаровон ҳаёт ўрнатилишининг асосий омили ва гарови ҳисобланади. (Зиёмуҳаммадов Б. Комилликка элтувчи китоб. Т.: «Турон иқбол» 2006, 116-б).

Байналмилалчилик – миллати, элати, халқлари, уларнинг урф-одатлари қандай бўлишидан қатъи назар, умуминсоний қадриятларни ҳамма нарсадан устувор деб билиш.

Байналминаллилик – бу бошқа миллат вакилларини ардоқлаш ва эъзозлаш, яъни байналминал маданият, миллатлар, элатлар маданиятини ҳурматлаш асосида шаклланган даражадир. Бунда миллий

маданиятнинг ривожисиз байналминал маданиятнинг ривожи бўлмаслигини англай олмоқ керак.

Бакалавр – (лотинча – baccalaria вассалнинг ер мулки кўп мамлакатларда дастлабки илмий даража) олий таълимнинг тегишли босқичига мувофиқ дастурларни муваффақиятли ўзлаштирган шахсларга бериладиган даражадир.

Бакалавриат – мутахассисликлар йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, таълим олиш муддати камида 4 йил давом этадиган таянч олий таълимдир.

Бакалавриат – кўп мамлакатларда олий таълимнинг дастлабки босқичи. ЎзРда бакалавриат мутахассисликлар йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган таянч олий таълимдир. Ундаги ўқиш муддати камида 4 йил бўлиши керак. Бакалавриат таълим дастури тугаллангандан кейин битирувчига бакалавр даражаси берилиб, давлат аттестацияси якунларига кўра давлат томонидан тасдиқланган намунадаги олий маълумот тўғрисидаги диплом топширилади.

Баркамол шахс – бу адолатли, виждонли, иймон-эътиқодли, меҳр-мурувватли, иродали, ор-номусли, матонатли ва чидамли, эркин фикрловчи, ўз халқининг даҳолари учун курашувчи, ҳур фикрли ва истиқлол ғоялари билан суғорилган, ўз Ватанига фидойилик билан хизмат қилувчи, тадбиркор ва ташаббускор озод **ШАХСДИР.**

Бахт – маънавий- ахлоқий тушунча. Киши ўз фаолияти натижаларидан, ҳаётда қўлга киритган ютуқларидан тўла қониқиш, яшаш тарзидан мамнунлик, муайян мақсадга етганлик, орзу-умиднинг ушалиши, беармонлик ҳолати сифатида намоён бўлади. Бахт нисбий тушунча. Бахтни қандай маънода тушуниш шахснинг ижтимоий ўрнига, билими, ёши, дунёқарашига боғлиқ. Чинакам бахтли бўлиш учун ҳар бир шахс эркин, тенг, ўз истеъдод ва қатъиятини ҳар томонлама намоён

қилиши, моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш имкониятига эга бўлмоғи зарур. Шунингдек, бахтга эришиш учун ҳар бир шахс жамиятда, оилада ўз ўрнини топган, бурч ва масъулиятни англаган бўлиши лозим. Одам ўз онги, тафаккури, дунёқараши, хатти-ҳаракати, хулқи, ақл-заковати билан бахтли бўлиш учун интилиши, курашиши керак. Инсон ўз тақдирини халқ, Ватан тақдири билан уйғунлаштиргандагина тўла бахтли бўлиши мумкин. (ЎзМЭ. Т.: 2000, 1-том, 552-бет).

Башоратлар – бу аниқлаб бўлинмаган манбалар (асос сифатида шаклланган маълумот ёки ахборот ёки нарса) асосида истиқболда аниқлаш лозим бўлган натижа (нарса ёки маълумот) хусусида олдиндан фикр билдириш.

Бағрикенглик – бу қадимий қадрият бўлиб, ўзгаларнинг турмуш тарзи, хулқ-атвори, одатлари, ҳис-туйғулари, фикр мулоҳазалари, ғоялари ва эътиқодларига нисбатан тоқатли бўлишдир.

Ўзбекистонда 7 тилда мактаб ишлаб турибди. Яъни 8671 та ўзбек мактаблари; 762 та рус мактаблари; 581 та қозоқ мактаблари; 318 та тожик мактаблари; 64 та туркман мактаблари ва 56 та қирғиз мактабларида фарзандларимиз таълим-тарбия олмоқдалар. (Ўз.М.Э)

Баҳолаш воситалари ва мезонлари – бу муайян фан бўйича назарий билим ва амалий кўникмаларни баҳолаш учун савол ва тестлар, топшириқлар ва машҳур лойиҳалар, шунингдек, баҳолаш методлари ва мезонлари мажмуидир.

Белгили маълумот – алифбо – рақамли белгилар мажмуи, яъни сонли ва сифатий белгиларни ўзида мужассамлаштирган маълумот.

Беруний (973-1048). *Тўлиқ исми* – Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний. Амударё қирғоғидаги Кот шаҳар яқинида туғилиб ўсади. Шу ерда бошланғич билимни олади. У ота-онасидан эрта жудо

бўлган. Ёшлигиданоқ табиий ва ижтимоий фанларни ўрганишга киришди. Тил ўрганишга катта аҳамият берди. Юнон қўшнисидан турли нарсаларнинг номланишини сўраб юнон тилини ўрганган.

Устозлари: Абу Наср ибн Али ибн Ироқ, Али Саҳл ал-Масихий.

Асарлари: «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», «Геодезия», «Ҳиндистон», «Минералогия», «Тиббиётда доришунослик», «Юлдузшуносликда бошланғич маълумотларни англаш», «Қонуни Масъудий». Олим 152 та китоб ёзган, шундан бизгача 31таси етиб келган.

Беҳбудий (1874-1919). Тўлиқ исми: Маҳмудхўжа Беҳбудий. 1874 йил Самарқанднинг Бахшитепа қишлоғида руҳоний оиласида туғилган. 6-7 ёшида ўқиб савод чиқаргач, отаси уни қори қилиш мақсадида Қуръонни ёдлата бошлади. Қуръонни ёд олгач, 15 ёшларидан «Қофия», «Шаҳри мулло», «Шамсия», «Мухтасар ал-вакоя», «Ҳошия» ва ҳисоб илмини ҳам ўргана бошлади.

Устози: тоғаси Мулла Одил.

Асарлари: «Усули жадид» мактаблари учун «Мунтахбаи жўғрофия умумий» («Қисқача умумий жўғрофия»), «Китоб ул-атфол» («Болалар мактуби»), «Мухтасари тарихи ислом» («Исломнинг қисқача тарихи»), «Мадҳади жўғрофи умроний» («Аҳоли жўғрофиясига кириш»), «Мухтасари жўғрофи русий» («Россиянинг қисқача жўғрофияси»), «Амалиёти ислом» каби бир қатор дарсликлар яратди. Беҳбудий ўша давр матбуотида юзлаб мақолалар билан чиқиш қилди, уларда янги усул мактабларининг аҳамияти, ўқитиш тизими, маърифатга рағбат, комил инсон тарбияси ҳақидаги фикрларини илгари сурди. Беҳбудий таълим-тарбияда мактабнинг ўрнини муҳим тутади. Ахлоқ ва тарбиянинг асоси – мактаб, барча илмларнинг боши ва ибтидоси – мактаб, саодатнинг, фозил инсоннинг маънавий чашмаси – мактаб, деб уқтиради.

Билвосита ҳавола қилиш – бу ўқувчи-талабаларга эски ва янги маълумотларни солиштириш ва қарама-қарши қўйишда ёрдам беради. Қўшимча ҳаволалар учун матн эслаб қолиш ва маълумотни такрорлашга қодир, лекин амалда уни қандай қўллашни билмайдиган ўқувчи-талабаларга ёрдам беради.

Билим – борлиқни билиш жараёнининг амалиётда тасдиқланган натижаси. Объектив реалликнинг инсон онгида адекват акс эттирилиши (тасаввур, тушунча, мулохаза, назариялар). У кундалик, илмий, эмперик, назарий билимларга ажралади.

Кундалик билим соғлом фикрга ва кундалик амалий фаолият шаклларига асосланади. Инсоннинг атроф-муҳитга мослашуви, унинг хатти-ҳаракатлари ва олдиндан кўра билиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Унинг вазифаси таълим-тарбия жараёнини назорат қилишга кўмаклашиш.

Таълим-тарбияни уюштиришда назарий, эмперик ва илмий билимлар роли ва ўрни беқиёс. Илмий билим таълим-тарбияни такомиллаштириш муаммолари ечимларини топишда қўл келади ва у тизимли, асосли нарса-ҳодисалар моҳиятига чуқур кириб борадиган бўлади. У эмперик ва назарий даражада бўлади.

Билим – эмперик ва назарий билимларни шакллантиришда фойдаланилади. Назарий билим – эмперик ҳолатларни, тушунтириш, яъни нарса – ҳодисалар моҳиятини билиш имконини берадиган қонунларни очишни назарда тутади.

Билим билишни амалга оширувчи асосий омил бўлиб, дунёни билишининг негизини ташкил этади ва у туфайли илм, фан, техника-технологиялар ривожланиши таъминланади.

Билим – объектив мажудот ҳақидаги ёки муайян соҳага оид мълумот мажмуи.

Билим даражаси – бу раҳбарнинг бошқарув жараёнида энг зарур бўлган шартлардан бири бўлиб, бунда бошқарув, назорат қилиш, қарорлар қабул қилиш, буйруқ ва кўрсатмалар, насиҳат ҳамда маслаҳатлар беришида илмий асосланган маълумотларга таяниш муҳим аҳамият касб этади. Таълим муассасасини ривожлантириш, бошқарув жараёнини такомиллаштириш ва таълим самарадорлигини оширишда замонавий ахборот технологиялари, компьютерлаштириш ва компьютер тармоқлари негизида таълим жараёнини ахборотлар билан таъминлашни ривожлантириш учун техника ва технологияни билиш ва улардан фойдалана олиши, иқтисодиётни билиши, бошқариш услубларини, функциялари ва структурасини билиши, истиқболни белгилаши ҳамда бошқарув жараёнини лойиҳалаш технологияларини жорий эта олиши талаб қилинади. Таълим муасасасини ривожлантириш, бошқарув жараёнини такомиллаштириш ва таълим самарадорлигини оиширишда **биоритмлар назарияси** муҳим аҳамият касб этади *(Джураев Р.Х., Турғунов С.Т).*

Билим олиш ҳуқуқи (БОҲ) – бу Ўзбекистон фуқароларининг конститутциявий ҳуқуқидир. Унга асосан ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистонда умумий таълим олиш бепул, яъни умумий таълим олиш учун ҳақ тўланмайди. Умумий таълимга эга ҳар бир киши ўрта махсус ва олий таълим олиш ҳуқуқига эга. Бу таълим белгиланган синовлардан ўтганлар учун бепул, қолган шахслар пул тўлаш йўли билан билим олишни давом эттиришлари мумкин. БОҲ умумий мактаблар, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртлари фаолияти орқали таъминланади. Бундан ташқари аспирантура ва доктарантурада ҳам билим олиш мумкин *(Конституциянинг 41 - моддаси)*.

Билимга қўйилган талаблар – булар қуйидагилардан иборат:

- **Билим беришнинг илмийлик тамойили –** бу бериладиган ҳар бир билимни, авваллари биринчи бор тажрибадан ўтган ва ўқувчиларга яхши маълум бўлган билимларидан келиб чиққан ҳолда тушунтиришга айтилади. Бунда индукция тадқиқод методидан фойдаланиш ижобий педагогик самараларини беради ва бу орқали режалаштирилган (бериладиган) билимнинг мантиқий катта – кичиги, тарихийлигини изоҳлаш, таҳлил қилишга имконият яратилади.
- **Билимнинг тушунарлиги** – бу сифат, таълим олувчилар томонидан билимлар ўртасидаги алоқасини тушунишларида, муҳим ва асосий бўлмаган алоқаларни ажрата билишда, билим олиш усуллари ва тамойилларини билишда акс этади;
- **Билимни тушунишлик** – бу ўзлаштириш ва бошқа кўрсаткичларни синтез қилувчи якуний натижаларни ифодаловчи бирмунча умумлашган сифатдир. У билимнинг чуқурлиги, мукаммаллиги ва тизимлилигига қараб бир билимнинг ўзи турлича тушунилиши, ифодаланиши ва ундан фойдаланилиши мумкин;
- **Билимнинг мукаммаллиги** – буни аниқлаш учун тушунчанинг барча белгилари ва уларнинг бир-бири билан алоқасини ажратиш билан белгиланади;
- **Билимнинг чуқурлиги** – бунинг учун у ёки бу тушунчалар ва улар орасидаги ўзаро алоқаларни ҳамда улардаги муҳим белгилар сонини аниқлаш билан белгиланади;
- **Билимнинг оперативлиги (тезкорлиги)** – ўрганилган билимлар ўзгариши мумкин бўлган кўп вариантли вазиятларни тақдим этиш билан ва улардаги қарорлар қабул қилишни ўз вақтида бажаришлиги билан аниқланади;

- **Билимнинг ихчамлиги** – буни текшириш топшириқни ҳал қилишда бир неча усулларни уюштириш ёки ўхшаш масалаларни ҳал қилишда бир шаклда бўлмаган ёндошувлар ичида масалани қулай ва мосини танлаш орқали амалга оширилади;
- **Билимнинг аниқлиги ва умумийлиги** – бу умумлаштирилган билимнинг аниқ намоён бўлишини очиб бериш маҳорати, аниқ билимларни умумлаштириш асосида якунлаш, хусусийликдан умумийликка (индукция) ўтказиш қобилиятини аниқлаш билан текширилади;
- **Билимнинг тизимийлиги** – буни тушунчанинг иерархиясини аниқлашдаги уларнинг изчиллиги, ўзаро боғлиқлиги тизими билан текширилади.

Билимлар - бу одамларнинг ижтимоий-сиёсий амалиёт жараёнида тўпланган умумлашган тажрибасидир.

Илмий билимлар, объектив оламни анча тўғри (батафсил) ифодалайди. Илмий билимлар доимий эмас, улар ўзгариб, ривожланиб, такомиллашиб туради ва натижада доимий истеъмолдаги билимга айланади, яъни улар тадрижий (эволюцион) тарзда ривожланиб туради. Билимлар асосида талабаларнинг кузатувчанлик, синчиковлик, тафаккур, хотира сингари билиш қобилиятлари ривожланади, уларда эътиқод ҳосил бўлади, илмий дунёқарашни шакллантирувчи ғоялар тизими таркиб топади.

Билимлар банки – бу маълумотлар мажмуалари бўлажак мутахассисларни тайёрлашдаги ўқув режасидаги фанлар блоклари бўйича тизимларга ажратиб, улар асосида шакллантирилган билимлар мажмуи.

Билимлар банки – бу изланувчилар томонидан бир неча йўналишлар бўйича компьютер хотирасига киритилган назарий ва амалий маълумотлар тўпламидир.

Билимлар омбори (БО) – муайян бир соха (йуналиш, фан, боб, бўлим, мавзу, тушунча кабилар) бўйича тўпланган билимлар ва уларнинг компьютер хотирасида мужассамлаштирилиши ва қайта ишланган ахборотларни сақлашга мўлжалланган билимлар мажмуаси.

Билимлар омборини бошкариш тизими – маълумотлар омборини яратиш ва унинг функционал вазифасини аниклаш, хамда улар асосида бошкариш фаолиятини амалга оширувчи амалий дастур ва алгоритмик тил воситалари мажмуи.

Билиш – объектив борлиқни инсон онгида акс этишининг олий шакли, ҳақиқий билимлар ҳосил қилиш жараёни. Билиш қуйидагича даражаланади: ҳиссий билиш-сезгилар, идрок, тасаввур орқали ҳосил қилишади; рационал билиш-тушунчалар, мулоҳазалар, ақлий хулосалардан ўтиб назарияларда ўрин олади.

Шу билан билишнинг кундалик, бадиий, илмий даражалари ҳам мавжуд. Илмий билаш ҳам ўз навбатида табиатни ва жамиятни билишга ажралиб, уларнинг ҳам мос равишда йўналишлари ва мақсад-вазифалари мавжуд.

Билиш – инсон томонидан воқеликни акс эттириш процесси. Агар билиш шахснинг ўзига қаратилган бўлса, ўз-ўзини белгилаш деб аталади. Билиш процесси сезги, идрок, тасаввур, тафаккур каби психик процессларда ифодаланади.

Билиш усуллари: билиш жараёнининг қонун-қоидаси, мезони, тамойили, шакл ва усуллари ҳамда воситалари, шунингдек, билиш жараёнига қўйилган талаблар тизимларининг мажмуасига билиш усуллари дейилади.

Қадимда Аристотель (Арасту), Фаробий, Беруний, Абу Али ибн Синолар билиш методларига катта эътибор беришган. XVII-XVIII-асрларда Ф.Бекон, Р.Декарт ва бошқалар билиш усулларининг яратувчанлик аҳамиятини алоҳида таъкидлашган.

Билишнинг Декарт усули қуйидагича:

Фан тараққиётида билиш усулларини асосан икки йўналишда ўрганилган:

- эмпирик билиш усуллари-кузатиш, тажриба, тавсифлаш, ўлчаш;

- назарий билиш усуллари – мавҳумийлик, расмийлаштириш, компътерда моделлаштириш ва шу кабилар.

Билишнинг Декарт усули – бу асосан 4 босқичдан иборат бўлиб, улар қуйидагилардир:

1. Аниқ ва равшан тасаввур этилмагунча ҳеч нарса ҳақиқат тарзида қабул қилинмаслиги керак.
2. Қийин саволларни ечиш учун қанча зарур бўлса, шунча қисм (бўлак)ларга ажратиш керак.
3. Тадқиқотни энг содда нарсадан бошлаб, аста-секин қийин ва мураккабларини билишга ўтиш.
4. Бирор нарса қолиб кетмаганлигига ишонч ҳосил қилиш учун барча тафсилотларга тўхтаб ўтиш ва барча нарсаларга диққат-эътиборни жалб қилиш лозим.

Билишнинг мазкур усулидан «комплекс ёндашув» ёки «тизимий ёндашув» тадқиқот усулларини жорий этишда фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Биология – тирик организмларнинг келиб чиқиши, турли-туманлиги, тузилиши, ривожланиши, уларда содир бўладиган ҳаётий жараёнлар, ташқи муҳит билан алоқаси, мослашиши ҳақидаги фан.

Биологик модель – объектлар ва уларнинг қисмларига хос биологик тузилиши, уларнинг ташкилий тузилмавий кўриниши ва функционал вазифалари мажмуаси.

Бионика фани (БФ). Бионика (юнонча bion – ҳаёт элементи, асл маъноси - яшовчи**) –** биология ва кибернетиканинг янада мукаммал техник воситалар ёки қурилмаларни яратиш мақсадида организмларнинг тузилиши ва ҳаёт фаолиятини ўрганадиган бир йўналиш. **БФ** XX асрнинг иккинчи ярмида шаклланган. БФ нинг **асосий муаммолари:** нерв системасида ахборотларни қайта ишлаш усулларини яратиш; сезги органлари тузилиши ва ишлаш хусусиятлари қонуниятларини ўрганиш; фойдали иш коэффициенти жуда юқори бўлган биоэнергетик жараёнларни ўрганиш ва бошқалар. БФ нинг пайдо бўлишига **асосий сабаблардан** бири нерв системаси сигналларини аниқ ва бехато қабул қилиши, ишончли, ихчам ва энергияни тежаб сарфлашнинг ЭҲМ лари билан таққослаганда унинг буларга нисбатан катта афзалликларга эгалиги.

Биоритмлар назарияси – бу ихтиёрий таълим муассаси шароитида фаолият кўрсатувчи педагоглар ва бошқа ходимлар ўртасидаги ўзаро таъсир, субъект ва объектнинг ўзаро таъсирлари билан бир қаторда ташқи муҳит таъсиридир. Педагог ходимларга бўлган ташқи муҳитнинг таъсири уларнинг ўз фаолиятига нисбатан мойиллигини ўзгартиради. Мазкур назарияга кўра меҳнат фаоллигини оширишнинг **икки чўққиси** мавжуд бўлиб, улардан **биринчиси** соат 11 дан 12 гача ва **иккинчиси** 16 дан 18 гачадир. Шундан келиб чиқиб, куннинг биринчи ярмида педагогларни асосий фаолияти бўлган таълим – тарбия жараёнига жалб этиш, йиғилиш ва шунга ўхшаш тадбирларни **иккинчи чўққига** мўлжаллаб ўтказиш мақсадга мувофиқдир *(Джураев Р.Х., Турғунов С.Т).*

Бирламчи модул - педагогика технологияни унинг бирор даражасидан бошлаб тасвирлашда дастлабки модул сифатида танланган ва ўз таркибига битта ёки бир нечта кичик модулларни олган модул педагогик технология таркибидаги энг кичик бирликни ифодалайди. Амалда бундай кичик модулни ташкил қилувчи бошқа кичик модулларга ажратиш мумкин эмас, деб ҳисобланади.

Бобоохун Салимов (1874 - 1929). Давлат ва сиёсат арбоби, маърифатпарвар Бобоохун Салимов 1874 йили Гурлан беклигида қозикалон Салимохун оиласида дунёга келди. Асли исми Муҳаммад бўлиб, унга ҳурмат юзасидан Бобоохун деб тахаллус берилган. У бошланғич таълимни олгач, Ҳива шаҳридаги Оллоқулихон мадрасасида таълимни давом эттиради. Араб, форс, рус тилларини ўрганади, шеърлар машқ қилади. 1910 – 1918 йилларда Хива хони Асфандиёрхон саройида отаси ўрнида шайхулислом лавозимини адо этади. 1917 йил Хивадаги инқилобий воқеаларда иштирок этиб, парламент сифатида ташкил этилган Мажлис аъзолигига сайланади. 1918 – 1920 йилларда Тўрткўлда яшаб, «Ёш хиваликлар» партиясига аъзо бўлиб киради. 1920 йили халқ вакилларининг Бутунхоразм I қурилтойида Хоразм Халқ Совет Республикасининг Адлия нозири лавозимига сайланади. Кейинчалик Хоразмдаги мактаб, маориф ишларида қатнашади ва ўтказилишига раҳбарлик қилди.

Б.Салимов ислом ғоялари асосида янгиликка интилишига, шариатда тенгликка эришишига, хон амалдорларининг ҳуқуқлари билан ўсиб келаётган савдогарлар ва саноатчилар, ҳунармандлар ва зиёлилар ҳуқуқини тенглаштиришга интилди.

Дастлаб у хонликда майда ҳуқуқий ва иқтисодий ислоҳатларни амалга ошириш билан тараққиётипга эришиш мумкин, деб ҳисоблаган.

Бобоохун Салимов 20 –йиллар охирида коммунистик тоталитар тузум томонидан зиёлиларнинг таъқиб қилиниши натижасида давлат ишларидан четлаштирилади. Унинг қарашлари, мақсад ва ғоялари большевистик сиёсатга зид эди.

Шунинг учун 1929 йил 10 май куни кечқурун совет ҳокимияти томонидан судсиз, сўрқсиз отиб ўлдирилади. Бобоохун Салимов қабрининг қаердалиги номаълум.

Бобур (1483-1530). Тўлиқ исми: Заҳириддин Муҳаммад Бобур. У 1483 йил Андижонда туғилган, ўша даврда унинг отаси Умар Шайх Мирзо Андижон ҳокими эди. Отасидан 11 ёшида етим қолади ва 12 ёшида тахтга ўтиради. У Сарой муҳитида тарбияланди, ўқиди, ёшлигидан илмга, шеъриятга берилди. Довюраклиги, жасурлиги, эпчиллиги туфайли уни «Бобур», яъни «Йўлбарс» деб атадилар.

Устози ва пири: Хожа мавлонойи Қози Абдуллоҳ.

Асарлари: Бобурнинг энг йирик асари «Бобурнома»дир, у қомусий характердаги асар бўлиб, тарих, география, ботаника ва бошқа фан соҳаларига оид маълумотлар берилган. Бундан ташқари Бобур ўғли Ҳумоюн Мирзога атаб мусулмончилик қоидалари ва қонуншуносликка бағишланган, давлатни бошқариш ва закот қонун-қоидалари тўғрисида «Мубаййин», араб алифбосининг ислоҳига оид «Хатти Бобурий», аруз вазни ва қофияга оид «Муфассал», «Рисолаи волидия», «Эътиқодия» каби асарлар яратган.

Шоҳ ва шоир ўз юртидан йироқда ҳаёт кечирганлиги боис унинг ҳаётида Ватан туйғуси, Ватан соғинчи, Ватан қайғуси устунлик қилди, у умр бўйи ўз ватанига талпиниб яшади. Бобур ижодида ҳақиқий баркамол инсон тимсоли мадҳ этилади, улуғланади. У доимо инсон қадр-қимматини юқори тутади, инсонларни камтарликка, ҳалолликка, покликка ундайди. Бобур ижодий меросидан таълим жараёнида

фойдаланиш орқали, аввало талабаларни ватапарварлик руҳида тарбиялаш мумкин ҳамда уларда инсонпарварлик, камтарлик, имон-эътиқод каби ахлоқий фазилатлар юксалтирилади.

Бозор иқтисодиёти – жамият тараққиётини тезлаштирувчи иқтисодий алоқалар мажмуи. Бозор иқтисодиётининг моҳияти шундан иборатки, у барча жамият аъзоларини ишлаб чиқариш ва истеъмол орқали доимий ҳамда тўхтовсиз мусобақанинг иштирокчиларига айлантиради, шу боисдан бозор иқтисодиёти ишлаб чиқаришнинг кун сайин такомиллашувига, маҳсулот сифати яхшиланиб боришига, миқдорнинг кўпайишига сабабчи бўлади.

Болажонлик – бу ўзбекларга хос хислат бўлиб, унда кўп болалик, болалар учун яшаш, болалар дардини ўзлигидан юқори қўйиш, болалар учун қайғуриш, кечиримли бўлиш каби хислатлар асосий омиллар бўлиб ҳисобланади.

Болалар ва катталарнинг биргаликдаги фаолияти – бу ўқитувчининг болалар билан биргаликдаги маънавий маданиятини шакллантиришнинг энг яхши вариантини излаш жараёни бўлиб, унда ўқитувчи инсоннинг ҳаётий меъёр ва қадриятларини ишлаб чиқишга асосланган ҳолда болаларнинг тарбия жараёнидаги фаоллигини ошириш таъминланади. Ушбу жараёнда дунёқараши ҳали тўла-тўкис шаклланмаган болалар учун катталарнинг ҳаётий тажрибалари, ҳамда уларнинг шахсий ибрат-намуналари катта тарбиявий таъсирга эга бўлади.

Болалар ижодини ўрганиш методи – мактаб ўқувчилари ижодини ҳамда уларнинг турли-туман ишларини ўрганиш ва таҳлил қилиш педагогик тадқиқотларнинг самарали методларидан биридир. Иқтидорли ўқувчилар ақлий қобилиятлари, олижаноб аҳлоқий қиёфалари, эстетик дидлари, синчковликлари ва қизиқувчанликлари

билан ажралиб туради. Педагогика фани болалар ижодининг манбалари ва омилларини чуқур билишга ҳамда уларни янада тараққий эттириш ва такомиллаштиришнинг тўғри йўлларини кўрсатиб беришга қаратилган.

Босма табоқ (БТ) – нашрнинг ҳақиқий (амалдаги) ҳажми, ўлчов бирлиги. Бичими (формати) 60х90 см бўлган қоғоз варағининг бир томонидаги нусха. Стандарт ўлчамли ва бошқа ўлчамларга эга бўлган қоғоздаги нусха шу ўлчамлар учун физик БТ деб аталади. Нашр маҳсулотларини ҳисобга олишда ҳар қандай ўлчамдаги қоғоз учун ҳисобланган БТ 60х90 см бичимдаги қоғоз бирлиги сифатида олиниб, шартли табоқларга қайта ҳисобланади.

Босмахона – бу матбаа маҳсулотларини (китоб, журнал, газета, плакат, бланка ва ҳ.к.) тайёрланадиган саноат корхонаси.

Ботаника – ўсимликларнинг ҳаёти, ташқи ва ички тузилиши, тараққий этиши, тарқалиши, муҳит билан боғлиқлиги, халқ хўжалигидаги аҳамияти, ўсимликлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш усулларини ҳамда инсонлар ҳаётидаги ва табиатдаги ролини ўрганувчи фан.

Бош компьютер — 1. Кўп машинали ҳисоблаш мажмуаларида, бошқа компьютерларни бошқарадиган, тизимда (ҳисоблаш тармоғида) ишларни ташкиллаштирадиган ва асосий ахборот ишловини амалга оширадиган компьютер.

2. Телекоммуникация ҳисоблаш тармоқларида, тармоққа хизмат кўрсатишни, хабарларни узатишни ва дастурларни бажариш билан боғлиқ қўшимча функциялар ёки вазифаларни таъминлайдиган компьютер.

Бошланғич мактаб (БМ) – таълим олувчиларга бошланғич умумий маълумот берадиган умумтаълим таълим-тарбия муассасаси. Унинг вазифаси таълим олувчиларда ёзиш, ўқиш, ҳисоблаш малака ва

кўникмаларни ҳосил қилиш, табиат ва жамият ҳақида илк билимлар бериш, хулқ-одобга ўргатишдир.

Бошланғич таълим (БТ) – умумий ўрта таълимнинг дастлабки босқичи. ЎзР да бошланғич таълим 1-4 синфларда болаларга илк таълим бериш, уларни маънавий камол топтиришнинг бошланғич даври ҳисобланади. У 1-4 синфларни ўз ичига олади ва бунда ўқиш 6-7 ёшдан бошланади. БТ умумий ўрта таълим олиш учун зарур бўлган саводхонлик билим ва кўникма асосларини шакллантиришга қаратилган БТ синфлари учун ўқув режаси ва дастурлари мавжуд.

Бош масалани ажратиш методига қуйидаги конкрет компонентлар киради: фикр предметини ажратиш; ахборотни мантиқий қисмларга ажратиш ва уларни қиёслаш; материални саралаш ва тизимларга ажратиш (бош масалани иккинчи даражали масалалардан ажратиб олиш); таянч сўз ва тушунчаларни топиш; маъно англатувчи таянч пунктларни аниқлаш; асосий фикр ҳамда хулоса; белгили расмийлаштириш (сарлавҳа, режа, чизма, асосий матн, модель, алгоритмни тузиш ва ҳ.к) (Алимов Н.Н).

Бошқариш – бу таълим жараёнини лойиҳалаштириш, режалаштириш, мақсадли диагностик имкониятларни босқичма босқич уйғунлаштириш воситалари ва унинг натижаларини мақсадли услублар билан тузатиш имкониятларини яратишдир.

Бошқариш вазифалари (БВ) - бирор объектга раҳбарлик қилиш учун зарур бўлган фаолият тури деб тушунилади. БВ ўзининг таркиби билан бошқарув технологиясини бунёд этади. БВ нинг маъносига **иккита элемент** киради: у аввал тизимда нима қилинаётганини белгиласа, сўнгра «қандай қилиб?» саволга жавоб беришни билдиради *(С.С. Ғуломов).*

Бошқариш функцияси – бошқаришнинг ихтиёрий фаолиятида бошқариш мазмун-моҳиятини ифодаловчи, асосланган математик ифода.

БФ ҳодиса ва жараёнларни бошқариш алгоритмини амал қилиш қонуниятини ифодалайди. Бошқариш алгоритмининг асосини ташкил қилиб, таълим-тарбия жараёнидаги бошқарув фаолияти алгоритмик тизими бошқарув функцияси орқали бошқарув алгоритмини ишга туширади.

БФ таълим-тарбия жараёнидаги фаолиятни оптимал бошқаришга имконият яратади ва бошқаришда тескари алоқани ҳам йўлга қўйиш мумкин. Бу эса таълим-тарбия жараёнини ростлаш ишларида жуда катта имкониятдир.

БФ таълим-тарбия жараёнини оптимал бошқариш ишларни амалга оширишнинг барча босқичларида фойдаланилади.

БФ кишилик жамияти фаолиятида ҳар доим фойдаланилади ва бошқариш натижаларини доимо назорат қилиб бориш имкониятини беради ҳамда режалаштирилган натижага етиб боришни кафолатлайди.

Бошқарув – бу бошқарилаётган жараённи мавжуд имкониятлар асосида қўйилган мақсадга эришгунга қадар бўлган ҳаракатлар кетма-кетлиги.

Бошқарув – жараёнларга режа асосида йўналиш бериш ва режалаштирилган натижани олиш бўйича ҳаракатлар мажмуасини ташкил этади. Бошқарув жараёни, асосан, бошқарувчи, манба, мақсад ва натижа тизимидаги фаолият бўлиб, унда бошқарувчи таъсири йўналтирилган манба (объект) турига қараб турли кўринишларда бўлади. Улар бошқарувчилар таъсир кўрсатишларига қараб жамият, давлат, қишлоқ хўжалиги, иқтисодиёт, таълим тизими, ишлаб чиқариш

корхоналари, соғлиқни сақлаш тизими, уй-хўжаликлар, оила бюджети ва шу кабилар бошқариш турларига ажратилади.

Бошқаришнинг энг асосий хусусияти шундан иборатки, бунинг натижасида қўйилган мақсадга эришилади. Қўйилган мақсад ёки истак ва интилишлар асосида олдинда турган вазифаларни бажариш учун бошқа кишиларнинг (ёки муҳитнинг) ҳаракатлари (таъсирлари) жараёнларни бошқаришнинг мазмунини ташкил этади ва ҳаракатлар кетма-кетлигини мақсадга эришиш сари йўналтиради.

Бошқарув – бу инсонларнинг барча фаолиятларига тегишли бўлган жараён бўлиб, у ҳаётий эҳтиёжларни қондиришда, кўзланган мақсадларга эришишда маълум бир мақсадга йўналтирилган фаолиятини режалаштириш, ташкил этиш, назорат қилиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш, мазкур жараён иштирокчиларига таъсир кўрсатиш орқали уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришни ифодалайди. «**Бошқариш**» сўзи одатда аниқ бир мақсадга эришиш учун бошқарилувчи тизим (ёки бошқарув объекти) га фаол таъсир кўрсатиш тўғрисида гапирилганда қўлланилади. Замонавий адабиётларда бошқарувнинг маъноси бўйича **уч хил** йўналишдаги тушунчалар мавжуд.

Биринчиси, бошқарув маъноси **фаолият** деб юритилади.

Иккинчиси, вакилларнинг бошқарувни бир тизимининг иккинчисига, шахснинг иккинчи бир шахсга ёки гуруҳга **«таъсир этиши»** деб ҳисоблайдилар.

Учинчиси, бошқарув – бу субъектлар ўртасидаги ўзаро таъсир, яъни тўғри ва тескари таъсирларнинг узлуксизлиги, бир – бирига таъсир этувчи субъектлар ўзгаришининг органик боғлиқлиги мавжуд.

А.И.Китовнинг таъриф беришига кўра: **«Бошқарув -** бу инсонларни бошқариш, улар билан ишлаш**»:**

Бошқарув - бу танлов, қарор қабул қилиш ва унинг бажарилишини назорат қилиш жараёнидир. Бошқарув инсонларнинг барча фаолиятларига тегишли бўлган жараён бўлиб, ҳаётий эҳтиёжларини қондиришда, кўзланган мақсадга йўналтирилган фаолиятни режалаштириш, ташкил этиш, назорат қилиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш, мазкур жараён иштирокчиларига таъсир кўрсатиш орқали уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришни ифодалайди.

Кўпгина адабиётларда «**менежмент**» сўзининг маъноси билан «**бошқарув**» тушунчаларига таъриф берилганда, худди бир хил маънони англатади дегандек, менежмент бу – бошқарув деб ёзилганлиги кўпчилик ўқувчиларни чалғитиш мумкин. Шуни таъкидлаш керакки. «менежмент» сўзи «бошқарув» тушунчасидан фарқли равишда бошқарув фаолитини ташкил этиш деган маънони англатиб, у фан сифатида бошқаришнинг сир – асрорларини ўрганади ва таҳлил қилади. «**Бошқарув**» атамаси нисбатан кенгроқ маънони англатади, мазкур тушунча орқали маълум бир шахс томонидан бирон – бир объектнинг бошқарилишини, яъни нафақат инсонларни, балки машина, дастгоҳ ёки технологик қурилмаларни бошқаришни, шунингдек, мазкур бошқарувчиларни ҳам бошқаришни тушуниш мумкин *(Джураев Р.Х., Турғунов С.Т).*

Бошқарув алгоритми – бу мактаб раҳбари бошқарув фаолиятининг кетма–кетлиги (изчиллиги) бўлиб, у **етти босқич**: педагогик жараённинг ҳолати тўғрисида ишончли ахборотлар тўплаш, қайта ишлаш ва объектив баҳолаш, бошқарув фаолияти мақсадини белгилаш; бошқарув фаолиятини олдиндан кўриш (англаш) ва режалаштириш; кадрлар танлаш ва жой – жойига қўйиш; жамоа фаолиятини назорат қилиш ва ташхис; жамоа аъзоларининг фаолиятларини мувофиқлаштириш; мактаб фаолиятининг ривожланиш

мойиллиги ва динамикасини аниқлашдан иборат, мазкур босқичлар изчиллигида, бошқарув методлари: маъмурий, ижтимоий – психологик, иқтисодий, шунингдек, ахборотлар тўплаш методларини қўллаш ёрдамида юқорида келтирилган функцияларнинг бажарилиши амалга оширилади *(Джураев Р.Х., Турғунов С.Т).*

Бошқарув босқичи - таълим тизимининг бошқарув органлари таркибий қисмларининг ўзаро боғлиқ равишда жойлашиши, тузилиши бўлган ташкилий структураларни ҳосил қиладиган бир бошқариш бўғинининг иккинчисига, яъни қуйи бўғинининг юқори бўғинга изчиллик билан ўсинишини кўрсатади. Ташкил этувчи қисмларнинг юқоридан қуйига қараб йўналган тартибда ҳамда раҳбарлар билан ходимларнинг лавозимига, яъни бўйсинишига кўра юқоридан қуйига қараб жойлашуви **грекча («hierarchia»)** иерархия деб аталади. Иерархияни ташкил этувчиларнинг ўзаро бўйсиниш тартиби ҳар бирининг ҳуқуқ ва бурчлари ҳамда уларнинг ўзаро муносабатлари тартиби бошқариш тизимини ташкил этади. Бу **вертикал** бўйича бўлиниш ҳисобланади *(Джураев Р.Х., Турғунов С.Т).*

Бошқарув бўғини - бу бошқаришнинг айрим ва қатор функцияларини бажарувчи мустақил таркибий тузилишга эга бўлган бўлимларидир. Таълим муассасасини самарали бошқариш нафақат кучли. Мажбурий ва кенг қамровли таъсир кўрсатиш каби бошқарув усуллари асосида амалга оширилади, балки ташкил этувчи қисмлари, локал, бўғинлар бўйича аниқ белгиланган тартибда таъсир кўрсатиш, таълим муассасасининг барча бўғинларининг самарали ривожланишида яхши натижаларга эришишга асос бўлади. Бу бўлимлар ўртасидаги боғланиш ва алоқалар **горизантал** характерга эга бўлади *(Джураев Р.Х., Турғунов С.Т).*

Бошқарув ваколатлари - таълим муассасасини бошқаришда мактаб раҳбари ёки бошқа раҳбарлар томонидан ўз қўл остидаги ходимларга ўзи жавобгар бўлган вазифаларни, маълум бир масала ҳал этиш ёки ташкилий ишларни амалга оширишда раҳбарлик қилиш ҳуқуқини вақтинча беришидир *(Джураев Р.Х., Турғунов С.Т)*.

Бошқарув жараёни негизи - ҳар қандай таълим муассасасининг асосий вазифаси ҳисобланган таълим жараёнини илмий асосда ташкил этиш ва уни такомиллаштириш негизи бошқариладиган объект ва бошқарувчи субъект тизимларидан ташкил топади. Бу тизим ўқитувчилар, педагог ходимлар ва ўқитувчилар (объект) ва раҳбарлар, раҳбар ходимлар (субъект) ўртасидаги алоқа, яъни жамоа аъзоларининг ўзаро муносабатларидан ташкил топади *(Джураев Р.Х., Турғунов С.Т)*.

Бошқарув масъулияти - таълим муассасаси олдига қўйилган мақсадларга эришиш таълим – тарбия жараёнини замонавий талабларга мос, илмий асосда ташкил этиш, педагогик ходимлар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда умумий манфаатларни кўзловчи натижаларга эришиш учун қабул қилган қарори, унинг ижроси, ўз хатти – ҳаракати ва фаолияти учун жавобгарликнинг раҳбарлар томонидан ҳис қилинишидир *(Джураев Р.Х., Турғунов С.Т)*.

Бошқарув методи – бу бошқариш фаолиятини амалга ошириш усуллари ва йўллари мажмуидан иборат бўлиб, бошқариш тизимига самарали, мақсадга мувофиқ таъсир кўрсатишдан, яъни бошқариш функцияларини амалга ошириш механизмдан иборатдир. Замонавий ижтимоий – иқтисодий шарт – шароитларда умумий ўрта таълим муассасаларини бошқаришга кўп даражада мос келадиган методларнинг **тўртта** асосий гуруҳлари: **иқтисодий, ташкилий – маъмурий, ижтимоий – психологик ва ахборотлар тўплаш методларини ажратиб кўрсатиш мумкин.**

- **Бошқарувнинг иқтисодий методлари** – бу методлар ўзаро боғлиқ бўлган иқтисодий кўрсатгичларнинг йиғиндисини тавсиялаб, ҳар бир ишчи ва бутун муассасаларга талаблар белгилаш билан биргаликда замонавий талаблар даражасида фаолият кўрсатишлари учун шароитлар яратади. Таълим муассасаси фаолиятини такомиллаштириш, инновацион жараёнларни кучайтириш, яъни ходимларнинг инновацион фаолиятларини ташкил этиш, таълим – тарбия жараёни иштирокчиларининг фаолликларини ривожлантиришда иқисодий методлардан фойдаланилади.

- **Бошқарувнинг ташкилий маъмурий методлари** - бу методлар ҳам иқтисодий методлар бажарадиган вазифаларни бажаради, фақат уларнинг таъсир кўрсатиш усуллари ва шакллари ўзаро фарқ қилади. Иқтисодий методлардан белгиланган вазифаларни ҳал қилиш учун раҳбарлар таъсир кўрсатишнинг турли хил усул ва ва шаклларини танлаш имкониятига эга бўлади. Ташкилий – маъмурий методлар қарорлари, буйруқлари, фармойишлар ва кўрсатмалар тайёрлаш, уларни ўз вақтида тегишли шахсларга етказиш ва бажарилишини назорат қилиш орқали таъсир кўрсатишни назарда тутади.

- **Бошқаришда ижтимоий – психологик методлар** - бу жамоа аъзолари ўртасида шундай муносабатларни вужудга келтиришдан иборатки, бунда раҳбар бўйсинувчиларнинг бемалол, эркин ҳаракат қилиши, ўзини – ўзи намоён қилиши, турли жараёнларда эркин иштирок этиши, фикр билдириши учун шароитни ва ижодий муҳитни яратиш муҳим асос ҳисобланади. Демак, ижтимий – психологик методларнинг асосий мақсади таълим муасасаси жамоасида соғлом муҳитни яратишдан иборат, деб айтишимиз мумкин.

- **Бошқарувнинг ахборотлар тўплш методлари** – бу барча методлар қатори ахборотлар тўплаш методлари ҳам таълим

муассасасининг фаолиятини такомиллаштириш учун раҳбарларнинг бошқарув фаолиятини илмий асосда ташкил этишда, педагогик жараёнларнинг ҳолати тўғрисида ишончли ахборотлар тўплаш ва таълим жараёни иштирокчиларининг фаолиятини объектив баҳолашни амалга оширишга хизмат қилади *(Джураев Р.Х., Турғунов С.Т).*

Бошқарув мулоқот - бу таълим муассасаси фаолиятини ташкил этиш, ходимлар фаолиятини мувофиқлаштиришда инсонларга раҳбарлик қилиш жараёнидаги мулоқот, яъни уларнинг фаолликларини таъминлаш, хатти – ҳаракатларини мақсадга йўналтириш ёки мотивлаштиришдир. Раҳбарлар бошқарув функцияларини амалга ошириш жараёнида ўз жамоаси аъзолари билан турли хил муносабатларда, яъни бажарилиши лозим бўлган вазифалар йўналишида турли шаклларда мулоқотда бўладилар, буларнинг ичида энг зарури самарали мулоқот бўлиб, мақсадни қисқа вақт ичида аниқ ва тушунарли қилиб етказишдир *(Джураев Р.Х., Турғунов С.Т).*

Бошқарув поғонаси – ташкилий тузилишга кўра таълим муассасасининг юқори бўғини (раҳбарлар) билан қуйи бўғини (ижрочиликлар) ўртасидаги масофанинг катта–кичиклиги–поғоналиги, яъни бу бир звенонинг (ходимнинг) бошқасига бўйсиниш кетма – кетлигидир. Раҳбар билан оддий ижрочи ўртасидаги масофа қанчалик катта бўлса (даражаларнинг сони) таълим муассасаларидаги поғонавийлик даражаси шунчалик катта бўлади *(Джураев Р.Х., Турғунов С.Т).*

Бошқариш структураси – «Структура» лотинча сўз бўлиб, нарсалар таркибий қисмларининг ўзаро боғлиқ равишда жойлашиши, ташкилий тузилишини билдиради. Бошқарув мақсадларини амалга оширувчи ва функцияларни бажарувчи бир – бири билан бўғинларининг мажмуи тушунилади. Бошқаришнинг мақсадлари, функциялари,

вазифалари, объектлари ва унинг ташкилий тузилишини белгилаб беради *(Джураев Р.Х., Турғунов С.Т).*

Бошқарув услуби – бу муассаса олдига қўйилган мақсадларга эришишда ходимларни бошқариш ҳамда бошқарув жараёнида вужудга келадиган муаммоларни ҳал қилишда қўлланиладиган усуллар ва йўллар мажмуаидир. Бошқарув фаолиятинин самарали услубларини шакллантиришда раҳбарнинг шахсий хусусиятлари, унинг маълумоти, касбий малакаси, ёши, соғлиғининг ҳолати, шунингдек, **билим дажараси** муҳим аҳамият касб этади *(Джураев Р.Х., Турғунов С.Т).*

Бошқарув функциялар – бу таълим муассасаси раҳбарининг бошқарув фаолиятининг асосий вазифаси бўлиб, унда таълим жараёнини ташкил этишда ижобий натижаларга эришиш учун жамоада зарурий шароитларни яратиш, рақобатбардош битирувчиларни тайёрлаш ва таълим муассасаси фаолиятини такомиллаштириш ва ривожлантириш, шунингдек, бошқарув фаолиятларида таълим муассасасида мавжуд барча жараёнларни тартибга солиб туриш муҳим аҳамият касб этади. Таълим муассасаси раҳбарларининг бошқарув функциялари қуйидаги кўринишларда бўлади: ахборот - таҳлил функцияси; мақсадли – мотивлаштириш функцияси; олдиндан кўриш – режалаштириш фукнцияси; ташкилий ижрочилик функцияси; назорат – ташхис функцияси; тартибга солиш – мувофиқлаштириш функцияси.

- Бошқарувнинг ахборот – таҳлил функцияси - бу раҳбарнинг педагогик тизимлар (педагогик жараён) тўғрисидаги узлуксиз равишда ахборотлар тўплаш ва уларни чуқур ўрганиш ҳамда объектив баҳолаш вазифасидир. Бу вазифаларни бажариш асосида бошқарув фаолиятининг стратегияси, ривожланиш омиллари, бажарилишини ташкил этиш ва назорат қилиш йўллари аниқланади. Шунинг учун, ахборотлар нафақат ишончли, балки янги ва фойдали бўлиши зарур.

- Бошқарувнинг мақсадли –мотивлаштириш функцияси – бу мотивлаштириш олға сурилаётган мақсадга эришиш бўйича барча бошқарув субъектларида қизиқишлар уйғотишга йўналтирилган тадбирларни ташкил этишни назарда тутишдир. Мотивлаштириш ҳаракатлар ва тадбирларни етарли даражада ташкил этиш учун зарур. Бунда **мотивларнинг** хусусиятларини ҳисобга олиш зарур бўлиб, қандай мотивлар бошқарув фаолиятини йўналтириши ва қайсилари самарали ҳаракатлар режасини тузишга имконият яратишини билиш ўзига хос аҳамият касб этади.

- Бошқарувнинг олдиндан кўриш – режалаштириш функцияси - бу бошқарув фаолиятини олдиндан кўриш (англаш) ва режалаштириш функцияси учун мақсадли – мотивлаштириш бошланғич асос бўлиб хизмат қилади, олдиндан кўриш – режалаштириш функцияси ташкилий шакллар, усуллар, таъсир этувчи воситаларни аниқлайди, назоратнинг меъёрий натижаларини баҳолашга хизмат қилади, шунингдек, педагогик тизимни ва унинг иштирокчиларининг ҳаракати ва фаолиятини мувофиқлаштиришга, тартибга солишга имконият яратади.

- Бошқарувнинг ташкилий – ижрочилик функцияси - бу функция бошқарув фаолиятининг барча йўналишларида ўз аксини топади. Яъни, кадрлар танлаш ва жой – жойига қўйиш, ижрочиларнинг ўзаро таъсир этиш тизимини шакллантириш, ахборотлар тўплаш ва уларга ишлов бериш фаолиятлари билан боғлиқ бўлади. Бунинг натижасида у ёки бу педагогик тизимга хос таркибий тузилиш вужудга келади.

- Бошқарув назорат – ташхис функцияси – бу назорат жараёни бевосита боғлиқ бўлиб, бошқарув жараёнининг фаол босқичларидан биридир. У бошқарувнинг барча функциялари билан боғлиқ бўлади. Умумий ҳолда назорат режалаштирилган натижа билан ҳақиқий

эришилган наижаларни ўзаро фаолиятнинг муваффақиятини аниқлашга имконият яратади.

- **Бошқарувнинг тартибга солиш – мувофиқлаштириш функцияси** - бу педагогик тизимнинг ҳолатини зарурий, белгиланган даражада ушлаб туриш, уни янги сифат даражасига кўратиш ва педагогик жараёнда йўл қўйилаётган хатоликларни тузатиш ҳамда педагогик жараён иштирокчиларининг хатти – ҳаракатларини тартибга солиш учун хизмат қилади. Бу функция ёрдамида педагогик тизим субъектларининг турли ҳаракатлари мувофиқлаштирилади. Ўз навбатида мувофиқлаштириш педагогик тизимнинг ҳаракатланиш йўналишини барча бўғинларнинг ўзаро уйғунлашувида юқори даражада тезкорликни талаб этади *(Джураев Р.Х., Турғунов С.Т).*

Бошқарув фаолияти - мактаб раҳбарларининг бошқарув фаолиятини иккита субъектнинг, яъни раҳбар билан таълим тизимининг ўзаро боғлиқ фаолияти сифатида қараш мумкин. Бундай ҳолатда раҳбарнинг бошқарув объекти бошқариш ва ўз – ўзини бошқариш каби зарурий хусусиятларга эга бўлган таълим тизими ҳисобланади, турли хил таъсирлар асосида, бошқарилаётган таълим муассасаси ўз ўрнида бошқарув натижаларига ва бошқарув субъектига таъсир кўрсатади *(Джураев Р.Х., Турғунов С.Т).*

Бошқарув қарори - бошқарув жараёнида турли масалалар юзасидан, турли даражада хилма – хил моҳиятга ва мазмунга эга бўлган стратегик, тактик, умумий, анъанавий тезкор ва бошқа турли қарорлардир. Булар турли масалаларнинг ва муаммоли вазиятни ҳал қилишга йўналтирилган бўлиб, уни ишлаб чиқиш раҳбарлар фаолиятида ижодий жараён ҳисобланади *(Джураев Р.Х., Турғунов С.Т).*

Бошқарув қарорлари (БҚ) - бу таълим муассасаларини бошқарув жараёнида турли хил муаммоларни ҳал этиш, таълим – тарбия

жараёнини илмий асосда ташкил этиш ва таълим самарадорлигини оширишда турли масалалар юзасидан моҳияти ва мазмуни жиҳатидан бир – биридан фарқ қилувчи, шунингдек, муассасанинг ҳамда жамоа аъзоларининг фаолиятида муҳим аҳамият касб этувчи қарорлардир. БҚ ни қабул қилиш жараёнида муайян вазиятларан келиб чиқиб баҳсли масалалар, турли – туман фикрлар ва топшириқлар вужудга келади, бундай пайтларда ахборотларга асосланилади. Ахборотларнинг аниқлиги, уни ташкил этувчи маълумот, хабар ва янгиликларнинг ишончлилиги, яъни исботланганлиги қабул қилинадиган қарорларнинг хусусиятларини белгилаб беради.

Бошқарувда стратегик қарор (БСҚ) - бу таълим муассассининг узоқ муддатга мўжалланган бир тўхтамга келинган фикри бўлиб, у ўша муассасанинг ривожланиш вазифалари ва мақсадини белгиловчи ҳужжатдир. БҚС ни қабул қилишда таълим муассасасининг истиқболли ҳаракати дастури асос қилиб олинади, узоқ муддатларга мўлжалланган мақсадларга эришишда бажариладиган вазифаларнинг муддати ва мутасаддиси белгиланади, мавжуд (қаралаётган) муаммоларни ҳал этиш йўллари ва услублари кўрсатилади.

Бошқарувнинг тактик қарорлари – бу таълим муассаси олдига қўйилган мақсадга эришишда қўлланиладиган восита ва усуллар йўналишидаги қарорлар бўлиб, жорий ва тезкор қарорларни ифодалайди.

Таълим муассасасининг йиллик ва жорий дастурларини ҳамда режаларини тузиш ва жорий этиш, юқори малакали кадрлар билан таъминлаш йўналишидаги қарорлар юқори ва ўрта бўғин раҳбарлари томонидан узоғи билан икки йилгача бўлган муддатга қабул қилинади *(Джураев Р.Х., Турғунов С.Т)*.

Буйруқ - бу муассаса ваколати доирасида, амалдаги қонунлар, юқори ташкилотлар қарори ва фармойишлари асосида шу қарор ва фармойишларни бажаришни таъминлаш учун ижро этиш мажбурий бўлган ҳужжатдир.

Бузғунчи ғоялар уюшма, оқимлар томонидан фаолияти йўналиши сифатида танланган ва умуминсоният ҳаётига хавф солувчи, ижтимоий тараққиётни таназзулга олиб борувчи, одамларнинг ҳукмронликка интилувчи, кучларга тобе, қарам бўлишини таъминловчи қарашлар таълимотлардир.

Бузғунчи ғояларнинг етакчи асослари: террор, фанатизм (бирор бир ғояга кўр-кўрона, ўзликни унутиш даражасида берилиш – фанатиклар), ирқчилик, буюк давлат шовинизми, агрессив миллатчилик, диний адоват, маънавий бузғунчилик, ахлоқсизлик, нашавандлик ва бошқалар.

Бузғунчи ғоялар инсоният ҳаётига хавф солиш билан бирга жамият ҳаётини издан чиқаради, кишилик муносабатларига зарар етказади. Шу сабабли, аҳоли, айниқса, ёшларда бузғунчи ғояларга бўлган ишончнинг юзага келиши, уларнинг таъсири доирасига тушиб қолишларининг олдини олиш **муҳим ижтимоий вазифадир.**

Жамиятда мафкуравий бўшлиқнинг юзага келишига йўл қўймаслик, миллат ва умуминсоний манфаатлар уйғунлиги асосида миллий ғояни, мафкурани шакллантира олиш юқорида қайд этилган **ижтимоий вазифани** ҳал этишнинг энг тўғри ечимидир *(Толипов Ў.Қ., Усмонбоева М.Х., Ғозиева Л.М.).*

Бузғунчи ғоялар вайронкор интилишлар асосида пайдо бўлади. Масалан, бугунги кунда мусулмон мамлакатларини бирлаштириб, умумий халифачилик давлати барпо этиш ҳақидаги ғоя қанчадан-қанча уруш ва қон тўкишларга сабаб бўлмоқда.

“Бумеранг” технологияси – дарс жараёнида янги мавзуни ўрганишда, дарсдан ташқарида қўшимча манбалар, матнлар ва адабиётлар билан ишлаганда қўлланиладиган технологиялардан бири бўлиб, бу технология ўқувчининг мустақил билим эгаллаши ва шу эгалланган билимни бошқа ўқувчиларга ўргатишга асосланади. Бунда ўқувчида ўз билимини бошқаларга ўргатиш орқали эслаб қолиш қобилияти ва нутқ маданияти ривожланади.

Бунёдкор киши – «Эзгу ўй – эзгу фикр – эзгу амал» тамойилига амал қилувчи ва шу йўлда самарали фаолият кўрсатувчи инсон («Авесто» китоби асосидаги таъриф).

Бунёдкор киши – халқпарварлик, тинчлик-озодлик учун курашувчи, ҳурфикрли ва бағрикенг, дўстлик ва биродарликни улуғловчи ҳамда тараққиётни севувчи киши.

Бунёдкорлик – кишида барпо этувчилик ҳислатларининг мажмуи бўлиб, тараққиёт йўлидаги ғайрат-шижоат намунасини кўрсата оладиган халқ бахт-саодати йўлидаги ҳаракатлар жараёни.

Бунёдкорлик – кишиларнинг озод ва обод Ватан, эркин ва фаравон ҳаёт барпо этиш йўлидаги фаолияти.

Бунёдкорлик – илм ва ҳунарни эгаллаган, жисмоний жиҳатдан чиниққан меҳнатсевар, камтарин, мазлумларга ғамхўр, софдил, мард ав жасур, олийжаноб инсон фаолияти жараёни. (Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достони асосида ифодаланган таъриф).

Бунёдкор ғоя инсонни улуғлайдиган, унинг куч-ғайрати ва салоҳиятини ошириб, халқи, Ватани, бутун инсоният учун фойдали ишлар қилишга сафарбар этадиган, ўзида меҳнат, тараққиёт, дўстлик, тинчлик, адолат, ҳалоллик каби эзгу мақсадларни мужассам этадиган ғояга айтилади.

Бунёдкор ғоялар тизимида маъно-моҳиятига кўра, ўзаро муштарак бўлган озодлик, мустақиллик ва адолат ғоялари халқлар, давлатлар тарихида, инсоният ҳаётида ҳамиша муҳим ўрин тутиб келади. Чунки инсон озод бўлмаса, халқ мустақил бўлмаса, жамиятда адолат барқарор бўлмайди.

Бунёдкор ғоялар (БҒ) энг олий инсоний қадриятларга асосланувчи, доимий тараққиётни ёқловчи, шахсни яратувчиликка ундовчи, инсоният истиқболи ва жамият равнақини таъминловчи ғоялардир.

БҒ нинг етакчи асослари: тинчликни сақлаш, урушнинг олдини олиш, миллат ва элатлар ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликни қарор топтириш, турли динларга эътибор қилувчиларнинг толерантликка эга бўлишларини ёқловчи, жамиятда барқарорликни таъминлаш, ижтимоий муносабатларнинг инсонпарварлик ва демократик тамойилларига асосланишини тарғиб этиш ва ҳ.к.

Бурч - қонун ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган айрим ҳаракатларни содир этиш, айрим ҳаракатларни содир этишдан тийилишдир.

Бурчни бузиш турли жавобгарликларга тортиш ва жазолашга сабаб бўлади. Бурч ихтиёрий бажарилганда жамият тараққиётига ижобий таъсир қилади.

Бурч ахлоқнинг асосий мезонларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, ҳар бир кишининг ўз вазифаларини тўлиқ бажариш, одамларга тўғри муносабатда бўлиш каби фазилатларни ифода этади. У шахснинг жамиятга бўлган муносабатида намоён бўлади.

Бурч шахснинг ахлоқий фаолиятини ифодаловчи масъулият, онглилик, виждон каби фазилатлар билан чамбарчас боғлиқдир. Ўз бурчига содиқлик ҳар бир кишига обрў, шон – шараф келтиради. Ҳар

бир инсоннинг ўз бурчига содиқлиги ўзига, жамиятга, Ватанга, меҳнатга, оилага, фарзандларига бўлган муносабатида намоён бўлади. **Бурч** муқаддас нарса. Унга содиқлик Ватанга содиқликдир.

Бурч – кишининг бирор шахс, оила, жамоа, эл-юрт, Ватан олдидаги мажбуриятини англатувчи ахлоқий тушунча. Бурчда объектив муносабатлар ифодаланади, яъни, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва ахлоқий негизлари билан белгиланади. Бурчнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, у инсоннинг ички кечинмалари, ташқаридан туриб назорат қилинмайдиган мураккаб руҳий ҳолатини ифодалайди. Бурч имон-эътиқод, онглилик, ҳалоллик, виждон каби тушунчалар билан чамбарчас боғлиқ. Бурча қандай вазифа ва кимнинг олдидага мажбурият эканлигига қараб турлича бўлади. Ижтимоий ва шахсий бурч, оилада ота-оналик бурчи ва фарзандлик бурчи ва бошқалар. Бурч нисбий тушунча. У ижтимоий тараққиёт жараёнида мазмунан бойиб, шаклан ўзгариб боради. Ҳозирги шароитда инсоннинг табиат ва авлодлар олдидаги бурчи янгича мазмун касб этмоқда. Оилавий бурч эса жамият олдида турган мақсадлар билан янада уйғунлашмоқда. Она Ватанга, халққа хизмат қилиш энг улуғ ва шарафли бурч ҳисобланади. (ЎзМЭ. Т.: 2001, 2-том, 261-бет).

В

Вазирлик – Ўзбекистон халқ хўжалигининг ижтимоий, сиёсий ва маданий қурилишининг йирик тармоғига раҳбарликни амалга оширадиган ҳамда шу тармоқнинг бугунги аҳволи ва келгуси ривожланиши учун жавоб берадиган марказий давлат бошқарув органидир.

Ҳар бир вазирлик махсус ваколат ва компетенциялар мажмуига эга. Вазирликни Ўзбекистон Республикаси Президенти тузади, вазият талаб

қилганда тугатади ва шу масалага доир фармонларни олий мажлис тасдиғига киритади.

Ҳозир Ўзбекистон Республикасида 17 та вазирлик фаолият кўрсатаётган бўлиб, халқ таълими вазирлиги ҳамда олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, шулар жумласидандир.

Вайронкор ғоя деб турли таъсирчан воситалардан фойдаланиб, одамларни сохта ва пуч ғояларга эргаштирувчи, уларнинг куч-қудратини бузғунчилик ва жиноятга йўналтирадиган, инсоният учун фақат кулфат келтирадиган ғояга айтилади. Ўрта асрлардаги салб юришлари Шарқдаги муқаддас ерларни христиан бўлмаган халқлардан тозалаш баҳонасида қанчадан-қанча урушларга сабаб бўлган. Диний фанатизм, атеизм, фашизм, большевизм каби вайронкор мафкураларнинг ҳаммаси ғайриинсоний ғояларга асосланади.

Валеология – (Vale – (лот.) - қадимги римликларнинг одатига кўра, саломлашиш, яъни «Сизга саломатлик тилайман», русчада «буд здровь», «будьте здорове», **logos** (грек.) фан – таълимот) деган маънони англатиб, соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг усул ва услубларини ишлаб чиқувчи ҳамда уларни амалиётга жорий этишга кўмаклашувчи фандир *(Н.Ягмурова).*

Валеология (юн. **Valeo** – соғлом, саломат бўлиш) – бу оқилона ва соғлом турмуш тарзи ҳақидаги фан бўлиб, ҳозирги замонда турли тармоқ фанлари билан алоқадорликда ривожланиб бормоқда ва фуқораларнинг индивидуал саломатлигини сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш услубларини ишлаб чиқишни ўзининг асосий вазифаси этиб белгиланган *(Л.Тошбоев).*

Валеология – меҳнат, турмуш, тўғри овқатланиш, дам олиш гигиенаси, шахслараро муносабатлар маданияти, экологик маданият, ўз организмини физиологик жиҳатдан фаол ҳолатда сақлаш, бошқаларнинг

саломатлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш ва турли зарарли одатлардан сақланиш каби омилларни ўз ичига олади.

Валелогия – саломатлик ҳақидаги таълимот.

Валелогия – лотинча Vallo – «Саломатлик» ва logos – «таълимот» сўзларининг бирикмаси.

Валелогия атамасини И.И.Брехман 1980 йилларда илмий муомалага киритган.

Валелогия таълимотининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: аҳолининг тиббий маданиятини шакллантириш; аҳолининг соғлом турмуш тарзини ташкил этиш; миллатнинг соғлом генефондини асраш ва уни кейинги авлодларга етказиш.

Ватан (арабча «ватан» - она юрт) деганда – кишиларнинг яшаб турган, уларнинг авлод ва аждодлари туғилиб-ўсган жойи, ҳудуди, ижтимоий муҳити, мамлакати тушунилади. Ватан, энг аввало, объектив муҳит, борлиқ, замин билан боғлиқ бўлгани учун киши онгида аниқ тасвир, қиёфа, сиймолар тарзида шаклланади.

Ватанпарварлик аниқ муҳитда, заминда ва мавжуд маънавий-ахлоқий қадриятлар асосида шаклланади. Ватанга муҳаббат туйғуси болага она сути, алласи билан киради. Бу азиз туйғу бир умр унутилмайди. Шунинг учун ҳам ватанпарварлик тарбияси ҳамма замонларда улуғланган (*Абдуллаева Ш.А*.).

Ватан – (арабча «ватан» - она юрт) кишиларнинг яшаб турган, уларнинг аждод ва авлодлари туғилиб ўсган жойи, ҳудуди, ижтимоий муҳити, мамлакати. Ватан киши ёки авлодлар туғилиб ўсган ва камол топган замин, ўлкадир. Ватан остонадан бошланади, деб бежиз айтмайди халқимиз. Тили, эътиқоди, урф – одатлари ва миллий

сифатлари бир бўлган авлодлар яшаган ва яшаётган жўғрафий муҳит Ватанни ифода этади.

Ватан – инсоннинг ўз уйи – рўзғори, яшаб турган диёри маъносида тушунилиб кенг ва тор маънода қўлланилади. Бирор халқ вакиллари жамулжам яшаб турган, уларнинг аждодлари азал – азалдан истиқомат қилган ҳудуд назарда тутилса, бу кенг маънодаги тушунчадир. Киши туғилиб ўсган уй, маҳалла, қишлоқ назарда тутилса, бу тор маънодаги тушунчадир.

Ватан равнақи деганда мамлакатимиз ҳаётининг ҳамма соҳалари бўйича ривожланиши ва юксалиши, мамлакатимизнинг жаҳондаги обрў-эътибори янада ортиши тушунилади.

Мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида нефть, ғалла мустақиллигини қўлга киритгани, автомобилсозлик саноатига эга бўлгани, иқтисодиётнинг бошқа устувор тармоқларида ҳам салмоқли натижаларга эришгани Ватан равнақининг муҳим шарти ҳисобланади.

Ватанни равнақ топтиришнинг асосий шартлари қуйидагилардан иборат: мамлакат мустақиллиги ва тинчлиги, давлат ер ости ва ер усти бойликларининг мўллиги, моддий ва интеллектуал салоҳияти, меҳнаткаш ва бунёдкор халқ.

Ватанпарварлик – бу она заминга бўлган муҳаббат, уни севиш, эъзозлаш. Ватан равнақига ҳар бир фуқаронинг ўз ҳиссасини қўшишга эришиши.

Ватанпарварлик – бу она - Ватан, мустақил Ўзбекистон тушунчаларини ўз онгига сингдириш ва унга содиқ бўлишга эришиш.

Ватанпарварлик бу халқимизга, унинг анъаналарига тилимиз ва маданиятимизга муҳаббат ва ҳурмат билан қараш ҳамда ривожлантиришга ҳисса қўшиш, юртимизнинг ҳақиқий жонкуяри бўлиш.

Ватанпарварлик – бу ўзбек халқининг маданий мерослари, санъат, меъморчилик ёдгорликларини асраб-авайлаш, уларнинг тарихи ҳамда бугунги кундаги аҳамиятини билиш.

Ватанпарварлик – бу инсоннинг ўз миллатига, онасига, ёрига, имонига содиқлигидир.

Ватанпарварлик – кишининг ўзи туғилиб ўсган, камол топган жой, замин, ўлкага бўлган меҳр-муҳаббатини, муносабатларини ифода этадиган ижтимоий ва маънавий-ахлоқий хислатлари, фазилатларидир.

Ватанпарварлик – кишиларнинг она юртига, ўз Ватанига муҳаббати ва садоқатини ифодалайдиган тушунча. Ватанпарварлик барча кишилар, халқ, миллатлар учун умумий бўлган, асрлар давомида сайқалланиб келган умуминсоний туйғу маънавий қадриятлардан бири. Тарихий жиҳатдан ватанпарварлик кишиларнинг ўз ватанлари тақдири билан боғлиқ ижтимоий ривожланиш, халқларнинг ўзлари яшаган ҳудуднинг даҳлсизлиги ва мустақиллиги йўлидаги кураши жараёнида такомиллашиб келган ҳис-туйғулар жамланмасидир. Бу ватаннинг ўтмиши ва ҳозири билан фахрланишда, унинг манфаатларини ҳимоя қилишда намоён бўлади. (ЎзМЭ. Т.: 2001, 2-том, 395-бет).

Виждон – бу кишининг кундалик фаолияти, қилмиши феъл – атвори учун оила, жамоат Ватан олдида маънавий масъулият ҳис этишидир. Шу юксак ахлоқий тушунча шахсни ижобий хатти – ҳаракатларга ундаб шунга мойил қилиб, ўз фаолиятига ўзи баҳо беришига олиб келади. Виждонли киши ноҳақ, адолатсиз ишлардан ғазобланади, уларга қаршилик, норозилик билдиради, ўз фаолиятининг яхши томонларидан қаноатланиб, хурсанд бўлса, ёмон томонларидан норози бўлиб, руҳан эзилади, яъни виждони азобга учрайди.

Виждон - ахлоқий тушунча, яхшилик нима-ю, ёмонлик нималигига жавоб берадиган ички ишонч, ўз хатти-ҳаракатлари учун

ахлоқий масъулиятни англаш. Виждон шахснинг ахлоқий жиҳатдан ўз-ўзини назорат қила олиш, ўзида ахлоқий бурчни мустақил шакллантириш ҳамда ўзидан уни адо этишни талаб қилиш ва ўз хатти-ҳаракатларига баҳо бериш қобилиятини ифодалайди. Виждон дастлабки ахлоқий майл бўлиб, ташқи таъсир туфайли ривожланиши ёки сўниши мумкин. У эҳтирос, ҳиссиёт шаклида шахснинг ўз хатти-ҳаракатлари учун уялиш, пушаймон бўлиш ёки ахлоқий қониқиш сифатида намоён бўлади. Виждон яхшилик, бурч, бахт, ҳалоллик каби бошқа ахлоқий тушунчалар билан боғлиқ. Жамиятнинг ривожланиши, маънавий, ахлоқий юксалиши билан виждон тушунчасининг мазмуни ва моҳияти бойиб боради. Унинг моҳияти ижтимоий муҳит билан белгиланади. (ЎзМЭ. Т.: 2001, 2-том, 448-бет).

Виждон – бу кишининг кундалик фаолияти, қилмиши, феъл-атвори учун оила, жамоат, жамият ва ватан, миллат олдида маънавий масъулликни ҳис этишдир.

Виждон туғма ҳислат дегувчилар ҳам бор. Виждонли кишиларнинг яшаб турган шароитига, олган таълим тарбиясига боғлиқ деб ҳисобловчилар ҳам мавжуд.

Виждон кўп ёки оз билишликка, бой ёки камбағал бўлишликка, оддийлик ёки машҳурлик билангина боғлик эмас.

Виждон эркинлиги – фуқороларнинг динга муносабати: ҳар қандай шахс хоҳласа, динга эътиқод қилади (ишонади), хоҳламаса, эътиқод қилмайди (ишонмайди) ёки ўзи танлаган динга эътиқод қилади. Динга ишониш ёки ишонмаслик учун таъқиб қилинмаслик, жазоланмаслик, камситилмаслик виждон эркинлигининг амалда бўлишидир. Бирор – бир динга эътиқод қилишга мажбурлаш виждон эркинлигига зиддир. Виждон эркинлиги дунёвий давлат принципларидан келиб чиқади (*Конституциянинг 31 – моддаси*).

Визуал маъруза (ВМ) – бу кўргазмали маърузадир.

Бунда асосий ўқитиш методи кўргазмали намойиш кино, теле ва видео кадрлар, слайдлар, дискдаги ахборотлар ўқитувчи томонидан шарҳланади (*Н.Сайидахмедов, С.Бозорова*).

Верификация қилиш – бу муайян фан соҳаларида матн материалини қўллашнинг усулларидан бири бўлиб, унинг ёрдамида назарий қоидаларнинг ҳақиқийлигини текшириш ва тасдиқлаш амалга оширилади. Бундан ўқувчи-талабалар илгари қўллаб келган қарашларни тасдиқлаш ёки инкор этиш учун фойдаланилади.

Верификация қилиш учун фойдаланиладиган матн ўқувчи-талабаларга тўғридан-тўғри ёки билвосита тарзда тасдиқланувчи маълумотлар ўртасидаги фарқни аниқлашга ёрдам бериши мумкин.

Вертикал педагогика – юқори синф ўқувчиларининг қуйи синф ўқувчиларига ёрдам кўрсатишини ташкил этиш шакли. Бунда ҳар бир ўқувчининг айрим фан бўйича ўзидан бир синф юқорида ўқийдиган ўқувчилардан илмий раҳбари ва бир синф қуйида ўқийдиган ўқувчиларда оталиқдаги ўқувчиси бўлади.

Ўқувчиларга ўзларидан қуйи синф мавзусини такрорлаш, кейин қуйи синф ўқувчисидан синов олиш варақасини (саволлар, мисоллар, топшириқлар ва шу кабилар) тайёрлаш топширилади. Синов ҳафтада бир марта ўтказилади. Синов жараёнида қуйи синф ўқувчиси мавзуни тўлиқ ўзлаштирмагунча ўзаро мулоқот давом этади. Натижада ўзлаштирмовчи ўқувчиларнинг билишлигига эришилади.

Таълим-тарбия жараёнини оптимал бошқариш имконияти яратилади ва айниқса ўқувчилар ўртасидаги топшириққа нисбатан жавобгарлик ҳисси шаклланади ҳамда улар ўртасида ўзаро ҳамкорлик мустаҳкамланади.

Терминни нафақат мактабда, балки олий ўқув юртларида ва ўрта махсус таълим муассасаларида қўллаш мумкин. Айниқса, бу интегратив илмий педагогик тадқиқотларни олиб боришда жуда аҳамиятли бўлади.

Терминдан таълим жараёнида ўзаро ҳамкорликдаги ҳолатларда фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Тарбияда айниқса, оммавий-тарбиявий тадбирларни уюштиришда фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Виртуал стендлар – ҳақиқий объектлар, жараёнлар ва ҳодисаларнинг электрон модели. Мультимедиали воситалар – турли типдаги ахборотларни ва жараёнларни матн, расм, схема, жадвал, диаграмма ва виртуал муҳитларни яратиш, сақлаш, ишлов бериш, рақамлаштирилган ва жараёнли кўринишда амалга оширишнинг компьютерли воситаси.

Виртуал ўқув курси – айрим фан бўйича тайёрланган ўқув материаллари тўплами.

Виртуал ўқув материали – ўрганилаётган объект, воқеа-ҳодиса, жараёнларни тушунтириш ва тушуниш учун қулайлаштирилган ҳолатда тасвирлаш ва ифодалаш асосида тайёрланган ўқув воситаси. Уларни компьютер воситасида турли фанлар ва мавзуларга доир анимациялаштирилган, мультиплакациялаштирилган, реал ёки стиллаштирилган тасвирлар кўринишида ва зарур бўлган овоз, мусиқа иштирокида тайёрланади *(Йўлдошев Ж., Йўлдошева Ф., Йўлдошева Г.).*

Г

Гельвеций (1715-1771). Тўлиқ исми – Клод Андриан Гельвеций.

Асарлари: «Ақл тўғрисида» (1758), «Одам, унинг ақлий қобилиятлари ва уни тарбиялаш тўғрисида» (1773 йил нашр этилди). Гельвецийнинг фикрича, тарбиянинг бирдан-бир мақсади – бутун жамиянинг бахт-саодатли бўлишига интилиш. Ҳамма одамлар илм

олишга баб-баробар лаёқатлидирлар, чунки улар бир хилдаги маънавий қобилиятларга эга бўлиб туғиладилар. У доимо одамларнинг табиий тенглигини даъво қилган.

Гениал – 1. Мислсиз истеъдодли, заковатли.

2.Доҳиёна, баркамол. Доно – ақл – заковатли, донишманд, ақлли.

Гений – ҳар томонлама тараққий этган, авлодлар тажрибасини ижодий ўзлаштирадиган, уни ўз даврига татбиқ этиб, янги билим ва тажриба билан бойитадиган, мустақил фикрлар асосида яратувчилик, ижодкорлик хусусиятига эга бўлган, оптимистик ғоя билан суғорилган, ватан ва жамият нуқтаи назаридан иш тутадиган, илғор дунёқараш эгаси бўлган, ўзининг ижтимоий бурчига ҳамма вақт содиқ бўлган шахслардир. Гений шахслар гармоник ривожланган шахслар бўлиб, ижтимоий ҳаёт воқеаларини, илм-фанни ҳар томонлама ва чуқур ўзлаштирган бўладилар. Улар фан соҳаларига, ҳаётдаги воқеалар ривожи, келажакни олдиндан кўра биладилар. Гений шахслар ўта меҳнатсевар ва кучли ирода эгасидирлар. Уларда ҳалқ манфаати, ватан келажаги учун кураш ҳар нарсадан устун туради. Генийлик даражасига кўтарилган шахс ўз фаолиятида жамият учун катта ютуқларнинг қўлга киритилишига сабаб бўлади ва бу ҳол ўша шахснинг шахсиятини янада улуғлаб, номини абадийлаштиради.

Имом Бухорий, Алишер Навоий, Маҳзуми Аъзам ёки А.Пушькин, И.П.Павловнинг генийлиги табиатни ўзгаришида С.Э.Цилковскийнинг генийлиги планетаалараро космик учиш масалаларида намоён бўлади.

Ўрта Осиёнинг машхур мутафаккирлари Абу Али Ибн Сино, Фаробий, Беруний, Ал Хоразмий каби машҳур олимлар фан оламида генийликнинг юксак чўққисига кўтарилдилар.

Машхур рус ёзувчиси М.Горький ҳақли равишда таъкидлаганларидек, шахснинг индивидуал сифатлари меҳнат жараёнида юзага келади.

Геополитика – бу муайян давлат ёки марказнинг ўз манфаатларини ўзга ҳудуд ва минтақаларда ҳимоя қилиш учун таъсирини кучайтиришга қаратилган сиёсатдир.

Гербарт (1776-1841). *Тўлиқ исми* – Иоганн Фридрих Гербарт. Гурманияда туғилган. Гербарт дастлаб лотин классик мактабда, сўнгра Иен университетида ўқиди. У немис идеалистик фалсафаси таълимоти билан яқиндан танишади.

Асарлари: «Тарбия мақсадларидан келиб чиққан умумий педагогика» (1806), «Психология дарслиги» (1816), «Психологияни педагогикада тадбиқ этиш тўғрисидаги хатлар» (1831), «Педагогикага оид лекциялар очерки» (1835). Ахлоқий тарбия боланинг руҳига бевосита таъсир қилиб, унинг ҳисларини, истакларини, хатти-ҳаракатларини йўлга солиб туради, деб таъкидлайди олим.

Гимназия – Ўзбекистон ва айрим хорижий мамлакатларда умумий ўрта таълим ўқув юрти. Гимназиялар муайян фан бўйича ихтисослаштирилган бўлиб, шу фандан чуқурлаштирилган таълим беради.

Гипнопедия – уйқуда ўқитиш. Дарс жадвалида ҳамда уйда дарс тайёрлашда бир-биридан кўпроқ фарқли фанлар ўзаро кетма-кет бўлиши яхши натижа беради.

Билимларни ўзлаштириш, идрок қилиш ва қайта ишлашдаги шахсий фарқлар ўзлаштириш тезлиги ва мустаҳкамлигининг асосий омиллари ҳисобланади.

Ақли заифлар жуда кам ҳажмдаги билимларни ўзлаштирадилар. Бошқаларда турлича бўлиб, айримлар материални осон ўзлаштиради,

лекин унутиши қийин бўлади. Булар ўзлаштириш тезлиги ва мустаҳкамлиги омиллари ҳисобланади.

Гипермедия китоблар – мультимедия китобларнинг такомиллашган шакли бўлиб, бунда фойдаланувчи асосий матндан ташқари турли қўшимча манбаларга (шарҳларга, атамаларнинг изоҳларига, тузатишларига) мурожаат қилиш мумкин бўлган китоблардир.

Гипотеза грекча «hupothesis» сўзидан олинган бўлиб, «асос», «таҳлил» деган маънони англатади.

Гипотеза нарсалар, ҳодисалар, алоқалар, ҳодисаларнинг сабаблари ва оқибатлари ҳақида илгари сурилган, илмий далилларга, маълумотларга асосланган, аммо ҳақиқатлиги ҳали исботланмаган ақлий ҳулосадир.

Гипотеза илмий билиш жараёнида янги топширилган далиллар, маълумотлар мавжуд назария билан изоҳлаб бўлмай қолган вазиятда илгари сурилади.

Гистограмма – бу текширилувчи белгиларини частотали тақсимланиши «устунли» диаграммасидир. Гистограммаларни қуришда абциссалар ўқида ўрганиладиган катталик кўрсаткичи жойлаштирилади. Ординаталар ўқида эса частоталар ёки текширилаётган танловда ушбу диапозон катталикларида учрайдиган нисбий частоталар жойлаштирилади. Агарда гистограммада нисбий частоталар акс эттирилса, унда ҳамма устунлар майдони бирга тенг бўлади *(Нишонова З.Т. Қаршиева Д.С.)*.

Глобал тармоқ - дунёнинг ихтиёрий давлатидаги компьютерлар ва локал компьютер тармоқларини ўзида бирлаштирувчи бош тармоқ.

Бу асосан INTERNET тармоқлари билан иш кўришда истеъмолда фойдаланилади.

Глобал таълим – бу бир вақтнинг ўзида ўқувчиларнинг интеллектуал, ҳиссий, жисмоний, ахлоқий ва руҳий хусусиятларини ривожлантириш ёрдамида уларни тез ўзгарувчан, жуда мураккаб, кўп миллатли ва ўзаро алоқадор ҳаётга бирмунча сифатлироқ тайёрлашга йўналтирилган мажмуавий ёндашувдир (*Шарипов Ш.С*.).

Глобалистика фани (ГФ). Глобалистика – бу французча global – умумий, лотинча – globus – Ер шари маъноларини англатиб, инсоният тараққиётининг энг умумий қонуниятларини илмий ва маънавий уйғунликда ўрганиш ҳақидаги фан. ГФ инсоният тараққиёти ривожланишининг энг умумий қонунлари, унинг неосфера (Янги сфера) даврига ўтиш ҳаракати, жамият ва табиатнинг ўзаро таъсирлари уйғунлашувчи ҳамда улар орасидаги ички уйғунликнинг ижтимоий-иқтисодий тизимлари, дунё иқтисодиёти ва энергетикасининг барқарорликка ўтиши каби билимлар интеграцияси асосида шаклланади ва ривожланади.

Гуруҳли таълим – бир ўқитувчи бир неча ўқувчини ўқитадиган таълим. Гуруҳлар ўқувчилар сонига қараб кичик (3-6 ўқувчи), ўрта (7-15 ўқувчи), катта (15 дан ортиқ ўқувчи) гуруҳларга бўлинади. Шунингдек, ҳар бир гуруҳдаги таълим олувчиларнинг ёшига, таълим йўналишига, таълим топшириқлари ва шу кабиларга қараб ҳам гуруҳларга ажратилади. Бу шаклни қўллаш жараёнида якка ва жуфт бўлиб ишлаш шакллари ҳам амалга оширилади *(Йўлдошев Ж., Йўлдошева Ф., Йўлдошева Г.).*

Д

Давлат – ижтимоий ҳодиса бўлиб, жамиятнинг ҳаракатланишида муҳим роль ўйновчи алоҳида бир ташкилотдир. У ҳар қандай жамият сиёсий тизимининг бир қисми (элементи), ҳокимиятни амалга оширувчи

воситадир. Унинг фаолияти жамиятнинг ҳамма соҳасига таъсир қилади. У ваколатни халқдан олади ва ўзига тегишли ваколатни ўзининг махсус тузилмалари – давлат органлари орқали амалга оширади. Давлат халқ манфаатини кўзласа, унга ижтимоий ҳаётда, давлат ишларида, хўжалик юритишда эркинлик берса, тинчлик сиёсатини юргизса, бундай давлат демократик ҳисобланади ва тараққиётга эришади. Аксинча, халқнинг эркинлигини чекласа, тараққиётга тўсқинлик қилса, зўровонлик билан иш олиб борса – реакцион давлат ҳисобланади. «Давлат» сўзи кўпинча «мамлакат» сўзи ўрнида ҳам ишлатилади. Давлатнинг кўрсатмаси жамиятнинг ҳамма аъзолари – фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар, чет эл фуқаролари, мансабдор шахслар, нодавлат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари учун мажбурийдир. Давлат қонун яратади ва ўзи қонунларга бўйсунади.

Давлат байроғи – давлатнинг рамзий белгиларидан бири. Давлат байроғи махсус қонун ёки Конституция асосида расмийлаштирилади. Давлат байроғи мустақил давлат ва унда яшовчи фуқаролар даҳлсизлигининг шартли ифодасидир. Давлат байроғи айни шу давлатдаги синфий, миллий, ҳарбий ва партиявий бирлик ҳамда уюшмаларнинг рамзий белгисидир.

Давлат байроғи – бошқа мамлакатлардан фарқловчи белгидир. У мамлакат ҳудудида илгари мавжуд бўлган ғоят қудратли салтанатлар байроғига хос бўлган энг яхши анъаналарни давом эттирган ҳолда республика табиати хусусиятларини, халқининг миллий ва маданий соҳаларидаги ўзлигини акс эттиради. Байроқ махсус қонун билан тасдиқланади ва қаерларда, қачон ўрнатилиб қўйилиши белгиланади. Байроқнинг кўриниши, ранги, ундаги белгиларнинг чуқур маъноси бор. Ўзбекистон байроғидаги мовий ранг Шарқда азалдан қўлланган бўлиб, осмон ва мусаффо сув рамзидир, оқ ранг тинчлик ва поклик тимсоли,

қизил йўллар ҳаёт рамзи, томирларда оқаётган қон, яъни тириклик ранги, яшил ранг Ўзбекистоннинг гўзал табиати рамзи. Ярим ой ва юлдузлар – мусаффо осмон ва тинчликни билдиради. Байроқ мамлакатимизнинг ўтмиши, бугунги куни ва келажагининг ёрқин рамзидир. «Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тўғрисида»ги қонун 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган.

Давлат ва жамият – таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширувчи кадрлар тайёрлаш ва уларни қабул қилиб олишнинг кафиллари.

Давлат герби – давлат рамзи: давлатнинг миллий, сиёсий, иқтисодий хусусиятлари ҳамда ижтимоий ва давлат тузуми, географик ва бошқа белгиларини шартли равишда ифодалайдиган тамға-белги. Герб давлат муҳрида расмий бланкаларда, муҳим ҳужжат, пул ва давлат заёмларида акс эттирилади. Гербнинг барча хусусиятлари махсус қонун ёки Конституция билан расмийлаштирилган бўлади.

Давлат герби – давлат рамзларидан бири, давлатнинг расмий тамғаси бўлиб, муҳрларда, турли ҳужжат нусхаларида, пул бирлигида акс эттирилади. Унинг кўриниши махсус қонун билан белгиланган. Ўзбекистон гербининг марказидаги хумо қуши – бахт–саодат ва эрксеварлик рамзи, саккиз қиррали юлдуз республикамизнинг собит ва барқарорлиги тимсоли, қуёш йўлимизнинг ҳамиша нурафшон бўлиши, бошоқ - ризқ-рўзимиз, пахта – Ўзбекистон бойлиги, буғдой ва пахта чаноғидаги тасма – халқимиз дўстлиги рамзидир. «Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида»ги қонун 1992 йил 2 июлда қабул қилинган.

Давлат гимни – (юнонча сўз бўлиб, мадҳия, мақтов ашуласи маъносини англатади) тантанали куй ва ашула, мамлакат якдиллигининг тимсолларидан бири, дастурий ҳаракатдаги тантанали қўшиқ

давлатнинг расмий атрибутлари силсиласида муҳим жиҳат. Ўз мазмунида ва шаклида ушбу давлатдаги барча миллатлар ва миллий гуруҳлар, ижтимоий табақалар мақсадлари ва қарашларини акс эттиради. Ўзбекистон Давлат Гимни мусиқасини Мутал (Мутаваккил) Бурхонов, сўзини Абдулла Орипов ёзган.

Давлат грантлари – талабаларнинг ўқиши учун зарур бўлган ҳужжатларни давлат ўз зиммасига олиш имконияти. Грантлар ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида олий малакали кадрларга бўлган эҳтиёжидан келиб чиқиб белгиланади.

Давлат мадҳияси – Ўзбекистон Республикаси Давлат суверенитетининг рамзи бўлиб, Давлат мадҳиясига зўр эҳтиром билан қараш мамлакат фуқароларининг ватанпарварлик бурчидир. Мадҳия мусиқа ва шеър воситасида ифодаланади ҳамда давлат органлари томонидан ўтказиладиган тантанали маросимлар ва бошқа тадбирлар вақтида ижро этилади. Мадҳия махсус қонун билан тасдиқланган. Ушбу қонун 1992 йил 10 декабрда қабул қилинган.

Давлат рамзлари – Конституцияда белгиланган бўлиб (5 – модда), байроқ, герб ва мадҳия ҳисобланади. Уларнинг тузилиш шакли, мақсади, ишлатилиши махсус қонунлар билан тасдиқланган. Булар мамлакатнинг мустақиллигини ифодаловчи рамзий белгилардир. Уларда мамлакат хусусиятлари акс эттирилади.

Давлат стандартлари – таълимнинг зарур, етарли даражаси ва ўқув юкламалар ҳажмига қўйиладиган асосий давлат талабларини белгилаб берувчи мезон.

Давлат тили – мамлакатда қонунчиликда, расмий иш юритишда, суд жараёнида, ўқув фаолиятида, қўлланиладиган асосий тил (расмий тил). Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан, Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир (4 – модда). Ўзбек

тилининг давлат тили сифатидаги мақоми махсус қонун билан белгиланган. Конституция ва қонунда ўзбек тилининг давлат тили деб белгиланиши бошқа ҳар қандай тилларнинг муомалада бўлишини рад этмайди. Бошқа тилларда ҳам кундалик ҳаётда, турмушда кенг фойдаланиш имконияти яратилади. Баъзи мамлакатларда бир неча тил давлат тили сифатида белгиланиши мумкин.

Давоний (1427-1502). Тўлиқ исми – Жалолиддин Муҳаммад Ибн Асад ас-Сиддиқий ал-Давоний. Эроннинг Давон қишлоғида туғилган ва дастлабки маълумотни шу ерда олган. Сўнг Шерозда Дор ул-айтом мадрасасида таҳсил олди, фиқҳ ва илм-фан сирларини ўрганди, отаси Давонийнинг илм-фанни чуқур эгаллашига катта ёрдам беради. Мадрасани тамомлагач, мадрасада мударрислик ва Шероз шаҳрида қозилик вазифасини бажаради. Сўнгра Дор ул-айтом мадрасасида дарс берган.

Асарлари: «Рисолаи исботи вожиб» («Зарурийятнинг исботи ҳақида рисола»), «Рисолат ул-муфрадот» («Моддалар ҳақида рисола»), «Рисолат ул-ҳуруф» («Ҳарфлар ҳақида рисола»), «Рисолати фи тавжих ул-ташбих» («Мижоз талқини ҳақида рисола»), «Рисола дар элм ун-нафс» («Руҳшунослик тўғрисида рисола»), «Тариқати тарбит ул-авлод» («Болаларни тарбиялаш усули»), «Арзнома» («Армияни бошқариш санъати») ҳамда энг машҳур асари «Ахлоқи Жалолий». Олим болаларнинг яхши хислатларни эгаллашида муҳит ва тарбияни муҳим деб таъкидлайди ҳамда болаларнинг хулқ-одобини шакллантиришда оила ва мактабнинг ўрнига катта эътибор беради. Олимнинг педагогик қарашлари диққатга сазовордир.

Дайжест – илмий, илмий-услубий, ўқув даврий адабиётлар, ҳукумат ва турли ташкилотлар (муассасалар) фаолиятига тегишли қонунлар, қарорлар, низомлар мазмунининг қисқача баёни ва шарҳи

келтирилган, соҳаларга оид маълумотлар тўплами сифатида фойдаланиладиган доимий нашр.

Далил – билим олишда исботлаш мантиқи ва қоидаларидан фойдаланиш маҳоратлари.

Дарс - ўз олдига қўйган аниқ мақсади ва тугал мазмундан иборат жараён.

Дарс – бу бевосита ўқитувчи раҳбарлигидаги муайян таълим олувчилар гуруҳ билан олиб бориладиган таълим машғулотидир.

Дарс – ўқув ишларининг асосий ташкилий шакли марказий қисмидир. Таълим назарияси ва амалиётида дарс турлари ва уларнинг тузилишига ҳам алоҳида муаммо сифатида қаралади ва ўрганилади. Дарс билим, кўникма ва малакалар билан таълим олувчиларни қуроллантиришда асосий рол ўйнайди. Шу сабабли ўқув машғулотларига ажратилган вақтнинг асосий қисми дарс ўтиш учун сарфланади. Бу борада машғулотнинг қуйидаги икки усули мавжуддир:

1. Синф – дарс шаклида олиб бориладиган машғулотлар.

2. Амалий ва тажриба ишлари шаклида олиб бориладиган машғулотлар.

Синф – дарс шаклида олиб бориладиган машғулотларда ўқитувчининг кундалик ўқув материалини баён қилиб бериши амалга оширилади. Бунда таълим олувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини изчиллик билан ҳисобга олиб боришни амалга оширилади. Амалий ва тажриба шаклида олиб бориладган машғулотлар синф шароитида ўқув устахонаси, тажриба ер участкалари ва жамоа хўжалик экин майдонларида ўтказиш йўли билан олиб борилади. Дарс турлари ва тузилиши қуйидагилардан иборат: янги билимларни баён қилиш; ўтилганларни мустаҳкамлаш; такрорлаш, умумлаштирувчи ва кириш дарслари, аралаш дарслари. Аралаш дарснинг шакллари

қуйидагилар: уй вазифасини сўраш ва баҳолаш; янги материални баён қилиш; янги материални мустаҳкамлаш; уйга берилган вазифани текшириш; якунлаш ва хулосалаш.

Дарс – бу режалаштирилган мақсадни юзлаб, берилган вақтда деярли бир хил ёшгача таълим олувчилар билан ўқитувчи раҳбарлигида олиб бориладиган педагогик жараён.

Дарс – давомат, азият, риёзат ва саъй сўзларнинг мажмуасидан иборат. Бу ерда: **Д-** давомат яъни таълим олувчилар иштироки;

А – азият, яъни, педагогик жараённи олиб боришга қаратилган саъй – ҳаракатлар;

Р – риёзиёт яъни педагогик жараённи ҳисоб – китоб қилиш;

С - саъй, яъни таълим олувчиларни режалаштирилган педагогик жараёнга жалб қилиш.

Дарс режаси (ДР) – бу ўқув материалини ҳисобга олган ҳолда ва ушбу дарс ўтиладиган таълим олувчиларнинг тайёргарлик савиясига қараб тузиладиган ҳужжат. Бунинг учун аввало ўқув материаллари ва маълумотлар, шунингдек, бу дарсни ўтишдан кўзланган мақсад ва вазифалар ҳисобига олинган ҳолда унинг шакли ҳамда тақдим этиш усули танлаб олинади.

ДР кириш, ривожланиш ва хулоса босқичларидан иборат бўлиб, унда таълим берувчи ва таълим олувчилар фаолияти орасида узилмас оқим жараёни ифодаланади *(Олим Тўрақулов).*

Дарслик - ҳар бир ўқув предметининг мазмунини дарсликда кўрсатилган ҳажмда дидактик талаблар асосида китоб ёзилади.

Дарслик – бу педагогик тизимнинг ахборотли моделидир. Чунки ҳар бир ўқув дарслигида ўқувчи (талаба)лар бажариши керак бўлган ўқув жараёнининг маълум босқичлари кўрсатилган бўлиб, ўқувчилар ундан мавзуларни ўқиб, ундаги топшириқларни маълум ҳаракатлар

кўринишида бажаришади: текширади, ечади, жавоб беради ва ҳоказо. Бу ҳаракатлар дарслик матнларида очиқ ёки яширин шаклда берилиши мумкин.

Дарслик – ДТС, ўқув дастури, услубияти ва дидактик талаблари асосида белгиланган миллий истиқлол ғояси сингдирилган, муайян ўқув фанининг мавзулари тўлиқ ёритилган, тегишли фан асосларини мукаммал ўзлаштирилишига қаратилган ҳамда турдош таълим йўналишларида фойдаланиш имкониятлари ҳисобга олинган нашр.

Дарслик – таълимнинг дастур, услубият ҳамда дидактик талабларга биноан белгиланган мақсад ва вазифларига мувофиқ муайян бир ўқув фан мавзулари тўлиқ ёритилган ҳамда ўқув фанига оид илмий билимлар асослари баён қилинган адабиётдир.

Дарслик – бу муайян ўқув предмети мазмунини ўқув дастурида кўрсатилган ҳажмда, дидактик талабларга мувофиқ равишда батафсил баён қилиб берадиган китоб. Дарсликнинг характерли **хусусияти –** бу унинг мазмунининг ўқув дастури мазмунига мос келишидир. Дасрликда материал бўлимлар бўйича тақсимланади. Ҳар бир мавзу муайян боб, унинг таркибида бўлган бандлар асосида очиб берилади.

Дарсликнинг кириш қисмида фаннинг жамият ва табиатдаги ўрни, роли ва методологик асоси, мақсади, вазифлари ва ечимини кутаётган муаммолари, бошқа фанлар билан боғлиқлиги, бўлажак мутахассиснинг касбий фаолиятидаги аҳамияти ҳақидаги маълумотлар, фанга тегишли соҳа ёки ишлаб чиқаришнинг замонавий тараққиёти ҳамда талабанинг фан бўйича эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар ёритилиши талаб қилинади. Кириш тушунарли ва қисқа баён этилиши лозим.

Дарсликнинг асосий матни – бу талаба томонидан ўрганилиши ва ўзлаштирилиши мажбурий бўлган ўқув ахборотининг асосий манбаи

вазифасини бажаради. Матннинг моҳиятини асосий тушунчалар, қонунлар, қоидалар, назариялар, мезонлар, тамойиллар ва фаолият усуллари ҳақидаги билимлар ташкил қилади.

Дарсликдаги қўшимча матнлар. Бу матнлар – асосий матнда баён қилинган ҳолатларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштиришга, касбий қобилиятларни ривожлантиришга хизмат қилувчи ўқув материалини ўз ичига олади. Қўшимча матнларга белгилашлар, ҳужжатли (хрестоматик) материаллар, амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган машқлар, хулосалар, тавсиялар, маълумотлар киради. Қўшимча матнлар ўқув материалини ўзлаштиришга ёрдам бериш билан бирга ижодкорликка ундовчи ва тарбиявий функцияларни бажаришига йўналтирилган бўлиши лозим.

Дарсликнинг тушунтириш матни – ўқув материалини тушунишга ва чуқурроқ ўзлаштиришга мўлжалланган хусусий ёзма тузилма. Бу матнлар таълим олувчиларнинг мустақил ўқув фаолиятини ташкил қилишда муҳим аҳамиятга эга. Тушунтирувчи матнларга изоҳлар, иловалар, таянч иборалар, тушунтиришлар, луғатлар, рамзлар ва кўрсаткичлар киради. Бу матнлар тушунарли, қисқа ва маълум тушунчани аниқ шакллантирадиган бўлиши керак.

Дарсликнинг тажрибавий-амалий матнларида – фан ўқув материалини ўзлаштиришда ва мустақил тарзда билим олишда талаба бажарадиган амалий фаолият усуллари, аниқ маълумотлар олиш учун назарий билимларни қўллаш тамойили ва қоидалари, асосий тадқиқот усуллари тавсифланиши; масалалар, машқлар, тажриба ва эксперимент усуллари баён қилиниши лозим.

Дарсликдаги мустақил ишлаш учун саволлар ва топшириқлар матнига қуйидаги талаблар қўйилади:

- таълим олувчилар томонидан ўтилган мавзуларнинг мустаҳкам ўзлаштиришини таъминлаш;
- таълим олувчиларни билим олишга қизиқтиришни ривожлантириш;
- фикрлаш фаолиятини ривожлантириш, таққослаш, синтез ва таҳлил қилиш усулларидан фойдалана олиш маҳоратларини шакллантириш;
- таълим олувчиларнинг амалий топшириқларни бажара олиш имкониятларини инобатга олиш;
- тасдиқларнинг аниқлиги ва тушунарлилиги, ягона намунага мос келиши.

Дарсликдаги билим ва кўникмаларни назорат қилиш материаллари матнидаги назорат саволлари талабаларни билим олишга қизиқишларини, мустақил фикрлаш фаолиятини ривожлантиришга, таққослаш, синтез ва таҳлил қилиш усулларидан фойдалана олиш маҳоратини шакллантиришга йўналтирилган бўлиши керак.

Дарсликдаги информацион-услубий таъминот ушбу фанга оид асосий ва қўшимча ўқув манбалари, электрон таълим ресурслари ҳамда услубий қўлланмаларни ўз ичига олади.

Дарсликдаги қўшимча маълумотлар матнига мазкур дарсликдан фойдаланиш тартиби, ўқув материалини ўрганишга тегишли электрон воситалар (мультимедиа, виртуал стендлар, анимациялар ва ҳ.к.) ва улардан фойдаланиш тартиблари киради.

Дастур – олдиндан тайёрланган алгоритм ва ҳисоблаш техникаси воситаларига асосланган ҳолда бажариладиган ишнинг шарт-шароити, мақсади ва вазифасини эътиборга олиб, унинг бирор бир формал (шартли) алгоритмик тилдаги аниқ ва тўлиқ ифодаланиши.

Дастурнинг мақсади: муайян алгоритм ёрдамида амалларни, ҳаракат фаолиятини компьютер воситасида амалга ошириш бўлса, вазифаси эса алгоритмни бирор алгоритмик тил воситаси ЭҲМ тилига кўчиришдан иборат.

Талабаларга таълим-тарбия беришда ўқув режаси ва дастурларини оғишмай амалга оширишда замонавий таълим технологияларидан фойдаланишга кенг имкониятлар яратади.

Дастур алгоритмлаш ва дастурлаш асосида жараёнлар кечишини тавсифлашини кўргазмалилигини таъминлаш соҳаларида фойдаланилади.

Дастур, дастурлаш алгоритмларини ҳаётга кенг жорий этишнинг асосини ташкил этади. Дастур – ишни самарали режалаштиришни ҳам ўргатади.

Дастур – бажариладиган иш ёки бирор фаолият режаси. Дастур – бирор масалани ечишда компьютер бажариши лозим бўлган амалларнинг изчил тартиби.

Дастурлаштирилган таълим (ДТ) – ўқув жараёнини муайян тартиб (дастур) асосида ташкил этиш. ДТ кибернетика, информатика, математик логика ва ҳисоблаш техникасининг самарали тамойиллари ва мураккаб тизимларидаги бошқариш воситаларининг педагогикада жорий этилиши натижаси бўлиб, XX асрнинг 50-йилларида пайдо бўлди. ДТ ўқув материалини кичик-кичик қисмларга бўлиш, уни муайян тартибда баён этиш, ушбу қисмларнинг биридан иккинчисига ўтиш тартиби (қоидалари)ни белгилаш, хусусан, ҳар бир қисмни ўзлаштириш юзасидан аниқ кўрсатмалар, топшириқлар бериш, ўз-ўзини назорат қилишни таъминлаш каби йўллар билан амалга оширилади.

ДТ нинг дастури, яъни ўргатувчи дастур (ўргатувчи алгоритм) махсус ўргатувчи қурилмалар (машинали ДТ) ёки дастурлаштирилган дарсликларга (электрон дарслик, электрон ўқув қўлланма ва ҳ.к.) киритилади. Бугунги кунда баъзи ҳолатларда ДТ ни гоҳ ўргатувчи ва ўрганувчи меҳнатни илмий асосда ташкил этиш тизими сифатида қаралса, гоҳида анъанавий таълимнинг ўрнини эгаллайдиган педагогик тизим, баъзан қандайдир кибернетик дидактика, таълимнинг янги методи ёки мустақил ишлашнинг алоҳида тури деб қаралмоқда. Лекин бундан қатъий назар, ДТ нинг мақсади таълим олувчининг билимларини ўзлаштириш жараёнини бошқаришни оптималлаштиришдан иборатдир.

Дастурлаш тили компьютерлар учун дастурлар (кўрсатмалар йиғмаси) ёзиладиган, уни у ёки бу ҳаракатларни бажаришига мажбур қиладиган расмий тил. Дастурлаш тилида ёзиладиган кўрсатмалар дастлабки код деб аталади. Дастлабки код компьютерда амалда бажарилишидан аввал, уни машина кодига бўлаклаб талқин қилиш ёки батамом талқин қилиш зарур. Дастурлаш тилининг таърифи қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Мумкин бўлган белгилар рўйхатини.
2. Захираланган сўзлар рўйхатини.
3. Синтаксисни (белгиларни ва захираланган сўзларни бирикмалаш усулларини).
4. Семантикани (дастурлаш тилининг бирикмалар маъноси).

Дастурлаш тиллари қуйи поғона тилларига (ассемблер тили ва машина тили) ва юқори поғонадаги тилларига (BASIC, C, COBOL, FORTRAN, Ada, Pascal ва б.) бўлинади. Яна тўртинчи авлод тилларини (4GL) ҳам ажратилади.

Дастурлаштириш тизими жами дастурлаштириш тили ва дастурларни яратиш тизими. У берилган тилда дастурларни автоматлаштирилган тарзда яратиш ва бажариш ҳамда тегишли ҳужжатлар тайёрлашни таъминлайди. Одатда, дастурлаштириш тизими тилнинг эталон хилини эмас, балки унинг диалектик — маълум осонлаштириш ёки кенгайтиришларга эга русумини ўз ичига олади. Баъзи дастурлаштириш тизимлари дастурларни бир неча тилда яратишни қўллаб-қувватлаши мумкин. Шахсий компьютерлар учун энг машҳур дастурлаштириш тизимлари: Microsoft компаниясининг Basic, Java, СҚҚ тилларини қўллаб — қувватловчи Visual Studiosi; Inprise (Borland International) компаниясининг Delphi тили ва бошқалар.

Дастурли маъруза-маслаҳат (ДММ) – талабаларни муаммо муҳокамасига фаол иштирок этишга мажбурлайдиган маъруза тури бўлиб, унда жамият жамоавий маслаҳатдан ўқитувчининг ўзи талабаларга саволлар тузишни таклиф этади.

ДММ бир муаммога бағишланган циклли маърузалардан кейин ташкил этиш ҳам мумкин.

ДММ нинг афзаллиги шундаки, у дарс мазмунини талабаларнинг амалий қизиқишларига яқинлаштиради, ҳар бир талабанинг ўқув материалини ўзлаштиришини ҳисобга олиб ўқитиш жараёнини индивиуаллаштиради (*Н.Сайидахмедов, С.Бозорова*).

Даҳо (гений) – арабча сўз бўлиб, фавқулотда кучли ақл, хотирага эга бўлган истеъдод соҳиби эгаси, унинг билим савияси, дунёқарашига кўра ўз даври даражасидан анча илгарилаб кетган шахс.

Ижодкор даҳоларни инсоният шартли равишда икки қутбга ажратади. Улар: «Худо ёрлақаган» ва «ўзи туфайли» даҳолардир. «Худо ёрлақаган» даҳоларга Моцарт, Рафаэл, Пушкин, Алишер Навоий

кабилар киради. «Ўзи туфайли» даҳоларга зўр ирода, ҳаётда мустақил ўрин олишга чанқоқ интилиш бошқа жамики ҳислатлардан устун туради.

Даҳо – бу инсон миясида мавжуд табиий имкониятларнинг юксак даражасида тўлиқ юзага чиқиши, жамол кўрсатиши, очилишидир. Бундай шахс бутун бир ижтимоий синф ёки халқлар учун аҳамиятли бўлган, мисли кўрилмаган қимматга эга бўлган нарса, ҳодиса, жараённинг яратувчисидир. Унинг натижасида тарихда бурилиш ясалади.

Даҳолар фан-техникага, маданият, хусусан бадиий ижодиёт соҳасида муайян миллат, давлат миқиёсида эмас, балки умумбашар, жаҳон миқиёсидаги муҳим кашфиётлар қилишга, илмий, бадиий асарлар яратишга қодир бўлади.

Масалан: Абу Али ибн Сино – табобат, Фаробий – фалсафа, Ал-Хоразмий – математика, Беруний – минерология, Улуғбек-фалаккиёт, Имом Ал-Бухорий ва Ахмад Яссавий – тасаввуф каби йўналишларда беназр алломалар, илм фанда эътиқотда буюк кашфиётлар яратганлар. Даҳолик буюк иқтидор юксак ижтимоий онг махсулидир. [Уз МЭ]

Даҳо – фавқулодда зеҳн ва заковат энг юқори ва ҳар тарафлама ривожланган истеъдоддир. Унинг соҳибига доҳий дейилади.

Даҳолик истеъдоднинг шундай олий чўққисики, у туфайли инсон ҳар қандай шароитда ўзининг хатти-ҳаракатини аниқ ва самарали бошқара олади, энг зарур пайтда энг керакли фикрни айта билади, энг керакли режани амалга ошира олади. Бу ишларни ҳеч бир зўриқишсиз, шошилмасдан, босиқлик, илҳом билан, ички қувонч ва завқ-шавқ билан бажаради.

Инсондаги кучли истеъдод даврнинг талабига мос равишда фаолият кўрсатганда даҳолик вужудга келади. Шу сабабли улуғ даврлар, айниқса, ўтиш замонлари даҳоларни етиштиради.

Алишер Навоийнинг ижоди туркий тил ва туркий адабиётда даҳолик деб эътироф этилган.

Даҳоларнинг бутун фаолиятлари ва яратган асарларидан дунёдаги барча ҳалқлар манфаат кўрсатадилар. Даҳоларнинг номлари боқийдир, то инсоният бор экан, улар ҳалқлар хотирасида яшайверади.

Даҳолик – бу фавқулотда кучли ақл, хотира, синчикловлик, зукколик эгаси ва илмий-ижодий истеъдоди, билими ҳамда интеллектуал салоҳияти жиҳатидан ўз давридан илгарилаб кетган шахс фаолиятидир. Яъни **даҳолик** табиатнинг фавқулотда юксак даражасидаги интеллектуал кучи бўлиб, у оргинал тафаккур, ихтирочилик ва кашфиётчиликнинг тақазо қилувчи юксак даражадаги ижодий қобилиятда намоён бўладиган жараён.

Даҳоликнинг асосий кўрсаткичлари: Сифат жиҳатидан бутунлай янги илмий қадриятлар ярата олади; бошқаларга нисбатан беҳоловат ва қашшоқликда ҳаёт кечиришга тўғри келса ҳам мўжиза яратишга доимо ҳаракат қилиш; уларда сезги органларининг барчасидан юксак даражада фойдаланиш борасидаги иқтидор фавқулотда кучли бўлади.

Даҳонинг асосий хислатлари: ўзининг улуғвор мақсади йўлида хизмат қилаётганига ишонади; ақл-идроки тиниқ бўлади; уларда кўз воситасида идрок қилиш кучлироқ бўлади.

Даҳолик жиҳатлари (омиллари): ҳар бир нарсани эътибордан четда қолдирмайди, улар учун майда ва иккинчи даражали нарсанинг ўзи йўқ; улар сезги органларининг барчасидан юксак даражада фойдаланиш иқтидорига эга бўлади; уларда сезга органлари ўртасидаги

ўзаро алоқадорлик юқори даражада ўрнатилган бўлади; уларда **«замон – макон - истеъдод»** уйғунлиги кучли бўлади.

Даҳолик мезонлари: ўзларидаги мавжуд фараз ва таҳминлар даражасидаги ташқарига чиқа олиши; муайян поғанадан бошқасига осонлик билан ўта олиши; мураккаб муаммолар моҳиятини баҳолай олади.

Даҳолик хусусиятлари: оргиналлик; тафаккурнинг кенглиги; хаёлпарслик; реалистик танқидчилик вазифалари ўртасидаги мувозанат сақланади; синчиковлик; инсоният ҳаёти учун энг муҳим глобал масалаларни кун тартибига қўя олади; ўта қизиқувчан ва хиссиётлар жўшқинлиги юқори бўлади; ақл-идрокнинг тиниқлиги; нафақат ўз касбий фаолиятини, балки бошқа соҳаларни ҳам яхши билади.

Даҳонинг ўзига хослиги: воқеликни турлича нуқтаи назардан идрок қилиш; у ҳеч нарсани ўрганмай туриб, ҳамма нарсани билади; у қилиниши зарур бўлган ишни қилади.

Даҳолик хосияти: уларнинг фикрлари жамият томонидан мутлоқ ҳақиқат деб қабул қилинади; улардаги иқтидор воқеликни, айниқса, ўзлари ўрганаётган ҳодисаларни тўлақонли идрок этиш фавқулотда кучли бўлади.

Де брефинг – бу таълим-тарбия жараёнидаги фаолиятдан кейин келади ва олдинги кўриб чиқилган фаолиятни таҳлил қилиш ҳамда улар асосидаги фикрни шакллантиришга тегишли давр.

Дедуктив хулоса (иккига ажратиш, келтириб чиқариш) – бу умумий ҳукмлардан якка ҳукмларга қараб бориш орқали мантиқий хулоса чиқаришдан иборат метод, тафаккур шаклларидан биридир.

Дедукция. Умумий тасдиқлардан хусусий тасдиқларга ўтиш-дедукция деб аталади.

У таълим ва тарбиядаги умумий қонуниятларнинг амалиётда хусусий ҳолларини тадбиқ қилиш табиийлигини кўрсатишга ёрдам беради.

Таълим ва тарбияга тегишли умумий қонуниятларнинг таълим - тарбияда ўринли эканлигини асослайди. Умумий педагогика қонунларини хусусий методикада ўз ўрнини топтиради.

Дедукция педагогик тадқиқотларда, тараққиётларда, хусусан шакллантирилган ғоя, қонун, қоида, мезон ва шу кабиларни амалий фаолиятда ўз ўрнини топтиришда ва хусусий педагогикадаги маълум қонуниятлар тасдиғини топтиришда фойдаланилади.

Дедукция тажриба-синов ишларини ва ишчи фаразларни амалиётда тасдиғини топишда самарали фойдаланилади. Педагогик илмий тадқиқот ишларини олиб боришда дедукция ва индукция тадқиқот методларининг амалий аҳамияти доимо сақланиб қолади.

Демократия – «халқ ҳокимияти» деган маънони билдиради. Демократия халқнинг давлат органларини тузиш, уларнинг ишида иштирок этиш, давлат органлари ишини ташкил этиш, мамлакатда инсон ҳуқуқларини таъминлаш орқали намоён бўлади. У давлат билан инсон муносабатларини белгилайди. Демократия бевосита демократия ва вакиллик демократияси шаклида бўлади. Демократия ҳамма нарсада хоҳлаганича эркинлик дегани эмас, қонунга асосланган эркинликдир. Демократиянинг ажралмас қисми интизом, қонунларни ҳурмат қилиш, бошқаларнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишдир.

Демократлаштириш – бу олий ўқув юртларини бошқаришдан тортиб, уларнинг ички тузилиши ва фаолиятини қамраб олувчи жараён бўлиб, у ҳар қандай буйруқбозликдан, айрим шахс ва жамият аъзоларининг шахсий фикрларидан халос этади, ўзаро бир – бирини тўғри тушуниш, ишонч ва дўстона ҳамкорлик асосида миллий,

маънавий, ижодий эркинлик бериш, ўқув тарбия ишининг шакллари, услубларини яхшилаш бўйича ақлий фаолият жараёни натижасидир.

Демократлаштирилган тарбияга таянган ўқитувчининг фаолият даражаси кенгаяди. Олий ўқув юртлари, оила ва жамоатчиликнинг ҳамкорлик қилиши ўқув тарбия ишининг мазмунини бойитади ва таълим – тарбия борасида бир – бирини тўлдириб боради. Айниқса, дарс жараёнини демократлаштириш зарур *(Зуҳра Исмоилова).*

Дени Дидро (1713-1784).

Асарлари: «Кўрлар тўғрисида кўзи очиқларга ибрат бўладиган хатлар» номли асари уни қамоққа олинишига сабаб бўлган. «Гельвецийнинг «Одам» деган асарини систематик рад қилиш» номли китобида Гельвецийнинг тарбия хусусидаги фикрларига қарши чиқади. Тарбия табиатнинг болага берган қобилиятини ўстиради, деб ҳисоблайди.

Депонирлаштирилган материалларнинг библографик кўрсаткичлари – бу тадқиқотчининг муайян йўналиш бўйича депонирлашга топширган ишларнинг аннатоцияси ўз аксини топган манба.

Дефектология – бу жисмоний ёки руҳий ривожланишда нуқсони бўлган болалар ривожланишнинг руҳий-жисмоний хусусиятларини, уларни тарбиялаш, ўқитиш ва шакллантиришдаги ўзига хосликларни ҳисобга олиб иш кўрадиган педагогик фани тармоғи. Дефектология боланинг қандай жисмоний нуқсонга эгалигига ва уларга бериладиган таълим-тарбия мазмунига қараб қуйидаги йўналишларга бўлинади: тифлопедагогика; сурдопедагогика; олигофрено педагогика.

Диагностика (ташхислаш) - педагогиканинг бўлими, таълим-тарбия жараёнларининг мақсади, мазмуни, усуллари, воситалари, натижаларининг сифати ва самарадорлигини, педагогик ходимларнинг

касбий тайёргарликлари, билим, кўникма, малака ва маҳоратларини, ўқувчиларнинг билимларини ўзлаштиришлари ва тарбияланганлик даражаларини ҳар томонлама ўрганиш, таҳлил қилиш асосида хулосалар чиқариш, баҳолаш ва янада такомиллаштириш юзасидан тавсиялар бериш билан шуғулланади.

Диагностика – маълум илмий асосланган методлар асосида таълим-тарбия жараёнларининг сифати ва самарадорлиги, педагогик ходимларнинг касбий тайёргарликлари, билим, кўникма, малака ва маҳоратлари, ўқувчиларнинг олган билимларини ўзлаштиришлари ва тарбияланганлик даражаларини атрофлича ўрганиш, таҳлил қилиш асосида хулосалар чиқариш, баҳолаш ва янада такомиллаштириш юзасидан тавсия бериш билан шуғулланади *(Йўлдошев Ж., Йўлдошева Ф., Йўлдошева Г.).*

Диаллектиклик - бу инновацияларнинг ривожланиш жараёни бўлиб, унинг меъёрий асослари секин – аста, босқичма – босқич янгилаб бориш жараёни билан тавсифланади. Инновациялар мавжуд урф–одат, анъаналар билан ижодий зиддиятларни вужудга келтиради ҳамда улар асосида амалга оширилади ва ривожлантирилади. Бу тизимнинг узлуксизлиги муассасасининг инновацион ривожланиш кўрсаткичини белгилайди *(Джураев Р.Х., Турғунов С.Т)*.

Дидактика – педагогиканинг мустақил тармоғи. Таълим-тарбия назарияси, яъни мақсадлари, мазмуни, қонуниятлари, тамойилларини ишлаб чиқиш билан шуғулланади.

Дидактика таълим жараёнининг умумий қонуниятларини ўрганувчи қисмдир. Дидактика грекча сўз бўлиб, «didasko» -ўқитиш, «didaskol» - ўргатувчи деган сўзлардан келиб чиққан. «Дидактика»нинг сўзма-сўз таржимаси таълим назариясини англатади.

Дидактика педагогиканинг «нимага ўқитиш», «нимани ўқитиш» ва «қандай ўқитиш» каби саволларига жавоб излайди. Умумий дидактика ўз навбатида айрим фанларга оид усуллар билан жуда мустаҳкам боғланади. Шу усуллар маълумотига таяниб ўқитишнинг умумий қонуниятларини очиб беради ва айни вақтда ҳар бир ўқув фанини ўқитиш усуллари учун умумий асос бўлиб хизмат қилади.

Дидактика ўз олдига ўқитишнинг ўқувчиларни ҳар томонлама тарбиялаш мақсадларига жавоб берувчи умумий қонуниятларни билиб олиш вазифасини қўяди. Дидактиканинг асосий вазифаси ёш авлодни илмий билимлар, кўникма ва малакалар тизими билан қуролантиришдан иборат.

Дидактик воситалар ва тарқатма материаллар – бу фанни ўқитишда зарур бўлган жиҳозлар, компьютерли воситалар, моделлар ва макетлар, кўргазмалар ва техник воситалар, асбоб-ускуналар ва маҳсулотлардир. Шунингдек, ўқитиш жараёнида ўқитувчи томонидан қўлланиладиган **тарқатма материаллардир**. Улар: карточкалар, саволномалар, йўриқномалар, қизиқарли савол ва топшириқлар, амалий ишни ташкил этиш бўйича технологик хариталар ва ҳоказолардир.

Дидактик материаллар – педагог томонидан ҳар бир дарсга алоҳида тайёрланган бўлиб, дарс мазмунини тўла ифодалаш ва ўқувчи талабалар дарс мазмунига яхши тушуниб етишлари учун хизмат қилади. Буларга ҳар турли кўргазмали қуроллар, турли муаммоли вазиятларни яратувчи мосламалар, ўйинлар ва ҳоказолар киради. Дидактик материяллар ҳам дидактиканинг тамойилларига мос равишда яратилади. Дарс жараёни фақат усул ва услублар орқали амалга оширилиб, дарснинг ажралмас қисми ҳисобланади. Педагогсиз ва талабасиз ҳамда ўқув дастур ва режасиз дарс ўтиб бўлмагани каби, педагогик усуллар ва услубларсиз дарсни амалга ошириб бўлмайди *(Б.Зиёмуҳаммадов).*

Дидактик қобилият – ўқув материали, кўргазмали қуроллар, воситаларни тайёрлаб қўйиш, ўқув материалини аниқ, ифодали, ва изчил баён қилиш, ўрганишга бўлган қизиқиш ҳамда маънавий, ҳиссий истакларни рағбатлантириш, ўқув билимини ошириш, фаоллаштириш маҳоратлари мажмуидан иборатдир.

Дидактик қобилиятлар (ДҚ) - бу жамоа бошқаришда, турли вазиятларда кўзланган мақсаднинг мазмун ва моҳиятини, унга эришиш йўлларини ва мазкур йўналишдаги вазифаларни барча ижрочиларга аниқ ва равшан, тушунарли қилиб етказа олиш, уларда мазкур вазифаларни бажаришга масъулият ҳиссини ҳамда қизиқишини уйғота олиш, шунингдек, мақсадга эришишда таъминлай оладиган қобилиятлардир.

ДҚ га эга бўлган раҳбарлар турли вазиятларда шароитдан келиб чиқиб, таълим муассасасида вужудга келадиган муаммоли вазиятларда, муаммоларни ҳал қилишга **вазиятли ёндашув** асосида ҳамда раҳбарларга хос равишда, ўз ваколати доирасида фаолият кўрсатади, **стереотипларни**, яъни жамода мавжуд бўлган сунъий тўсиқ ва муаммоларни ҳал этишда, турли йўналишларда қарорлар қабул қилишда жамоа фикрини ўрганади. Бу қобилиятлар асосида жамоа **психологиясига (руҳиятига)** хос **доимий** йўналтириш ётади ва бундай қобилият эгаси бўлган раҳбар ўз ходимларининг билими, кўникма ва малакаси, дунёқарашини, қизиқишларини, бошқарув жараёнида тарбиявий муносаабатлар мавжудлигини ҳамда унда **«раҳбар – ходим »** муносабаталарининг кўп қиррали эканлигини, бошқарув жараёнида ўзаро бевосита таъсирлар мавжудлигини тасаввур қила олади.

Дидактоцентрик технологиялар – бу ўқув дастуридаги режалаштирилган материални ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам таълим олувчиларга етказишдаги педагог фаолияти жараёнидир.

Дин. Энг нозик ва мураккаб бўлган бу соҳада, аввало, дин маънавият ва маданиятнинг устунларидан бири эканини, барча замонларда миллий ғоя ва мафкура диний қарашлар билан уйғун ривожланишини назарда тутиш лозим. Дин ўз моҳиятига кўра поклик, меҳр-оқибат каби эзгу туйғулар орқали миллий истиқлол мафкурасининг ғояларини юртдошларимиз қалби ва онгига сингдиради. Муқаддас динимизга соғлом ва мўътадил муносабатни шакллантириш – бу борадаги энг муҳим мафкуравий вазифадир.

Диний бағрикенглик ғояси (ДБҒ) – хилма–хил диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир замин, бир Ватанда, олижаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшаш ҳамда ҳаракат қилишни тараннум этувчи ғоядан иборатдир.

Дунёда жуда содда, қадимий динлар билан бир қаторда, умумжаҳон аҳамиятига молик, мураккаб жаҳон динлари ҳам мавжуд. Улар тарихий заруратга қараб, турли даврларда вужудга келган.

Чунки дунёдаги динларнинг барчаси эзгулик ғояларига асосланади ва яхшилик, тинчлик, дўстлик каби хусусиятларга таянади. Одамларнинг ҳалоллик ва поклик, меҳр-шафқат, биродарлик ва бағрикенгликка даъват этади.

Ватанимиз ҳудудида ислом дини қарор топганига қадар зардўштийлик, буддавийлик, монийлик, христианлик, маздакийлик, шомонийлик каби динлар мавжуд бўлган. Улар негизида ўша даврда барчасининг синтези натижасида бетакрор маданият вужудга келган.

Зардўштийлик таълимоти бўйича эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги доимий курашда оралиқ йўл йўқ, шунинг учун ҳар бир одам бу курашнинг у ёки бу томонидан иштирок этишга мажбур. Бу диннинг уч таянчи бўлиб, улар фикрлар софлиги, сўз собитдиги, амалларнинг

инсонийлигидан иборат. Бу жиҳатлар зардўштийликда «эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу иш» тарзида ифодаланган.

Конфуцийлик таълимотига кўра, одамлар ижтимоий келиб чиқиши ёки жамиятдаги мавқеи орқали эмас, балки одамийлик, адолатпарварлик, ҳақиқатпарварлик, самимият каби юксак фазилатлар воситасида юксак камолотга эришиш мумкин.

Ҳиндуйлик фалсафасига кўра, инсон ўз ҳаётида нимаики ёмонлик қилса, оқибатсиз қолмайди, бунинг учун, албатта жазо олади. «Беш қўл баробар эмас» мақолида ифодаланган ҳақиқат бу динда ўз ифодасини топган.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда ўндан зиёд конфессияга мансуб диний ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг ўз фаолиятини амалга ошириш ва мамлакат ҳаётида фаол иштирок этиши учун ҳамма шарт-шароитлар яратилган. Бу борадаги ҳуқуқий асослар Ўзбекистон Конституциясида «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунда ўз ифодасини топган. Ана шу асослар мамлакатимиздаги барча дин вакилларининг ҳамкор, ҳамжиҳат бўлиб, миллий истиқлол мафурасининг бош ғояси – халқимизнинг озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш орзусини амалга ошириш учун мустаҳкам таянч бўлиб хизмат қилади *(З.Исломов, Б.Исоқов, О.Юсупов, Д.Муҳаммадиев, С.Минавваров)*.

Диний дунёқараш (ДД) – бу мифология (афсона) негизида шаклланган ва ривожланган дунёқарашдир.

ДДнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у табиий ва ижтимоий ҳодисалар моҳиятини уларнинг ўзидан эмас, балки табиатдан ташқарида **Оллоҳнинг** қудратига боғлаб ҳамма нарсада ва ҳар ерда илоҳий кучларнинг таъсири, мўъжизавий кучи бор деб тушунтиради (*Ж.Тулинов, З.Ғофуров*).

Ислом таълимотидаги ҳар бир афсона ва ривоятларда катта ҳикмат, мазмун-моҳият мавжуддир. Шунинг учун улар абадий барҳаёт бўлиб, авлоддан-авлодга ҳозиргача етиб келмоқда.

Диний фанатизм – бу диний қоидаларни устун билиб, тараққиётни тан олмайдиган, ҳар қандай янгиликни куфр деб биладиган, ҳаётни диний асосда боқариш лозим, деб ҳисоблайдиган оқимдир.

Диний экстремизм – бу динни ниқоб қилиб олиб, зўравонлик асосида конститутцион тузумга тажовуз қилувчи, уни ўзгартиришга уринувчи жинояткор хатти-ҳаракатларни ёқловчи оқимдир.

Диний экстремизм – бу сиёсий ҳокимиятни керак бўлса қурол кучи, террор йўли билан эгаллашни ва машъум ниятларини оқлашга динни байроқ қилиб олишни тарғиб этувчи оқимдир.

Динни маърифат асосида ўрганиш деганда, уни нафақат диний, балки замонавий билимлар ва цивилизация ютуқлари асосида онгли равишда ўрганишни тушунамиз.

Диплом – (юнонча diplo – икки буклайман) шахснинг олий, ЎМКҲТ ўқув муассасаларини тугатганлиги ёхуд илмий даражага эгалигини тасдиқловчи ҳужжат; турли танлов, мусобақа, кўргазма ва бошқаларда юқори кўрсаткичларга эришганлик учун мукофотланганлигини тасдиқловчи ҳужжат; аккредациядан ўтган олий ўқув юртини битирувчиларга бериладиган ва уларнинг олий таълимнинг таълим дастурларини бажарганликларини аниқловчи давлат намунасидаги ҳужжат.

Диплом: а) ўрта махсус касб-ҳунар таълими тайёрлов йўналишлари бўйича кичик мутахассис малакасини олганлигини тасдиқловчи ҳужжат; б) таянч олий таълимини тугатиб, касб йўналиши бўйича «бакалавр» даражасини олганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

в) аниқ мутахассислик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган олий таълимни тугатиб, касб-ҳунар фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат.

Диссертация – (юнонча dissertatio – тадқиқот, мулоҳаза) – бу илмий даража олиш учун тақдим этиладиган ва илмий жамоатчилик олдида якка тартибда ҳимоя қилинадиган илмий асар. Диссертация фан ва амалиётга муҳим ҳисса бўлиб қўшилувчи, илмий масалаларни назарий умумлаштирувчи ва ҳал қилувчи мустақил илмий тадқиқот иши.

Дистервег (1790-1866). Тўлиқ исми – Фридрих Вильгельм Адольф Дистервег. У юрист оиласида туғилган, ўрта мактабни тугатиб Герборн университетига ўқишга киради (1808). Герборн университетида математика, фалсафа ва тарихни ўрганди ва Тюбинген университетига ўтиб, 1811 йилда тамомлади. Кейинроқ фалсафа фанлари доктори унвонини олди.

Асарлари: «Немис ўқитувчиларини ўқитиш учун қўлланма» (1835), «Элементар геометрия». У «Немис муаллимларининг муаллими» унвонига сазовор бўлган.

Диққат – бу ақлий фаолиятнинг барча турларида иштирок этувчи ва инсоннинг ҳатти-ҳаракатларида ҳам иштирок этувчи жараёндир. Шахс фаолияти қанчалик мураккаб, машаққатли, масъулиятли бўлса, у диққатга шунчалик юксак талаблар қўяди. Инсоннинг зийраклиги, сезгирлиги, фаросатлилиги, синчковлиги, дилкашлиги, ҳозиржавоблиги учун турмуш шароити ва шахслараро муносабатида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Диққат ақлий фаолиятнинг барча турларида иштирок этади, инсоннинг ҳатти-ҳаракатлари ҳам унинг иштирокида содир бўлади. Онгни муайян бир нуқтага тўплаб, муайян бир объектга фаол

қаратилишидан иборат бўлган психик фаолиятга **диққат** дейилади *(Фалсафа: қомусий луғат. – Т. : «Шарқ», 2004. – 496 б.).*

Диққатни қайта жамлаш – бу матнни ишлатишнинг кўпроқ тарқалган усули бўлиб, уни муҳокама қилиш учун асосий йўналиш нуқтаси сифатида матндан фойдаланиб, диққатни ўқитишнинг аниқ вазифаларига жамлайди. Лекин бу усулни суистеъмол қилиш мунозарани зерикарли қилиши ва ўқувчи-талабаларнинг ўз билимларидан фаол фойдаланиш истакларини пасайтириши мумкин.

Доктор – лотинча doctor – устоз.

Докторант – фан номзоди илмий даражасига эга бўлган ва олий таълим ёки ИТМ нинг докторантурасида маълум мутахассислик бўйича доаторлик диссертацияси устида илмий иш олиб бораётган изланувчи.

Докторантура – ягона УТТ нинг олий малакали илмий ва илмий педагогик кадрлар тайёрлашга йўналтирадиган аспирантурадан кейинги таркибий қисмидир.

Докторантура – фан номзоди илмий даражаси негизида 3 йил давом этадиган, диссертация ҳимоя қилиш билан якунланадиган узлуксиз таълим тизимининг босқичларидан бири. У олий малакали илмий ва илмий педагогик кадрлар (фан докторлари) тайёрлаш шакли. Якунига кўра танланган мутахассислик бўйича «Фан доктори» илмий даражаси берилади. ЎзР да УТТнинг таркибий қисми ва олий босқичи.

Донишманд – кўп нарса биладиган, билимдон, олим, доно.

Достон, поэма – леро-эпик жанр; шу жанрдаги бадиий асар. Ўзбек халқ оғзаки ижоди ва ўзбек мумтоз адабиётида кенг тарқалган. Достонда муайян воқеа леро-эпик тасвир воситалари ёрдамида ҳикоя қилинади. Унда ҳаёт, воқелик кенг кўламда қамраб олинади, бир ёки иккита бош қаҳрамон иштирок этади, персонажлар кўп бўлади. Достонлар марказида жамият ва халқ тақдири туради, жамият, халқ ва

қаҳрамон яхлит бир бутунликда тасвирланади, улар ўртасида зиддият бўлмайди, балки шу халқ, шу қаҳрамон билан ташқи душманлар ўртасидаги кураш, яхшилик билан ёмонлик ёртасидаги зиддият тасвирланади. Уларда ватанпарварлик, қаҳрамонлик, инсонпарварлик, меҳр-мурувват, муҳаббат, дўстлик ва садоқат, меҳнатсеварлик ғоялари илгари сурилади (*ЎзМЭ. 3-том, 2002, 363-бет*).

Доцент – лотинча dosene – таълим берувчи. Бир қанча мамлакатларда ОЎЮлари ўқитувчиларининг илмий унвони ва лавозими.

Дунёқараш – одамнинг теварак-атрофидаги оламга ва унда ўзининг тутган ўрнига қарашларидан келиб чиққан тизим. Кишиларнинг фалсафий, сиёсий, илмий, диний, ақлий ва эстетик қарашлари йиғиндиси.

Дунёқараш – бу олам ҳақидаги яхлит умумлаштирилган билимлар тўпламидир.

Дунёқараш тушунчаси «дунёни ҳис қилиш», «дунёни тушуниш» иборалари билан узвий боғликдир.

Дунёқараш фақат инсонга хос хусусият бўлиб, ҳайвонот дунёси, бошқа нарса, буюмлар ва мавжудотлар учун бу ҳол ётдир (*Абдуллаева Ш.А.*).

Дўстоналик – бу инсоннинг иш жараёнида**,** муомалада бошқа шахсларнинг ҳақ-хуқуқини, шахсиятини ҳурмат қилиш, бошқа миллатга мансуб инсонларнинг урф-одатларини, маданиятини, салоҳиятини эъзозлаш, ўзига яқин биродарларини кўриб дўстона муносабатда бўлиш хислатидир.

Ё

Ёзув – муайян бир тилда қабул этилган ва кишилар ўртасидаги мулоқотга хизмат қиладиган ёзма белгилар ёки тасвирлар тизими.

«Ёпиқ китоб» усули – бу муайян фан бўйича матн материалини қўллаш усулларидан бири бўлиб, ўқувчи-талабалардан матнда бор маълумотни эслаб қолишни, лекин мунозара пайтида матнни қайтадан баён этмасликни талаб қилади. Бу усул ҳам бошқа усуллар билан биргаликда бўлишни ва ўқувчи-талабалар ўқишда фақат «қайта баён этиш» билан чегараланмасликларини талаб қилади.

Ёш педагогика – у кишиларни ҳар хил ёш гуруҳларида тарбияланишнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганади. У мактабгача тарбия ёшидаги болалар педагогикаси. У тарбияланувчилар ёшига кўра: мактабгача ёшдаги, мактаб ёшидаги ва катта ёшдагилар гуруҳларига ажратилади *(Зуҳра Исмоилова).*

Ж

Жадидчилик – XIX асрнинг иккинчи ярми XX асрнинг бошларида туркий халқлар орасида юзага келган маърифат учун курашган, ўқиш–ўқитиш ишларини ислоҳ қилишга, диний мактабларнинг дастурига айрим дунёвий фанларни киритишга, шунингдек, янгиликни тарғиб қилишга интилган сиёсий оқим.

Жадидчилик (араб. жадид - янги) – XIX аср охири XX аср бошида Туркистон, Кавказ, Қрим, Татаристон ҳаётида муҳим аҳамият касб этган ижтимоий-сиёсий, маърифий ҳаракат. Жадидчилик дастлаб XIX асрнинг 80-йилларида Қримда Исмоилбек Гаспринский раҳбарлигида қрим татарлари ўртасида вужудга келди. Жадидчилик ҳаракати намояндалари кўпинча ўзларини тараққийпарварлар, кейинчалик жадидлар деб аташган (*ЎзМЭ. 3-том, 2002, 519-522 бет*).

Туркистонлик жадидлар она ватанларини мустақил, озод ҳолда кўришни ўзларининг бош **мақсадлари** деб билдилар. Миллий-озодлик курашида қурол кучи билан муваффақият қозониб бўлмасди. Туркистон жадидлари бундай шароитда озодликни қўлга кирита олмасликларини, ибтидоий қуроллар билан Россиядек зўравон ва маккор салтанат жангалидан қутилишлари мумкин эмаслигини яхши тушунганлар. Шу боис улар миллий истибдодга тушиб қолишларининг сабабларини таҳлил этиб, буларнинг туб илдизларини йўқ қилиб ташлаш лозимлигини англаб етдилар. Натижада жадидларнинг халққа ҳамма нарсадан олдин **маърифат бериш** лозим, деган ғояси юзага келди. Шундагина халқ ўз аҳволига разм солиши, қуллигини англаши, миллий онги уйғониши мумкин эди. Ана шундан кейин изчиллик билан миллий-озодлик сари кураш олиб борса бўларди.

Жадидларнинг тарбия, одоб-ахлоқ ҳақидаги фикрлари, асосан қадимдан ислом оламида қарор топган қарашлар негизида шаклланган. Жадидлар аждодлардан болалар, умуман инсон тарбиясида мусулмонларга хос диёнатли, саховатли, хушахлоқ, хушмуомала бўлиш сингари муҳим хислатларни қабул қилдилар. Айни замонда уларнинг педагогик қарашларида янги бир тушунча пайдо бўлди. Бу тарбияда муҳит, замон, шароитнинг ўрни тўғрисидаги қарашдир. Жадидлар педагогикаси ижтимоий ҳаёт, унинг талаблари, эҳтиёжларини ҳисобга олиш билан ўзларигача бўлган Шарқ педагогикасидан бир қадам олға силжиш бўлганди. Жадидлар **комил инсон** – бу энг аввало, замонавий инсондир. Замонавий инсон эса, миллат ва Ватан манфаатини барча нарсадан устун қўювчи, маърифатли, диний ва замонавий илм-фанларни эгаллаган, хушахлоқ, тарбияли кишидир дейишди.

Жадидларнинг таълим ва тарбия тўғрисидаги, умуман педагогик қарашлари шу билан характерлики, улар аждодларимизнинг бу

борадаги қимматли фикрларини илғор, замонавий қарашлар билан уйғунлаштирдилар. Шу боис уларнинг педагогик қарашлари ижтимоий заминга асосланган билан ҳанузгача аҳамиятини сақлаб келмоқда (*С.Очил, К.Ҳошимов*).

Жазо бериш методлари - бу тарбияланувчиларнинг хатти-ҳаракати ва фаолиятидаги салбий ҳолатларни эътиборга олган ҳолда улардаги бу жараёнларни ижобий томонга буриш учун ишлатиладиган таъсир воситалари, йўллари ва шакллари. Жазо бериш тарбияланувчидаги ахлоқ меъёрларига қарама-қарши фаолият ва хатти-ҳаракатларни муҳокама қилишнинг натижасига асосан амалга оширилади. Жазо бериш номақул хатти-ҳаракатларнинг олдини олиши, ахлоқни тузатиши, жамоа олдида уялиши, ўзини гуноҳкор деб билиш ҳиссини уйғотиши лозим. Жазо бериш методлари хилма-хил бўлади. Улар: танбеҳ бериш, койиш, уялтириш, қизартириш, хатти-ҳаракатларни жамоа ўртасида муҳокама қилиш, муайян фаолиятдан четлатиш кабилар. Жазо беришда ҳам педагогик талабларга амал қилиш зарур. Берилаётган жазо мақсадга мувофиқ бўлиб, тарбияланувчининг айбига, салбий хатти-ҳаракатларига қараб берилиши лозим. Жазо бериш пайтида салбий хатти-ҳаракатларнинг сабаблари унинг жамоага етказадиган зарари, тарбияланувчининг шахсий хусусиятлари инобатга олиниши лозим.

Жамият – тарихий тараққиётнинг маълум босқичида моддий бойликлар яратишнинг муайян ишлаб чиқариш муносабатлари мажмуи.

Жамиятни ахборотлаштириш (ЖА) – инсон ҳаётининг барча жабҳаларида интеллектуал салоҳиятни ривожлантириш турлари ва воситалар билан боғлиқ бўлган динамик жараён. Бу ўз навбатида «Фан→таълим→амалиёт» тизимини ахборотлаштириш ҳам демакдир. Бундан мақсад жамиятнинг турли жабҳалари фаолиятини юритишининг

интеллектуаллик даражасини ошириш ва «Фан→таълим→амалиёт» тизимини тўлиқ ахборотлаштириш ҳамда юқоридаги тизимда фаолият кўрсатувчи кишиларнинг ахборот маданиятини юксалтириш.

ЖА бевосита таълим-тарбия билан узвий боғлиқ. Унинг ёрдамида таълимда оптимал вариантлар танлаш имконияти кенгаяди, тарбияда эса тарбиянинг таъсирчанлигини ошириш имкониятлари кенгаяди (кўргазмалилик).

ЖА янги ахборот технологиялари кўринишида ва айниқса кўмакчи компьютерли тизимлар, универсал компьютерли тизимлар ҳамда касбий комьютерли ўйинларни амалиётда жорий қилиш йўналишидаги соҳаларда фойдаланилади.

ЖА учинчи минг йилликнинг дастлабки асриданоқ долзарб муаммо бўлиб ҳисобланади ва бу жараён кишилик жамиятининг барча бўғинларини тўлиқ қамраб олади.

ЖАдан шундай натижалар кутилмоқдаки, вақти келиб одамлар ягона тилда гаплашиш имкониятига эга бўладилар ва албатта у «Машина» тили бўлади.

ЖАнинг асосларидан бири таълим тизмида замонавий ахборот технологиялари (ЗАТ) дан кенг фойдаланишга эришишдир. Бу жараён таълимни такомиллаштириш ва ривожлантиришни амалга ошириш мақсадида ЗАТни қўллашни, унинг метод ва воситаларидан фойдаланишни, таълим-тарбия жараёнининг барча бўғинларини жадаллаштиришни, мутахассисларни илмий ходимларни ахборотлашган жамият шароитида фаолият кўрсатишга тайёрлашни тақозо этади.

Жамоа – бу шахслараро мулоқот муносатларининг бирор бир муайян мақсад йўналиш, соҳа бўйича биргаликдаги фаолиятининг ижтимоий қийматлари ва шахсий жиҳатдан аҳамияти орқали ўз ифодасини топадиган гуруҳдир.

Жамоа – бу кишиларнинг шундай муайян гуруҳи бўлиб, у ижтимоий аҳамиятга эга бўлган умумий мақсад ҳамда мазкур мақсадни амалга ошириш учун йўналтирилган фаолиятни амалга ошириш обеъктидир (манбаидир). Ушбу жамоа аъзолари ўзаро бирлик, аъзоларнинг муносабатлари жараёнидаги тенглиги асосида унга раҳбарлик қилиш ва бир-бирига бўйсуниш, шунингдек, жамоа одлидаги жавобгарлиги асосида муайян фаолиятни олиб борадилар. Жамоа ва уни шакллантириш педагогик фаолиятнинг мақсади ҳисобланади. Жамаонинг ўзига хос **хусусиятлари**: ижтимоий аҳамиятга эга ягона мақсаднинг мавжудлиги; биргаликдаги умумий фаолиятнинг ташкил этилиши; мажбурий маъсулиятли муносабатнинг йўлга қўйилиши; сайланган умумий раҳбарий органга эгалик ва шу кабилар.

Жамоада ва жамоа ёрдамида тарбиялаш – бу тарбия жараёнида тарбияланувчиларнинг жамоа бўлиб бирлашишлари, уларда манфаатдорлик бирлиги, ўзаро ёрдам туйғусини ўстириш жараёнидир. Бунда **туйғу** ташкил этилган жамоа аъзоларининг қобилият ва истеъдодини ривожлантириш учун кенг йўл очади ва шунинг билан бирга жамоада тарбияланувчи ҳар томонлама ривожланиш учун кенг имкониятга эга бўлади. Тарбияланувчилар аҳил жамоа бўлиб уюшганларидагина тарбиявий ишларни амалга ошириш анча енгил ва муваффақиятли бўлади. Яхши уюшган жамоада жамоа фикри катта тарбиявий кучга эга бўлади ва ҳар бир шахсга таъсир этади. Ўз манфаатини жамият манфаати билан қўшиб олиб бориш, ўзаро ёрдам каби фазилатлар, аввало жамоада шаклланади. Ўқитувчи ҳамма вақт тарбияланувчилар жамоасига таянмоғи, уларни жамоа бўлиб турли ишларни бажаришга одатлантириб, жамоада яшаш ва ишлашга ўргатиб бориш лозим.

Жараённи мўлжаллаб йўналганлик – бу таълимда янгича йўналганлик бўлиб, шахснинг шаклланишида ўрганилаётган нарсанинг мазмунига эмас, балки таълим берувчилар билан таълим олувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолияти ва ўзаро таъсирига аҳамият бериш жараёни.

Жасурлик – ҳар қандай фолият жараёнида, майли, у меҳнат жараёни, жангу жадал ёки бошқа эзгу ниятларни амалга ошириши жараёнида бўлсин, киши бир қатор қийинчиликлар, тўсиқлар, гоҳо хавф-ҳатарларга учрайди. Шунда уларнинг қўрқмай ўз йўлида мақсади томон мардонавор ҳаракат қилувчи одам жасур ҳисобланади. Бу фазилат бошқаларда завқ уйғотиши билан биргаликда, ҳар қандай фаолиятни якунига етказишнинг асосий омили ҳамдир ва энг асосийси, кишида жасурлик бўлмаса бошқа барча фазилатлар деярли иш бермайди ва ижтимоий муҳит ҳолатига ижобий таъсир кўрсатмайди (*Зиёмуҳаммадов Б.*).

Жисмоний маданият – бу инсоннинг барча табиий ва ижтимоий қобилиятларини рўёбга чиқарувчи, уни тобора инсонийлаштириб, ҳам жисмоний, ҳам маънавий чиниқтириб, юксалтириб борувчи жараёндир (*Тилаб Маҳмуд*).

Жисмоний тарбия –таълим олувчиларда ўз соғликларини сақлаш ва мустаҳкамлаш, организмни чиниқтириш, жисмоний жаҳатдан тўғри ривожланишини ҳамда унинг ишлаш қобилиятини ошириш борасида ғамхўрлик қилиш тўйғусини юзага келтириш, уларда янги ҳаракат турлари борасида кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, уларни махсус билимлар билан қуроллантириш, таълим олувчиларнинг ёшига ва жинсига мувофиқ келадиган (куч, тезкорлик, чаққонлик, сабот-матонат, чидам, ирода ва тавсифни қарор топтириш) асосий ҳаракатлар сифатларини ривожлантириш, уларда шахсий гигиенани сақлашга нисбатан онгли муносабатларни тарбиялашдир.

Жон Локк (1632-1704) – адвокат оиласида туғилган, у қадимий Вестминистрлик мактабида схоластик ўрта маълумот олади, сўнг Оксфорд университетига кириб ўқийди. Декарт, Бекон, Ньютон сингари йирик олимларнинг асарларини жуда қизиқиб ўқиди, тиббиёт фанларига ҳавас қўйди, медицина билан шуғулланди.

Асарлари: «Инсон ақл-идроки тўғрисида тажриба» (1690), «Тарбия тўғрисида фикрлар» (1693). Локк инсоннинг камолотга етишишида тарбиянинг ролига юксак баҳо берди.

Жорий назорат (ЖН) – аудитория машғулоти давомида мустақил бажарилган топшириқларни текшириш, тестлаш, коллоквиумлар, семинарлар, сўров ва бошқалар орқали амалга оширилади. Назоратнинг даврийлигини ўқитувчи белгилайди. Жорий назоратга қўйилган бу вазифа, билимни назорат қилиш босқичлари ичида шакллантирувчи эканлигини кўрсатади. У ўқитишнинг асосланишини, фаол ўқитишга рағбатлантиришни таъминлайди, шу билан бир пайтда якуний назорат асосини қайд этиб, баҳолаш характерига эга бўлади.

З

Замонавий ўқув адабиётлари – маълумотларни жамлаш, тасвирлаш, янгилаш, сақлаш, билимларни интерактив усулда тақдим этиш ва назорат қилиш имкониятига эга бўлган манба.

Замонавий педагогик технология – таълим мақсадларини аниқлаб, ўқув жараёнини режасини тузиб, уларни жорий этиш ёрдамида таълим самарадорлигининг ошишини таъминловчи ўқув жараёнининг оптимал бошқарувини ўз ичига олган ягона тизимдир.

Замонавий педагогик технологиялар (ЗПТ)ни қўллаш.

ЗПТни қўллашдаги воситалар:

. компьютер технологиялари;

. видеонигоҳлар;

. мультимедиа воситалари;

. методик ва тарқатув кўргазмали қуроллар;

. тезис материаллари;

. назарий билимларни бевосита амалиёт билан боғлаш;

. видеокамералар;

. Интернет тармоғи;

. «Электрон кутубхона» ва шу кабилар.

ЗПТни қўллашдаги омиллар:

. Ўқув жараёнини ДТС доирасида ташкил этиш;

. Ўқув режаларининг бажарилишини таъминлаш;

. Фан дастурлари асосида ўқитишни ташкил этиш;

. Ўқитишда фанларнинг кетма-кетлиги ва узвий боғланишини таъминлаш;

. таълим натижалари мониторингини ташкил этиш;

. профессор –ўқитувчилар илмий салоҳияти.

Зако – Аҳли зако ўткир ақл-идрок, зеҳн, зако; донишмандлик.

Зеҳн – муайян бир фаолиятга ёки кўпгина нарсаларга нисбатан ортиқча қизиқувчанликда, мойилликда, интилишда намоён бўлади. Зеҳн натижалари деганда қобилиятнинг ички имкониятларининг табиий асосини тушуниш мақсадга мувофиқ.

Зеҳни ўткирлик, фаросатлилик; янги ёки мураккаб назарий ҳамда амалий масалаларни ҳал қилишнинг тўғри йўлларини тез топа олишдан иборат ақл сифати.

И

Ибн Сино (980-1037). *Тўлиқ исми* – Абу Али ибн Сино. Шарқда «Шайх ур-Раис» номи билан машҳур. Афшона қишлоғида кичик

амалдор оиласида туғилган. Оиласи Бухорога кўчиб ўтгач, у бошланғич мактабда ўқий бошлайди. У меҳнатсевар, қобилиятли, зеҳнли, ўткир хотирали, ўқишга қизиқиши зўр эди. У устозларидан ҳисоб, фиқҳ, фалсафа, мантиқ, ҳандаса, тиб илмидан таълим олган. Бутун жаҳон олимларининг илмий мунозараларида қатнашиб билимини чуқурлаштирган.

Устозлари: Абу Абдуллоҳ Нотилий, Абу Мансур Қамарий, Исмоил Зоҳид, Исо ал-Масиҳий, Ҳасан ибн Нуҳ ал-Қумрий.

Шогирдлари: Абу Убайд Журжоний, Умар Исфахоний, Муҳаммад Шерозий, Аҳмад Маъсурий, Баҳманёр ибн Марзбон, Юсуф Ийлоқий, Умар Хайём.

Асарлари: «Тиб қонунлари», «Аш шифо», «Ал-Қонун», «Ҳайй ибн Яқзон», «Рисолат ат-тайр», «Рисолат фил-ишқ», «Номознинг моҳияти ҳақида рисола», «Зиёрат қилишнинг маъноси ҳақида», «Ан-Нажот», «Донишнома», «Китоб аш-ишорат», «Рисолат ал-қадр». Олим ахлоқдаги ўзгаришларни уларнинг организмидаги ўзгаришлар билан боғлаб тушунтиради. Масалан, агар ёмон хулқ одатга кириб қолса, у мижоз бузилишини келтириб чиқаради, ғазаб кучли қиздиради, қайғу кучли оздиради, хулқнинг мўътадиллиги натижасида ҳам нафс, ҳам бадан соғлом бўлади, деб уқтиради.

Ибтидоий даврда тарбия асосан оилада, жамоа ва меҳнат масканларида кишилар орттирган тажрибаларни болаларга ўргатишдан иборат бўлган. Болаларга ўргатилган меҳнат малакалари уларни яшаш учун курашишга тайёрлар, ақл-идрокли, одобли бўлиб ўсишларига хизмат қиларди. Минг йиллар мобайнида ҳамкорликда қилинган меҳнат кишилар ўртасидаги одоб-ахлоқ муносабатларининг меъёрини келтириб чиқарган (*Ҳасанбоева О., Ҳасанбоев Ж., Ҳамидов Ҳ.*).

Идеал (юнон. тимсол, ғоя, тушунча) – бирор нарса, воқеа ва ҳодисанинг олий намунаси, камолоти; айрим шахс, шахслар гуруҳи, табақа ва жамият интилувчи олий мақсад. Ижтимоий-сиёсий идеал – мукаммал ижтимоий тузум; ахлоқий идеал – баркамол инсон сифатлари, ижтимоий муносабатлар; эстетик идеал – ҳар тарафлама камолга етган гўзал кўриниш, хислат, тавсиф. Идеал муайян тарихий шароитда ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳалари билан боғлиқ ҳолда шаклланади. Кишилар тарихда ахлоқий, ижтимоий-сиёсий, эстетик идеални орзу қилиб, бу орзуларини эртаклар, достонлар ва бир қатор асарларда ифодалаганлар. Масалан, Рустам ва Фарход, Лайли ва Ширин фақат жисмоний жиҳатдан бақувват ҳамда гўзал бўлиб қолмай, улар гўзал одамийлик фазилатларига эга бўлган. Бундан ташқари мутафаккирларнинг фозил жамоа, одил раҳбар ҳақидаги фикрлари ҳам бунга мисолдир (*ЎзМЭ. Т.: 2002, 4-том, 76-бет*).

Идеал – инсон ёки жамият, синфнинг хулқ-атвори, характери ва йўналишини белгилайди. У инсоннинг мақсадга қаратилган ҳаёти, фаолиятининг ҳамма соҳаларида ижтимоий-сиёсий, ахлоқий, эстетик тасаввурлар тарзида намоён бўлади. Шу асосда идеал ижтимоий онгни ўзгартиришнинг кучли воситаси бўлиб, кишиларни умумий тарихий вазифасини ечишга йўналтирилади. Бунда инсоният идеали якка шахс иделига айланиб, ижтимоий, ҳуқуқий, мафкуравий, ахлоқий-эстетик мазмун касб этади. Ҳозирга кунда миллий мафкура ўтмишдаги илғор ғоялар ҳам миллий ва умуминсоний қадриятларнинг ўзаро уйғунлашувида шаклланаётган мустақиллик идеали жамиятимиз кишисининг, айниқса, ёшларнинг шахсий идеалига айланмоқда.

Ахлоқий идеал юксак хулқ-атвор нормаларига интилишдир. У кишилардаги ижобий хислатларни мужассамлашуви асосида уларни ахлоқий жиҳатдан янада такомиллашувига ўзига хос замин ҳозирлайди.

Бу инсоннинг бахт ҳақидаги тасаввурлари, ҳаёт маъносини англаш асосида идеалга интилиш ва шу асосда ўз ҳаётига баҳо бериш демакдир. Бахтга эришиш келажакка интилган орзу умидларни ҳар бир шахснинг ҳаётдаги идеалига айланиши ахлоқий баркамолликни кўрсатади. Ахлоқий идеалнинг инсон учун энг муҳим томони шундаки, унинг мақсади, эътиқоди асосида танлаган ҳаёт йўлининг тўғрилигини белгилаб беришдир. Бахтга эришиш идеалнинг тўғрилишини, ҳаёт мақсади, мазмунининг амалга ошишидир.

Эстетик идеал эстетик туйғу ва қарашлар асосида таркиб топиб, воқеликни инъикос этиш шаклидир. Бунда эстетик идеал фақат мавжуд нарсаларни инъикос этиш билан чегараланмай, келажакда у қандай бўлиши керак ёки бўлиши мумкинлигини ифодалайди. Ҳар қандай идеал каби эстетик идеал кишиларнинг хоҳиши, истак, интилишларини акс эттиради. Эстетик идеал белгилари исталган ёки амалга ошган нарсалар шаклида моддий ва маънавий тарзда намоён бўлиши мумкин. Эстетик идеалда инсон хулқ-атвори, унинг эстетик ҳис-туйғуларини ривожланганлик даражаси, дид, фикр-мулоҳазаси ўз таъсирини ўтказади. Бунда ёшлар идеалининг йўналиши, мазмунини белгилашда шахсий интилишлар билан ижтимоий манфаатларнинг ўзаро бир-бирига таъсири кучли намоён бўлади (*Олимов Ш.Ш.*).

Идентификация - бу билимлар, тушунчалар, тасаввурлар ва шахсий хислатлар орқали суҳбатдошини айнан тушуниш жараёни маҳсули бўлиб, унда айнан тушуниш ўзини суҳбатдоши билан солиштириш орқали баҳоланади.

Идентификация (айнан ўхшаш) – бу тажриба натижасида олинган ахборотларнинг баъзи бир фараз қилинган назарий алоқадорликка мос келиш, яъни назарий тадқиқот натижаларини ва

тажриба давомида олинган функционал ёки статистик боғлиқликни ўрнатиш жараёнидан иборатдир.

Идрок – инсоннинг билиш, тушуниш қобиляти ва зеҳни ҳамда фаҳм-фаросати.

Идрок – тирик организмнинг маълумотлар қабул қилиб, қайта ишлаш жараёни; организмга объектив реалликнинг акс эттириш ва ташқи оламдаги янгидан-янги вазиятларни баҳолаб, шунга яраша ҳаракат қилиш имконини беради. Идрок онгнинг, миянинг ижодий жараёнидир. Инсон миясининг умумлаштирувчи фаолиятига асосланган идрок жараёнига кишининг тажрибаси, билим, абстракт тафаккурнинг фаолияти ва бошқалар ҳам иштирок этади (*ЎзМЭ. Т.: 2002, 4-том, 79-бет*).

Идрок қилиш –тушунчанинг шаклланиш жараёни**.** Яъни, номаълум бўлган нарсани маълум бўлаги нарса билан боғлаш ва шу асосда таълим олувчиларда маълум бўлган маълумотларни кенгайтириш.

Турли фаолият турларига мос равишда қуйидагича маълумотлар ўқувчилар хотирасида сақланиб қолади, агарда улар қуйидаги ҳолатларда фаолият юритсалар:

- ўқиса, маълумотларнинг 10 фоизи;
- эшитса, маълумотларнинг 26 фоизини;
- кўрса, маълумотларнинг 30 фоизини;
- кўрса ва эшитса, маълумотларнинг 50 фоизи;
- бошқалар билан муҳокама қилса, маълумотларнинг 70 фози;
- шахсий тажрибага асосланса, маълумотларнинг 80 фоизи;
- бажарилаётганда гапирса, маълумотларнинг 90 фоизи;
- бошқаларга ўргатса, маълумотларнинг 95 фоизи.

Иерархик кетма-кетлик – бу бир бутун нарса ва ҳодисаларнинг айрим қисмлари ёки элементларининг юқоридан қуйига бир тартибда (қоида ёки хосса асосида) жойлашиб келишидир.

Иерархик тизим (ИТ): Ихтиёрий табиатли (техник, иқтисодий, биологик, ижтимоий ва ҳ.к.) тизим бўлиб, унинг амал қилиш жараёни (функцияси) кўп босқичли (функционал, ташкилий ва шунга ўхшаш) тизимга эга бўлса, бундай тизимларни иерархик тизим деб аталади.

У мантиқий кетма-кетлик асосида иш олиб боришга ўргатади ва кўп босқичли боғланишга эга бўлган элементлар ва қисм тизимлар орасидаги қонуний муносабатни белгилаш; билимларни эгаллаш узвийлигини ва узлуксизлигини таъминлашни амалга оширади.

ИТ таълим ва тарбияда билимларни оддийдан мураккабга, осондан қийинга томон эгаллашидаги асосий қонуниятни ифодалайди ва ўз навбатида у қуйида олинган билимларни эгаллашига пропедевтик материал бўлишлигини таъминлайди.

Билимлар, тушунчалар, кўникма ва малакаларни шакллантириш ва уларни умумлаштиришда қўлланилади. Шунингдек, «Тизимий ёндашув» тадқиқот усулининг амалиётга тадбиқини амалга оширишда ҳам фойдаланилади.

Замонавий тадқиқотларнинг деярли барча турларида, яъни «Тизимий таҳлил», «Тизимий ёндашув» ва шу кабиларда ИТдан фойдаланилади ва у режалаштирилган ечимга етиб боришни кафолатлайди.

Иерархия – юнонча, hierarchia, hieros – авлиё ва arche – ҳукумронлик, ҳокимият – бир бутун нарса ва ҳодисалар айрим қисмлари ёки элементларининг юқоридан қуйига қараб бир тартибда жой олиши. Унинг мақсади ҳодиса ва жараёнлардаги ишларни мантиқий кетма-кетлик асосида олиб бориш ва вазифаси билим, тушунча, кўникма ва

малакаларни шакллантиришда узвийлик ҳамда узлуксизликни сақлаш; ҳодиса ва жараёнларнинг фаолият кўрсатиш қонуниятини яратишга асосларни пайдо қилишга кўмаклашишдан иборат.

Иерархия таълим ва тарбияда индукция ва дедукция ҳамда тизимий ёндашув тадқиқот услубларини жорий этишда мустаҳкам методологик асос бўлади. Унинг ёрдамида кўрсаткичлар орасидаги алоқадорлик қонуниятлари очилади.

Иерархия термини манбалар бўйича тадқиқот ишларини олиб боришда кўрсаткичлар (омиллар) орасидаги боғланишларни аниқлашда, талабалар билимини назорат қилишдаги тизимийликни аниқлашларда қўлланилади.

Иерархия терминидан хулосалар, таҳлил қилиш ва улар асосида умумлаштириш ишларини ташкил қилишда мунтазам фойдаланиб борилади ҳамда илмий тадқиқот ишларида методологик восита бўлиб қолаверади.

Ижод – инсоннинг янги моддий ва маънавий неъматлар яратиш фаолияти. Унда инсон тафаккури, хотираси, тасаввури, диққати, иродаси фаол иштирок этади, бутун билими, тажрибаси, истеъдоди намоён бўлади.

Ижод дастлаб инсон тасаввурида туғилади, кейин ижодга тааллуқли масалалар юзасидан изланишлар олиб борилади.

Ижод – фан ва техникани, маданиятни бойитади, ривожлантиради.

Ижод эркинлиги – ҳар ким илм, техника, адабиёт, санъат ва маданият соҳаларида эркин ижод қилиш ҳуқуқига эга. Бу ҳуқуқдан фойдаланиш натижасида илм–фан, техника ривожланади. Бундан давлат ҳам, ижодкор ҳам манфаатдор бўлади *(Конституциянинг 42 – моддаси).*

Ижодий ёндашув (ИЁ) – бу педагогикада замонавий йўналиш бўлиб, у таълим олувчиларнинг муаммоларини ҳал қилиш

қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган фаолият бўлиб, мустақил равишда қаралаётган фаолиятнинг янги йўналишларини топишга ундаш жараёнидир.

Бунда ўқувчи-талабаларнинг фаолиятига демократик асосда раҳбарлик қилади ва уларнинг шахсий ташаббускорлигини қўллаб-қувватлайди, улар билан ҳамкорликда ишлайди.

ИЁ компонентлари: муаммоларни ҳал қилиш; ўқув ишларига оид изланишлар олиб бориш; фанлараро боғланиш; илмий тахминни олға суриш ва уни текшириш; маълумотлар йиғиш; моделлаш-тажриба ўтказиш; ижодий ва танқидий фикр юргазиш; тўғри қарорлар қабул қилиш; шахсий фикр маъносини излаш.

Ижодий жараён самарадорлигида илмий тадқиқот ишларини олиб бориш жараёнининг назарий тадқиқотлар қисмига кўпроқ эътибор берилади ва қуйидаги кетма-кетликда олиб борилади: олиб борилган илмий – тадқиқот иши бўйича фойдаланилган ахборотлар ва жорий хулосалар таққосланади; тахминлар ва уларга мос далиллар таққосланади; сабаб ва оқибат алоқалари ажратилиб кўрсатилади.

Ижодий муносабатни шакллантиришга ёрдам берувчи омиллар:

- **Қизиқиш** – бу таълим олувчининг билиш хоҳиши;
- **Фаолият** – бу таълим олувчининг бирор нарсани аниқлаш учун бирор нарса қилиш хоҳиши;
- **Скептицизм –** бу тез-тез учрайдиган фикрларни синчиклаб кўриб чиқиш хоҳиши;
- **Далиллик –** бу билим олишда исботлаш мантиғи ва қоидаларидан фойдаланиш маҳоратлари;
- **Хабардорлик –** унинг ёрдамида ўйлаш мумкин бўлиши учун олам ҳақида ахборотлар фондини мавжудлиги;

- **Стратегиялар –** бу излаш учун русум-қоидалар мавжудлиги ва улардан фойдаланиш хоҳиши;
- **Мойиллик –** бу янги билимларни олиш натижасида таълим олувчи ўзини олам ҳақидаги фикрлаш усулини қайта қуришни бошлаши учун бошқаларнинг фикр ва тушунчаларини **«бир чизиққа»** жойлашиши.

Ижодий тафаккур (ИТ) – бу ички ақлий бир-бирига боғлиқ бўлган омиллар асосидаги янги тафаккурга эга бўлишнинг мантиқий кетма-кетлиги маҳсулидир. ИТ – маънавий ва интеллектуал камолотга эришишда муҳим асослардан бири бўлиб, унинг ёрдамида шахс фаоллиги, ақл қувватини ишга сола билиш, борлиққа ўзгартириш кирита билишдек қобилиятларни шакллантириш каби ижодий жараённи амалга ошириш мумкин бўлади. ИТ янги ижодий даражага эришишни, янги тафаккурга эга бўлишни ва ижодий фаолиятнинг фаол, фидойи иштирокчиси бўлишни таъминлай олади.

Ижодий фаолият – бу барча руҳий ва ақлий кучларни ишга солиб инсоннинг аниқ бир мақсадга интилувчанлиги, махсус хиссий ҳолати – илҳомланиши, шунингдек, руҳий кечирмаси, муаммони жон-жаҳти билан ҳал этиш истаклари мажмуаси**.**

Ижодий қобилиятлар – бу янгилик яратиш зарурлиги ва мумкинлигни тушуниш, муаммони ифодалай олиш, ғоя фаразини илгари суриш учун керак бўладиган билимларни ишга сола билиш қобилиятлари, фаразни назарий ва амалий тасдиқлаш, муаммони ҳал қилишни излаш ҳамда топиш, натижада янги оригинал маҳсулотлар яратиш (илмий кашфиёт, ихтиро, санъат асари, тавсифнома ва ҳ.к.) қобилиятларидир (*Алимов Н.Н.*).

Ижодиёт – инсон ақл заковатининг барча ижобий сифатларини ўзида мужассамлаштирган, янгилик яратиш билан боғлиқ бўлган

алоҳида фаоллик ва мустақил фаолият тури. Ижодиёт фан, техника, маданият, санъат ва ишлаб чиқаришда намоён бўлади.

Ижодкор – ижод этувчи яратувчи, бунёдкор, вужудга келтирувчи.

Ижодиёт – 1.Ижодий иш билан боғлиқ билан бўлган фаолият;

2.Бирор жанр ёки шахсга мансуб асарлар мажмуи.

Ижодкорлик – янгилик учун курашиш, фан-техниканинг энг сўнгги ютуқларини таҳлил қила билиш ва ундан ўзининг фаолиятида оқилона фойдаланишга эришиш, доимо ўз устида ишлаш.

Ижодкорлик – инсоннинг онгли, маълум мақсадга йўналган, ҳаракатчан инсоний фаолиятдир. Шу йўналишли фаолият билан у яратувчанликка, ижодкорликка мойил бўлади. Ўзига хос илгари мавжуд бўлмаган нарса, предметларнинг яратувчисидир.

Ижодкорлик –кўпчиликка номаълум ва мураккаб хусусиятларни ўрганишга имкон берувчи инсон тафаккури ва руҳиятининг ҳар хил шароитларда ўзига ҳос фикрлаш модели.

Ижодкорлик – бу ақл гимнастикаси, у нафақат донишмандларга керак ва ҳатто оддий ижодкор одамга ҳам зарур.

Ижодкорлик – бу аввало меҳнатга ижодий муносабатда бўлишни тарбиялаш, янги билимларни ўзлаштиришни уддалай олиш мақсад сари интилувчанлик, ғалаба учун кураш, ўз-ўзини такомиллаштириш ва ўзликни англашдир.

Ижодкорлик – бу инсониятни бир неча минг йиллик тарихий ривожланиши даврида алоҳида кишиларнинг илм-фанда эришган олий неъмати бўлиб, бугунги кундаги инсоният яратаётган барча моддий ҳамда маънавий бойликлар эса ана шу олий неъматнинг у ёки бу кўринишидир, яъни маҳсулидир. Фанлар кўп асрлар мобайнида тўпланган билимларнинг ёзма намунаси бўлиб, башариятнинг

табиатини ўз эҳтиёжлари йўлида фаол суратда ўзлаштириши ва ўзгартириши натижасида вужудга келган (*Алимов Н.Н.*).

Ижодкорлик фаолияти – инсониятнинг неча минг йиллик тарихий ривожланиши даврида алоҳида кишиларнинг илм-фанда эришган олий неъмати бўлиб, бугунги кундаги инсоният яратаётган барча моддий ҳамда маънавий бойликлар шу олий неъматнинг у ёки бу кўринишидир (*Алимов Н.Н.*).

Ижодкор шахс – ўзлигини англаган инсон (*Алимов Н.Н.*).

Ижоднинг ривожлантирувчи функцияси – таълим-тарбия жараёнини ўзаро узвий боғлаб олиб бориш учун хизмат қилади ва шахснинг интеллектуал (техник-технологик фикрлаши ва тасаввури, хотираси), сезгирлик ва ўз хоҳиши билан интилиш каби жиҳатларига эришганлик даражаларини ўз ичига олади. Шу маънода фандаги ҳозирги замон ишлаб чиқаришнинг умумий илмий-техник томонларини очиб берувчи қонун ва тушунчалар орасидаги боғланишни ўргатиши ижодкорлик фаолияти моҳиятини ташкил қилади. Шу сабабли бу фаолиятни талабаларнинг ўз касбий амалиёти барча соҳаларида самарали меҳнат қилишга тайёрлашнинг муҳим воситасидир. Айнан шу ижодкорлик фаолиятининг ривожлантирувчи функцияси моҳиятини ифодалайди (*Алимов Н.Н.*).

Ижоднинг тарбиявий функцияси – шахс сифатларини мақсадли шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирилган бўлиб, ижодкорлик фаолиятининг ижтимоий аҳамиятини, яратувчанлик характерини чуқур англаш, амалий муаммоларни ҳал қилишга ижодий ёндашиш, маънавий ва моддий ишлаб чиқаришнинг умумий илмий асосларини ўзлаштириш, табиатнинг яширин қонуниятларини ва унинг сирларини очиб беришдаги ҳақиқий ижодкор шахсларнинг куч-қудрати ва тасаввур қилишларига хизмат қилади. Буларнинг ҳаммаси табиатга, илм – фанга,

ижодкор шахсларга ва уларнинг меҳнатига талабаларда ҳуқуқий муҳаббат уйғотади, ўз касбий фаолияти умумий илмий асосларини чинакам тушунишга ёрдам беради. Бу ўз навбатида бўлажак мутахассисларнинг техника – технология соҳасидаги фаолиятларига онгли, ижодий ёндашишни ривожлантиради, уларнинг ижтимоий муносабатлари доирасини ва фаолият воситаларини кенгайтиради, онгли хулқ - ахлоқ меъёрларини ва касбий билимларининг чуқур бўлишини таъминлайди. Буларнинг ҳаммаси талабаларга ўз қобилиятига яраша ўрнини белгилашда ёрдам беради. Булар эса ҳар томонлама камол топган шахсни шакллантиришнинг асосий шартларидан биридир.

Ижтимоий билимдонлик – энг аввало обрў-эътибор, яъни илмий-педагогик ходимнинг ижтимоий жиҳатдан етуклиги, маълум ахлоқий тамойилларга эгалиги, шахсий тажриба ва кузатишлар асосида ўз мустақил фикрларини шакллантира олиш, бошқа шахсларга таъсир кўрсата олишлиги, шахслараро ва якка шахс билан гуруҳ орасидаги муҳитларни яхшилай олиш каби қобилиятлар мажмуасидир.

Ижтимоий йўналганлик – таълимда янгича йўналганлик бўлиб, инсонга фуқаро сифатида, ижтимоий ва касбий уюшмалар аъзоси сифатида ижтимоий меҳнатга бўлган қобилиятига, фидойилигига, масъулияти ва маълумотли бўлиш сифатига қўйилган талаблар.

Ижтимоий мақсад – бу кўпчилик, яъни жамоатчиликнинг орзу-интилишлари ифодасидир. Шахсий фикрнинг ижтимоий мақсадга айланишида ҳаёт, воқелик муҳим ўрин тутади.

Ижтимоий – моддий қадриятлар –ер ва ер ости бойликлари, сув, ҳаво, ўрмонлар, ўсимликлар, ҳайвонат дунёси ва шу кабилардир.

Ижтимоий муҳит –инсонни ўраб турган, унинг шаклланиши, яшаши ва фаолияти юз берадиган моддий, ижтимоий ва руҳий шарт-

шароитлар мажмуи бўлиб, инсоннинг турмуш тарзига ҳал қилувчи таъсир ўтказувчи жараён маҳсулидир.

Ижтимоий онг – объектив олам ва ижтимоий борлиқнинг кишилар онгида акс эттирилишидир *(В.А.Сухамлинский).*

Ижтимоий педагогика фани (ИПФ). ИПФ - фан сифатида ўрганишга XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб киришилди. Асосан, уни 1908 йилдан бошлаб фан сифатида тан олинди.

ИПФ қуйидагиларни ўрганади:

- мулоқот муомала қонуниятларини;
- шахслараро муносабатларни ва индивидуал ҳамда жамоавий ўзаро таъсирларини;
- жамоаларнинг ички ва ташқи тузилишини, уларнинг турлари ҳамда таснифини;
- оммавий ҳолатлар ва ҳаракатларни;
- ижтимоий ва миллий онг, менталитет, миллий қиёфа, характер, анъана, одат, маросим ва бошқаларни ўрганади.

Ижтимоий психология йўналишлари қуйидагилар:

- этнопсихология;
- дин психологияси;
- оила психологияси;
- бошқарув (менежмент) ва маркетинг психологияси;
- кичик ва катта гуруҳ психологияси;
- реклама психологияси;
- инсонни инсон томонидан идрок қилиш психологияси;
- амалий ижтимоий психология кабилар.

ИПФ нинг **асослари умумий** психология, социология, антрапология, криминалогия, фалсафа фанлари ташкил этади.

Ижтимоий – психологик мослашув (ИПМ) - бу шахснинг ижтимоий муҳит таъсирига мослашувини назарда тутади ва унинг бир гуруҳдаги қадриятлар билан яқинлашуви, янги муҳитдаги ижтимоий меъёрларни, анъана ва гуруҳий маданият элементларини ўзлаштиришидир. ИПМ мослашув сингари маълум бир имкониятлар даражасида ташқи муҳит таъсирини ўз ички дунёси, кечинмалари доирасини ўз ички мақсади ва эҳтиёжларига мослаштириб олишга боғлиқ *(Джураев Р.Х., Турғунов С.Т)*.

Ижтимоий-фойдали меҳнат (ИФМ) – таълим олувчиларнинг ижтимоий меҳнат фаолияти бўлиб, бевосита шахсни ҳам жисмонан, ҳам маънан камол топтириш ҳамда муайян ижтимоий эҳтиёжни қондиришга қаратилган ҳаракатлар мажмуидир.

ИФМ турлари қуйидагилар:

- **йўналишга кўра:** маҳсулот ишлаб чиқариш; бадиий ҳаваскорлик чиқишлари; бадиий буюмларни яратиш технологияси бўйича фаолият юритиш; таълим муассасаси, ошхона ва аудиториялардаги навбатчилик ва улардаги тартиб-интизомга жавобгарлик;
- **хусусиятига кўра:** амалий, ижодий;
- **субъектлар сонига кўра:** индивидуал; гуруҳли; жамоавий;
- **меҳнат шартномасига кўра:** жамоа эҳтиёжи учун ташкил этилган ИФМ; ўзга жамоа эҳтиёжи учун ташкил этилган ИФМ; жамият эҳтиёжи учун ташкил этилган ИФМ.

Ижтимоий функция – бу бўлажак касб таълими ўқитувчиларига тегишли бўлиб, бунда улар олдига жамиятдаги (ҳаётдаги) зарур вазифаларни бажариш, уларни бажаришнинг сифат даражасини таъминлай олиш, ижтимоий меъёрларга амал қилиш, ижтимоий фойдали меҳнатни ташкил эта олиш, жамиятдаги муайян мақсадларни касбий таълим мақсадлари билан мотивация қила олиш ва ўз

фаолиятини мақсадли фаолиятга йўналтира олиш, жамиятнинг фаол аъзоси сифатида фикр – мулоҳаза қила олиш қобилиятини ўзида мужассам қилмоғи лозим.

Ижтимоий ҳамкорлик ғояси (ИҲҒ).

ИҲҒ - муроса фалсафасига тааллуқли бўлиб, турли фикрлар ва қарашларга эга бўлган, турли миллат, ирқ ва динга мансуб шахс ва гуруҳларнинг умумий мақсад йўлидаги ҳамжиҳатлигига хизмат қилувчи ғоядир.

ИҲҒнинг асосий мақсад-муддаоси жамиятда тинчлик ва тотувликнинг, барқарор тарққиётнинг кафолатига хизмат қилиш *(З.Исломов, Б.Исоқов, О.Юсупов, Д.Муҳаммадиев, С.МИнавваров).*

Ижтимоий ҳимоялаш – аҳолининг кам таъминланган (кам даромадли) ногирон ва қариялар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари ёки ишсиз қолган қисмини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб туриш. Ижтимоий ҳимоялаш нафақалар тўлаш, айрим товар турларини арзон сотишни йўлга қўйиш, айрим хизмат турларини текин ёки арзон баҳоларда кўрсатиш орқали амалга оширилади.

Ижтимоийлаштириш - ходимларда юксак маънавият, маданият ва ижодий фаолиятни шакллантиришдан иборат бўлиб, жамоада ижобий муҳитни яратишга хизмат қилади *(Джураев Р.Х., Турғунов С.Т).*

Ижтимоийлаштириш – икки томон жараёнини белгилаш учун қўлланилади. Бир томондан шахсни атрофдаги муҳит, давлат, ижтимоий жамият, табиат ва ижтимоий муҳит институционал тузилмалари билан ўзаро муносабатдаги шаклланиши, бунинг натижасида ўқитиш, ўргатиш ва тарбиялаш воситасида шахс ҳосил бўлган ва ушбу вақтга нисбатан ҳосил бўладиган билимлар тизимини, жамоат ва гуруҳларга оид қадриятлар, меъёрлар, кўрсатмалар ва важ-сабабларини (тўлиқ ёки қисман) ўзлаштиради. Яъни, бу муайян ижтимоий муҳитга, ижтимоий

алоқалар тизимига кириб бориш воситаси билан ижтимоий маданиятини ўзлаштириш жараёни. Иккинчи томондан, одамни ҳаётий ҳолатларга, атрофдаги одамларга таъсир этиш воситаси билан ўзини шахс сифатида танитиш жараёни.

Изланиш – бир-бири билан алоқадаги ғоялар (кўпинча бир-бирининг ўрнини босадиган) тўплами: дават (маънони англаш), фикрлаш ишланмалари ўқитишнинг биргина мақсадларига хизмат қиладиган категориялар, услубиятлар ичида бир-бирининг ўрнини босиш имконини беради.

Изланиш – ижодий фаолият юритиш натижасида бирор янгиликка эришиш жараёнидир.

Изланувчи (тадқиқотчи) – бирор тадқиқот объекти (манба, ҳодиса ёки жараён)ни ўрганувчи ва ундаги жараёнларни тақлил қилувчи шахс. Ушбу қобилиятга эга бўлган шахс бирор муайян жараённи кузатиш орқали унга аъсир этувчи факторларни аниқлаш ва шу асосда янги тавсия ёки тузатишларни ишлаб чиқади, яъни шуғулланаётган соҳасини ривожланишига ҳисса қўшади.

Изоҳли луғат – тартибга келтирилган сўзларнинг мазмунини изоҳлайдиган, ҳар бир сўзнинг грамматик, этимологик ва стилистик тавсифи берилган, улардан амалиётда фойдаланишга оид мисоллар ва бошқа маълумотлар киритилган, қўшимча адабиёт сифатида фойдаланиладиган нашр.

Изоҳли-тасвирли ёндашув (ИТЁ) – педагогикада замонавий йўналиш бўлиб, ўқитувчининг маълум ахборотни талабага етказиш ва уни қобилиятига яраша талабанинг эслаб қолиш жараёнидир.

Бу ёндашувга талаба билим бериладиган ахборотни эслаб қолиш натижасидан иборат бўлади. Бунда ўқитувчининг вазифаси керакли

ахборотни талабага етказиш ва уни мустаҳкамлашга ёрдам беришдан иборат бўлади, холос. Албатта, бу ёндашувнинг имконияти чекланган.

ИТЁ нинг компонентлари: ахборотни ўқитувчининг талабага ўтказиши; ахборотни ўз ҳохишига қараб ёдлаш; доимо эслаб қолишга ундаш, хотирада ахборотларни йиғилиши; машғулотлар юқори илмий савияда ва талабанинг эгалламоқчи бўлган мутахассислиги билан ҳам белгиланади.

Илк Уйғониш даври – IX-XII асрларда Марказий Осиёдаги маданий юксалиш даври. Бу даврда Мовароуннаҳр бутун мусулмон оламида илмий-маданий жиҳатдан энг ривож топган ўлка сифатида машҳур бўлиб, бу ерда қадимий анъаналар билан араб, форс, қисман ҳинд ҳамда қадимги юнон илмий-маданий анъаналари қоришуви асосида исломий фалсафий ва табиий илмлар – асрономия, математика, тиббиёт, кимё, доришунослик, жўғрофия кабилар ривож топди. Бу ерда махсус ҳадисшунослик ва ислом фиқҳшунослик мактаблари шаклланиб, тарихшуносликда ҳам муҳим асарлар вужудга келди.

Бу давр маънавиятининг муҳим томонларидан бири шундаки, олим, донишманд, шоирларнинг кўпчилиги қомусий билимларга эга бўлиб, илмлар бир-биридан ажралмас, узвий боғлиқ ҳолда мавжудлиги характерли эди. Шунинг учун Абу Наср Фаробий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, аз-Замахшарий, Исмоил Журжонийлар жуда кўп соҳаларда ижод қилиб, ўчмас из қолдирдилар. Шу билан бирга математика, асрономия, тиббиёт, мантиқ, тилшунослик, тарих каби илмлар, маданият, маънавиятнинг ривожида ниҳоятда муҳим аҳамият касб этганки, ислом динининг назарий масалалари билан бирга ахлоқий томонлари ҳам кенг ривож топганини кўрамиз.

IX-XII асрларда Марказий Осиёда тарқалган ва ривожланган тасаввуф таълимотлари, оқимлари ҳам жамият маънавий ҳаётининг

ривожи учун хизмат этиб, унинг ўзига хослигини белгилашда муҳим аҳамият касб этди.

Марказий Осиёда илк Уйғониш даври ҳақида сўз борганда, қуйидаги омилларни алоҳида кўрсатмоқ зарур:

а) IX-XII асрларда араб халифалигидан қутилиб, ерли мустақил давлатларнинг вужудга келганлиги.

б) ягона дин – Ислом туфайли катта ҳудуд – Яқин ва Ўрта шарқдаги турли халқлар, мамлакатлар ўртасидаги алоқаларнинг ривож топиши, маданият, маънавиятда маълум умумийлик вужудга кела борганлиги;

в) олдинги «Ипак йўли» аҳамиятининг ошуви, мамлакатлараро савдо-сотиқнинг, ҳунармандчиликнинг кўпайгани, шаҳарларнинг ривожи;

г) жаҳон маданияти аввал эришган ютуқлар, хусусан, қадимги юнон, ҳинд, эрон маданияти, илм-фани ютуқлари инкор этилмай, аксинча, ворислик давом қилгани, ундан кенг фойдалангани (*М.Хайруллаев*).

Илм – инсоннинг ўқиш, ўрганиш ва шахсий ҳаётидаги тажрибалар, кузатишлар натижасида шаклланган билим ва малакалар мажмуи. Инсон камолотидаги илм эгаллаш қобиляти, унинг улкан фазилатларидан бири ҳисобланади. Чунки, инсон илм билан шон-шарафга эришади-шуҳрат қозонади.

Илм-фаннинг инқилобий жараёнлари – ишлаб чиқариш кучлари ва илм-фаннинг ривожи билан бевосита боғлиқ бўлган тарихий жараён бўлиб, ўзида илм-фан ютуқларини, замонавий техникани, ишлаб чиқариш усулларини интеграциялаган мураккаб динамик тизимидир. Бундаги **илм-фан** муаммо ечимидаги, яъни ушбу жараёндаги асосий фаолиятни юритувчи илмий манбаа (назария, алгоритм, модель, услуб

ва ҳ.к.) вазифани бажаради, **замонавий техника** эса илм-фан ютуқларини моддий қўлланилишини бажаради (воситалар: машина ва механизмлар, қурилмалар, асбоблар ҳамда телекоммуникация элементлари), шунингдек **ишлаб чиқариш усуллари** илм-фан ютуқлари ҳамда улар асосида пайдо бўлган техника ва технологияларни амалда жорий этишни амалга оширади.

Илмий башорат (ИБ) – бу инсон ҳаётида ҳали рўй бермаган, фан учун ҳозирча номаълум ҳисобланган, имконият тариқасидагина мавжуд бўлган бирон бир ҳодисанинг келажакда қандай рўй беришини, унинг ҳолати, кечиши, ривожланиш қонунларини ва оқибатларини муайян илмий далиллар, илмий хулосалар ва маълумотларга асосланган ҳолда айтиб беришдир. ИБ илмий билимларни ишлаб чиқишда, фаннинг тараққиётида муҳим рол ўйнайди.

Илмий билиш – мавжуд билимларни янги сифат босқичига ривожлантириб, такомиллаштириб боришини таъминловчи ижодий фаолият натижасида ҳосил бўлган янги билимдир.

Илмий билим – бу кишилар ижодий фаолияти маҳсули бўлиб, у илмий билим шаклидир.

Илмий даража – муайян фан соҳасидаги мутахассиснинг илмий малакаси даражаси.

Илмий изланишлар (ИИ) – илмий тадқиқот иши жараёнини қамраб олувчи ақлий фаолият тури бўлиб, у янгилик яратишга қаратилган фаолиятдир. Унинг ёрдамида янги натижалар олинади ва янги билимлар ҳосил қилинади. ИИ орқали кашфиётлар қилинади ва одата улар ёрдамида истиқболли натижалари қўлга киритилади, шунингдек, улар асосида илм-фан тарақиётида янги «уфқ» лар (йўналишлар, соҳалар) вужудга келади. Масалан, Ал-Хоразмийнинг

араб рақамларига 0(нолъ-йўқ) сонини қўшиш билан сонлар назариясида буюк инқилоб»ни қилди ва позицион саноқ системасига асос солди.

ИИ нинг яна бир истиқболли хусусияти шунда ибортки, фан олдига илмни ижтимоий мақсадлар сари ривожлантиришга доир мақсад ва вазифаларни қўяди.

Ҳозирги замон фанида ИИнинг мазмун-моҳияти қуйдагиларда яққол кўринади:

-замонавий фанлар (глаболистика, сунъий тафаккур ва ҳ.к) нинг тадқиқот объектларида ўзгаришлар содир бўлмоқда. Масалан, олдин соф лаборатория ёки муайян жойларда бўлса, ҳозир компъютёрли моделлар, тренажерларда ИИ бўйича самарали натижалар қўлга киритилмоқда ва булар асосида имитацион моделлар яратилмоқда. Демак, фанда мураккаб тизимлар, чизиқли бўлмаган ёки динамик ва статик тизимлар ўрганилмоқда, тизимларнинг мураккабликлари таҳлил қилинмоқда;

- Илмий фикр, илмий тушунча ва билиш жараёнидаги ўрни янгиланмоқда;

Бунинг натижасида билишнинг эмпирик ва назарий босқичлари, янги хусусиятлари намоён бўлмоқда, тузилиши тўғрисида маълумотлар олиш имконияти туғилмоқда;

- тадқиқот объектлари мазмун-моҳиятини ифодаловчи янги тушунчалар, билимлар, тенгсизликлар, беқарорлик, кўп босқичлилик, тузилмалардаги мураккаблик ва ҳоказоларни тадқиқ қилишни ўрганиш оламнинг илмий манзараси тўғрисида янги маълумотлар олиш имконини беради. Булар глабалистика, синергетика, сунъий тафаккур, ижтимоий психология, валиология, инновацион технологиялар ва ҳ. к.;

- ИИнинг илмий услуб ва воситалари, шакллари бойиб бормоқда. Янги услублар, тамойиллар, мезонлар яратилмоқда;

- замонавий компъютерлардан кенг фойдаланиш ҳисобига ИИ лар мунтазам равишда такомиллашиб бормоқда.

Эксперимент ва бошқа тадқиқотлар ўтказишда моделлаштириш тадқиқот методи яхши самаралар бермоқда. Илмий тадқиқотлар олиб боришнинг автоматлаштирилган тизимлари яратилмоқда;

- Тадқиқотни самарали олиб боришда математик моделлар роли ошмоқда. Айниқса, ҳозирги замон фанида улар тадқиқотнинг асосини ташкил этмоқда;

- ИИ кўп ҳолларда ўзини фан қадриятини белгиловчи, асосий омил тарзида намоён бўлмоқда.

Илмий ишланма (ИИ) – бу амалий тадқиқот натижаларини, тажриба моделларини яратишда ва ишлатиб кўришда, ишлаб чиқариш технологиясида, шунингдек, таълим технологияларини яратишда ҳамда мажуд методологияни ёки техника-технологияни мукаммаллаштиришда ва уларни амалий фаолиятда жорий этишдан иборатдир. ИИ босқичларига илмий тадқиқот натижасида илмий тадқиқот натижасидан жамият ва давлатнинг бошқа шунга ўхшаш (яқин) соҳаларда ҳам фойдаланиш мумкин бўлишлиги талаб қилиб қўйилади.

Илмий муаммо (ИМ) – бу илм-фан ва техника-техналогия, ғоя ва таълимотларни яратиш ёки шакллантириш, метод ва методологияларни яратишдаги амалга оширилиши лозим бўлган масала (баъзи ҳолларда мақсад).

ИМ ҳал қилишда тадқиқотчининг илмий салоҳияти, тажрибаси, қолаверса илмий муҳитнинг салоҳияти ва иқтидори муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли илмий муаммо муаян соҳанинг йирик мутахасислари, бой илмий тажрибага ва чуқур билимга эга бўлган салоҳиятли олимлари томонидан илгари сурилса тадқиқот олиб бориш

самарали кечади, чунки илмий муаммо ҳаётий эҳтиёт асосида пайдо бўлади.

ИМ одатда, маълум бир назария доирасида вужудга келади. Назария кейинчалик илгари сурилиши мумкин бўлган муаммони умумий ҳолда белгилаш ва тўғри танлашга ёрдам беради. Шунингдек, ҳар бир муаммо маълум бир назария ёрдамида ҳал қилинади. Бъзи ҳолларда муаммо мавжуд назарияни модификация қилишни, муаммони ечишга мослаштиришни талаб қилади (математикада баъзи ўта чуқур назарий муаммолар санаш методларини қўллаш ёрдамида унга яқин бўлган масалалар билан алмаштириб, тақрибий ечимлар билан кифояланади-Т.Х.А).

Муаммони ечиш учун дастлабки тайёргарлик ишлари қилинади. Улар қуйидагилардан иборат.

а) мавжуд назариялар доирасида тушинтириб бўлмайдиган факт ва ҳодисаларни аниқлаш;

б) муаммони ҳал қилиш ғоясини ва методологияларини таҳлил қилиш ва уларга баҳо бериш;

в) муаммони ҳал қилиш мақсадини, олинган натижани текшириш йўлларни белгилаш;

г) муаммонинг негизи билан уни ечиш учун илгари сурилган ғоялар ўртасидаги алоқанинг хусусиятини кўрсатиши (Фалсафа. Қомусий луғат-284бет).

Бу қайд этилган ишлар амалга оширилгандан кейин, муаммо ечимини излашга киришилади, яъни, илмий изланиш давом этади. Баъзан муаммолар йиллар давомида ўз ечимларини кутади. Масалан, «Учар гилам», муаммоси «Ойнаи жаҳон», «Симсиз алоқа», «Нъютоннинг бутун олам тортишиш қонуни», «Эйнштейннинг нисбийлик назарияси», «Рак (саратон касали)давоси», «Буқоқ касали

давоси», «Ферма муаммоси» ва шу каби инсоният олдидаги қўйилган муаммоларидан баъзилари ҳал бўлиб, такомиллашиб бормоқда, баъзилари эса ҳали ўз ечимини кутмоқдалар.

ИМ – бу илмий билишнинг ҳали билиб олинмаган, ҳал қилинмаган ва ҳал қилиниши лозим бўлган билим шаклидир. ИМ одатда тадқиқотчининг бирор тадқиқот соҳасига оид янги фактларни тўплаган, лекин бу фактларни ўзидаги эски билимлари билан изоҳлаши мумкин бўлмаганда, бу фактлар эски билимлар тизимига сиғмай, ўзларининг янгича баёнини талаб қила бошлаганда туғилади. ИМнинг туғилиши ва қўйилиши илмий билиш жараёнининг энг муҳим моментларидан биридир.

Илмий билиш жараёнида бир муаммо бир қанча муаммоларни келтириб чиқариш мумкин. Илмий билиш жараёни муаммоларни ҳал қилишда кўплаб фаразлар пайдо бўлиши мумкин.

Илмий муносабатнинг антитизалари – булар қуйидагилар:

- **пассивлик** – бу билиш ва тадқиқ қилишни хоҳламаслик;
- **ноҳолислик** – бу нарсаларни исботлар асосида эмас, балки, фикрлаш асосида биламиз деган фараз;
- **нотўғри хабардорлик** – бу табиий олам ҳақида нотўғри фикрларнинг мавжудлиги натижада бизни нотўғри саволлар беришга мажбур этиб, идрок этишимизни бузилиши;
- **эътиборсизлик** – бу мунтазам, пухта кузатиш ва далиллаш одатининг зарурлигидир;
- **ажратиш** – бу олинган натижалар – билимлар мазкур киши ҳақиқий ҳаёт жараёнида ўраб турган нарсаларда кўраётганларидан алоҳида бўлиши.

Илмий маъруза – бу муайян мақсадни кўзлаб тайёрланган фан ва техника масалаларини ёритишга бағишланган нашр. Бу нашрлар илмий

масаланинг моҳиятини тўла сақлаган ҳолда уни кенг омма учун тушунарли услубда баён этади. У таълим олувчининг ғоявий-илмий савиясини ўстиришга, дунёқарашини кенгайтиришга ёрдам беради.

Илмий тадқиқотда суҳбат методи – бу тадқиқот мавзусининг бирор томони ёки ҳодисалари ҳақидаги маълумотларни билиб олиш мақсадида масъул шахсларга оғзаки саволлар берилиб, улардан ахборот олиш жараёнидир. Сўроқлар мавзу доирасида мантиқан мазмунли, тартибли, аниқ ифодага эга бўлиши лозим ва уни тўғри ёки нотўғрилигига қараб жадвал тузиб, натижаси аниқланади. Суҳбат методи жараёнида интервью олиш мумкин. Ўринли, мантиқан юксак жавоблар ёки ноаниқ жавоблар магнит ленталарига ёзиб борилади ва таҳлил этилади.

Илмий тадқиқотларда адабиётларни ўрганиш методи – педагогик адабиётларни ўрганиш жараёнида миллий ва умуминсоний қадриятларни акс эттирувчи, мутафаккир ва маърифатпарвар педагог олимларнинг асарлари, мустақил Ўзбекистоннинг иқтисодиётига, мафкурасига ва маънавиятига доир адабиётлар, Ўзбекистон юртбошиси И.А.Каримов асарлари, тадқиқот мавзусига доир дарсликлар, монографиялар, рисолалар ва мақолалар, тадқиқот мавзусига доир педагогик, психологик тадқиқотлар, диссертациялар ўрганилади, умумлаштирилади, хулоса чиқарилади.

Илмий тадқиқотда кузатиш методлари – адабиётларни ўрганишдан кейин бошланиб, унда кузатишни тадқиқотчи бирор мақсадни кўзда тутган ҳолда ташкил этишга эътибор берилади. Умуман олганда кузатиш режалаштирилади, унинг дастури тузилади. Бунда кузатиш тезлиги, сони, манзили, вақти, вазиятни кузатиш, материалларни қайд қилиш муддати белгиланади. Кузатиш муддатига кўра икки турга ажратилади: **қисқа ва узоқ** муддатли кузатиш. **Қисқа**

кузатиш объектнинг кундалик фаолиятидаги ўзгаришлардан маълум ҳулосага келиш. **Узоқ муддатли** кузатиш қўйилган мақсад, режа ва дастур асосида олиб борилиб, унда маълум илмий, якуний хулосага келинади. Кузаташни якуний қайд қилишда киносъёмка, видео ёзуви, телевидение ва бошқа техника воситаларидан фойдаланиш мумкин. Кузатиш методидан тўғри фойдаланиш ўқув-тарбия жараёнининг самарадоллигини оширади ва янги ижодий фаолиятга бошлайди.

Илмий-техникавий ижодкорлик – ҳозирги замон ишлаб чиқариши ва ундаги ақлий ва жисмоний меҳнатнинг илмий асосларини ойдинлаштириш мақсадида барча ўқув предметларининг, фан ва техника бўйича дарсда ва дарсдан ташқари ишларнинг, шунингдек, хўжалик шартномаларига асосланган унумли, фойдали меҳнат имкониятларини ўзида мужассамлаштирган тизимдир (*Алимов Н.Н.*).

Илмий-техник ижодкорлик – бу талабаларни меҳнат, ўқиш, янги билимларни мустақил ўрганиш, ўзини-ўзи такомиллаштириш ва шахсий мойиллиги (лаёқатини) рўёбга чиқаришга тайёрлаш, танланган касби ва мутахассислигига оид қобилият ва олға интилишлари бўйича ижодкорлик қобилиятларини ривожлантиришга мақсадли йўналтирилган фаолиятдир.

Илмий унвон – ОЎЮлари ўқитувчилари ва илмий тадқиқот институтлари илмий ходимларига бериладиган унвон.

Илмий фикрлаш – бу кўпроқ назарий тушунчали фикрлашдан иборат бўлиб, **«фикр → янги → фикр → ғоя → қараш → қонун-қоида → таълимот»** каби тизимдаги ақлий фаолиятдир.

Илмий фикрлашни самарали амалга ошириш учун қуйидагиларга эътиборни қаратиш лозим:

- тадқиқот мақсадини аниқ ифодалаш;

- илгари бажарилган назарий ва экспериментал текширишларга таянадиган фаразни ишлаб чиқиш;
- тадқиқот услубини танлаш ва лозим топилганда унга тузатишлар киритиш;
- тадқиқотнинг асосий босқичларини аниқлаш;
- яратилган услуб ёки технологияга мос оралиқ текширишлар ўтказиш ва натижалар асосида услуб ёки технологияга тузатишларни киритиш;
- эришилган натижалар таҳлили;
- хулосалаш;
- тавсиялар тайёрлаш;

Илмий фикрлаш йўллари қуйидагилар:

- муҳокама қилиш мантиғи асосидаги йўл;
- талабаларни ўқув муаммоларини ҳал этиш йўлларини қидиришга, текшириш режасини тузишга ва унинг услубини ишлаб чиқишга жалб этиш йўли;
- талабаларни сабаб-оқибат боғланишларини аниқлашга, кузатилаётган ҳодисаларни ва жараённинг хосса хусусиятларини тушинтиришга, моделлар билан ишлашга жалб этиш лозим;
- индукция ва дедукция усуллари бўйича хулоса чиқаришда талабалар ижодий қобилятларини шакллантириш ва уларни ривожлантириш йўли.

Илмий қадриятлар – инсонлар ва инсоният учун аҳамиятли бўлган интеллектуал мулкдан иборат бўлади.

Илмий қобилият – ўқитувчининг таълим–тарбия соҳасидаги ишларини илмий асосда ташкил қила олиш қобилияти маҳсули бўлиб, танланган соҳа бўйича илмий билимларни мунтазам равишда

ўзлаштириб бориш ва ўз амалий фаолиятида қўллай олиш қобилиятлари мажмуидан иборатдир.

Илмий ғоя – илмий тадқиқот ишининг ва умуман илмий билиш жараённинг дастлабки ҳаракатлантирувчи омили бўлиб, тадқиқот мақсадини, унинг йўналишини ва моҳиятини ифодалайдиган илмий билиш шаклидир.

Шу сабабли бирор ғоя туғилмагунча, бирор соҳада илмий тадқиқот иши олиб бориб бўлмайди. Тарихда бунга кўплаб мисоллар топилади. Жумладан, «Учар гилам» ғояси орқали авиация, «Ойнаи жаҳон» ғояси орқали телевидение, «Ўзи юрар арава» ғояси орқали автомобилсозлик пайдо бўлди ва ҳоказо.

Ҳар қандай ғоя дастлаб маълум бир муаммо қўйилиши ёки инсоният орзу – истаги сифатида маълум бир соҳада ижодий фикр юритиш асосида юзага келади ва унда тадқиқотчининг амалий ва назарий тажрибалари умумлашган бўлади.

Илмий ғоя (ИҒ) – бу тадқиқот мақсадини ва шу асосда шаклланган вазифаларни, тадқиқот йўналиши ва мазмун-моҳиятини ифодалайдиган илмий билиш шаклидир. Ҳар қандай ИҒ маълум бир тайёрганлик бўйича жараён ёки ҳодисалар устида мушоҳада қилиш орқали ва ушбу йўналишда ижодий фикрлаш ёрдамида пайдо бўлиб, унда тадқиқотчининг назарий ва амалий тажрибалари натижалари умумлашган бўлади.

Илмийлик – янгилик, яъни, жараён ва ҳодисалар кечишидаги янги сифат босқичига ўтишдаги ижодий жараённинг натижаси.

Илмийлик - бунда таълимнинг дидактик масалаларини белгилашда фаннинг обстракция поғоналаридан тўғри фойдаланиш ҳисобига эришилади.

Имконият – малака, кўникма ва билимларга нисбатан одамнинг қобилиятлари қандайдир имконият тарзида намоён бўладилар. Ерга ташланган уруғ ана шу уруғдан ўсиб чиқиши мумкин бўлган бошоққа нисбатан фақат имконият бўлгани каби (лекин уруғ фақат тупроқнинг структураси, унинг таркиби, намлиги ва об-ҳаво қабилар қулай шароит яратсагина ўниб чиқади) одамнинг қобилиятлари билим ва кўникмаларни эгаллаш учун фақат имконият ҳисобланади. Бу билим ва кўникмалар эгалланадими ёки эгалланмайдими, имконият ҳақиқатга айланадими ёки йўқми – буларнинг ҳаммаси жуда кўп шароитларга боғлиқдир. Масалан, атрофдаги одамлар (оила, мактаб ва меҳнат коллективидаги одамлар) унинг билим ва кўникмаларни эгаллашидан манфаатдор бўлади, унга қандай таълим беради, ана шу кўникма ва малакалар керак бўладиган ҳамда мустаҳкамланадиган меҳнат фаолияти қандай ташкил қилинган – имкониятнинг ҳақиқатга айланиши ана шуларга боғлиқ бўлади.

Иммунитет – (лотинча “immunitas”**) –** бу бирор ташқи таъсирдан холис, озод бўлиш. Бу термин асосан тиббиёт соҳасида кенг қўлланилади. Бу тиббиётда организмнинг турли салбий таъсирлардан (касалликлардан) ўзини ҳимоялаш жараёнидир. Ғоявий иммунитетлар **“маънавий беморлар”** нинг бўлмаслигига хизмат қилади, яъни, у салбий мазмунни ифода этувчи ғояларга қаршиликни, уларнинг таъсирига тушиб қолишдан сақланишни, маънавий иммунологик эътиқодга эгаликни ифодалайди.

Имом Бухорий (810-870). *Тўлиқ исми* – Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Бухорода таваллуд топган. 10 ёшга тўлмасдан ҳадис илмини ўрганишга киришган. 16 ёшида оналари ва акалари билан бирга ҳажга бориб 4 йил Маккада яшаганлар. Пайғамбаримиз (сав) ҳадисларини тўплаб, тартибга солиш ниятида кўплаб ислом

мамлакатларини кезиб, шайху уламолардан кўплаб ҳадислар ёзиб олганлар.

Устозлари: (манбаларда 90 га яқин деб кўрсатилган) Абдуллоҳ ибн Муборак, Вакеъ, Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ал-Марвазий, Муҳаммад ибн Юсуф ал-Ғартобий, Убайдулла ибн Мусса ал-Абасий, Абу Бакр Абдулла ибн аз-Зубайр ал-Ҳамидий, Исҳоқ ибн Иброҳим, Али ибн ал-Мадийний.

Шогирдлари: Муслим ибн Ҳажжож, Исо ат-Термизий, ан-Насоий, Абу Зуръа, Юсуф ал-Фаробий, Абу Бакр ибн Ҳузайма, Амир ибн Фаллос каби минглаб шогирдлар етиштирганлар.

Асарлари: 600 минг ҳадис тўплаганлар. «Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ» (4 жилд), «Ал-адаб ал-муфрад», «Китоб асмоъ ис-саҳоба», «Китоб афъол ил-ибод», «Китоб бадъ ил-махлуқот», «Китоб бирр ил-волидайн», «Таърих ус-сиқот ваз-зуъафо мин рувот ил-ҳадис», «Таърих Бухоро», «Китоб ус-сулосиййот», «Ал-Жомиъ ас-сағийр», «Ал-Жомиъ ал-кабийр», «Китоб ул-фавоид», «Китоб ул-қироа халфа-л-имом», «Китоб ил-ҳиба», «Хулқ афъол ил-ибод», «Китоб ул-муснад ал-кабийр» ва бошқалар. Буюк муҳаддиснинг асарларида ахлоқий тарбияга алоҳида ўрин берилган. Унда асосан оилада фарзанд тарбияси ота-онани ҳурмат қилиш, онани эъзозлаш, меҳр-оқибатли бўлиш, пок ва иймонли бўлиш яхшилик қилиш каби юксак тарбиявий аҳамиятга эга бўлган фикрлар баён этилган. Улардан дарс жараёнида унумли фойдаланиш катта самара беради.

Имон (араб. ишонч, эътиқод**)** – исломнинг беш рукни (асос)дан бири; Аллоҳга, унинг фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига, қиёмат кунига, тақдирга ва ўлгандан кейин тирилишига ишониш. Ҳозирги кунда имон сўзи виждолилик, ҳалоллик, софлик, Ватанни севиш маъноларида ҳам ишлатилади (*ЎзМЭ. Т.: 2002, 2-том, 137-бет*).

Имон – Аллоҳнинг борлигига, унинг сифатларига, пайғамбарларига, қиёмат кунига, яхшилик ва ёмонлик Аллоҳ субҳонаҳу ва Таолонинг ўзидан бўлишига динда кўрсатилган ишонч маъносини билдиради. Имонли киши мўмин дейилади. Мўмин, яъни имон келтирган, ишонган одамдир. Имон қалбнинг дури бўлиб, кишини эътиқодга, яхшиликка, эзгуликка, ҳалол ва пок бўлишга ундайди.

Имон-эътиқодлилик – юксак маънавий камолотга эришишишга интилиш жараёнида шаклланади.

Импровизация – тайёргарликсиз баён этиш (ўқитувчи томонидан берилган савол ва топшириқларга талабаларнинг тайёргарликсиз жавоб бериши). Бунга «Ақлий ҳужум» - ўқитувчи томонидан берилган саволларга талабаларнинг бирин-кетин жавоб беришлари, мулътимедиа-видеотасвирлар билан дарс ўтиш (дастурли, овозли, кўргазмали, телевизор, видеоқурилмалар ёрдамида дарс ўтиш) кабиларни мисол келтириш мумкин.

Демак, инновацион таълим мазмунига технологик ёндашиш зарур бўлади. Бу жараёнларнинг ижобий ва самарали бўлиши учун, биринчидан, ўқитувчи таълимнинг инновацион ва ноанъанавий усулларини ҳамда таълим тамойилларини тўлиқ, мазмунан чуқур ва мукаммал билиши, иккинчидан, бу усул ва тамойилларни ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб узвий ҳолда ташкиллаштириш ва учинчидан, инновацион таълим мазмунини тўғри тушуниб, англаган ҳолда технологик жиҳатдан ижобий ёндашиш, педагогик жараёнларнинг самарали ташкил этилишига олиб келади.

Инверсион таълим – ағдариш, жойини алмаштириш, тафаккур тизимини шакллантириш йўналишидаги таълим.

Индивидуаллаштирилган таълим – шахсга йўналтирилган таълим бўлиб, унда ҳар бир ўқувчи (таълим олувчи) ўқув жараёнида

фаол иштирок этиши, ўқув-билув жараёнига шахсий ҳисса қўшиши ва таълим жараёнида ўқитувчининг услубий ёндашуви: ўқув-методик, психологик, педагогик-ташкилий бошқарув ишларини олиб боришда ўқувчи шахси ўқув-билув марказида бўлган жараёнда ўқувчининг шахсий хусусиятлари ҳисобга олиниш жараёни асос бўлади.

Индуктив тафаккур (келтириб чиқариш**) –** бу жузъий ёки яққол ҳоллардан умумийга, айрим далиллардан умумлашмаларга қараб борадиган, хулоса чиқаришга асосланган мантиқий билиш методи, тафаккур шаклларидан биридир.

Индуктив хулосалаш – якка ёки айрим хулосалар асосида умумий хулосани шакллантириш жараёни.

Индукция – лотинча inductio – тўғрилаш, тартибга келтириш, хусусий фикрлардан (тасдиқлардан) умумий хулосалар (тасдиқлар) чиқаришнинг тадқиқот усули. Хусусий хулосалар орқали умумий хулоса чиқаришга индукция дейилади.

Хусусий тасдиқлар орқали умумий тасдиққа ўтиш ва улар асосида ҳодиса ва жараёнларни ўрганишнинг умумий қонуниятларини яратиш, ҳаттоки, мустақил ғоя ёки таълимотни шакллантириш.

Индукция таълимда умумлаштириш, хулосалаш ва тадқиқ қилишда асосий тадқиқот усули ҳисобланади ва тарбияда эса кўпроқ умумлаштиришлар ҳамда улар асосида хулосалар чиқаришда катта аҳамият касб этади.

Индукция, асосан бирор билим, тушунча, кўникма ва малакаларни эгаллаш жараёнида умумий хулосаларни ҳосил қилиш ёки хусусий тасдиқлар асосида умумий алоқадорлик, қонуният, қоида, алгоритмлар, ҳаттоки, ғоя ёки таълимотни шакллантиришда қўлланилади.

Индукция терминидан жамият ва табиат қонуниятларини ҳосил қилишда доимо фойдаланиб борилади, чунки шу асосда қонун, қоида,

алгоритм, ғоя, таълимот ва шу кабилар шакллантирилиши асосида илм-фан тараққий топади.

Инклюзив йўналиш – ўқитувчи билан ўқувчининг ўзаро муносабатларида тенглик асосида таълим-тарбия жараёнини ташкил қилиш.

Бу, асосан интерфаол таълим технологияларига тегишли бўлиб, унда табақалаштирилган, индивидуаллаштирилган, дастурлаштирилган таълим технологияларидан фойдаланилади. Шунингдек, бунга таълимнинг жамоа усули, гуруҳли, компьютерли таълим технологиялари ҳам киради.

Бундай технология ўқув жараёнини тўлиқ назорат қилиш имконини беради. Бунда мантиқий боғланган вазифалар кетма-кетлиги таълим-тарбия жараёнининг алгоритмини ҳосил қилади. Ўқувчи ва ўқитувчи фаолиятининг шундай алгоритм асосида ташкил қилиши кўзда тутилган мақсадга эришишни кафолатлайди. Таълим-тарбия жараёнининг шундай тартибда ташкил қилишини ҳозирда тўлиқ маънода педагогик технология деб аташ мумкин.

Ушбу таълим технологияси бўйича ҳар бир шахс, жамият ва давлатнинг таълим-тарбия соҳасидаги эҳтиёжларидан келиб чиқади ва шу эҳтиёжлар қондиришнинг мақсад ва талабларини, ташкилий шакллари ва усулларини белгилайди. У шахс, жамият ва давлат ривожланишида асосий омил бўлиб ҳисобланади.

Унинг педагогик асоси замонавий педагогика фанининг илмий хулосаларидан келиб чиқади. Бунда педагогик технологиянинг умумий таркибий тузилиши, мазмуни, шакли, усуллари, воситалари, педагогик жараённинг ташкил қилиниши, олиб борилиши, унинг диагностикаси, мониторинги, ўқув мавзуси режалари ва шу кабиларнинг илмий жиҳатдан тўғри бўлиши таъминланади. Педагогик технологиялар

ҳозирги педагогика фанининг ривожланишида асосий ўринни эгаллайди.

Инноватика – педагогик инноватика: педагогик янгиликлар, уларни баҳолаш ва педагогик жамоа томонидан ўзлаштиришнинг, пировардида уни амалиётда қўллаш ҳақидаги таълимот.

Инновацион дастурий дидактик мажмуа (ИДДМ) – бу муайян ўқув предметини сарамали ўқитиш мақсадида ишлаб чиқилган мажмуа бўлиб, унинг ёрдамида қаралаётган предметни ўзлаштириш жараёнида ўқувчи – талабаларнинг фаоллигини оширишга қаратилган энг янги услубиятга асосланган, ўқув материалини махсус дастурий таъминот ва мультимедиали информацион технлогиялар ёрдамида дидактик ишлаб чиқариш натижасида ёратилган ўқув жараёнини ташкил этувчи кўп функцияли дастурий восита.

Бунда анъанавий ўқитиш жараёни билан инновацион ўқитиш жараёнини солиштириб олинган натижалар баҳоланиш имконияти кенг бўлади ва улар асосида хулоса ясалиб, таълим жараёни технологияси ҳамда умумлаштирилган тавсия ҳосил бўлади. ИДДМ ўқувчиларнинг фаолиятида ўқув материалидан вариантив фойдаланишга имкон яратади ва унинг компонентларидан бири - ўқув материалининг электрон шаклларини яратишда анъанавий дидактик ишланмаларни яратишга нисбатан махсус дидактик ёндашувларнинг қўлланилишини талаб этади.

ИДДМ барча турдаги ўқув машғулотларида компьютер дастурларининг қўлланилишини таъминлайди. Кенг маънода муҳокама этилаётган мажмуа талабаларни информацион технологиялардан фойдаланишга ўргатади, касбий фаолиятида мустақил ҳолда янги билимлар эгалашларида кучли восита бўлиб, информацион технологиялардан фойдаланишга эҳтиёж ва мойилликни

шакллантиради. [Ашурова Д., Юлдошев З. Таълим тизимида инновацион ва ахборот технологияларини қўллаш - замон талаби // «Халқ таълими». – 2006. – 1-сон. – 16-17- бетлар].

Инновацион жараён - инновацияларни вужудга келтириш, амалиётга тадбиқ этиш ва оммалаштириш фаолияти билан боғлиқ жараёндир. **Инновацион салоҳиятга кўра** янгиликлар; модернизация, фаолиятни такомиллаштириш, шаклан ўзгартириш, ривожлантириш, билан боғлиқ модификацион инновациялар; олдиндан маълум бўлган методлар элементларининг янги тизимга бирикишини назарда тутувчи бириккан инновациялар; ўхшашликка ва умумийликка эга бўлмаган радикал инновациялар ислоҳатларнинг асоси сифатида белгиланади *(Джураев Р.Х., Турғунов С.Т)*.

Инновацион компонент –ИДДМ да талабалар фаолиятига қаратилган ва амалиётда ўзининг самарадорлигини тасдиқлаган услубий тамойиллар, уларга мос дидактик материаллар, кўргазмали воситалар ва дастурий таъминот, мустақил машғулотлар бўйича дидактик вазифалар, предмет бўйича компьютер амалиёти, фан бўйича ўзлаштирилган сифатини аниқловчи тест вазифалари тўплами, ўқув жараёнининг сифатини кўрсатувчи мониторинг.

Инновацион ривожланиш модели – илмий техникавий салоҳиятидан кенг ва самарали фойдаланиб, фундаментал ва амалий фанларнинг ютуқларини чуқур ва илм талаб қиладиган технологияларни амалиётда кенг жорий этиш, юқори малакали, иқтидорли илмий кадрлар сонини кўпайтириш модели.

Инновацион таълим – бўлажак мутахассисларни жойларда ишлашга тайёрловчи жараён бўлиб, у аввал олган билимлар асосида таълимни такомиллаштириш ва самарали янгича ёндашув қилишдан иборат.

Унда таълим- тарбияда янгича сифат кўрсаткичига эришиб, юқори самарадорликни қўлга киритиш амалга оширилади ва ижокорликка йўналтирилади ҳамда таълим технологияларини янгича сифат босқичига кўтариш, шунингдек, таълим-тарбияда замонавий ёндашувларни ташкил қилиб боришни таъминлайди.

ИТ таълимда замон билан ҳамнафас таълим технологияларини яратиш билан шуғулланишга доимо имконият яратиб боради.

Инновацион таълим истиқболлари – бунда кадрлар тайёрлаш тизимига илм-фаннинг узвий равишда кириб бориши учун қуйидагилар зарур бўлади:

1. ИПТ ларни яратиш ва ўзлаштириш юзасидан мақсадли инновацион лойиҳаларни шакллантириш ва амалга ошириш йўли билан илм – фаннинг таълим амалиёти билан интеграцияни таъминлаш чора тадбирларини ишлаб чиқиш. Бунда таълим вазирликлари (ХТВ ва ЎМТВ) қошида таълимда инновацион лойиҳалар марказини тузиш ва уларнинг вилоятлардаги ПХҚТМОИ да филиалларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

2. ИПТ ва ЯАТ ни жорий этиш учун ўрта умумтаълим, ЎМКҲТ ва ОЎЮ ларида экспрементал майдончалар ташкил этиш орқали илмий тадқиқот натижаларини ўқув – тарбия жараёнига ўз вақтида жорий этиш механизмини рўёбга чиқариш.

3. КТМД ни самарали тарзда бажарилишини таъминлаш юзасидан илмий тадқиқот ишларини олиб бориш. Бунда КТМД нинг мақсад ва вазифаларини доимо эътиборда тутиш лозим.

4. Юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш ёшларнинг илмий ижодиётини ҳар томонлама қўллаб - қувватлаш. Бунда илмий ва илмий – педагогик кадрлар тайёрлашнинг узлуксизлигига эътиборни кучайтириш (Бакалавриат – магистратура –

аспирантура – докторантура) ва ушбу соҳадаги алоҳида қўлга киритган ютуқларни тақдирлаш механизмини ишлаб чиқиш лозим.

5. Таълим муассасаларидаги илмий тадқиқот ва илмий – услубий ишлар даражасини баҳолашга замонавий ёндашувни рўёбга чиқариш, илмий тадқиқотлар ва технологиялар, ишланмалар натижалари тижоратлашуви асосида олимларнинг обрў – эътибори ва ижтимоий мақомини ошириш.

Бунда илмий ва илмий – педагогик соҳадаги ютуқларни уларга мос нуфузли журналларда эълон қилиб бориш ва шулар асосида мос ишланмалар қилиб, бевосита ўқув жараёнига жорий этишга тавсиялар тизимини яратиш лозим бўлади ва тегишли бошқарув органлари томонидан янгиликларни жорий этиш бўйича мониторинг ташкил этилиши лозим бўлади.

6. Мамлакат илм-фаннининг халқаро илмий ҳамжамиятида интеграцияни фаоллаштириш (кучайтириш, мазмунан янада бойитиш), таълим соҳаси ва кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш мақсадида илмий ютуқлар ва олимлар билан ўзаро алмашинув жараёнини кучайтириш.

Фан ва технологиялар соҳасидаги фаолиятни маънавий (мақтов ёрлиғи, кўкрак нишони, унвон ва ҳ.к) ва моддий (мукофотлар, муаллиф китобларини чиқариш харажатлари ва ҳ.к) рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш ва талабалар ҳамда ёш олимларнинг илмий ютуқлари учун махсус мукофотлар («Камолот» ЁИҲ бўйича, фан арбоби ёки хизмат кўрсатган ёки таълим фидойиси ва ҳ.к) ва совринлар таъсис этиш. Махсус стипендиялар сонини кўпайтириш. Ёшлар илмий – техник ижодиётининг доимий ишлайдиган кўргазма ва экспозицияларни ташкил этиш.

Инновация – янгиланишни, ўзгаришни амалга жорий этиш жараёни ва фаолияти (инглизча инновация – киритилган янгилик, ихтиро).

Илмий техника ютуқлари ва илғор тажрибаларга асоланган техника, технология, бошқарув ва меҳнатни ташкил этиш каби соҳалардаги янгиликлар, шунингдек уларнинг турли соҳалари ва доираларда қўлланишини акс эттиради.

Инновацияларни оммалаштириш – бу ахборотлар жараёни, коммуникацион воситаларнинг қудратига боғлиқ бўлган ахборотлар алмашинувининг шакли ва тезлиги, субъектларнинг ахборотларни қабул қилиш хусусиятлардан амалиётда фойдаланиш қобилиятлари ва ҳакозо.

Инновациянинг вазиятга алоқадорлиги – инновацияни муваффақиятли амалга оширишда кўп жиҳатдан жамоа аъзоларининг типологик хусусиятларига ва ташкилий муҳитнинг янгиликларни қабул қилиш учун тайёргарлик даражасига боғлиқ бўлиши жараёнларидир.

Инсон – онгли мавжудот. Яъни у ўйлайди, фикр қилади, теварак-атрофида бўлаётган воқеа–ҳодисалар асосида хулосалар чиқаради. Инсоннинг кўрган–билган нарсалари унинг қалби ва онгида ўзига хос образга – тимсолга, тасаввурга айланади. Образ – муайян нарса-ҳодисанинг инсон онгида муайян тарзда акс этиши, мужассамлашуви тушунилади. Инсоннинг қалби ва онгига кўчган воқелик – образ, тасаввурлар асосида орзу–интилиш, мақсад–муддао пайдо бўлади. Инсон онгидаги образ ва тасаввурлар орзу–интилиш, мақсад–муддао шаклида ҳаётга, воқеликка қайтишга интилади. Ана шу амалга оширилиши керак бўлган тимсол, мақсад ижтимоий қимматга эга бўлса, ғояга айланади. Акс ҳолда фикр шаклида қолиб кетади.

Инсон – бу шахс, одам, киши тушунчаларининг умумлашмаси, инсонийлик фазилатларини ўзида мужассамлаштирган маънавий етук, фозил ва улуғ мавжудот маъносини англатади.

Инсон камолоти – бу инсоннинг кенг маънода ички ва ташқи омиллар таъсирида шаклланиш жараёнидир. Бу жараёнда тарбиянинг муҳим аҳамият касб этиши таъкидланади.

Инсон онги – унинг идроки, ақли орқали ҳаётий ва дунёвий ҳақиқатни фаҳмлаш асосида маънавий истиқболи фаолият даражасидир.

Инсонпарварлик – одамзотнинг қадри, унинг эркинлиги, қобилиятлари ҳар томонлама намоён бўлиши учун курашиши, инсоннинг бахт-саодати, тенг ҳуқуқлиги, адолатли ҳаётини таъмин этишга интилиш, инсонийликнинг барча тамоийллари юзага чиқишига шарт-шароитлар яратиш маъносини англатади. Инсонпарварлик ўзбек халқи миллий руҳиятининг ажралмас фазилатларидир. (Зокиров М. Маърифий сабоқлар. Ж. 2001. 67-бет).

Инсонийлик – бу инсонга хос биологик ва маънавий фазилатлар, ижтимоий муносабатлар натижалари маҳсулидир. Бу борада **Абу Наср Фаробийнинг «Одамларга нисбатан уларни бирлаштирувчи асос инсонийликдир»** ва **«Агар инсон эзгуликка интилиб яшаса, унинг умри қувончли ва гўзал кечади»,** деган фикрлари ибратлидир. «Инсоншунослик ва инсонпарварлик тушунчаларини алмаштирмаслик керак. Инсоншунослик инсонни бир бутунликда ўрганиш бўлиб, халқ педагогикасида, қадимги «Авесто» китобида инсонийлик фазилатлари, комил инсон қандай бўлиши ифодаланади» *(А. Чориев).*

Инсонни бир бутунликда ёритиш бадиий адабиётда ҳам алоҳида ўрин тутади, қаҳрамонлар сийратида комил инсон, унинг шаклланиши, ички дунёси ва ҳаёти акс эттирилади. Адабиётшунослик ҳам инсоншуносликдир.

Инсон маънавияти бамисоли узукка қўйилган кўздек. Одамзод мавжуд экан, маънавиятсиз яшай олмайди. Демак, инсонийликнинг бўлиши бутун дунёда инсонийлик бўлишига муҳим асосларидан бири. Худди шунга ўхшаб, ҳар бир халқ, миллат ва улар ўз маънавиятини ҳамда руҳий оламини бойита бориб, тажрибаларини бутун халққа улашади ва бу орқали **умуминсоний** деган ном шакллантирилади.

Инсоний сифатлар – инсонийлик, эзгулик, чидамлилик, виждонлилик, ҳалоллик, жавобгарлик, ҳаққонийлик, беғаразлик, сахийлик, инсонларга нисбатан ҳурмат, юксак ахлоқлилик, мулоқотга эҳтиёж, ҳайриҳоҳлик ва ҳ. к. *(Алишер Навоий).*

Инсонпарвар шахс технологияси - шахс инсонпарварлиги масаласи таълим жараёнининг диққат марказида бўлган таълим технологияси бўлиб, унда талабанинг билими, имконияти, таълимга олишга бўлган шарт – шароитлари, интеллуктуал салоҳияти даражаларига педагогик ҳурмат билан қараши жараёнидир.

Инсонпарварлик – инсонни улуғлаш ва севиш, яъни, Абу Наср Форобийнинг «Фозил одамлар шахри» асарида тасвирланганидек, шахс бўлишга ва ҳадисчи олимларимизнинг асарларида баён этилган комилликка мамлакатимиз раҳбарининг «Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» номли рисоласида қайд этилган талабларга жавоб берадиган шахсни тарбиялаш жараёнида эришилади.

Инсонпарварлик – (инсон- арабча; парвар – форсча; лик - ўзбекча) – кишига ғамхўрлик, гуманизм, одамзоднинг қадри, унинг эркинлиги қобилиятлари ҳар томонлама намоён бўлиши учун курашиш одамзоднинг бахт – саодати, тенг ҳуқуқлиги, адолатли ҳаётни таъмин этишга интилиш, инсонийликнинг барча тамойиллари юзага чиқишига шарт – шароитлар яратиш маъносини англатади.

Инсонпарварлик ғоялари, бахт – саодат ва адолатга эришиш орзу ҳаваслари халқ оғзаки ижодиётда, адабиётда, диний, фалсафий, педагогик таълимотларда узоқ ўтмишдан бери ўз аксини топиб келмоқда.

Марказий Осиё мутафаккирларидан Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий ва бошқалар ўз асарларида инсон эркинлиги, унинг қадр - қиммати, инсонпарварлик ғояларини олға суришган *(Зуҳра Исмоилова).*

Инсоф – адолат ва виждон амри билан иш тутиш туйғуси ва қобилияти, ишда кишиларга муносабатда ҳалоллик, тўғрилик, тенглик, софдиллик ва ҳақиқатгўйликдир. Ўзгани ўз ўрнига ва шунингдек, ўз ўрнига ўзгани ҳаёлан қўйиб кўра билиш инсофга киради. Тўқ очни, бой камбағални, бахтли бахтсизни, толеи баланд толеи забунни, омадли омадсизни, соғлом беморни ўз ўрнига қўйиб кўра инсофлилар сафи кенгайиб боради.

Инсоф тушунчаси Шарқ фалсафасида шундай талқин этилади. Инсоф – бу кишининг ижтимоий аҳлоқ меъёри нуқтаи – назарида ўз ҳулқ одобини тартибга солиши ва аҳлоқий баҳолашидир. Инсоф виждонли одамнинг ёки маълум жамоатнинг жамиятда ёки бошқа кишиларга нисбатан ўз ҳулқ атвори учун маънавий жавобгарлик ҳиссидир. Агар киши бирор ишни тўғри бажарса унда ички қониқиш пайдо бўлади, атайин нотўғри бажарса инсофдан чиққан бўлади. Инсоф кишини бирор ишни қилишга ундаса ёки қилишдан тортса, бунда у қалб амри тарзида бўлади.

Инсоф – инсофлилик, очиққўнгиллик, самимийлик, халқимизнинг энг қадимги хислатларидан ҳисобланади. Инсонпарварлик ахлоқий фазилатлардан бири бўлиб, ҳаётнинг асосий мазмунини англашга ёрдам

беради. У балоғатга етган комил инсоннинг энг муҳим хусусиятларидан биридир.

Институт – билимларнинг битта соҳаси доирасида аниқ йўналишлар бўйича олий ва қоидага кўра олий ўқув юртидан кейинги таълим дастурини амалга оширади. Олий таълим муассасаларида факультетлар, бўлимлар, кафедралар ва талабаларнинг академик гуруҳлари шаклланади.

Интеграл – чамбарчас боғлиқ, бутун, ягона; чексиз кичик қисмлари йиғиндиси.

Интеграллашган дастурлар – бу бир неча соҳага тегишли муаммолар ечимини ҳал қилишда фойдаланиладиган ва уни компьютерда жорий қилишга мўлжалланган дастурлардир.

Интегратив йўналиш – ахборотларни ташкил қилувчи чексиз кўп кичик қисмларнинг ўзаро ажралмас боғлиқлиги, уларнинг яхлитлиги, бир бутунлиги асосида ягона тўғри хулосани аниқлаш жараёни.

Бу технологиялар ўрганилаётган билимларнинг дидактик тизими чуқур мазмунга эга бўлиши, билимларга тизимли нуқтаи назардан ёндошиш, ўқувчилар билимларини эгаллашнинг энг мақсадга мувофиқ йўлларини ўргатишдан иборат.

Интегратив йўналиш таълим-тарбия жараёнларига комплекс ёндашув, тизимий ёндашув, тизимий таҳлил тадқиқот усулларини жорий этишда ва билишнинг индукция ҳамда дедукция усулларидан фойдаланишда қўл келади.

Интегратив йўналиш таълим ва тарбияни иерархик тизим сифатида қараб, улар устида олиб бориладиган тадқиқотлар олиб боришда ижобий педагогик самараларни кафолатлайди.

Ўқув жараёнини тизим сифатида қараб, уни ташкил этувчилар, яъни, ўқитувчининг ўқитиш воситалари ёрдамида таълим олувчиларга

маълум бир шароитда муайян кетма-кетликда кўрсатган, таъсирини ва таълим натижасини назорат жараёнида баҳолаб берувчи, технологиялашган таълимий тадбирлар олиб боришда ривожланиб боради.

Педагогик технология ҳам билимларни ўзлаштиришнинг ҳамма жиҳатларини қамраб олувчи муаммони таҳлил қилиш ва режалаштириш, муаммонинг ечимини баҳолаш фаолиятни ташкил қилиш усулларини ўз таркибига оладиган комплекс интегратив жараёндан иборат.

Интеграция – ўқитишнинг мақсад ва омилларини бир бутун қилиб бирлаштириш.

Интегратиф функция – бу фнукция умумтаълим ва касбий таълимни боғловчи звенодир. Бунда таълим мазмунидаги барча ташкил этувчи элементлар мажмуасини – билим, кўникма, малака, меъёр, педагогик тизимларни ўзида мужассамлаб: билимларни тизимлаштиришни ташкил этиш, талабаларда ҳар хил предметларда ўтиладиган ва техник, технологик жараёнларда содир бўладиган ҳодисалар, тушунчалар, ғоялар, назариялар орасидаги ўзаро интеграция ва ҳар томонлама боғланиш борлигини ўрната олиш кўникмаларини шакллантириш; бу боғланишлар касбий билимларни чуқурлаштиришга ёрдам берувчи эканини тушунтиришни таъминлаш; талабаларда ижодкорлик масалаларини назарий тўғри техник ва амалий жиҳатдан мақсадга мувофиқ ечишда, турли ўқув предметларини ўрганишда олган билим ва маҳоратлари асосида техникавий – иқтисодий, ижтимоий – экологик, ташкилий – педагогик тизимлар мақсади, мезони ва вазифасини тўғри шакллантириш кўникмаларини ҳосил қилишларини назарда тутади (*Алимов Н.Н.*).

Интеграциялаш – лотинча «integer» - умумийлик, «integerara» - умумийликни тўлдириш, яратиш, тиклаш демакдир. Таълим мазмунидаги уйғунликларни таъминлаш муаммолари интеграциялашнинг шуғулланадиган соҳаси ҳисобланади.

У тушунчаларни умумлаштиришни ўргатиш. Таълим ва тарбияда билимлар, тушунчалар, кўникмалар ва малакаларни шакллантиришларни умумлаштириб, қонун ёки қоида кўринишига келтиришни амалга оширади.

Интеграциялаш тушунчаси муҳим илмий термин бўлиб, у умумлаштириш, хулосалашларда методологик восита бўлиб ҳисобланади, чунки унинг ёрдамида жарён ва ҳодисалар мазмунлари орасидаги умумий уйғунлик алгоритмлари яратилади.

Педагогик тадқиқотларда тадқиқот объекти ва методологиясига тегишли маълумотлар ўртасидаги алоқадорликларни ўрнатиш (функционал боғланишларни) масалаларини ҳал этишда интеграциялашдан фойдаланилади.

Тадқиқот ишларни бажаришда ва турли фанлардаги таълим мазмунларини умумлаштириш ва тўлдиришда интеграциялаш жараёни доимо қўл келади ва кўзланган мақсадга эришишни кафолатлашга ёрдам беради.

Интеллект – лотинча сўз бўлиб, у одатда ақл-идрок, англаш, тушуниш, фаҳмлаш маъносини англатади. АҚШ психологи Ф.Фримин интеллектни қуйидаги 6 та қисмда беради:

- сонли операцияларга нисбатан қобилиятлилик;

- луғат бойлиги кўлами;

-геометрик шакллар ўртасидаги ўхшашлик ва фарқли томонларини ажратишга нисбатан уқувлилик;

- шахс нутқининг тезлиги ёки суръати;

-шахснинг фикрлашга, мулоҳаза юритишга нисбатан қобилияти;

- хотиранинг мустаҳкамлилиги ёки ноёб хислатлилиги.

Интеллект инсоннинг ақлий қобилияти; ҳаётни атроф-муҳитни онгда айнан акс эттириш ва ўзгартириш; фикрлаш; ўқиш-ўрганиш, дунёни билиш ва ижтимоий тажрибаси, қабул қилиш қобилияти; турли масалаларни ҳал қилиш, бир қарорга келиш, оқилона иш тутиш, воқеа-ҳодисаларни олдиндан кўра билиш лаёқати.

Интеллект – инсоннинг дунёқараши кенгайишидаги тафаккур қила олиши қобилияти натижаси. Бунда интеллектни шакллантирувчи омилларга онг, ақл, фикр, ғоя, таълимот ва шу кабилар киради.

Интеллект – (лот intellektus – ақл идрок, зеҳн) – кенг маънода: кишининг воқеа-ҳодиса моҳиятини тўлалигича бўлишига асосланган ва у орқали намоён бўладиган фаолияти; тор маънода: инсоннинг тафаккур, фикр юритиш салоҳиятини назарда тутади. Интеллектуал кишилардаги ақл идрок, заковат, маънавий жиҳатдан етуклик даражасини изоҳлайди; тасаввур, идрок синчиковлик орқали жамланган материални билиш усуллари (таққослаш, абстракция, тушунча, ҳукм ва ҳоказо.) орқали асосли билимга эга бўлиши ёки мавжуд билимни танқидий таҳлил этиб чиқиш қобилияти деб қаралади. Ҳозирги замон фалсафасида интеллект ҳам, ирода ҳам мавжуд ҳолатга асосланган ҳолда намоён бўлди ёки интеллект маънавиятга тааллуқли бўлганлиги учун руҳий ҳолат маҳсули бўлиб, иродадан устун туради, деган тасаввурлар мавжуд.

Интеллектуал ахборотни излаш тизимлари – илмий тадқиқотчининг ёки мутахассиснинг ўз иш жойида туриб тегишли билимлар омборидаги керакли ахборотни топишга имконият берувчи тизим.

Бунда илмий тадқиқотчи ўзининг шуғулланаётган соҳаси бўйича дунёнинг турли бурчагидаги янгиликлардан ўз вақтида хабардор бўлиш имконияти туғилади. Мутахассис учун ўзининг юқори ташкилотларидаги буйруқ, фармон, фармойиш, концепция каби касбий фаолиятини юксалтириш борасидаги ахборотларни ўз вақтида олиш имкониятининг оптимал вариантини таъминлайди.

Интеллектуал китоблар – имтиҳон олувчи китобларга ўхшаш бўлиб, бунда талабаларнинг қобилиятлари, билим даражалари махсус тестлар ёрдамида уларнинг компьютер билан мулоқоти жараёнида аниқланади ва баҳоланади.

Интеллектуал тизимлар – инсоннинг, инсониятнинг интеллектуал мулки асосида шаклланган билимлар омбори ёрдамида муаммоларни ҳал қилишнинг ақлий – мантиқий фаолияти тизимидир.

Интеллектуал мулк – ижодий ақлий фаолият маҳсули. Ихтирочилик ва муаллифлик манбаи ҳуқуқи мажмуига кирувчи, фан, адабиёт, санъат ва ишлаб чиқариш соҳасида ижодий фаолиятнинг бошқа турлари, адабий, бадиий, илмий асарлар, ижрочи актёрлик санъати, жумладан овоз ёзиш, радио ва телевидение асарлари, кашфиётлар, ихтиролар, рационализаторлик таклифлари, саноат намуналари, компьютер учун дастурлар, маълумотлар омбори, товар белгилари, фирма атамалари ва бошқа ақлий мулк манбалари киради.

Интервью методи – бу сўроқ жавоб методи воситасида ўзаро мулоқотга асосланган фаолиятини амалга оширишга асосланган йўл.

«Интервью методида кўпинча интервью учун саволларни сациологик анкеталарга ўхшатиб, яъни кўп масалалар юзасидан кўплаб жавоблар олишни кўзлаб тузилади. Интервью методига бундай тарзда ёндошиш тадқиқотнинг фақат биринчи босқичига, муаммо билан дастлабки танишиш босқичига тўғри келади. Бироқ билимларни ҳисобга

олиб тузилган саволлар ўрганилаётган ҳолатлар тузилиши ҳамда даражаларини бундан кейин аниқлаш учун қимматли натижалар бериш мумкин» *(Нишонова З.Т. Қаршиева Д.С. Экспериментал психология. – Т..: 2006й. -23-24 бетлар.)*

Интернет – кўплаб (минглаб) локал ва минтақавий компьютерлар тармоқларини бир бутун қилиб бирлаштирувчи бутун дунё компьютер тармоғи *(Абдуқодиров А.А ва бошқалар «Ахборот технологиялари» Т..: Ўқитувчи 2002-й. 134 бет.)*

Интернет – (лот. inter – аро ва net (vork)-тармоқ) – катта (глобал) ва кичик (локал) компьютер тармоқларини ўзаро боғловчи бутун жаҳон компьютер тизими. Демак, ИНТЕРНЕТ – бутун дунё бўйлаб фаолият кўрсатадиган халқаро ахборот алмашишнинг глобал компьютерли тармоғидир.

Унда географик ўрин, замон ва макондан қатъи назар, айрим компьютер ва майда тармоқлар ўзаро ҳамкорлик глобал информация инфратузилмасини ташкил этади. Турли йўналишларда кенг кўламдаги янгиликларни тарқатиш ва телеконференцияларни ташкил этиш каби муаммолар ечимига амалий ёрдам кўрсатади.

Қайдномалар тизими билан бошқариладиган барча ҳосила тармоқлари ҳамкорликда истеъмолчиларга информацияни сақлаш, эълон қилиш, жўнатиш, қабул қилиш, излаш ва маълум бўлган барча вариантлар (матн, товуш, видеотасвир, фотосурат, графика, мусиқа тарзида ва бошқа кўринишлар) да информация алмашинувига имкон яратади.

Ўзбекистонда глобал интернет тармоғига уланиш масалалари 1997 йилдан бошланади. Ушбу тармоққа уланган истеъмолчи ишхонадаги (уйидаги) компьютер орқали хоҳлаган давлатдаги интернет тармоғига

уланиши мумкин ва улардан ахборотларни матн, суръат, графика, жадвал ёки видеотасвир кўринишда олиш мумкин.

Ахборот ресурсларига оид кўп масалаларни мамлакатимиздаги йирик кутубхоналар шу соҳадаги интернет тармоғи кўламига суянган ҳолда ҳал қилади.

Интернет — 1. Бутун жаҳон глобал тармоғи. У давлат, таълим, тижорат, ҳарбий ва корпоратив тармоқларни бирлаштириб, IP (Inter-network Protokol) маълумотларни узатиш баённомасига асосланган.

2. Оммавий ёки хусусий равишда юқори даражали коммуникация хизматларини таъминловчи глобал ахборот тизими. Унинг тизимлари IP баённомасига асосланган ноёб манзил макони орқали ўзаро боғлиқдир.

3. Ер шарини қамраб олган ўзаро боғлиқ компьютер тармоқлари тўплами. Интернет барча IP баённомасидан фойдаланувчи компьютерлар, электрон почтаси, эълонлар доскалари, маълумотлар базалари ва мулоҳаза гуруҳларидан эркин фойдаланишни таъминлайди.

Интернетнинг ахборотли қисми – интернет тармоғида мавжуд бўлган турли электрон ҳужжат, график расм, аудиоёзув, видеотасвир ва ҳоказо кўринишидаги ахборотлар мажмуи *(Абдуқодиров А.А ва б.).*

Интернетнинг дастурий таъминоти – тармоққа уланган компьютерлар ва тармоқ воситаларини ягона стандарт асосида мулоқот қилиш маълумотларни ихтиёрий алоқа канали ёрдамида узатиш даражасида қайта ишлаш, ахборотларни қидириб топиш ва сақлаш ҳамда тармоқда ахборот хавфсизлигини таъминлаш каби муҳим вазифаларни амалга оширувчи дастурлар мажмуаси *(Абдуқодиров А.А ва б.)*.

Интерфаол машғулот – ўқитувчи ва ўқувчилар ўзаро фаол иштирок этадиган машғулот. Бунда жараён ўзаро ҳамкорликда кечади.

Интерфаол метод – бу таълим берувчи ва таълим олувчиларнинг ўзаро тенг мулоқот ва таъсирдаги дарс жараёнини амалга ошириш усули. «Интерфаол» сўзи «интерактив» сўзининг ўзбек тилидаги баёни. «Интерактив» сўзи инглизчадаги Interakt сўзидан олинган бўлиб, у Inter – «ўзаро», akt – «ҳаракат, таъсир, фаоллик» маъноларини билдиради.

Интерфаол усул – бу таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасидаги фаол ҳамкорликдаги таълим усули бўлиб, унда таълим олувчи ва таълим берувчи бир-бирини тўлиқ тушунишга эришилади.

«Интер» сўзи лотинча бўлиб, ўзбек тилидаги «оралиқ», «ўртаси», «ўзаро» каби маъноларни билдиради. Шу сабабли интерфаол усуллар таълим берувчи ва таълим олувчилар ўртасидаги фаолликка асосланган таълим услубияти деб аташ мумкин.

Мазкур усулда таълим олувчиларнинг мустақил фикрлаш қобилиятлари ривожлантирилади ва бу орқали улардаги эркин фикрлашга кенг йўл очилади. Бу талаба–ёшларнинг мустақил равишда оптимал қарорлар қабул қила олишга, ижодий фикр юритишга имконият яратади.

Инерфаол усулнинг **мақсад-вазифаларини** қуйидагича ифодалаш мумкин:

- таълим олувчиларни эркин, мустақил, танқидий, таҳлилий, мантиқий, ижодий фикрлашга ва улар асосида тўғри қарорлар қабул қилишга ўргатиш;
- таълим олувчиларнинг муаммоли вазиятлардан қийналмай чиқа олишга, назарий ва амалий ҳамда касбий (ҳаётий) топшириқларни бажаришни уддалашга ўргатиш.

- таълим олувчиларни фикрлашга ундаш орқали, уларни изланишга ва ижодкорлика йўналтириш;
- таълим олувчидаги ҳамкорликнинг самарали йўлларини ва касбий билим, кўникма ҳамда малакаларини эгаллашга бўлган ҳатти-ҳаракатларини фаоллаштириш;
- таълим олувчиларни ташкилотчилик, бошқарувчанлик (раҳбарлик) ва йўналтирувчанликка ундаш.

Интерфаол усуллардан фойдаланиш **шакллари**:

- машғулот топшириқларини индивидуаллаштириш;
- ўзаро фаол ва ижодий ҳамкорлик қила оладиган майда гуруҳларга ажратиш;
- гуруҳдаги талабаларни интеллектуал салоҳиятларига қараб табақаларга ажратиш ва улар орасидаги тафовутга эътибор бериш;
- таълим бериш ва ўрганиш жараёнидаги эркин мулоқот қила олиш муҳитини яратиш;
- таълим олувчи ва таълим берувчи ўртасида ҳамда кичик (ажратилган) гуруҳлар ўртасидаги эркин мулоқот, ижодий ҳамкорлик, фойдали «баҳс-мунозаралар»ни ташкил этишга эришиш ва ҳоказо.

Интерфаол усуллардан фойдаланиш **воситалари**:

- касбий дидактик ўйинлар;
- ролли ўйинлар;
- касбий компьютерли ўйинлар;
- интерфаол ўқув адабиётлари;
- интерфаол техника воситалари;
- методик маҳсулотлар;

- . интеллектуал маҳсулотлар.

Воситаларни асосан икки гуруҳга ажратган маъқул. Улар: интерфаол ва интерфаол бўлмаган воситалар.

Интерфаол воситалар:

- аудио, видео ва электрон анжуманлар;
- овозли ва ёзувли икки томонлама мулоқот қила оладиган оддий ва йўлдошли алоқалар;
- телеанжуманлар ва шу кабилар.

Интерфаол бўлмаган воситалар:

- машғулотга тегишли дидактик мажмуалар;
- аудио ва видео тасмалар (дисклар);
- бир томонлама оддий ва йўлдошли алоқалар;
- телевизион кўрсатувлар;
- радио эшиттиришлар;
- компакт дисклар;
- «ИНТЕРНЕТ» тармоқлари ва шу кабилар.

Интерфаол усуллардан фойдаланиш ўқитиш жараёнига самарали таъсир кўрсатиб, ўқув жараёнини жонли ташкил этишни таъминлайди. Шу билан бир қаторда аввалги билимлар ва янги ахборотлар ўртасида боғланиш ҳосил қилиб, материални тўла тушунишга замин яратади.

Интерфаоллик - ўзаро икки киши фаоллиги, яъни бунда ўқув-билув жараёни ўзаро суҳбат тариқасида, диалог шаклида (компьютер алоқаси) ёки ўқувчи – ўқитувчининг ўзаро мулоқотига асосан кечади.

Интерфаоллик – ўзаро фаоллик, ҳаракат, таъсирчанлик, ўқувчи ва ўқитувчи мулоқотларида содир бўлади. Интерфаол усулнинг бош мақсади ўқув жараёни учун энг қулай вазият яратиш орқали ўқувчининг фаол эркин фикр юритишига муҳит яратишдир. У ўзини интеллектуал салоҳиятини, имкониятларини намоён этади ва ўқув сифати ва

самарадорлигини оширади, таъмин этади. Итерфаоллик асосида ўтган дасрни ташкил этиш шундай кечадики, бу жараёнда бирорта ҳам ўқувчи четда қолмайди, яъни, улар кўрган, билган, ўйлаган фикрларини очиқ-ойдин билдириш имкониятига эга бўладилар.

Ўқувчилар ҳамкорликда ишлашда мавзу мазмунини билиш, ўзлаштиришда ўзларининг шахсий хиссасини қўшиш имкониятига эга бўладилар. Ўзаро билимлар, ғоялар, фикрларни алмашиш жараёни содир бўлади. Бундай ҳолатлар ўзаро самимийликни таъминлайди, янги билимларни олиш, ўзлаштиришга ҳавас ортади, шу жараёнда бир-бирларини қўллаб-қувватлаш, ўзаро дўстона муносабатлар вужудга келади. Бунинг тарбиявий аҳамияти катта.

Диалог асосида кечган ўқув жараёнларида ўқувчи танқидий фикрлашга, мураккаб масалаларни таҳлил асосида ечимини топишга, шунга яраша ахборотни излаш, айрим альтернатив фикрларни ўзаро мунозараларда эркин баён қилишга ўрганади ва шундай кўникмалар шаклланади.

Интерфаол дарсларни ташкил этишда ўқув жараёнида якка тартибда, жуфт бўлиб ишлаш, гуруҳларда ишлаш, изланишга асосланган лойиҳалар, роли ўйинлар, ҳужжатлар билан ишлаш, ахборот манбалари билан ишлаш, ижодий ишлашдан фойдаланиш мумкин *(Йўлдошев Ж., Йўлдошева Ф., Йўлдошева Г.).*

Интизом – шахс фаолиятида ахлоқий сифатларни амалга оширишда, қўйилган мақсадга эришишда, ўз кучига ишонишда, бошқаларнинг ёрдамисиз вазифаларни ҳал этишда, мустақил фикрлай олишда, бирон ишни бажаришда бошқа томонга чалғитмоқчи бўлган кучларнинг таъсирига берилмасликка, қарашлари ва ишончлари асосида ҳаракат қилишда ва ўз вазифаларини ҳал этиш малакаларини эгаллашда муҳим аҳамиятга эга.

Интизом – мақсадга эришишда, қилинаётган ишларда керагича ва маслаҳатга мувофиқ доимий равишда бажариладиган хатти – ҳаракат *(Зуҳра Исмоилова).*

Интизомли киши – турмуш қоидасига онгли равишда муносабатда бўлади. Ўз фаолиятида аниқ ва интизомли бўлиб, меҳнат вазифаларига, жамоат топшириқларига масъулият билан қарайди.

Интуиция (олдиндан сезиш) – бу илгаридан эгаллаган билим ва маълумотларга асосланган билиш жараёнидир (*Нишонова З.Т., Қаршиева Д.С.*).

Ҳар қандай тадқиқот соҳасида олиб бориладиган изланишларда хоҳ назарий бўлсин, хоҳ амалий интуициянинг аҳамияти беқиёс. Чунки илмий тадқиқот ишларидаги илмий фаразни шакллантириш ёки башоратлаш айнан олдиндан ҳис қилиш асосида олиб борилади. Булар орқали илмий тақиқот ишини олиб боришнинг оптимал вариантларини танлашга эришиш мумкин. Ҳар бир тадқиқотчи ўзининг тажриба ва билим ҳамда кўникмаларига асосланиб, яъни интеллектуал салоҳиятига таянган ҳолда ўзига хос олдиндан сезиш қобилиятига эга бўлади. Бу қобилият тадқиқотчининг интеллектуал даражасига, махсус мутахассислигига ва шахсий йўналтирилганлигига, қадриятлар тизимига, илмий дунёқарашига асосланади.

Информатика – математик методлар ва ҳисоблаш техникаси воситалари ёрдамида маълумотларни йиғиш, ўлчаш (баҳолаш), сақлаш, қайта ишлаш ва узатишнинг метод ва қонунлари ҳақидаги фан.

Информатика фани (ИФ). Информатика – (французча informatiqul, нем. Juformatik - ахборот) – ахборотшунослик-илмий информация (ахборот, хабар, маълумот)нинг моҳияти, умумий хулосалари ва қонуниятларини, шунингдек, илмий коммуникация тизими (ўша илмий информацияни тарқатиш усуллари ва воситалари

мажмуи)ни ўрганиш билан шуғулланадиган илмий фан; инсон фаолиятининг ЭҲМ, компьютер билан бўлган соҳа. ИФ нинг **марказиий тушунчаси –** ижтимоий ҳаётнинг исталган соҳаси ва тармоқларидан олинадиган маълумотлар, яъни илмий ахборотлар. ИФ кибернетика, кутубхонашунослик, лингвистика, глоболистика, синергетика, математик мантиқ каби фанлар билан боғлиқ. ИФ илмий маълумотларни йиғиш, ишлаб чиқариш (яратиш, ўрганиш), сақлаш, излаш ва узатиш (тарқатиш) жараёнлари мажмуини ўз ичига олади. ИФ нинг асосий йўналишлари: ҳисоблаш техникасининг назарий асослари; информация назарияси; дастурлаш; информация технологияси ва бошқалар.

Ирода – инсоннинг бир мақсад сари онгли интилиши, бошланган ишни охиригача етказиш қобилияти-билимлар, тажрибалар, кузатишлар, тарбия ва ўз-ўзини бошқаришнинг натижасидан иборатдир.

Ирсий иммунитет – организмнинг ўз белгилари ва хусусиятларини келгуси авлодга ўтказиш, яъни организмнинг ўзига хослигини кейинги авлодга ўтказишдан иборат бўлиб, унда авлодлараро моддий ва функционал изчиллик сақланган ҳолда оила, уруғ ва шу каби яқинликлар орасида инсон табиати узлуксизлиги таъминланади.

Ирсият – организмларнинг ўз белгилари ва хусусиятларини келгуси авлодларга ўтказиш, яъни организмларнинг ўзига ўхшаш наслларини бунёд этиш хоссаси. Ирсият ҳар хил турга мансуб организмлар белги ва хусусиятларидаги тафовутларнинг авлодлар оша сақланиб қолишини таъминлайди. Организмларнинг ўзаро ўхшашлик ва қариндошлик даражасига биноан оила, уруғ, тур каби систематик гуруҳларда муайян тартибда тақсимланишининг асосида ҳам ирсият ётади *(ЎзМЭ. - 4 ж.- 224 бет).*

Ирсият – бу ота қони ёки аждодларига хос бўлган биологик хусусият ва ўхшашликларнинг наслга (болага) ўтиш жараёнидир. Наслдан-наслга ўтадиган хусусиятларга қуйидагилар киради:

- анотомик-физиологик тузилиш (юз тузилиши органлари холати, қадди-қомати, асаб тузилиши хусусиятлари, тери, соч ҳамда қўлларнинг ранги);

- нутқ ва тафаккур қилишга оид қобилиятлар;

- ихтиёрий ҳаракатлар ва амаллар, вертикал ҳолда юришлар;

- меҳнат ва ижод қилиш қобилияти ҳамда бошқа истеъдод аломатлари.

Исбот методи – исбот усулини танлаш; зарур ва етарли далилларни саралаш; хулосаларни таърифлаш (қарши усул, классификация); сабаб – оқибат алоқаларини аниқлаш; исбот, фикр, алгоритм, чизма, модель ва бошқа хил натижаларни белгили расмийлаштиришларни ўз ичига олади.

Ислом дини (арабча «аслама» - худога ўзини топшириш, бўйсуниш: шундан «муслим» - бўйсунувчи, итоаткор) дунёда энг кенг тарқалган уч диннинг, яъни жаҳон динлари (буддавийлик, христианлик ва ислом)нинг бири. Ер юзасидаги 6 миллиарддан ошиқ аҳолининг 1,5 миллиарддан ортиқроғи ислом динига эътиқод қилади. Ислом дини VI – VII асрларда Арабистон ярим оролида шаклланган ва емирилиб бораётган қабилачилик ҳамда улуғчилик муносабатлари ва қабилавий худолар ўрнига эл-юртни бирлашишга, жипслашишга, яккахудоликка бўлган ижтимоий талабни қондиришга хизмат қилган.

Ислом дини – бу тасаввуф фалсафасидаги инсонни улуғлаш, инсонни оламнинг гултожи деб билиш ва уни Оллоҳнинг ердаги халифаси сифатида таърифлаш, инсонни ўзлигини билишга бўлган хатти-ҳаракатлар, Оллоҳни билишга бўлган интилишлар ҳақидаги таълимотдир. Оллоҳни билиш – бу инсоннинг ўзлигини билиши, илм

ўзликни билмоқ эканлигини асослашга ҳаракат қилиш жараёнидир. Ўзлигини англаган худони англайди, ўзини таниган худони танийди. Худони англаш – оламни англаш, оламни тушуниш, демакки, ҳаётнинг мазмунини идрок этиш демакдир.

Ислом дини нафақат инсон одоби ва унинг турмуш тарзи ҳақидаги, балки давлат ва жамият, давлат ва фуқаро ўртасидаги муносабатлар, юрт пешвосининг маънавий қиёфаси, сиёсатдаги адолат мезони, сўз ва фикр эркинлиги каби мураккаб ижтимоий масалалар хусусида ҳам бениҳоя ҳаётий тажриба ва сабоқлар беради. Шу сабабли бу ўлмас қадриятлар бугунги янги давлатчилигимизни қурилишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ислом дини – Ислом (араб.- бўйсуниш, итоат этиш, ўзини Оллоҳ иродасига топшириш) – жаҳонда кенг тарқалган уч диндан биридир. Ислом дини одамларни тўғри йўлга солиш учун Оллоҳ томонидан юборилган таълимотдир. Ислом динининг асоси бўлмиш Қуръони Каримда ҳам ва пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо с.а.в. нинг суннатлари бўлмиш Ҳадиси шарифда ҳам инсонларни доимо гўзал хулқли бўлишга тарғиб қилинган. Гўзал хулқларнинг натижаси, яъни чин мўмин, комил инсоннинг савобли ишлари мукофоти жаннат ва аксинча ёмон хулқларнинг, яъни, мунофиқларнинг гуноҳлари натижаси дўзах эканлиги ислом динининг асосий ғоясидир. Ахлоқнинг шаклланишида ва унинг ижтимоий ўрнида диннинг аҳамияти катта. Дининг асосий мақсадларидан бири, инсондаги ёмонликнинг зарарларини баён қилиш ҳамда ёмон йўлга кириб кетганларни тўғри йўлга даъват этишдир.

Исломда, унинг муқаддас китоби Қуръони Каримда ахлоқ масаласига алоҳида эътибор берилган. Исломда олижаноб ахлоқнинг энг муҳим тушунчалари таърифланиб, инсониятни уларга амал қилиш

сари ундайди. Булар – эҳсон, кечиримли бўлиш, сабр-тоқат, ростгўйлик, ширинсўзлик, ота-онани, ўзидан катта ёшдагиларни ҳурмат қилиш, ор-номус, садоқат ва бошқалардир. Шу тарзда инсониятнинг бутун амалий фаолияти яхшилик ва ёмонликка ажралади. Мусулмонлар бир-бирларини яхшилик ва олижаноб ахлоққа чақиришлари, ножўя ишлардан қайтаришлари Оллоҳ тарафидан фарз қилинган. Ислом ахлоқининг асосида ҳалоллик ва тақво ётади. Кимки, жисмоний ва маънавий пок бўлса, ундай кимса ахлоқсизлик йўлига кирмайди.

Ислом динининг асоси қуйидагилар: 1) калима келтириш; 2) намоз ўқиш; 3) рўза тутиш; 4) закот бериш; 5) имконият топилса ҳаж қилиш. Шулардан биринчиси имон ва қолганлари ибодат деб эътироф этилган. Имон 7 ақидани – Оллоҳга, унинг фаришталарига, муқаддас китобларига, пайғамбарларига, охират кунига, тақдир (яхшилик ва ёмонлик Оллоҳ иродаси билан бўлиши)га ва ўлгандан кейин тирилишга ишонишни ўз ичига олади (*Ислом энциклопедияси. Т.: 2004, 113-114 бетлар*).

Ислоҳот (арабча «ислоҳот» - яхшилаш, тузатиш) ислоҳ қилиш, тубдан ўзгартириш, қайтадан қуриш, янгидан ташкил қилиш. «Ислоҳот» сўзи ўзбек тилида қадимдан мавжуд бўлиб, айниқса, XX аср давомида кенг қўлланилади (масалан, «Ер-сув ислоҳоти», «Ёзув ислоҳоти» ва бошқалар). Мустақиллик муносабати билан давлатимизда бошланган туб ўзгаришларга нисбатан лотинчадан олинган «реформа» сўзи ўрнига қадимий арабчадан кирган «ислоҳот» сўзи кенг ишлатила бошланди.

Ислоҳат – ижтимоий ҳаётнинг бирон-бир томони (тартиблар, идоралар, муассасалар)ни ўзгартириш, қайтадан тузиш. Ислоҳат ҳар қандай мавмундаги янгиликларни жорий этиш ҳисобланса-да, аслида ислоҳат дейилганда кўп, яъни, ўз даражасидаги қайта ўзгартириш назарда тутилади. Жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг

пировард мақсадини вазифадан келиб чиққан ҳолда тўғри белгилаб олиш муҳимдир. Ислоҳатлар турли мамлакатларда уларниг географик жойлашиши, иқлими, интеллектуал салоҳияти, маънавияти, маданияти, миллий хусусиялари ва бошқа ўзига хос омиллардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Жамиятнинг сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, маданий, маърифий ва шу каби соҳаларда алоҳида ёки бир неча соҳаларда бир йўла ислоҳат қилиниши мумкин. Ислоҳат вазиятга қараб тадрижий тарзда, босқичма-босқич амалга оширилса, муваффақиятли бўлади. Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгач, жамият хаётининг ҳамма соҳаларида туб ўзгаришлар бошланди. Жумладан, бозор иқтисодиётини қарор топтиришга йўналтирилган ислоҳатлар халқнинг турмуш фаровонлигини яхшилашга қаратилгандир.

Истеъдод – алоҳида инсонларга хос табиий сифат бўлиб, унинг фаолияти ижтимоий жамиятда намоён бўлади. Истеъдод кишилик жамияти билан бевосита боғлиқ. Истеъдод инсонларга хос ноёб фазилатдир. Маънавияти, маданияти ривожланган жамиятда ҳар қандай истеъдод шаклланади, камол топади.

Истеъдод – халқ бойлигидир. Уни асраб – авайлаш, тўлиқ намоён бўлиши учун барча шарт – шароитларни яратиш керак. Ўтмишда Туркистоннинг, умуман, Шарқ маданияти ва маънавиятининг юксалиб, жаҳонга маълум бўлишида истеъдодли инсонларнинг ҳиссаси улкан бўлган. Бетакрор инсоний заковат ва истеъдод эгалари бўлган Абу Наср Фаробий, Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур кабилар Мовароуннаҳр фани ва маданиятини оламга танитганлар.

Истиқлол (арабча «истиқлол» - кўтариш, қаддини ростлаш, ўсиш, юқори жойга эришиш) – ҳар бир инсон, жамоа, давлат, миллатнинг

ривожланиши учун зарур эркинлик шароити. «Истиқлол» сўзи бошқаларга тобе бўлмай, ўз эрки билан яшаш, ўзини – ўзи идора қилиш, эркинлик маъноларини билдиради.

Истиқлол – ўзаро ҳурмат, бир – бирини тан олиш, бир – бирини қадрлаш асосида мамлакат фуқоролари ўзаро муносабатида ҳам, жаҳон давлатлари ўртасидаги алоқаларда ҳам ана шу умуминсоний қадриятларга таяниш, ана шу умуминсоний мезонлар асосида яшаш демакдир.

Истиқлол – бу эркин ва кенг дунёқараш, бой ва буюк тафаккурдаги суяниб яшаш демакдир.

Истиқлол бизга ўзлигимизни англатади.

Истиқлол мафкураси кўп миллатли Ўзбекистон халқининг эзгу ғоя – озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлидаги асрий орзу – интилишлари, ҳаётий идеалларини ўзида акс эттиради.

Истеъдод – алоҳида инсонларга хос табиий сифат бўлиб, унинг фаолияти ижтимоий ҳаётда намоён бўлади. Истеъдод табиат маҳсули, инъомидир. У шундай бўлишига қарамай кишилик жамияти билан бевосита боғлиқ. Истеъдод инсонларга хос фазилатдир. Маънавияти, маданияти ривожланган жамиятда ҳар қандай истеъдод шаклланади, камол топади. (Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар (*Ибрагимова Г., Тўрақулов Х.А., Алибекова Р.*).

Истеъдод – ҳар томонлама ривожланган, ниҳоятда кучли ва такрорланмас қобилиятдир. Қобилиятни тинимсиз меҳнат туфайли тарбиялаш, такомиллаштириш мумкин. Истеъдодни эса тарбия билан вужудга келтириб бўлмайди. Истеъдодда қандайдир инуитив билим ва малакага таяниш мавжуд. Шу жиҳатдан қобилиятли одамлар тинимсиз меҳнат туфайли эришган ютуқларга истеъдодли кишилар ҳам жисмоний куч сарфлаб эришишлари мумкин. Қобилиятли рассом бир неча кунда

ишлаган асарни истеъдодли рассом қисқа вақт ичида яратиши мумкин. Истеъдодли кишининг хатти-ҳаракатини аждодлардан ўтиб келаётган ирсий хотира ҳам тафаккур орқали бошқаради, деган эҳтимол ҳам йўқ эмас. Халқимизда бир оққан дарё яна оқади, деган нақл бор. Аждодида буюк олимлар ўтган авлод фарзандлари орасида бирор истеъдод эгаси бўй кўрсатиб қолганда, бу ибора тилга олинади ва бу ҳолни табиий деб, шундай бўлиши керак, деб тушунилади. Яъни истеъдод туғма-ирсий неъмат деб ҳисобланади.

Истеъдод эгалари камёб бўлишади, алоҳида-алоҳида олганда уларни танҳо, такрорланмас дейиш мумкин. Демак, истеъдод эгаси ноёб ҳодиса экан, уларни авайлаш ва қадрлаш зарур. Улар миллатнинг юзи ва маънавий бойлигидир.

Исҳоқхон Тўра Ибрат (1862 - 1937) маърифатпарвар шоир, забардаст тилшунос, тарихшунос олим, илк ўзбек матбаачиларидан бўлиб, 1862 йилда Наманган яқинидаги Тўрақўрғон қишлоғида туғилган.

Дастлабки маълумотни эски мактабда, сўнгра онасининг қўлида олади. Кейинроқ Қўқонга бориб мадрасага ўқишга киради.

Исҳоқхон Ибрат 1886 йилда мадрасани тугатиб, Тўрақўрғонга қайтиб келади. У ўз фаолиятини педагог сифатида қишлоқда маърифат тарқатишдан бошлади. Ўша йили эски маҳаллий мактаблардан анча фарқ қилувчи янгича мактаб очади.

Исҳоқхон Ибрат 1887 йилда сарафага отланади. Сўнг у Шарқ мамлакатлари бўйлаб саёҳатни давом эттиради. Европанинг Истанбул, София, Афина, Рим каби марказий шаҳарларда бўлди, анча вақт Жидда шаҳрида истиқомат қилади, Бомбей ва Камлькуттада яшайди. Исҳоқхон у ерларда ишлатиладиган араб, форс, ҳунду, урду ва инглиз тилларни мукаммал ўрганади. У 1896 йилда ўз ватанига қайтиб келди. 1901 йилда

«Луғати ситта алсина» асарини босмадан чиқаради. Мазкур луғат жадид мактабларида шарқ ва рус тилларини ўрганишда бирдан – бир қўлланма сифатида фойдаланиб келинди.

Исҳоқхон Ибрат 1912 йилда ёзувлар тарихига бағишланган «Жомеъ ул - хутут» («Ёзувлар мажмуаси») асарини яратди ва ўз матбааси «Матбаои Исҳоқия» да босмадан чиқарди.

Ибрат чин қалбдан ўз халқининг илмли, маърифатли бўлишини истади. Кейинги 20 йил ичида 14 та илмий тарихий, лингвистик асар ёзди. 30 йиллик поэтик ижодининг мажмуи бўлиши «Девони Ибрат» шеълар тўпламини тузди. Тарихшуносликка оид «Тарихи Фарғона», «Тарихи маданият» ва «Мезон уз - замон» илмий асарларини яратди.

Ибратнинг сўнгги йиллардаги ҳаёти анча таҳликали ўтди. 1935 йилдан эътиборан ҳамма лавозимлардан олиб ташланди. 1937 йилнинг апрел ойида 75 ёшли кекса шоир ва маърифатпарварни ҳибсга оладилар. Ибрат Андижон турмасида вафот этади. Исҳоқхон Ибрат қабрининг қаердалиги номаълум.

Ихтилоф - бирон бир жамоа муҳитидаги шахсларнинг бир – бирини англамаслиги, манфаатларининг турли хиллиги, тушунчаларнинг номутаносиблиги, бир – бирини ёқтирмаслиги, қизиқишлари, қарашлари ва интилишларининг ўзаро мос келмасликлари натижасида юзага келадиган нохуш ҳолатдир.

Ихтиро – янгича ғоя, техник ечим бўлиб, амалиётда техниканинг исталган соҳасидаги муайян муаммони ҳал қилиш имконини берувчи ижодий фаолият маҳсули.

Ихтиро – халқ хўжалигининг турли соҳаларида, ижтимоий-маданий, қурилиш ва мудофаа соҳаларида ижобий самара берадиган, ўзига хос техникавий ёки технологик ечимга эга бўлган янгилик. Тор маънода – давлат томонидан тан олинадиган ва тегишли қонун билан

муҳофаза қилинадиган янги техникавий ечим. Ҳар қандай янгилик ихтиро бўлавермайди. Масалан, қуруқ илмий қоидалар, хусусан, кашфиётлар амалга ошириб бўлмайдиган, ҳаттоки, таклифлар (масалан, абадий двигатель яратиш ҳақидаги таклифлар) ихтиро ҳисобланмайди.

Ҳал қилинадиган масала фақат назарий эмас, балки амалий эҳтиёжларни қондирадиган бўлиши лозим. Ихтиро қонун билан муҳофозаланадиган давлатларда ҳар бир таклифнинг ихтиро бўлиш шарти белгиланади.

Ўзбекистон Республикасида ихтирочиси бўла олиш шароитлари ва уни таснифлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан 1994 йилда тасдиқланган «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат наъмуналари ҳақида» ги қонунда белгиланган.

Ихтиро бўйича талабномаларни экспертиза қилиш, муаллифлик гувоҳномаси ва патент бериш ишлари Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идоралари томонидан амалга оширилади.

Ихтирочилик ҳуқуқи – Ўзбекистонда фан ва техника соҳасида ихтиро яратиш, унинг расман тан олиниши ва қўлланилиши билан боғлиқ ҳолда вужудга келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солиб турадиган фуқаролик – ҳуқуқий меъёрлар мажмуи.

Ихтисослик – бирорта касб доирасида маълум бир фаолият тури учун махсус тайёргарлик ва иш тажрибалари билан эришилган зарурий билимлар, кўникма ва малакалар мажмуаси.

Ички мотивация – ўқув жараёни ўқувчи учун ҳам асосий ҳаракатлантирувчи кучга, эҳтиёжга айланиш истагининг шаклланиши.

Ишлаб чиқариш - кадрларга бўлган эҳтиёжни, шунингдек, уларнинг тайёргарлик сифати ва савиясига нисбатан қўйилган талабларни белгиловчи асосий буюртмачи, кадрлар тайёрлаш тизимини

молия ва моддий-техника, жиҳатдан таъминлаш жараёнининг қатнашчиси.

Ишлаб чиқариш педагогикаси – ишлаб чиқаришда ишлайдиган шахсларга таълим ва тарбия бериш қонуниятларини ўргатади *(Джураев Р.Х., Турғунов С.Т)*.

Ишланма – бир-бири билан алоқада бўлган ғоялар (фикрлар, натижалар, нарса ва ҳ.к.) тўплами. Кўпинча бир-бирининг ўрнини босадиган (натижа, алгоритм, модель, тавсия ва ҳ.к.) тайёрланади. Фикрлаш натижасидаги ишланмалар ўқитишнинг мақсадларига хизмат қиладиган тамойиллар, услубиятлар ичида бир-бирининг ўрнини босиш имконини беради.

Ишчи тизимлари – катта миқдордаги маълумотларни йиғиш ва сақлашга мослаштирилган маълумотларни ишлаш ва қайта ишлашларни, моделлаштиришни ҳамда уларни дастурий таъминот билан таъминловчи муайян йўналиш бўйича фойдаланишга тайёрланган яхлит тизим.

Ишчи фараз (ИФ) – кузатилган омилнинг, жараённиг ёки ҳодисанинг эҳтимолий, башоратли, фаразий ривожини келтириб чиқарадиган тадқиқотчи томонидан асосланиб айтилган фикр, қараш. ИФ ни шакллантиришда мавжуд билимлар (таҳлил қилинган), чегарасидан чиқадиган янги мазмунли ҳолатлар ифодаланади ва эҳтимолий фаразий ҳолатларда янги ғоялар, қарашлар, таълимотлар олға сурилади ҳамда улар асосида янги илмий натижалар пайдо бўлиши режалаштирилади.

Ишчи ўқув дастури – муайян ўқув предмети учун намунавий ўқув дастури асосида ишлаб чиқилган ва ўқитишнинг тўлиқ мазмунини очиб берувчи ҳужжат.

Ишчи ўқув режаси – муайян таълим муссасаси учун ўқитиш жараёнининг календар – тақвим тузилмасини ва босқичларини ифодалайдиган намунавий ўқув режаси асосида ишлаб чиқилган ҳужжат.

Иқтидор – инсоннинг ўз хатти-ҳаракатларига нисбатан субъектив муносабатига айтилади. У шахснинг ўз хулқи эканлигига комил ишончи қатъийлиги натижасида намоён бўлади. Бирор соҳа бўйича лаёқатини онгли равишда сезган одам ўзидаги қобилиятни тўла намоён қилиш учун қатъий кўрсатади. Иқтидорлилар куч-қувватини аямайди ва кутилган натижасига – мақсадига етади, яъни, ўзини кўрсата олади, ана шуни иқтидор деса арзийди. Иқтидорли инсонлар ишда мардлик, чидамлик, ўз-ўзини бошқара олиш, ташаббускорлик каби хислат ва фазилатларга эга бўлишади, ўз хатти-ҳаракатларига ҳамиша танқидий кўз билан қарайдилар, доимо олға интиладилар, эришган натижалари билан ҳеч қачон чекланиб қолмайдилар. Улар ўз фаолияти билан баъзи бир камҳаракат катта истеъдод эгаларига қараганда жамиятга кўпроқ фойда етказадилар.

Иқтисодий маданият – маданиятнинг бу қисмини ўзлаштириш кўрсаткичлари ва натижалари – иқтисодий лаёқатлилиги: замонавий иқтисод, ишбилармонлик фаолияти асослари тўғрисида тасаввурга эга бўлиш, тадбиркорлик асосларини билиш ва бошқалар.

Иқтисодий маълумот – иқтисодий таълим – тарбия натижасида олинган ва тизимлаштирилган билим, ҳосил қилинган кўникма, малакалар ҳамда шаклланган дунёқарашлар мажмуи.

Иқтисодий тарбия – шахсни иқтисодиёт асослари билан таништириш, тежамкорлик, меҳнатсеварлик, ташаббускорлик, ишбилармонлик, иқтисодий ҳисоб – китоб ва шу кабилар ҳақида фикрлай олиш каби қобилиятни камол топтиришдир.

Иқтисодий тарбия – бу таълим олувчиларга иқтисодий билимларни бериш негизида мамлакат иқтисодий барқарорлигини таъминлаш, бозор инфраструктураси қоидаларига амал қилиш, ички бозорни тўлдириш, кичик ва ўрта бизнесни яратиш борасидаги фаолият жараёнида иштирок этиш кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, инсон меҳнати билан бунёд этилган моддий бойликларни асраш, уларни кўпайтириш қайғуриш туйғуларини қарор топтириш, иқтисодий маданиятни шакллантиришдир.

Иқтисодий тарбия - бу одамнинг маънавий етуклигини, мулкка нисбатан тежамкорлик ҳислари юксаклигини ҳамда ушбу йўналишда тарбияланганлигини таъминловчи тарбия йўли. Ушбу йўналиш бўйича мукаммал тарбияланган одам – элнинг эъзозидан, халқнинг ҳурматидан тушмайдиган одамдир. Иқтисодий тарбия аҳлоқий тарбия сингари инсоний фазилатларни, киши қадрини оширувчи сифатдир.

Иқтисодий таълим – бу махсус тайёрланган кишилар (мутахассис педагоглар) раҳбарлигида амалга ошириладиган жараён бўлиб, унда таълим олувчига иқтисодий таълим бериш, яъни иқтисодиётнинг маълум тамойиллари, қонун-қоидаларини ҳамда категорияларини тушунтириш ва иқтисодиётнинг маълум соҳалари ҳақидаги билимларни ўқитиш амалга оширилади. Иқтисодий таълим педагогикаси иқтисоднинг умумий асослари ҳақида бахс юритади.

Иқтисодий таълимнинг асосий мақсади – ўқувчи (талаба)га иқтисодий фаолият субъекти сифатида қаралган ҳолда ўқувчиларнинг келажакдаги ҳаёт фаолиятларини ошириш ва бунинг учун иқтисодий фаолият тузилишини ўрганиш, ундаги ўзининг ўрнини ҳис этиш, замонавий иқтисодий хулқ-атвор меъёрларини иқтисодий маданиятни эгаллаш, замонавий иқтисодий фикрлашни шакллантириш, меҳнат

воситаларига ва натижаларига тежамкорлик муносабатини тарбиялашдан иборат.

Иқтисодий функция – бўлажак мутахассисга тегишли функция бўлиб, унда ўзининг мутахассис сифатида шаклланганлигини эътироф эта олиш ва унга кетган давлат сарф – ҳаражатларини чуқур ҳис қилмоғи лозим ва мутахассиснинг шулар асосида, яъни, ўз касби доирасида иқтисодий фойда келтириш ёки иқтисодий фойда учун маънавий ва моддий жараённи яратиш фаолиятидир.

Иқтисодиёт – юнонча сўздан олинган бўлиб, уй хўжалигини бошқариш деган маънони билдиради.

Иқтисодиёт – инсон фаолиятининг истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш, унинг натижаларини ўзлаштириш, унинг натижаларини ўзлаштириш, мавжуд моддий ва меҳнат имкониятларидан фойдаланиш соҳасидаги ижтимоий муносабатларнинг муҳим томонидир.

Й

Йиллик тақвим режа – бу ўқув режасини бажариш учун аниқ хатти-ҳаракатлар мазмунини ўз ичига олувчи таълим олувчиларнинг таълим олиши ва зарур амалий кўникмаларга эга бўлиши юзасидан ўз мақсадларини ифодаловчи ҳужжатдир. Унда фанларнинг ўз хусусиятларидан келиб чиқиб, чорак, ярим йиллик, йиллик ва бошқа кўринишдаги ўқув фанларининг, дарс мавзуси ва мазмуни, дарс ва ўқитиш мақсадлари, дарсни ташкил этиш ва фойдаланиладиган усуллари, унинг аниқ вақти ҳамда таълим олувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш мезонлари каби таркибий қисмлар ифодаланади. Унинг **асосий мақсади** тўғри йўналишни белгилаб олиш,

шу асосда самарали билим натижаларига эришишдан иборат *(Тўрақулов О.Х.).*

Йўриқнома технологик харитаси (ЙТХ) - мажмуавий (интегратив) дарс машғулотларини олиб боришда тушунчалар (билимлар) нинг қатъий изчиллиги ва унда ифодаланган маълумотларни ахборот кўринишига келтириб ўрганиш бўйича усуллар, йўллар, кўрсатмалар ва навбатдаги тушунча (билим) ни ўрганишга кўрсатмали-технологик топшириқлар тўла режасидан иборатдир.

Йўриқнома харита – ўқув жараёнининг асосий вазифаларидан бири бўлиб, ўқитишни алгоритмик тарзда режалаштиришга ўргатиш воситасидир.

Йўриқнома харита – машқларни бажариш изчиллиги, ҳаракатлар тартиби ва меҳнат усуллари бўйича йўриқномаларни ифодаловчи ҳамда таълим олувчиларни ишлаб чиқариш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилувчи технологик босқичлардан иборат бўлган ўқув йўриқномасидир *(О. Тўрақулов).*

К

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш – касб билимлари ва кўникмаларини чуқурлаштириш ҳамда янгиланишни таъминлайдиган махсус белгиланган жараён.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури – кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилишдир, яъни, Республиканинг демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамият қуриш йўлидан изчил илгарилаб бориш; мамлакат иқтисодиётида туб ўзгаришларнинг амалга оширилиши, республика иқтисодиёти, асосан хом ашё йўналишидан рақобатбардош, пировард натижада маҳсулот ишлаб чиқариш йўлига изчил ўтаётганлиги, мамлакат экспорт салоҳиятининг кенгайганлиги;

давлат ижтимоий сиёсатида шахс манфаати ва таълим устуворлигини қарор топтириш; миллий ўзликни англашнинг ўсиб бориши, ватанпарварлик, ўз ватани учун ифтихор туйғусини шакллантириш, бой миллий маданий-тарихий анъаналарга ва халқимизнинг интеллектуал меросига ҳурмат уйғотиш; Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграцияси, республиканинг жаҳондаги мавқеи ва обрў-эътиборини мустаҳкамланиб боришига эришиш.

Унинг мақсади таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг миллий тизимини яратишдир. Вазифалари «Таълим тўғрисида»ги ЎзРнинг Қонунига мувофиқ таълим тизимини ислоҳ қилиш; давлат ва нодавлат таълим муассасаларида ҳамда таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида рақобат муҳитини шакллантириш негизида таълим тизимини ягона ўқув илмий ишлаб чиқариш мажмуа сифатида изчил ривожлантиришни таъминлаш; таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини жамиятда амалга оширилаётган янгиланиш, ривожланган демократик ҳуқуқий давлат қурилиши жараёнларига мослаш; кадрлар тайёрлаш тизими муассасаларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, педагогик фаолиятнинг нуфузи ва ижтимоий мақомини кўтаришдан иборат.

Кадрлар тайёрлаш тизими ва мазмуни мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти истиқболларидан, жамият эҳтиёжларидан, фан, маданият, техника ва технологиянинг замонавий ютуқларидан фойдаланган ҳолда қайта кўриб чиқиш; таълим олувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг ва маърифий ишларнинг самарали шакллари ҳамда услубларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш; таълим ва кадрлар тайёрлаш, таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш ва

акредитация қилиш сифатида баҳо беришнинг холис тизимини жорий қилиш ва шу кабилар.

Янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда таълимнинг талаб қилинадиган даражаси ва сифатини, кадрлар тайёрлаш тизимининг амалда фаолият кўрсатиши ва барқарор ривожланишнинг кафолатларини, устуворлигини таъминловчи норматив, моддий-техника ва ахборот базасини яратишда кенг фойдаланилади.

Таълим, фан ва ишлаб чиқариш самарали интеграциялашувини таъминлаш, тайёрланаётган кадрларнинг миқдори ва сифатига нисбатан давлатнинг талабларини, шунингдек, нодавлат, корхоналар ва ташкилотларнинг буюртмаларини шакллантиришнинг механизмларини ишлаб чиқиш янада ривожлантирилади.

Узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимига бюджетдан ташқари маблағлар, шу жамладан чет эл инвестицияларини жалб этишнинг реал механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишни амалга оширади. Кадрлар тайёрлаш соҳасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга имконият яратади.

КТМДга қўшимча «Таълимнинг миллий модели – Ўзбекистон Республикасида таълим тизимини янгиланган соғлом педагогик тафаккур асосида тубдан ислоҳ қилиш, таълим-тарбия муассасаларида тайёрланган кадрларни интеллектуал, маънавий ва аҳлоқий савиясига кўра ривожланган мамлакатлардаги даражага етказиш бўйича белгиланган назарий-методалогик, амалий-педагогик ёндашувлар мажмуи. Таълимнинг миллий моделида маънавий интеллектуал жиҳатдан баркамол шахснинг ўз ижодий қобилиятини тўла намоён этишни таъминлаш кўзда тутилади» (Жўраев Н. «Агар огоҳ сен...»- Т..: Шарқ, 1998й. 220 бет.)

Кадрлар тайёлаш миллий модели – унинг асосий таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат:

Шахс – кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи.

Давлат ва жамият - таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширувчи кадрлар тайёрлаш ва уларни қабул қилиб олишнинг кафолатлари.

Узлуксиз таълим - малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турларини, давлат таълим стандартларини, кадрлар тайёрлаш тизими тузилмаси ва унинг фаолият кўрсатиш муҳитини ўз ичига олади.

Фан - юқори малакали мутахассислар тайёрловчи ва улардан фойдаланувчи, илғор педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқувчи.

Ишлаб чиқариш - кадрларга бўлган эҳтиёжни, шунингдек, тайёргарлик сифати ва нисбатан қўйиладиган талабларни белгиловчи асосий буютмачи, кадрлар тайёрлаш тизимини молия ва моддий-техник жиҳатидан таъминлаш жараёнининг қатнашчиси.

Кайковус (XI аср) *Тўлиқ исми* – Унсурул Маолий Кайковус. Ҳаёти ҳақида тўлиқ маълумот йўқ. У Ғарбий Эрон подшоҳи Шамсул Маоний Қобуснинг набираси бўлган.

Асарлари: Кайковус ўғли Гилоншоҳга атаб «Қобуснома» асарини 60 ёшида ёзади. Асар панд-насиҳат тарзида ёзилган бўлиб, унда ёшлар тарбиясида жувонмардлик талабларидан энг муҳими ахлоқ тарбиясига алоҳида эътибор беради. Кайковус ёшларда юксак ахлоқий фазилатларни таркиб топтиришни истайди, ёшларни доимо тўғриликка, яхшиликка, адолатлиликка ундайди. Асарда асосан ўзгаларга нисбатан

инсоний муносабатда бўлишлик уқтирилади. Ушбу асар мазмунини талабаларга етказиб бериш натижасида талабаларда адолатлилик, сахийлик, самимийлик, инсонпарварлик, қаноатлилик каби ижобий сифатларни таркиб топтириш мумкин.

Камтарлик – инсонни, унинг маънавий оламини безовчи бебаҳо фазилатлардан биридир. Ҳақиқий камтарлик, инсонпарварлик, одамийлик каби хислатлар билан узвий боғлиқдир. Камтар одам ўзини ҳеч қачон меҳнаткаш халқдан устун қўймайди. Халқ билан доимо бир тан, бир жон бўлиб яшайди. Оилада, турмушда, юриш – туришда, кийинишда оддий одамларга нисбатан самимий муносабатда бўлади.

Камтарлик - ахлоқий тушунча. Шахс кишиларга ва ўз-ўзига муносабатини ифодалашда ўзига нисбатан ортиқ ҳурмат ва эътиборни талаб қилмасликда намоён бўлувчи фазилат. Кишилар билан яхши муомалада бўлишда, бошқаларга ҳурмат билан қарашда, ўзини бошқалардан устун қўймасликда, ўзининг муваффақиятидан мақтанмасликда, ўз хатти-ҳаракати ва хулқига танқидий кўз билан қарашда кўринади. Камтарликнинг зидди – манманлик, мақтанчоқлик, кибру ҳаволик ва шу кабилар. (ЎзМЭ. Т.: 2002, 4-том, 422-бет).

Касб – кишининг меҳнат фаолияти, доимий машғулот тури; иш турини малакали бажаришга имкон берадиган билим, маҳорат, тажрибани талаб этади. Касблар ичида меҳнат фаолиятининг энг тор соҳаси билан ажралиб турадиган ихтисосликлар бор. Масалан, врач касбига хирург, офтальмолог, невролог, дерматолог ва бошқалар. Касб, одатда, шахснинг асосий тирикчилик манбаи ҳисобланади.

Касб – махсус тайёргарлик ва иш тажрибаси натижасида маълум бир соҳада касбий фаолиятни амалга ошириш учун назарий билимлар мажмуасини, амалий кўникма ва малакаларни эгаллаган, унга жисмоний

имконият, ақлий қобилият ва юридик ҳуқуқларни таъминловчи инсоний меҳнат фаолиятининг тури.

Касб-ҳунар таълими педагогикаси – умумий ўрта таълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари ёшида бўлган болалар, академик лицей ва касб – ҳунар коллежи шарт – шароитларидаги ўқув – тарбиявий жараённинг ўзига хослигини тадқиқ этади *(Джураев Р.Х., Турғунов С.Т).*

Касбий билимдонлик – ўқув дастури йўналишида илмий асосланган билимга эгалиги, услубий асосланган амалий фаолият кўрсата олиш қобилияти, мавжуд фаолият даврида учраган муаммолар ечимини мустақил топишнинг оптимал усулларини эгаллай олганлик қобилиятлари мажмуидир.

Касбий – йўналтирилган ўқитиш технологияси (КЙЎТ) – таълим олувчиларда бўлажак касбий фаолияти учун муҳим шахс сифатларини, шунингдек, вазифаси бўйича функционал мажбуриятларни бажаришини таъминлайдиган билимлар, кўникма ва малакаларни шакллантира оладиган технологиядир *(Базарова С.Д.).*

Касбий маданият – меҳнат фаолиятида намоён бўлади. Маданиятнинг бу қисмини ўзлаштириш кўрсаткичлари ва натижалари касбий лаёқатлилиги, ишлаб чиқариш, фойдаланиш, ишчи ҳолатида сақлаб туриш қобилиятлари, касбий ҳаракатчанлик; ўқиш, билимларни ва қурилмаларни қўллаш малакасини ошириш; ихтисосланиш қобилияти; ташкилий лаёқатлилиги – касбий фаолиятнинг масалалари тўғрисида ўзини-ўзи ахборот билан таъминлаш, ўз хатти-ҳаракатларини биргаликдаги фаолияти бўйича ҳамкасб шериклари билан мувофиқлаштириш, қарор қабул қилишда ўзини-ўзи идора қилиш, мустақиллик, якуний натижага йўналтирилган ўзини-ўзи текшириш, расмий шахслар билан иш юзасидан олиб бориладиган муносабатларни

тузишда, ишга олиш ҳужжатларини расмийлаштиришдаги касбий, ахлоқий кўриниши иш жойини ва асбобларни тутиши, илғор тажриба, инновацион жараёнлар, замонавий технологияларни англаш ва қўллашнинг ижодий қобилиятларидир.

Касбий маҳорат ва лойиҳалаштириш - бошқарувда стратегия, стратегик мақсад ва вазифаларни тўғри белгилаш, қарорлар қабул қилиш, муассасанинг умумий фаолиятини лойиҳалаштириш, инновацион фаолиятини ташкил этиш бошқарув жараёнига тизимли ёндашувларни лойиҳалаш технологияларини жорий этиш ҳамда бошқарув усуллари, методлари ва тамойилларидан самарали фойдаланишдир *(Джураев Р.Х., Турғунов С.Т).*

Касбий тавсифнома – касбнинг таърифий модели. Касб-ҳунарга тегишли бўлган мутахассисликлар номлари: касбнинг вазифаси ва қўллаш доираси; малакани ошириш истиқболлари; ўқитиш чегаралари (касб-ҳунарга эга бўлиш учун талаб этиладиган умумий таълим даражаси); касбий муҳимликка эга бўлган шахс сифатларининг психологик-физиологик минимуми (тиббий ва ёшга оид чеклашлар); касбий фаолиятнинг таркибий предметлари мажмуаси.

Касбий тажриба – авлодларнинг ижтимоий тажрибасини ўзлаштириш ва уларни бошқарув амалиётида қўллашни таъминлаб берувчи тушунчалар тизими бўлиб, раҳбарнинг ўз фаолияти давомида фан-техника янгиликларига, илғор тажрибаларга таяниши ҳамда мазкур тажрибалар асосида ўзининг кўникма ва малакаларини шакллантириб бориши билан бир қаторда жамоа фаолиятини бошқаришдир *(Джураев Р.Х., Турғунов С.Т).*

Касбий тайёргарлик – аниқ касбий фаолият доирасида иш бажаришга имкон берувчи билимлар, кўникма ва малакаларни шакллантирувчи жараён.

Касбий тайёргарлик мазмунининг мажбурий минимуми – касбий тайёргарликнинг зарурий минимал даражасини таъминловчи компоненти касбий тайёргарлик таркибида, ўзлаштириш даражаларини кўрсатиб ўқув шаклларини, предмет соҳаларини катталаштирилган ўқув элементларини ажратиб кўрсатиш воситаси билан шаклланади.

Касбий тарбия – шахсни касбий шакллантиришнинг икки томони мавжуд. Шахснинг индивидуал хусусиятларга боғлиқ бўлган ички томони ва муайян жамиятнинг муайян ижтимоий-иқтисодий ва тарихий шароилари ва мақсадлари билан аниқлайдиган ташқи томонлари.

Бўлажак мутахассисни касбий меҳнат фаолиятига тайёрлаш ва меҳнат бозорида рақобат қила олишга тайёрлиги ва қобилиятини таъминлаш мақсадида ижтимоий етук шахсни шакллантириш ва ривожлантириш жараёни. Бу индивиднинг талаблари, қобилиятлари, руҳий-жисмоний имкониятлари ҳамда ижтимоий ва ижтимоий этник омиллар таъсирини ҳисобга олган ҳолда ўқув жараёни ва ўқув ишлаб чиқариш фаолияти доирасида дастурлаштирилади ва амалга оширилади.

Касбий фаолиятнинг мазмуний параметрлари – фаолият модели ва муайян касб-ҳунар (мутахассислик) моделларининг таърифий мажмуи. Касбий фаолият турлари ва ўқитиш предметларига мувофиқ билимлар ва малакалар ҳақида маълумотларни ўз ичига олади.

Касбий фаолият соҳаси – касбий билим, малака ва кўникмаларнинг қўлланиш доираси. Унинг номланиши иқтисодий-ижтимоий соҳалар номлари билан мослаштирилади.

Касбий функция – тегишли ўқув муассасаларининг битирувчисига тегишли бўлиб, шахснинг ҳаётда эгаллаган соҳасида фаолият кўрсата олиш, ўз касби доирасидаги билимларни ўзлаштириш ва уларни оғишмай амалда жорий эта олиш фаолиятидир.

Касб-ҳунар коллежи (КҲК) - ДТС лар доирасида **ЎМКҲТ** ни беради. Бунда ўқувчиларнинг касб-ҳунарга мойиллиги, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантириш танлаб олинган касб-ҳунар бўйича бир ёки бир неча мутахассисликни эгаллаш имконини беради.

Касб-ҳунар коллежлари – ЎМКҲТ ўқув юрти. Унга ЎзР да 1997 йил 29 августда қабул қилинган КТМД ва «Таълим тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ умумий ўрта таълим мактаблари 9-синфини тугатган ўқувчилар қабул қилинади. Бундай ўқув муассасаларида ўқиш муддати 3 йил. КҲК да ЎМКҲТ берилади ва унда ўқувчиларнинг касб-ҳунарга мойиллигини, лаёқатларини, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантириш, уларнинг танлаган йўналишлари бўйича бир ёки бир неча замонавий касб эгаллаш имконини берадиган ўқув муассасаси.

Касб-ҳунар коллежларида тайёрлов йўналишлари – аниқ касбий йўналиш фаолияти соҳасида мутахассисларга касбий таълим бериш доираси. Мутахассисларни касбий фаолиятнинг аниқ соҳаси бўйича тайёрлаш йўналишининг номи меҳнат фаолиятининг мазмуни ва хусусияти орқали аниқланади.

Касб-ҳунар таълими – Ўзбекистон Республикасида 1997 йил 29 августда қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида» ги қонунга мувофиқ умумий таълим мактаблари (9-синф) ни тугутган ўқувчилар қабул қилинади. Таълим муддати 3 йил. КҲК ўрта махсус касб-ҳунар таълими беради; ўқувчиларнинг касб-ҳунарга мойиллиги, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантириш, танлаб олинган касб-ҳунар бўйича бир мутахассислик ва 2-3 ишчи – касб малака кўникмаларини эгаллаш имконини беради. КҲТ ларида таълим олиш ўқувчиларга ўз билимларини чуқурлаштириш ва танланган ихтисосликларига эга бўлишини таъминлайди.

КҲК ларида ўқув дарсликлари олдинги ўқув босқичи – умумтаълим мактаблари ва кейинги поғонада турган олий ўқув юртларининг ўқув дастурлари билан ўзаро мутаносибликда бўлиб, таълимнинг узлуксиз ва изчиллик принципига амал қилади. КҲКларнинг битирувчиларига давлат томонидан тасдиқланган намунадаги дипломлар берилади. Бу дипломлар таълимнинг кейинги босқичларида ўқишни давом эттириш ёки эгалланган касб-ҳунар бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини беради.

Катта ёшдагилар педагогикаси – бу олий ўқув юртлари шарт – шароитлари асосида ёшларни тарбиялашнинг назарий масалалари ва методикасини ишлаб чиқадиган педагогика.

Каталог — 1. Излаб топиш қулайлигини ҳисобга олиб, тартибга солинган объектлар рўйхати.

2. Информатикада бир хил турдаги объектлар орасидан қидиришни таъминлайдиган маълумотларнинг тузилмасини аниқловчи маълумотнома. Объектлар сифатида маълумотлар элементлари, файллар, дастурлар, мижозлар, принтерлар, магнитли ва оптик тўпловчилар ва бошқалар бўлиши мумкин.

3. Амалий тизимларда талаб қилинган маълумотлар йиғмасини ўз ичига олган жилд жойлашган ерини топиш учун бошқарувчи дастур томонидан ишлатиладиган индекслар мажмуи.

4. Веб — ресурслар каталоги – бу тасвирлари билан бирга берилган интернет ресурсларига тизимлаштирилган ва рубрикатор асосида тартибга солинган мурожаатлар термаси. Каталоглар ихтисослашган (соҳа бўйича) ва умумий ҳамда худудий, миллий ва глобал турларга бўлинади.

Катталик – бирор объектни ҳарактерловчи ва унинг муайян бир нусхаси учун берилган сонли ёки матнли қийматни белгиловчи кўрсаткич *(Абдуқодиров А.А ва б.).*

Кафедра – бир ёки ўзаро боғлиқ бўлган бир неча фанлардан педагогик, услубий ва илмий ишлар олиб борувчи профессор-ўқитувчилар жамоаси.

Кафолат – (рус тилида гарантия) шахсларга юклатилган вазифаларни яратилган воситалар, йўллар, шарт-шароитлар асосида давлат талабларига (стандартларига) мос бажарилишини тўла таъминлаш *(Йўлдошев Ж., Йўлдошева Ф., Йўлдошева Г.).*

Кашфиёт – билим даражасига тубдан ўзгартириш олиб кирадиган илгари номаълум бўлган, аммо объектив мавжуд бўлган моддий дунёнинг ҳодиса, хосса ва қонуниятларини тушунтириб берувчи таълимотдир. Кашфиёт қуйидаги ҳолларда эътироф этилмайди: фойдали қазилмалар; ижтимоий фанлар соҳасидаги жўғрофий ва археологик ишланмалар.

Кашфиёт – изланиш, тадқиқот, илмий тадқиқот натижасида, баъзан тасодифан топилган, яратилган илмий янгилик. Унда табиат ҳодислари ва жамият қонуниятларини онгли равишда илмий идрок қилиш натижасида эришилади. Кашфиёт туфайли моддий дунёнинг илгари инсониятга маълум бўлмаган объектив қонуниятлар, хоссалари ва ҳодисалари маълум бўлади.

Кашфиёт инсониятнинг билиш жараёни даражасини тубдан ўзгартиради ва фан-техника инқилобининг асосини ташкил этади, яъни, фан ва техника тараққиётига тубдан янги йўналишларни бахш этади.

Кашфиётлар таълим ва тарбия технологияларини такомиллаштиришга асос бўлади, улар орқали таълим-тарбияда замон

талабига мос инновацион таълим технологияларини яратишга эришилади.

Инсоният тараққиётида жуда кўп кашфиётлар қилинган. Кашфиёт билан ихтирони бир-биридан фарқлаш керак, чунки кашфиёт қилиш натижасида муайян қонуниятлар яратилади, ихтиро натижасида муҳим янгиликлар яратилади.

Беруний, Ибн Сино, Ал-Хоразмий, Улуғбек, Ал-Фарғонийлар яратган қонуниятлар ҳам буюк кашфиётлар жумласига киради ва улар асосида мазкур соҳа ривожланиб, такомиллашиб бораверади.

Кашфиёт қонун билан муҳофазаланади. Илмий кашфиётлар ва ихтироларни рўйхатга олиш муаллифлик ҳуқуқини қонунлар билан мустаҳкамлаб қўйиш давлат тизими мавжуд. Ўзбекистонда кашфиёт ва ихтироларни муҳофаза ишлари билан Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси шуғулланади.

Квалиметрия – бу шахс интеллектуал ривожи ва тарбияси ҳақидаги сифатий маълумотларни унинг сонли ҳарактеристикаси орқали ифодалаш ҳақидаги педагогик метод.

Кереатив – бу тадқиқотчилик характерига эга. Ўқувчиларда ижодий тафаккурни жадал (мақсадга йўналтирилган) равишда ривожлантириш таълими.

Кибернетик китоблар – математик моделлаштириш воситалари ёрдамида ҳодиса ва жараёнларни ҳамда манбаларни ҳар томонлама ўрганиш ва тадқиқ қилишга ёрдам берувчи китоблардир.

Кибернетик методлар – бу ҳозирги замон ишлаб чиқариши, фани ва техникасининг талаб ҳамда манфаатларини турмушда синалган техника воситалари, ҳисоблаш математикаси ва кибернетик усулларини мактабшунослик ишида ва таълим-тарбиянинг бошқа жабҳаларида қўлланилишига оид методологик асослар.

Кибернетик тизимлар – бу кибернетика фани шуғулланадиган ва бевосита кибернетик методлардан фойдаланиладиган тизимлардир.

Кибернетика (юнонча – kubemetile – боқариш санъати) – ахборотларни қабул қилиш, сақлаш, уларни қайта ишлаш ҳамда ундан турли жараёнларни бошқаришда фойдаланиш билан шуғулланадиган фан. КФ автоматик бошқариш, ҳисоблаш техникаси, нейрофизиология ва математик мантиқларнинг назарий ҳамда амалиётларининг ривожланиши натижалари сифатида вужудга келди. КФ нинг техник асосини ЭҲМ лар ташкил этади. Улар инсон тафаккурига оид масалаларни ҳал қилишга кенг имкониятлар очиб беради.

«Кибернетика» терминини биринчи марта юнон файласуфи **Платон** тилга олган. Ўзбекистонда КФ ривожида академик В.Қ.Қобуловнинг хизматлари буюкдир. КФ асосан кибернетик тизимлар билан шуғулланиб, унинг назарий ўзагини ахборот (информация), кодлаш, алгоритмлаш, автоматлар, умумий ва муқобил ахборот тизимлар, қиёфаларни аниқлаш (разпознование образов), формал тиллар назариялари ташкил этади.

Кибернетика фани (КФ). XIX асрнинг иккинчи ярими XX асрнинг бошларида фан-техника мисли кўрилмаган даражада ривожланди. Бу даврда саноат, транспорт ва бошқа соҳаларни автоматлаштиришга киришилди. Автоматик бошқариш назариясининг ривожланиши асосида **кибернетика** фани вужудга келди.

Килобайт - 1024 байтга тенг бўлган, ахборот миқдорининг ўлчов бирлиги. Байт ахборот миқдорини ўлчашнинг асосий бирлиги. Масалан, рус алифбосининг битта рамзи компьютер хотирасида бир байтни эгаллайди.

Кимёдан ўқув дастурининг асосий вазифаси – ўқувчи (талаба)га айни фаннинг зарурий тушунчалари ва қонунлари асосида кимёвий

жараёнларни бошқариш, замонавий усуллар билан янги-янги моддалар олиш ва улардан нафақат саноат, қишлоқ хўжалиги миқиёсида, шунингдек, кундалик турмушда, оилада фойдаланишнинг умумий йўналишларини кўрсатиб беришдан иборат.

Кимё таълими стандарти – таълим муассасалари учун тузиладиган кимё таълими дастури ва ўқув материалларининг ҳажмини белгилаб берувчи мезон. Кимё таълимида ўқитувчиларнинг давлат ва жамият олдидаги вазифалари, бурчи ва жавобгарлигини қай даражада ҳис қилишларининг мезон ва меъёри.

Кириш назорати – касбий аҳамиятга эга бўлган умумий таълим фанлари бўйича билимларни баҳолаш. Ўқув муассасасига киришда амалга оширилади (суҳбат, тест ва бошқа синов турлари орқали).

Китоб – ахборотларни, ғоя, образ ва билимларни сақлаш ҳамда тарқатиш, ижтимоий-сиёсий, илмий эстетик қарашларни шакллантириш воситаси; билимларнинг тарғиботи ва тарбия қуроли; бадиий ва илмий асар ҳамда ижтимоий адабиёт. Халқаро статистикада ЮНЕСКО тавсиясига кўра ҳажми 48 саҳифадан кам бўлмаган, табоқлаб тикилган нодавлат нашрни шартли равишда китоб дейиш қабул қилинган.

Китоб билан мустақил ишлаш – ўқувчиларнинг нафақат тайёр билимларни ўзлаштиришни ва хотирада сақлаб қолишни, мустақил равишда ҳаракатларни бажариш маҳорати ва кўникмаларини шакллантиришга қаратилган фаолиятни таъминлашга қаратилган жараён *(Зуҳра Исмоилова)*.

Киши инсонийлиги математик модели – «кишининг инсонийлиги унинг тўплаган билими, яъни маънавий бойлигига тўғри пропорционал ва йиғиб қўйган моддий бойлигига тескари пропорционалдир *(Б.Зиёмуҳаммедов)*.

Ушбу қоида математик белгилар асосида қуйидагича ифодаланади:

$$K_i^D = \frac{\sum_{i=1}^{n} Б(M_Б)}{\sum_{i=1}^{n} Б(M_{g\bullet Б})}$$

Бу ерда:

K_i^D - инсонийлик даражаси кўрсаткичи.

$\sum_{i=1}^{n} Б(M_Б)$ - кишининг тўплаган билимлар йиғиндиси, яъни, маънавий бойлиги;

$\sum_{i=1}^{n} Б(M_{g\bullet Б})$ - кишининг мавжуд моддий бойлиги

Ушбу формула инсон камолоти босқичларига қараб ҳар хил даражаланади, яъни 17-25 ёш ёшларга бир вариант, 25-40 ёшларга яъна бир хил вариант, 40-60 ёшларга ҳам яъна бир хил вариант ва 60 ёш ва ундан катта ёшдагиларга бошқа вариант бўлади, чунки кишининг интеллектуал салоҳияти кўпроқ билими ва ҳаёт тажрибасига боғлиқ бўлади.

Демак, билим кишининг инсонийлигини белгиловчи асосий омил бўлиб уни бу борадаги интегралашган кўрсаткич деб айтиш мумкин.

Кичик мутахассис – умумтаълим ва касб-ҳунар таълими дастурини моваффақиятли ўзлаштирган ЎМҚХТ ўқув муассасалари битирувчиларига бериладиган малака даражаси. Кичик мутахассис:

- тегишли ижтимоий ишлаб чиқариш соҳасида унумли фаолият кўрсата олишни таъминлайдиган назарий ва амалий билимлар мажмуасига, касбий билим, малака ва кўникмаларга эга;

- мазкур жамиятда ўзининг муваффақиятли ҳаёт даражасини таъминлайдиган умумий ва касбий маданиятга, ижтимоий аҳамиятли хусусиятларга ва шахсий сифатларга эга.

Кичик технологиялар – ўқув тарбия жараёнининг алоҳида қисмларини ўз ичига олади. Бу айрим дидактик ва тарбиявий

масалаларни ҳал қилиш билан шуғулланади, яъни улар: таълим технологияси; дарс технологияси; билимлар ва тушунчаларни шакллантириш технологияси; талабалар ўзлаштиришини назорат қилиш ва ҳоказо.

Уларнинг вазифаси янги билим, янги билимларни ўзлаштириш ва мустақил ишлаш технологияларини, ҳаттоки, айрим фаолият турлари ва алоҳида шахсий ҳамда касбий сифатлар тарбиялаш технологияларини яратишдан иборат, шунингдек, ўзлаштирганликни ва тарбияланганликни назорат қилиш технологияси киради.

Кичик технологиялар таълим-тарбия жараёнини технологиялаштиришнинг кичик қисм тизимлардан (ҳаттоки тизим элементларидан бошлаб) яхлит тизимгача етказиб боришга мустаҳкам дидактик асос бўлиб ҳисобланади.

Кичик технологиялар ўрганилаётган билимларнинг дидактик тизими чуқур мазмунга эга бўлишлигини, билимларга тизимли нуқтаи назардан, ўқувчиларга билимларни эгаллашнинг оптимал йўлларини топиш муаммоларини ҳал қилишда қўлланилади.

Клавиатура — 1. Компьютерга рақамли, алфавитли ва бошқарувчи ахборотни киритиш қурилмаси.

2. Катта бўлмаган пластина — тугмачаларнинг ёки уларнинг тасвирларини аниқ тартибда жойлаштирилган тўлиқ тўплами. Уларни босиш ёки кўрсатиш буйруқлар ва рамзлар киритишни таъминлайди. Клавиатура компьютер билан мулоқот учун танланган тил рамзларини ва амалий тизим ёки маслак (платформа) томонидан ишлатиладиган буйруқларни ўз ичига олади. Чунончи, шахсий компьютернинг клавиатураси табиий тилнинг барча ҳарфлари, рақамлар, алгебраик ишоралар ва буйруқларни ифодалайди. Клавиатурада тугмачалар жойлашуви

қабул қилинган стандартларга мос келади, ишлатилаётган калитлар ва генерация қилинаётган кодлар билан белгиланади. Клавиатура экранда махсус тасвир ҳосил қилиш йўли билан ҳам ишлатилиши мумкин. Бундай клавиатурадан фойдаланишда ёруғлик пероси ёки бармоқ билан кўрсатиб ишлатилади.

“Кластер” (Тармоқлар) методи – ўқувчиларни мантиқий фикрлашга, умумий фикр доирасини кенгайтиришга, атамалар, тушунчалар ва воқеаларнинг бир – бири билан боғлиқлигини англаб олишга ўргатувчи метод ҳисобланади. Бу методдан асосан дарснинг якуний қисмида ёки боб юзасидан такрорлаш ўтказилганда, умуман, аввал эгаллаган билимларни такрорлаш ва мустаҳкамлаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Кодлаш — 1. Дастлакби алифбони объектли алифбога ўзгартириш жараёни.

2. Маълумотларни рамзлар кетма-кетлиги билан ифодалаш жараёни.

Когнитив – У атроф олам ҳақидаги билим доирасини кенгайтириш, дифференциалловчи тафаккурни шакллантириш, билиш эҳтиёжларни ривожлантириш таълими.

Комил инсон – инсон ақлий такомиллашуви босқичларидан бири. Комил инсонни шакллантириш ғояси ва уларни амалга оширишга бўлган интилишлар инсоният цивилизациясининг мазмун-моҳиятини ташкил этади. Комиллик инсонга хос хислат, ақлий-маънавий даража бўлиб, ҳар бир даврга хос мазмун-моҳият касб этади.

МАҚСАД-ВАЗИФАСИ: 1.Жамиятнинг умумий ривожига ҳисса қўшади. 2.Инсоният цивилизациясига ижобий таъсир кўрсатиш. 3.Комиллик мезонини такомиллаштириш ва барқарорлаштиришга

таъсир кўрсатиш. 4.Шахснинг баркамоллиги ёрдамида жамиятни бахт-саодатли қилишга интилишни кучайтириш.

АҲАМИЯТИ: 1.Инсонни эзгуликка интилтиради. 2.Бахт-саодатга йўллайди. 3.Гуманистик ғояларга содиқликни мадҳ этади.

Комил инсон ғоясини миллий истиқлол ғоясидан ажратиб бўлмайди. Унинг моҳияти жамиятни баркамол қилиш йўлидаги сай-ҳаракатларда намоён бўлади.

Комиллик – бу инсоннинг камолоти босқичларига бирма-бир эришуви жараёнидаги баркамоллик даражасига босқичма-босқич эришиш давомида ривожланиб боради.

Комил инсон тарбияси – бу таълим-тарбия жараёни орқали йўналтирилади ва педагогика фани асосида унга маънавий-маърифий асослар яратилади.

Бунинг учун қуйидаги манбаларни чуқур ўрганиш, таҳлил қилиш, ўзлаштириш ва ўз турмуш тарзимизда (кундалик фаолиятимизда) жорий этишимиз лозим:

- «**Авесто**» даги «Эзгу уй, эзгу фикр, эзгу амал» тизими бўйича фикр юрита олишликни амалга ошириш ва ёшлар тарбиясида улардан самарали фойдаланиш;

- **Қуръони Карим, Ҳадиси Шариф**лардаги манбалар бўйича ёшлар онгига маънавий-руҳий покликни сингдириш мезонлари ва тамойилларини яратиш;

- Абу Наср Фаробийнинг фозил одамлар ҳақидаги таълимоти асосида таълим-тарбия бериш (ТТБ);

- Ал-Беруний, Ал-Хоразмий, Абу Али ибн Сино ва Мирзо Улуғбекларнинг педагогик ва фалсафий қарашлари асосида таълим-тарбия бериш;

- Юсуф Хос Ҳожиб ва Аҳмад Югнакий асарларида тасвирланган бенуқсон инсонлар ҳақидаги таълимотлари асосида таълим-тарбия бериш;

- Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Бобораҳим Машраб, Имом ал-Бухорий, Ат-Термизий, Ал-Марғилоний, Ал-Мотрудий, Сўфи Оллоёр ва бошқаларнинг комил инсон ҳақидаги таълимотлари асосида таълим-тарбия бериш;

- Амир Темур «Тузуклари» ва Қозизоданинг «Ҳукмдорга ўгитлар» таълимотлари асосида таълим-тарбия бериш;

- Алишер Навоийнинг адолатли жамият ва комил инсон таълимоти асосида таълим-тарбия бериш;

- Мирзо Бобурнинг динлараро бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва бунёдкорлик ғоялари асосида таълим-тарбия бериш;

- Халқ педагогикаси намоёндаларининг баркамол шахс тарбияси ҳақидаги назариялари асосида таълим-тарбия бериш;

-Миллий уйғониш даври педагогикаси асосида таълим-тарбия бериш ва ҳ.к.

Комил инсон ғояси (КИҒ).

КИҒ - моҳияти жиҳатидан ҳам миллий, ҳам умумбашарий бўлиб, унда инсонга хос энг юксак маънавий ва жисмоний мукаммалликни ўзида мужассам этган ҳамда шаклланган мукаммалликни доимо эзгуликка ундайдиган олижаноб ғоядир.

КИҒ нафақат алоҳида шахсларни, балки бутун-бутун халқларни юксак тараққиёт сари етаклаган, уларни маънавият ва маърифат соҳасида истиқболли ютуқларга илҳомлантирган.

Комилликни орзу қилмаган, баркамол авлодларни вояга етказиш ҳақида қайғурмаган халқнинг, миллатнинг келажаги йўқ. Бундай халқ ва миллат таназзулга маҳкум.

Комиллик – меҳр-мурувват, адолат, тўғрилик, виждон, ор-номус, ирода, тадбиркорлик, матонат каби кўплаб асл инсоний хислат ва фазилатларнинг мажмуидир.

Тарихимизда комиллик тимсоллари жуда кўп: Алпомиш-халқимизнинг идеал қаҳрамони, ақл, фаҳм-фаросат, жисмоний камолот, мардлик ва ватанпарварликнинг бадиий тимсоли. Ҳазрат Навоий учун идеал-Фарҳод образи. Ақлий ва жисмоний камолот эгаси Фарҳод Нақшбанднинг «Дил ба ёру, даст ба кор» тамойилини ўзида мужассам этган шахс. Ойбекнинг «Навоий» романида эса Навоий – идеал образ. Айни пайтда у реал тарихий шахс, комил инсондир. *(Бунёдкор ғоялар: тузувчилар З.Исломов, Б.Исоқов, О.Юсупов, Д.Муҳаммадиев, С.МИнавваров. Т..: Ижод дунёси 2002й. 17-18 бетлар.)*

Комиллик – бу инсонинг ҳаётлигида амалга оширилган барча ишларнинг пок эътиқоди билан суғорилиши, ҳаққа интилиши, ҳақиқатга, ёруғликка яқинлашиш сари ҳаёт ва виждонидаги доғлар, нуқсонлар, гуноҳларни равшанроқ кўра билиш йўли. Комил инсонлар ўта ростгўй, покиза, иймонли, билимли, ҳаққа интилувчи, саховатли, бардошли ва самимий бўладилар. Комиллик – етуклик, бекаму кўстликдир.

Комиллик - инсоннинг ақлий камолати босқичларига мунтазам равишда (босқичма-босқич, кетма-кет) эришувчи жараёнидаги баркамоллиги даражаси.

Комиллик онгли инсонга хос ва мос хислат бўлган ақлий-маънавий даражадир. У инсоннинг ҳар бир камолат даврига хос ва мос мазмун-моҳиятга эга.

Комиллик хислатлари: нодонга нисбатан ақлли; лоқайдга нисбатан сергак; баҳлга нисбатан сахий; танбалга нисбатан серғайрат; қўрқоққа нисбатан ботир бўлишлари ва шу кабилар.

Комиллик жиҳатлари:-Ватанга содиқлик; миллатга садоқат; юртга ғамхўрлик; Ватанни севишлик; миллат тарихини яхши билиш; миллат тақдирига лоқайд бўлмаслик ва ҳ.к.

Комиллик мезонлари:-кишининг ички ва ташқи дунёси уйғун ҳолда бўлиши; соғлом фикрга эгалиги; оқилона ва одилона сўзи борлиги; амалий фаолиятда тили билан дили бирлиги ва шу кабилар.

Комилликда маънавий ва жисмоний гўзаллик уйғунлашган бўлади ва шунинг учун ижтимоий қадриятдир.

Умуман олганда Комиллик инсоний фазилатларнинг уйғунлашуви асосида шаклланиб боради.

Комиллик – бу инсоннинг ҳаётидаги амалга оширган барча ишларининг пок эътиқод билан суғорилиши, ҳаққа интилиши, ҳақиқатга, ёруғликка яқинлашиш сари ҳаёт ва виждонидаги доғлар, нуқсонлар, гуноҳларни равшанроқ кўра билиш йўли. Комил инсонлар ўта ростгўй, покиза, иймонли, билимли, ҳаққа интилувчи, саховатли, бардошли ва самимий бўладилар. Комиллик – етуклик, бекаму кўстликдир (*Ибрагимова Г., Тўрақулов Х.А., Алибекова Р.*).

Коммуникатив билимдонлик – ўқитувчининг кишилар билан алоқага кира олиш ва фикрларини тушунарли ифодалай олиш ҳамда эркин мулоқот қила олиш қобилиятлари мажмуи.

Коммуникатив-мунозара фаолият технологияси – технологияда ўқитувчининг ўқув жараёнини ташкил этишнинг оптимал вариантини ташкил этиши билан боғлиқ бўлиб, у ўқитувчининг ўқув жараёнига инновацион ёндашув қилган ҳолда уни ташкил этишни талаб этади. Бунда ўқитувчи эвристик суҳбат усулларни эгаллаган бўлиши ва таълим олувчиларнинг ўзаро мулоқотини ташкил қилишга шароит яратиши лозим.

Коммуникатив қобилият – бу ўқитувчининг ўз ўқувчилари, уларнинг ота – оналари билан, ҳамкасабалари, ўқув муассасаси педагогик жамоаси ва раҳбарлари билан педагогик жиҳатдан мақсадли фаоллашган муносабатларда бўлиш маҳсулидир.

Коммуникацион тизимлар – тармоқдаги компьютерлар орасида ахборотларни узатиш учун маршрутлаш (ҳарактерларни белгилаш) ва боғланишларни комутация қилиш вазифасини бажарадиган тизимлар *(Абдуқодиров А.А ва бошқалар «Ахборот технологиялари» Т..: Ўқитувчи 2002 й. 135 бет.)*

Коммуникация – бу субьектлар орасидаги ахборот алмашинувини амалга оширадиган жараён *(Йўлдошев Ж.,Йўлдошева Ф., Йўлдошева Г.).*

Комплекс – муайян мақсад сари тўпланган ҳодисалар ёки предметлар мажмуаси. У бир бутунликни ташкил этувчи ҳодиса ва предметлар мажмуасидан иборат.

МАҚСАДИ: Муаммо ечимига ёппасига ҳаракат қилишни ўргатиш.

ВАЗИФАЛАРИ: оммавий ечим топишга эришиш; ҳодиса ва жараёнларни ўрганишга бир бутунликда қарашга бўлган ҳаракатларни амалга ошириш.

Комплекснинг таълим-тарбиядаги роли ва ўрни беқиёс, чунки улар ёрдамида манба тўлиқ тадқиқ этилади ва умумлашган хулоса чиқариш имконияти кафолатланади ҳамда таълим-тарбия натижасини баҳолаш имкониятига катта ёрдам кўрсатади.

Комплекс манбани ёппасига ўрганиш лозим бўлганда қўлланилиб, умумлашган хулосалар чиқариш соҳасига тегишли. Кўпинча улар натижалари методологик асосдаги натижаларда намоён бўлади.

Комплекс манбаларни ёппасига батафсил ўрганишга бўлган ҳамма ҳаракатларда фойдаланилиб бораверади ва ҳар томонлама асосланган натижани қўлга киритишга ёрдам беради.

Компьютер - (инг. Computez-ҳисоблайман) олдиндан берилган дастур (праграмма) бўйича ишлайдиган автоматик қурилма, ЭҲМ билан бир хилдаги атама. Бироқ, компьютер ҳисоблаш ишларини бажаришдан ташқари унинг функциялари анча кенг *(*Ўз МЭ-Т.: ЎзМЭ, 2002.-4ж.-687 б*)*.

Таълим-тарбия жараёнини компьютерлаштиришда замонавий компьютерлар универсал дидактик воситалар (қурилма) бўлиб ҳисобланади ва уларнинг таълим-тарбия жарёнларининг оптимал вариантларини топишдаги роли беқиёс.

Компьютер – талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштиришда янги техник – унверсал восита бўлиб, уларнинг амалий тафаккурини кенгайтириб ва чуқурлаштириб, улардаги билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришни юқори даражага кўтаради.

Компьютер графикаси – компьютер ёрдамида ўрганилаётган объект бўйича моделларни ва уларнинг тасвирларини яратиш, сақлаш ҳамда керакли мақсадлар асосида уларни қайта ишлаш жараёнини амалга оширишдаги универсал техник-дидактик восита.

Компьютерда дастурлаш – компьютер учун дастур тузиш жараёни; компьютер дастурлари, дастурлар тузиш усуллари, уларни текшириш ва мукаммаллаштириш ҳақидаги фан.

Компьютерлаштириш (Комп) – турли жараёнларни (ўқитишда, шунингдек, турли кўринишдаги информацион ва ҳисоблаш таъминотларида) бошқаришда фойдаланиладиган маълумотларни йиғиш, сақлаш ва қайта ишлаш учун математик методлар, махсус дастурий таъминотлар ва ҳисоблаш техникаси воситаларида фойдаланиш жараёни.

МАҚСАДИ: Маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва узатиш ишларини автоматлаштириш.

ВАЗИФАЛАРИ: Интеллектуал салоҳиятни кўтариш; ақлий меҳнатни илмий асосда ташкил қилиш; таълим-тарбияда оптимал вариантларни кафолатлаш ва шу кабилар.

Комп. орқали таълим-тарбия жараёнига инновацион ёндашувлар қилишга имконият яратилади ва янги ахборот технологияларини жорий этишга кенг имкониятлар яратилади. Комп. ёрдамида янги кўргазмалилик таъминланади.

Комп. янги ахборот технологияларини яратиш ва жорий этишнинг барча жабҳаларида қўлланилади. Комп. таълим ва тарбияда универсал дидактик восита сифатида фойдаланилади.

«XXI аср – ахборотлаштириш асри» асрининг асосий негизини инсоният ҳаётининг турли жабҳаларини Комп. ташкил этади ва ҳодиса ҳамда жараёнларни ўрганишни автоматлаштиришга имконият яратиб боради.

Компьютерли дастур (КД) – юнонча «programma» - эълон, кўрсатма.

Компьютерли моделлаштириш – бу ҳодиса ва жараёнларнинг компьютерлардан фойдаланиб моделларини яратиш жараёнидир.

Ҳозирги кунда компьютерда моделлаштириш технологияси мавжуд бўлиб, унинг мақсади атрофимизни ўраб турган табиат, унда рўй берадиган ҳодиса, воқеаларни ва жмиятдаги ўзгаришларни англаш, тушуниб етиш жараёнини замонавий усуллар воситасида тезлаштиришдир. Компьютерда моделлаштириш технолдогиясини ўзлаштириш компьютер тизимларини (восита, қурилма сифатида) яхши билишни ва унда моделлаш технологияларини ишлата олишни талаб қилади *(Абдуқодиров А.А ва б.).*

Компьютерли таълим дастурлари – компьютерли таълим дастурлари, одатда 2 хил, яъни ахборот маълумотли ва назорат таълимий тартибда ўқитиш имкониятига эга бўлган турларга бўлинади.

Талабаларни масофадан туриб ўқитиш мобайнида ўз-ўзини билимини синаб ҳамда жорий ёки оралиқ синашда муҳим аҳамият касб этади.

Махсус ишлаб чиқариладиган ускунавий воситалардан фойдаланиш компьютерли таълим дастурларини яратиш жараёнини анчагина енгиллаштиради. Улар ёрдамида компьютер технологияларидан бехабар бўлган тарих, адабиёт, ҳуқуқ ва бошқа фан ўқитувчилари ҳам бемалол таълим дастурини яратиш мумкин.

Чоп этилган материаллар аудио ва видео ёзувлар билан биргаликда ўқув материалига киришни кенгайтириш ва соддалаштириш, ўқув материалини қулай ва кўргазмали таркиблаш учун, шунингдек,осон ҳаракатланиши (навигация) учун фойдаланилади.

Компьютерли ўйинлар (КЎ) – талабалар компьютер саводхонлигини ошириш воситаси бўлиб, улар асосан мавзуга оид назарий маълумотларни эгаллагандан кейин талабалар эгаллаши лозим бўлган билим, тушунча, кўникма ва малакаларини ўз хотирасида мустаҳкам эсда сақлаб қолишнинг техник-дидатик асосидир. Бунга асос қилиб асосан қаралаётган мавзуга тегишли назарий ва амалий маълумотлар, қизиқарли савол-жавоблар, тестлар, бошқотирмалар ва шунга ўхшашлар олинади.

КЎ мазмунан ўрганилаётган фанни ўзлаштиришни чуқурлаштиришга, ахлоқий, ақлий ривожлантирувчи таълим-тарбиявий сифатларга эга бўлмоғи лозим.

КЎни муваффақиятли амалга ошириш учун уларнинг тузилиши, мақсади, вазифлари, ҳаракатлари йўналишлари, эришиш керак бўлган

натижалар олиш ва таҳлил қилиш босқичлари қуйидагича бўлиши керак:

- **КЎ ни тайёрлаш даври.** Буни ўрганилаётган мавзу бўйича маълумотлар таҳлил қилинади. Мавзу режасига ва мавзуга тегишли таянч тушунчаларга эътибор берилиб ўйин режаси (алгоритми) ишлаб чиқилади. Бундан ташқари, талаба ўйин мақсади ва шартлари билан таништирилади ва компьютер билан мулоқот бошланади;
- **КЎ ни ташкил этиш даври.** Бунда талаба компьютерга мурожаат қилиш орқали, яъни компьютер билан мулоқот ўрнатиб, ўз вазифасини белгилаб олади ҳамда ўйиннинг кутилаётган натижаси ҳақида ахборот олади;
- **КЎни уюштириш.** Бунда талаба белгиланган вазифа ва қоида асосида ўйинни ўйнашга киришади;
- **КЎни натижалари.** Бунда ўйин натижасини компьютернинг ўзи талаба белгиланган мақсадга етиб келгандан кейин, рағбатлантирувчи фикр ва баҳо билан баҳолайди (хулосалайди). Акс ҳолда, компьютер талабага белгиланган мақсадга етиб келмаса, унга танбеҳ бериб (“мукофот” бериб) ўйинда мақсадга эришишга қўшимча кўрсатмалар беради.
- **КЎдан фойдаланишда қуйидаги талабларга риоя қилиш тавсия этилади:**
- топшириқни қисқа вақтда бажариш;
- ўқув жараёнини оддийдан мураккабга қараб йўналтириб, қўшимча муваффаққиятни кўзда тутиб, мураккаб топшириқларга ўтиб бориш тарзида ташкил қилиш;
- мунтазам равишда топшириқнинг нечоғлик тўғри бажарилганлигини назорат қилиш, яъни доимо тескари алоқа мавжудлигига эътибор бериш;

- ҳар бир топшириқ охирги тўғри натижасини олишгача бўлган кетма-кетликни аниқлаш, яъни топшириқни ҳал этиш алгоритмини тузиш;
- мақсадлар тизими (кетма-кетлиги) бўйича муваффақиятларга эришишни таъминлаш;
- ўқув жараёнини мақсадлар тизими асосида ташкил этишга бўлажак ўқитувчидаги ишончни шакллантириш:

Замонавий таълим назарияси ва амалиёти ўқитишда турли **ўйинлардан** фойдаланиш орқали бўлажак ўқитувчиларнинг ўз касбига янада қизиқишлари ортиб бориши ва таълим жараёнини ижтимоий ҳаёт билан боғлаши имконини бериши ва таълим самарадорлигини оширишни таъминлашлигини тасдиқламоқда.

Компьютерли ўқитиш тизими – «Компьютерли ўқитиш тизими қуйидаги вазифаларни бажаришга имкон берувчи ўқув методик ва дастурий-техник воситалар комплекси деб ҳисобланади:

- билимнинг аниқ предмет соҳасини ўрганиш;
- ўқув курсларида ишланмаларни қўллаш;
- ўқув жараёнини бошқариш….»

Бугунги кунда ўқув жараёнини ташкил этишда қўлланилаётган компьютерли ўқитиш тизимини қуйидаги синфларга ажратиш мумкин:

А) маърузани иммитацияловчи ва ўрганувчи материалини баён этишда аниқ режага эга бўлган маърузачи типидаги тизимлар;

Б) семинар, лаборатория машғулотларини иммитацияловчи ассистент типидаги тизимлар;

В) билимларнинг бошланғич даражасини ва ўқувчининг психологик ҳолатларини текширишга имкон берувчи репититор типидаги тизимлар;

Г) ўрганилаётган ва ёндош фанлар бўйича фойдаланишга мўлжалланган маълумотлар базасисини ташкил қилувчи маслаҳатчи типидпги тизимлар.

(Бекмирзаев Р. Фундаментал фанларни ўқитишда ЯАТ ларнинг қўлланилиши. «Табиий фанларни ўқитиш муаммолари» мавзусидаги республика илмий-усулибий анжумани. Жиззах, 2006. –175 бет.)

Компьютер тармоқлари – компьютерларда ўзаро ахборот алмашиш имкониятини бервчи қурилмалар мажмуи *(Абдуқодиров А.А ва бошқалар «Ахборот технологиялари» Т..: Ўқитувчи 2002 й. 135 бет.)*

Компьютер тизими – маълумотларни қайташ ишлаш. Маълумотларни қайта ишлаш жараёнини автоматлаштириш ва керакли жойларда ундан фойдаланишга узатиш.

Электрон ва электромеханик элементлар, алоқа тармоқлари, алгоритмлар, моделлар, мезон ва тамойилларни амалиётда жорий этишда фойдаланилади.

Конкурент (зид) гипотеза – нолинчи гипотеза зид бўлган Н, гипотезадан иборатдир.

Конститутция – давлатнинг асосий қонуни бўлиб, энг юқори юридик кучга эга бўлган ҳужжатдир. Конституция конституциявий тизим асослари, давлат тузилиш, давлат бошқарув шакли, шахснинг ҳуқуқ, эркинлик ва бурчлари, давлат органларини тузиш тартиби, уларнинг ваколатини белгилаб қўяди. Конституция меъёрлари билан жамиятдаги энг муҳим ижтимоий муносабатлар мустаҳкамланади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 1992 йил 8 декабрда Олий кенгаш томонидан қабул қилинган. Шу кун умумхалқ байрами деб белгиланган. Конституция муқаддима, 6 бўлим, 26 боб ва 128 моддадан иборат. Муқаддимада конституцияни қабул қилиш сабаблари ва мамлакатимиз олдига қўйилган вазифалар белгиланган.

Конституциямиз халқаро конституциявий тажрибаларни ўрганиш, халқаро ҳужжат қоидаларини инобатга олиш, миллий давлатчилик анъаналаримизни эътиборга олиш натижасида яратилган. У жаҳон андозаларига мос келиб, халқаро талабларга тўла жавоб беради. Конститутция халқимиз руҳиятини, ахлоқини акс эттира олган. У халқ ижодкорлиги маҳсули, ҳуқуқий онгимиздир. Инсонни энг олий қадрият даражасига кўтарувчи нормалар унда етарлича ўз ўрнини топган. Конституция қонунларимиз асоси, фаровон турмуш, хавфсизлигимиз гарови бўлган муқаддас ҳужжатдир.

2002 йил 27 январда ўтказилган умумхалқ референдуми натижасига кўра ҳамда қабул қилинган 2003 йил 24 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг Қонунга мувофиқ Конституциянинг XVIII, XIX, XX, XXIII бобларига тузатиш ва қўшимчалар киритилган.

Конституция – давлатнинг асосий қонуни. У давлат тузилишини, ҳокимият ва бошқарув органлари тизимини уларнинг ваколати ҳамда шакллантирилиши тартиби, сайлов – тизими, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, суд тизимини белгилаб беради.

Конституциявий ҳуқуқ - ҳар бир мамлакатнинг (жумладан, Ўзбекистоннинг ҳам) ҳуқуқ тизимидаги етакчи ҳуқуқ. Унинг етакчилиги шундаки, бошқа ҳар қандай ҳуқуқий тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларнинг асоси Конституциявий ҳуқуқда белгиланади (масалан, меҳнат ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқ ва бошқа ҳуқуқлар). Бундан ташқари, конституциявий ҳуқуқнинг ўзини тартибга соладиган ижтимоий муносабатлари мавжуд бўлиб, уни ҳуқуқ тармоғи сифатида кўрсатади. Конституциявий ҳуқуқ ижтимоий – иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий тузилишнинг асосларини, сайлов тизимини, инсоннинг асосий ҳуқуқ, эркинликлари ва бурчларини ўрнатувчи, тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндисидир.

Констируктивизм – бу ўрганиш назариясининг бир қисми бўлиб, унда қайд этилишича, кишилар ихтиролар ва талқинларни амалга ошириш воситасида янгилик яратадилар ёки пайдо қиладилар.

Конспект тузиш бирор материални (масалан маърузани) яхшироқ эсда сақлаб қолиш учунгина зарурдир, деган фикр мавжуд, бироқ бу ўринда ўзлаштираётган материални чуқурроқ ёки унинг янгича (яъни бошқачароқ нуқтаи назардан) ўрганиш мақсадида конспект тузиш янада муҳимроқ тадбирлардан ҳисобланади. Бунинг учун конспект қисқа, равон, тўлиқ ва аниқ бўлмоғи керак *(Зуҳра Исмоилова)*.

Концепция – ҳар бир педагогик технология фалсафа, психология, дидактик, таълим мақсадларига эришишнинг ижтимоий – педагогик далилларини ўз ичига оладиган аниқ илмий концепцияга таянишдир.

Концепция - «мақсадга етишишнинг хомаки режаси мазкур соҳада мавжуд қонуниятлар билан асослаб берилган босқич концепция ёки илмий асосланган тахмин дейилади.

Тахмин илмий асосланиб, концепцияга айланаётганда ўз босқичида қолиб кетиши ёки хомаки тахминнинг баъзи ўринлари тасдиқ топиб, баъзи ўринлари инкор қилиниши йўли билан концепцияга айланади. Хомаки тахминнинг ҳамма ўринлари юз фоиз концепция босқичига ўтмайди.

Илмий асосланиб, маромига етказилган тахмин концепцияга айланди, дейлик. Ҳар қандай илмий асосланган тахмин тўғри эканлигини билиш учун уни амалда синаб кўриш талаб қилинади. Мақсадга етишишнинг илмий асосланган тахминий режа (концепция) сининг амалда синаб кўрилиши тажриба дейилади.

Режа қанчалик илмий асосланган бўлмасин, тажрибадан ўтмаслиги мумкин. Бундай ҳолда ҳамма жараён бошидан қайтарилади. Яна бошқача тахмин қилинади ва ҳоказо. Кейинги фикрлар тажрибада

ўз тасдиғини топмаса, жараён яна қайтарилади ёки мулоҳаза босқичига қайтиб, мақсаддан кечилади. Чунки, тажриба ҳақиқат мезонидир. Фақат тажриба синовдан ўтган ва таърифи маромига етган билим ёки билимлар мажмуаси тўғри деб ҳисобланади ва шу соҳа фани ёки амалиёти назариясини бойитади». *(Зиёмуҳаммадов Б. «Комилликка элтувчи китоб»- Т.: Турон- Иқбол., 2006 й. 62 бет)*

Конфуцийлик – Хитой файласуфи Конфуций томонидан яратилган таълимот.

Космонавтика фани (КФ). Космонавтика (космос ва юнонча nautike – кемани ташқари санъати) – космик фазога парвоз қилиш; турли хилдаги космик аппаратлардан фойдаланган ҳолда космосни ва Ердан ташқаридаги космик объектларни ўрганишни таъминлайдиган фан ва техника соҳалари мажмуи.

Космополитизм – ватансизликни ёқлайдиган, миллий қадрият ва анъаналарни тан олмайдиган мафкура.

Кошифий (1440-1505). Тўлиқ исми – Ҳусайн Воиз Кошифий. У Хуросоннинг Сабзавор шаҳри Байҳақи кентида туғилган. Болалик ва ёшлик йиллари Сабзавор, Нишопур ва Машҳад шаҳарларида ўтади, у ердаги мадрасаларда таҳсил олади. Кошифий Ҳусайн Байқаронинг воизи (нотиғи), таъбирчиси, маслаҳатчиси бўлган. У Хуросон шаҳарларида ваъз айтиб, хулқ-одоб қоидалари, Қуръон ва ҳадис масалаларини шарҳлаб халқ орасида ҳурмат-эътибор қозонган. У Жомий ва Навоийлар билан ижодий алоқада бўлган.

Асарлари: «Ахлоқи Муҳсиний», «Ахлоқи Карим», «Сухайлий», «Жавоҳирнома», «Рисола дар илми эъдод» («Сонлар ҳақида рисола»), «Равзат уш шуҳадо» («Шаҳидлик боғи»), «Ойнаи Искандарий», «Тафсири Ҳусайний», «Рисолати Ҳотамий ёки Китоби Ҳотамнома» («Ҳотамтой ҳақида рисола»), «Саҳифаи шоҳи», «Бадое ал-афкор фи

санное ал ашъор». Унинг асарлари араб, форс, татар, урду, эски ўзбек тилларида чоп этилгн. Олим ахлоқий тарбиянинг назарий асосларини яратиб берган. Олим таъкидлашича, одоб – қалбни ёмон сўзлардан ва ножўя хулқдан сақлай олиш, ўзини ва ўзгаларни ҳурмат қила билишдир. Кошифий тарбияда ота-она ва мураббийларнинг вазифаларини белгилаб беради. Таълим жараёнида олимнинг педагогик қарашларидан кенг фойдаланиш ижобий самаралар беради.

Креатив таълим – бу таълим олувчининг ижодий қобилиятини ривожлантиришга, такомиллаштиришга йўналтирилган таълим бўлиб, у таълим олувчидаги яратувчанлик, бунёдкорлик қобилиятларни ўстиришга хизмат қилади. Creato – лотинча сўз бўлиб, у яратувчанлик, ижодкорлик маъноларни англатади. Буларни, яъни, ижодкорлик ва яратувчилик методларини тадқиқ этишни **креатив педагогика** ўргатади.

Кузатиш – илмий билимга тегишли ижодий фаолият бўлиб, илмий билишдаги амалий методлардан биридир. Унинг асосий вазифаси назарий тадқиқотлардан олинган натижаларни амалий жиҳатдан асослаб беришдан иборат. Илмий билишнинг кузатиш методи қадимдан маълум бўлиб, бугунги кунда ўз ўрни (роли) ва аҳамиятини йўқотган эмас. Демак, кузатиш методи доимо илмий тадқиқотчиларнинг асосий тадқиқот қуроли бўлиб келган. Кузатиш методи ёрдамида қуйидаги йўналишдаги муаммоларни самарали ҳал этиш мумкин:

1.Табиат ва жамият ҳодисалари ҳамда воқеаларини ўрганиш имкониятини яратиш йўналишидаги ижодий фаолиятда;

2.Кишилардаги диққат-эътибор ва ҳис-туйғуларни ўрганиш жараёнидаги ижодий фаолиятда;

3.Асаб тизимининг ташқи ифодалари ва уларнинг одам организмига таъсирлари, шунингдек, организмнинг турли ташқи муҳитга таъсирларининг моделларини тузишдаги ижодий фаолиятда;

4.Инсонлардаги ҳатти-ҳаракатлар, сир-синоатлар (сезгирлик, синчиковлик, хулқ-атвори, нутқ фаоллиги ва ҳ.к.) ни ўрганиш борасидаги ижодий фаолиятда ва шу кабиларда . Кузатишнинг мақсади: кузатилувчи вазиятга ишонч ҳосил қилиш.

Кузатиш объектлари: гурух; табиат; ҳайвонот олами; муомала жараёни; шахсларнинг турли фаолиятлари ва шу кабилар.

Кузатиш (илмий билиш) – илмий билишдаги амалий методлардан бири бўлиб, назарий тадқиқотлардан олинган нитажаларнинг амалий аҳамиятини асослайди.

МАҚСАД-ВАЗИФАСИ: 1.Табиат ва жамият ҳодисалари ва воқеаларини ўрганиш имконияти яратилади. 2.Кишилардаги диққат-эътибор ва ҳис-туйғулар ўрганилади. 3.Асаб тизимини ташқи ифодалари ва уларнинг одам организмига таъсирлари ўрганилади. 4.Инсонлардаги имо-ишоралар, сезгирлик, синчковлик, хулқ-атвори, нутқ фаоллиги ва шу кабилар ривожлантирилади.

Илмий билишнинг кузатиш методи қадимдан мавжуд бўлиб, ҳозирги замон илм-фанида ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Шу сабабли илмий изланувчиларнинг асосий тадқиқот қуролига айланган.

Қўлланилиши: 1. Воқелик содир бўлишини, атроф-муҳитни, инсон шахсини кузатиш муайян қисмлар, йўналишларга ажратишда. 2.Кузатишнинг кўлами, хусусияти ва ўзига хослигини аниқлаш, яъни, нималарга қаратилишини белгилаб олишда. 3.Кузатиш жараёнида барча ҳолат, аломат ва ташқи қиёфа, кўринишларнинг ўзига хослигини қайд этиш соҳасида. 4.Кузатиш давомида тўпланган омиллар, маълумотларни математик статистика методлари ёрдамида ҳисоблаш ишларида ва ҳ.к.

Кузатувчи вазиятга ишонч ҳосил қилиш жараёнида доимо фойдаланилади.

Кузатишнинг объекти: гуруҳ, табиат, ҳайвонот олами, муомала жараёни, шахснинг фаолияти.

Кузатишнинг предмети: руҳий ҳолат, ҳодиса, жараён, сифат, фазилат, хислат ва ҳ.к.

Кузатув методи – ҳодиса ва жараёнлар билан фаол танишувини амалга оширувчи методдан иборатдир.

Кузатув методи асосан қуйидаги йўналишларда ўз самарасини беради:

Кузатиш; фаолият маҳсуллари таҳлили; ўлчаш; кореляцион кузтувлар; маълумотлар йиғиш; тушунтириш методини кузатувга нисбатан қўллаш ва шу кабилар.

Кузатиш методининг асосий афзаллиги шундан иборатки, кузатиш режалаштирилган шароитларда ўтказилади, кузатиш кузатилаётган ҳодиса ва жараённиг мавжуд ҳолатини (хулқ-атворини) ўзгартирмайди. Кузатишни битта одам устида ҳам ва бир гуруҳ шахслар устида ҳам олиб бориш мумкин. Бу метод болалар боғчаси гуруҳларидан тортиб олий таълимдан кейинги ижтимоий гуруҳларгача бўлган жараёнларда фойдаланишга қулай.

Кузатиш методи технологияси (КМТ) – бу илмий тадқиқот ишларини бажариш давомидаги талқиқотнинг амалий жиҳатларини муайян алгоритмик тизимда олиб бориш технологияси.

КМТ йўналишлари қуйидагилардан иборат:

1.Воқелик содир бўлишини, атроф-муҳитни, инсон шахсини кузатишни муайн қисмларга ва йўналишларга ажратади;

2.Кузатишнинг кўлами, хусусияти ва ўзига хослигини аниқлаш, яъни нималарга қаратиишини белгилаб олиш;

3.Кузатиш жараёнида барча ҳолат, аломати ва ташқи қиёфа, кўринишларининг ўзига хослигини қайд этиш;

4.Кузатиш давомида тўпланган омиллар, маълумотларни математик статистика методлари ёрдамида ҳисоблаш.

Курсор – компьютер экранида силжиб борадиган объект номини ёки бажарилаётган амалнинг жойини кўрсатувчи нишон, белги. У клавиатура, «сичқонча», ёруғлик пероси ёки дастур бошқарувидан олинган буйруқларга монанд силжийди. Экранда курсор тўртбурчак, нишон, стрелка ёки қисқа чизиқча шаклида акс этади. Инсон ва компьютер мулоқотнинг муҳим элементи.

Кўникма – бу малаканинг таркибий қисми бўлиб, ҳаракатнинг айрим қисмларини ниҳоятда тез, аниқ ва мақсадга мувофиқ равишда ўз – ўзидан бажарилиш қобилиятини ифодалайди ва у талабаларда кўп марта такрорланадиган машқлар натижасида юзага келади *(Зуҳра Исмоилова).*

Кўникма – онгли фаолият (ҳаракат)ни тез, тежамли, тўғри, кам жисмоний ва ақлий куч сарфланган ҳолда бажариш жараёни натижаси. У шахснинг билимлари асосида таркиб топади. Дастлабки шаклланиш босқичларида бундай ҳаракатлар жиддий диққат билан бажарилади, кейинги босқичда диққат билан назорат қилиш камайиб боради ва натижада автоматлашган ҳаракатга айланади.

Ҳаракат турлари бўйича уч турга: ҳаракат кўникмалари, сенсор кўникмалар, ақлий кўникмаларга бўлинади. Кўникмалар мунтазам машқ қилиш (такрорлаш) орқали зарур даражада сақланади. Ана шу сабабли унинг таълим –тарбиядаги аҳамияти беқиёс.

Маълум вақт такрорланмаслик кўникма даражасининг пасайишига олиб келади. У катта машқлар бажариш, малака ошириш орқали тикланади.

Кўникма – инсоннинг илгариги тажрибалари асосида муайян фаолият ёки ҳаракатни амалга ошириш қобилияти.

Кўникма – бу шундай ақлий ва жисмоний ҳаркатлар, усуллар ва йўл-йўриқлардан иборат бўлиб, улар ёрдамида режалаштирилган мақсадга эришилади ёки муайян бир фаолият амалга оширилади.

Кўникма – у ёки бу ишни бажаришнинг автоматлашган усули бўлиб, онгли ишнинг бажарилишини назорат қилишдан озод қилади ва кутилган мақсадга қаратади.

Инсонда кўникмалар онгли ҳаракатларнинг автоматлашуви туфайли юзага келади.

Кўникмалар одамнинг ўз тажрибасида аввал эгаллаб олган малакалари асосида пайдо бўлади ва амал қилади. Турмуш тажрибасида аксинча ҳам бўлади. Баъзан кўникмалар шахсда малака ҳосил қилади ва унинг малакали ишлашига ёрдам беради, баъзилари, аксинча, шахсдаги малакалилик сифатига салбий таъсир этади ва уни ўзгартиради. Бу ҳол малака ва кўникмаларнинг ўзаро таъсири, деб юритилади.

Одам фаолиятида кўникмалар малака тарзида намоён бўлади. Ҳар қандай малака кўникма бўла олади, лекин ҳар қандай кўникма малака бўла олмайди. Кўникмалар автоматлашган моҳият касб этсагина, малака бўлади. Масалан, талабанинг турли ҳаракатларни шаклларни ёзиш жараёни автоматлашган бўлгани учун кўникилган ҳаракат бўлиб қолган. Шунинг учун талаба ҳарфларни чиройли ва соз ёза олади. Бу ҳаракат талабанинг малакалашган кўникмаларидир. Жуда кўп марта такрорлаш туфайли талабаларнинг ҳарфлар шаклларини ёзишлар билан боғлиқ ҳаракатлари шу даражада автоматлашгани, унда онг бевосита иштирок этмайди.

Кўрсатмали (намойишли) маъруза – бу дарсни ўқитувчи томонидан дидактиканинг кўргазмали тамойили талабларига жавоб берган ҳолда ташкил этилган жараёни *(Зуҳра Исмоилова).*

Л

Лаборотория ва амалий машғулотлар режаси – касбий таълим мазмунини таълим олувчилар томонидан тажрибалар ва амалий ишни бажариш ҳамда ўрганишнинг кўрсатмаларини ифодаловчи ўқитувчининг ҳужжати ҳисобланади ва унда машғулот мавзуси, ишнинг мақсади, унга ажратилган вақт, машғулот мавзусининг мазмуни, машғулот бўйича адабиётлар рўйхати ўз ифодасини топади *(О. Тўрақулов).*

Лаборотория усули (ЛУ) – шундай таълим усулики, унда ўқувчи ўқитувчи раҳбарлигида олдиндан белгиланган режа асосида тажрибалар ўтказади ёки амалий вазифаларни бажаради, шу жараёнда янги билимни янгилайди ва тушуниб етади.

ЛУнинг асосий функцияси (мақсади) – ўргатиш ва ривожлантириш. Бу усулни қўллаш орқали биз ўқувчиларни қуйидаги имкониятлар билан таъминлаймиз:

- асбоб – ускуналардан фойдаланиш кўникма ва малакаларни эгаллаш;
- мустақил тадқиқотнинг янги йўлларини танлаш ва маълум бўлганларини текшириш;
- амалий малакаларни эгаллаш: ўлчаш ва ҳисоблаш, натижаларни қайта ишлаш ва илгариги олинганлар билан таққослаш *(Зуҳра Исмоилова).*

Лаёқат – бу қобилият тараққиётининг дастлабки шарти сифатида намоён бўладиган мия тузилишининг сезги органлари ва

ҳаракатларнинг морфологик ҳамда функционал хусусиятларидир. Лаёқат қобилиятнинг табиий заминидир.

Лаёқат кўп қирралидир. Фаолият томонидан қўйилган талабларнинг характерига боғлиқ равишда айнан бир хил лаёқатлар, ҳар хил қобилиятлар ривожланиши мумкин. Шахснинг қобилияти туғма лаёқат асосида муҳитга, таълим-тарбияга боғлиқ ҳолда ўсиб боради. Ҳар бир одам боласи “мудраб ётган” лаёқат (туғма имконият) билан дунёга келади. Ундан сўнг мансуб бўлган ижтимоий муҳит бу лаёқатни юзага чиқаради. Лаёқат ёшлик чоғларида жадал ривожланади. Масалан, Серёжа Халяпин (Москва шаҳри), 14 ёшида мактабни тамомлаб Д.И.Менделеев номли Москва химия – технология институтининг талабаси бўлди.

Америкалик Майк Грост 11 ёшида Мичиган университетига қабул қилинди. Англияник Майбелле 4 ёшида 1 синф ўқувчиси бўлди. Европалик Давид Арутюнян 12 ёшида политехника институтининг кибернетика факультетига қабул қилинди. Олти ёшли қирғиз йигити Асилбек Сайданов машҳур эпос – “Манас”ни ёддан айтиб, республика кўригида биринчи даражали диплом билан тақдирланган. Мексикалик Антонио Хуарес бир вақтнинг ўзида испан тилида гаплашиб туриб, инглиз тилидаги текстни бемалол ёза олади.

Лазер диск — лазер нури ёрдамида ўқиладиган, диск шаклидаги маълумотлар ташувчиси. Иккилик саноқ тизимида берилган маълумотлар метал ёки полимер лазер диск устига кучли лазер нури ёрдамида майда чуқурликларга ва улар орасидаги ўрталикларга ёзилади. Шахсий компьютерларда тахминан 650 байт ҳажмидаги маълумотларни сақлаш имконини берадиган компакт — дисклар (CD) қўлланилади.

Лазер принтери — лазерли чоп этиш технологияси услуби асосида ишловчи ва компьютер ахборотини чоп этиш вазифасини бажарувчи аппарат. Компьютердан чиқиш маълумотлари экраннинг нуқталар тўпламига ўхшаш растр форматига ўгирилади. Лазер билан ёруғланган нуқталарда барабан электрсизланади.

Лафз – ҳалоллик, ўткир ақллилик, қатъийлик, мардлик, меҳр, мурувват каби хислатлар йиғиндисидир. Лафзи ҳалоллик, ўз лафзида туриш халқимизга хос фазилат, у доимо кишига ҳусн бағишлаб келган. Лафз эгаси бўлган кишиларда инсонийлик кучли бўлади. Бундай инсонлар одоб-ахлоқли бўлиб, одамларни яхшилик сари етаклайди, яхшиликларни шараф билан бажаради (*Ибрагимова Г., Тўрақулов Х.А., Алибекова Р.*).

Локал тармоқ - бир бинода ёки бир-бирига яқин биноларда жойлашган компьютерларда ўзаро ахборот алмашиш имконини берувчи тармоқ *(Абдуқодиров А.А ва бошқалар «Ахборот технологиялари» Т..: Ўқитувчи 2002 й. 135 бет.)*

Лидер – (инглизча – leader – бошловчи раҳбар) педагогик жамоада ўзининг шахсий сифат, фазилатлари билан жамоа аъзоларига ўз таъсирини ўтказа оладиган шахс.

Лидерлик - одамларни ўз кетидан эргаштира оладига, уларни бошқара оладиган қобилиятли шахс. Унда режалаш, ташкилотчилик, ўзига эргаштира олиш, назорат этиш каби қобилиятлар ривожланган бўлади *(Йўлдошев Ж., Йўлдошева Ф., Йўлдошева Г.).*

Лидерлик – маълум бир гуруҳда ўзи раҳбарлик қилаётган йўналишларда шахслараро (норасмий) муносабатларни бошқариб, гуруҳи аъзоларининг кучли ва кучсиз (нозик) томонларини, ижобий ва салбий одатларини, шунингдек, уларнинг психологик хусусиятлари, кайфиятлари, мойиллиги, интилишлари ҳамда қизиқишларини яхши

билганликлари натижаси асосидаги жамоани муайян йўналишга бошлаш борасидаги фаоллиги (ташаббускорлиг) дир.

Лицензия – таълим бериш хизматларини амалга оширишга рухсат берувчи ҳужжат.

Лицензиялаш – давлат ва давлатга молик бўлмаган муассасаларга таълим хизматларини амалга ошириш ҳуқуқини бериш учун лицензия бериш тадбири.

Лойиҳа – ўқув мақсадига эришишдаги самарали методлардан бўлиб, мустақил билим олиш орқали тингловчининг малакасини оширишда жуда кенг қўллаш мумкин. Бу атама педагогикага XX аср бошларида кириб келган. Бундай йўналишдаги ўқитиш лойиҳа асосида истиқболли ўқитиш методи деб қаралади. Лойиҳа – асосида ўқитиш ўқувчининг мустақил ишлаши, фикр юритиши, ўзи ўзлаштириб олишини кафолатлайди. Бу метод ўқув маҳсулини олишда самарали бўлиб, ўқувчининг ўқув-билув фаолиятини ташкил этишда кенг тавсия этилади. Интерфаолликни лойиҳа асосида ташкил этиш ҳозирги кунда энг фаол, юқори самара берувчи метод сифатида тан олинмоқда. Дарс жараёнида лойиҳалар устида ишлаш аниқ - социал масалалар ечимига қаратилади. Лойиҳалар асосида ташкил этилган машғулотларда тингловчилар ўз педагогик тажрибаларига суянадилар, ечим қидирадилар, улар ахборотларни бир-бирларидан оладилар, қайта ишлайдилар, ўзлари бир-бирларига етказадилар ва ҳимоя қиладилар. Бундай муҳитда тингловчилар ҳамкорлик, ижодкорликни ривожлантириш, эркин фикр юритиш, ёзиш-чизиш, ўзаро таҳлил қилиш орқали онгли ўқув материалларини мунтазам равишда ўзлаштириб оладилар *(Йўлдошев Ж., Йўлдошева Ф., Йўлдошева Г.).*

Лойиҳалаш – бу таълимнинг мазмуний қисмини ишлаб чиқишдан иборат бўлиб, таълимниг умумий ва аниқ мақсадлари, ўқитиладиган

маълумотлар (фанлар) мажмуасини аниқлаш, ҳар бир фаннинг мазмуни, соатлар ва бошқаларни режалаштиришдир.

Лойиҳали таълим технологияси (ЛТТ) – лойиҳалаш тафаккури шаклланган ўқитувчининг таълимга технологик ёндошувни амалга ошириш жараёнидир.

ЛТТ нинг асосий мақсади қуйидагилардан иборат:

- талабаларда лойиҳалаш тафаккурини шакллантириш;
- назарий билимларни ҳаётий вазиятларга нисбатан қўллаш кўникмаларини шакллантириш;
- ҳаётий ва педагогик фаолият учун зарур бўлган қуйидаги кўникма ва сифатлар: маъсулиятни сезиш; ҳамкорликда қарор қабул қилиш; низоларни тинчлик йўли билан бартараф этиш; мустақил фикрлашни ривожлантиришларни шакллантириш.

ЛТТ нинг турлари:

- **тадқиқотга асосланган лойиҳалар.** Бу ҳақийқий илмий изланишга бағишланган фаолиятни ўз ичига олиб, бунда муайян мавзунинг долзарблигини асослаш, тадқиқот мақсади, объекти, предмети ва вазифасини аниқлаш, масала, тадқиқот усулларни кўрсатиш, тахмин қилиш, натижаларни умумлаштириш ва хулосалаш, натижаларни амалий аҳамияти жиҳатидан тавсифлаш ва янги муаммоларни белгилаш каби ижодий фаолият босқичлари амалга оширилади;
- **ижодий фаолиятга асосланган лойиҳалар.** Бу талабаларнинг ўқув машғулотини олиб бориш, тарбиявий тадбирлар уюштириш ва дидактик материалларни тўплашнинг оптимал вариантларини қўлга киритишга бағишланган лойиҳаларни ижод қилишга бағишланган ақлий фаолият натижасидир.
- **ахборотли лойиҳалар.** Бунда маълумотларни йиғиш, тизимлаштириш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш

жараёнлари асосида таълим тарбия учун ахборотлар тайёрланади ва мазкур жараёнда қатнашувчи талабаларни фаол изланишга йўналтирилади;

- **телекоммуникацион лойиҳалар.** Бунда асосан мазкур йўналиш бўйича иштирокчиларнинг ўзаро онгли ҳамкорлиги (таълимий, тарбиявий, ижодий, ўйин фаолиятлари ва ҳ.к.) ахборот-коммуникацион технологиялар воситалари ёрдамидаги мулоқотли жараён қаралади ва уларнинг энг самарали йўналишлари телеконференциялар ва масофавий таълим кабилардир.
- **оптимал ечимни топишда танқидий тафаккурни ривожлантириш лойиҳалари.** Бунда асосан таълим олувчиларда кечаётган ақлий жараёнларни фаоллаштириш, яъни, уларда танқидий тафаккурни, ижодий кўникмаларни ривожлантириш жараёнига эътибор қаратилади. Шунинг билан бирга унда қўлланиладиган интерфаол усулларни педагогик мазмун асосида қўллаш ўқитувчидан ушбу усулларнинг хусусиятларини чуқур билишни, фанининг таълим мазмунини пухта эгаллашни, мазмунини шакллантиришнинг турли йўлларини билишни талаб қилади. Педагогика туркумидаги фанларини ўқитишда танқидий тафаккурни ривожлантириш технологиясини қўллашга мисол қилиб таълим жараёнини такомиллаштириш муаммосини ечишда **ақлий ҳужум** усулининг қўлланилиши, **дастурлаштирилган** таълим технологиясини ўрганишда ЛТТ дан фойдаланишни, репродуктив таълим ва маҳсулдор таълимни ўзаро солиштириш мақсадида Венн диограммасининг қўлланилишини келтириш мумкин.

Луғат – аниқ бир тартибда жойлашган сўзлар (ёки сўз бирикмаси ва ҳ.к.) тўплами бўлиб, у келтирилган сўзларнинг мазмуни, моҳияти,

фикрлардаги ўрни, турли ҳолатларда ишлатилиши, баъзан келиб чиқиши, бошқа тилдаги таржимаси тўғрисида маълумот берувчи нашр.

М

Мавзуий режа (МР) – турли йўналишдаги аниқ фан бўйича ўрганилиши лозим бўлган мавзулар ва уларни ўрганиш тартиби ҳамда ҳар бир мавзуга ажратилган вақтларни ифодаловчи ҳужжат. МР да бўлим дарсида ўрганиши лозим бўлган мавзуларнинг мантиқ асосида режалаштирилган дарс режаси, бўлим мақсади, дарс мақсади, машғулотни ўзлаштиришда керак бўладиган ўқув дарслик китоби, машғулот ўтказиладиган жой, машғулот ўтадиган таълим олувчилар гуруҳи ва уларнинг босқичлари, машғулот ўтадиган кун ва унинг вақти ҳамда машғулот ўтказадиган ўқитувчининг номини кўрсатувчи таркибий қисмлар асосида тайёрланиши билан аҳамиятли ҳисобланади *(О. Тўрақулов).*

Мавлоно - (арабча – бизнинг жаноб) – Ўрта осиё, Афғонистон ва Покистонда энг юқори лавозимдаги амалдорлар, ёзувчи, олим ва фозил кишиларни, устозларни улуғлаб, уларнинг номларига қўшиб ишлатиладиган сўз.

Мавлоно сўзи ҳурмат маъносида шахс номларидан аввал айтилган. масалан, Мавлоно Алишер Навоий, Мавлоно Жомий, Мавлоно Муқимий ва ҳ.к. Мавлоно термини Ўрта Осиёда ўрта асрларда қўлланилган. *ЎзМЭ – Т. ЎзМЭ, 2003-й.. 5-ж.-342б*

Мавзу – араб тилида жойлаштирилган, қўйилган деган маънони англатади. Баъзан мавзу атамаси асосан қуйидаги икки йўналишда кўпроқ истеъмолда бўлади.

Мазву - бу муҳокама, маъруза, суҳбат, муаммо, конференция, дарс, илмий асар ва шу кабиларнинг асосий мазмун-моҳиятини ифодаловчи қисқа, ихчам ва аниқ фикрдир.

Мавзу – бу адабиёт ва санъатда ижодкор томонидан танланиб, унинг ғоясини акс эттирадиган бадиий тасвир объекти, ҳаётий материал доираси (*Ўз МЭ – Т. Ўз МЭ, 2003-й.5-ж.-341б.*).

Магистр – (лотинча magister – бошлиқ) у олий таълимнинг тегишли босқичига мувофиқ дастурларни муваффақиятли ўзлаштирган шахсларга бериладиган академик даража. Кўпинча ривожланган мамлакатлар ОЎЮда бериладиган академик даража бўлиб, ОЎЮни тугатиб, барча назоратларни муваффақиятли топширган ва магистрлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган шахсларга берилади.

Магистр – бакалавр даражасидан фарқли равишда маълум ихтисослик бўйича юқори малакали мутахассис ҳисобланади.

Магистратура – аниқ мутахассислик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, бакалавриат негизида таълим муддати камида 2 йил давом этадиган олий таълимдир. Магистр бакалавр даражасидан фарқли равишда маълум ихтисослик бўйича юқори малакали мутахассис ҳисобланади. У аспирантурага кириш ҳуқуқига эга бўлади.

Магистратурадаги таҳсил якуний классификацион давлат аттестацияси ва магистрлик диссертациясини ҳимоя қилиш билан ниҳоясига етказилади. Магистрларга давлат томонидан тасдиқланган намунадаги касб-ҳунар фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган диплом топширилади.

Магистр бакалаврдан фарқли равишда маълум ихтисослик бўйича юқори малакали мутахассис ҳисобланиб, илм-фан соҳасида, ишлаб чиқаришнинг масъулиятли лавозимларида фаолият кўрсатади.

Маданий – маънавий қадриятлар – иқтисодиёт, маданият, тарих, тили, дини, урф – одати ва анъаналари муштарак бўлган халқлар манфаатларига хизмат қиладиган табиий ва ижтимоий ҳодисалар мажмуидир.

Маданий мерос – авлодлар томонидан яратилган амалий тажриба, ахлоқий, илмий, тафаккурий, диний ва руҳий қарашлар, халқ маданияти ва ижоди каби моддий ҳамда маънавий бойликлар мажмуи.

Маданий функция – бу кўпроқ бўлажак мутахассисларнинг миллий ғоя билан суғорилганлигига боғлиқ бўлиб, улардаги маънавий етуклиги билан боғлиқ фаолиятдир. Бу мутахассис деган баҳо асосидир.

Маданият (М). Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида жамиятни янгилаш соҳасида олиб борилаётган ислоҳатлар билан бир қаторда маданиятни юксалтиришга ҳам алоҳида эътибор берилди. Халқимизнинг маънавият қадриятларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, уларни асраб-авайлаш ва ривожлантириш, муқаддас динимиз урф-одатларимизни, илмий, маданий меросимизни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. «Давлат тили тўғрисида»ги (21.10.1989й.) Қонун, «Кадрлар таёрлаш миллий дастури» (29.08.1997й.) нинг қабул қилиниши, Ўзбекистон Бадиий Академияси (1997й.), Ўзбекистон давлат консерваторияси (2002й.), Ўзбек миллий академик драма театри (2002й.), Эстрада мусиқасини ривожлантириш тўғрисидаги ва бошқа бир қанча қарор ва фармонларнинг қабул қилиниши, бир қанча мутафаккир ва алломаларимизнинг муқаддас номлари тикланиб, юбилейлари халқаро миқиёсда кенг нишонланаётгани давлатимиз томонидан М.ни ривожлантиришга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг амалий ифодасидир (*ЎзМЭ.-Т.: ЎзМЭ, 2003-5ж-373б*).

Маданият – дунё тўғрисидаги тасаввурлар бойликлари ва муайян турмуш тарзининг умумийлиги билан боғлиқ бўлган одамлар учун умумий ахлоқ қоидалари тизими. Маданиятни ўзлаштириш, ўргатиш ёки ўқитиш ёрдамида амалга оширилади. Шахснинг (ахлоқий, сиёсий, касбий ва ҳоказо) маданияти билимлар, малакалар, кўникмалар, ахлоқий қобилияти, ахлоқий ва эстетик ривожланиш, дунёқараш, одамлар билан ўзаро мулоқотларининг усуллари ва шакллари, шахсий қобилиятларининг ривожланиш даражаси каби фаолиятда амалга ошириладиган инсоний кучлар ва қобилиятларни ўз ичига олади.

Шахснинг маданият даражаси унинг умумлашган маданий меросга эришганлиги, ўзига хос қобилиятларнинг ривожланиш даражаси билан белгиланади.

Маданият (арабча «маданият» - мадиналик, шаҳарлик, тарбия кўрганлик) – «маданият» сўзи мусулмонларнинг азиз тутадиган жойи Мадина шаҳри номидан келиб чиққан, чунки илк мусулмонлар таълим – тарбияни асосан Мадинада олганлар.

Маданият – бу шахс хулқ-атвори, муомаласи ва хатти-ҳаракатларининг маълум кетма – кетлик асосидаги шаклланган тизим.

Маданият лотинча «cultura» сўзи асосида пайдо бўлган. Унинг маъноси «парвариш қилиш», «ишлов бериш» кўринишларида ифодаланади.

Маданият – арабча сўздан олинган бўлиб, у жамиятни ишлаб чиқариш, ижтимоий ва маънавий ҳаётида қўлга киритган ютуқлари мажмуидир.

Маданият – инсоният фаолияти маҳсули натижаси сифатида, инсонларнинг моддий ва маънавий фаолиятлари жараёнларида вужудга келади. Олимларнинг изоҳлашича, маданият кенг маъноли тушунча бўлиб, у ижтимоий амалиётда ва онгда мустаҳкамланадиган

фаолиятнинг моддий – маънавий маҳсулотлари: ижтимоий ҳаёт ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш шакллари, киши ҳолати ҳамда унинг фаолияти турлари йиғиндисидан иборатдир.

Мадраса (араб. дараса – ўрганмоқ) – мусулмонларнинг ўрта ва олий ўқув юрти. Уламолар ва мактабдорлар, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида давлат органлари хизматчиларини ҳам тайёрлайди. VII-VIII асрларда ислом дини уламолари мусулмон илоҳиёти масалаларини шарҳлаб турадиган марказ сифатида араб мамлакатларида пайдо бўлган. IX-XIII асрларда ислом динига эътиқод қиладиган мамлакатларда, жумладан, Ўрта Осиёда тарқалди. Мадрасаларда миллий зиёлилар тайёрланган. Абу Бакр Муҳаммад Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асарида айтиб ўтилган, 937 йилда ёнғинда зарар кўрган «Форжак» мадрасаси Ўрта Осиёдаги дастлабки мадраса бўлган.

Мадрасага мактабни тугатганлар қабул қилинганлар. Талабалар ёши 10 ёшдан 40 ёшгача бўлган. Улар мадраса ётоқхонасида яшаш ҳуқуқига эга бўлган кундузги бўлим, дарсларга эркин қатновчи сиртқи бўлим талабалари тоифаларига ажратилган. Мадраса ўқув дастурининг умумий жиҳатлари X-XII асрларда ишлаб чиқилган ва кейинчалик такомиллашиб борган. Машғулотлар одатда сентябрда бошланиб, май ойигача давом этган. Ёз ойлари ва рамазон ойида таътилга чиқилган. Мадрасада ҳафта кунлари таҳсил (шанба, якшанба, душанба, сешанба) – машғулот кунлари ва таътил (чоршанба, пайшанба, жума) – ўтилганларни такрорлаш ҳамда дам олиш кунларига бўлинган. Дарслар қуёш чиқиш пайти бомдод номозидан кейин бошланган. Мадрасада таълим уч босқичда: бошланғич (адно), ўрта (авсат) ва юқори (аъло) гуруҳларда олиб борилган. Адно босқичи «Ақоид» китобини ўқишга ўтгунча давом этган, авсат босқичида «Ақоид» китобини ўқишдан бошланиб, «Шарҳи мулла» китобини ўргангунча бўлган ва ундан

кейинги мураккаб қўлланмаларни ўрганувчилар аъло босқичи талабалари ҳисобланган. Мадрасада ўқиш талабаларнинг иқтидорига қараб 7-12 йил давом этган. Ўрта Осиёдаги мадрасаларда араб ва форс тилида ёзилган китоблар ўқитилган, улар талабаларга мударрислар томонидан туркий тилда шарҳлаб берилган. Мадрасада ўқув курси, одатда, «Аввали илм» деб номланган форс тилидаги ўқув қўлланмасини ўзлаштириш билан бошланган. Кейин ўрта асрларнинг илмий тили ҳисобланган араб тили грамматикаси ўқитилган. Араб тили грамматикасидан сўнг ўқув курси икки бўлимга: умумтаълим курси – мушғулот ва фиқҳ курси – масала бўлимларига ажратилган. Талабалар ўз хоҳиш-истаклари ва қобилиятларига қараб мушғулот ёки масала бўлимларидан бирини, агар истасалар ҳар икки бўлимни ўқиб тамомлашлари мумкин бўлган. Мадрасаларда тўлиқ курсни ўқиб тамомлаш учун талабалардан фалсафа ва ҳуқуқ фанларига оид таҳминан 137 дарслик-қўлланмани ўзлаштириш талаб этилган. Бу дарсликларнинг аксариятини Ўрта Осиёлик алломаларнинг асарлари ташкил этган. Мадрасаларда талабаларнинг қизиқишлари ва мударрисларнинг мавжудлигига қараб фалакиёт, ҳандаса, тиббиёт, кимё, тарих, жўғрофия, адабиёт, аруз илми, меъморчилик асослари, хаттотлик, мусиқа, ахлоқ, нотиқлик каби фанлар ўқитилган. XIX аср охири XX аср бошларида Ўрта Осиё мадрасалари ўқув дастури бирмунча ислоҳ қилиниб, уларда ўқитиладиган фанлар таркибига турк, рус, француз, инглиз тиллари, физика, зироатчилик, ҳисоб, гигиена, психология, методика, тригонометрия, сиёсий иқтисод, тижорат каби фанлар кириб кела бошлаган (*ЎзМЭ. 5-том, 376-377 бет*).

Мадрасалар: Ҳозирги Алишер Навоий номидаги САМДУ нинг тарихи Самарқандда 1420-йили Мирзо Улуғбек томонидан қурдирилган ва ташкил этилган мадраса Улуғбек расадхонасига бориб тақалади.

Бундан ташқари Самарқанддаги Шердор мадрасаси, Тиллакори мадрасаси, Бухородаги Мир Араб мадрасаси, Абдуллахон мадрасаси, Абдулазизхон мадрасаси, Хивадаги Муҳаммад Раҳимхон мадрасаси, Муҳаммад Амин иноқ мадрасаси, Тошкентдаги Кўкалдош мадрасаси, Бароқхон мадрасаси, Андижондаги Гумбаз мадрасаси ва шу каби мадрасалар бўлган.

Мадҳия (араб.–мақтов, таъриф) – бирор шахс, воқеа ёки нарсанинг мақтовига бағишланган бадиий асар. Баъзан асарнинг бир қисми ҳам мадҳия бўлиши мумкин. Араб, форс ва ўзбек мумтоз адабиёти анъаналарига кўра, ҳар бир йирик эпик асарнинг бош қисмида махсус (асосан, шерий) мақтовлар берилган. Одатда бу мақтовлар фалсафий оқимларнинг асосчилари, асар ёзилган пайтдаги ҳукмдор ва бошқаларга бағишланган. Шунингдек, шоирлар ўзларидан аввал ўтган буюк шахсларга мақтовлар бағишлаши одат бўлган.

Муайян давлатга бағишланган шеърий – мусиқий асар ҳам мадҳия ҳисобланади. (байналминал термин - гимн) Масалан, Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси (*ЎзМЭ-Т.: ЎзМЭ – 5ж – 379б*.).

Мажбурий таълим – Ўзбекистонда таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойилларидан бири бўлиб, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб – ҳунар таълимида таълим олувчи таълим йўналиши (Академик лицей ёки касб – ҳунар коллежи) ни ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга.

Мажмуий-услубий таъминот – ажратилган вақт доирасида фанни (касбни) тўлиқ ва сифатли ўзлаштириш учун зарур бўлган, энг мақбул ўқув-услубий ҳужжатларни ва ўқитиш воситаларини ишлаб чиқиш ва таъминлаш.

Мазмун – илмий билимлар йиғиндиси бўлиб, амалда қўллаш учун бериладиган кўникма ва малакалар жараёнида ўқувчилар фикрлаш, ўйлаш, мулоҳаза юритиш орқали амалга оширилади.

Мазмунни мўлжаллаб йўналганлиги – таълимдаги янгича йўналганлик бўлиб, таълим мазмунининг мақсад сифатидаги устуворлиги, унинг белгиловчи ролини тан олиниши, унинг натижаси маданий йўналтирилган ижтимоий ва касбий фаолият бўлади. Маълумки, таълим мазмунига фан ва техникадан ташқари ижтимоий-маданий қадриятлар: санъат, тажриба, миллий анъаналар, шахс, маънавий ахлоқ ва шу кабилар киради.

Мактаб – ўқитувчи раҳбарлигида таълим олувчиларга таълим берадиган ва тарбиявий ишлар олиб бориладиган ўқув-тарбия муассаси. Мактабларни шартли равишда қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

1. Бериладиган билимларнинг характерига кўра – умумий ва касбий мактаблар;

2. Бериладиган билимларнинг кўламига кўра – бошланғич, ўрта, ўрта махсус, олий мактаблар;

3. Мактабнинг ким томонидан таъминланиши ва бошқарилишига кўра – давлат, хусусий, жамоа мактаблари;

4. Таълим олувчиларнинг жинсларига кўра – аралаш (аёллар ва эркаклар), фақат аёллар (Хотин-қизлар билим юртлари), ва фақат эркаклар мактаблари;

5. Таълим олувчиларнинг эътиқодларига кўра – дунёвий ва диний мактаблар;

6. Таълим олувчиларнинг ўқув муассасаларида бўлишига кўра - қатнаб ўқийдиган ва тунаб қолинадиган (интернат) мактаблар.

Бундан ташқари йўналишлар (соҳалар) ёки оқимлар бўйича мактаблар бўлиши мумкин. Масалан, Ўзбекистондаги математиклар

мактаби, Ўзбекистондаги кибернетиклар мактаби, айрим ҳолларда буюк олимлар – академиклар мактаблари (академик В. К. Қобулов мактаби, академик Х.Абдуллаев мактаби ва ҳ.к) – булар илмий мактаблар. Маъмун академияси, Улуғбек расадхонасидаги фаолиятлар ҳам илмий мактаблар сирасига киради. Айниқса, буюк олимларимизга нисбатан «Мактаб яратган олим» деган улуғ ном шулар жумласидандир.

Мактаб педагогикаси – оилавий ўрта мактабда ўқувчиларга таълим бериш ва тарбиялашнинг қонуниятларини ўрганувчи педагогика бўлиб, умумий мактабларнинг юқори синф ўқувчи ёшида бўлган болалар, ўқув – тарбиявий жараёнининг ўзига хослигини тадқиқ этади.

Мактаб педагогикаси – умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларга таълим бериш ва тарбиялашнинг қонуниятларни тадқиқ этади *(Джураев Р.Х., Турғунов С.Т).*

Мактаб ҳужжатларини таҳлил қилиш методи – педагогик ҳодисалар ва жараёнлар ҳамда далилларни текширишда мактаб ҳужжатларини мукаммал ва чуқур ўрганишга қаратилган асос. Мактаб ҳужжатларини ташкил қилишда таълимга оид қонунларга амал қилиниши шарт. Мактаб ҳужжатларини таҳлил қилишда ўқувчиларнинг ижодий фаоллиги ва мустақиллигини, унинг иқтидорини ҳамда илғор педагогик тажрибаларнинг умумлаштирилиши ва жорий этилишини кўрсатган тақдирдагина тўлиқ қийматга эга бўлади.

Мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар педагогикаси – мазкур гуруҳ болалари билан олиб бориладиган тарбиявий – ташкилий ишларнинг қонунийлигини тадқиқ этади ҳамда болаларнинг мактабгача таълим муассасалари шарт – шароитларида амалга ошириш дастурини ишлаб чиқади *(Джураев Р.Х., Турғунов С.Т).*

Мактабгача таълим (МТ) – миллий педагогик кадрлар тайёрлашнинг бошланғич шакли. МТ нинг вазифаси болани соғлом, ҳар

томонлама камол топиб шаклланишини таъминлаш, улардаги ўқишга интилиш ҳиссини уйғотиш ва уни мунтазам таълим олишга тайёрлашдан иборатдир. МТ бола 6-7 ёшга етгунча давлат ва нодавлат мактабгача тарбия болалар муассасаларида ҳамда оилаларда амалга оширилади. Унинг мақсад-вазифаларини рўёбга чиқаришда маҳаллалар, жамоат ва хайрия ташкилотлари, халқаро фондлар иштирок этиши мумкин.

Мактабдан ташқари таълим – болалар ва ўсмирларнинг якка тартибдаги эҳтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақти ва дам олишини ташкил этиш учун давлат органлари, жамоат бирлашмалари, шунингдек, бошқа юридик ва жисмоний шахслар маданий-эстетик, илмий, техникавий, спорт ва бошқа йўналишларда мактабдан ташқари таълим муассасаларида ташкил этиладиган таълим.

Мактабдан ташқари таълим муассасалари – фаолият кўрсатиш тартиби қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган, болалар, ўсмирлар, ижодиёт саройлари, уйлари, клублари ва марказлари, болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, санъат мактаблари, мусиқа мактаблари, студиялар, кутубхоналар соғломлаштириш муассасалари.

Мактабда таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш – кўп жиҳатдан ўқитувчиларнинг педагогик маҳорати, машғулот жараёнида ижодий завқ уйғота билиши, ўқитувчининг мустақил фикрлаш маданияти, шахсий индивидуал қобилиятини ривожлантирувчи омилларга ўргатишга боғлиқ жараён.

Мактабшунослик – педагогика фанининг мактаб ишларини бошқариш асослари, йўл, шакл, восита, усул ва методларини тадқиқ этиш билан шуғулланувчи махсус соҳаси. Мактабни бошқаришнинг ўзига хос қирраларини очиб беради. Ўзбекистонда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Давлат тили тўғриси»да, «Таълим

тўғрисида» ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Халқ таълими вазирлигининг таълим – тарбия жараёни, шунингдек, ўқув муассасаларини ташкил этиш ва ривожлантириш тўғрисидаги қарорлари, илғор мамлакатлар ҳамда педагогика фанида бу соҳада тўпланган тажрибалар мактабшуносликнинг асосий манбалари ҳисобланади (*ЎзМЭ – Т.: ЎЗМЭ, 2003й.- 5ж- 41б.*).

Малака – бу шахс харакатининг амалга оширилиши ва бошқарилишининг автоматлашган шаклидир. Шахснинг малакалари шу билан характерланадики, унинг ҳаракатлари осон ва тез, гўё ўз-ўзидан бажарилаётгандай бўлади. Шу туфайли ҳам бир ҳажмдаги ишни малакали ва малакасиз шахс турли муддат ва турли сифат билан бажаради. Шахснинг малакалари унинг фаолиятининг барча соҳалари учун хосдир. Фаолиятнинг бирор соҳаси учун ҳосил қилинган малака шахснинг фақат шу соҳадаги меҳнатни осонлаштириб қолмасдан, фаолиятнинг бошқа соҳаларидаги ҳаракатнинг тезлиги ва самарали бўлишига ижобий таъсир кўрсатади.

Турли соҳаларга нисбатан бўлган малакалар шахсда бирданига, қисқа муддатда вужудга келмайди. Шахс малака орттириши учун муайян соҳани системали равишда такрорлаб туриш талаб қилинади.

Малака – муайян меҳнат фаолиятини бажариш учун лозим бўлган назарий ва амалий умумтаълим ва касбий билим, малака ва кўникмалар мажмуасининг мавжудлиги.

Малака – онгли хатти-ҳаракатнинг автоматлаштирилган таркибий қисми. Малака бир хатти – ҳаракатнинг ўзини бир хил шароитларнинг ўзида кўп марта такрорлаш натижасида ҳосил қилинади. Масалан, устахоналарда ўтказиладиган меҳнат машғулотларида болға ёрдамида темир қисми малакаси қўл билан қилинадиган бир хил ҳаракатларни

кўп марта такрорлаш вақтида ҳосил бўлади, бунда фаолиятнинг қисман автоматлашуви юз беради. Лекин ҳаракатнинг батамом автоматлашган нарса деб тасаввур этиш ярамайди. Чунки, ҳатто дурустгина таркиб топган малакани ҳам онг маълум даражада назорат қилиб туради. Малака қанчалик пухта бўлса, одам ишни шунчалик тез ва тўғри бажаради. Кўникма ва малакаларнинг умумий ҳамда фарқ қилувчи томонлари бор. Умумийлик шундаки, кўникмалар ва малакалар ўқувчиларнинг олган билимлари асосида фаолият усулларини ташкил этади. Фарқ шундаки, ўқувчиларнинг фаолияти ҳар хил характерда бўлади.

Малака – ходимнинг касбий тайёргарлиги даражаси, ундаги маълум ишни бажариш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг мавжудлиги. У ходимнинг малакасини белгиловчи кўрсаткич бўлиб, категория ёки дипломнинг мавжудлиги билан белгиланади.

Малака ошириш – мутахассисларнинг касб билимлари ва кўникмаларини янгилаш ва чуқурлаштириш, уларни замон талабларига жавоб бера оладиган қилиб қайта тайёрлаш. Мутахассисларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш университетларда, малака ошириш институтларида ва профессионал қайта тайёрлаш ҳуқуқига эга бўлган ўқув марказларида амалга оширилади.

Мутахассисларни профессионал қайта тайёрлаш жараёни якуний давлат аттестацияси билан тугалланади.

Ўқув режасининг барча талабларини бажарган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган тингловчилар қайта тайёргарлик ва малака оширишдан ўтганлиги ҳақида белгиланган намунадаги диплом ва сертификат оладилар.

Малака тавсифномаси – бўлажак мутахассис билими ҳамда касбий савиясига қўйиладиган асосий талаблар мужассамлашган меъёрий ҳужжатдир. Унда мутахассис у ёки бу касбий фаолият доирасидаги ишларни онгли ва тўғри бажариш учун эгаллаши зарур бўлган билимлар ва кўникмалар ифодаланади *(Тўрақулов О.Х.)*.

Малака талаблари – узлуксиз таълимнинг тегишли босқичи битирувчисининг умумий билим ва касб тайёргарлиги даражасига қўйилган талаблар.

Мантиқ, логика – тўғри тафаккур юритишнинг асосий қонунлари ва шакллари ҳақидаги фан. Мантиқ ўзининг шаклланиш ва ривожланиш тарихига эга. Мантиққа оид дастлабки фикрлар Қадимги Шарқ мамлакатларида, хусусан, Ҳиндистон, Хитойда вужудга келди. Қадимда мантиқ фалсафа таркибида бўлган, мустақил фан сифатида шаклланмаган. Юнон фалсафасида мантиқ масалалари дастлаб Парменидниng «Табиат тўғрисида» асарида, Элейлик Зеноннинг апорияларида, Тераклит таълимотида у ёки бу даражада кўриб чиқилган. Аристотелгача бўлган мантиқий таълимотлар ичида Демокритнинг мантиқий таълимоти, Сократнинг индуктив методи ва Платон диалектикаси диққатга сазовор.

Мантиқ илмининг алоҳида фан сифатида шаклланиши Аристотель номи билан боғлиқ. У биринчи бўлиб мантиқ ўрганадиган масалалар доирасини аниқлаб берди. Унинг «Категориялар», «Талқин ҳақида», «Биринчи аналитика», «Иккинчи аналитика», «Софистик раддиялар ҳақида», «Топика» номли асарлари мантиқ масалаларига боғлиқ. Аристотель мантиқни «Маълум билимлардан номаълум билимларни аниқловчи» «Чин фикрни хато фикрдан ажратувчи» фан сифатида таърифлайди.

Ўрта Осиёда ҳам фалсафа ва мантиқ мустақил фан сифатида тараққий этди. Бунда Фаробий, Ибн Сино, Беруний, Умар Ҳайём, Алишер Навоий, Бедил каби буюк мутафаккирларнинг хизмати катта бўлди (*ЎзМЭ – Т.: ЎзМ 2003й.-5ж-452б.*).

Мантиқий амаллар, мантиқий операциялар – берилган ҳадлари ва натижаси мулоҳаза (фикр) дан иборат амаллар.

Берилган ҳадлар сонига қараб мантиқий амаллар бир ўринли, икки ўринли ва ҳоказо деб юритилади.

Бир ўринли мантиқий амаллар сони тўртта: берилган фикрдан қатъи назар натижаси доим чин (айнан ҳақиқат) амал, натижаси доим ёлғон (айнан ёлғон) амал, натижаси берилган фикр билан мос тушадиган амал ва ниҳоят, берилган фикр чин бўлса, натижаси ёлғон, берилган фикр ёлғон бўлса натижаси чин бўладиган амал (*ЎзМЭ-Т.:ЎзМЭ*-5ж-*452б.*).

Мантиқий қонунлар (МҚ)- инсоннинг тафаккурига, фикр юритиш жараёнига хос бўлган қонунлар.

МҚ тушунчаси фикрлар орасидаги зарурий боғланишни англатади. МҚ фақат тафаккурга амал қилади ва фикрнинг тўғри тузилишини, унинг аниқ, изчил, зиддиятли асосланган бўлишини таъминлайди. Тафаккур қонунлари объектив воқеликнинг инсон миясида узоқ вақт давомида акс этиши натижасида вужудга келган, уларда инсоннинг ижтимоий ишлаб чиқариш фаолиятининг кўп асрлик тажрибаси қайд этилган.

МҚ мантиқ илмида ўрганилади. МҚлар асосан тўртта: айният қонуни, зиддият қонуни (баъзи адабиётларда зиддиятсизлик қонуни деб аталади), учинчиси истисно қонуни, етарли асос қонуни. Улардан дастлабки учтасини Аристотель биринчи бўлиб таърифлаб берган. Тўртинчисини В.Лейбниц кашф этган.

МҚга амал қилиш воқеликни билишнинг муҳим шартларидан бири бўлиб, тўғри хулоса чиқаришга ёрдам беради (*ЎзМЭ.- Т.:ЎзМЭ453б., 2003- 5ж-453б.).*

Мантиқчи – маърузачи ёки муалифнинг фикр юритишларидаги қарама - қаршиликлар ва мантиқий хатоларни аниқловчи шахс. Бунда тушунчалар таърифларини тўғри ифодаланиши, исбот ёки рад этишлари таҳлил қилиниши, шакллантирилган ишчи фаразлар ва хулосаларнинг тўғрилигига эътибор берилади.

Манфий сонлар – сонлар ўқидаги санноқ бошининг чап томонида жойлашган сонлар тўпламлари.

Нолдан кичик бўлган сонлар манфий сонлар дейилади.Улар мусбат сонларга қарама-қарши сонлар деб таърифланади. Манфий сон тушунчаси VI-XI-асрларда Ҳиндистонда яратилган. Манфий сонлар билан одатда совуқ, қарз, саноқ бошидан паст тараф (тўғри бурчакли Декарт координата системасида ордината ўқининг манфий томони) ва шу каби ҳолатларни белгилаш ишлари олиб борилади.

Маориф - инсоният интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилувчи соҳа бўлиб, билим, зиё тарқатиш орқали кишиларга таълим бериб, илмли қилиш тизими. Давлат сиёсати нуқтаи-назаридан маориф мамлакатдаги таълим-тарбия ва маъданий-маърифий муассасалар тизимидир.

Ушбу соҳа мамлакатимизда Халқ таълими тизими деб қаралади ва бу соҳадаги барча ишлар маорифчиларимиз зиммасига юклатилган.

Маориф – 1) билим тарқатиш, таълим бериш; 2) мамлакатдаги таълим-тарбия ва маданий-маърифий муассасалар тизими (қ. Халқ таълими) (*ЎзМЭ. 5-том, 458-бет*).

Мардлик – инсоннинг олий фазилати бўлиб, унда ботирлик, қаҳрамонлик, садоқат, вафо мужассамлашган. Ҳаётда мард, сахий

одамлар билан бирга номард, қўрқоқ, сотқин, зиқналар ҳам учраб туради. Улар мардлик ҳуснига доғ туширадилар. Мардлик қийин аҳволга тушиб қолган одамларга ёрдам ва мадад бериш, уларни қўллаб-қувватлашдир. Мард киши сўзида туради, берган ваъдасининг устидан чиқади. Мардлик фазилатига эга бўлган инсонлар ҳар қандай вазиятда одамлар учун жонини беришдан тоймайди. Улар маънавий жиҳатдан юксак бўлиб, вафодор, садоқатли, яхшилик қилувчи инсонлардир (*Ибрагимова Г., Тўрақулов Х.А., Алибекова Р.*).

Марказий процессор — ахборот тизимининг асосий таркибий қисми. У тизимнинг бошқа процессорлари ишини бошқариш ва амалий жараёнларни бажариш учун хизмат қилади.

Маркетинг - бозор ҳолатини чуқур ўрганиш, олдиндан баҳоларни билган ҳолда товарлар ишлаб чиқиш, хизматлар ташкил қилиш, ғоялар яратиш ва уларнинг сотувини ташкил қилиш орқали юқори фойда олишни таъминлаш.

Маросим – инсон ҳаётидаги муҳим воқеаларни нишонлашга қаратилган ҳаётий тадбир. Масалан, чақолоққа исм қўйиш, никоҳдан ўтиш, майитни дафн қилиш, ўтганларни хотирлаш, экин экиш, ҳосилни йиғишга ва ўришга киришиш кабилар.

Масофавий таълим — масофавий таълим услубларига асосланган ҳолда аҳолининг кенг қатламларига тақдим этилувчи замонавий таълим хизматлари мажмуаси.

Масофавий таълим – ўқув адабиётларининг алмашиниш воситалари (ер сунъий йўлдоши, телевидение, радио, компьютер алоқа ва бошқалар) га таяниб, ихтисослаштирилган ахборот муҳити ёрдамида масофадан мамлакат аҳолисининг кенг қатламига ва хорижий давлатларга тақдим этиладиган таълим хизматлари мажмуидир.

Масофавий таълим тизимида ўқитувчиларни тайёрлашнинг самарадорлигини ошириш, таълим берувчи ва таълим олувчи шахснинг мунтазам алоқасини таъминлаш асосий вазифа ҳисобланади.

1. Масофавий таълим ўқишга ижобий ёндашувни таъминлайди. 2.Педагогик жараён мақсади сифатида таълим олувчига йўналиш бериш имконияти бор. 3. Методалогик, назарий, услубий билимларини эгаллашга имкон яратади. 4. Билиш фаолиятини мустақил ташкил этиш имконини беради. 5. Таълимнинг турли ахборотларини топиш ва ўзлаштириш имконини беради.

Замонавий педагогик технология асосида ташкил этиладиган билиш фаолиятини ташкил этиш борасида самарали қўлланилади. Ахборотларга бўлган эҳтиёжларни қондиришда, ахборот олиш ва ундан фойдаланиш самараларини ҳосил қилиш борасидаги ишланмаларни тайёрлашда ишлатилади.

Педагогик фаолиятининг ижодий характерини оширади, яъни, зарурий ахборотларни излай билиш, танланган ахборотлар билан ишлай билиш ва информатика воситалари ёрдамида одамлар билан мулоқотни самарали амалга ошира билиш йўналишларда янада оптималлашиб боради.

Масофавий ўқитиш – ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги тўғридан-тўғри, шахсий алоқасиз «масофадан ўқитиш» имконини яратиб берувчи замонавий ахборот ва телекоммуникацион технологиялардан фойдаланишга асосланган ўқитиш жараёнини амалга оширишнинг янги услуби.

Масофавий ўқитишга коммуникатив блок – масофавий таълим жараёнида қатнашувчиларнинг мулоқотлари асосидаги таълимни амалга ошириш жараёни бўлиб, унда асосан истеъмолчилар, бошқарувчи ва улар ихтиёридаги электрон почта, тестлар ўтказиш

технологиялари, дидактик материаллар мажмуаси ва шу кабиларнинг ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятини юритишни таъминловчи блок.

Масофавий ўқитишда назоратни амалга ошириш - масофавий таълим жараёнида истеъмолчиларнинг ўзининг ўзлаштириш борасидаги натижалари ва ўқув жараёни боришини ҳамда улардаги оралиқ натижаларини кечишини назорат қилишга имконият берувчи кўмакчи манба.

Масофавий ўқитишнинг ахборотли блоки – масофавий таълим жараёнидаги ўқув материаллари (назарий, амалий, дидактик, справочник, тасвирий ва ҳ.к.) дан ўқув жараёнида фойдаланишни, уларни жорий этиш натижаларини анкета, жадвал, диаграмма, гистограмма ва шу кабиларда тасвирлашни имкон берувчи манба.

Масофавий ўқитишни бошқарув – масофавий таълимни олиб бориш турли тоифадаги фойдаланувчиларнинг (тингловчиларни, таълим олувчиларни, истеъмолчиларни) ўқув жараёнига кириб муайян таълим йўналишидан фойдаланишни амалга ошириш ва уни бошқаришга имконият берувчи асосий манба.

Масофавий ўқитишнинг ўқитиш блоки – масофавий таълим жараёнидаги ўрганилаётган фан (курс, бўлим, боб, мавзу, тушунча, қонун, қоида ва ҳ.к.) бўйича ўқув материалларини (назарий ва амалий қисм, справочник материаллар, доимийликлар, чизмалар, макетлар ва ҳ.к.) мукаммал ўрганишга имконият берувчи муҳим манба.

Масофадан таълим – ўқитишнинг ўзига хос, мукаммаллашган шакли бўлиб, у ўзида ЯАТ ва мультимедия тизимига асосланган таълимнинг кундузги, кундузги сиртқи, сиртқи ва кечки элементларини мужассам этади.

Замонавий телекоммуникация воситалари ва электрон нашрлар анъанавий ўқитиш шаклларининг камчиликларини бартараф этишга

имкон беради ва бунда уларнинг барча афзалликларини ўзида сақлаб қолади.

Бунда ўқитувчининг вазифаси – таълим олувчиларнинг ўрганилаётган фанга бўлган қизиқишини янада ошириш, уларда мустақил билим олиш малакасини шакллантириш ва ақлий салоҳияти ортишини таъминлаш, уларни ностандарт масалаларни ҳал этиш ва ноқулай вазиятлардан чиқиб кетишни ўргатишдан иборат. Масалаларни ечиш давомида таълим олувчига кўмаклашиш, унинг йўл қўйган хатоларини таҳлил қилиш, самарали ўқитишни танлаш каби вазифаларни бажаришда қўлланилади.

Инсоннинг ижтимоий тажрибаларини қамраб олган маданият, унинг шахс сифатида шаклланиши ва ривожланиши натижаларига сифат жиҳатидан катта таъсир кўрсатади ва хулқ - атвори меъёрларини белгилайди. Шундай қилиб, шахс маданияти тафаккур соҳасини қамраб олади, яъни, онг ва турмушнинг барча соҳаларида инсоннинг ижодий фаолиятини белгилайди, унинг мавжуд имкониятини ҳар томонлама ривожлантиради.

Масофадан ўқитиш – таълим олувчининг мустақил билим олиш тамойилига таянувчи таълим жараёнининг янги тузилмаси ҳисобланади. Таълим муҳити шу билан характерланадики, таълим олувчилар, асосан, кўпинча ёки бутунлай фазо (ёки) вақт жиҳатидан ўқитувчидан узоқда ва айни вақтда улар истаган пайтларида телекоммуникация воситалари ёрдамида мулоқот қилиш имконига эга бўладилар.

Масофадан ўқитиш узлуксиз таълим шаклларидан бири бўлиб, инсоннинг таълим ва ахборот олиш ҳуқуқини таъминлашга қаратилади.

«Таълим» ва «ўқитиш» атамаларидан фойдаланиш бўйича бир қатъий тавсия йўқ. Таълим ҳам, жараён ҳам натижа сифатида таърифланади. Кейинги вақтларда «масофадан ўқитиш» атамасидан

фойдаланиш одат тусини олди. Бу масофадан ўқитишнинг жараён эканлигини ва унинг ўқитиш технологияси билан узвий боғлиқлигини кўрсатади.

Масофадан ўқитишнинг ахборот-таълим муҳити маълумотларни узатиш воситалари, ахборот ресурслари, ўзаро мулоқот баёнлари, фойдаланувчиларнинг таълим олишга бўлган эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган аппарат-дастурий, ташкилий-услубий таъминот ва бошқаларнинг тизимий-ташкилий мажмуаларини ҳосил қилишда кенг фойдаланилади.

Масофадан ўқитиш технологияси (МЎТ) – 1969 йилда Англияда бош премьер-министр Г.Вильсон ташаббусига кўра шакллантирилган, дейилади. Аммо, анча илгари барқарор ва мунтазам почта алоқалари шаклланиши даврида юзага келган. 1858 йилдан бошлаб Лондон Университетида барча хоҳловчиларга уларнинг қай тарзда (ёзишмалар ёки мустақил равишда) билим олишларидан қатъий назар, барча ихтисосликлар ва барча соҳалардаги академик даража учун имтиҳон топширишга ижозат берилган.

1938 йилдан буён сиртқи таълим бўйича Халқаро Кенгаш, 1982 йилдан бошлаб масофавий таълим бўйича Халқаро Кенгаш номи билан машҳур бўлган энг эски халқаро таълим ташкилотларидан бири сифатида фаолият кўрсатмоқда. Англияда ўқитувчиларни тайёрлаш дастури 130 та курсни ўз ичига қамраб олади, уларнинг кўплари фанлараро боғланишни эътиборга олиб ишлаб чиқилган.

Ўтган асрнинг 90-йилларида Англияда 40 га яқин ана шундай турдаги таълим муассасалари фаолият кўрсатган бўлиб, уларга ҳар йили 65 минг киши ўқиш учун ариза беришган. Янги педагогик технология таълим олувчиларга қулай вақтда ўқишлари учун катта имкониятлар

яратиб берди. Таълим олувчиларга филиаллар тармоғи, телестудия ва компьютер тармоғи орқали маслаҳатлар берилади.

Ҳозирги вақтда Европанинг ҳар бир мамлакатида масофадан ўқитишни жорий этган таълим муассасалари анча кўпайган. АҚШ, Канада, Англия, Германия ва Франция мамлакатларининг етакчи ОЎЮ ўзларининг телекомпьютер тизими ёки тармоғига эга. ЯАТ минтақавий уюшмаларида кўпроқ қўлланилади.

Очиқ Университетларнинг Осиё уюшмаси, масофадан ўқитишни ривожлантириш бўйича Лотин Америкаси ҳамкорлик тармоғи, университетларнинг Европа уюшмаси ва бошқаларда кенг ривожланмоқда. МЎТларни яратишнинг жаҳон тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатадики, таълимнинг компьютер тармоғидан фойдаланиб амалга оширилиши тамойили жиҳатидан ривожланувчи техник тизим тарзида қаралади.

Ўзбекистонда бу борада XX асрнинг 80-йилларида ишлар бошланган эди. ЎзФА «Кибернетика» институтидаги «БЭСМ – 6» русумли ЭҲМдан фойдаланиб Қорақалпоқ (Нукус), Жиззах шаҳарларида офтальмология шифохоналарига ўрнатилган телетайп аппарати ёрдамида беморларга узоқ масофадан туриб (Тошкентдан) амалий ёрдам (тиббий тавсиялар) кўрсатила бошланди.

Масъулият – бу шахснинг ўз зиммасига олган ёки унга топширилган мажбурятларига, кимнидир–ниманидир-айбламай, хатти-ҳаракати натижалар ва унинг оқибатлари учун жавобгарликни ўз зиммасига олишда кўринадиган **фазилатдир** *(Джураев Р.Х., Турғунов С.Т).*

Матбуот – барча босма маҳсулотлар мажмуи; тор маънода даврий нашрлар, асосан, газета ва журналларни ифодалайди. Матбуот ижтимоий онгнинг ўткир ва таъсирчан воситаси сифатида кишилик

жамиятига доимий ва фаол таъсир кўрсатади, жамоатчилик фикрини шакллантиради, омма онгига муайян қарашларни сингдиришда қудратли ғоявий омил ҳисобланади. Матбуот жамият ҳаётини иқтисодий ишлаб чиқариш; маъданий-маърифий, илмий –техникавий ва шу каби йўналишлар бўйича ёритади.

Матбуот конференцияси – маъмурият, партиялар, давлатнинг турли ижтимоий гуруҳлари, шунингдек, телерадио компанияси вакиллари ҳамда газета ва журнал шарҳловчиси қатнашиши кўзда тутилган, ўтмишдаги ва замонамизнинг у ёки бу муаммоларининг моҳиятини сиёсатшунослар, тарихчи, ҳарбий мутахассислар ёки олимлар чиқишлар орқали очишга ёрдам берувчи анжуман.

Математик лингвистика – бу тилшуносликнинг тилни тадқиқ этишда унинг кенг имкониятларини ўрганишда математик методлар ҳамда белгилардан фойдаланувчи соҳа.

Математик лингвистика фани (МЛФ). Математик лингвистика фани тилшунослик фанининг бир қисми бўлиб, табиий тиллар ҳодисаларини ва уларни тадқиқ этиш жараёнларини мавҳумий семантик моделлаштириш усулларидан фойдаланадиган фан. У математик фан сифатида моделларнинг энг умумий хоссаларини тадқиқ этади ва уларнинг тузилиш усулларини ўрганади. МЛФ га ХХ асрнинг 50-йилларида асос солинди. **МЛФ нинг асосий тушунчалари:** белги-ишора (алифбо, луғат) лар тўплами; муайян алифбо белги-ишоралари (сўз шакллари, иборалар тўплами) ва уларнинг изчилликлари. **МЛФ нинг мақсад-вазифалари:** назарий тилшунослик воситаси бўлиш; матнга автоматик ишлов бериш; автоматик таржима; «инсон-ЭҲМ» тизимидаги мулоқотни йўлга қўйиш.

Математик статистика – статистик маълумотларни тўплаш, уларни муайян бир статистик қонуният асосида тизимлаштириш, қайта

ишлаш ҳамда улар асосида истеъмол учун тайёрланган ахборотни узатиш орқали илмий ва амалий хулосалар чиқариш усулларини ўрганадиган фан.

Математик физика – физик жараёнларнинг математик моделларини яратиш орқали илмий ва амалий ечимлар топиш назарияси ҳақидаги фан. Математик физика тенгламалари назарияси физика ва математика фанлари интеграцияси асосида ташкил топган.

Математик харитография – хариталарни математик асоси (проекция, масштаб, геодезик асос ва компоновка) ҳақидаги фан бўлиб, унинг вазифаси харитографик проекциялар назариясини ва харитографик турларни тузиш методларини ишлаб чиқиш, улардаги хатоликлар (шакл, майдон, бурчак ва б.) ни келиб чиқиш сабабларини ва тақсимланишини ҳар томонлама тадқиқ этиш ҳамда уларни амалда қўллаш усулларини ўрганишдан иборат.

Математик ўйинлар ва бошқотирмалар – бу математик таҳлил, тизимий таҳлил, ақлий ҳужум, топқирлик, ўткир зеҳнлилик талаб қиладиган топшириқ, машқ ёки бошқотирмалардаги муаммо ечимлари методалогияси ҳақидаги фан.

Математика – бу юнонча билим, фан маъносини англатиб, аниқ мантиқий мушоҳадаларга асосланган билимлар ҳақидаги таълимотдан иборат бўлиб, инсоннинг ақлини ўстиради, диққатини ривожлантиради, кўзланган (ривожлантирилган) мақсадга етиш учун ўзида қатъият ва иродани тарбиялайди, ўзидаги алгоритмик тарздаги тартиб-интизомлиликни таъминлайди ва энг муҳими унинг математик тафаккури кенгаяди.

Математика фани бўйича ўқитувчиликни касб қилиб оладиган ҳар бир киши ўз олдига дастлабки (бошланғич) ва шаклланган тасаввурлар мажмуаси ҳақидаги зарурий маълумотлар ҳажмини билиши ва

қуйидагиларга эътибор бериш керак: **математика тили** (математик белгилар, қонунлар, қоидалар, ифодалар ва ҳ.к) қандай ифодаланганлигига ва қай даражада мақсадга мувофиқ ифодаланганлигига; математик исботлар хусусиятларининг етарлича ифодаланганлигига; математик исботлар **ҳақиқийлиги** ва шаклланган **тасаввурлар** қатъийлиги учун дастлабки маълумотлар қандай бўлиш кераклигига ва шу кабилар.

Математика атрофимиздаги оламни, дунёни билишнинг асоси бўлиб, рақамлар ва фигуралар ёрдамида теварак-атрофимизни ўраб турган воқеа ва ҳодисаларнинг ўзига хос қонуниятларини очиб беради, яъни, жамият ва табиатда рўй берадиган жараён ва ҳодисалардаги қонуниятларни математик белгилар асосида ихчам кўринишда ифода этади ва энг асосийси бу кўринишни (математика тилини) барча халқлар (миллати, дини, эътиқоди, тили қандай бўлишидан қатъий назар) тушунади. Умуман олганда, математикага мукаммал таърифни бериш жуда қийин, чунки ҳозирда фанда ва жамият (ҳаёт) нинг турли жабҳаларида математика фани ютуқларидан фойдаланмаган жойни топиш қийин.

Математикалаштириш - бу фанлар тараққиёти мантиқига, ишлаб чиқариш эҳтиёжини, иқтисодиётни бошқаришнинг оптимал вариантларини аниқлаш заруратига хизмат қиладиган математик таҳлил усулларидан бири. *(Қомусий луғат-Т.: - 243б.)*

Математика фани ва унинг методлари ёрдамида ҳар қандай нарса ва ҳодисанинг ривожланиш жараёнида ҳосил бўладиган миқдорий қийматларнинг ва аниқланиш соҳаларини ҳамда уларнинг тартиби ва алоқадорлиги ўрганилади.

Математикалаштиришнинг сабаби: табиий, илмий, - гуманитар ва техник фанлар, ҳамда технологик жараёнларнинг тараққиёти асосидаги

ҳосил бўладиган ахборотларни алгоритмик тарзда мантиқий жиҳатдан тартибга келтиришдан иборатлиги.

Математиклаштиришнинг зарурати: эмпирик дунё (жараёнлар) дан олинган маълумотлар ва улар асосида ҳосил қилинган ахборотлар оламидан қонун, қоида, қонуниятларни яратишдан иборатлигидадир.

Математикалаштиришнинг афзаллиги: тушунчалар, билимлар, илмлар, тенгламалар, функционал муносабатлар, функциялар ва шу кабиларнинг объектив оламининг умумлашган образи ва моделлари бўлиб, воқеликни чуқурроқ таҳлилий билишга имкон яратади.

«Объектив олам, нарса ва ҳодисаларни илмий билишда, янги маълумотлар олишда, рўй бермаган ҳодисаларни башорат қилишда математиканинг роли ниҳоятда катта». *(Қомусий луғат – 243б.)*

Бу борада математикалаштиришнинг тараққиёти маҳсулларидан бири бўлган замонавий компьютерларнинг хизматлари беқиёсдир.

Математика фани (юнон.mathematike, mathema - билим, фан) – аниқ мантиқий мушоҳадаларга асосланган билимлар ҳақидаги фан. Унинг дастлабки объекти саноқ бўлгани учун кўпинча унга « Ҳисоб – китоб ҳақидаги фан» деб қаралган. *(ЎзМЭ-Т.: ЎзМЭ, 2003.-5ж.-513б)*

Бугунги математика фанида ҳисоблашлар, формулалар устидаги амаллар жуда кичик ўрин эгаллайди. Математика фани энг қадимий фан бўлиб, узоқ ривожланиш тарихини босиб ўтган.

Математика фани, ўқувчи (таълим олувчи) ларнинг мантиқий фикрлаш малакаларини ошириши, уларнинг ўз фикрларини аниқ, тўғри ва тушунарли баён этиши учун замин ҳозирлайди. Бунда ўқитувчининг вазифаси ёшларга математика фанини ўқитишда таълимнинг замонавий ва самарали услубиятидан фойдаланишнинг оптимал вариантларидан хабардорлигидир, яъни ўқитувчининг касб маҳорати, қуруқ

андозалардан воз кечиб, замон талаблари даражасида ишлай олиши, маънавий жиҳатдан етуклик даражасидир.

Математик модель – тадқиқ этилаётган объектнинг математик ифодаланиши ва уларнинг функционал вазифасини алгоритмик тарзда ифодаланиши.

Материализм – олам ва одамни илоҳий куч яратмаган, улар модданинг ривожланиб бориши натижасида пайдо бўлган, деб ўргатади.

Материални батафсил ўрганиш – бу материални ҳақиқий ўрганиш деб аталади. Бунда материалларни ўрганишга умумий тарзда эмас, балки илмий, чуқур, таҳлилий нуқтаи назардан ўрганилади ва ундан тадқиқотни олиб боришда тўлиқ фойдаланишга эришилади.

Материални технологияли ўрганиш – бу материаларни ўзлаштиришда объект ҳақидаги умумий маълумотларни бир тизимга келтиришни ва уларни ахборотларга айлантириш ҳамда улар орасидаги алоқадорлик қонуниятларини ўрганишни ўз ичига олувчи жараён бўлиб, ана шу қонуниятлар ахборотлар йиғиш, тизимлаш, қайта ишлаш ва узатиш каби босқичларга хизмат қилади.

Материални умумий ўрганиш – бу тадқиқотга тегишли маълумотларни дастлаб умумий ҳолда ўрганиб чиқиш ва умумий тасаввурга эга бўлиш жараёнидан иборат. Тадқиқот давомида тадқиқотга тегишли умумий маълумотлардан қайси қисмига таяниш (асосланиш) зарур бўлса, материалнинг ўша қисмини чуқурроқ қайтадан ўрганиб чиқиш ва маълумотлардан фойдаланишда таҳлилий ёндашиш керак бўлади.

Материални ўрганишнинг содда усули – қалам ва қоғоз ёрдамида йиғиладиган маълумотлардир. Улар аниқ, ихчам иложи борича жадвал кўринишида ёки схематик тарзда ифодалансин ва маълумотларни тўплаш ҳамда сақлашга хизмат қилсин. Бу содда

босқичдаги ахборотлар вақти келиб муҳим фундаментал тадқиқотлар олиб боришга асос бўлиши мумкин. Шу сабабли маълумотлар тадқиқот объекти ва вазифалари ҳамда уларни такомиллаштириш, ривожлантиришга хизмат қилинишини тадқиқотчи ҳеч қачон ёддан чиқармаслик керак.

Матн – бу қандайдир белгилар ёрдамида кодланган мазмунли маълумот қабул қилиниши учун матн тили олувчига тушунарли бўлиши керак. Маълумот қандай белгилар воситасида узатилиши эмас, балки уни олувчи томонидан тушунилиши муҳим ҳисобланади *(Йўлдошев Ж., Йўлдошева Ф., Йўлдошева Г.).*

Матн материалларини қўллаш усуллари - барча фан соҳаларига тегишли бўлиб, асосан 5 та қуйидаги усулни ўз ичига олади:

1.Верификация («Верификация қилиш» га қаранг).

2.Билвосита ҳавола қилиш. Бу талабалар эски ва янги маълумотларни солиштириш ва қарама-қарши қўйишда ёрдам беради. Қўшимча ҳаволалар учун матн эслаб қолиш ва маълумотни такрорлашга қодир, лекин, амалда уни қандай қўллашни билмайдиган талабаларга ёрдам беради.

3.Диққатни қайта жамлаш. Бу матнни ишлатишнинг кўпроқ тарқалган усули бўлиб, уни муҳокама қилиш учун асосий йўналиш нуқтаси сифатида матндан фойдаланиб, диққатни ўқитишнинг аниқ вазифаларига жамлайди. Лекин бу усулни суистеъмол қилиш мунозарани зерикарли қилиши ва талабаларнинг ўз билимларидан фаол фойдаланиш истакларини пасайтириши мумкин.

4.Ғояларни қайта ифода қилиш - бу матнда баён қилинган ғояларни қайта ифода қилиш талабалар қийин материал бўйича жавоб бераётганларида уларда дадилликни ривожлантириш мумкин. Қайта ифода қилишда талабалар матнга бутунлай ва тўлиқ ёпишиб олмасдан,

матнни ишлатишнинг бошқа усулларини бирга қўшиб олиб боришлари керак.

5.«Ёпиқ китоб» усули («Ёпиқ китоб» га қаранг).

Матрицавий принтер — шакллантирилаётган рамз ёки тасвир қисми нуқталар шаклида акс эттириладиган принтер. Принтер нозик таёқчалар матрицасидан иборат босиб чиқарувчи каллакка эга. Таёқчалар матрицаси горизонтал тарзда ҳаракатланиб матн қатори ёки тасвир чизиғини босиб чиқаради. Матрица принтерларнинг чиқариш сифати биринчи навбатда таёқчаларнинг диаметри ва сонига боғлиқ.

Мафкура – (арабча «мафкура» - эътиқодлар, қарашлар тизими) жамиятдаги муайян сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, бадиий, фалсафий, илмий қарашлар, фикрлар ва ғоялар мажмуи.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг маърузалари, рисолалари ва китобларида асосланаётган нуқтаи назар ва ғоялар мажмуаси моҳияти умумхалқ мафкурасидир. Бу мафкура халқимиз тарихини, маданиятини, фалсафасини, ахлоқини, сиёсий онгини, бадиий дидини, диний анъаналарини чуқур ўрганиш асосида, халқимизнинг вазифалари ва келажагини истиқболини аниқ белгилаб беради.

Мафкура (арабча «мафкура» - нуқтаи назарлар ва эътиқодлар тизими, мажмуи) – жамиятдаги муайян сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, бадиий, фалсафий, илмий қарашлар, фикрлар ва ғоялар мажмуи. У муайян ижтимоий, гуруҳ, миллат, халқнинг мақсад ва муддаоларини ифода этадиган, уларни уюштириб, сафарбар қилиб, дунёқараш ва эътиқод асосларини шакллантирадиган ғоялар тизимидир.

Мафкуравий иммунитет – бу инсоннинг қалби ва онгини ёт ва зарарли тажовуз ва таҳдидлардан ҳимоя этиш учун шакллантирилган соғлом эътиқод ва кенг дунёқараш негизидаги турмуш тарзи бўлиб, у

бузғунчи ғоялар таъсирига нисбатан қарши курашиш тизимидан иборатдир.

Мафкуравий тизим (МТ) – мафкуравий тарбияни амалга ошириш жараёни. Жамиятнинг турли ижтимоий институтлари: оила, мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ЎМКҲТ, Олий таълим, меҳнат жамоалари, маҳалла кенгашлари, жамоат ташкилотлари, моддий – маърифий уюшмаларнинг тарбиявий имкониятларини мувофиқлаштириш, тартибга солиш ва уларни ягона мафкуравий тизимга хизмат қилдириш.

Ижтимоий институтлар фаолиятини ягона мақсад томон йўналтириш омиллари ва воситалари ҳамда усулларини ягона мафкуравий тизимининг бош мақсадини ҳал қилишнинг бир бутун тизилмасидан иборат қилиб шакллантириш.

МТ асосидаги тарбия узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинларида фойдаланилади ва талаба-ёшларни мустақиллик мафкураси асосида тарбиялашда мустаҳкам дидактик асос бўлади.

МТни ягона мақсадга йўналтириш омиллари, иш вақти, ишдан кейинги бўш вақти ва воситалари фан, таълим, радио, телевидение, кино, музей ва шу каби соҳалардаги мафкуравий тарбия йўналишини аниқлашда фойдаланилади.

МТ самарадорлиги мафкуравий тарбия жараёнининг узлуксизлигига, табақалашганлигига, комплекс ёндашув кабиларни тадқиқ этишда ривожланиб такомиллашиб бораверади.

Демак, тизимлар доимо ривожланишда бўлади, тизимлар тадқиқот мақсад-вазифаси асосида тадқиқотчининг унга бўлган талабини доимо эътиборга олиш имкониятига эга бўлади, объектлар тармоқлари ўзгаришда, ривожланишда бўлади ҳамда унинг қисм тизим ва элементлари ўртасида янги алоқалар пайдо бўлади. Элементлар ва қисм

тизимлар ўртасидаги янгидан пайдо бўлган алоқадорликлар асосида қонуниятлар очилади ва улар орқали модель, алгоритм, қонун, қоида, мезон, тамойил ва шу кабилар яратилади.

Мафкуранинг функциялари:

1.Ҳар қандай мафкура муйян ғояни одамлар онгига ва қалбига сингдиришга ҳамда шулар асосида фаолият юритишга ундайди;

2.Мафкура кишиларни ва турли ижтимоий гуруҳларни муайян ғоя асосида бирлаштиришга хизмат қилади;

3.Мафкура ғоянинг асосини ифодаловчи мақсад ва уларга эришишдаги режалаштирилган вазифаларни ҳал қилишга кишини ва умумоммани сафарбар қилишга ғоявий қурол бўлади;

4.Аҳолининг маънавиятини кўтаришга хизмат қилади;

5.Мафкура ёшлардаги ғоявий тарбияни асосий - бош ғоя асосида амалга оширишга ёрдам беради ва шу асосида ёшларни тарбиялашга имконииият беради;

6.Мавкуравий иммунитетни шакллантиради ва мустаҳкамлайди;

7.Аҳолини, хусусан, ёшларни турли ёт зарарли ғоялар таъсирига тушиб қолишдан сақлайди.

Махсус қобилият – кишидан муайян соҳасига доир алоҳида кучга эга бўлган ақл-заковатни, маҳоратни, талаб қиладиган қобилият тури. Масалан, мусиқий қобилият, математика қобилияти, рассомлик қобилияти ва ҳоказо.

Машқ - бирор фаолиятни пухта эгаллаш мақсадида қилинган ҳаракатлар кетма-кетлиги. Шунингдек, бирор фаолият сифатини юксалтириш борасидаги фаолиятлар машққа тааллуқлидир.

Одатда таълимда билим, кўникма ва малакаларни эгаллашдаги ҳаракатларни кўплаб такрорланиши машқ натижасида амалга оширилади.

Таълим ва тарбияда назарий маълумотларни мустаҳкамлаш борасида амалий машқ ва топшириқлар берилади.

Машқлар таълим олувчиларни мустақил ишлашга, ижодий қобилиятларини ўстиришга ёрдам беради ҳамда олган назарий билимларини амалиётда жорий этишга ёрдам беради.

Машқ булардан ташқари мусиқада, жисмоний тарбияда, шунингдек, ҳарбий машғулотлар ва шу кабиларда бўлади.

Маъданий - маърифий ишлар (ММИ) – кенг оммани маъданий ва маърифий тарбиялаш, уларнинг умумий маданий савиясини ошириш, ижобий қобилиятларини ривожлантириш, бўш вақтларни кўнгилли ўтказишга кўмак берувчи тадбирлар тизими ММИ мазмуни, вазифаси, мақсади ҳар бир даврнинг ижтимоий, сиёсий, маъданий – маърифий, ғоявий хусусиятларига боғлиқ ҳолда шаклланиб ривожланади.

ММИ кенг маънода ўқув муассасаларидан ташқарида инсоннинг маъданий ва маънавий ўсишига кўмаклашувчи барча ишлар (клуб ташкилотлари, оммавий кутубхоналар, маъданият ва истироҳат боғлари фаолияти)ни қамраб олади, музей, кинотеатр, театр ва бошқа муассасалар ишлари, шунингдек, радио ва телевидение муҳим ўрин тутади.

ММИ муассасаларнинг кенг тармоқлари яратилиб, уларнинг ўсиши ва такомиллаша бориши билан унга раҳбарлик жараёни ўзгариб боради. Дунёқарашни шакллантириш ахлоқий тарбия, иқтисодий билимларнинг илмий, техникавий ташвиқот ва тарғиботи, эстетик ва жисмоний тарбия, бадиий ҳаваскорлик, маданий дам олишни ташкил қилиш кабилар ММИ фаолиятининг турли йўналишларидир (*ЎзМЭ – Т. ЎзМЭ . 2003-й. – 5ж. – 371б.*).

Республикада 1994-йилда маънавият ва маърифат маркази ташкил этилди. Ҳозирги пайтда МИИ нинг асосий вазифаларидан бири

кишиларга миллий мафкурани сингдириш, баркамол авлодни шакллантиришга кўмаклашиши ватанпарварлик, меҳр-оқибат, имон эътиқотни тарбиялашга қаратилган бўлмоғи лозим.

Маълумот – таълим-тарбия натижасида олинган ва тизимлаштирилган билим, ҳосил қилинган кўникма ва малакалар ҳамда таркиб топган дунёқарашлар мажмуи деб киши сезги аъзолари, асбоблар ва ҳоказолар ёрдамида қайд этиладиган, ташқи оламдан олинган белгилар тўпламига айтилади. Маълумотларга одатда, у ёки бу сабабга кўра дастлабки фойдаланмайдиган, балки фақат сақланадиган белгилар ёки ёзиб олинган кузатувлар сифатидан қараш мумкин.

Турли манбалардан маълумотлар йиғилади ва улар ўз мақсад – вазифалари бўйича сараланади (тизимларга ажратилади) ҳамда улар таҳлил этилиб фойдаланишга тавсия этилади.

Маълумот беришда нафақат ўқитиш, балки ўзига мустақил билим олиш, оммавий ахборотлар таъсирида бўлиши билан бирга инсоннинг илмий тизимни эгаллаши, илмий дунёқарашни шакллантириш кўзда тутилади.

Аниқ манбанинг миқдорий ва сифатий таърифини ифодаловчи маълумотлар тўплами шу манба учун маълумотлар базаси деб аталади.

Маълумот – ҳодиса ва жарёнларни ифодаловчи белгилар мажмуаси. Умуман олганда, маълумот деб киши сезги аъзолари, асбоблар ва ҳ.к. ёрдамида қайд этиладиган, бошқа оламдан олинган белгилар тўлалигича айтилади.

МАҚСАДИ: Воқеа ва ҳодисаларни ифодалашни ўргатиш.

ВАЗИФАЛАРИ: манба тўғрисида тавсифнома олиш; манба тўғрисида ахборот тайёрлашга асоснома ҳосил қилиш; манба тўғрисида тасаввур пайдо қилиш ва уларни кейинги фаолиятга узатиш.

Педагогика фани тавсифидаги учта қисмдан иккитасидан кейинги (таълим ва тарбиядан) маълумот бериш қисмини тўлиқ маълумотлар зиммасига юкланади ва педагогика соҳаси ривожининг ҳар бир босқичи маълумот билан боғлиқ.

Ҳодиса ва жараёнларни ўрганишда ҳамда муайян предметни таҳлил қилишда маълумотдан фойдаланилади. Кишилик жамиятининг барча соҳаларида ва табиат ҳақидаги барча тасаввурларда маълумотдан фойдаланилади.

Табиат ва жамият тараққиётининг барча жабҳалари маълумотсиз фаолият кўрсата олмайди, чунки маълумотлар орқали ахборот пайдо бўлади ва улар манбаларни ўрганиш ҳамда уларни таҳлил қилишда асосий омил бўлиб ҳисобланади.

Маълумот – ўқитиш жараёни ва унинг натижаси ҳисобланиб, ўқитувчида билим, иқтидор ва кўникмаларнинг ўзлаштирилганлиги, билиш қобилияти ўсганлиги ва улар асосида илмий дунёқараш, шахсий сифатлари шаклланганлигини, уларнинг ижобий кучлари ва қобилиятларини қай даражада ривожланганлигини англатади. У икки маънода ишлатилиб, иккиси ҳам педагогикага тегишли:

1. Хабар – ўқитиш жараёнини амалга оширувчи восита. Билимли кишиларнинг унга талабгор бўлганларга билим бериши, етказилиши. Маълум қилиш деб, тил ва кўргазмалар ёрдамида уни бошқаларга билдиришдир.

2. Билим даражаси. Ўқиш, билиш, борликдан обектив мавжуд қонуниятларни ҳис қилиш натижасида олинган билимлар йиғиндиси – паст маълумотли ва ҳоказо. (*Зуҳра Исмоилова*)

Маълумот – бу киши сезги аъзолари, асбоблар ва ҳоказолар ёрдамида қайд этиладиган, ташқи оламдан олинган белгилар тўпламидир.

Маълумот бериш - бу ўрганилаётган объектив (таълим –тарбия жараёни, таълим-тарбия олувчи ва ҳ.к.) нинг хусусиятлари ва хоссалари ҳақидаги маълумотларни ифодалаш жараёни бўлиб, унда объект тўғрисида сонли ва сифатли маълумотлар акс эттирилган бўлади.

Маълумот бериш - бунда нафақат ўқитиш, балки ўзига мустақил билим олиш, оммавий ахборотлар таъсирида бўлиш билан бирга инсоннинг илмий тизимни эгаллаши, илмий дунёқарашни шакллантириш кўзда тутилади *(Р.Мавлонова)*.

Маълумотлар базаси – бу аниқ бир манбанинг миқдори ва сифатий таърифини ифодаловчи маълумотлар тўплами.

Маълумотлар банки – ахборот технологияларининг имконияти ва воситалари асосида яратилган, статик ва динамик режимда тузилган, товуш ва рангли тасвирлар билан таъминланган, катта ҳажмдаги ахборотларни ўз ичига қамраб олган ва уларни турли кўринишда (жадвал, диаграмма, гистограмма, матн, расм ва ҳоказо) бера оладиган, ўқув жараёнларида билим олувчилар томонидан ўз устида мустақил ишлаш ва ўз билимларини назорат қилиш учун қўлланиладиган, доимий равишда тўлдириб бориладиган, кенг даражада фойдаланишга мўлжалланган, тегишли ваколатли давлат ташкилотида қайд этилган соҳалар бўйича маълумотлар тўплами.

МАҚСАДИ: Воқеа ва ҳодисаларни ифодаловчи маълумотлар тизимини яратиш.

ВАЗИФАЛАРИ: Маълумотлар банки ёрдамида таълим ёки тарбиянинг муайян йўналишига оид ахборотлар олиб тизимларга ажратилади; манбадаги функционал фаолиятни бошқаришдаги ахборотли таъминотни тайёрлайди.

Маълумотлар банки таълим-тарбиянинг ҳар қандай бўғинини «маълумотлар→ахборотлар» тизими билан таъминлашни амалга

оширади ва режалаштирилган натижага эришишгача бўлган жараённинг асосий пойдевори омили бўлади.

Маълумотлар банки ҳодиса ва жараёнларни ўрганиш, таҳлил қилиш, натижаларни тизимларга ажратиш, хулосалаш ҳамда улар асосида умумлаштиришга бўлган маълумотларни ахборотга айлантириб, тўлиқ истеъмолга тушириб бериш соҳаларида асосий пойдевор ва дидактик асос бўлиб хизмат қилади.

Маълумотлар модели – ахборотларни ифодаловчи воситалар моделлари.

Маълумотлар омбори – бу аниқ манбанинг миқдорий ва сифатий таърифини ифодаловчи маълумотлар тўпламидир. Ахборотлашган жамиятда умумий белгиланишдаги маълумотлар омбори ғоят муҳим роль ўйнайди. Маълумотлар омбори ноёб, тор ихтисослаштирилган дастурлар каби муассасавий қарамликда бўлади. Умумий белгиланишдаги маълумотлар ва билимлар базалари иерархик тамойил: давлат минтақавий, вилоят, шаҳар (туман) бўйича кўрилади. Маълумотлар омборини йўналишлар бўйича шакллантирилганда қаралаётган соҳа иерархияси ҳисобга олинади ёки бир бутун бошли тизимлардан тортиб, тизим элементигача бўлган иерархия бўйича жараён давом этади.

Маълумотлар омбори – бу кишилик фаолияти соҳасининг бир ёки бир неча йўналишлар бўйича йиғилган маълумотлардан самарали (оптимал) фойдаланишга мўлжалланган энг ихчам ўзаро боғлиқ маълумотлар тўпламидир.

Маълумотлар омбори – компьютернинг узоқ муддатли хотирасида сақланаётган сонли ва сифатий (сўз билан ифодаловчи) маълумотлар ва улар устида аниқ амалларни бажаришга имкон берадиган маълумотлар мажмуи.

Маълумотлар омбори – кишилик фаолияти соҳасининг бир ёки бир неча йўналишида самарали фойдаланишга мўлжалланган энг ихчам ўзаро боғлиқ маълумотлар тўплами.

МАҚСАДИ: Воқеа ва ҳодисалар тўғрисида маълумотлар йиғишга ёрдам бериш.

ВАЗИФАЛАРИ: Таълимда билим, тушунча, малака ва кўникмаларни шакллантиришдаги ахборот билан таъминлашни бажаради; тарбияда муайян йўналишга эга бўлган маълумотлар билан таъминлашга хизмат қилади.

Таълим-тарбияда оптимал вариантларни танлаш қаралаётган жараён ёки ҳодисанинг нечоғлик маълумотлар билан таъминланганлигига боғлиқ, чунки маълумотларсиз манбани ўрганиш мумкин эмас.

Таълим-тарбия жараёни ҳақида ахборотлар олишда фойдаланилади ва улар ахборотлар банкини ташкил этиб, манбани қўйилган масалага қараб ўрганиш имкониятлари яратилади.

Маълумотлар омборидан ҳар қандай манбани ўрганишда фойдаланилади ва улар асосида муаммога мос ечимлар ҳосил қилинади. Айниқса, педагогик тадқиқотлар олиб боришда маълумотлар омборининг аҳамияти каттадир.

Маълумотлар омборидаги доимий маълумотлар – маълумотлар омборидаги истеъмол учун тайёрланган маълумотларни компьютерда дастурлашда айнан фойдаланишга тегишли қисми. Булар доимийликлар, справочник маълумотлар ва ҳоказо.

Маълумотлар омборидаги ўзгарувчан маълумотлар – маълумотлар омборидаги истеъмол учун тайёрланган маълумотлардан масала шарти ва улар ечимларига (ҳусусий ечимларга ҳам) қараб турли қийматларни ифодаловчи маълумотлар мажмуи. Булар тенглама ёки

тенгсизликлардан номаълумлар олдидаги коэффициентлар ёки мантиқий масалалардаги қўшимча шартлар қийматлари тўплами ва ҳоказолардир.

Маълумотлар омборини бошқаришнинг иерархик тизими – маълумотларнинг иерархик тизимини яратиш ва ундан фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотлар омборини яратиш тизими *(Абдуқодиров А.А ва б.)*

Маълумотлар омборини бошқаришнинг реляцион тизими – маълумотларнинг реляцион тизимини яратиш ва ундан фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотлар омборини яратиш тизими *(Абдуқодиров А.А ва б.)*

Маълумотлар омборини бошқаришнинг тармоқли тизими – маълумотлар омборидаги маълумотларни муаммо (масала) қўйилиши ва ҳал этилиши лозим бўлган уларга мос вазифаларнинг шартларига асосан маълумотларни синфларга ажратиш тизими.

Маълумотлар омборини бошқариш тизими – маълумотлар омборидаги истеъмол учун тайёрланган маълумотлардан муаммо мақсади ва вазифаларини ҳал қилишдаги фойдаланишнинг бошқариши жараёни.

Маълумотлар тўплами – фойдаланишга қулай шаклга келтирилган муайян фанни ёки таълим йўналишини ўзлаштириш учун зарур бўлган, исбот талаб қилмайдиган маълумотлар, илмий кўрсаткич ва ўлчамлар, турли белги ва рақамлардан, илмий, илмий-услубий, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий, маънавий, амалий, иқтисодий ва бошқа соҳалардаги қисқа (ихчам, яхлит) маълумотлардан ташкил топган нашр.

Маълумотларни тартиблаш – миқдорий ва сифатий маълумотларни муаммо мақсади ва вазифаларини ҳал қилишга мослаб тизимлаштириш жараёни.

Маълумотларни чегириш – ахборотлар тизимида кўрсатилган шартни қаноатлантирмаган элементларнинг маълумотлар омборига киритилмай қолдириш ҳолати *(Абдуқодиров А.А ва бошқалар «Ахборот технологиялари» Т..: Ўқитувчи 2002 й. 136 бет.)*

Маълумотларни қайта ишлашнинг автоматлаштирилган тизими – бу тадқиқ этилаётган жараён ёки ҳодисани тасвирловчи маълумотларни қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва сақлашга қулай ҳолга келтурувчи тизимдир.

Маълумотларнинг иерархик модели – маълумотларнинг ўзаро боғлиқ ҳолдаги қуйидан юқорига қараб босқичма – босқич ҳолдаги модели.

Маълумотларнинг иерархик омбори – маълумотларнинг иерархик моделини таъминловчи сонли ва сифатий маълумотлар омбори.

Маълумотларнинг тармоқли модели – маълумотнинг бошқа поғонадаги маълумот билан икки ёки ундан ортиқ марта боғланадиган тури *(Абдуқодиров А.А ва б.).*

Маълумотларнинг реляцион модели – маълумотларнинг жадвал кўринишида ифодаланиши ва уларни истеъмол учун тайёрлаб қўйилган ҳолати.

Маълумотлилик - бу шахснинг интеллектуал салоҳиятидаги сифат кўрсаткичи бўлиб, ўзида шахснинг ривожланиш даражаси, унинг тажрибаси, кўникма ва малакаларини мужассам қилади, ҳамда мавжуд мажмуадан фойдаланиш, улар ёрдамида янги билимларни эгаллаб, ривожлантириб бориш қобилиятларини эътиборга олиш маҳсулидир.

Маълумотномали маъруза (ММ) – талабаларда назарий билимларни ўзлаштириш, тафаккурни ривожлантириш, педагогика фанини билишни қизиқишини ва мутахассисликка бўлган касбий мойилликни шакллантиришга қаратилган педагогик фаолият. ММда талабалар ўқитувчи берган барча ўқув материалини айнан ўша ҳолда эсда сақлашга ҳаракат қилади.

Маъмун академияси – IX асрнинг биринчи ярмида Халифа Маъмун ар-Рашид (813-833) томонидан Бағдодда ташкил этилган илмий марказ. Дастлаб «Байт ул ҳикмат» («Билимлар уйи») деб аталган. Бу академияда Ҳусайн ибн Исҳоқ, Собит ибн Кура, Хубайш, Бахтяшу, Қусто ибн Луқа ал-Баахбаккий, Яҳё ибн Адий каби олимлар томонидан юнон, яҳудий, санскрит, сурёний, форс тилидан жуда кўплаб илмий-адабий, фалсафий-ахлоқий асарлар араб тилига таржима қилинди ва уларга шарҳлар ёзилиб, мусулмон дунёсига ёйилди. Айни шу таржима ва шарҳлар туфайли юнон, ҳинд олимлари асарлари бизгача етиб келган. 828 йилда Маъмун академияси қошида Бағдоднинг аш-Шамасия маҳалласида биринчи расадхона, 831 йил Дамашқ яқинидаги Косион тоғида расадхонанинг бўлими қурилди. Расадхонага дастлаб марвлик Абу Яҳё ибн Мансур, кейинчалик Муҳаммад Хоразмий раҳбарлик қилган. Маъмун академиясида Хоразмий билан бирга Холид ибн ал-Малик ал-Марваррудий, Ал-Аббос ибн Саид ал-Жавҳарий, Аҳмад ибн Абдуллоҳ ал-Марвазий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Юсуф Ёқуб ибн Саххоб ал-Киндий ва бошқа кўплаб Ўрта Осиёлик олимлар ижод қилиб турли фанлар ривожига катта ҳисса қўшдилар. XI асрда Хоразм пойтахти Гурганж (ҳоз. кўҳна Урганч) шаҳридаги илмий марказ Маъмун академияси деб номланган (қ. Хоразм Маъмун академияси) (*ЎзМЭ. 5-том, 537-бет*).

Маънавий-ахлоқий маданият – Ўзбекистон халқининг анъаналари, тили ва маданиятини билиш, ҳурмат қилиш, миллий фахр туйғусини, ўқимишлилик ва ақл заковатлилиги, ахлоқий намуналарининг мавжудлиги ва кундалик ҳаётида уларга ўхшашга интилиши, бўш вақтлардан фойдаланишнинг ижтимоий қимматли усулларидан фойдаланишни билиши, ўзининг шахсий салоҳияти устида миллий бойлик сифатида қайғуриш ва бошқалар.

Маънавий-ахлоқий маданият хилма-хил муносабатлар жараёнларида билим олиш, ижодий ва меҳнат фаолияти жараёнида намоён бўлади.

Маънавий-ахлоқий тарбия – ёш авлодни халқнинг бой миллий-маданий тарихий анъаналарига, урф-одатлари ҳамда умумбашарий қадриятларга асосланган самарали ташкилий, педагогик шакл ва воситалари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этиладиган тарбия.

Маънавий бемор – мустақиллигимиз маънавияти билан тўлиқ суғорилмаган, миллий ўзликни англаш туйғусига эга бўлмаган, ўз Ватани тақдири ва тараққиётига бефарқ, лоқайд, манқурт (“робот”) ва шу каби салбий хислатлар эгаси.

Маънавий билим – олинган маънавий тушунчаларни (категорияларни) таълим олувчининг пухта чуқур ўзлаштириш ва уни тизимли равишда айтиб бера олиши маҳсули.

Маънавий кўникма – таълим олувчида тақлид, маънавий мақсад ва вазифларни ҳосил қилишдаги ақлий фаолият натижасидир.

Маънавий маданият – мавжуд билим, ҳаётий тажриба ва эзгу ғоялар негизида шаклланиб, шахс томонидан ўз хулқ - атвори, муомаласи ҳамда хатти – ҳаракатларини онгли бошқаришга имкон берувчи руҳий ҳолатнинг юқори даражаси бўлиб, қуйидагилардан ташкил топади: ижтимоий - ғоявий маданият; ҳуқуқий маданият; жисмоний маданият;

иқтисодий маданият; сиёсий маданият; эстетик маданият; экологик маданият; жинсий маданият; диний маданият.

Маънавий поклик – одамларни ҳалолликка, бағрикенгликка, меҳр–шафқатли бўлишга чорлаш ва бу борада ўзи ибрат – намуна кўрсатиш.

Маънавий эътиқод – маънавий идеалдан иборат бўлиб, эҳтиёж кўникма ва малакаларнинг шаклланиши асосида пайдо бўлади.

Маънавий эҳтиёж – таълим олувчидаги маънавий билимларнинг ижобий муносабат ҳосил қилиниши натижасида тақлидга мойилликнинг уйғотилиши жараёни.

Маънавий қашшоқ инсон – айш-ишратга ва тубан майлларга берилган, инсоний фазилатларга эга бўлмаган, оила ва Ватан муқаддаслигини батамом унутган, ўзи яшаётган давлат тақдирига бефарқ, лоқайд, саводсиз, бузуқ турмуш тарзига муккасидан кетган, исталган саробни оби-ҳаёт деса унга ишонаверадиган кишидир.

Маънавият (арабча «маънавият» - маънолар мажмуи) – кишиларнинг фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадиий, ахлоқий, диний тасаввурлари ва тушунчалари мажмуи. Маънавият мафкура, тафаккур тушунчаларига яқин ва улар бир – бирлари билан боғлиқ тушунчалардир. Маънавият – инсоннинг онги, ақлий қобилиятини, руҳий кечинмаларини яхшиликларга, эзгу ниятларга тўла қалбини ифодаловчи кўп қиррали тушунча.

Маънавият – кишининг ички, руҳий, ахлоқий қиёфаси тушунчаси бўлиб, маълум бир ахлоқ меъёрлари, маромлари асосида яшаш тарзи, умуман ҳаётдир.

Ўрта Осиё халқининг энг қадимги «Авесто» диний китобининг оғзаки вужудга кела бошлаши натижасида, яъни милоддан 3000 йиллар муқаддам шаклланиб келган Ғарб ва жаҳондаги бошқа мамлакатларда

яшовчи халқлар маънавиятига зид ўлароқ **уят, андиша, шарм-ҳаё, ибо, ор-номус, иффат, ғурур, иззат-нафс, қадр, инсонпарварлик, мурувват** каби ахлоқ меъёрларига асосланган инсоннинг руҳий, ахлоқий қиёфаси бўлиб, шулар асосида ташкил топган урф-одатлар, миллий анъаналар ва турмуш кечириш тарзи ҳисобланди (*Абдураҳмонов А.*).

Маънони англаш - дарс босқичи бўлиб, унинг давомида талабалар тадқиқ этадилар ва билимлар излайдилар ҳамда ўз фаолиятлари натижасида маънони белгилайдилар ёки англайдилар.

Маърифат (арабча «аърафа», билмоқ сўзидан) – тарбиявий, иқтисодий, сиёсий, фалсафий, диний ғоялар мажмуи асосида кишиларнинг онг ва билимини, маданиятини ўстиришга қаратилган фаолият. Маърифат одамларга билим бериш, кўникма ва малака ҳосил қилдириш демакдир.

Тилимизда маърифат воситасида курашиш деган тушунча мавжуд бўлиб, бирон бир хавфнинг моҳиятини чуқур англаб, унга қарши билим билан онгли равишда курашишга айтилади. Бунга жадидчи олимларимизнинг собиқ тузум кирдикорларини ўз асарлари орқали фош қилишлари ва ғояга қарши ғоя, фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши маърифат билан курашганлари мисол бўла олади.

Маърифат – киши онги, билимининг инсонпарварлик, эзгулик ғояларига асосланган маданиятини оширишга қаратилган фаолият ҳақидаги тушунча.

Маърифат – диний ва дунёвий илмларни ва эзгу ғояларни эгаллаш, тарқатиш, ижтимоий иллатларга ҳамда шахснинг саводсизлигига қарши юритиладиган фаолият тури.

Маърифат – кишиларнинг онгини, билимини, маданиятини оширишга қаратилган талим-тарбия. У табиат, жамият ва инсон

моҳияти ҳақидаги турли билимлар, маълумотлар мажмуасини билдиради. Маърифат тушунчаси маданият, маънавият тушунчаси билан боғлиқ. Маърифат маънавий қарамликни бартараф қилади, инсонга куч-қудрат ато этади. У кишиларни жаҳолатдан қутқаради, бузуқ ишлардан қайтаради, яхши хулқ ва одоб эгаси бўлишига ёрдам беради. Маърифатли кишилардан ташкил топган жамият равнақ топади, келажаги порлоқ бўлади. Маърифат билим ва маданиятнинг қўшма мазмуни бўлиб, маориф уни ёйиш воситасидир. Маърифатни ҳаётга сингдириш маориф тизими орқали амалга оширилади (*ЎзМЭ. 5-том, 540-541 бет*).

Маърифатчилик – маданият ва маънавият соҳасидаги оқим. Унинг негизини фан, билим имкониятларига катта ишонч ташкил этади. Маърифатчилар билимлар ёрдамида ижтимоий ҳаётдаги номутаносибликлар ва камчиликларни бартараф қилиш мумкинлигига ишонганлар. Шу нуқтаи назардан маърифатчиликни мафкуравий, ижтимоий-фалсафий оқим дейиш мумкин. Илмларни эгаллаш ва тарғиб қилиш қадим замонларда бошланган бўлса-да, маърифатчилик оқим сифатида Ғарбда XVII аср охириXVIII аср бошларида, Шарқда XIX аср охири XX аср бошларида майдонга келган. Шарқ маърифатчилиги умуман динга қарши эмас, балки диний ақидапарастликка қарши бўлди. Шарқдаги маърифатчиликнинг йирик намояндалари Исмоилбек Гаспринский, Закий Валидий, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Фитрат, Мунавварқори, Абдулла Авлоний кабилар диний ақидапарастликка қарши кескин кураш олиб бордилар, лекин бу кураш даҳрийлик мавқеидан эмас, мўътадил диндорлик мавқеидан олиб борилди. Уларнинг кўпи диндор, баъзилари эса (М.Беҳбудий) диний уламо бўлган. Маърифатчилар жамиятни саводлик қилиш орқали адолатли, фаровон турмушга эришмоқчи бўлдилар. Маърифатчилар табиий

фанлар билан биргаликда соғлом фикрга, мантиққа мурожаат қилдилар. Улар халқни рўшноликка чиқаришнинг асосий йўли – уни саводли қилиш, ортиқча сарф-ҳаражатлар талаб қиладиган маросимларга қарши курашда деб билишди. Шу билан бирга, улар диний ақидапарстликка қарши курашда фақат дунёвий фанлардан эмас, Қуръон оятлари ва пайғамбар ҳадисларидан ҳам фойдаланишди, зеро уларнинг кўпчилиги муайян диний билимларни эгаллаган эди (*ЎзМЭ. 5-том, 541-бет*).

Маъруза, лекция – ўқув материали, бирор масала, илмий, сиёсий мавзуларнинг изчил тартибли оғзаки баёни. Ўқув маърузаси ўқув жараёнининг асосий шакли; олий ўқув юртларида дарс бериш усулларидан бири. Маъруза шунингдек, ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимида, умумий ўрта таълим мактабларининг юқори синфларида қўлланилади. Оммавий маъруза маданий-маърифий ишлар тизимида сиёсий ва илмий билимларни тарқатиш ҳамда ташвиқот қилиш шаклларидан бири (*ЎзМЭ. 5-том, 541-542 бет*).

Маъруза, лексия – омма олдидаги бирор материални баён қилиш учун тайёрланган ахборотлар мажмуи. Ёки ўқув материалини режалаштирилган тизим асосида изчил ифода қилинган, оғзаки баён қилишга мўлжалланган бирор илмий, сиёсий масала мавзуларнинг баёни учун тайёрланган ахборотлар мажмуи.

Ўқув муассасаларидаги маърузалар асосан ёшларга таълим-тарбия беришга мўлжалланган бўлиб, у ўқув жараёнининг асосий шаклларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Маъруза – катта ҳажмдаги ўқув материалини нисбатан узоқ вақт давомида монологик баён этишдир.

Маъруза – дарс ўтиш шаклларидан бири. Бу усулнинг асосий вазифаси – таълим бериш, ўргатиш. Белгилари**:** қатъий тузулмага эга; нутқий – мантиқий баён қилиш, берилаётган ахборотнинг кўплиги.

Маъруза – таълим муассасасида ўқитувчи томонидан мавзуни оғзаки баён қилишдан иборат бўлган ўқув машғулоти. Бу машғулот жараёнида оғзаки баён қилишга ёрдам берадиган ҳозирда мавжуд бўлган турли хилдаги таълим воситалари: ўқув кўргазмали қуроллар, техника воситалари, ахборот – коммуникация воситалари, мультимедия материаллари, тарқатма дидактик материаллар ва шу кабилардан фойдаланиш машғулот сифатини оширишнинг зарур шартларидан ҳисобланади.

Маъруза алгоритмлари – маърузани амалга ошириш жараёнини унинг мақсадларига мувофиқ равишда ташкил этиш босқичлари, тартиби, изчиллиги. Алгоритмлар асосан модулларни амалга ошириш кетма-кетлигини белгилаш ва унга риоя қилиш орқали маърузанинг бошидан-охиригача аниқ мақсадга йўналтирилган қатъий мантиққа эга бўлишини таминлашга хизмат қилади. Бунга эришиш учун ҳар бир маъруза матиреалини ташкил қилувчи модулларни амалга оширишни кўзда тутилаётган мақсадга мувофиқ бўлган таркибини олдиндан белгилаб олиш ва маъруза жараёнида унга риоя қилиш лозим (*Йўлдошев Ж., Йўлдошева Ф., Йўлдошева Г.*).

Маъруза воситалари – маърузани амалга ошириш учун зарур бўлган маърузачининг билим, кўникма, малакалари ҳамда ёзма ва тасвирли материаллар, ўқув – кўргазмали, техникавий жиҳозлар ва бошқа дидактик қуроллар (*Йўлдошев Ж., Йўлдошева Ф., Йўлдошева Г.*).

Маъруза икковлон – икки ёки ундан ортиқ ўқитувчилар томонидан олдиндан тайёрланган сценарий асосида ўтказиладиган маъруза.

Ўқитувчилар маърузанинг муаммоли саволларига қараши турлича бўлгани ҳолда, талабалар кўз олдида мунозарага киришишади. Уларни фаоллаштиради ва илмий бахслашишда ўзлари наъмуна бўлишади.

Предметли маъруза-икковлон бир ўқув фани ўқитувчилари томонидан ўқилади, предметлараро «Маъруза-икковлон» ни икки турли фан ўқитувчилари ўтказишади.

Бундай маърузанинг асосий унсурларини мулоҳазалаш режиссура (педагогик вазиятлар ва ўқитувчи роли йиғиндиси сифатида тушунилади) муаммоларни қайд қилиш ҳисобланган сценарий ёзишни тақозо этади. Сўнгги унсури – аудитория нимани айтиш мумкинлигини башоратлашдир (*Н.Сайидахмедов, С.Бозорова*).

Маъруза конспекти – маъруза мазмунининг қисқа баёни. Бунда маъруза конспекти тушунчаси 2 хил тушунчани: маъруза муаллифи томонидан тайёрланадиган конспектни ҳамда маърузада иштирок этган тингловчи томонидан ёзиб олинадиган маъруза конспектини билдириши назарда тутилади. Бизга маълумки, муаллиф томонидан тайёрланадиган маъруза конспекти ҳақида фикр юритмоқдамиз. Маъруза конспекти, албатта, дастлаб тайёрланган маъруза тезисини такомиллаштириш натижасида шаклланади. Шу билан бирга айтиб ўтишимиз лозимки, айрим ҳолларда ишни бирданига маъруза конспектини тайёрлашдан бошлаш мумкин.

Маъруза материаллари – маърузада фойдаланиладиган, унинг асосий мазмунини ташкил қиладиган барча илмий – назарий, методик ва бошқа маълумотларни ўз ичига олади. Уларга маърузада ўрганиладиган илмий қонунлар, тахминлар, методлар, тажрибалар, шарҳлар, тафсилотлар, мисоллар, исботлар, таҳлиллар, хулоса, тавсиялар, йўл-йўриқлар киради (*Йўлдошев Ж., Йўлдошева Ф., Йўлдошева Г.*).

Маъруза матни (ММ) – маърузани ташкил қилиш, олиб бориш жараёнлари ва унда баён қилинадиган мазмуннинг ёзма шаклда батафсил акс эттирилишидан иборат. ММ да маърузани ўтказиш

жараёни бошидан охиригача батафсил баён қилиниши назарда тутилади. Бунда маъруза матнини 2 хил шакллантириш, яъни маъруза жараёнининг ташкилий, услубий, педагогик, психологик ва бошқа масалаларига доир фаолиятларни ҳам тўлиқ назарда тутган ҳолда баён қилиш ёки фақат маърузада тингловчиларга бериладиган илмий, назарий, методик материалларни тўлиқ баён қилиш мумкин. Шу 2 та шаклдаги маъруза матнларидан юқорида айтилган биринчи хили ҳар бир маърузачи учун зарур эканлиги маълум. Иккинчи хилидан маърузанинг мазмунини баён қилиш билан чекланиш мақсадга мувофиқ бўлган ҳолларда ўқув қўлланмаси, методик қўлланма, тавсияномалар, мақолалар тузишда фойдаланиш назарда тутилади (*Йўлдошев Ж., Йўлдошева Ф., Йўлдошева Г.*).

Маъруза матнини тузиш босқичлари – бу маърузачининг маърузани уюштириш, олиб боришдаги ақлий фаолияти (ўқитувчилик фаолияти) нинг алгоритмик тизимидан иборат бўлган жараён бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади: маъруза мавзусини белгилаш; маърузанинг мақсадини белгилаш; маъруза жараёнида фойдаланиладиган воситалар рўйхатини тузиш; маъруза вақтини тақсимлаш режасини тузиш; маъруза матнининг асосий баёнини ёзиш.

Маъруза модуллари – маъруза ўқув материалларини ташкил қилувчи таркибий бўлаклар. Бу бўлаклар маърузадаги илмий, назарий, методик маълумотлар таркибидан алоҳида ажратиб олиш мумкин бўлган фикр, қоида, қонун, фаолият (хатти-ҳаракат) ва шу кабилардан иборат.

Модуллар бирламчи ва турли даражада умумлаштирилган катта ва йирик модулларга ажратилиши мумкин эканлигини назарда тутиш лозим. Ҳар бир маърузанинг модули тизими тўлиқ ҳисобга олинган бўлиши керак, яъни, маъруза материалини модулларга ажратиб олиш

жуда ҳам зарур. Шунда ҳар бир маърузанинг мунтазам равишда тўлиқ, яхлит, бир бутун бўлиши таъминланади. Керак бўлганда айрим модулларни ўзгартириш ёки алмаштириш мумкин (*Йўлдошев Ж., Йўлдошева Ф., Йўлдошева Г.*).

Маъруза тезиси – маърузанинг қисқа ифодаланган қоидалари, ҳолатлари, мазмунлари, яъни, асосий модуллари ва алгоритмлари баёнидан иборат. Одатда ҳар бир маъруза матнини тайёрлашнинг энг дастлабки босқичи унинг тезисини тузишдан бошланади.

Маъруза шароити (иш жойи) – маърузачи билан тингловчилар учун яратилган қулайликдир. Бу жуда зарур шартлардан ҳисобланади. Буларга маърузачининг иш ўрни, маърузачи фойдаланишга зарур бўлган қулайликлар мавжудлиги, шу воситаларнинг ишлаш сифати, шу билан бирга, ҳар бир тингловчи учун иш ўрнининг етарлилиги ва қулайлиги ҳамда хонадаги санитария-гигиена талабларига риоя қилиниш даражаси киради.

Маъруза тингловчилари - таълим жараёнининг истеъмолчилари. Улар қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида таълим олаётган асосан катта ёшдаги мутахассислардир. Шунинг учун бу таълим – тарбия жараёни андрагогика фани талаблари асосида амалга оширилади (*Йўлдошев Ж., Йўлдошева Ф., Йўлдошева Г.*).

Маърузалар матни – муайян фаннинг ўқув дастури бўйича, ундаги айрим мавзуларнинг асосий ва қўшимча адабиётлар кўрсатилган, ўз-ўзини назорат қилишга оид саволлар туркуми, мавзуга тегишли таянч атама ва иборалар келтирилган, доимий равишда илмий тадқиқот изланишлари асосида янгиланиб туриладиган таълим муассасасининг илмий кенгаши тавсияси бўйича чиқариладиган кичик ададли тарқатма материал.

Маърузалар курси – фаннинг ўқув дастури бўйича, ундаги барча мавзуларнинг асосий мазмунини қисқа ёритилган, бирламчи янги билимларни олишга қаратилган, фойдаланиладиган асосий ва қўшимча адабиётлар кўрсатилган, ўз-ўзини назорат қилишга оид саволлар туркуми, мавзуга тегишли таянч атама ва иборалар келтирилган нашр.

Маъруза-маслаҳат – амалий йўналишга эга бўлган мавзуларни ўрганишга мўлжалланган маъруза тури бўлиб, унда мунозара устивор фаолиятни ташкил этади.

Бунда маърузани турли вариантларда амалга ошириш мумкин. Улар қуйидагилар:

1. Машғулот кириш маърузаси билан бошланиб, ўқитувчи талабалар диққатини мавзунинг амалиётда қўлланилиши билан боғлиқ қатор муаммоларга қаратади. Кейин талабаларга саволлар берилади.

2. Машғулотнинг асосий вақти (ўқув вақтининг 50 % гача) саволлар жавобига қаратилади. Машғулот сўнггида кичик мунозара, эркин фикр алмашиш ўтказилиб, ўқитувчининг якуний сўзи билан тугалланади.

3. Элон қилинган машғулотлардан бир неча кун олдин ўқитувчи талабалардан ёзма равишда саволлар йиғиб олади. Машғулотнинг биринчи қисми маъруза кўринишида ўтказилиб, ўқитувчи ўз имкониятига қараб йиғилган саволларга тўлдирган ва ривожлантирилган ҳолда жавоб беради. Иккинчи қисми эса талабаларнинг қўшимча саволларига жавоб бериш, эркин фикр алмашиш шаклида ўтади.

4. Талабалар машғулот материалларини олдиндан олишади. Қоидага кўра, улар инструктив (йўриқнома) кўринишида бўлади. Талабалар материални ўрганиш ва нотиқ-маслаҳатчига ўз саволларини тайёрлаши зарур. Машғулот саволларига жавоблар, эркин фикр алмашиш шаклида ўтказилади. Ўқитувчи машғулотни, маслаҳат

якунини оддий хулосалаш ёки жараённи умумлаштирувчи якуний сўз билан тугаллайди.

5. Дарснинг биринчи қисми муайян ловозимли шахс ёки жамоанинг илғор тажрибаси ҳақидаги қисқача ахборот, кинофильм, видеофильм, диафильм кўриш шаклида олиб борилади. Талабалар бу тажрибани ёритувчи бир мунча тўлароқ материалларни (китоб, рисола, тарқатма, мавзуга мос дидактик материаллар – Т.Х.А) олдиндан олишлари мумкин. Машғулотнинг иккинчи қисми таълим олувчиларнинг саволларига жавоб шаклида қурилади.

6. Дарс жамоавий маслаҳат шаклида олиб борилади, бунда биринчи ўқитувчи эмас, балки ўрганилаётган соҳа бўйича юқори малакали мутахассисларнинг иштироки зурур бўлади.

7. Маъруза маслаҳат шаклида маъруза самарадорлиги талабалар бераётган саволларнинг кўплиги ва улар предметли мазмуннинг кенглигига боғлиқ (*Н.Сайидахмедов, С.Бозорова*).

Маъруза-матбуот конференция (ММК) – талабалар билимидаги нуқсонларни йўқотиш ва улар тайёргарлиги даражасини ташхислашга мос маърузадан иборат.

Бунда ўқитувчи дарс мавзусини эълон қилиб, талабалардан кўрилаётган муаммо юзасидан ёзма равишда саволлар беришни сўрайди. 2-3 дақиқа давомида талабалар савол тузиб ўқитувчига беради. Ўқитувчи 3-5 дақиқа давомида саволларни уларнинг мазмунига қараб тизимлаштиради ва маърузани бошлайди.

Маъруза қўйилган саволларга жавоблар мажмуаси ва кетма-кетлиги сифатида ёки баён қилиш жараёнида шаклланадиган жавоблар матни билан боғлиқ тарзда ўқилиш мумкин. Маъруза сўнгида ўқитувчи талабалар қизиқиши ва билимлари жавобларида нечоғлик акс этганлигини таҳлил қилади. Агар баъзи жавоблар қаноатлантирмаса,

унда ўқитувчи бунинг учун махсус қолдирилган вақтда батарафсил жавоб беради (*Н.Сайидахмедов, С.Бозорова*).

Маъруза-мунозара (ММ) – ўқитувчини маъруза материалини баён қилишда ўз саволларига талабаларнинг берган жавоблари асосида ўзаро мантиқий кетма-кет билимлар ёрдамида эркин фикр алмашишни ташкил этишдир. Бу ўқув жараёнини жонлаштиради, аудиториянинг билиш фаолиятини оширади ва баъзи талабаларнинг салбий фикрларини йўқотиш мақсадида ўқитувчига режуссурадан фойдаланган ҳолда гуруҳнинг жамоавий фикрини бошқариш имконини беради (*Н.Сайидахмедов, С.Бозорова*).

Маъруза-суҳбат (МС) – ўқув жараёнига талабаларни фаол жалб этишга қаратилган бўлиб, талабаларни ўқитувчи билан самарали суҳбатга киришишини таъминловчи маъруза шаклидир.

Бунда фаоллаштириш воситалари сифатида аудиторияга бериладиган саволлар, аста-секин мунозарани такшил этиш учун шароит яратиш кабиларни киритиш мумкин. Унинг бир неча кўриниши мавжуд: **маъруза-мунозара, маъруза-очиқ тортишув, маъруза-семинар (полилог)** (*Н.Сайидахмедов, С.Бозорова*).

Маъруза-тадқиқот (МТ) – бу умумий муаммо мавзунинг асосий йўналишлари бўйича хусусий билув топшириқлари ёрдамида аниқланишига мўлжалланган маъруза шаклидир.

Бунда маърузанинг тугунли босқичларида қоида кўра 4-6 та муаммоли саволлардан, 7-9 ва ундан кўпроқ муаммоли топшириқлардан фойдаланилади, уларнинг ҳар бири асосий муаммони ечишда энг асосий ҳолатларини аниқлаштиришда жиддий алоқа ва муносабатларни ойдинлаштиришда алоҳида поғона ҳисобланади.

Бу билан ўзлаштириш даражаси ва мавзуга гуруҳ мустақил ишлов бериш ҳамда талабаларда тадқоқотчилик фаолиятини

такомиллаштириш учун муаммо билан ишлаш кўникмаси топшириб кўрилади (*Н.Сайидахмедов, С.Бозорова*).

Маъруза тескари алоқа техникасини қўллаш (МТАТҚ) – компьютер дастурлари асосида ўқитиш технологиясига асосланган маъруза тури бўлиб, махсус жиҳозланган компьютер синфхоналарида ўтказилади.

Саволлар маърузанинг ҳар бир бўлимини баён қилишдан олдин ёки кейин ва охирида берилади. Биринчи ҳолда талабалар муаммони нечоғлик илғаб олганлигини билиш зарур. Агар аудитория асосан кириш саволларига тўғри жавоб берса, ўқитувчи қисқача тезис баён билан чегараланиши ва маърузани кейинги бўлимига ўтиши мумкин. Агар тўғри жавоблар сони кутилаётган даражадан паст бўлса, у маъмаърузанинг зарур бўлимини ўқийди, сўнг талабаларга ҳозир баён қилинган материални эгаллаганлик даражасини аниқлашга мўлжалланган янги саволлар беради.

Назорат сўрови натижалари қониқарсиз бўлган тақдирда ўқитувчи материални узатиш методикасини алмаштиради ва ўқилган бўлимга қайтади (*Н.Сайидахмедов, С.Бозорова*).

Маърузанинг мультимедиа варианти - маъруза матнини, унинг айрим қисмларини, ундаги жадваллар, диаграммалар, тасвирлар, кино материаллари ва бошқа материалларни ҳамда ўрганилаётган жараёнларни компьютер экранида анимациялаштирилган кўринишда зарур бўлган овоз, мусиқа иштирокида намойиш қилиш учун тайёрланган шакли. Шундай мультимедиа материалларини катта экранда намойиш қилиш ҳамда турли масофага узатиш мумкин.

Маърузанинг мультимедиа варианти ҳаётий ва ҳаракатли тасвирлар, овоз, мусиқа орқали таъсирчанлиги ортиши билан яхши натижа бериши маълум. Мультимедиа материаллари компьютер хотирасидаги

маълумотларни ёзиб олиш ва сақлаш учун хизмат қиладиган воситаларга ёзилган ҳолда сақланади (*Йўлдошев Ж., Йўлдошева Ф., Йўлдошева Г.*).

Маърузанинг электрон варианти - маъруза матни, ундаги жадваллар, диаграмма, тасвирлар ва бошқа материалларнинг компьютер хотирасига ёзилган варианти. Бунда маъруза билан компьютер орқали танишиш, шунингдек, катта экранда намойиш қилиш ҳамда турли масофаларга узатиш имконияти ҳосил қилинади. Бундай материаллар дискет, компакт диск ва бошқа ташувчиларга ёзилган ҳолда сақланади (*Йўлдошев Ж., Йўлдошева Ф., Йўлдошева Г.*).

Мақола – бунда ижтимоий ҳаёт ҳодисалари чуқур таҳлил қилиниб, назарий ва амалий жиҳатдан умумлаштирилади, давлат сиёсати, техника, иқтисод, фан ва маданиятда эришган ютуқлари, илғор иш тажрибалари оммалаштирилади, халқ хўжалигидаги нуқсонлар танқид қилинади.

Мақсад – қўйилган муаммо (мақсад) ечимига интилиш йўналиши ва бу борадаги ҳаракатлар натижаси.

Мақсад функцияси – белгиланган мақсадда манбада кечаётган жараённи маълум қонуният (алгоритм) асосида кечишини ифодаловчи математик аппарат.

МАҚСАДИ: Таълим-тарбия жараёнидаги қўйилган муаммо ечимига эришишнинг алгоритмик тизимини ҳосил қилиш.

ВАЗИФАЛАРИ: Режалаштирилган мақсадга эришишнинг оптимал вариантини танлаш; таълим-тарбияда алгоритмик тарзлар фаолият юритиш таъминлаш.

Мақсад функциясининг таълим-тарбия учун ишлаб чиқилиши қаралаётган жараён ёки ҳодисанинг ўрганишни режалаштиришни ва

манбага таъсир қилувчи омилларни ҳисобга олишни оптимал вариантларини ишлаб чиқишни кафолатлайди.

Мақсад функцияси термини таълим-тарбия жараёндаги ишларни алгоритмик тарзда ифодалашда фойдаланилади, таълим сифатини башорат қилиш ва ташхисини белгилаш соҳаларида самарали фойдаланилади.

Мақсад функцияси термини таълимни бошқариш жараёнида ва тарбияда оптимал вариантларни кафолатлашда мунтазам фойдаланилади ҳамда таълим-тарбия жараёнларини алгоритмлаш ва компьютерлаштиришга кенг имкониятлар яратади.

Мақсадлар бошқарув фаолиятига қараб, айнан бир оддий таълимий масала ечимига қаралишидан тортиб узлуксиз тизимидаги турли фаолиятларгача белгиланиб берилаверади.

Мақсадга эришиш белгиланган режа асосида олиб борилади ва шу асосда мақсад сари ҳаракатлар бошланади. Бунда ҳаракат жараёни **мониторинги** муҳим роль ўйнайди, чунки бу ҳаракатнинг бориши мунтазам равишда назорат остида боради ҳамда керакли ростлаш ишлари олиб борилади.

Мақсадга эришилди дейилади, агарда таълим олувчининг билим даражаси ўқитувчининг ўрганилаётган фанга тааллуқли Давлат таълим стандартлари асосида ифодаланган талаби даражасига етиб борса.

Мақола – бунда ижтимоий ҳаёт ҳодисалари чуқур таҳлил қилиниб, назарий ва амалий жиҳатдан умумлаштирилади, давлат сиёсати, иқтисод, техника, фан ва маданиятда эришган ютуқлари, илғор иш тажрибалари оммалаштирилади, халқ хўжалигидаги нуқсонлар танқид қилинади, муаллиф ўз қарашларини ўртага ташлайди. Мақоланинг кириш, мавзунинг долзарблиги, мақсад ва уни ҳал қилиш технологияси (услубияти) ҳамда қўлга киритилган натижалар ва улар

таҳлили асосида хулосаси бўлмоғи лозим. Булар асосида мавзу йўналишига қўшилган ҳисса ва унинг назарий ҳамда амалий аҳамияти ёритилади.

Маҳалла – аввало, соғлом ижтимоий муҳит масканидир. Бу ерда кучли таъсирга эга бўлган жамоатчилик фикри маҳалла аҳлининг хулқ-атвори, ўзаро муносабатларини адолат ва маънавий мезонлар асосида тартибга солиб туради. Шу маънода маҳаллани демократик дарсхона, деб аташ мумкин. Маҳаллада кенг жамоатчилик ўртасида мафкуравий ишларни самарали йўлга қўйиш учун катта имкониятлар мавжуд. Айниқса, миллий қадриятлар, меҳр–оқибат, эл–юрт шаъни учун кураш каби фазилатларни камол топтиришда маҳалланинг ўрни беқиёс. Ўзини–ўзи бошқаришнинг миллий модели бўлган маҳалла халқимизнинг азалий удумлари, урф–одатлари ва анъаналарига таянган ҳолда, улкан тарбиявий вазифани бажаради. Кексаларнинг панд-насиҳати, катталарнинг шахсий ибрати, жамоанинг ҳамжиҳатлиги мисолида кишилар онгига эзгулик ғоялари сингдирилиб борилади.

Маҳаллий ўз – ўзини бошқариш – фуқароларнинг жойларда, давлат ва жамият ишларида иштирокини таъминловчи, жойларда давлатнинг айрим функцияларини амалга ошириш воситаси – ҳокимиятнинг бир тури. Кўпчилик мамлакатларда маҳалла кўринишида давлат ҳокимияти органлари ташкил этилмайди, у ерда фақат маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш ташкил этилади (Россияда). Ўзбекистонда жойларда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий ўзини - ўзи бошқарув органлари мавжуд. Ўзбекистондаги фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқарув органи – фуқаролар йиғинидир.

Маҳмуд Қошғарий (XI аср). *Тўлиқ исми* – Маҳмуд ибн ул-Хусайн Муҳаммадил Қошғарий. Боласоғунда туғилган ва шу ерда таҳсил кўрган. Илмларнинг турли соҳалари, хусусан араб ва турк тиллари, форс

адабиёти билан шуғулланиб, уларни пухта эгаллаган. Турли тил ва шеваларни ўрганишида материал тўплаш мақсадида бир қанча шаҳарларни кезиб чиққан.

Асарлари: «Девони луғотит турк» («Туркий сўзлар девони») ва «Жавоҳирун наҳв фи луғотит турк» («Туркий тилларнинг синтаксис қоидалари»). Иккинчи асари бизгача етиб келмаган. «Девони луғотит турк» асарида таълим-тарбия, хулқ-одоб, илм-фан тўғрисидаги фикрлар мавжуд. Олим доимо кишиларни меҳнат, қилишга, яхшиликка ундайди, ёмонликни қоралайди. Асардаги таълимий-ахлоқий ғояларни дарс жараёнида талабаларга таништириб борилса, талабаларда хушхулқлик, меҳнтсеварлик, мардлик, жасурлик каби ижобий фазилатлар юксалишига ёрдам беради.

Маҳмудхўжа Беҳбудий (1875- 1919). Жадидчилик ҳаракатининг дарғаси буюк маърифатпарвар Маҳмудхўжа Беҳбудий 1875 йилнинг 19 январида Самарқандда руҳоний оиласида туғилди.

Тоғаси Муҳаммад Сиддиқ ёрдамида хат – савод чиқаради. Эски мактаб мадрасада ўқийди. Араб тилини ўрганади. Қозихоналарида мирзолик, қозилик вазифасида ишлайди. 1893 – 1900 йилларда маккага ҳаж сафарига боради.

1903 – 1904 йилларда Москва, Петербург кейинроқ Қозон, Уфа шаҳарларига боради. У 1914 йилда Арабистон, Миср, Туркия каби бир қатор мамлакатларда бўлади.

У ўз даврининг илмшуносларидан бири, муфтилик рутбасига эришган зот эди. Беҳбудий шу билан бирга ҳамиша бидъатга қарши кураш олиб борди ва ўз асарларида динни тўғри тушунишга ва тарғиб этишга даъват этди.

Вақтли матбуот саҳифаларида замонасининг долзарб мавзуларига бағишланган ижтимоий – сиёсий, тарихий – адабий мақолалари билан

фаол иштирок этади. Унинг 10 – йиллар Туркистон матбуотида 300 дан ортиқ мақолалари эълон қилингани маълум. Ушбу мақолаларнинг марказида мактаб, маориф, маданият, маърифатпарварлик ғояларининг тарғиботи туради. Туркистонда жадидчилик ҳаракатини дастлабки тарғиботчиси ҳисобланади.

1913 йилда у Самарқандда «Самарқанд» газетаси ва «Ойина» журналини ташкил этади. Ҳар иккала нашрнинг асосини маърифат – маданият, миллат ва озодлик ғоялари ташкил қилади.У 1914 йили «Падаркуш» драммасини яратди.

Беҳбудий янги усулдаги мактабларнинг илк тарғиботчиси ва асосчиларидан бири, шунингдек, ана шу мактаблар учун дарсликлар ҳам яратган йирик маърифатпарвардир.

Беҳбудий 1917 йилги феврал ва октябр воқеаларидан кейин Туркистоннинг мустақил, озод бўлиши учун тинмай курашда ва шу йўлда ўз жонини фидо қилди. Туркистоннинг миллат давлат қурилиши масаласини ўртага ташлади. Ўз халқи тараққиётини нафақат маърифатда, балки унинг сиёсий мақомининг кескин ўзгаришида, ўз мустақиллигини қўлга киритишда деб билди. Унинг «Ҳақ олинур, берилмас!» деган сўзлари жадидларнинг шиорига айланди. Туркистон Мухториятини олқишлади. Унинг ҳукуматига аъзо сифатида сайланди. Туркистон Муҳторияти қонга борилгандан сўнг у сиёсатдан бош тортди ва Самарқандда маориф бўлими мудири бўлиб ишлади. Лекин мустақиллик умидларидан воз кечмади.

Беҳбудий ўз даврида ҳам, кейин ҳам «Туркистон жадидларининг отаси», ўзбек адабиёти тарихида ҳозирги замон драматургиясини бошлаб берган кашшоф, драматург ва ёзувчи, ношир ва журналист, йирик нашрларда публицистик мақолалари билан қатнашади.

Советлар ҳукуматининг қирғинлари, адолатсизликлари авжига чиққанда, бу ҳолни жаҳонга маълум қилиш учун йўлга отланган Беҳбудий Бухоро амири томонидан ҳибсга олиниб, 1919 йилнинг баҳорида Қарши шаҳрида қатл этилади.

М. Беҳбудий қабрининг қаердалиги номаълум.

Маҳорат – мураккаб ишни тез, аниқ бажаришнинг енгиллиги, меҳнатнинг юқори сифати ва барқарор ритми учун кафолат берувчи ишончлиликдир (*Зуҳра Исмоилова*)

Маҳорат – фақат тегишли тайёр кўникма ва малакаларнинг йиғиндисидагина очилиб қолмай, балки пайдо бўлган масалани ижодий тарзда ечиш учун зарур бўлган ҳар қандай меҳнат операциясини амалга ошириш учун психологик тайёргарликдан иборатдир. Адолатли равишда шундай деб юритилади: маҳорат – бу шундай бир ҳолки, бунда қилиш керак ва қандай қилиш керак деган муаммо айни бир вақтнинг ўзида бирданига ҳал қилинади ва шунинг билан бирга, яна шу нарса таъкидланадики, маҳорат ижодий масаланинг моҳиятини англаш билан унинг енгиш усулларини топиш ўртасидаги тафовутни йўқотади.

Агар талант – имконият бўлса, ундай пайтда маҳорат – ҳақиқатга айланган имкониятлир. Ҳақиқий маҳорат инсон талантлилигининг фаолиятида намоён бўлишидир.

Маҳорат – шахснинг тажриба орқали орттирган хусусияти. Бирор соҳадаги мослашувчан кўникма ва ижодкорлик асосида ҳосил бўлган касбий кўникмаларининг юқори даражаси, касбий моҳирлик.

Бирор фаолият соҳасидаги юқори даражада эгалланган билим, кўникма ва малакаларни амалиётда юқори сифат ва самарадорлик билан қўллаш.

Маҳорат ёшларимизни касбга йўналтириш ва тайёрлашда ҳамда касбга нисбатан ҳурмат уйғотиш жараёнидаги касбий ғурурни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Маҳорат касбга нисбатан тавсифнома беришда, таълим жараёнидаги ўзлаштириш савиясини эгаллашда, тарбия жараёнида муайян вазифани бажаришдаги ижобий хислатларни таърифлашда қўлланилади.

Маҳоратга боғлиқ хислатлар таълим-тарбия соҳасини такомиллаштиришдаги жараёнлар баҳосини ифодалашда ва айниқса бўлажак мутахассисларни «меҳнат бозори»га тавсия этишда янада кенгроқ фойдаланилади.

Касбий маҳорат даражалари (тоифа)ни белгилашда, мутахассисларга устама иш ҳақлари тўлашда ва энг асосийси бўлишлигини белгилашда «маҳорат»нинг роли ва ўрни беқиёс.

Маҳсулдор фаолият – инсон бажариш фаолиятида доимо дуч келадиган янгилик ёки янги ахборотлар (янги объектлар, ҳодисалар, жараёнлар, фаолият методлар) натижасидан вужудга келадиган маҳсул.

Фаолият тури иккига: маҳсулдор ва номаҳсулдорга бўлинади. Ҳар икки фаолият тури мустақил равишда ёки ташқаридан кўрсатилган таъсир ёрдамида бажарилади. Ўқувчи (талаба)ларнинг ўқув материалларини ўзлаштириш фаолияти қуйидаги 4 даражага бўлинади:

1-даража: ташқи кўрсатма таъсиридаги ҳаракат. Бунга **танишув даражаси** дейилади.

2-даража: хотира асосидаги ҳаракат. Бу фаолиятни **Алгоритмик даражаси** дейилади.

3-даража: ностандарт вазифалардаги маҳсулдор ҳаракат. Бу фаолиятни **Эвристик даражаси** деб номланади.

4-даража: фаолиятнинг янги қирраларини тадқиқ қилувчи маҳсулдор ҳаракат. Бу фаолиятнинг **ижодий даражаси** деб номланади.

Маҳсус қарорлар – таълим муассасасининг маълум бир бўлими ёки бирон бир гуруҳи ходимларига тааллуқли бўлиб, уларнинг фаолиятларини мувофиқлаштириш, тажрибаларини оммалаштириш йўналишида бўлиши мумкин. Масалан, таълим йўналишидаги методик бирлашмаларнинг фаолиятини такомиллаштириш йўналишида қабул қилинган қарорлар. *(Джураев Р.Х., Турғунов С.Т)*

Медиятаълим – шахс онгини оммавий комуникация ва ахборот воситалари ҳамда материаллар аоситасида ривожланиш жараёни (Ю.Усов – россиялик етакчи мутахассис). Педагогика луғатларида медиятаълим педагогика фанларининг оммовий коммуникациялар қонуниятларини ўрганувчи ўзига хос йўналиш сифатида изоҳланади. Медиятаълимга ЮНЕСКО ташкилотининг 1973 йилдаги берган таърифи ҳам юқоридаги тарифга ўхшаш. Маълумки, ҳозирги кунда таълим ва тарбия беришнинг ривожланишини «медиа», телеведения, радио, киноматография, оммавий нашрлар, электрон ахборот тизимларисиз тасаввур қилиш қийин. «Медиятаълим жараёни тўғри ташкил қилинганда, нафақат ўқувчи билан ўқитувчи ўртасида тўлақонли мулоқот юзага келади». «Медиатаълим жараёнининг предмети, унда қараладиган ва муҳокама қилинадиган масалалар қуйдагилардан иборат бўлиши мумкин. Чунончи ким ва нима мақсадда мазкур медиа маҳсулотини тайёрлаган?», «Уни таёрлашда қандай технология ва ишлаб чиқариш услларидан фойдаланилган?», «У қайси жанр ва турга мансуб», унинг мазмуни ва моҳиятини қандай қилиб тушунса бўлади», «У кимга мўлжалланган?», «Мазкур медиамаҳсулот воқеликни қанчалик тўғри акс эттирган ёки ўзгартирган?» ва ҳоказо. *(М.Ёҳёев)*.

Медиапедагог – бу замонавий ахборот технологияларини ўзлаштириш орқали медиатаълимни олиб бора олиш билим, кўникма ва малакаларни эгаллаган ўқитувчи *(Йўлдошев Ж., Йўлдошева Ф., Йўлдошева Г.).*

Мезоннинг қуввати деб конкурент (зид) гипотеза ўринли бўлиши шартида у мезоннинг критик соҳага тушиши эҳтимолига айтилади.

Менежер – (инг. Manager – бошқарувчи**) –**менежер атамасининг асосан қуйидагича уч хил маънода истемолда фойдаланилади:

1.Ёлланма бошқарувчи .

2.Бошқарувчи – директор, раҳбар, мудир, маъмурий бошқарувчи ва шу каби раҳбар ходимлар.

3.Банк синдикатлари раҳбар гуруҳлари иштирокчиси.

Менежерлар ривожланган мамлакатларда махсус ижтимоий қатламни ташкил қилади.

Менежмент (инглизча манадшент-бошқариш, ташкил этиш) – махсус бошқариш фаолияти, бошқариш тўғрисидаги фан.

Менежмент фанининг мазмун-моҳияти бошқарув тизими ва бошқарув объекти орасидаги ўзаро узвий муносабат бўлиб, унинг асосий вазифаси бошқарувнинг замонавий усулларини, раҳбарлик санъати сирларини ўрганишдан иборат.

Бошқарув – танлов, қарор қабул қилиш ва унинг бажарилишини назорат этиш жараёнидир.

Менежмент фани ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-ҳуқуқий, кибернетика ва бошқа фанлар билан узвий алоқадорликда ривожланади ва замон талаби асосида такомиллашиб бораверади.

Диёримизда менежментнинг назарий асослари ва унинг асосий тамойиллари XIV-XV-асрлардан бошлаб, яъни Амир Темур ва Темурийлар давридан бошлаб шакллана бошлаган. Буни «Темур

тузуклари»-дан сезиш мумкин.Яъни унда давлат ва қўшин бошқариш санъати ҳамда бошқа бошқарув фаолияти тўғрисидаги қарашлар ўз ифодасини топган.

Ўзбекистонда 1950-йилларга келиб менежмент фани ривожи алоҳида суръатда рўй бера бошлади. Республикамизда Ўзбекистон Фанлар Академиясига қарашли Кибернетика институтининг 1966-йилда ташкил этилиши билан бу соҳа янада ривож топа бошлади. Бу борада академик В.Қ.Қобулов бошчилигидаги ишлар мазкур фаннинг амалиётга кенг жорий этилишига, йўл очилишига имконият яратилди. Натижада ҳозирда менежмент фани махсус фан сифатида олий ўқув юртларида ўқитилиш йўлга қўйилди. Менежмент фанига доир тадқиқотларга катта эътибор берилмоқда ва бу бўйича қатор ўқув адабиётлари яратилмоқда.

Менежмент – инглизча сўз бўлиб, ўзбек тилида бошқарувни ташкил этиш (бошқарув, бошқарув ҳокимяти, ташкил этиш, раҳбарлик қилиш (режалаштириш, тартибга солиш – мувофиқлаштириш, назорат қилиш) маъноларини англатади. **Менежмент** - бу кўзланган, яъни инсонлар ёки уларнинг гуруҳлари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда бошқариш усуллари, шакллари ва воситалар мажмуи *(Джураев Р.Х., Турғунов С.Т).*

Менежмент фани – раҳбарларга бошқарув фаолиятини тўғри амалга ошириш, ходимлар фаолиятини самарали бошқариш ва мувофиқлаштиришда. Шунингдек, корхона ва муассаса олдига қўйилган мақсадларига ҳамда кўзланган натижаларга эришишда муҳим аҳамият касб этувчи қарорларни қабул қилиш ва уларнинг бажарилишини назорат ва таҳлил қилишни ўргатувчи фан бўлиб, унинг **асосий мақсади** замонавий ижтимоий – иқтисодий шарт – шароитларда

бошқарувнинг барча бўғинларида самарали ишлай оладиган юқори малакали бошқарувчиларни тайёрлашдан иборат.

Менежмент фан сифатида ўз **мақсадига** кўра қуйидагиларни ўрганади: бошқарув назарияси ва амалиёти; бошқариш объекти ва субъекти; бошқариш тамойиллари ва усуллари; раҳбар маданияти; раҳбар ва лидер, уларнинг фазилатлари; раҳбар рейтингги; бошқарувда киришувчанлик ва қарор қабул қилиш; бошқарув функциялари; ходимларни бошқариш, ишлаб чиқаришни бошқариш, самарадорликни бошқариш; ўз – ўзини бошқариш; ҳудудий бошқариш ва ҳ.к. *(Джураев Р.Х., Турғунов С.Т).*

Менталитет (лот. mentalis- ақлий) – айрим киши ёки ижтимоий гуруҳга хос ақлий қобилият даражаси, миллат ёки шахснинг менталитети уларнинг ўзига хос тарихий анъаналари, урф-одатлари, диний эътиқодини қамраб олади. Ҳар бир миллатнинг менталитети унинг тарихи, яшаб турган шарт-шароити, ижтимоий фаоллиги ва бошқа бир қанча омиллар билан боғланган бўлади. *ЎзМЭ.-Т.:ЎзМЭ-5ж-595 б.*

Меню — фойдаланувчининг чизма интерфейсининг қисми. Дастурнинг мумкин бўлган ҳаракатлари рўйхати. Меню қатори ойнанинг устки қисмида жойлашган. Ушбу ойнада меню қатори – бу «Файл», «Таҳрир», «Кўриниш», «Танланган», «Хизмат», «Маълумот». Матнбоп меню таълим объектига сичқончанинг ўнг тугмаси босилганда пайдо бўлади. Ҳар бир объект алоҳида амаллар рўйхатига эга.

Мерос - интеллектуал соҳада ўтмишдаги аждодларимиздан авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ақлий фаолият натижалари. Улар: кашфиётлар, ихтирочилик, муаллифлик ва шу каби асарлар.

Мерос – маънавий-маърифий соҳада бой миллий-маънавий бойлигимиз. Улар: донишмандларимиз ижоди намуналари, алломаларимизнинг адолатли жамият ва комил инсон тарбияси ҳақидаги таълимотлари.

Мерос – маъданий соҳада аждодлардан авлодларга қолиб келаётган илмий, адабий, бадиий ва шу каби бойликлар.

Метод (юнонча metodos – билиш ёки тадқиқот йўли, назария, таълимот) – воқеликни амалий ва назарий эгаллаш, ўзлаштириш, ўрганиш, билиш учун йўл-йўриқлар, усуллар мажмуаси, фалсафий билимларни яратиш ва асослаш усули (*ЎзМЭ*-5ж-*613б*.).

Методлар ҳақидаги фан методология деб аталади. Фанда назарий ва амалий (эмпирик) методлар мавжуд.

Метод – метод (юнонча – айнан нимагадир йўл) мақсадга эришиш йўлини билдиради. Муайян маънода тартибга солинадиган фаолият. Грекча сўз бўлиб, йўл, ахлоқ маъноларини билдиради. Одатда, кенг маънода қўланиладиган «метод» терминини кишиларнинг ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш, маълум объектни ўзлаштириш борасидаги назарий ва амалий фаолиятлари усулларини англатади.

Таълим жараёнидаги маълум бир мақсадни амалга оширишга қаратилган фаолиятнинг турлича бўлиши янгидан –янги усулларни методларни келтириб чиқаради.

Метод танлашда албатта айрим ўқув предметларини ўзига хос хусусиятларига амал қилинмоғи лозим. Шу билан бирга таълим жараёнида кўпчилик ўқув предметларини ўқитишда қўлланилиши мумкин бўлган умумий ўқитиш методлари билан бирга айрим ўқув предметларини ўқитишда қўлланилган ўзига хос хусусий методлар ва методик ёндашувлар ҳам бор. Айрим предметларни ўқитишда

қўлланиладиган хусусий методлар умумий ўқитиш методлари билан мустаҳкам боғлиқдир.

Методик жиҳатдан билимдонлик – бу илмий-педагогик ходимнинг таълим-тарбия жараёнида шахсга ва гуруҳга ўзининг ижобий таъсирини ўтказа олиш, таълимнинг илғор технологиялари, шакллари, воситалари ва усулларидан ижобий сифат ўзгаришлари қилиб, юқори самарадорликни қўлга киритган ҳолда фойдаланиш қобилиятлари мажмуи.

Методика – методикага тегишли, қаътий кетма-кетликка (алгоритмик характерга), илгаридан ўрнатилган режа (қоида), тизимга аниқ риоя қилиш. Методика-бирор ишни мақсадга мувофиқ ўтказиш методлари, йўллари мажмуаси.

Педагогика фани соҳасида маълум ўқув фанини ўқитиш қонуниятларини тадқиқ қилади. Масалан, тиллар методикаси, математика методикаси, тарбиявий ишлар методикаси ва шу кабилар.

Методик (услубий) кўрсатма – муайян фаннинг ўқув дастури бўйича курс ишлари (лойиҳалари), лаборатория машғулотлари ва амалий ишларни бажариш тартиби аниқ кўрсатилган ва батафсил ифодаланган ҳамда ушбу фан бўйича талабаларда зарур амалий кўникмалар ҳосил қилишга мўлжалланган таълим муассасасининг илмий кенгаши тавсияси асосида нашр этиладиган кичик ададли тарқатма материал.

Методик қўлланма – профессор-ўқитувчилар ва бошқа билим олувчилар учун мўлжалланган бўлиб, унда бир дарснинг мақсади, дарс ўтиш воситалари ва улардан фойдаланиш усуллари, дарснинг мазмуни, амалий машғулотлар, қўшимча топшириқлар ва бошқалар ҳақида тавсиялар, баён қилинадиган таълим муассасасининг илмий кенгаши тавсияси асосида чоп этиладиган нашр.

Методист - Бирор ўқув фанини ўқитиш ёки тарбиявий ишлар методикаси бўйича малакали мутахассис.

Методист-технолог – таълим ва тарбия соҳасидаги долзарб йўналишларни, мавзуларни аниқлаш, мавжуд тизимнинг ютуқ ва камчиликларини ҳамда уларнинг ҳосил бўлиш сабабларини ўрганиш, таҳлил қилиш, таклифлар тайёрлаш ишларини бажаради.

Янги педагогик технологияни яратиш, жорий этиш, олиб бориш ва такомиллаштиришда зарур ёрдамлар кўрсатади.

Методлар компонентлари:

- Таҳлил методи компонентлари: Ахборотни англаб идрок этиш; маълум ва номаълумнинг муҳим белги ва муносабатларини ажратиш; элементларга ажратиш ва бошланғич структурали бирликни топиш; алоқаларни англаш ва тушунтириш, синтез сингаридан иборат.

- Бош масалани ажратиш методининг компонентлари: Фикр предметини ажратиш; ахборотни мантиқий қисмларга ажратиш ва уларни қиёслаш; материални саралаш (бош масалани иккинчи даражалидан ажратиш); таянч сўз ва тушунчаларни топиш; маъно англатувчи таянч пунктларни аниқлаш; асосий фикр ҳақида хулоса; белгили расмийлаштириш (сарлавҳа, режа, схема, асосий конспект, модель, алгоритмни тузиш ва шу кабилар) киради.

- Қиёслаш методи компонентлари: қиёслаш объектларини аниқлаш; қиёслашнинг аосий белги параметрларини ажратиш, солиштириш, қиёслаш, қарама-қарши қўйиш, ўхшашлик ва фарқлашни аниқлаш (учинчи объектни киритиш, қарши образни яратиш); қиёслаш натижаларини белгили расмийлаштириш (қиёсий характеристика, режа, схема, модель кўринишида ва шу кабилар) киради.

- Умумлаштириш методи компонентлари: Типик фактларни танлаш, материалдаги асосий ёки «бошланғич хужайра» ни ажратиш;

қиёслаш, дастлабки хулосалар; қайта таърифлаш; қайта кодлаш; генезисни, ходисанинг ривожланиш диалектикаси ва умумлаштириш натижаларини белгили расмийлаштириш (хулоса, тенденция, назария, формула, схема, модель ва шу кабилар) кабилардир *(Алимов Н.Н.)*.

Методологик – методологияга тегишли, назарий асосланиш.

Методологик компонент – тадқиқот фаолиятининг концептуал ва назарий асосларини эгаллаш, педагогик муаммоларни ҳал этишга замонавий нуқтаи назардан ёндошиш, ўзининг педагогик фалсафаси, нуқтаи назари мавжудлиги (*Сайфуров Д.И.).*

Методология – 1. Тадқиқот усуллари мажмуаси. 2. Муайян фан (соҳа йўналиш) да қўлланиладиган тадқиқот усуллари мажмуи. 3.Илмий билиш ва дунё тараққиётига таъсир кўрсатиш ҳақидаги таълимот.

Методология **–** билишнинг илмий методи ҳақидаги таълимот. Бирор фанда, муайян йўналишда ёки соҳада қўлланиладиган методлар мажмуаси.

Методологик методларга умуман воқеликка қандай ёндашиш йўлини ўргатади.

Методология. Маълумки, илмий билиш жараёнида ҳар бир фан ўзининг татқиқит объектига эга бўлиб, ўша объектни ҳар томонлама тадқиқиот этиш учун умумметадалогик тадқиқот усуллари асосида ўзининг махсус тадқиқот усулларини яратиш зарур бўлади. Бунда усуллар таъсир доирасига кўра умумий ва хусусий ҳолдаги вариантларда учраши мумкин.

Умумий усул – бу кўпчилик фанлар йўналишлари бўйича тадқиқот ўтказишга яроқли бўлган усулдир. Аммо у ўз қўлланилиш доирасига кўра умумий бўлиб, унинг махсус (чегараланган) вазифаси (функцияси) бор. Бу вазифалар қуйдагилардир: таҳлил, синтез, умумлаштириш, мавҳумлаштириш, индукця, дедукця, қиёслаш, моделлаштириш ва ҳ.к.

Демак, хусусий, умумий, энг умумий усуллар бор ва улар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ.

Меъёрий ҳужжат – ҳар хил фаолият турлари ёки уларнинг натижаларига тааллуқли қоидалар, умумий қонун-қоидалар ёки тавсияларни ўз ичига олган ҳужжат. Таълим стандартлари тизимидаги меъёрий ҳужжатларга Ўзбекистон Республикасининг давлат таълим стандартлари тизими киради.

Меҳнат жамоалари инсон умрининг асосий қисми ўтадиган, унинг тафаккури, ҳаётга муносабати шаклланадиган ижтимоий–маънавий муҳитдир. Улар кишида жамоа руҳи, меҳнатсеварлик, омилкорлик, адолат тушунчаси, меҳр–оқибат туйғуларини тарбиялайдиган ўзига хос маскан ҳисобланади. Меҳнат жамоалари турли миллат ва динга мансуб одамларни дўстлик ва ҳамжиҳатлик, ўзаро манфаатдорлик асосида ҳамкорлик қилиш, миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштиришга ўргатади. Бу эса, ўз навбатида, соғлом маънавий муҳитни вужудга келтиришда муҳим омил вазифасини бажаради.

Меҳнат тарбияси (МТ) – тарбиянинг муҳим тури, шахсни шакллантиришнинг зарур шартларидан бири бўлган педагогик жараён.

Меҳнат тарбияси кишидан ижтимоий фойдали меҳнатга ички эҳтиёж, интизом, батартиблик, ташкилотчилик, ташаббускорлик, ишчанлик, ишнинг кўзини билиш сингари сифатларни қарор топтиришга хизмат қилади. Меҳнат инсон эҳтиёжларини қондиришнинг биринчи ва асосий воситаси бўлганлиги учун меҳнат тарбияси тарбиянинг бошқа ҳамма турларидан олдин пайдо бўлган. *МЭ-5ж-635*

Меҳнат тарбияси турлари: «меҳнат таълими; «касбга йўналтириш»; «политехник таълим»; « касб таълими» ва ҳ.к.

Меҳнат тарбияси касбга йўналтириш ва касб таълими билан узвий боғлиқдир.

Меҳнатсеварлик – киши камолотининг асосий омилларидан бири ҳисобланади. У муҳтожликдан, ахлоқий бузилишдан сақлайди. Меҳнат – умр сайқали, ҳаёт безаги. Меҳнатсеварлик туфайли обрў-эътибор ортади, кишидан яхши ном қолади, инсоннинг ҳаёти сермазмун, сержило, баракали бўлади. Меҳнатсевар кишининг порлоқ сиймоси ўғил-қизлари, набиралари, ёру дўстлари ва ҳамкасблари, шогирдлари қалбида ҳамиша яшайди. Меҳнатсеварлик инсонинг ўз оиласида, маҳалласида, фаолият кўрсатаётган жамоасида, жамоа топшириқларини ситқидилдан бажариш жараёнида амалга оширилади, яъни, Ватан равнақи учун хизмат қилишда ушбу хусусият шакллана боради.

Меҳнатсеварлик – меҳнат туридан қатъий назар уни севиб, унга садоқатли бўлган, уни малакали бажарувчи кишининг фазилати. Бундай одамларда меҳнатсеварлик ҳаёт тарзига айланиб кетган, яъни, маънавиятида акс этган бўлади. У меҳнатни турларга ажратмай, ҳар қандай зарурий ишни шижоат билан бажаришга киришади. *(Зиёмуҳаммадов Б. Комилликка элтувчи китоб. Т.: «Турон иқбол» 2006, 116-117 б).*

Меҳр – одамийлик, инсонпарварлик, мардлик, саховат каби улуғ фазилатларни ўзида мужассам этади. Меҳр - киши хулқининг подшосидир.

Меҳрибонлик – бу жонкуярлик ва куюнчаклик тушунчалари билан яқин бўлиб, унда бошқалар дардига шерик бўлиш, ота-онага, етим-есирларга, қарияларга хизмат қилиш, ижтимоий муҳофаза ишларида фаол иштирок этишлар кучлироқ акс этган бўлади.

Микромуҳит ўзида қисман ижтимоий муҳит қиёфасини акс эттиради. Айни чоғда у нисбатан мустақилликка эга. Микромуҳит, бу ижтимоий муҳитнинг бир қисми бўлиб, оила, мактаб, дўстлар, тенгқурлар, кишилар ва шу кабиларни ўз ичига олади.

Миллат – узоқ давом этган ижтимоий, сиёсий ва этно-маъданий жараёнда, аниқ ҳудудий доирада, тил ва ўзликни англаш бирлиги асосида шаклланган халқ этник тарихининг энг юксак чўққиси, ўзига хос маъданият, онг ва менталитет заминида таркиб топган ижтимоий бирлик шакли.

Миллат кишиларнинг жипс тарихий бирлиги, умумиқтисодий турмуш, тил, худуд бирлиги, маданият, онг, руҳият уйғунлиги ва муштараклиги демакдир.» *(ЎзМЭ-5ж-659б)*

Миллатлараро тотувлик ғояси (МТҒ).

МТҒ - умумбашарий қадрият бўлиб, турли хил халқлар биргаликда истиқомат қиладиган минтақа ва давлатлар миллий тараққиётини тараннум қиладиган ва шу ҳудуддаги тинчлик ҳамда барқарорликни кафолатлашга хизмат қиладиган ғоядир.

МТҒ - муайян жамиятда яшовчи, бунёдкорлик сари ягона мақсад йўлида фаолият кўрсатаётган турли миллат ва элатларга мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг мустаҳкам маънавий асосидир.

МТҒ нинг асосий мақсад-муддаоси ҳар бир миллат вакилининг истеъдод ва салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш учун шароит яратиш ва уни Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги каби эзгу мақсадлар сари сафарбар этиш. *(Бунёдкор ғоялар: тузувчилар З.Исломов, Б.Исоқов, О.Юсупов, Д.Муҳаммадиев, С.МИнавваров. Т..: Ижод дунёси 2002й. 22-23 бетлар.)*

Миллий анъаналар (МА) – миллатнинг, халқнинг турли соҳаларида намоён бўладиган тушунчалар, белгилар, хусусиятлар, фаолият турлари, одатлар ва хислатларнинг аждоддан – авлодга ўтиш ҳамда мерос бўлиб қолиш тарзи. МА умуминсоний анъаналарнинг бир миллат даражасида намоён бўлишидир. Улар орқали ҳар бир миллат

маълум бир даврдаги ўзига хос хусусият, ҳаёт тарзи, маданият, фан, адабиёт ва бошқа соҳаларда эришган натижа ва ютуқларини келгуси авлодларга етказади. Ўзбекона урф – одатлар, анъаналар қариндош – уруғ, қўни - қўшниларни бир – бирига яқинлаштиради. Меҳр оқибат ортади, ҳар қандай анъана ёки урф-одатни уюштиришда, албатта, меҳмондорчилик бўлади. Ўзбекларда меҳмон кутиш ва кузатиш одоблари миллатимизнинг ўзига хос анъаналарига киради.

Миллий дастурнинг мақсади – таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратиш.

Миллий дастурни рўёбга чиқариш босқичлари – дастурнинг мақсад ва вазифаларини босқичма-босқич рўёбга чиқариш қуйидаги уч босқичда кўзда тутилган:

Биринчи босқич (1997-2001) – мавжуд кадрлар тайёрлаш тизимининг ижобий салоҳиятини сақлаб қолиш асосида ушбу тизимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш учун ҳуқуқуий кадрлар жиҳатидан, илмий-услубий, молиявий-моддий шарт-шароитлар яратиш.

Иккинчи босқич – 2001-2005 йилларни ўз ичига олади. Бунда миллий дастурни кенг миқиёсда тўлиқ амалга оширишга эришиш даркор. Табиийки, тизим фаолиятининг самарадорлигини, меҳнат бозорини инобатга олиб, ижтимоий-иқтисодий шароитдан келиб чиқиб, дастур ғоялари ва қоидаларига керакли ўзгартиришлар киритилади.

Учинчи босқич (2005 ва ундан кейинги йиллар) – тўпланган тажрибани таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш.

Миллий истиқлол мафкураси – халқнинг ўзгаларга тобе бўлмай, эркин ва озод яшаши, ўзини – ўзи идора этишга қаратилган, унинг истиқболини белгилайдиган орзу - умидлари, қарашлари, ғоялари мажмуи, жамият тараққиётининг муҳим омилларидан бири.

Миллий ифтихор – бой миллий, маданий–маърифий, иқтисодий, ҳарбий–сиёсий баркамол миллатнинг давомчиси бўлишдек фахрланиш туйғусини шакллантириш орқали сингдирилади.

Миллий ифтихор – миллатнинг ўзини яхши ижтимоий бирлик эканлигини онгли равишда ҳис қилишидир. Бу шундай кучли туйғуки, яъни, руҳий ҳолатни фақатгина унинг ёрдамида тарихий бирлик, қон-қариндошлик, тил, маданият-маънавият, иқтисодий ҳаёт ва келажак бирлиги миллат вакилларининг қалбида чуқур ўрин олаолиши мумкин. Бунда энг аввало миллатнинг (алоҳида бир шахснинг ҳам) ўзлигини англаши, миллат равнақини таъминлаш йўлидаги ҳатти-ҳаракат, ўз миллати истиқболи йўлидаги масъулликни онгли равишда ҳис этишнинг миллий ифтихорли бўлишнинг асосий пойдеворларидан бири бўлиб ҳисобланади. Ушбу пойдевор ёшларнинг қайсидир миллатга мансублиги унинг кенг имкониятларидан қувона олиш фазилатгина эмас, балки яшаб турган заминга, фуқаролигига даҳлдор бўлган мамлакатга муносабат белгисини англатишга ҳам асосдир.

Натижада ёшлар ўз мамлакат, юрти, турони билан фахрлана оладилар, айниқса юрт тақдирига бефарқ бўла олмайдилар.

Миллий мафкура (МҒ) – (араб. “мафкура” – нуқтаи назарлар ва эътиқодлар тизими, мажмуи**) –** миллий ғоя моҳиятини ифода этувчи сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, бадиий, фалсафий ва илмий қарашлар, фикрлар мажмуи негизида шаклланади *(Толипов Ў.Қ., Усмонбоева М.Х., Ғозиева Л.М.).*

Миллий мафкура (ММ) – муайян миллатнинг этно ижтимоий бирлик сифатида мавжуд бўлиш ва ривожлантиришни асослаб берувчи ғоялар ва қарашлар тизими.

ММ муайян давлат ёки жамиатнинг умумий мафкурасини ифодалайди.

ММ тушунчаси Ўзбекистонда яшаб, фаолият курсатаётган барча миллат вакилларига тегишли бўлиб, уни Ўзбекистондаги турли миллат ва элат, дин ва эътиқод вакилларини мамлакатимизда Озод ва обод Ватан барпо этиш учун бирлаштириш, ҳалқларни ўзаро ҳурмат ва ҳамкорликка чорлаш, олийжаноб мақсадларни кўзлаш каби умуминсоний тамоилларга айланган ғоялар ташкил этади.

ММнинг вазифаси ўзлигимизни англаш, муқаддас анъананаларимизга содиқликни, халқимизнинг кўп асрлар давомида шаклланган эзгу-орзуларини улуғланиши, жамиятимиз олдига қўйилган олий мақсад ва вазифаларимизни рўёбга чиқаришни онгли равишда англашни ва шу кабиларни амалга оширишдан иборат.

Миллий-маънавий етук шахс – бу ўзбек миллий характерини ўзида тўлиқ мужассам этган, ўтмишга ҳурмат ва эътиқод билан қарайдиган, она тилимиз қадр-қимматини биладиган, диний эътиқоди юксак бўлган, Ватан қайғуси билан яшайдиган, Она тупроқни ва Ватанни муқаддас деб биладиган, Ота насиҳатига содиқ, Она сутига нисбатан қарздорликни биладиган, аждодларимизнинг бизга қолдирган бой маънавий меросига нисбатан қарздорлик ҳисси билан йўғрилган миллий-маънавий қадриятларимиз асосларини пухта эгаллаган интеллектуал салоҳиятли инсон.

Миллий - маънавий тикланиш (ММТ) - миллатнинг тарихи, дини, урф – одатлари, анъаналари, маросимлари, расм – русумлари ва шу каби миллатимизга хос ва мос жиҳатларнинг қайта тикланиши ва

уларни жамият тараққиётига мос ҳолда ривожлантирилиши жараёнидир. ММТ миллатнинг ғурури, орияти ва ифтихорининг тикланишига, пировард натижада миллатнинг ўз – ўзини англашига Ватанни муқаддас деб биладиган, аждодлар руҳига содиқ бўлган, буюк истиқболли келажак йўлида бирлашган, жинслашган енгимас кучга айланади. ММТ ва миллий ўзликни англаш бир – бирини тақазо этувчи ва ўзаро боғлиқ бўлган жараёнлардир. Шу сабабли ҳам ММТ миллатнинг юксалмоғи учун аждодлар яратган бой маънавий мероси, амалий тажрибаси, ахлоқий, илмий, диний ва руҳий маросимлари қандай бўлса ўшандай ўрганиш, уларни асли ҳолидагидек ҳолатга келтириш ва уларга асосланиб миллий маънавиятни жамият тараққиётига мос ҳолга келтириш борасидаги ривожлантирувчи ва такомиллаштирувчи фаолиятдан иборат бўлмоғи лозим. Шунинг учун бирга ММТ миллатнинг маънавияти, маданияти маърифати, тили, дини, эътиқоди, руҳияти, урф – одатлари, анъаналарини тиклаш асосида миллий онгни шаклантириш ва ривожлантириш учун асос ҳамдир. Миллат ўзлигини англагач миллий ғоя билан қуролланган миллий бирликка ва аҳилликка эришиши натижасида ММТ жараёни рўй беради *(Джураев Р.Х., Турғунов С.Т).*

Миллий менталитет – бу муайян халқ менталитетидан иборат бўлиб, унда ўша миллатга хос бўлган ақлий қобилият даражаси, маънавий салоҳияти, уларнинг ўзига хос тарихий анъаналари, урф-одатлари, маросимлари ва диний эътиқодларининг мужассамлашган шаклидан иборат бўлган ҳолат.

Миллий менталитет – бу моҳиятан муайян миллат ёки элат вакиллари ўртасидаги қарор топган ижтимоий алоқа ва улар ўртасидаги руҳий бирликнинг мавжудлиги ҳамда ҳар қандай вазиятда ўзаро бирдамликнинг сақланиб қолишини акс эттирувчи ҳолат.

Ўзбек халқи маданиятида ижобий мазмун касб этувчи бағрикенглик, ватанпарварлик, ҳар қандай вазиятларда ҳам Ватанни тарк этмаслик; шовинизм, иркчилик, миллатчилик ва диний адоват ғояларини инкор этиш; меҳнатсеварлик; жамоа бўлиб яшаш, этник бирликка интилиш; миллий қадриятларга содиқлик, шунингдек, ижтимоий ҳаётда урф-одатларнинг етакчи ўрин эгаллаши, шахсий манфаатдан жамоа (кўпчилик) манфаатларини устун қўйиш; миллий ғурур, ор-номус, қадр-қиммат, ҳалоллик, ориятлилик, қон-қариндошлилик туйғусининг устунлиги; ота-онани, шунингдек, кекса кишиларнинг ҳурматини сақлаш; никоҳ ва оилани муқаддас деб билиш; болаларни севиш (болажонлик); зўравонлик ва шавқатсизликни қоралаш; жамоатчилик фикрига таяниб иш кўриш; раҳбар шахсларга эргашиш каби хислатлар унинг моҳиятини англатувчи асосий кўрсаткичлардир *(Сафарбуваева И.Р.)*.

Миллий модель – Кадрлар тайёрлашнинг миллий модели (КТММ)нинг асосий таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат: шахс; давлат ва жамият; узлуксиз таълим; фан; ишлаб чиқариш таълими ва тарбиянинг узвий боғлиқлигини таъминлаш ва бу жараённинг ҳар томонлама камол топган инсонни шакллантиришга йўналтирилганлигидадир.

Таълим тизимини таркибий жиҳатдан қайта қуриш, таълим, фан, техника ва технологиянинг иқтисодиёт ва маданиятнинг жаҳон миқиёсидаги замонавий ютуқларини ҳисобга олган ҳолда таълим жараёнини тубдан ислоҳ қилишга асос яратиш.

Миллий мустақиллик тамойиллари ва халқнинг бой интеллектуал мероси ҳамда умумбашарий қадриятларининг устуворлиги асосида таълимнинг барча даражалари ва бўғинларида таълим олувчиларнинг маънавий ва ахлоқий фазилатларини ривожлантиради.

Таълим олишда, шунингдек, ёшларни интеллектуал жиҳатдан тарбиялашда оила, ота-оналар, жамоат ташкилотлари, маҳаллалар, хайрия ва халқаро фондларнинг ролини кучайтириш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқишда ва уларни амалга оширишда кенг қўлланилади.

Таълим жараёни ва кадрлар тайёрлаш сифатига холис баҳо бериш тизимини яратиш ва жорий этишда ҳамда таълим тизимини молиявий, моддий-техника ва бошқа тарздаги ресурслар билан таъминлаш механизмларини шакллантиришда педагогик асос сифатида фойдаланилади.

Таълим ва илм-фан билан боғлиқ чет эл ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш ва таълимнинг барча даражаларини таълим олувчиларнинг ҳуқуқий, иқтисодий, экологик таълим-тарбиясини такомиллаштиришда мустаҳкам асос бўлади.

Миллий онг – ижтимоий онгнинг таркибий қисми бўлган этник онгнинг асосий шаклидир *(В.А.Сухамлинский).*

Миллий педагогика – яъни, ўзбек педагогикаси жуда қадимги тарихга эга бўлиб, унинг дастлабки илдизлари, «Австо» га, Урхун-Енисей битикларига, Селунгур маданиятига бориб тақалади. «Авесто» даги «Эзгу фикр – эзгу сўз – эзгу амал» ҳақидаги кишиларга кўнгил маърифатини бериш борасидаги қарашлар ёзма миллий педагогик қарашларнинг дастлабки намунаси бўлиб, етук инсонни шакллантиришга йўналтирилган.

Мамлакатимизда олиб борилаётган асосий мақсадлардан бири – тарбияга баркамол шахс маънавиятини шакллантиришнинг асосий воситалар сифатида қарашидир. Миллий педагогикамиз тараққиётида ислом дини ва тасаввуф таълимоти ҳал қилувчи ўрин тутади.

Бу борада шуни қайд этиш мумкинки, «Қуръони Карим» ва «Ҳадиси Шаъриф» ҳамда тасаввуф таълимотнинг марказида ахлоқ, комил инсон маънавияти шакллантириш туради. Маълумки, инсон камолати-бу инсоннинг кенг маънодаги ички ва ташқи омиллар таъсирида шаклланиш жараёнидир.

Миллий педагогикада таълим-тарбия жараёни орқали баркамол шахс тарбияси амалга оширилади ва педагогика фани асосида таркиб топтирилади. Бунинг учун қуйидаги манбаларни чуқур ўрганиб, таҳлил қилиш, ўзлаштириш, ўз турмуш тарзимизда жорий этишимиз лозим: «Австо», «Қуръони Карим», «Ҳадиси Шаъриф» ва ҳоказо.

Замонавий миллий педагогикамизга миллат руҳиятининг нозик жиҳатларига кириб бориш имконияти яратилди ва дунё тарбияшунослигидаги энг сўнгги ютуқларни ҳисобга олиш имконияти яратилди. Ана шу сабабли бугунги миллий педагогикамиз мунтазам равишда тараққий этмоқда ва унга баркамол авлодни шакллантиришдек муҳим вазифа қўйилган. Айни пайтда барча педагогик тадбирларда ёшлар таълим-тарбия жараёнининг объекти эмас, субъекти, яъни, ижрочиси эканлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу таълим-тарбия олувчиларнинг мустақил ва эркин фикрлашларини таъминлашга имкон бермоқда. Энг асосийси ёшларда тарбияланиш ва ўқишга эҳтиёж уйғотишга йўналтирилган ҳолда таълим-тарбия ишлари олиб борилмоқда.

Миллий ўз – ўзини англаш – ўз миллийлиги, миллий қадрият ва урф-одатларга ҳурматда бўлиш.

Миллий ўзликни англаш (МЎА) - ҳар бир халқнинг ўзига хос муносиб ўрнини аниқлаш, ҳар бир фуқаронинг ўз миллати манфаати, шон – шарафи учун курашишга бўлган жўшқин интилишидан иборат бўлиб, унинг ёрдамида миллатнинг Ватанпарварлик ва халқпарварлик

туйғулари шакллантирилади ҳамда Ватанни ички ва ташқи ёвуз кучлардан омон сақлашдек бурчга садоқатли бўлишликка йўналтиради *(И. Тўрақулова).*

Миллий қадриятлар – мураккаб ижтимоий – руҳий ҳодиса бўлиб, миллатнинг тили, маданияти, тарихи, урф-одатлари, анъаналарини, жамийки моддий ва маънавий, бойликларни, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча томонларидир.

Миллий қадриятлар (МҚ) – муайян бирор бир халққа тааллуқли бўлган урф-одатлар ва анъаналар, барча халққа тегишли бўлган маънавий бойликлар мажмуидир.

Талабаларнинг МҚ тўғрисидаги тасаввурларини шакллантириш қуйидаги кетма-кетликда босқичма-босқич олиб борилади:

- МҚ тўғрисида тушунча;
- улуғ аждодларимиз томонидан қолдирилган маънавий, интеллектуал моддий бойликлар;
- халқ оғзаки ижоди натижалари;
- урф-одатлар ва уларнинг тарбиявий аҳамиятлари;
- оилани маънавий бойитишга замин тайёрлаш ва шу кабиларга қатъий эътибор берилади.

Миллий ғоя (МҒ) – миллий-ижтимоий тараққиёт моҳиятини ёритувчи қараш бўлиб, унинг мазмунида ижтимоий мақсад, миллий манфаатлар ва уларнинг умуминсоний манфаатлар билан уйғунлиги акс этади.

МҒ миллий урф-одатлар, анъаналар, шунингдек, миллий турмуш тарзи негизида шаклланиб, муайян миллат (ёки жамият) томонидан эътироф этилади. **МҒ** нинг ижтимоий аҳамияти унинг мазмунида эзгу қарашларнинг қай даражада акс этганлиги, уларнинг тараққиётни

таъминлашдаги роли билан белгиланади *(Толипов Ў.Қ., Усмонбоева М.Х., Ғозиева Л.М.).*

Миллий ғоя – муайян халқ, миллатнинг манфаатларини ифода этадиган, уни ягона мақсадлар йўлида бирлаштирадиган ҳамда сафарбар этадиган, миллий дунёқараш, этиқод асосларини шакллантирадиган ғоядир.

Халқнинг миллий ғояси фақат унинг ўз тақдирига эмас, балки бутун инсоният ҳаётига келтирадиган манфаатлари билан боғлиқ. Миллий ғоя ўзида инсонпарварликни, халқнинг эзгу ирода ва интилишларини акс эттиради, жамиятни бирлаштириб, уни улуғвор ишларга сафарбар этади, куч ва салоҳиятни юзага чиқаради.

Миллий ғоя- муайян миллат ҳаётига мазмун бахш этадиган, уни эзгу мақсад сари этаклайдиган фикрлар мажмуи. У миллатнинг ўтмиши, бугуни ва истиқболини ўзида мужассамлаштиради, унинг туб манфаатларини, мақсадларини ифодалайди (*ЎзМЭ -5Ж -666 Б.*).

Миллий ғоя кишиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга, кишилар қалбига инсонпарварлик ва одамийлик фазилатларини сингдиришга, умуминсоний қадриятларга содиқликни тарбиялашга, баркамол авлод тарбиясида ҳар бир онгли инсон жонбозлик кўрсатиш лозим эканлигини ақлий жиҳатдан сезишга ва шу кабиларга хизмат қилади.

Миллий ғурур – шахс, иштимоий гуруҳнинг миллий ўзлигини англаши асосида шаклланадиган аждодлари қолдирган моддий, маънавий меросдан, ўз халқининг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси, ўзга миллатлар олдидаги қадр-қиммати, обрў-этиборини фахрланиш ҳиссини ифодаловчи тушунча. Бу туйғу қуйидаги шаклларда намоён бўлади: миллатнинг ютуқлари, обрў-эътибори билан фахрланиш, унинг муаммоларига бефарқ қараб турмаслик; ўз элига,

миллатига жонкуяр бўлиш; ўз миллатининг моддий, маънавий меросини асраб-авайлаш; халқ одатлари, анъаналари, қадриятларини ҳурмат қилиш, уларни бойитиш ва такомиллаштириш; ўз миллатига меҳр-муҳаббатини амалий фаолиятда намоён қилиш.

Мустақиллик кишилар миллий ғурурини ошириш, уни халқ, Ватан, аждодлар хотираси олдидаги маъсулиятини ҳис қилишдек мазмун билан бойитмоқда (*Досанов Н, Султонов Т).*

Миллий ғурур – ҳар қандай адамда инсоний ғурур бўлади. Бу киши ўзини онгли мавжудод сифатида ҳис қилишидан келиб чиқиб, ҳар бир мустақил бажарган ҳаракатидан, ишидан, фаолиятидан мамнун бўлиши орқали намоён бўлади. Буни инсоний ғурур дейилса, ўзининг маълум бир халққа, миллатга тааллуқли эканлигидан қониқиш ҳис этиш, мамнун бўлиши миллий ғурур дейилади. Бу ижтимоий сифат киши фаоллигини оширувчи асосий омил бўлиб, инсонни эзгуликка, яхшиликлар қилишга ундайди. Шунинг учун ҳар бир кишида унинг инсоний ғурури асосида миллий ғурурни шакллантириш буюк келажак сари интилтирувчи асосий кучлардан тўғри фойдаланиш (*Зиёмуҳаммадов Б.*).

Миллий ғурур – халқни халқ, миллатни миллат қилиб кўрсатади. Ўзбекистон мустақиллиги туфайли ўзбек халқининг миллий ғурур туйғуси жаҳон бўйлаб қад кўтарди. Жаҳон халқлари орасида Ўзбекистон тенглар ичра тенг бўлди. Эндиликда замини ҳосилдор, саховатли, меҳнаткаш, шон – шуҳрати юксак бўлган ўзбек халқини бутун дунё тан олади. Ўзбекистон фуқароларнинг ҳаёти, эрки, шаъни, қадр-қиммати муқаддас саналиб, улар давлат томонидан ҳимояланмоқда. Ўзбек халқининг маънавий ҳаётида ўзгаришлар юз беради. Она тилимизга давлат тили мақоми берилди. Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Аҳмад ал-Фарғоний,

Ғиждувоний каби улуғ боболаримизнинг руҳларини шод этдик. Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир каби халқнинг оташин фарзандлари номи, иззат – икроми, ҳурмати ўз жойига қўйилади.

Умуминсоний, миллий ва маънавий қадриятларимиз тикланди. Юртимизга халқ севган Наврўз қайта кириб келди. Рамазон, Қурбон ҳайитлари умумхалқ байрами сифатида нишонланяпти.

Миллий ғурур туфайли динга муносабатимиз ўзгарди. Қуръони Карим, Ҳадиси Шарифлар ҳаётимизга қайтадан мазмун бағишлай бошлади. Ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик ривожланди.

Миллийлик – бу бирон халққа тааллуқли бўлган хислатлар, маънавий бойликлар ифодасидан иборатдир.

Минтақавий қадриятлар – бу муайян минтақада яшовчи инсонларнинг эркинлигини, тенглигини, биродорлигини, тенгликнинг барқарорлигини ва халқнинг ўзаро тотувликларини таминлашларининг маҳсулидир.

Моддий-техника таъминоти – ўқув-тарбия муассасаларини зарур ускуналар, инвентарлар, ашёлар, таълимнинг техникавий, дастурий ва дидактик воситалари билан жиҳозлаш, таълим жараёнини компьютерлаштириш ва ахборотлаштириш, таълим муассасаларини капитал таъмирлаш демакдир.

Минтақавий тармоқ - муайян жой (муассаса, туман (шаҳар) вилоят, республика, давлат ва ҳакозо.) бўйича фаолият кўрсатишга мўлжалланган компьютерлаштирилган ва глобал тармоққа уланадиган тармоқ.

Мирза - тарихий ҳодисаларни махсус китобларга ёзиб борувчи шахс.

Мирзо Улуғбек (1394-1449). *Тўлиқ исми* – Муҳаммад Тарағай Улуғбек. Унинг болалик ва ёшлик йиллари бобоси Амир Темурнинг ҳарбий юришлари пайтига тўғри келган. У ёшлигидан илмга, айниқса математика ва фалаккиёт илмига жуда қизиққан. Улуғбек сарой мактабида таҳсил олган. Кўп вақтини Мавлоно Бадриддин билан ўтказган, кечалари юлдузларнинг ўрни ва ҳаракатини кузатган.

Устозлари: Ҳамза ибн Али Тусий, Мавлоно Бадриддин, Қозизода Румий, Саид Шариф Журжоний, Мавлоно Аҳмад.

Шогирдлари: Али Қушчи «Фарзанди аржуманд» деб атаган.

Асарлари: «Зижи жадиди Кўрагоний», «Бир даража синусни аниқлаш ҳақида рисола» (риёзиётга доир), «Рисолаи Улуғбек» (юлдузларга бағишланган), «Тарихи арбаъ улус» («Тўрт улус тарихи»). Улуғбекнинг ахлоқий тарбияга оид фикрлари катта аҳамиятга эга. У ҳар бир кишининг ахлоқий камол топишида унинг бошқалар билан ўзаро муносабатлари, ҳамкорлиги ва дўстлиги етакчи ўрин эгаллайди, деб таъкидлайди. Ҳаётда ҳақиқий дўстликни улуғлайди. Улуғбек яна меҳнат тарбиясига алоҳида аҳамият беради. Тарбия жараёнида олим ижодидан фойдаланиш натижасида ёшларда меҳнатсеварлик, дўстлик, инсонпарварлик каби бир қанча ахлоқий фазилатлар юксалтирилади.

Мифологик (юнонча **mifos** – нақл, ривоят, **logos** – тушунча, таълимот) **дунёқараш** – ижтимоий тараққиёнинг энг бошланғич даврига хос бўлган халқ оғзаки ижоди – нақл ва афсоналарда гавдалантирилган ижтиоий онгнинг асосий шаклидир.

«Олам қандай пайдо бўлган? Қуёш, ой ва юлдузларни ким яратган? Бу сир-синоатга тўла борлиқнинг сўнгги қаерда?» деган саволлар одамзотни азалдан қизиқтириб келган.

Ушбу саволларга одамзот топган дастлабки жавоблар мифларда ифодаланган ва улар бутун бир мифологик тизимни ҳосил этган.

Қадимий туркийхалқларда шундай мифлар мавжуд бўлган *(Абдуллаева Ш.А. ва бошқ. Педагогика. – Т.: 2004. – 45-46 бетлар).*

Мовароуннаҳр (араб. – дарёнинг нариги томони) – ўрта асрларда ислом мамлакатларида кенг тарқалган географик атама. Ҳозирги замон тарихий-географик илмий адабиётда Мовароуннаҳр деганда асосан, Туркманистондан ташқари бўлган Ўрта Осиё ҳудудлари, яъни Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Қозоғистоннинг жанубий қисми тушунилади. Мовароуннаҳр атамаси илк бор Пайғамбаримиз Муҳаммад (сав) ҳақидаги ҳадисларда тилга олинган. Шунга кўра бу атама араблар орасида исломгача бўлган даврларда маълум бўлган. Шундай қилиб Мовароуннаҳр атамаси Ўрта аср манбаларида турлича талқин этилиб, географик ҳудуд сифатида аввал Турон, Турк ҳоқонлиги ёки Туркистон мамлакати (VII асргача), кейин Хуросон (VII-X асрларда) ундан кейин Туркистон (XI асрдан бошлаб), маълум вақт Хоразм (XII аср охири XIII асрнинг боши) таркибига киритилган. Бу атама ҳақида турли манбаларда келтирилган маълумотларнинг йиғиндиси ҳудудий жиҳатдан «Ўрта Осиё» атамасини англатадиган Туркистон табиий-географик ўлкасининг ерларини қамраб олмайди. Мовароуннаҳр атамасининг ўрта асрларда ишлатилган энг кенг маънодаги тушунчаси таркибига шартли равишда фақат Амударё ва Сирдарё оралиғида жойлашган ерларни киритиш мумкин (ЎзМЭ. 6-том, 2003, 35-36 бет).

Модель – модель (лотинча- modulus-ўлчов, меъёр)-ихтиёрий нарса (предмет, буюм ва ҳоказо) ва ҳодиса (жараён) ларнинг махсус белгилар воситасидаги аналоги (ўхшатмаси). Моделларни танлаш воситаларига қараб уни уч гуруҳга ажратиш мумкин. Булар абстракт, физик ва биологик гуруҳлар.

- Абстракт моделлар қаторига математик, математик-мантиқий ва шу каби моделлар киради.

- Биологик модел - одам ва ҳайвонларда учрайдиган маълум бир ҳолат ёки касалликни лабораторияда ҳайвонларда синаб кўриш имконини беради.

- Математик модел – мураккаб жараёнларнинг (тирик организмларнинг ҳам) тузилиши, улар қисмларининг ўзаро алоқаси ва ташқи – ички таъсирлар, шунингдек, функционал вазифаларига оид қонуниятларнинг математик, мантиқий-математик ва ташкилий тузилмавий тавсифидан иборат бўлиб, тажриба маълумотларига ёки адабиётлардаги маълумотлар асосида тузилади, сўнгра тажриба йўли билан текширилиб кўрилади ва тузилган моделнинг объектга адекват эканлиги текширилади.

- Физик моделлар қаторига кичиклаштирилган макетлар, турли асбоб ва қурилмалар, тренажёрлар ва шу кабилар киради.

- Физик-кимёвий моделлар – биологик тузилиши, функция ёки жараёнларни физик ёки кимёвий воситалар билан қайтадан ҳосил қилишдир *(Абдуқодиров А.А ва б.)*.

Иқтисодий моделлар (ИМ) – тахминан XVIII - асрдан қўлланила бошланган. Ф.Кененнинг «Иқтисодий жадвалларида» биринчи марта бутун ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнининг шаклланишини кўрсатишга ҳаракат қилинган.

ИМ иқтисодий тизимларнинг турли фаолият йўналишларини ўрганиш учун фойдаланиладиган моделлардир.

Физик моделлар – ўрганилаётган жараён ва нарсанинг табиати ва тузилиши (геометрик, ташкилий-тузилмавий) асл нусхасига ўхшаш бўлиб, фақатгина уларнинг ўлчами, тезлиги ва кўлами жиҳатдан фарқ қиладиган моделлардир.

Улар кичиклаштирилган макетлар, тренажёрлар (автомобиль ва самолёт макети, ГЭСлар макети, самолёт ва автомобилларни бошқаришга ўргатиш тренажёрлари ва ҳоказолар) турли асбоб ва қурилмалар.

Биологик моделлар – тирик объектлар ва уларнинг қисмларига хос биологик тузилиш, функционал вазифа ва биологик жараёнларнинг аналогияси.

Моделлаштириш – бирор бир суний тил ёрдамида нарса (буюм, предмет) ва ҳодиса (жараён)ларнинг аналогиясини яратиш жараёнидир. Моделлаштиришнинг асосан икки тури педагогика ва психологияда муҳим аҳамият касб этади. Улар: структура – функционалли ва функционал – структурали. «биринчи ҳолатда тадқиқотчи алоҳида тизимнинг ташқи ҳулқ - атворига қараб тизимни аниқлаб ўтмоқчи ва шунинг учун аналог танлайди ёки конструкция қилади – бошқа тизимни ўхшаш хулқ - атворга эга бўлган тизимга. Бундай халқ - атвор структураларнинг ўхшашлиги ҳақида мулоҳаза юритишга олиб келади.»

Моделлаштиришнинг бундай кўриниши педагогик-психологик тадқиқотларнинг асосий методларидан ҳисобланади, ҳамда табиий илмий психологик тадқиқотда ягона ҳисобланади.

Иккинчи ҳолатда моделлар ва образлар структуралари ўхшашлигида тадқиқотчи функциялар ва ташқи кўринишларда ва бошқаларда қандайдир умумийликни таҳлил қилади *(Нишонова З.Т. Қаршиева Д.С.)*.

Моделлаштириш – тадқиқот объектларини, уларнинг моделлари ёрдамида ўрганиш ҳамда нарса ва ҳодисаларнинг талаб қилинган моделларини яратиш.

Моделлаштириш – илмий билиш усули бўлиб, борлиқни билвосита ўрганишга асосланади.

Бунда тадқиқот қилинаётган объектга мос бошқа объектни ҳосил қилиш муаммоси ҳал этилади ва унинг асосида объект билан модель ўртасидаги ўхшашлик, мувофиқлик муҳим аҳамият касб этади.

Моделлаштириш усули илмий тадқиқот ишини енгиллаштиради.

Моделлаштириш усулининг асосий фазилатларидан бири, уларнинг универсаллиги, қулайлиги, табиат ва жамиятдаги объектларнинг функционал ҳолатларини мос моделлар орқали тасвирлай олинишидир.

Моделли дарс босқичлари – бу интерфаол таълим усуллари жумласига киради ва асосан қуйидаги босқичлар асосидаги жараёндан иборатдир:

1. Чиқариш - аввалги билимларни эсга солиш. Бунда олдинги ўрганилган билим, кўникма ва малакалар билан янги мавзуга тегишли маълумотлар орасидаги узлуксизлик ва узвийликни таъминлашга эришишга ҳаракат қилинади.
2. Англаш - янги ахборотларни ўрганиш. Бунда олдинги ўрганилган маълумотлар ахборотларга айлантирилади ва улар негизида янги ахборотларни ўзлаштиради.
3. Фикрлаш – янги ғоялар ва ахборотларни айтиб бериш ва муҳокама қилишдан иборат.

Модератор – бу форумга бошчилик қилувчи шахс бўлиб, у мунозаранинг тўғри боришини таъмин этади ва зарур бўлганида тузатишлар ёки таклифлар киритиш асосида форум ишини мақсад сари йўналтиради.

Модератор форумни бошқаради, консультациялар беради, саволларга жавоб беради, зарур пайтларда иштирокчилар жавобини зарур ғояларда тузатади, қўшимча материаллар тақдим этади, яъни, форум ишини тўғри ва мақсад сари бошлайди.

Модератор форумда фаол иштирок этиш, мулоқот қилиш муҳитини яратади. Бундай фаолиятни олиб бориш учун модератор ўз билимини ва малакасини доим ошириб бориши зарур.

Модераторлик ролини раҳбар ходимлар, администраторлар, ўқитувчилар, талабалар ва интернетдан фойдалана оладиган бошқа шахслар олиб бориши мумкин *(Йўлдошев Ж., Йўлдошева Ф., Йўлдошева Г.).*

Модул – педагогик технологияни ташкил қилувчи таркибий бўлакларни ифодаловчи тушунча. Бу таркибий бўлаклар, яъни, модуллар энг кичик бўлаклардан ҳамда уларнинг турли миқдордаги тўпламларидан иборат бўлади.

Модулдаги энг кичик таркибий бўлакни энг кичик модулга, бошқаларини ўз ичига қанча модулларни олишига қараб тегишлича даражадаги модулларга ажратишдан иборат.

Модул – модулли таълим технологиясини жорий этишнинг асосини ташкил этади. Ўзлаштириши лозим бўлган манбани бўлакларга бўлиб ўрганиш имконини беради.

Модулли таълим технологиясига тегишли ишланмалар яратиш ва уларни амалий фаолиятга жорий этиш соҳасидаги ишларда кенг қўлланилади.

Янги педагогик ва ахборот технологияларини яратиш ва жорий этиш соҳасидаги инновацион таълим технологияларини ишлаб чиқиш бўйича мунтазам қўлланилишга эришиш мумкин.

Модул - педагогик технологияни ташкил қилувчи таркибий бўлакларни ифодаловчи тушунча. Бу таркибий бўлаклар яъни модуллар энг кичик бўлаклардан ҳамда уларнинг турли миқдордаги тўпламларидан иборат бўлади. Бунда энг кичик таркибий бўлакни энг

кичик модул бошқаларини эса ўз ичига қанча шундай модулни ошишига қараб, тегишлича даражадаги модуллар дейилади.

Педагогик технологиянинг энг кичик модуллари энг асосий тушунча бўлиб, улар гўёки педагогик технологияни ҳосил қилувчи бўлакчалар вазифасини бажариши билан асосий аҳамиятга эга. Бунда кичик модул, модул тўплами, бирламчи модул ва модул даражаси деган тушунчалардан фойдаланилади.

Модул фаннинг фундаментал тушунчаларини – маълум ҳодиса ёки қонун, ёки бўлим ёки маълум бир йирик мавзу, ёки ўзаро боғлиқ тушунчалар гуруҳини ўз ичига олади.

Модул ўқув материалининг мантиқан тугалланган бирлиги бўлиб, ўқув фанининг бир ёки бир неча фундаментал тушунчаларини ўрганишга қаратилган фаолиятга асосдир.

Модул ўқитиш – ўқув жараёнини ташкил этиш шакли бўлиб, унда ўқитиш ўқув материалининг мантиқан тугалланган бирликлари модулларни босқичлар ва қадамлар бўйича ўзлаштиришни англатади *(Фарберман Б.Л.)*.

Модул даража - педагогик технологияни тасвирлаш кўламига мувофиқ равишда танланган бирламчи модулларнинг ўз таркибида аслида қанча модулларга эга эканлиги кўрсаткичи.

Модул тўплами – педагогик технологияни унинг бирор даражасидан бошлаб тасвирлаш мақсади асосида битта модул сифатида ҳисобланган бир нечта модуллар йиғиндиси.

Модуллаштириш – педагогик технология материалларини модулларга ажратиш жараёни.

Модулли ўқитиш – модул термини билан боғлиқ элементлардан иборат бўлган тугунни билдиради.

Модулли ўқув ахбороти (МЎО) – алоҳида ахборот блокидан (мавзулардан) иборат бўлган кичик мақсадларга мос ҳолда (алоҳида дарслардан) «лаҳзалардан» тузилган ўқув мазмунидан иборат.

МЎО нинг асоси, мавзунинг мантиқий тузилмаси ҳисобланади. Бу орқали муайян курсда (фанда) ўрганиладиган асосий тушунчаларнинг (мавзуларнинг, қонун-қоида, мезон ва тамойилларнинг) ўзаро боғлиқлиги қонинияти ўрнатилади.

МЎО, ўқитувчининг мўлжалланган усулига оид ахборотни яхлит бир тизимга ўтказиш ва ўқув жараёнининг мантиқий кўргазмали модели, кичик мақсадлар сонига кўра гуруҳларга (тизимларга) бўлинадиган дарсларнинг узлуксиз тизимидир.

Мойиллик – янги билимларни олиш натижасида таълим олувчи ўзини олам ҳақидаги фикрлаш усулини қайта қуришни бошлаши учун бошқаларнинг фикр ва тушунчаларини «бир чизиққа» жойлаши.

Мониторинг - Корхона, ташкилот, муассаса ҳолатини ҳар томонлама баҳолаш ва унинг фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида махсус ташкил қилинган тизимли кузатув.

Таълим-тарбия соҳасида мониторинг-ўқув жараёни ва уни бошқаришнинг узлуксиз кузатувини олиб бориш.

Меъёрий ҳужжатлар, юқори ташкилотларнинг буйруқ ва қарорлари ижроси ўз муддатида ҳамда қандай сифат ва даражада амалга оширилаётганлигини кузатув тизими.

Мониторинг – (инглизча «monitoting» - текшириб туриш, назорат этиш) - маълум бир ҳодиса ёки жараённи кузатиш, баҳолаш ва тахмин (прогноз)лаш.

Мониторинг – бу таълим олувчиларнинг ўқитилиш даражасини билиш учун тест ва ёзма ишлар асосида маълумотларни йиғиш усули,

таълим натижаларининг даражасини таққослаш учун керак бўладиган маълумотлар мажмуидан иборатдир.

Мониторинг – таълим жараёнининг кучли ёки заиф томонларини яққол кўрсатиб берувчи параметр бўлиб, олинган рақамларни, маълумот ва кўрсаткичларни унумли таҳлил этиш, кўзланган мақсад сари босқичма-босқич режали қадам босиш, самарали натижага эришиш заминини яратади.

Мониторинг – таълим жараёнининг кучли ёки заиф томонларини яққол тасвирлаб берувчи жараёндан иборатдир, яъни, мақсадлар кетма-кетлиги бўйича ҳаракатлар траекториясидан четлашишни баҳолаб борувчи ростлаш воситасидир. Жараён бўйича олинган рақамларни, маълумот ва кўрсаткичларни унумли таҳлил қилиш, кўзланган мақсад сари босқичма-босқич режали қадам босиш, оптимал натижага эришиш замирини **мониторинг** ташкил этади.

Монография – муайян мавзу ёки муаммони, бирор олим ёзувчи ҳаёти ва фаолиятини атрофлича, чуқур тадқиқ этувчи илмий нашр. Монографияда ёритилаётган масала бўйича мавжуд адабиёт умумлаштирилади ва таҳлил этилади, фанни ривожлантиришга ёрдам берадиган фараз ва хулосалар олға сурилади.

Мотив. Мотив деганда психологияда ўқувчиларни ҳатти-ҳаракатларга ундайдиган сабаблар тушунилади.

Мотивларнинг шаклланишига талаблар инстинктлар, маталлар ҳамда эмоциялар, йўл тутишлар, ғоялар ва қизиқишлар таъсир этади (*Разумовский В.Г.*)

Мотив - инсонни ўқишга ёки бирор ҳаракатларни бажаришга ундовчи турли сабаблар йиғиндиси. Салбий мотив-бу мажбурлаб ўқитиш, лекин бунда ўқувчининг ўқишга нисбатан қаршилиги ҳамма ҳаракатимизни йўққа чиқаради.

Мотив – бу маълум эҳтиёжларни қондириш билан боғлиқ фаолиятга мойиллик.

Мотив – грекча сўз бўлиб «wovere» - силжитиш, ҳаракатга келтириш, эҳтиёжга йўналтириш маъносини беради. Мотивлар инсоннинг бирор нарса, ҳодисага қизиқтириб хоҳиш орқали интилишидир. Мақсадга эришишда дуч келган тўсиқ, ўта қийинчилик, қаттиқ талаб қилиб туриб олиш, ташқи ва ички муҳитлар унга тескари таъсир кўрсатиши мумкин. Шундай қилиб мотив шахснинг ўз эҳтиёжларини қондиришга интилиши орқали ҳаракатга келади. Интилиш, қизиқиш орқали амалга оширилади. Таълим жараёнида мотивлар қуйидаги кўринишларда учрайди: кенг қамровли мотивлар; ўқув-билув мотивлари; мустақил ўзини ўқитиш мотивлари; кенг қамровли ижтимоий мотивлар; ижтиомий ҳамкорлик мотивлари; ўқув жараёнидан ташқари мотивлар (социал мотивлар, шахсий мотивлар).

Мотивацион компонент – илмий тадқиқот ишлари жараёнидаги инновацион фаолиятга интилиш ва эҳтиёжни ифодаловчи кўрсаткич.

Мотивация – инсон фаолиятида жараёнга, фаолиятга ва уларнинг мазмун-моҳиятига қизиқиш, хоҳиш ва мойиллик билан қарашдан иборат бўлиб, шахснинг фаоллашувига сабаб бўлувчи мотив, эҳтиёж, стимул, вазиятли факторларни эътиборга олган ҳолда инсонни билиш учун олға ҳаракатлантирувчи кучдан иборатдир.

Муаллифлик гувоҳномаси (МГ) – муаллифларнинг ихтиро ёки кашфиёт ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат. Ихтирочи ўз хоҳиши билан кашфиёти учун муаллифлик гувоҳномаси ёки патент олиши мумкин. Патент берилганда муаллифнинг ихтиросига мутлақ ҳуқуқ белгиланади. МГ ни олган шахс ўз ихтироси жорий этилиши натижасида тежаб қолинган маблағга ёки бошқа ижобий самарага яраша ҳақ олиш

ҳуқуқига, шунингдек, амалдаги қонунларга мувофиқ турли имтиёзлар олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Муаммо – илмий тадқиқот иши (ИТИ) даги ечими талаб қилинадиган назарий ёки амалий масала бўлиб, мавзунинг долзарблиги асосида ифода қилинади. Улар илмий, илмий-услубий, илмий – методологик жиҳатдан тадқиқ этиладиган масалалардан иборат бўлади

ИТИ давомида муаммони тўғри қўйиш ва унга мос тадқиқот мақсадини аниқлаш муҳим босқич ҳисобланади. Муаммо қуйилишида мавжуд билимлар асосида мақсадга эриша олмаслик ҳақидаги билимга эга бўлиб, унга илгарги билимлар асосида тубдан янгича ёндашувни бажара оладиган ишчи фаразни тўғри ифодалай олиш муҳим аҳамият касб этади.

ИТИ да муаммо шундай жараёнки, мавзу долзарблиги ва ишчи гипотеза асосида ифодаланади ва то охирги ечимга етиб ормагунча у ҳақда тўлиқ билимга эга бўла олмаймиз, аммо шуни биламизки, у илм-фан ривожи ва жамият талаби билан пайдо бўлади.

Муаммо қуйидаги йўналишлар бўйича ҳал этилиб борилади:

- муаммони излаш;

- хусусий муаммони қўйиш (муаммони ечимига эришиш учун мақсадлар кетма-кетлигини ифодалаш);

- муаммони ечиш.

Муаммони излаш ва танлашда қуйидагиларга эътибор бериш лозим: қўйилган муаммони ечмасдан, белгиланган йўналишда методни, методологияни, технологияни, техникани янада ривожлантириш ва такомиллаштириш мумкинлигига ишчи фаразни шакллантира олишлик; режалаштирилган тадқиқот илм-фанга ва таълим-тарбияни ривожлантиришга нима беришини аниқлаш; режалаштирилган тадқиқот натижалари асосида олинадиган янги қонуният нимаси билан усул,

восита, илм-фан ва техника ҳамда технологиялардаги олдинги мавжудларидан янги ва кўпроқ амалий баҳога эга эканлигини аниқлаш.

Муаммо – масала қўйилишидаги шарт-шароитларни аниқлашда мустаҳкам фундаментал асос бўлади. Унга асосан масала ечиш шарти таҳлил қилинади ҳамда таълимни бошқариш қонунлари: КТМД, ТТҚ, ДТС ва бошқа меъёрий ҳужжатларни ҳисобга олиб масала мақсади аниқланади.

Масаланинг асосини ташкил қилувчи муаммони белгилаб олиш. Масала ечими шартини таҳлил қилиш, ечимини амалга ошириш. Мақсадни аниқлашга эришишга ёрдамлашиш. Ташкилий-педагогик ишларни амалга оширишга шароит яратиш.

Муаммони сифат ва сон жиҳатдан таҳлил қилиш имконияти педагогик тадқиқотларни олиб боришнинг самарали йўлларини танлашни кафолатлайди ва таълим-тарбияни жаҳон таълими андозалари асосида олиб боришга шароит яратади.

Муаммо термини ташкилий педагогик ва таълим-тарбиявий масалаларни ҳал қилишда қўлланилади ҳамда унинг мазмун-моҳияти орқали педагогик тадқиқотларни олиб боришнинг илмий ва илмий-услубий жиҳатларини ёритиш услубиятини таъминлайди.

Педагогик тадқиқотларда ва таълим-тарбиядаги замонавий тадқиқотларни яратиш имкониятига самарали таъсир кўрсатади. Ўқитиш – ўқиш ишларини ҳал қилишда режалар тузиш ва уларни жорий этишга асос бўлиб қолаверади.

Муаммо – жавоби бевосита мавжуд билимда бўлмаган ва ечиш усули номаълум бўлган масала (вазият, ҳолат).

Муаммони қўйиш ва ҳал этиш мавжуд билимлар доирасидан четга чиқишни, янгича ечиш усули, технология ёки метод ҳамда методологияларни яратишни ҳал этишдан иборат.

Муаммони ҳал қилишнинг турли хил усуллари ва воситалари борлигини тадқиқотчининг билиши таълим-тарбияни такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Бунда янги ишланмалар яратиш ва шу кабиларда муаммо ечимини топиш ниҳоятда аҳамиятлидир.

Муаммо – изланувчи фаолиятни ишга солувчи омил (восита, туртки) бўлиб, фаразни шакллантиришнинг асосидир.

Муаммо – билишни ривожлантиришнинг объектив саволи ёки саволлар тўплами бўлиб, улар амалий ҳодисалар ёки назарий қизиқишлар орқали ифода этилади.

Муаммолар ҳаётий ва илмий бўлиши мумкин ва улар илм – фан – таълим атамалари билан шакллантирилади.

Илмий муаммо – илмий билишнинг ҳали ўрганилмаган ва ҳал қилиниши лозим бўлган билим шаклидир.

Илмий муаммо тадқиқотчининг бирор тадқиқот соҳасига оид янги далилларни тўплаган аммо бу далилларни ўзидаги эски билимлари билан изоҳлаши мумкин бўлмаганда, ўзларининг янгича баёнини талаб қила бошлаганда туғилади.

Муаммолар ғоялар каби илмий далил ва фанларнинг қонунларидан келиб чиқади, аммо шундай муаммолар учрайдики улар илмий далиллар ва фан қонунларига зид бўлади. Бундай муаммоларни соҳта муаммолар дейилади.

Демак, муаммо илмий тадқиқот ишидаги ечими талаб қилинадиган назарий ёки амалий масала бўлиб, у мавзунинг долзарблиги асосида ифода қилинар экан. Улар илмий, илмий-услубий, илмий-методолгик жиҳатдан тадқиқ этиладиган масаладан иборат бўлади.

Муаммонинг қўйилишида қуйидаги босқичларга эътибор бериш лозим:

- муаммони излаш;

- хусусий муаммони қўйиш;
- муаммони ёйиш;
- муаммони ечиш.

Муаммо сўзи грекча бўлиб, ўзбек тилида «тўсиқ», «қийинчилик», «вазифа» деган маънони билдиради.

Муаммо билишнинг тараққиёт жараёнида пайдо бўладиган ва ҳал қилиниши муҳим амалий ёки назарий аҳамиятга эга бўлган масала ёки масалалар мажмуи.

Муаммо янги далиллар тўпланган ва уларни мавжуд билимлар билан таърифлаш мумкин бўлмаган ва далиллар мавжуд билимлар доирасига сиғмай, уларни янгича, юқорироқ даражада изоҳлаш зарур бўлиб қолганда пайдо бўлади.

Муаммо технологияси – технология тарих дарсларида бир муаммони ечиш жараёнида қўлланилади. Масалан, **XX** асрдаги жаҳон иқтисодий инқирозини муаммо сифатида оламиз. Ўқувчилар биринчи навбатда ушбу муаммонинг келиб чиқиш сабабларини ва оқибатларини мустақил излаб топишлари керак. Кейинги босқичда ушбу муаммони ҳар бир давлат қандай ҳал қилганини ва яна қайси йўллар орқали иқтисодий инқироз муаммосини ҳал қилиш мумкинлигини ҳар бир ўқувчи мустақил ишлаб чиқиши талаб этилади. Бу технологиядан фойдаланиш орқали ўқувчиларда муаммоларни ечиш малакасини шакллантириш мумкин.

Умуман олганда, иннавацион технологиялардан фойдаланиб ўтилган дарсларда ўқувчилар ўз қобилияти ва имкониятларини намойиш қилишга эришадилар, ишга ижодий ёндашишга, жамоа билан ишлаш малакасига эга бўладилар, ўзгалар фикрини ҳурмат қилишга ўрганадилар. Бу эса дарснинг самарадорлигини ошириб таълим сифатини кафолатлашга хизмат қилади.

Муаммоли вазифалар усули – бу ўқувчиларга муаммоли вазиятларни ва уларнинг фаол билиш фаолиятини ташкил этишга асосланган усулидир. У аниқ вазиятларни таҳлил қилиш, баҳолаш ва кейинчалик қарор қабул қилишдан иборат (*Зуҳра Исмоилова*).

Муаммоли вазият таълим олувчининг маълум руҳий (психик) ҳолатидир. Бундай ҳолат маълум топшириқни бажариш (масала ечиш, саволга жавоб топиш) жараёнида зиддиятни англаш туфайли вужудга келади. Ана шу зиддиятни англаш таълим олувчиларда предмет тўғрисидаги, ишни бажаришнинг усули ёки шартлари тўғрисидаги янги билимларни излаш эҳтиёжини уйғотади.

Илмий кашфиётлар тарихини ва улар муносабати билан олимлар ҳаётида содир бўлган ҳодисаларни қизиқарли баён қилиш ҳар нарсани билишга кучли ҳавас уйғотиш учун катта аҳамиятга эга ва муаммоли вазиятни яратиш учун негиз бўла олади.

М.Н.Скаткин МТ нинг қуйидаги учта асосий турини алоҳида қайд этади:

1. Билимларни муаммоли баён қилиш.

2. Баённинг айрим босқичларида таълим олувчиларни изланишга жалб қилиш.

3. Таълимнинг тадқиқий методи.

МТ нинг учта турини бирлаштирадиган умумийлик муаммони ҳал қилиш воситасида ўқитиш бўлиб, уларнинг фарқи ўқитувчилар мустақил изланиш фаолиятининг даражасидир. Демак, МТ деганда ўқув материалини таълим олувчилар онгига илмий изланишга ўхшаш билиш вазифалари ва муаммоларини вужудга келтирадиган йўсинда ўрганиш тушунилади.

Муаммоли маъруза – ўқитувчининг талабани ўқув жараёнига жалб этишга муаммоли вазиятлар, муаммоли масалалар орқали эришиш жараёни.

Муаммоли маъруза (ММ) – мауммоли саволларни қўйиш ёки мауммоли масалаларни кўрсатиш йўли билан кетма-кет моделлаштириладиган муаммоли вазиятлар мантиқига таянган ҳолда олиб бориладиган маъруза.

Муаммоли савол ўзида диалектик зиддиятни мужассам этади ва ечими учун маълум билимларни қайта тиклашни эмас, балки фикрлашни, таққослашни, қидиришни, янги билимларни эгаллашни ёки олдин эгалланганларини ижодий қўллашни талаб этади…..

ММ да талаба нотиқ билан бирга фикрлайди. Охир-оқибат муаммоли масалаларга ойдинлик киритилади. Бу яхши натижаларга олиб келади.

Биринчидан, шу тарзда эгалланган билимлар талабаларнинг мулкига айланади, **иккинчидан**, ўзлаштирилганлари чуқур ёдда сақланади, **енгил фаоллашади (таълимий самара),** янги вазиятларга осон кўчиш хусусиятига эга бўлади (**ижодий фикрлашнинг ривожланиш самараси**), **учинчидан,** муаммоли масалаларни ечиш заковати ривожлантиришнинг ўзига хос тренажёри сифатида кўринади (**ривожланиш самараси**), **тўртинчидан,** бунда маъруза курс мазмунига қизиқишни орттиради ва касбий тайёргарликни кучайтиради **(бўлажак фаолиятга психологик тайёрлаш самараси).** (*Н.Сайидахмедов, С.Бозорова*).

Муаммоли таълим (МТ) - илмий билишни ривожлантиришга асосланган таълим шакли бўлиб, муаммоли вақтнинг яъни, жамият ривожланиши жараёнида билиш ва билмаслик ўртасида объектив равишда вужудга келадиган вазият.

Муаммоли таълим технологияси (МТТ) – талабаларда изланиш олиб бориш учун зарурий кўникма ва малакаларни шакллантириш, билиш ва ижодий қобилиятларни ривожлантиришга қаратилган педагогик фаолиятдир. Бунда маъруза машғулотлари ва дидактик материалларни муаммоли тарзда ташкил этиш юқори педагогик самарани беради. МТТ да муаммоли баён, эвристик суҳбат, муаммоли намойиш (шу жумладан «имоготеропия» усули), изланишга асосланган амалий машғулот, ижодий топшириқ, хайёлий муаммоли эксперимент, муаммо учун ишчи фаразни шакллантириш, масалаларни муаммоли ечиш (ечимларнинг оптимал вариантларини танлаш), муаммоли вазифа, ўйинли муаммоли вазиятларни қўллаш талабаларни мантиқий фикрлашга, илмий фаразларни шакллантиришга ўргатади, илм-фан ҳақидаги тасаввурларни кенгайтиради.

Муаммони ёйиш – муаммо ечимини топиш жараёнида унинг кенг қамровли эканлиги ва кўп қирралигини асослаш жараёни, яъни, хусусий муаммолар ечимларини топиш жараёнидан иборат бўлиб, улар ҳар қандай хусусий муаммоларни боғловчи, аниқловчи, тугунловчи хусусиятга эга бўлган бош муаммо атрофида жамланади.

Бундай хусусий муаммоларни ечиш тадқиқотчининг қўлига бош муаммо ечимига жавоб излашда маълумотлар, ахборотлар ва далилларни беради.

Илмий тадқиқот ишининг марказий муаммоси – муаммо ҳар хил турдаги (назарий, назарий-амалий, амалий) жиҳатларидан иборат эканлиги ва улар орасидаги боғланишнинг хилма-хиллигидир. Улар баъзи ҳолларда алоҳида тадқиқот мавзуси сифатида кўриниши мумкин ва алоҳида кичик муаммо ёки мустақил муаммо сифатида қаралади.

Демак, муаммони ёйиш масаласини ҳал қилишда қуйидагиларга эътиборни қаратиш керак:

- бирор бир муаммо (хусусий муаммо бош муаммога ёки бошқа бир йўналишдаги муаммога) ўсиб, ўрганилиб, такомиллаштирилиб, тадқиқот мақсадига озгина ўзгартириш киритилиб, бошқачасига айлантирилиши мумкин экан;

- бирор бир муаммони ўрганиш давомида янги фикр ва янги саволлар юзага чиқади, бош муаммонинг муҳим жиҳатлари кўпаяди (кенгаяди);

- бирор бир муаммо ечимини топишда бошқа муаммонинг туғилиши бош муаммонинг каттагина кўламда ёйилишини туғдиради.

Муаммони излаш (МИ) – тадқиқочининг шуғулланмоқчи бўлган соҳасида (йўналишда)ги илм-фан ютуқларини ўрганиш ва таҳлил қилиш жараёни бўлиб, унда тадқиқотчи таҳлил қилиш давомида бирор тўхтамга (нимани қилиш кераклиги ва унинг долзарблиги тўғрисидаги фикрга) келиш борасидаги ижодий фаолиятидар. Бунда бош муаммо белгиланиб олинади.

МИ ва танлашда қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

- қўйилган муаммони ечмасдан белгиланган йўналишда методни, методологияни, технологияни, техникани янада ривожлантириш ва такомиллаштириш мумкинлиги ишчи фаразни шакллантира олишлик;

- режалаштирилган тадқиқот илм-фанга ва таълим-тарбияни ривожлантиришга аниқ нима беришини аниқлаш;

- режалаштирилган тадқиқот натижалари асосида олинадиган янги қонуният нимаси билан усул, восита ва илм-фан ҳамда техника-технологиядаги олдин мавжудларидан янги ва кўпроқ амалий баҳога эга эканлигини аниқлаш.

Мударрис (араб. дарс берувчи) – мадраса ўқитувчиси. Мударрислар ўқитиладиган муайяан фандан дарс берган. Ҳозир хорижий Шарқ мамлкатларида, шунингдек, Ўзбекистондаги мадраса ва

диний университетларда фақат диний илмлардан эмас, дунёвий фанлардан дарс берувчилар мударрис деб аталади (*ЎзМЭ. 6-том, 2003, 110-бет*).

Мукаммал педагогик техника – ўқитувчининг вақти ва кучларини ижодий иш учун бўшатиб берувчи асос бўлиб, бунда педагогик ўзаро таъсир кўрсатиш жараёнида таълим олувчилар билан муомала қилишда зарур сўзни топиш ёки муваффақиятли чиқмаган гап оҳангини тушунтиришга ўз фикрини чалғитмаслик имконини беради *(Зуҳра Исмоилова).*

Мукаммал сонлар – натурал бўлувчиларнинг (**п** нинг ўзидан бошқа) йиғиндиси **п** бўлган натурал сон. Масалан, 6, 28, 496 ва бошқа мукаммал сонларни **Евклид** ўзининг **“Асослар”** китобига киритган. Евклид 4 та мукаммал сонни билган. Ҳозирги вақтда 20 та жуфт мукаммал сон мавжуд. Лекин мукаммал сонлар тўплами чекли ёки чексиз эканлиги масаласи ҳалигача ечилган эмас. Шунингдек, тоқ мукаммал сонлар борлиги маълум эмас.

Мулоқот - инсонларнинг маълум бир жамода ёки гуруҳда ҳамкорликдаги фаолиятлари жараёнида вужудга келадиган эҳтиёжларидан бўлиб, фаолиятлари давомида ўзаро муносабатларга киришиши жараёни ҳисобланади *(Джураев Р.Х., Турғунов С.Т).*

Мулоқотли ишчи дастур (МИД) – ўқув материалларини ўзлаштириш керак бўлган топшириқлар ва уларни бажариш ҳамда назорат қилиш бўйича тавсияларни ўзида мужассам этган таълим жараёнининг тўлиқ ифодаланиши.

МАҚСАД: ишни режа асосида олиб боришни ўргатиш.

ВАЗИФАЛАРИ: ўқиш-ўқитишга оид алгоритмик тарзда ифодаланган маълумотларни компьютерда жорий этиш; тарбияга оид

компьютерли тизимлар тузишга кўмаклашиш; касбий компьютерли ўйинлар тайёрлашга кўмаклашиш.

МИДлар таълим ва тарбияга янги ахборот технологияларини жорий этишга кенг имкониятлар яратади. Таълим-тарбия бериш жараёнининг оптимал вариантларини танлашни кафолатлайди, шунингдек, инновацион таълимни амалга оширади.

МИДлар фан бўйича компьютерли тизимни яратишда фойдаланилади. Таълим-тарбия жараёнини компьютерлаштириш ва улар учун таълим берувчи дастурлар тузиш соҳаларида МИДлардан кенг фойдаланилади.

Замонавий таълим технологияларини яратишда МИДлар асосий пойдевор бўлиб ҳисобланади ва таълимни компьютерлаштиришда мустақил равишда фойдаланиб борилаверади ҳамда бу жараён замон талаби асосида такомиллашиб бораверади.

Мультимедиа - информатиканинг дастурий ва техникавий воситалари асосида аудио, видео, матн, графика ва анимация (объектларни фазодаги ҳаракати) эффектлари асосида ўқув материалини ўқувчиларга етказиб беришнинг мужассамлашган ҳолдаги кўриниши.

Бунда компьютер ёрдамида ўрганилаётган объект бўйича моделларни ва уларнинг тасаввурларини яратиш, сақлаш ҳамда керакли мақсадлар асосида уларни қайта ишлаш жараёни амалга оширилади.

Таълим-тарбия жараёнида мультимедиа воситаларидан фойдаланиш ўзлаштириш ва тарбиядаги таъсирчанликларда ижобий самараларга эришилади. «Маълумотларни хотирада сақлаб қолиш пирамида» сида «Талаба эшитиш орқали олган билимларининг 10-20 фоизини, кўриш орқали 30-50 фоизини, эшитиш ва гапириш орқали 60-70 фоизини, ёзиш орқали 80 фоизини, кўриш ва ўзи бевосита бажариш орқали олган билимларининг 90 фоизини хотирада сақлаб қолишлиги

айтилган. Демак, мультимедиали технологиянинг таълим-тарбиядаги аҳамияти катта».

Таълим-тарбия жараёнида автоматлаштирилган ахборот технологиялари воситаларидан фойдаланиш ҳар қандай фанни ўзлаштиришда, ҳар қандай тарбия усулини қўллашда ижобий педагогик самараларни беради.

Қуйидаги йўналишларда ривожланади: ахборот тизимларини ва технологияларини моделлаштиришнинг компьютерли вариантини яратишда; зарур жойларда тармоқлар бўйича ахборотларни узатиш ва унинг етиб борганлигини аниқлашда.

Компьютер графикаси ва мультимедиа технологияларининг роли таълим-тарбияда ўта муҳимдир.

МАҚСАДИ: Талабалар ўзлаштиришини ривожлантириш.

ВАЗИФАЛАРИ: Талабаларга ўзлаштириши лозим бўлган маълумотларни кўргазмали етказиш; ўзлаштирилиши лозим бўлган маълумотларни максимал даражада талабалар онгида ва тасаввурида пайдо қилиш.

Мультимедиа таълим-тарбияда инновацион ёндашувлар қилишнинг асосларидан бирини ташкил қилади, унинг ёрдамида юқори самарадорликка эришиб, юксак сифат ўзгаришлари қилиш кафолатланади.

Мультимедиа таълим-тарбия жараёнига янги ахборот технологияларини жорий этиш соҳасида фойдаланилади ва унинг ёрдамида аннимация жараёни самарали амалга оширилади.

Мультимедиа талабалар ўзлаштиришини мунтазам ривожлантириб боришнинг ҳар бир қадамида мустаҳкам компьютерли асос бўлиб бораверади ва бу соҳада инновацион ёндашувлар қилишга ёрдам беради.

Мультимедиа - 1. Ахборотни турли шаклдаги ташувчилари бўлмиш товуш, тасвир ва матнлар бирикмаси.

2. Визуал ва аудио эффектларнинг ўзаро мулоқот дастурий таъминот бошқарувида биргаликда намоён бўлиши.

3. Видеотасвир ва товуш билан ишлаш учун аппаратли ва дастурий воситалар мажмуи. Мультимедиага эга компьютерлар одатда кучли видеотизимга, видеомагнитафон ва видеокамераларни қўшиш имкониятига, тасвирни ушлаш ва уни рақамли шаклда қаттиқ магнит дискка ёзишнинг аппаратли воситалари, тасвирини устига қўшиш воситаларига эга.

4. Хоҳлаган турдаги маълумотларни мажмуавий тарзда тақдим этиш технологияси. Мультимедиа биргаликда тасвирларга ишлов бериш, нутқни қайта ишлаш ва ҳужжатларга ишлов беришни таъминлайди.

Мультимедия – компьютернинг ахборотларни рангли графика, матн ва графикда эффектлар, овозларнинг чиқиши ва синтезлашган мусиқалар, аннимация, шунингдек, тўлақонли видеоклиплар, ҳатто видеофильмлар каби турли хил кўринишлари билан ишлаш имконияти. *(Абдуқодиров А.А ва бошқалар «Ахборот технологиялари» Т..: Ўқитувчи 2002 й. 136 бет.)*

Мультимедияли китоблар – битта ахборот ташувчи воситага жамланган (масалан, CD-ROM дискига) ҳамда матнли, овозли, статик-динамик ва видеотасвирли маълумотлардан ташкил топган китобдир.

Мунаввар Қори (1878 - 1931). Адиб, мураббий, муҳаррир, маърифатпарвар, жамоат арбоби Мунаввар қори Абдурашидхон ўғли 1878 йилда Тошкент шаҳрининг Шайх Хованд Тоҳур (ҳозирги Шайҳонтоҳур) даҳаси Дархон маҳалласида мударрис оиласида туғилди. Тошкентдаги Юнусхон мадрассасида ўқиди, сўнг таҳсилини Бухорода

давом эттирди, Тошкентга қайтгач, Дархон масжидида имомлик вазифасини бажаради.

Мунаввар қори XIX асрнинг охиридан бошлаб жадидчилик ҳаракатларида фаол иштирок эта бошлади. 1901 йилда ўз ҳовлисида, кейинчалик Тошкентнинг турли даҳаларида жадид мактабларини очади.

Бу мактаблар учун 1907 йилда «Адиби аввал», «Адиби соний» дарсликларини яратади. «Тажвид – ал - Қуръон», «Ерo юзи» сингари қўлланмаларни тузиб, нашр этади. Болалар учун қатор шеърий ва насрий ҳикоялар ёзади.

У 1909 йили Тошкентда «Жамияти ҳайрия» уюшмасини тузади ва «Турон» номли жамиятини очади. Мунаввар қори 1906 йилда дастлабки ўзбек матбуоти намуналаридан бири «Хуршид» газетасини нашр этди. Кейинчалик «Нажот», «Кенгаш» газеталаридан бош муҳаррир, «Садои Туркистонда» да бўлим муҳаррири бўлиб хизмат қилади.

Мунаввар қори 1917 йил феврал инқилобидан кейин Туркистонда демакратик миллий давлатчиликни тузиш ғоясини илгари сурди. У Қўқонда ташкил топган Туркистон Мухториятини қўллаб - қувватлади.

Шўро даврида ўзининг очиқ маърифий ишларини ва яширин сиёсий ҳаракатларини давом эттирди. 1918 йилнинг апррелида Туркистон халқ дорулфунунининг асосчиси ва ректори этиб сайланади. Унинг саъйи – ҳаракати билан билан 1918 йилда «Турк ўчоғи» илмий – маърифий жамиятини ташкил қилади.

Мунаввар Қори 20 – йилларнинг ўрталарида зиёлиларни таъқиб қилиш кучайиши натижасида лавозимларидан четлаштирилади. Бироқ, ҳатто қатоғон ҳам Мунаввар Қори Абдурашидхон ўғлининг истиқлол ғояларини қайтара олмади.

У 1929 йилда қамоққа олинади ва 1931 йилда отиб ўлдирилади. Унинг хоки Москвадаги Ваганково қабристонидадир.

Мунозара – фаол таълим усул бўлиб, муҳокама, маълум муаммо бўйича фикр алмашинув кўринишида ўтади.

Мунозара – олий таълим тизимида нутқ ўстириш, ўз фикрини мустақил ва асосли баён қилиб, хулосалар чиқариш воситаси сифатида ғоят муҳим ўрин эгаллайди. Бу бажариладиган ишнинг бир тури бўлиб, ўзаро тортишиш жараёнини келтириб чиқаради ва унга аниқлик киритади. Талаба томонидан **«Ўз сўзи»** ўзига хос услуби асосида изчил, саводли фикр юритилади. Мунозара вақтида талабалар ўзларига ишонган ҳолда саволларини муҳокама қилишади. Мунозара учун шундай шароит яратилиши керакки, унда талабалар ўз фикрларини ишонч билан очиқ - ойдин, камчиликлари учун айбга қўймасликларига ишонган ҳолда баён этилиши керак.

Мунозара – бир ёки бир неча гуруҳ билан ўтказилиши мумкин.

Муомала – ахборот жараёнидир. Ахборот икки йўналишда – бошқариш субъектидан (педагогдан) бошқариш объектига (ўқувчиларга) боради ва аксинча, обектдан субъектга боради. Педагог бевосита шахслараро муомаладан ўз тарбияланувчилари, умуман жамоа ҳақида, ундаги ички жараёнлар хусусида ғоят хилма – хил ахборотга эга бўлади ва ҳоказо. Ўз навбатида педагог муомала жараёнида ўз тарбияланувчиларига мақсадга қаратилган ахборотни, унинг ўқувчиларга мурожатида тагмаъно тарзда кириб борадиган ахборортни маълум қилади.

Ролларараро (амалий) муомала – ташкилий фаолиятнинг ҳар хил турлари жараёнида амалга оширилади. Фаолият қатнашчилари унинг мақсади, бир – бирига муносабати характерига қараб, улар ўртасида шериклик ёки ўртоқлик муомаласи вужудга келади. Ўртоқлик муомаласи фақат фаолият қатнашчиларининг ўзлари эмас, балки

ходимларнинг фаолият мақсадига эришишдаги ўзаро ёрдами, хайри хоҳлиги ва манфатдорлигини назарда тутади.

Шахслараро (эркин) муомала – ташкилий фаолиятдан ташқари амалга оширилади. Муомала қилувчиларнинг ҳиссий кўнгил боғлашувчига қараб танишув, ошна – оғайничилик, дўстликни фарқлаш мумкин.

Муомала – ҳар бир ёшдаги ўқувчилар учун ўзига хос ҳиссий – маънавий муносабатдир. Муомаланинг асосий ғояси мазмун билан боғлиқ равишда ўқувчилар муомаласи объектив мазмуннинг чуқурлигини акс этишида аён бўлади. Муомаланинг тўрт даражасини ажратиб кўрсатиш мумкин: **фактик, ахборот, мунозаравий, ошкоравий.**

Муомалани фактик даражаси – суҳбатни қўллаб - қувватлаш учун нутқ айрибошлашдир. Бунинг натижасида суҳбатдош билан алоқа ўрнатиш мумкин бўлади. У ўқитувчининг атрофдагилар билан муносабатида ўзига қулай ҳис қилишини қўллаб - қувватлашдан иборат муҳим вазифани бажаради.

Муомаланинг ахборот даражаси – ўқувчилар ўртасида роллараро ва шахслараро муомалада рўй берадиган ғоят турли – туман ҳоссага эга бўлган ахборот билан доимо алмашиниб туришидир. Бунда ўқувчиларнинг ақлий қизиқишлари доирасига жуда хилма – хил ахборотлар жалб қилинадики, уларни ўқувчилар таълим – тарбия жараёнида, ўқувчилардан, бошқа турли – туман манбалардан оладилар.

Муомаланинг мунозаравий даражаси – шу сабабдан вужудга келадики, ўқувчилар бир вақтнинг ўзида бир қанча бирлашмаларга кирадилар ва ўзига хос шахс бўлиб, фақат шахсий ахборот ташувчилар ҳамда у ёки бу далилларга шахсий тарзда изоҳ берувчиларгина эмас, балки нормалар ва қадриятларга ҳам изоҳ берувчилар ҳисобланадилар.

Натижада ўқитувчиларнинг ўзаро муомаласида турли нуқтаи назарлар тўқнаш келади.

Муомиланинг ошкоравий даражаси – ўқувчилар билан муомила жадал ва ишончлилик даражаси билан турлича бўлиши мумкин. Энг ишончли даража дўстлар билан муомала бўлиб, уни ошкоравий даражаси деб аташ мумкин, чунки унда ўқитувчилар анча дилкаш бўлиб, ўз ҳиссиётлари, кечинмаларини баҳам кўришга интиладилар (*Зуҳра Исмоилова*).

Мураббий – муайян фан, илмий йўналиш бўйича етук педагог – тарбиячи бўлиб, замон талаби даражасида педагогик маҳорат ва кўникмаларга эга, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга, уларни илғор фан ютуқларини астойдил ўрганишга ўргатадиган, ёшларни ёт ғоялар таъсиридан огоҳлантирувчи инсон.

Мурожат қилиш – тадқиқот объекти ёки муаммо қўйилишида янги талаб ёки вазифаларда тузатиш бўлган ҳолатларда илмий тадқиқот ишини ахборот билан таъминлашда бўшлиқ бўлмаслик нуқтаи назаридан илмий муассаса раҳбарларига ёки илмий раҳбарга, шунингдек, шуғулланаётган соҳанинг етук мутахассисига мурожат қилишдаги фаолиятдир.

Муслиҳиддин Саъдий (1184Ғ1193Ғ1204-1291Ғ1292 туғилган ва вафот этган йили ҳақида турлича маълумотлар бор). Эроннинг Шероз шаҳрида туғилган. Отасидан ёш етим қолади. Бошланғич маълумотни Шерозда олгач, Бағдодга кетади ва у ерда «Низомия» мадрасасида ўқийди. Саъдий мадрасада араб грамматикаси ва адабиёти, форс адабиёти, Шарқ фалсафаси ва бошқа фанларни ўрганади. Мадрасани битиргач, саёҳат қилади.

Устозлари: Абулфарож Абдураҳмон ибн Жазвий.

Асарлари: Саъдийнинг барча асарлари 19 бўлимдан иборат куллиётида тўпланган. Кейинчалик бу куллиётни қайта тузиб, ғазал ва бошқа майда шеърларни радифи ва қофиясига қараб 4 девонга киритилган. Саъдийнинг таълимий-ахлоқий қарашлари ифодаланган асарлари «Бўстон» (1257) ва «Гулистон» (1258) асарларидир. Шоир ижодида адолатли ҳукмдор, унинг ахлоқий хислатлари ҳақида, ақлий, ахлоқий ва жисмоний тарбияга оид ўгит-насиҳатлар берилган. Ахлоқий тарбияга алоҳида эътибор берилган бўлиб, инсонийлик, саховат, қаноат, адолат каби хисатлар улуғланган. Бу ёшлар ахлоқий тарбиясида муҳим ўрин тутади.

Муснад (араб. – асосланган, далилланган, яъни, иснодга асосланган) – ҳадис тўпламларининг илк тури. Муснадда мусаннафдан фарқ қилган ҳолда, ҳадислар уларни бир-биридан эшитган шахслар силсиласига асосланган ҳолда (ҳар бир ҳадис уни хабар қилган шахснинг илми билан боғланган ҳолда) жойлаштирилган. Шариатнинг илк вакиллари – моликийлик ва ҳанбалийлик мазҳабларининг асосчилари Молик ибн Анас ва Ибн Ҳанбалнинг ҳадис тўпламлари муснад туридаги тўпламлардир.

Муснад уч хил маънода қўлланилади:

1. Санадларнинг бир-бирига боғланиши.

2. Китобларнинг номи, масалан, Муснад Аҳмад ибн Ҳанбал.

3. Умумий шаклда ҳадис ровийларининг ўзидан юқорисидагилар ҳам муснад деб аталади (*Ислом энциклопедияси. Т.: 2004, 169-бет*).

Мусо Саиджонов (1893 - 1937) бухоро жадидчилигининг йирик намоёндаларидан ва тараққиёт йўлида миллий ҳаракатнинг фаол қатнашчиларидан бири. Мусо Саиджонов 1893 йили Бухоро шаҳрида савдогар оиласида туғилган. Мирараб мадрасасини битириб, Когондаги рус – тузем мактабида ўқиган. М. Саиджонов илмга қизиқиб, араб,

форс, туркий тиллар, адабиёт, тарих ва география билан жиддий шуғулланади. 1913 йилдан жадидчилик ҳаракатига қўшилиб, 1917 йилдан «Ёш бухоролик» партиясининг ташкилотчиларидан бири бўлади. Партия марказий қўмитасининг аъзоси этиб сайланган. Лекин Мусо Саиджонов табиатан инқилобий ҳаракатларга қарши бўлиб, ислоҳатларни тадрижий йўл билан ўтказиш тарафдори эди.

Шунинг учун ҳам у 1917 йил Бухородаги жадидлар томонида уюштирилган намойишга қарши бўлган. Амир билан жадидлар ўртасидаги музокараларда қатнашган. Мусо Саиджонов ўзбек халқи ўзгача миллий тараққиёт йўлидан боришига ишонган. Унинг сиёсий қарашлари коммунистик мафкурага зид бўлган, шунинг учун 1920 йилда ёш бухороликларнинг коммунистик йўналишдаги гуруҳга кирмаган. Кейинчалик сиёсатдан узоқлашиб, маориф соҳасида фаолият кўрсатган.

Мусо Саиджонов умрининг охиригача илмга садоқатли бўлган ва Ўзбекистондаги тарих фани бўйича йирик олим ва биринчи профессорлардан эди. Унинг сафдошлари Саиджоновни зеҳни баланд, заковати юксак, маданиятли покиза ахлоқли инсон сифатида билишган.

У 1935 йилда ўзбек олимларидан биринчи бўлиб шарқшуносликнинг III конгрессида қатнашади. Унинг илмий асарлари тарихнинг энг муҳим даври ўрта асарлар архитектура ёдгорликлари ва нодир қўлёзмаларни тадқиқ этишга бағишланган.

Ўзбек миллий зиёлаларининг кўзга кўринган вакили сифатида тоталитар тизимнинг жадидчилик тарихини бузиб кўрсатганига қарши чиққани, ўзбек давлатчилиги тарихига ҳолисона ёндошгани учун у 1937 йилда қатоғон қилинган. Мусо Саиджонов қабрининг қаердалиги номаълум.

Мусобақа – икки ва ундан ортиқ инсонларнинг бир фаолиятни (ишни, топшириқни, вазифани ва ҳ.к.) нечоғлик сифатли, самарадор ҳамда тезкор бажарилишини аниқлаш жараёни.

Мустақил маълумот (ММ) - авлодлар тажрибасини, фан ва техника ютуқларини ўз ички туйғулари асосида мустақил ўрганишга қаратилган ҳаракатлар мажмуасининг натижаси бўлиб, инсоннинг шахсий қобилиятларини ривожлантириш жараёни ҳисобланади. ММ инсон шахси ривожланишида, тажрибаларни эгаллашида қулайликлар яратса, мустақил таълим эса таълим олишнинг асоси ҳисобланади *(Джураев Р.Х., Турғунов С.Т).*

Мустақил таълим - инсоннинг ўзи танлаган воситалар ва адабиётлар ёрдамида авлодлар тажрибасини, фан ва техника ютуқларини ўрганишга йўналтирилган шахсий ҳаракатлар жараёни. Бунда инсоннинг ички дунёси, ҳис-туйғулари, мустақил фикрлаш қобилияти асосий рол ўйнайди *(Джураев Р.Х., Турғунов С.Т).*

Мустақил таълим – олинган билим, кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш, қўшимча маълумот ёки материални мустақил ўрганиш мақсадидаги ўқув шакли.

Мустақил фикрлашга ўргатиш. Ҳар қандай ўқув фани бўйича дарсликларнинг асосий дидактик ашёси матнлар, савол – топшириқлар, машқлар ёки мисол – масалалар ҳисобланади. Шу ўқув материаллари асосида ўқувчини мустақил фикрлашга ўргатиш учун, аввало, уларга дарслик муаллифининг, дарс жараёнида эса ўқитувчининг позицияси кўрсатилмаслиги керак.

Ўқувчини мустақил фикрлашга ўргатишда етакчилик қиладиган иккинчи жиҳат - уни мавзудаги илғор фикрлар, илмий хулосалар, амалий ҳақиқатларга, воқеа – ҳодиса ёки инсон шахсига ўз муносабатини билдиришга йўналтиришдир.

Аниқ фанлар бўйича ўқувчини мустақил фикрлашга ўргатилганда дарсликлардан ўрин олган, илм аҳлига, дарслик муаллифи ва ўқитувчига аввалдан маълум бўлган илмий ва ҳаётий ҳақиқатларни ҳар бир бола ўзининг имконияти доирасида ўз йўли билан англайди. Дарсликдаги ёки ўқитувчи томонидан қўйилган савол – топшириқлар болани матн мазмунини ҳикоялашга мажбур қилмаслик керак.

Гуманитар йўналишдаги ўқув фанлари бўйича ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишда маълум тафовут мавжуд. Айниқса, адабиёт дарсларида бадиий матн устида ишлаб бўлингандан сўнг асардаги бадиий ҳодиса ёки адабий қаҳрамон ҳақида, унинг шахси, туйғулари, шодлигу қайғулари, бахтию бахтсизликларининг сабаби ва оқибатлари ҳақида синфдаги ҳар бир боланинг ўз фикри, ўз қараши, ўз муносабати, ўз хулосаси бўлади. Адабий таълимда, бошқа ўқув фанларидан фарқли ўлароқ, ягона ҳақиқат бўлмайди (*Қ. Ҳусанбоева*).

Мустақиллик – жамиятдан ажралмаган ҳолда дунё муаммолари ва тақдири билан боғлиқ бўлган истиқболга эришишдан иборат бўлиб, у яшашга, мустақил фикрлашга, ўз тақдирини ўзи белгилашга, ўз ҳаётини ўзи изга солишга қодир бўлишни, зиддиятларни осонлик билан ечишни, бу дунёнинг шиддатли муаммоларини осонлик билан енгишни таъминлайди. Ана шундай исбот қилинмайдиган ҳақиқатни давлат мустақиллиги таърифида ҳам ифодалаш мумкин.

Мустақиллик – мустамлакачиликнинг ҳар қандай шаклини, у тақозо этадиган тўсиқлар ва зўравонликларни инкор этади. Айни пайтда мустақиллик жаҳон тараққиётининг илғор тажрибалари асосида ўз равнақининг ўзига хос тамойилларини ишлаб чиқариш билан бирга ягона замин, ягона макон тақдирини белгилашда ўзаро ҳамкорликнинг янги, сифат жиҳатидан юқори бўлган, умуминсоний манфаатларга мос келадиган андозаси асосида яшаш демакдир.

Мураккаб малака – касб маҳоратининг ёки бирор жараёндаги фаолиятни эгаллашнинг асосини ташкил этиб, билим, бошланғич малака ҳамда кўникмаларни эгаллаш жараёни маҳсули.

Мустақиллик байрами – жаҳон мамлакатларида сиёсий, иқтисодий, маънавий, ижтимоий жиҳатдан барча масалаларни бошқаришининг аралашувисиз ўз тақдирини ўзи белгилаш суверентети қўлга киритиш орқали ҳал қилиш ҳақ-ҳуқуқига эришилган ва расмий умумхалқ, умумдавлат байрами деб эълон қилинган кун.

1991 йилнинг 31 августида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги қонунлар қабул қилди. Шу муносабат билан 1 сентябр Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик байрами ва дам олиш куни деб эълон қилинди. Республика халқи ҳар йили шу кунни кенг миқиёсда байрам қилади.

Мустақиллик педагогикаси (МП) – Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши натижасида ва эркин фикрлашга тўлиқ имкониятлар яратилиши билан боқлиқ ҳолда юзага кела бошлаган замонавий педагогика фанидан иборатдир. МП дан фойдаланиш натижасида педагогикада соғлом ақл, ижодий муҳит, миллий руҳият ва анъаналар, маросимлар, урф-одатларга мос тарзда таълим-тарбияни олиб бориш имконияти яратилади. МП миз учун муайян билимлар йиғиндиси эмас, балки бола шахси бош қадриятга айланади. Шу сабабли бугунги ёшларга қўйиладиган талаб, фақатгина билимли бўлиш эмас, балки изланувчан, ташаббускор, фидойи, интеллектуал салоҳиятли бўлишини талаб қилмоқда.

Мусулмон мактабларида таълим тизими беш тоифага бўлинган эди:

1. Қуйи мактаб – мактабларда ўғил болаларга савод ўргатишган (4 йил).

2. Халилхона мактаби – (номоз) ёд олдириб ўргатилган.

3. Қорихона - Қуръон ёд олинган.

4. Мактаб интернат – ўрта мадраса бўлиб, бу мактабда ҳам диний, ҳам дунёвий фанлар ўқитилиб ўрта маълумот берилган.

5. Мадраса – олий диний мактаб бўлиб, ўрта асрга оид диний фалсафа ва мусулмон ҳуқуқлари, араб тили грамматикаси ва мантиқ илмлари ўқитилган (*С.Очил, К.Ҳошимов*).

Мураккаб малака шаклланиши шахсда касб маҳоратини пайдо бўлишига имкон яратади. Бунда **«Билим – малака (бошланғич) – кўникма – мураккаб малака (касбий маҳорат асоси)»** тизим муҳим аҳамият касб этади.

Мурожаат қилиш – ИТИда ва янги қийин ифодаланган, яъни, ИТИ да тадқиқот объекти ёки муаммо қуйилишида янги талаб ва вазифларни тузатиш бўлган ҳолатлардаги жараёндан иборат. Бундай ҳолларда ИТИни ахборот билан таъминлашда бўшлиқ бўлмаслик нуқтаи назардан айнан шу камчиликни бартараф этиш мақсадида илмий муассаса раҳбарига (умуман раҳбарга) ва илмий раҳбарга, шунингдек, шуғулланаётган соҳанинг етук мутахассисиси (тадқиқотчиси)га **мурожаат қилиш**. Аммо бу жараёнда мурожаат этишнинг меъёри бўлиши лозим, акс ҳолда ИТИда носоғлом муҳит юзага келиши мумкин ва тадқиқотчининг мустақил фикрлаш ривожланмай қолиши мумкин.

Мутахассислик – бирор касб доирасида маълум бир фаолият тури учун махсус тайёргарлик ва иш тажрибалари орқали эришилган зарурий билимлар, кўникма ва малакалар мажмуаси.

Муҳаббат – бирор шахс ёки кишилар гуруҳига, ғояга ёки амалий фаолиятга нисбатан интим ва кучли туйғу. Шахс ички дунёсининг энг

эркин ифодаси сифатида юзага келади. Муҳаббат туйғусининг улуғворлиги ва мураккаблиги шундаки, унда биологик ва маънавий, шахсий ва ижтимоий интим ва умумий ҳолатлар бамисоли бир нуқтага тўпланади. Платон муҳаббатни икки турга – ҳиссий муҳаббат ва ақлий муҳаббатга ажратади. Унинг фикрича, ҳиссий муҳаббат ташқи гўзалликни ҳас қилишдан ҳосил бўлади ва муҳаббатнинг қуйи босқичини ташкил этади. Ақлий муҳаббат эса гўзалликни кенг маънода – ахлоқий-эстетик, илмий тушунишдан пайдо бўлади. У ақлий (маънавий) муҳаббатни устун қўяди. Муҳаббат кишининг ота-онаси, қариндош-уруғлари, яқин кишилари, дўстлари, қўни-қўшнилари ўқув ва меҳнат жамоалари, ўз халқи ва Ватани ҳамда умуман башарият билан руҳан яқинлашишнинг кучли воситасидир. Муҳаббат туфайли инсон гўзал феъл-атворни, хулқни ўзида гавдалантириб, муайян жамоа ва жамият олдида юксак қадр топади, бошқаларда ўзига нисбатан самимий меҳр-оқибатни уйғота олади. Муҳаббат одамларни, турли жамоаларни, халқларни, миллатларни бир-бирига яқинлаштиради. Муҳаббат бор жойда мураккаб муаммолар осонликча ҳал бўлади, урушлар ва жанжалларга ўрин қолмайди. (ЎзМЭ. Т.: 2003, 6-том, 181-182 бет).

Муҳаддис (араб. ҳадис ривоят қилувчи) – ҳадисларни тўплаш, саралаш ва шарҳлаш билан шуғулланган илоҳиётчи. Муҳаммад (сав)нинг вафотларидан кейин ҳадисларни тўплаш кенг анъанага айлана бошлаши натижасида илоҳиётчиларнинг бир қисми бу соҳада ихтисослашган ва улар муҳаддислар деб ном олган. Ҳадис тўпламлари ислом анъанасида эътибор қозониб, муҳаддислар (масалан, Муҳаммад ал-Бухорий, Муслим ибн ал-Ҳажжож, Ибн Можа ва б.) ислом тарихида машҳур бўлиб кетган. Исломда ҳадис Қуръондан кейинги иккинчи манба ҳисобланади (*Ислом энциклопедияси. Т.: 2004, 172-бет*).

Муҳаммад Шариф Сўфизода (1869 - 1937). Маърифатпарвар зиёли, шоир Муҳаммад Шариф Сўфизода ўзбек маданияти тарихида ёрқин из қолдирган зотлардандир.

Муҳаммад Шариф Эгамберди ўғли 1869 йил 29 январда Чустда туғилган, унинг отаси Манзура Отинда савод мадрасада таълим олди. Қўқон адабий муҳитининг машҳур шоирлари Муқимий, Муин, Завқий, Нодим Намангоний билан яқин муносабатда бўлди. Бўлажак шоир дастлабки шеърларига Муқимий тавсияси билан «Вахший» тахаллусини қўллади.

Сўфизода 1893 йилда она шаҳри чустда бойликларни, чор амалдорларини, мутассибларни ҳажв қилувчи шеърлар учун «бадоси», «беодоб», «дахрий» деб айбланади ва ўлимга ҳукм этилади. Шоир ўз Ватанини тарк этишга, 14 йил турли жойларда исқомат қилишга мажбур бўлади. Сўфизода 1900 - 1913 йил Ўрта Осиёнинг турли шаҳарларида Тифлис, Боку, Арабистон, Ҳиндистон, Туркияда бўлади. У қаерда яшамасин Тошкент, Кавкав, Қрим, Оренгбург, Туркияда чоп этилган газеталар билан алоқасини узмади. Унинг мақолалари шеърлари «Туркистон вилояти газетаси»да, «Садои Туркистон», «Садои Фарғона» газеталаридан мунтазам чиқиб туради. 1913 йилда Сўфизода чет эл сафарида Чустга қайтиб келади ва усули жадид мактабини очади. Камарзода қишлоғида етим болалар учун «Дорул ойтом» («етим уйи») ва катталар учун кечки мактаб ташкил қилади. Бу мактабларда она тили ҳандаса каби фанларни ўқитди.

1914 йилда Сўфизода Туркистон миқёсида ҳукум сураётган ижтимоий – сиёсий, маънавий таназзулни фош этувчи «Чустлар бизлар» шеърини эълон қилади. Шеър бошидан охиригача «Усули қадим» чиларига муаассибларга нисбатан аччиқ киноя, асар қаҳрамонларининг ўзини – ўзи фош этиш усулида ёзилган эди.

Унга биирнчи «Ўзбекстон халқ шоири» унвони берилган.

Сўфизода Шўролар ҳукумати даврида ҳам халқига чин дилдан хизмат қилаверади ва адабий ва ижодий, педагогик фаолият билан шуғулланади. 1937 йил «Халқ душмани» деб эълон қилиниб қамоққа олинади ва Андижон турмасида вафот этади.

Муҳит – шахснинг шаклланишига таъсир этувчи ташқи олам воқелик, ҳодисалар мажмуидир. Муҳит тушунчаси ўзида географик-ҳудудий, ижтимоий ва микромуҳит (оила) хусусиятларини ифода этади.

Муҳофазакорлик – инсоннинг атроф-муҳитга эътибор берилганлиги ва экологик тарбияланганлиги асосларида шаклланганлиги даражасидир. Бунда инсоннинг ёшлигидан бошлаб экологик тарбияланганлиги муҳим асос бўлиб ҳисобланади ва бу орқали шахсда атроф-муҳит муҳофазасига жавобгарлик туйғуси шаклланади.

Н

Нажмиддин Кубро (1145-1221). *Тўлиқ исми* – Аҳмад ибн Умар Абул Жанноб Нажм-ад-дин ал Кубро ал Хевақи.

Бошланғич ва мадраса таълимини хоразмда олади. Сўнгра Миср ва Эронда таҳсил олади. Мисрда – шариат, тариқат ва ҳақиқат илмларини ўрганади.

Устозлари: Рўзихон ал-Ваззан ал-Мисрий, Абу Мансур Ҳаф, Бобо Фараж, Аммо Ясир, Исмоил Касрий.

Шогирдлари: Мажидиддин Бағдодий, Фарируддин Аттор, Баҳоуддин Валанд, Саъдаддин Ҳамавий, Бобо Камол Жондий, Шайх Розияддин Али Лола, Нажмиддин Розий кабилар.

Асарлари: Мутафаккир қаламига мансуб асарлар 8 та бўлиб, шундан Қуръон шарҳига бағишланган тафсир – «Айн ал-ҳаёт» ва шогирдларига панд-насиҳатларидан иборат «Фи ал-адаб» («Одоб

қоидалари») рисолалари ҳамда 25 та рубоийси бизгача етиб келган. Кубро бутун Шарқда «Шайхи валитарош» - авлиёлар тарбиялаб етиштирувчи мўътабар шайх ва мударрис сифатида шуҳрат қозонди. Мутафаккир ижодидаги асосий ғоя комил инсонни тарбиялаш, одамни ҳалокатга бошловчи нафс, хусумат, нифоқ, гумон каби ёмон феъл-атфордан холос бўлиб фақат яхши ишлар қилишга, руҳий покликка чорлашдан иборатдир. Бу талабалар ахлоқий тарбиясида муҳим ўрин тутади.

Назарий метод – педагогик технологияни моделлаштириш, таҳлил қилиш, синтезлаш, қиёслаш, умумлаштириш, табақалаштириш, унинг тизимларини интеграциялаштириш ва бошқа жараёнлардан иборат.

Назарий фикрлаш – сезгидан иборат бўлиб, аниқ қабул қилишга таянади, аммо унинг чегарасидан чиқади ва бевосита қабул қилишда берилмаган муҳим умумийликни аниқлаш даражасигача етиб боради. Назарий фикрлашнинг натижаси назарий тушунчалар фикрий моделларнинг фаразларини ва назарияларини яратиш ҳисобланади. Назарий фикрлаш дедукция усули бўйича хулоса чиқариш воситасида умумий назарияга асосан янги ҳодисаларни, қонунларни назариянинг натижаси сифатида шакллантириб бориш мумкин.

Назария – бирор жараён ёки ҳодисани тушунтириб берувчи тасаввурлар, тушунчалар, ғоялар, қарашлар, тамойиллар ва шу кабилар тизимидир.

Назария воқеликнинг муайян соҳисининг муҳим хусусиятлари, қонуниятлари, сабабий алоқалари, мавжудлик ва ривожланиш характерини белгиловчи асослари тўғрисида яхлит, тўла-тўкис қарашни ифодаловчи илмий бўлимларнинг олий, асослаб берилган мантиқий тизимидир.

Назария – умумий ҳолатлар асосидаги яратилган тизимларни билиш мажмуидир. Янги назариялар фанда бир қатор тадқиқий далиллар бўлганда, уларни тушунтириш учун эски назариялар керак бўлмаганда вужудга келади.

Назария – амалиёт синовларидан муваффақиятли ўтган, маълум бир тизимга киритилган илмий қарашлар мажмуи; тушунчалар ва ҳукмлар каби воқеликнинг инсон онгидаги инъикоси.

Турли ахборотларни билим даражасига кўтариш; янги ғоялар ҳосил қилиш; янги назария ҳосил қилиш. Билимнинг турли усуллари-кузатиш, ўлчаш, таққослаш, эксперемент, моделлаштириш ва шу кабилардан таълим-тарбия жараёнида фойдаланилади.

Ҳосил қилинган билимлар асосида (анализ ва синтез, индукция ва дедукция, гипотезалар) янги ғоя ва назарияларни шакллантиришда фойдаланилади.

Янги фикр, ғоялар маълум бир тизимга келтирилгач (идеаллаштириш, формаллаштириш, редукция ва аксиомалаштириш), улар асосида назарий ва таълимотларни шакллантиришда янада ривожланади.

Назария – умумлаштирилган билим, воқеликнинг у ёки бошқа томонларини изоҳлаш тизими. Назария амалиёт билан чамбарчас боғлиқ. Амалиёт ва унинг натижалари умумлашган тарзда ҳар қандай назарияга узвий элемент бўлиб киради.

Назария – ҳақиқатлиги амалий ёки назарий жиҳатдан исботланган, борлиқнинг бирор бир соҳасига оид маълум ғоялар, қарашлар, қонунлар, қоидалар ва тамойилларнинг муайян тизимидир.

«Назария бирор фан соҳасига оид бўлиб, маълум билимларнинг умумлаштирилиши асосида пайдо бўлади. Илмий билишда назариянинг асосий вазифаси амалиёт берган янги далилларни изоҳлаш,

ўрганилаётган предмет ва ҳодисаларнинг моҳиятига чуқурроқ кириш, рўй берадиган воқеа ходисаларни олдиндан кўра олишдан иборат.

Ҳар бир назария маълум соҳадаги илмий билимларнинг сўнгги натижаси сифатидаги билим шаклидир. Лекин уни ҳеч қачон тугалланган, ўзгармас абсолют билим, деб қарамаслик керак. Чунки ҳар бир назария фақат у ёки бу фараз асосидаги исботи бўлмай, балки узлуксиз ўрин алмашиб, чинлиги аниқланиб борувчи жуда кўп ва чексиз тахминларнинг натижасидир. Шу сабабли назария доимо ривожланиб бориб, унинг мазмуни абсолют ва нисбий ҳақиқитларнинг бирлигидан иборат бўлади». *(Нишонова З.Т. Қаршиева Д.С. Экспериментал психология. –Т..: 2006й. -69 бет.)*

Назорат қилиш дастур воситалари – маълумотлар омборидаги ўқитувчи томонидан тузилган топшириқлар, саволлар, тест-саволлари ва шу кабилардан фойдаланиш дастурларини жорий этиш воситалари.

Намунавий ўқув дастури – муайян предметлар бўйича таълим мазмунининг зарурий минимумини ва ўқув материалини ўзлаштириш даражаларини батафсил очиб берувчи ҳужжат.

Намунавий ўқув режаси – ўқитиш муддатини ҳисобга олиб, касбга (мутахассисликка) мувофиқ равишда цикллар, фанлар рўйхати ва ҳажмининг давлат миқиёсини белгиловчи ҳужжат. У ўқув дарсларининг максимал ҳажмини ва ишчи ўқув ҳужжатларини ишлаб чиқишда ўқув муассасаларининг мустақиллик даражасини аниқ белгилайди.

Насл – насаби бўйича унчалик танилмаган, яъни, оддийроқ оила фарзанди тиришқоқлик, чидамлилик кўрсатиб, ўзини намоён қила олса айни ҳасаб холати юзага келади. Агар бундай одам лаёқатли, қобилиятли, салоҳиятли, истеъдодли бўлса унда бундай табиий омиллар янада ёрқинроқ намоён бўлади. Агар у насл-насаб борасида ҳам юксак бўлса, ўлкан ютуқларга эришади.

Заҳириддин муҳаммад ибн Умаршайх ибн Абусаид ибн Султон Муҳаммад ибн Мироншоҳ ибн Темурбекнинг ижтимоий моҳияти ва умр мазмуни Бобурлигидадир. Бобур сифатида намоён бўла олганлик заҳириддин Муҳаммад учун ҳасабдир. Бундай мисолларни аждодларимиз ҳаётидан юзлаб, минглаб келтириш мумкин.

Натижа – дарс машғулотлари жараёнида режалаштирилган хулосага келинган ва таълимнинг маълум муайян жараёнидан олинган якуний натижасидир.

Натижаларни ўзлаштириш – олинган натижаларни амалий ўзлаштирилишига тайёрлаш жараёнидан иборатдир, яъни, истеъмол учун тайёрлаш. Бунда тадқиқотчи иштироки муҳим роль ўйнайди, чунки керак бўлганда айрим тузатишлар киритиш ҳар кимнинг қўлидан келавермайди.

Нақшбандия тариқати – **Нақшбандия** тариқати тасаввуф оқимлари ичида энг охирги, такомиллашган тариқатдирким унинг асосчиси Хожа Бахоуддин Нақшбанддир. Нақшбандия тариқатининг асосий ғояларидан бири, маълумки, «Дил ба ёру даст ба кор», яъни, ҳар инсон қандай дунёвий иш билан банд бўлмасин, дилида Аллоҳни ёд этиб, зинҳор уни утунмаслиги керак.

Нақшбандия ўзидан олдинги тариқатлардан бевосита ҳаётга яқинлиги билан ажралиб туради. У тасаввуфдаги илгари ўта қаттиқ оқимни юмшатиб, мўътадиллаштирди. Бу тариқат касбу кор кишиларига жуда мос келади. Чунки бундай кишилар тирикчилигидан воз кечиб, фақат тариқат билан машғул бўлсалар, ҳеч ким уларга ўз-ўзидан бир бурда нон бермайди.

Нақшбандия тариқатининг таркидунёчилик қилмай, дунёвий ишлардан юз угирмай туриб Аллоҳга етишиш мумкинлигини кўрсатиб берганлиги Ислом оламида унинг мавқеини ошириб жаҳон узра кенг

тарқалишига сабаб бўлди. Баҳоуддин Нақшбанд даврларидан бошлаб мавқеи орта борган бу тариқатнинг шуҳрати жаҳонни тутди. XV асрда яшаб ўтган машҳур шайхлардан бири – Хожа Убайдуллоҳ Ахрор Валий, тасаввуф адабиётининг йирик намояндалари Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоийлар бевосита Нақшбандия тариқатининг вакиллари эдилар.

Нолинчи гипотеза – илгари сурилган (қўйилган) нол гипотезадан иборатдир.

Номография – математиканинг номограммалар, яъни, маълум тур масалалари учун мўлжалланган махсус чизмалар ясашнинг назария ва амалиётини ўрганувчи бўлими. Номографияни ривожлантириш ва муҳандислик ҳисоблашларини номограммаларни ташкил қилишда профессорлар Н.А. Глаголев ва А.А. Глаголеваларнинг хизматлари катта.

Номограмма – ҳисоблаш характеридаги масалаларнинг маълум бир турини ечишга мўлжалланган махсус чизма. Номограммани тасвирлаш усулига берилган миқдорлар орасидаги функционал боғланишнинг ифодаланиш усулига қараб номограммалар асосан уч турга бўлинади. Улар: **тўғриланган нуқтали номограммалар; тўрли номограммалар; транспорантли номограммалар.** Транспорантли номограммаларга логарифмик чизғич мисол бўла олади.

Номус – иффат, бокиралик маъноларидан ташқари кишининг ўз мавқеини сақлаш, улуғлаш ва ардоқлаш, хижолат тортиш туйғуларини, оила ва аждодлар шаънига доғ туширмаслик маъносини ифодалайди. Одатда номусли одам маънавий қадриятни моддий бойликка алмашишни ўзига эп кўрмайди. Қонун тақиқлай олмаган нарсани гоҳо номус таъқиқлай олади деган нақл бор халқимизда.

Номус – кишининг ўз обрўсини улуғлаш ва ардоқлаш туйғуси; кишининг қадр-қимматига, ўз хатти-ҳаракатлари олдидаги ахлоқий масъулиятига бўлган қарашларни ифодаловчи тушунча. Бошқа шахсларга нисбатан шарм-ҳаё билан муносабатда бўлишга ундовчи ҳис. (ЎзМЭ. Т.: 2003, 6-том, 385-бет).

Нохолислик – нарсаларни исботлар асосида эмас, балки фикрлаш асосида биламиз деган фараз.

Нотўғри хабардорлик – табиий олам ҳақида нотўғри фикрларнинг мавжудлиги натижасида бизни нотўғри саволлар беришга мажбур этиб, идрок этишимизни бузиши.

Нутқ фаолияти – исон томонидан ижтимоий тарихий тажрибани ўзлаштириш ва авлодларга етказиш ёки коммуникация ўрнатиш ёки ўз харкатларини режалаштириш мақсадида – тилдан фойдаланиш жараёнидир.

О

Обиджон Маҳмудов (1858 - 1936). Давлат, жамият ва сиёсат арбоби, Туркистоннинг йирик сармоядорларидан бири Обиджон Абдухолиқ ўғли Маҳмудов Фарғона тараққийпарварларининг пешқадам вакилидир. У Петербург университетини тамомлаган. Халқимиз орасидан етишиб чиққан биринчи тоғ-кон муҳандиси эди.

Унинг ташаббуси ва бевосита раҳбарлиги остида 1914 йили Қўқонда босмахона ташкил қилинади ва Фарғона жадидларининг «Садои Фарғона» газетаси нашр этила бошлади. Мазкур босмахонада «Садои Фарғона» билан бир қаторда рус тилида «Ферганиское эхо» газетаси нафақат Туркистонда, балки Россия мусулмонлари орасида ҳам машҳур бўлган.

Обиджон Маҳмудов жадид матбуотида долзарб мақолалари билан қатнашиб, маърифат, озодлик, ҳурлик ғояларини тарғиб этишга, халқнинг онгини, савиясини кўтаришга интилади.

Обиджон Маҳмудов Туркистоннинг мустақил республика бўлиши тарафдори ва бунга етишиши учун фаол ҳаракат қилган жадидлардан бири эди.

1917 йилда Туркистон Мухторияти ҳукумати ташкил этилгач, Обиджон Маҳмудов «Озиқ - овқат нозири» вазифасига сайланади. Орадан кўп ўтмай, 1918 йил феврал ойида Туркистон Мухторияти большевиклар томонидан зўрлик билан ағдарилади. Шундан сўнг жадидларнинг бир қисми ўз ғоя ва мақсадларини совет ҳокимияти идораларига жойлашган ҳолда амалга оширмоқчи бўладилар.

Обиджон Маҳмудов шу кезларда Совет идораларида хизмат қилиб, миллатпарварлик, тараққийпарварлик фаолиятини давом эттирди.

Атоқли маърифатпарвар Обиджон Маҳмудов 1936 йилнинг 21 ноябрида вафот этди.

Объект – юнонча сўз бўлиб, унинг қўлланилишига қараб турлича ифодаланади. Улардан **биринчиси** онгимиздан ташқарида мавжуд ва бизнинг онгимизга боғлиқ бўлмаган ҳолдаги ташқи олам бўлиб, билишнинг, шунингдек, субьектнинг амалий таъсир предмети ҳисобланади ва **иккинчиси** қайсидир фаолият бўйича ўзлаштирилиши лозим бўлган манба.

Объект – тадқиқот этилиши лозим бўлган нарса (предмет) ва ҳодисалар (жараёнлар)дан иборат бўлиб, улар ўзига ўхшаш нарса ва ҳодисалардан алоҳидалиги билан фарқ қилади.

Огаҳий (1809-1874). Тўлиқ исми – Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий. У 1809 йили Хива шаҳри яқинидаги Қиёт қишлоғида туғилади ва 3 ёшлигида отасидан етим қолиб, тоғаси Шермуҳаммад Аваз ўғли

Мунис тарбиясида бўлиб, хат-савод чиқаради. Сўнгра Хивадаги мадрасада таҳсил олади, форс, араб тилларини ўрганади. Ўз замонасининг олим ва шоирлари билан яқиндан мулоқотда бўлади.

Асарлари: «Таъвиз ул-ошиқин» («Ошиқлар тумори») номли девон яратган. Огаҳий таржимонлик билан шуғулланиб, Шарқ халқларининг етук мутафаккир шоир-ёзувчиларнинг машҳур тарихий, бадиий, фалсафий-ахлоқий асарларини ўзбек тилига таржима қилади. У ўз девонида яхшилик, олижаноблик, меҳмондўстлик, поклик, тўғрилик, ҳиммат, шижоат, мардлик, ғайрат, саховат, иффат, ҳаё, вафо, мурувват, қаноат каби хислатларни тарғиб қилади ҳамда дилозорлик, нодонлик, жоҳиллик, мунофиқлик, ёлғончилик, хиёнат, ҳасад, ғийбат, танбаллик, текинхўрлик, хасислик каби иллатларни қоралайди. Адибнинг ижодий меросини ахлоқий тарбияда маънавий асос деб ҳисоблашимиз мумкин.

Огоҳлик – дунёдан, ён–атрофда бўлаётган ўзгаришлардан, одамлар ва халқларнинг орзу–интилишларидан доимий бохабар бўлиб яшашдир. Мана шундай қоидани ҳаёт тарзига айлантирган халқ ҳаётда пайдо бўлаётган муаммоларни вақтида ҳал этади, тажовузкор кучларнинг ғоявий ва бошқа ҳар қандай ҳамлаларига қарши муносиб зарба бера олади.

Одамийлик – чин (ҳақиқий) инсонга хос фазилат бўлиб, ақл-заковат мевасидир. Одамийликнинг замирида яхшилик, софдиллик, одиллик, меҳр-муҳаббат, вафо-садоқат, оқибат, шафқат, адолату-саҳоват ётади.

Одамийлик – одоб меъёрларидан бири бўлиб, одамларга кундалик ҳаётда инсонпарварлик муносабатида бўлишликдир. Одамийлик деганда ўзида кишиларга нисбатан ҳурмат, ишончни ҳис қилиш, камтарлик, тўғрилик, самимийлик каби хислатларни мужассамлаштиришга нисбатан айтилади. Одамийлик одамлар орасида

камол топади ва ижтимоий муносабатларда ўз аксини кўрсатади (*Ибрагимова Г., Тўрақулов Х.А., Алибекова Р.*).

Одат – онгли иродавий ҳаракатларнинг маълум босқичидир. Лекин малакалар ва одатлар ўртасида муҳим фарқлар бор. Малакалар бирор соҳани тез ва сифатли бажаришга имон берса, одат одамнинг шу фаолият билан доимий шуғулланишдир.

Одатлар жуда кўп машқ қилиш, такрорланишнинг натижасидир. Одатлар одам фаолиятига шу даражада кучли сингиб кетадики, одам одатланган нарсани қилмагунча кўнгли тўлмайди. Одатлар шахснинг ҳиссий ҳолатларини ифодлаши билан бирга, унинг ақлини ўстиришга хизмат қилади. Одатлар такрорланаверади, натижада мустаҳкамланади ва гуёки туғмадек бўлиб қолади. Ижобий моҳиятдаги бундай одатларнинг шахс учун аҳамияти жуда каттадир.

Одиллик - атроф-теваракда юз бераётган воқеа ва ҳодисаларга холисона (ҳаққоний) ёндашиш, кишилар ҳақидан қўрқиш, воқеа-ҳодисалар ҳақида фикрни айта олиш қобилиятларининг шаклланиши.

Одоб – инсонни маънавий камолотга етакловчи жараёндир. Одоб болаликда шаклланади. Ёш улғайиши билан инсоннинг одоб даражаси кенгайиб боради. У киши фаолиятини белгиловчи жараён бўлиб, уни хатоларидан сақлайди. Натижада кишининг хулқий гўзаллиги ортади.

Одоб (араб. адаб сўзининг кўплиги) – жамиятда эътироф этилган хулқ нормаси. Шахс маънавий ҳаётининг ташқи жиҳатини ифодалайди ва ўзгалар билан муносабат (оила, меҳнат жамоаси, турли маросимлар)да намоён бўлади. Одоб негизида ахлоқнинг баъзи тамойил ва меъёрлари, шунингдек, мақсадга мувофиқлик ва гўзаллик (эстетика) талаблари ётади. Одоб кишининг жамоат орасида ўзини қандай тутиши, одамлар билан қай йўсинда муомала қилиши, ўз турмуши, бўш вақтини қандай ташкил этиши, инсон ташқи қиёфаси қандай бўлиши

лозимлигига тегишли қоидалар (масалан, шарм-ҳаё, камтарлик, хушмуомалалик кабилар)ни ўз ичига олади. Одоб таълим-тарбия, амалий тажриба жараёнида шаклланади. (ЎзМЭ. Т.: 2003, 6-том, 461-бет).

Одоб – аҳлоқ - шахсдан ўзига ва дунёга муносабатларига олиб борувчи хатти – ҳаракатларнинг белгиланган, аниқланган усули бўлиб, сабабият, тасаввурлар ва қарашларни ўз ичига олади, яъни, шахснинг шаклланадиган манбаи ҳисобланади *(Зуҳра Исмоилова).*

Одобли - фазилати–ўз тани сиҳатлиги ва билим олиш тўғрисида қайғуриш, тўғрисўзлик, хушмуомалалик, озодалик, дид-фаросатлилик, жамоат тартибига риоя қилиш, миллий фазилат ҳисобланган катталарга ҳурмат, кичикларга иззатда бўлиш, ота-онани севиш ва ардоқлаш, аждодларни хотирлаш, меҳмондўстлик ва шунга ўхшаш ижобий ижтимоий сифатларни ўз ичига олади. *(Зиёмуҳаммадов Б. Комилликка элтувчи китоб. Т.: «Турон иқбол» 2006, 116-б).*

Оила – кишилар ҳаётининг энг муҳим қисми, жамиятнинг кичик ҳужайраси, ижтимоий-маданий организм.

Оила кишиларнинг ҳаётий табиий-биологик (жинсий муносабатлар, уй-рўзғорни бошқариш), ҳуқуқий (масалан, никоҳни фуқаролик ҳолатини қайд этиш), маънавий (эр-хотин, ота-она ва болалар ўртасидаги севги, меҳр-муҳаббат туйғусини ва шу кабилар) муносабатларга асосланган бирлик.

Ойна – 1. Дастурий қўлланмани ёки ҳужжатни кўрсатадиган дисплей экранининг тўртбурчакли қисми, дастур ёки фойдаланувчи айрим экран билан ишлагандек ишлайдиган экран қисми.

2. Маълумотларга ишлов беришда ва уларни узатишда бўлаклаш воситаси.

Олам – бутун моддий дунё, ҳаракатдаги моддиятнинг мавжуд турли – туман кўринишлари.

Олдиндан кўра билиш функцияси (ОКБФ) – педагогик тадқиқотларнинг таълим – тарбия жараёнларини олдиндан кўра билиш йўналишидаги тадқиқотлар, изланишлар жараёнларининг қандайлигини кўрсатиш билан бирга, жараён юз бераётган даврдан кейинги замонда қандай ўзгаришлар қандай боғланган қонуниятли педагогик ва бошқа жараёнлар юз беришини олдиндан кўра билишга асос бўла олади. Шунинг билан бирга ОКБФ содир бўлиши мумкин бўлган жараёнларни биз истаган йўналишда ривожлантириш имкониятларини ва уларга тегишли, етарли даражадаги объектив, ҳар томонлама аниқ баҳо бериш имкониятларини яратади. Натижада юқорида кўрилаётган тадқиқотлар ўтмиш, ҳозирги замон ва келажак ўртасида мустаҳкам кўприк ясаш, таълим ва тарбия ҳақида кишилик жамияти тўплаган битмас – туганмас тажрибаларни тўла – тўкис келгуси авлодлар фаолиятига тадбиқ этиш учун тайёр кўрсатмалар, хулосалар ишлаб чиқиш имконияти яратади *(Джураев Р.Х., Турғунов С.Т).*

Олий Мажлис – Ўзбекистон Республикасининг олий қонун чиқарувчи органи. Олий Мажлис 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси асосида жорий этилган ва унга биринчи сайлов 1994 йил 25 декабрда бўлиб ўтган.

Олий мактаб педагогикаси – олий ўқув юрти шарт-шароитларида талабаларга таълим-тарбия беришнинг назарий асослари ва методикасини ишлаб чиқади *(Джураев Р.Х., Турғунов С.Т).*

Олий маълумот даражаси – шахс томонидан олий таълимнинг муайян таълим дастурини мазкур маълумот ҳақида тегишли давлат ҳужжати берилган ҳолда ўзлаштириши даражаси.

Олий таълим – турли олий мактабларга хўжалик, фан, техника ва маданият тармоқлари учун юқори олий малакали мутахассислар тайёрлаш олий таълим жараёнида олий маълумот олинади. «Олий маълумот» тушунчаси эса муайян иқтисосликдан назарий ва амалий вазифаларни ҳал этиш имкониятини берадиган билим ва малакалар мажмуини ифодалайди. Олий таълим ҳақидаги ҳозирги тушунчалар биринчи марта Ғарб мамлакатларида XV – XII асрларда дунёвий олий мактаблар, кейинроқ университетлар пайдо бўлиши билан вужудга келди. Ўрта аср олий таълимида схоластика ҳукмронлик қилиб, динни фан билан келтиришга ҳаракат қилинарди.

Олий таълим – малакали мутахассислар тайёрлашни таъминлайдиган таълим. Бу таълим 18, 19 ёшдан бошланиб, 4 йилдан кам бўлмаган муддатда давом этади. Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш олий ўқув юртларида (университетлар, академиялар, институтлар ва олий мактабнинг бошқа таълим муассасаларида) ўрта махсус, касб-ҳунар таълими асосида амалга оширилади.

Олий таълим икки босқичга: давлат томонидан тасдиқланган намунадаги олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатлар билан далилловчи бакалавриат ва магистратурага эга.

Олий таълимнинг ДТС – таълимнинг бакалавриат муайян йўналиши ёки магистратура мутахассислигига қўйиладиган малака талаблари, таълим мазмуни, бакалавр ёки магистр тайёргарлигининг зарурий ва етарли даражасини, кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолаш даражаларини белгилайдиган эталон даража.

Олий ўқув юртидан кейинги таълим – жамиятнинг юқори малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларга бўлган эҳтиёжларини таъминлашга қаратилгандир. Олий ўқув юртидан кейинги таълим олий

ўқув юртлари ва илмий тадқиқот муассасаларида (аспирантура, адъюктура, докторантура, мустақил тадқиқотчилик) олиниши мумкин.

Омил – муайян бир гуруҳга кирувчи иккита илк маҳсул сабабдан ташкил топган аҳамиятли сабабдир. Илк маҳсул сабаб деганда қанчалик кичик бўлмасин, албатта алоҳида бўлган, бироқ бундан кейинги ўз маъносини йўқотмасдан туриб ташкил этувчи сабаб тушунилади.

Оммавий ахборот воситалари жамоатчилик фикрини шакллантириш, миллий мафкурани халқимиз, аввало, ёш авлод онгига сингдиришда алоҳида ўрин тутади.

Улар маънавий–маърифий ислоҳотлар жараёни, бу борадаги муаммоларни, жамият ҳаётининг турли қирраларини тезкорлик билан акс эттирадиган энг самарали воситадир.

«Тўртинчи ҳокимият» ҳисобланган оммавий ахборот воситалари турли хил фикрлар, ранг–баранг қараш ва ёндашувларга кенг йўл очиб бериши, ҳаётимизда юз бераётган янгиланиш ва ўзгаришларга одамларнинг онгли муносабатини уйғотиши, ўзига хослик ва ҳаққоният тамойилларига таяниб фаолият юритиши лозим.

Онг – кишининг фикрлаш қобилияти ёки инсоннинг ижтимоий ҳаётни тушуниш, сезиш ва унга бўлган шахсий муносабати.

Онг – тафаккур маркази, унда фикр ва маълумотлар жамланади. Онгда қалбдаги эътиқод асосида дунёқараш шаклланади. Дунёқараши мустаҳкам одамни эса енгиб бўлмайди.

Онг – психик фаолиятнинг олий шакли. Онг биологик ва итжтимоий тараққиёт маҳсулидир. Онг инсоннинг фикр ва ҳислари, сезгилари, тасаввурлари иродаси ва қарашларидан ташкил топади. Ўз-ўзини англаш, хотира, ирода нутқ онгнинг асосий жиҳатларидир. Ҳозирги замонда мураккаб ижодий жараёнларни амалга оширувчи электрон машиналар яратилган, лекин улар онгнинг ўрнини боса

олмайди, чунки, онг ўта мураккаб объектив мавжудликдир (*ЎзМЭ. Т.: 2003, 6-том, 541-542бет*).

Онг – объектив воқеликни акс эттиришнинг юксак, фақат инсонга хос бўлган формаси; юксак даражада ташкил топган материя – инсон миясининг воқеликни сезиш, идрок, хотира, хаёл, тафаккур каби формаларида акс эттириш қобилиятига эга бўлган хусусияти. Онг психологик жиҳатдан учта асосий компонентдан ақл, ҳиссиёт, иродадан иборатдир. Ақл шахснинг билиш жараёнини, ҳиссиёт, воқелик ва ўз-ўзига бўлган муносабатни, ирода эса фаоллик даражасини белгилайди.

Онлайн – сизнинг компьютерингиз хос —тизим билан уланган маром ҳамда компьютерингиз FTP-server, WWW-server, BBS ва бошқа умумий фойдаланиш мумкин бўлган тизим билан уланган бевосита хизматни тақдим қилиш.

ОНЛАЙН лойиҳали технологиялар (ОЛТ) – таълим олувчининг билим олишида уни изланишга, таҳлил этишга ундовчи технология бўлиб, ижодий ва амалий малакаларнинг ривожланишига ундовчи омиллардандир.

ОЛТ – матнли ўқув дастур лойиҳалари қуйидаги босқичларда амалга оширилади: таълим олувчига ҳал этиш учун бирор муаммони ёки саволни қўядики, ўқувчидаги қизиқишни орттиради; муаммонинг ечимини топиш учун таълим олувчи бирор гипотезани мустақил ишлаб чиқади ёки ечимини топиш учун мантиқий фикр юритади; таълим олувчи муаммони ечиш давомида турли манбалардан (адабиёт, қўлланма, жадвал, график тасвир, карта, интернет ва шу кабилардан) ахборотларни тўплайди; тўпланган ахборотларни ўрганади, қайта ишлайди, кўйилган муаммони ечиш бўйича хулосалар чиқаришда, яъни, муаммо устида мушоҳада юритишда ечим топади; таълим олувчилар

маълум хулосага келгач ечимини текширади ва янги гипотезаларни кўз олдига келтириб, уларни шакллантиради.

Оператор: 1. Ахборотни киритиш, сақлаш, унга ишлов бериш, узатиш ва чиқариш билан боғлиқ амалларни бажарувчи белги, инсон ёки ташкилот.

2. Тизим ёки тармоқ ишини бошқариш билан боғлиқ ишловларни бажарувчи инсон.

Оптимал бошқариш – энг кам вақт ва меҳнат ёки энг кам миқдордаги нарса ва энергия сақлаган ҳолда тизимни бир ҳолатдан бошқа янги ҳолатга ўтказиш жараёни *(Абдуқодиров А.А ва б.)*.

Оптимал (энг қулай) бошқариш деганда кичик (кам) имкониятлардан фойдаланиб юқори натижага эришиш жараёни тушунилади.

Оптималлаштириш – энг яхши ва энг қулай ечимни излаш жараёнидан иборатдир. Бу режалаштирилган тадқиқот натижаларини тасдиқлаш учун ёки қандайдир яратилган таълим технологиясининг ҳаётийлигини тадқиқ этиш учун ўтказилади.

Ор – номуносиб ёки эп кўрилмаган ишдан, нарсадан хижолат тортиш, уялиш, уят ва номус қилиш туйғусидир. Бундан ташқари ўз ўрнида хазар қилиш ёки бўлмаса обрў-эътибор, фахрланиш маъноларини билдириши мумкин.

Оралиқ назорат (ОН) – (оралиқ баҳолаш) предметли соҳаларини ўзлаштириш даражасини янги рейтинг тизими асосида баҳолаш (тест, имтиҳон, савол-жавоб, ёзма ишлар ва бошқалар).

Оралиқ назорат – бунда дастурнинг муайян қисмини ўрганишни назорат қилиш ва баҳолашни ўзига мақсад қилиб қўяди. Шунинг билан бирга дастурнинг муайян қисмини босқичма-босқич назорат қилишни амалга оширади. Курс ишлари, малакавий битирув ишларининг

тайёргарлик даражасини текширишга ёрдам беради. Одатда, ОН ва унинг даврийлигини ДТС, ўқув режаси ва дастурини эътиборга олган ҳолда кафедра йиғилишида, услубий уюшманинг таклифини инобатга олиб белгилаб чиқади. Буларни олий ўқув юрти ўқув жараёни жадвали ва назорат тадбирлари жадвалига киритилади. Бунда назоратнинг холислиги ва ҳаққонийлигини таъминлашнинг турли мезонларини танлаш ўқитувчидан ўқитишнинг фаол усуллари ва уни талабаларда қўллашдаги аҳамиятини баҳолай билишни талаб этади.

Орият – ор-номусдан ташқари иззат-нафс, қадр туйғусидир. Одатда ориятли одамлар ўзлари ва оилаларининг иззат-нафсларини, қадрларини юксак тутадилар, шунингдек, ўзгаларни ҳам қадрлай биладилар (*Ибрагимова Г., Тўрақулов Х.А., Алибекова Р.*).

Отинойи мактаблари - қиз болаларга ислом қоидаларини ўргатадиган ва бошланғич таълим берадиган мактаблар. Қизларга бошланғич диний таълим берадиган отинбиби мактаблари онитларнинг уйларида ташкил этиларди. Бундай мактаблар муайян бир ўқув режаси ва дастурига эга эмас эди. Ўқувчилар синфларга бўлиб эмас, балки болаларга ўқитиладиган китобларни ўзлаштириш даражасига қараб гуруҳларга бўлиб ўқитиларди. Домла ёки отинойи дарсни ўтилган вазифани ўқитиб кўриш ва янги топшириқ беришдан бошлар эди. Ҳеч бир домла ёки отинойида ўзига хос ишлар, умумий ўқув дарслиги ё бўлмаса ўқув услуби бўлмас эди. Отинойи мактабида ўқитишнинг сифати отинойининг билим даражасига боғлиқ бўлган. Бу мактабларда ҳарфларни ҳижжалаб ўқитиш усулида савод чиқарилган *(Ўзбек педагогикаси анталогияси. Тузувчилар. С.Очил, К.Ҳошимов. Т.: «Ўқитувчи», 1999, 228-бет).*

Оуэн (1771-1858). Тўлиқ исми – Роберт Оуэн. У ҳунарманд оиласида туғилган ва ёшлигиданоқ ўз меҳнати билан яшай бошлаган.

Ғоят қобилиятли бўлганидан 20 ёшидаёқ катта корхонанинг раҳбари бўлган.

Таълимоти: «Жамиятга янгича қараш ёки инсонда характер таркиб топтириш тўғрисидаги тажриба» асарини нашр эттирди (1813). Бир қанча таълим-тарбия мауссасаларини очди: кичик (1-6 ёш) болалар мактаби, бошланғич мактаб (6-10 ёш), ўсмирлар учун кичик мактаб. 1816 йилда ушбу муассасаларни бирлаштириб «Характерни тарбиялайдиган янги институт» очди.

Очиқ тизим. Таркибидаги элементлар сонини камайтириш ёки кўпайтириш мумкин бўлган тизимга очиқ тизим дейилади. Очиқ тизим ёрдамида динамик тизимлар ҳосил қилинади. Очиқ тизимлар таълим-тарбия жараёнининг ахборот маконини яратилишига имкон яратади.

Очиқ тизимнинг асосий мақсади маълумотлар омборини бойитиш. ВАЗИФАЛАРИ: Очиқ тизим таълим-тарбия жараёнини бошқаришдаги ахборотлар таъминотини яратиш ва жараёнларни оптимал бошқаришдаги маълумотлар таъминотини кафолатлаш.

Очиқ тизим таълим ва тарбияга тегишли муаммоларни ҳал қилишда «тизимий таҳлил», «тизимий ёндашув» тадқиқот усулларини жорий этишга кенг имкониятлар яратади ва амалда улардан фойдаланишга шароит яратади.

Очиқ тизим таълим-тарбия жараёнларини бошқаришнинг оптимал вариантларини топишда ахборотли таъминот яратиш соҳасида қўлланилади ва ушбу соҳада қарорлар қабул қилишда эксперт маълумотларни тайёрлаб беради.

Таълим-тарбия жараёни давлат, жамият ижтимоий-иқтисодий даражасига мос мунтазам ривожланишда бўлади ва улар мониторингини кузатишда очиқ тизимлар доимо керак бўлаверади.

П

Парадигма – (юнон. Paradigma – намуна-ўрнак) –илмий муаммоларни ҳал этиш намунаси сифатида қабул қилинган назария.

М: Туғилганлик назариясига тегишли муаммоларни аксарият ҳолларда дифференциал тенгламалар назарияси ютуқлари орқали ҳал қилинади ёки талаба – ёшларни мустақиллик руҳида тарбиялаш миллий ғоялар асосида ҳал этилади ва ҳакозо.

Позитивист Р.Беркман илмий методологиядаги меъёрни тавсифлаш учун биринчи бўлиб парадигма тушунчасини қўллади. Лекин америкалик олим фан тарихчиси Г.Кун ўзининг «Илмий революциялар структураси» асарини эълон қилгандан сўнг парадигма тушунчаси янгича мазмун ва аҳамият касб этди. Г.Кун илмий революция назариясини ишлаб чиқиш жараёнида қатор тушунчаларни таклиф этди ва бунда парадигма деганда, маълум давр ичида илмий жамоатчилик илмий муаммони қўйиш ва ҳал этиш намунаси бўлиб хизмат қиладиган ва кўпчилик томонидан эътироф этилган илмий назарияни тушунди.

Куннинг фикрича парадигмаларнинг алмашинуви илмий революцияга олиб келади. Кун фикрича парадигма илмий жамоатчилик бирлигини таъминлайди. Илмий жамоат маълум парадигмани эътироф этган олимлардан ташкил топади. Парадигма у ёки бу фан соҳасининг асосий муаммосини ташкил этиб, дарсликлар ва олимларнинг мумтоз (классик) асарларида ўз ифодасини топади. Кун бунга мисол қилиб Аристотель диалектикаси, Птоламей астрономияси, Ньютон механикасини, А.Навоийнинг комил инсон ҳақидаги таълимоти, Абу Наср Фаробийнинг фозил одамлар шаҳри ҳақидаги таълимоти, Абу Райҳон Берунийнинг гелиоцентрик назарияси, Муҳаммад Мусо Ал-Хоразмийнинг сонлар назариясига қўшган ҳиссаси бўйича, айниқса

«алгоритм» нинг фанга киритилиши бўйича таълимотлари ва ҳакозо – Т.Х.А.) кўрсатди.

Илмий намунани универсал қонунларни конкрет ҳодисаларга тадбиқ этиш асосида фан ривожланади. Масалан, кибернетика, синергетика, информатика, глобалистика фанлари. *(Фалсафа: Қомусий луғат – Т..: «Шарқ», 2004й. -321 бет).*

Парадигма – илмий фаолиятнинг муайян бир босқичида аниқ илмий тадқиқотни олиб боришда фойдаланиш учун назарий методологик асосдан иборатдир.

Парадигма – антик ва ўрта аср фалсафасига оид тушунча бўлиб, абадий ғоялар доирасида намуна сифатида тавсифланган ва айни шу намуна асосида борлиқ **Тангри** томонидан яратилган, деган фикрга таянади.

Парадигма замонавий фалсафада илм-фаннинг назарий методологик ва қадриятлар тизими илмий маммоларини ечишда намуна сифатида қабул қилинган ва илмий жамоа томонидан маъқулланган тушунча, тамойил.

Парадигманинг эпистимологик жиҳати фундаментал билимлар, қадриятлр, ишончлар ва техникавий усуллар мажмуаси, илмий фаолиятнинг намунаси сифатида қабул қилинади.

Ижтимоий **парадигмада** муайян илмий жамоа томонидан қабул қилинган бўлиб, унинг яхлитлиги ва чегаралари аниқ. Парадигмаларнинг алмашиши илмий инқирозлар асосида рўй беради. Бу жараёнда воқеий оламда содир бўлаётган ҳодисалар моҳиятини теран англаб олиш, фалсафий тааккурнинг ривож топиши, илмий жамоаларнинг фаоллиги муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари янги парадигмаларнинг пайдо бўлиши тадқиқотчи дунёқарашининг

шаклланиши ва эволюциясига эътиборли таъсир этади (*Абдуллаева М.Н., Абдурашидов М., Абилов У. ва б.*).

Парламент – сўзнинг асл маъноси «мунозара жойи», яъни, французча «парла» - гап-сўз, баҳс, «мент» - жой, ўрин демакдир. Демократик давлатда олий вакиллик ва қонунчилик органининг номи. Парламент биринчи марта XIII асрда Англияда ташкил қилинган. Олий вакиллик органлари бир неча мамлакатларда, жумладан, Англия, Франция, Италия, Канада, Бельгияда тўғридан – тўғри парламент деб аталади. АҚШ ва Лотин Америкаси мамлакатларида конгресс, Россияда федерал Мажлис, Литва, Латвия, Польшада Сейм деб аталади. Ўзбекистонда Олий Мажлисдир. Парламентни ташкил қилиш тартиби, ваколат муддати, ваколат доираси турли мамлакатларда турлича бўлиб, Конституция ҳамда қонунларда белгилаб қўйилади.

Парол – 1. Сир тутиладиган белгилар кетма-кетлиги. Парол унинг эгаси ҳақиқийми ёки йўқми, шуни аниқлаш жараёнида текширув-ахборот сифатида ишлатилади.

2. Эркин фойдаланишни айнанлаш воситаси. У компьютер билан мулоқот бошлашдан олдин унга терминал клавиатураси орқали ёки кодли карта ёрдамида киритиладиган код шаклидаги махфий сўздан иборат.

Пассивлик – билиш ва тадқиқ қилишни хоҳламаслик.

Патент – лотинча patenuis – ўрта асрда Ғарбий Европа мамлакатларида маълум мансаб ва унвонни олиш ҳуқуқини берадиган гувоҳнома, ёрлиқ. Патент ихтирочининг ўз ихтисосига олган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат. Патент қайси давлат томонидан берилса, ўша давлат ҳудудида юридик кучга эга бўлади. Патент 15-20 йил муддатга ҳам берилади, айрим мамлакатларда бу муддат узайтирилиши мумкин.

Патент сўзи лотинча patentis сўзидан келиб чиққан бўлиб, очиқ, аниқ деган маънони билдиради.

Патент – давлат номидан саноат мулки объектига бериладиган ва муайян ҳудудда муайян вақт оралиғида амал қиладиган муҳофаза ҳужжатидир.

Педагогика – «Педагогика (юнонча, pais- бола, agagos – раҳбар) – тарбия ҳақидаги таълимот, тарбиялаш санъати, тарбия ҳақидаги фан.

Педагогика таълим-тарбиянинг мақсад ва вазифалари, уларнинг мазмуни, усуллари ҳамда ташкил этиш шакллари ҳақида маълумот берувчи фан. Ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида кишилар орттирган тажриба ҳамда табиат ва ижтимоий ҳаёт ҳақидаги билимларнинг бойиб бориши билан меҳнатда орттирилган тажрибаларни ёш авлодга ўргатиш жараёни мураккаблаша борди.

Педагогика тарбиянинг умумий қонуниятлари, жамиятда ёш авлодни миллий истиқлол руҳида тарбиялаш ҳамда ўқитишнинг моҳияти ва қонуниятларини ўрганадиган фан.

Педагогика тарбиянинг моҳиятини ва шахсни ҳар томонлама тараққий эттиришда тарбиянинг ролини очиб беради, тарбиянинг мақсади, мазмуни, методлари уни ташкил этишдаги формалар ўртасидаги боғланишларни кўрсатади. Шунингдек, педагогика ўз тараққиёти давомида таълим ва тарбия соҳасидаги тажрибаларни умумлаштиради, тажрибанинг келгусида ривожланиш истиқболлари йўлларини ёритиб беради, тарбиявий ишнинг формаларини кўрсатади. Айниқса, педагогика тарбия мақсадини жамият талабларига ва боланинг ёш хусусиятларига қараб мазмунан ўзгариб боришини ўргатади, тарбиянинг таркибий қисмлари ва улар ўртасидаги мустаҳкам алоқа ва боғланишларни очиб беради.

Педагогика – фалсафа, психология, одам анатомияси ва физиологияси каби фанлар билан узвий алоқадорликда фаолият юритади.

Педагогика фани – тарбиявий ва ўқув ишларни мазмуни, тамойиллар, уларнинг ташкил шакллари, усуллари ҳамда йўналишларини белгилаб беради. Педагогика фанининг **асосий функцияси** шахсни тарбиялаш, ўқитиш ва маънавий етук қилиб шакллантиришдан иборат. Педагогика фанининг **асосий фаолияти** оила ва жамиятнинг баркамол шахсни шакллантиришга йўналтирилган биргаликдаги ҳаракатлар (жараёнлар) мажмуи.

Педагогика методологияси (ПМ) – педагогик назария асослари, тузилиши ҳақидаги билимлар тизими, билимларни эгаллаш борасидаги ёндашувлар ва усуллар дастурларни асослаш тадқиқот фаолиятларининг мантиғи ва методлари, сифатини баҳолашдан иборат.

Педагогик тадқиқотлар амалиётга нисбатан доимо олдинда юрмоғи лозим ва улар педагогик тадқиқотлар таълимий жараёнининг истиқболини белгилашга қодир бўлиши лозим.

Педагогика муносабати – педагогнинг таълим олувчилар билан тарбия мақсадида алоқа ўрнатиш жараёнидан иборат бўлиб, унда ўқув – тарбия жараёнини уйғунлашган ҳолда олиб бориш асосий тамойил ҳисобланади. Педагогик муносабат учун гапириш маданиятига (таълаффуз тарзи, нутқ оҳанги, орфоэпия) тўғри нафас олишга, овозни қўя билишга ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Оғзаки нутқ маҳоратини мукаммаллаштириш лозимлиги сабабли, ўқитувчининг касбида кўп гапириш кераклигидагина эмас, балки маъноли сўз педагогик таъсир услубларини қўллашга ёрдам беради. Педагог ўз овозини, юзини бошқаришга, пауза тутишга, гавдани, имо – ишорани, мимикани тутишга ўрганиши керак *(Зуҳра Исмоилова).*

Педагогика тарихи – педагогик таълимотнинг тарихи ва тарбиянинг ривожланиши масалаларини ижтимоий ҳодиса сифатида тадбиқ этувчи педагогик билимлар тармоғидир. У илғор педагогик ғояларнинг салбий педагогик ғояларига қарши кураш тарихини намоён этади, ҳукмрон табақаларнинг демакратияга қарши сиёсатини очиб ташлайди, қонуниятларининг айрим олинган тарихий даврдаги ривожланиш тамойилларини таҳлил қилади, муҳим умумий хулосалар чиқаради ва бугунги кун учун долзарб муаммоларни ўртага ташлайди. Педагогика фанининг тарихан шаклланиши, педагогика фанлари тизимини юзага келтирди, шу сабабли узлуксиз таълим, педагогика фанлари таркибига кирган педагогикалар ўртасидаги ҳамкорликни тақазо этди. Педагогикада тарбияланувчиларни ёшига кўра мактабгача ёшдаги, мактаб ёшидаги ва катта ёшдагилар деб гуруҳларга ажратиш қабул қилинган *(Джураев Р.Х., Турғунов С.Т).*

Педагогика тарихи фани - ибтидоий жамият давридан бошлаб то ҳозирги кунга қадар тарбиянинг келиб чиқишини, ижтимоий тараққиётнинг ўзгариши натижасида таълим ва тарбия жараёнининг ўзгарган моҳиятини, турли даврларда маориф, таълим-тарбия, мактаб тараққиётига қўшилган ҳиссаларни, ушбу соҳаларда яратилган янгиликларни, бобокалонларимизнинг мактаб, таълим-тарбия соҳасида яратган кашфиётларининг ҳаётимизга қўшган ҳиссаси, яратган асарлари, ҳаёт ва фаолиятларини ўрганувчи фан.

Педагогика тарихи фани орқали биз дастлабки тарбиянинг пайдо бўлиши, дастлабки таълим, тарбия, мактаб тизимининг, дастлабки мактаб, олий ўқув юртлари, университетларнинг, улардаги таълим жараёнининг пайдо бўлиш босқичлари, дастлабки тузилган ўқув дастурлари, ўқув режалари, ўқитувчи мутахассислар тайёрлаш йўллари, халқ орзу-истакларини амалга оширувчи комил инсон тўғрисидаги халқ

оғзаки ижоди намуналари, турли ёзма ёдгорликлар, мутафаккирларнинг таълим-тарбияга оид етук асарлари намуналари ҳамда Президентимиз И.А.Каримов асарларидаги таълим-тарбия тизими ва баркамол авлод тўғрисидаги ғоялар билан танишамиз (*Шеранова М., Фарсахонова Д.*) .

Педагогика тарихи фани бўлимлари:

- Ўрта Осиё ва Шарқ халқлари педагогика тарихи. Ушбу бўлимда қадимдан бошлаб то ҳозирги кунга қадар яшаб ижод этган мутафаккирлар, қомусий ва ҳадисчи олимлар, маърифатпарвар педагог олимлар Абу Наср Фаробий, Абу Ал ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат каби Ўрта Осиё ва Шарқ халқлари олимларининг ҳаёти, ижодий фаолияти, мактаб, маориф, таълим-тарбия жараёнига қўшган ҳиссаси билан танишиб ўтамиз.

- Чет эл педагогика тарихи бўлимида чет эл педагогларидан Ян Амос Коменский, Жон Локк, Жан Жак Руссо, Иоганн Генрих Песталоцци, Константин Дмитрий Ушинский, Александр Семенович Макаренко, лев Николаевич Толстой ва бошқаларнинг фаолияти ва педагогика соҳасидаги қарашлари билан танишамиз (*Шеранова М., Фарсахонова Д.*).

Педагогика тарихи фанининг вазифаси:

- кишилик тараққиётидаги таълим-тарбиянинг ижтимоий, маънавий, маърифий ривожланиши ҳақида маълумот бериш;

- ўтмишдаги таълим ва тарбия масалаларини, технологиясини ҳамда мактаб тизимидаги юксак ғоя ва тажрибаларни ижодий ривожлантиришни ўрганиш;

- бўлажак ўқитувчиларни ўқув-тарбия йўли жараёнида буюк мутафаккир олимларнинг асарларидаги педагогик ғояларни ўрганиш *(Ҳасанбоева О., Ҳасанбоев Ж., Ҳамидов Ҳ.).*

Педагогика тарихи фанининг мақсади – инсон мавжуд экан, унинг маънавий тараққиётини таъминловчи таълим, тарбия, маълумот каби тушунчалар ҳар бир ижтимоий тузимда мавжуд бўлиб, тафаккур тарихининг қайта туғилиши ва ривожланиши билан боғлиқ ҳолда педагогика фанидаги ютуқларни ўзлаштириш имконини беради *(Ҳасанбоева О., Ҳасанбоев Ж., Ҳамидов Ҳ.).*

Педагогика тарихи фанининг методологик асоси – ёш авлодни тарбиялаш анъаналарини, жамиятнинг тараққиёт босқичларидаги ўқитиш, камол топтириш тизимларини, уларнинг қонун-қоидаларини, қомусий мутафаккирлар, маърифатпарвар адиблар ва педагогларнинг таълим-тарбия, маърифатга доир ғояларини ва бу уларнинг ривожланишини мукаммал ўрганишдир (*Шеранова М., Фарсахонова Д*).

Педагогика тарихи фанининг миллий асоси аввало, таълим-тарбия жараёнида ўзлигимизни англаган ҳолда миллий-маънавий дурдоналаримиздан фойдаланиш, аждодларимизнинг бой тарихий меросини ўрганиш.

Педагогика тарихи фанининг ўзига хос илдизлари:

- Таълим-тарбия ва маънавиятга доир ғояларнинг фалсафий илдизлари – педагогика тарихи фани турли жамиятлардаги мафкуравий қарашларга кўра ўзгариб, ривожланиб, илғор педагогик фикр ва ғоялар миқдордан сифат ўзгаришларга эга бўлган.

- Диний-маънавий илдизлар – инсон камолотидаги маънавият ҳақида Қуръони Карим ва шариат ҳукмларида, ҳадиси шарифларда илмий-назарий билимларнинг тартиб-қоидалари берилган. Бу

педагогика тарихадаги таълим-тарбия ва маърифий ишларга янада сайқал беради *(Ҳасанбоева О., Ҳасанбоев Ж., Ҳамидов Ҳ.)*.

Педагогика тарихи фани ўрганувчи манбалар асосан қуйидагилардан иборат:

- археологик қазилмалар натижасида топилган ашёлар;
- халқ оғзаки ижоди намуналари;
- қадимги ёзма ёдгорликлар;
- буюк адиб ва алломаларимизнинг ижодий мероси;
- ҳукуматимизнинг таълим-тарбияга оид қонун ва қарорлари;
- Президентимиз И.А.Каримов асарларидаги таълим-тарбия ва баркамол авлод тўғрисидаги ғоялар;
- ўқув дастурлар, илмий ва педагогик адабиётлар;
- таълим-тарбияга оид кундалик матбуот материаллари.

Педагогика техникаси – алоҳида тарбияланувчи ёки болалар жамоасига педагогик таъсир этиш услубларини самарали қўллаш учун керакли билим, маҳорат, малакалар мажмуи. Педагогика техникасига эга бўлиш – педагогика ва психологиядан чуқур билимлар ва махсус амалий тайёргарликни талаб қилади *(Педагогика энциклопедияси. – 4 жилд. М., 1968. – 258 б.)*.

Педагогика фанининг вазифалари (ПФВ) – иннавацион жараёнларнинг, назария ва амалиётнинг мақбул алоқалари, тадқиқ ва амалий фаолиятларнинг бир-бирига боғлиқлиги каби муаммоларнинг назарий ва методологик асосларини ишлаб чиқишдан иборат. Педагогика фанидан педагогик фаолиятга таъсир ўтказиш, уни қайта ташкил этиш ва такомиллаштириш талаб этилади (*Жўраев Р.*).

Педагогикада тарбия назарияси ва амалиёти тармоғи – шахснинг аҳлоқий сифатларини таркиб топтириш, унда эътиқод, дунёқараш, аҳлоқ сингари маънавий жиҳатларини шакллантириш

масалалари ечими билан шуғулланадиган педагогика фанининг муайян йўналишидир.

Педагогиканинг мактабшунослик соҳаси – таълим-тарбияни ташкил қилиш, уюштириш ва уни бошқаришга оид бўлган ташкилий-педагогик қонуниятларни ўрганувчи ва уларга мос қонуниятларни тадқиқ этувчи педагогика фанининг аниқ бир йўналишидан иборатдир.

Педагогиканинг миллий асослари – таълим муассасаларида ҳар бир миллатнинг миллий мероси билан умумбашарий, умуминсоний қадриятларни уйғун (муштарак) ҳолда ўрганишга оид маълумотлар тизими бўлиб, унда асосан ҳар бир миллатнинг ўзига хос мерос ва қадриятларини эътиборга олган ҳолда тарбияшунослик масалаларини миллий асосда ёш авлодга етказиш мазмуни, шакли, метод ва тамойилларини миллийлаштиришларга эътибор қаратилади.

Педагогиканинг назарий асослари – инсон камолотига қаратилган назарий маълумотларнинг муайян тизимидан иборат бўлиб, унда халқ яратган бой тажриба, илмий тадқиқотга доир назарий ва методик манбалар, Ўрта Осиё ва жаҳон маърифатпарвар мутафаккир олимларнинг асарларига суянган ҳолда комил инсонни тарбиялаш, ўқитишнинг қоида ва умумий қонуниятлари баён этилади.

Педагогик жараён – ўқитувчи ва мураббий, таълим олувчи ва тарбияланувчи орасидаги таълимий ва тарбиявий муносабатлар тизими.

Педагогик инновация (ПИ) – бўлажак мутахассисларни янгича шароитларда ишлашга тайёрловчи жараён бўлиб, олдинги эгаллаган билимлар асосида ижобий педагогик самараларни берувчи янгича ёндашув технологиясини яратиш ва жорий этишдан иборатдир. Бунда таълимнинг мақсади, мазмун-моҳияти, белгиларини, тамойилларининг инновацион усулларини танлаш, тўплаш, қўллаш усулларини ва улардан фойдаланишга услубий тавсиялар тизимини яратиш

тушунилади. Булар орқали бўлажак мутахассисларда шаклланадиган хислатларни ҳосил қилиш жараёнини ифодаловчи таълим-тарбия жараёнининг сифат жиҳатларини такомиллаштириб, бу соҳада юқори самарадорликка эришишни тушуниш мумкин. Педагогик инновациялар кенг қамровли, кўп қиррали, мураккаб ва ижодий ташкилий-педагогик фаолият бўлиб, унинг ёрдамида таълим-тарбия жараёнининг истиқболли ва самарали услубиятини яратиш мумкин.

ПИнинг мақсади: таълим-тарбия тизимига сезиларли ижобий самаралар берувчи янгилик киритиш: янги концепциялар, ДТС, алтернатив ўқув режа ва дастурлари, ўқитишнинг ахборотли технологияларини жорий этишнинг давлат дастурлари, жаҳон «Интернет» тармоғига чиқиш ва масофавий таълимни жорий этиш бўйича давлат режаси ва дастури, шунингдек, ҳозирги замон талаблари асосидаги янги ўқув муассасалари ва шу каби йўналишларни янада жонлантириш.

ПИ нинг мазмун-моҳияти:

- ўқув материалларидаги баён қилинадиган маълумотларни ахборот кўринишига келтириш ва уларда узвийлик ҳамда изчилликни сақлаб қолиш;
- ўқув материалларини ўзаро боғлиқ бўлган модул блоклари шаклида ифодалашга эришиш;
- ўқув материалларини ўрганишга «комплекс ёндашув» номли тадқиқот усулидан фойдаланишга эришиш ва ундан муаммоли ҳамда дастурий таълим методларида фойдаланиш;
- таълим-тарбия жараёнида ахборот муҳитини яратиш борасида ўрганилаётган соҳанинг ахборотли таъминотини яратишга эришиш;

- дидактик ўйин (шу жумладан, компьютерли ўйин ва тренажерлар) орқали турли воқеа ва ҳодисалардаги жараёнлар кечишини ифодаловчи масалалар (муаммолар)ни ечиш;
- бу йўналишдаги ижодий изланишларни олиб боришда «Таълим-фан-амалиёт» ҳамда назария билан амалиёт уйғунлигига эътибор бериш;
- инновацион усуллар қўлланган ҳолдаги ютуқ ва камчиликларни баҳолаб боришга эришиш ва керакли жойларда тегишли тузатишлар кирита олиниши лозим ва шу кабилар.

Педагогик иннавациянинг муҳим белгилари:

- таълим-тарбия жараёнини олдиндан мавжуд манбаларни ҳисобга олган ҳолда ва фан - техниканинг энг сўнгги мавзуга (фанга) мос ютуқларини эътиборга олиб, таълим жараёнини лойиҳалаштириш ва унинг натижаларини башорат қила олиш;

- таълим-тарбия жараёнига «тизимий ёндашув» тадқиқот усулини қўллашда, қаралаётган тизимнинг элементлари ва қисм тизимлари орасидаги боғланишларни эътиборга олиш ва булар асосида талабанинг ўқиш-билиш фаолиятини тасвирлайдиган таълим-тарбия жараёни режасини тузиш;

- таълим-тарбияда мақсад аниқ бўлиши, унинг диагностикаси (ташхиси) ва прогнози (башорати) ҳамда талабанинг ўзлаштириш сифатини холис баҳолаш мезони бўлиши керак;

- таълим тизими тузилиши, таркиби, мазмуни бир бутун яхлит бўлиб, уларнинг ўзаро боғлиқлиги, бир-бирини босқичма-босқич тўлдирилиб борилиши таъминланган бўлиши керак;

- таълим ва тарбияда олиб бориладиган фаолиятнинг оптимал вариантларини таъминлай олиш лозим;

- таълим-тарбия жараёнининг техник ва ахборотли таъминоти етарли бўлиши керак;

- яратилган ПИни талабаларнинг илмий-услубий салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда ўқитиш;

- таълим-тарбия жараёнида олиб борилаётган фаолиятда ўқитувчи ростлагич (таълим-тарбияни олиб боришда хато кетганда ёки камчиликка йўл қўйганда, уни ростлаб юбориш қобилиятига эга бўлиш) вазифасини бажара олиш;

- таълим сифатига эътибор берган ҳолда шакллантирувчи ва якуний назоратлар олиш;

- режалаштирилган жорий, оралиқ ва якуний назоратларни ўтказиш ва унинг чуқур таҳлилига эришиш орқали, талабалар ўзлаштириш мониторинги кўрсаткичини доимо эълон қилиб бориш;

- режалаштирилган натижага эришишдаги ПИнинг кафолатларига эътибор бериш;

- таълим-тарбия самарадорлигини аниқлаш мезони бўйича якуний назорат ва амалиётга жорий этишга услубий тавсиялар бериш.

ПИ имкониятлари:

- «Фан → таълим → амалиёт» узвийлигини таъминлайди;

- назария билан амалиётдаги уйғунликни ва бу орқали талабалар онгида илмий-назарий тадқиқотлар ёрдамида инсон ҳаётининг турли жабҳаларидаги амалий масалалар ечимини топиш мумкинлиги ҳақидаги тафаккур шаклланади;

- ПИ бўйича ТСИни бажариб бўлгандан кейин, уларни амалиётда жорий этишга тавсия этиш мумкин, айниқса ўз соҳасидаги сифатий ўзгаришларни ва самарадорлик натижаларини тарғиб этиш мумкин;

- ПИ нинг мақсади, мазмун-моҳияти, муҳим белгилари, уларнинг услубий ва ахбротли таъминотлари ҳамда имкониятлари бўйича батафсил маълумот беришга асослар етарли бўлади;

- ПИдан фойдаланишда ўрганилаётган манба (мавзу, фан, тарбия йўналишлари ва ҳоказолар) га қараб уни такомиллаштириш ёки кераксиз қисмларини эътиборга олмаслик мумкин;

- ПИдан фойдаланишда озгина ўзгаришлар киритиш орқали ўхшаш манбаларни ўрганишда фойдаланиш мумкин ва шу кабилар.

ПИнинг вазифалари:

-талабани КТМД талаблари асосидаги замонавий рақоботбардош мутахассис даражасига етказишда замонавий кўмакчи бўлиш;

-ўқитувчи интеллектуал салоҳиятини янада такомиллаштирувчи тест-саволлар тизимларни ишлаб чиқиш;

-ўқитувчи малакасини ошириш, талаба касбий фазилатларини такомиллаштириш йўлларини ишлаб чиқишдаги ижодий ишларини ривожлантиришга эришиш;

-рейтинг, тест усулларидан таълим-тарбия жараёнида кенг фойдаланиш ва унда модулли, моделли услуби ҳамда ахборотли таъминотли таълим-тарбияга ўтиш;

-ИПТларни таҳлил қилиш, саралаш ва жорий этишга эришиш ҳамда педагогик самараларини аниқлаш;

-таълим дастурларининг инвариантларини, модификацияларини яратиш, айниқса электрон дастурлар ва дарсликлар ҳамда ўқув қўлланмалари яратишга эришиш ва уларни амалиётга жорий этиш;

-таълим-тарбия жараёнининг янги ахборотли ва педагогик технологияларини қўллаш ва унда сифат кўрсаткичлари ва самарадорликни баҳолаб бориш;

-ўз мустақил фикрини баён қилишга ширoит яратиш ва уларда танқидий фикрни баён қилиш имкониятларини яратиш;

-«Устоз-шогирд» тизимидаги эркинликларни ривожлантириш ва шу кабилар.

ПИнинг ривожланиш жараёни босқичлари:

-таълим-тарбияни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш зарурлигини тушунишнинг пайдо бўлиши ва ўзида пайдо бўлган ғоялар асосида таълим-тарбиядаги муаммо ечимини ривожлантириш ва лойиҳалаштириш ҳамда тажриба-синов ишлари (ТСИ) моделларини яратишга киришиш;

- шакллана бошлаган ғоялар ва улар асосидаги лойҳалаш-ривожлантириш ишларини қўйилган мақсадлар бўйича аниқ моделлаштириш. Янгича тафаккур ва тажриба режалари қабул қилиниб, қўллаб - қувватланади. Натижада аниқ янгича ғоя пайдо бўлиб, унинг ривожланиши учун муҳит ва синов-тажриба майдончаларидаги ишлар натижалари бўйича ахборот муҳити яратилади ва жорий этиш кўлами аниқланади;

- қўлланиши керак бўлган ПИнинг меъёрий ҳужжатлари тайёрланади ва ДТС, КТМД талабларига ва мутаҳассилик профессиограммасига тегишли тузатишлар киритилади ва кенг жорий этишга тавсиялар берилади ва шу кабилар.

ПИ қуйидаги тамойилларга асосланади:

-таълим-тарбиянинг ягона тизимдан иборат эканлиги, ундаги узлуксиз таълим тизими ва таркибининг яхлитлиги, бирлиги ҳамда бир-бири билан узвий боғланганлиги;

-таълим-тарбия жараёнини олиб боришда оптимал вариантларни топишга эришиши;

-замонавийлик: таълим-тарбия услубиятини замонавий фан-техника ютуқлари билан бойитиб бориш, ундаги сифат ўзгаришларини ва самарадорликни қўлга киритиб бориш борасида мунтазам равишда янги педагогик технологиялар ва янги ахборот технологияларидан фойдаланишга эришиш;

-илмийлик: таълим-тарбия тизимини мунтазам равишда ривожлантириб бориш мақсадида узлуксиз илмий изланишлар ва тадқиқотлар олиб бориш;

- «Ўқитувчи - талаба» тизимидаги фаолиятни оқилона амалга ошириш ва унда талабалар манфаати, қизиқиши, интилувчанлиги асосий эътиборда бўлиши;

- моддий-техник базани замон талаби асосида яратиш, педагогик жараёнда ахборотлаштириш муҳитига эътибор бериш;

- ахборот технологиялари ва техникаларидан фойдаланиш самарадорлигини оширувчи электрон дарслик ва ўқув қўлланмаларни ишлаб чиқиш, шунингдек, масофавий таълим ва «Интернет»дан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;

- талабалар билимини баҳолашдаги холисликни таъминлаш ва уни автоматлаштириш ҳамда билим мониторингини мунтазам равишда назорат қилиб бориш ва керак бўлганда тузатишлар киритиш;

- таълим - тарбиянинг давлат сиёсатига, жамиятга мослиги, баркамол авлод тарбияси асоси эканлиги ва шу кабилар.

ПИ ривожлантириш механизмлари:

-таълим муассасаларида ижодий муҳит яратиш, илмий-педагогик ходимлар тайёрланадиган муассасалар билан ижодий алоқаларни мустаҳкамлаш, бу борадаги тадбиркорлик ва ташаббускорликни қўллаб -қувватлаш;

-таълим инновациялари бўйича олиб борилаётган изланишларга шарт-шароитлар яратиш ва уларни оммавий тадбиқига кўмаклашиш;

- илмий-изланувчанликни рағбатлантириш: кўрик танловлар, танловлар ўтказиш ҳамда уларни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш. Илмий изланишлар натижалари билан муаллифларнинг ўзларини оммавий ахборот воситалари ёрдамида кенг оммага таништириш;

- истиқболли ишланмаларни, самарали таълим услублари, шакллари, йўлларини узлуксиз таълим тизимига киритишга кўмаклашиш, янгиликларни мувофиқлаштириш ва тўплаш ҳамда уларни ҳаракатдаги таълим тизимига киритиб боришни «Халқ таълими», «Таълим ва ҳаёт», «Узлуксиз таълим тизими», «Касб - ҳунар таълими» ва ҳоказо илмий-методик журналларда алоҳида рукн очиб, улардан фойдаланишга услубий тавсиялар бериб бориш;

- ЎзПФИТИ қошида «ПИларга тегишли ишланмаларни тўплаш ва жорий этиш» маркази ташкил этилиб, йилига бир марта ҳар бир дарсликка ўз йўналишлари бўйича иловалар ишлаб чиқиш ва тарқатиш.

Педагогик инновацияларни ҳаётга тадбиқ этишнинг ташкилий асослари:

- ПИ ни йиғиш. Бунда инновациялар бўйича аниқ маълумотлар базаси (МБ)ни ташкил қилиш ва таълим - тарбия соҳасининг меъёрий ҳужжатлари бўйича маълумотлар омбори (МО) яратиш лозим бўлади ҳамда КТМД, ДТС ва ўқув дастурлари мониторинги бўйича МО яратилади;

- ПИни танлаш ва унда қуйидагиларга эътибор берилади: ПИнинг педагогик самарадорлигини мунтазам равишда ўрганиб, таҳлил қилиб борилади; ПИ бўйича тажриба - синов ишларини таҳлил

қилиб бориш, умумлаштириш, оммалаштиришлар бўйича тавсиялар тайёрлаш;

- ПИларни жорий қилишда МОнинг йўналиши ва илмий- методик жиҳати аниқланади; ривожланган чет давлатлардаги таълим соҳасидаги тажрибаларни ўрганади, таққослайди ва тавсиялар тайёрлайди; педагогика соҳасидаги олим - мутахассислар, илмий изланувчилар билан мунтазам равишда ҳамкорликда бўлиш; ПИларини жорий этиш жараёнини мунтазам равишда кузатиб бориш ва шу кабилар;

- **ПИни жорий этиш.** Бунда, асосан ПИнинг ривожланиш механизмларига алоҳида эътибор берилади ("ПИ ривожланиш механизмларига" қаранг).

ПИдан фойдаланишга услубий тавсиялар:

- таълим - тарбия соҳасидаги давлат меъёрий ҳужжатларидаги қонун, қоида, Низомлар ва шу кабиларга эътибор бериш;

- ПИ соҳасидаги маълумотларни тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш ва узатишга тайёрлаш орқали ахборот ҳолатига келтириш;

- ахборотларни мазкур соҳа бўйича тартибга солиш ;

- ахборотларни турли хилларига бўлган эҳтиёжларни режалаштириш ва башорат қилиш бўйича тавсиялар;

- ПИнинг жорий этилиши бўйича ахборот тизимини яратиш ва ундан кенг мутахассислар оммасини таништиришга эришишнинг тезкор усулларидан фойдаланиш ;

- телекоммуникациялар ва ахборотлар базасини яратиш;

- ПИ бўйича компьютер тармоғида сайдлар очиш ва ундан фойдаланиш кўламини кенгайтириш ва ҳ.к.

ПИларни жорий этишда бўлажак ўқитувчиларда шаклланадиган инновацион хислатлар:

- талабанинг ижодкорлиги: Бунга талаба янгиликка қизиқувчанлиги ва уларни тез англай олиш қобилияти, яратувчанлик ва синчковлик билан ижодиёти баркамол шахс учун алоҳида касб этиши ҳамда мунтазам равишда ўз устида ишлаши орқали эришади;

- талабанинг компьютер саводхонлиги ва ахборот маданияти юксаклиги: Бунга талаба "Компьютер саводхонлик-иккинчи саводхонлик" деган тамойилга амал қилиши орқали эришади;

- талабанинг янгиликни жорий этишдаги фаолиятни охиригача етказа олиш хислати: Бунга педагогик тизимни мураккаб, динамик, кўп кўрсаткичларга боғлиқ ва уни ҳаракатчан кўрсаткичлар орқали бошқариш мумкин деган хулосалар шаклланиши билан эришилади;

- талабанинг иннавицион фаолиятда илғор бўлиш хислати: Бунга талаба доимо "байроқдор" бўлишга интилиш, тадқиқот услубиятига мунтазам равишда қизиқиб бориши, муаллифликка ишқивоз бўлиши, тажриба - синов ишларини ўтказишда бошқа тадқиқотчилар ишларига синчковлик билан қараши, мазкур фаолиятда хато ва камчиликлар бўлганда ўзини ўнглай олиши билан эришади;

- талабанинг жавобгарликни сезиш хислати: Бунга у ҳамма нарсага бефарқ қарамаслиги, қилаётган ишини охиригача етказишда иродаси мустаҳкамлиги, ўз ижодий фаолиятини режалаштира олиши билан эришади;

- талаба шахсининг ғайрат-шижоатлилиги хислати. Бунга талабадаги ижодкорлик фаолиятининг жадаллик даражаси, шахснинг ишчанлиги ва эътиқодлилиги, ўзига ишонч ва куч-ғайрати орқали эришади;

- етакчи касбий педагогик маҳоратга эга бўла олишлик маҳорати: Бунга талабада ижодий фаолиятга кирганлик ҳақидаги савия, олдиндан маълум бўлган илмий-услубий ишланмалар ўзи шуғулланаётган

манбага нисбатан мослай олиш ва унда янги функцияларни келтириб чиқара олишлик ҳамда улар орқали оптимал ечимларни топа олишлик орқали эришилади ва ҳоказо.

Педагогик кибернетика билим бериш жараёнини ўқитиш ва бошқаришнинг алоҳида шакли сифатида ўзига хос хусусиятга эга. Шунинг учун педагогик жараён билан ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш орасида катта фарқ бор. Педагогик тадқиқотларда ахборот-коммуникацион технологиялар, кино, овоз техникаси, фото, телевидение, замонавий компьютерлар сингари техника воситаларидан кенг фойдаланилади. Улар таълим олувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштиришга ёрдам беради. Талаба-ёшлар учун қўшимча рағбатлантириш омилларини ҳосил қилади. Кўрсатилган воситаларнинг ҳар бири таълим олувчиларнинг ёшини ҳисобга олган ҳолда ўқув фани ва педагогик жараённи мукаммаллаштиришга қаратилган бўлади.

Педагогик лойиҳалаш (ПЛ) – яратилаётган моделни дастлабки ва якуний кўринишда ишлаб чиқиш ва уни амалий қўллаш даражасига етказишдан иборат. Педагогик фаолиятда лойиҳалаш объектлари сифатида педагогик жараён, педагогик – вазият, педагогик – тизим, бўлиши мумкин.

ПЛ қуйидаги босқичлардан иборат бўлади:

- Объект ҳақидаги илмий асосланган тасаввурга максимал яқинлаштириш учун уни нима қилиш кераклиги ҳақида умумий тасаввурларни излаш. Лойиҳавий модел педагогик фаолиятнинг янгиланган қисми қандай бўлиши лозимлигини, мазкур фаолиятни яхшилашни таъминлаш омиллари ҳақида билимларни ўзида мужассам этади;

- Эскирган самарасиз моделлар ўрнига тақдим этиладиган янгиликларни моделлаштириш учун қўлланиши мумкин бўлган педагогик хулосалар намуналарини излаш;

- Педагогик тизимнинг янгиланган бир бўлагининг иннавацион моделини ясаш;

- Янгиликни амалиётга жорий этиш алгоритмини қуриш.

Педагогик маҳорат (ПМ) - ўқитувчининг устоз-мураббийлик фазилатлари, ўқитувчилик касбининг сирларини чуқур эгалланганлиги, инсонийлик ва истеъдоди ҳамда интелектуаль салоҳияти ва шу кабилари асосида ундаги касбий билим, тушунча, кўникма ва малакаларнинг мукаммал шаклланган касбий фаолияти.

ПМдан кўзланган мақсад дарснинг сифати ва самарадорлигини оширишдан иборат бўлиб, ўқитувчининг касбий-ижодий фаолиятидир. Бунда ўқитувчининг маҳорати таълим олувчилар ичидан кимга нимадир тушинарсиз бўлганлигини тезда (ўз вақтида) илғай олиш қобилятига боғлиқ бўлади.

ПМни ўқитувчида камида қуйидаги қобилиятлар мужассам бўлмоғи лозим:

- ўқитувчи дарс материалини аниқ ва равшан баён қила олиши керак;

- ўқитувчи ўз таълим олувчиларини иложи борича ўрганилаётган мавзу бўйича бир хил фикрга келтира олиши керак;

- ўқитувчи мавзу моҳиятини тўла очиб бера олиши керак ва керак бўлганда уларга бу мавзунинг ўз касбий фаолиятидаги ўрни ва роли ҳақида тушинча бера олиш керак;

-дарс давомида бефарқ ҳолда қатнашаётган талабани тезда дарс мазмунини ўрганишга жалб қила олиш керак;

- ўқитувчининг дарсини яна давом эттиришини хоҳловчи таълим олувчилар сони авдиториядаги жами таълим олувчиларнинг қанча қисмини ташкил этишини баҳолаб бориш ва бу орқали ўз дарс ўтиш техналогиясини такомиллаштириб бориш имкониятига эга бўлиш;

- ўқитувчининг дарс мақсадига эришганлигини баҳолай билиши ва хулосалаш қобилияти ва шу кабилар.

Педагогик маҳорат – ўқитувчининг фанларини ўрганишда эришган тажрибаларни ўз фаолиятида ижодий қўйилган ҳолда ўқув – тарбия ишининг ҳамма қирраларида энг юқори даражада эришилган ютуқларидир *(Зуҳра Исмоилова).*

Педагогик моделлаштириш – педагогик тизим, жараён ёки вазиятларни, уларга эришишнинг асосий йўлларини ишлаб чиқиш ва яратиш моделлари бўлиб, унда билиш объекти эмас, балки унинг тасвирий модели ўрганилади, тадқиқот натижалари эса моделдан объектга кўчирилади. Моделлар ирогностик, назарий, математик ёки лойиҳавий бўлиши мумкин.

Педагогик муаммоли масалаларни ечиш – ўқув жараёнини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб, ундан кўзланган мақсад талабаларнинг ижодий тафаккурини кенгайтириш, таълимий ишларини фаоллаштириш, мустақил ва эркин фикрлашини ривожлантириш, уларни таълимнинг инновацион шакл ва методларидан фойдаланишга ўргатишдан иборатдир.

Педагогик мулоқот маданияти – тинглаш ва эшита олишда, саволлар бера олишда, ўзаро мулоқотда суҳбатдошини тушуна олишда, мулоқотнинг мураккаб қирраларини аввалдан кўра олиш ва талабалардаги таъсир ҳолатини тўғри таҳлил қила билишда, мулоқотга тайёрланиш ва мулоқотга бўлган хоҳишларида кўринади *(Халилова Ш.).*

Педагогик муҳит – таълим–тарбия мақсадларига мувофиқ равишда тузилган шахслараро (ўқитувчи – ўқувчи ҳамда ўқувчилар орасида) муносабатлар мажмуи *(Зиёмуҳаммадов Б.).*

Педагогик прагностика – таълимнинг турли босқичлари амалга ошириладиган педагогик фаолиятнинг мазмуни, методлари, воситалари ташкилий шаклларини ривожланиш истиқболлари ҳақида маълумотлар олишга йўналтирилган махсус ташкил этилган тадқиқотлар мажмуаси.

Педагогик тажриба – ўқитувчи ва мураббийлар томонидан педагогик тамойиллари ва таълим – тарбия беришнинг муаян усул ва услубларини тўлиқ бўлиштириб ҳамда уларни амалга йўллашдаги реал шарт – шароитларни, таълим олувчи ва тарбияланувчиларнинг ўзига хослигини ҳисобга олган холда амалиётга тадбиқ этиш.

Педагогик тадқиқотларнинг амалий функцияси - таълим жараёнидаги ўрнатилган (очилган, кашф қилинган, ишлаб чиқилган) қонун ёки қонуниятларни, объектив дидактик ҳақиқатни амалий фаолиятда фойдаланиш нуқтаи назаридан янада чуқурроқ тушунишга қаратилган жараёнларга инновацион таъсир кўрсатиш назарда тутилади.

Педагогик тадқиқотнинг дискриптив функцияси - «**Дискритив**» сўзи инглизчадан олинган бўлиб, «**ёритиш**», «**тасвирлаш**» деган маъноларни билдиради. Тасвирлаш кўпинча ташхис шаклида бўлиб, таълим – тарбия жараёни учун хизмат қилади. Педагогик ташхиснинг **асосий мақсади** фақат содир бўлган чекланишларнинг шакли, ҳажми ва хусусиятини аниқлаш эмас, балки бу чекланишлар ўқув тарбия тизимининг қайси бўғинлари сусайганлиги сабабли юз берганини аниқлашдан иборат *(Джураев Р.Х., Турғунов С.Т).*

Педагогик тадқиқотнинг тушунтириш функцияси – турли экспериментлар ўтказиш билан боғлиқ бўлган вазифа бўлиб, бунда асосан анъанавий таълим жараёнлари негизида ўқув жараёнига

ўзгартирувчи омиллар киритилиши натижасида таълим – тарбия жараёнининг қонуниятларини очиш (ўрнатиш) ва уларни такомиллаштириш (ривожлантириш) марказий нуқтаи – назарда туради.

Педагогик технология – ўқитувчидаги ўқув фаолиятида, ўқитишдан ташқари фаолиятда зарур бўлган умумий педагогик малакалар мажмуасидан ташкил топади. Педагогик технологиянинг таркибий қисмлари қуйидагилар:

- нутқ маданияти (саводли гапириш, ўз нутқини чиройли ва тушунарли, таъсирчан қилиб баён этиш, ўз фикр ва ҳис – туйғуларини сўзда аниқ ифодалаш);
- мимик пантамима (аниқ имо – ишора, маъноли қараш, рағбатлантирувчи ёки илиқ табассум);
- ўқитувчининг ҳиссий ҳолати (жиддийлик даражаси, умидбахшлик, ҳайрихохлик кайфиятини сақлаш, ўзининг ҳиссий дам олишини ташкил этиш) *(Зуҳра Исмоилова).*

Педагогик технология – маълумотларни ўзлаштириш учун қулай шакл ва усулда узатиш ва ўзлаштириш жараёнидан иборат *(Йўлдашев Ж.Г., Усмонов С.А.*).

Педагогик технология (ПТ) – педагогик (ижтимоий) ва технологик (ишлаб чиқаришдаги муҳандислик) ёндашувлар интеграциясидир. ПТ га ЮНЕСКО таърифи: «ПТ таълим бериш ва ўзлаштириш усулларини яратиш, қўллаш, уларни ягона тизимга келтирш йўли билан инсон салоҳияти ва техник воситаларининг барча имкониятларидан мувофиқ фойдаланиб, билимлар ўзлаштирилишининг энг мақбул жараёнидир».

ПТ нинг бош муаммоси талаба (ўқувчи) шахсини ривожлантириш йўли билан ўқитишга қўйилган мақсадга эришишдан иборат.

ПТ доирасида янги ўқув материалини ўзлаштиришнинг бошланғич, алгоритмик, ижодий, эвристик характердаги даражалари мавжуд.

ПТ умумий мақсади бир даражаларда ойдинлашади: биринчиси – таълим муассасаси (жараёни) нинг мақсади ҳамда педагог ва унинг методик фаолияти идентификациаси; иккинчиси – ўқув пердмети (бўлим) нинг мақсади педагог ва унинг методик фаолияти идентификациаси; учинчиси – ушбу модел (ўқув элементи) нинг мақсади ва унинг ўқувчи–талабалар фаолиятидаги идентификацияси.

Педагогик технология тамойиллари. Педагогик технология асосида дарс лойиҳасини тузишда, унинг беш тамойилига риоя қилинади. Педагогик технология тамойилларининг **биринчиси –** муайян ўқув предмети, катта модул ёки дарс мавзусига кутилган асосий мақсадни шакллантириб олиш.

Иккинчи тамойил – дарснинг умумий мақсадидан ва мавзунинг ички мазмунидан келиб чиқиб, дарсни кичик модулларга ажратиб, ҳар бир модулнинг мақсадини ҳамда модуллар ичида ҳал қилинадиган асосий масалалар тизимни аниқлаб олишдир.

Учинчи тамойил – модуллар ичида кўрилаган масалаларнинг ичидан асосийларини танлаб олиб, улардан тест саволлари ва улар асосида сўров варақасини тузиб чиқиш.

Мавзулар асосан беш модулдан иборат бўлиб, **биринчи ва тўртинчи** модул дарсини ташкил қилиш ва хулосалаш қисимларини ташкил қилса, **бешинчи модул** дарс самарадорлигини аниқлашдир. Шунда янги билимларни бериш **2 ва 3** модуллар зиммасига тушмоқда. Ушбу модуллардан билимлар ичидан муҳимроқларини ажратиб олиб, тест саволлари тузилади.

Тўртинчи тамойил – мақсадга этиш услуб ва усулларини танлаб, жойни белгилаб олиш. Педагогика фани мисолидаги мавзулар ўзининг умумлиги билан ажралиб турганлиги сабабли, унда асосан сўз билан тушунтириш ва қисман илюстратив услубларидан, шунингдек, кези келганда, муаммоли – изланиш усулларидан фойдаланилади. Муайян мавзу олдига қўйилган мақсадларга этишиш учун юқорида қайд қилинган услублар ишлатиладиган аниқ жойини аниқлаб қўйишдир.

Бешинчи тамойилда – дарс ичидаги тамойиллар модуллар орасидаги узвий боғлиқларга ҳамда дарс мазмунининг фанлараро алоқалар асосида тузилишга эътибор қаратилиши шарт *(Зиёмуҳаммадов Б.).*

Педагогик тизим (ПТ) – бир-бири билан ўзаро боғланган ва муайян муносабатда бўлган инвариант элементлар билан тасвирланган яхлит таълим тизимидир.

ПТ нинг қуйидаги таркибий қисмлари мавжуд: моҳият, тузилма, вазифалар, интегратив тизимли омиллар, тизимнинг ривожланиш тарихи.

Педагогик тизимнинг мақсади – инсонни маърифатли ва маълумотли қилиш.

Педагогик тизимнинг маҳсулоти - янги кишини ёки гуруҳни маълум мақсад йўлида баркамол инсон қилиб етиштиришдир.

Педагогик фаолият – давлатнинг таълим – тарбияга бўлган талабани, жамиятнинг эса эҳтиёжини қондириш мақсадида умуминсоний сифатлар ва миллий фазилатларни шакллантиришни илмий асосланган режа ва дастурга асосан амалга ошириш жараёнидир.

Педагогик фикрлаш маданияти – шаклланган ўқитувчи тафаккури – дунёқарашнинг уч босқичини ўз ичига олади:

- **биринчиси** методологик дунёқараш бўлиб, унда ўқитувчи ўзининг касбий фаолиятига объектив муносабатда бўлишга имконият яратади.

- **иккинчи босқич** – маънавий дунёқараш бўлиб, ўқитувчига педагогик фикрлаш, педагогик жараённинг моддийлашувига имконият яратади.

- **учинчи босқичи** умумий педагогик қонуниятларни, реал педагогик фаолиятнинг ҳодисаси ҳисобланган фаннинг бўлимларига тадбиқ этишда намоён бўладиган – тезкор фикрлашдир *(Халилова Ш.).*

Педагогик эксперимент – ҳар қандай педагогик тадқиқотларнинг асосларидан бири бўлиб, унинг ёрдамида илмий фаразларнинг ишончлилиги текширилади, педагогик жараёнларнинг айрим элементлари ўртасидаги боғлиқлик ва муносабатлар аниқланади.

Педагогик ўйинли машғулотлар (ПЎМ) – муаммоли вазифанинг бир туридир. Фақат бу ўринда, матнли материал ўрнига ўқувчи (талаба)лар томонидан роллар ўйналадиган ҳаётий вазият саҳналаштирилади.

ПЎМ ўқув усули сифатида қуйидаги вазифаларни бажаради:

- **ўргатувчи** – умумтаълим маҳоратни шакллантириш, ижодий қобилиятни ўстириш, шу жумладан, янги вазиятларни тушунтириш, аниқлаш ва таҳлил қилиш;

- **ривожлантирувчи** – мантиқий тафаккурни, нутқни, атроф – муҳит шароитга ўрганиш қобилиятини ўстириш;

- **мотивацион** – ўқувчиларни ўқув фаолиятига ундамоқ, мустақил хулосага келишга рағбатлантирмоқ;

- **тарбиявий** – маълумотни, коммуникативликни шакллантириш *(Зуҳра Исмоилова).*

Педагогик қобилият – бошқарув жараёнида таълим муассасаси раҳбари ёки ходимининг педагогик фаолиятга хос бўлган зарурий хусусиятлари мажмуасидан иборат бўлиб, унда шу хусусиятлар негизида педагогик фаолият билан самарали шуғуллана олишлик, шунингдек, педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқара олишлик муҳим саналади.

Педагогнинг билиш қобилияти – фаннинг муайян соҳаларига тегишли қобилият бўлиб, унда ўқитувчи нафақат ўқув курсига тегишли билимларни, балки шу фан соҳасига тегишли анча кенг ва чуқурроқ билимга эга бўлиши билан бирга ўз фанига тегишли янгилик ва кашфиётларни мунтазам равишда кузатиб бориш керак бўлган жараён маҳсули *(Зуҳра Исмоилова).*

Педагогнинг диққатни тақсимлай олиш қобилияти – педагогнинг диққатини барча хусусиятлари (ҳажми, кучи, кузатувчанлиги, идора қилина олиши, сафарбарлиги)ни пухта билганлиги ва унга амал қилинишига оид саъй-ҳаракатлар мажмуи маҳсули *(Зуҳра Исмоилова).*

Педагогнинг истиқболни белгилай олиш қобилияти – педагогнинг ўз хатти-ҳаракатларининг оқибатини кўра билиши, ўз таълим олувчиларининг келгусида қандай салоҳият эгаси бўлишини тасаввур қилиши, таълим олувчилардаги қандай фазилат ва хислатларни янада ривожлантириш лозимлигини олдиндан айтиб бериш қобилиятидир. Бу педагогик оптимизмга, тарбиянинг қудратига боғлиқдир *(Зуҳра Исмоилова).*

Педагогнинг касбий маданияти – унинг касбий фаолият доирасидаги шахсий сифатлари таснифининг моҳиятида намоён бўлади. Ўқитувчининг педагогик маданиятини ташкил этувчи кўрсаткичлар: интеллектуал ривожланиш даражаси (педагогик тафаккурнинг

ривожланиши); педагогик фаолиятнинг ҳар томонлама ташкил этилиши ва касбий маҳорат даражаси; асосий касбий педагогик ахлоқ, маънавий маданияти, хулқ ва одоб маданияти; ўзаро муносабат, сўзлашув, ташқи кўриниш маданияти ва бошқалар *(Халилова Ш.)*.

Педагогнинг касбий назокати – ўқувчилар билан бўлган мулоқотда меъёрни (чегарани) билиш. **Назокат** – тарбиячининг бир жойга тўпланган ақли туйғуси ва умумий маданияти инъикосидир. **Педагог назокатнинг мағзи** – тарбияланувчиларнинг шахсга бўлган ҳурматидир.

Педагогнинг кузатувчилик қобилияти – педагогнинг таълим олувчи ёки тарбияланувчининг ички дунёсига кира олиш қобилияти бўлиб, унда таълим олувчи шахсини ва унинг вақтинчалик руҳий ҳолатларини жуда яхши чуқур тушуна олиш билан боғлиқ бўлган психологик кузатувчанлик қатъий талаб этилади. Бундай жараёнда педагог таълим олувчи руҳиятидаги кўз илғамас ўзгаришларни ҳам тез сезиб олади *(Зуҳра Исмоилова)*.

Педагогнинг маънавий-ахлоқий маданияти – шахснинг қобилиятлари, ҳис-туйғулари, билимлари, малакалари, эътиқоди ва ахлоқий қадриятларини ривожлантириш даражасини белгиловчи, унинг шахсий сифатларининг мураккаб интеграл тизимидир *(Халилова Ш)*.

Педагогнинг нутқ қобилияти – педагогнинг нутқ ёрдамида ва имо-ишора воситасида ҳамда ўзини баён қилаётган ҳолатга мос тута билиш асосида ўз фикр-мулоҳазаларини аниқ ва равшан ифода қилиш қобилиятидир. Бунда педагог янги дарсни баён қилаётганда ҳам, таълим олувчининг фикрини таҳлил қилаётганда ҳам, унинг нутқи ҳамиша ўзининг ички кучи, ишончи, ўзи гапираётган маълумотга қизиққанлиги ва эътиқоди билан ажралиб туриши керак *(Зуҳра Исмоилова)*.

Педагогнинг нутқсиз муносабати – педагогнинг асосий қудратларидан бири бўлиб, унга педагогнинг ўқувчи билан муносабатда бўлиши учун нутқсиз воситаларнинг мажмуи керак. Улардан биринчиси, ҳис – ҳаёжонни ифодалайди (гавдани тутиш, ишора, мимика, қадам ташлаш, кўзма – кўз алоқа), иккинчиси, просадика ва экстролингвистика (нутқ оҳанги, овоз баландлиги, тембр, пауза, уф тортиш, кулиш, йўталиш), учунчиси, такесика (қўл бериб кўришиш, уриб – уриб қўймоқ, силаб қўймоқ, даҳилдорлик), тўртинчиси, проксемика (тўғри йўл топиш, масофа тутиш) лардан иборат *(Зуҳра Исмоилова).*

Педагогнинг обрў орттира олиш қобилияти – таълим олувчиларга бевосита эмоционал-ифодавий таъсир этиш ва шу асосда обрў орттира олишга тегишли хатти-ҳаракатлар мажмуаси маҳсули. Бунда педагогнинг фанни яхши билиши, меҳрибонлиги, назокатлилиги, таълим олувчилар шахсини ҳурматини жойига қўя олишлиги, дарсда ўзини тута билиши жиҳатидан ўз таълим олувчиларига ибрат-намуна бўлишлиги муҳим аҳамият касб этади. Бу қобилият педагог шахсий сифатларининг бутун бир йиғиндисига, чунончи, унинг иродавий сифатларига, шунингдек, таълим олувчиларга таълим-тарбия бериш масъулиятини ҳис этишга, ўзининг ҳақ эканлигига ишонишга, бу ишончни таълим олувчиларга етказа олиш кабиларга боғлиқ *(Зуҳра Исмоилова).*

Педагогнинг ташкилотчилик қобилияти – педагогнинг таълим олувчилар жамоасини маълум мақсад асосида уюштириши ва жипслаштириши, муҳим вазифларни ҳал этишга руҳлантира олиши ва ўз ишини тўғри самарали уюштира олиш каби ижобий хислатлари мажмуидир *(Зуҳра Исмоилова).*

Педагогнинг тушунтира олиш қобилияти – педагогнинг ўқув материалини таълим олувчиларга тушунарли қилиб баён қилиши билан бирга таълим олувчиларда мустақил равишда фаол фикрлашга қизиқиш уйғотиш қобилияти ҳамдир *(Зуҳра Исмоилова)*.

Педагогнинг тўғри муомала қилиш қобилияти – педагогнинг таълим олувчиларни ҳурмат қила олиш ва уларга таълим-тарбия беришда тўғри ёндаша олиш, улар билан педагогик нуқтаи назардан самарали икки томонлама муносабатлар ўрната билишдан иборат бўлган таълим-тарбиявий жараён *(Зуҳра Исмоилова)*.

Педагог қобилияти – ўқитувчилар билан ишлашга иштиёқ, болаларга нисбатан муҳаббат, улар билан бўлган муносабатдан мамнун бўлиш билан ифода бўладиган шахснинг сифатлари *(Зуҳра Исмоилова)*.

Перцептив билим – билимнинг ҳиссий билим шакли.

Перцептив қобилият – ўқитувчи ўз тарбияланувчиларининг маънавий дунёсига кириб бориш ёрдамида уларнинг эмоционал ҳолатини баҳолаш ва руҳий ҳусусиятларини аниқлаш маҳоратининг натижавий маҳсулидир.

Перцептив қобилият – ўқитувчининг руҳий ҳолатини ҳис қилиш, тушуна олиш орқали юзага чиқарилувчи қобилият.

«Перцептив қобилиятлар» - жамоа аъзоларининг, педагогик ходимларнинг, шунингдек, ўқувчиларнинг ички дунёсига кира билиш, психологик кузатувчанлик, бўйсинувчиларнинг вақтинчалик психик ҳолатлари билан боғлиқ нозик томонларини тушуна билишдан иборат қобилиятдир. Қобилият раҳбар бўйсинувчиларнинг ҳар қандай вазиятлардаги хатти-ҳаракатларида, педагогик фаолиятларида ёрқин ифодаланадиган, айрим ташқи ҳолатларида ҳамда ички дунёсида юзага келадиган ўзгаришларни сездирмасдан билиб олади» *(Джураев Р.Х., Турғунов С.Т)*

Песталоцци (1746-1827). *Тўлиқ исми* – Иоганн Генрих Песталоцци. У врач оиласида туғилган, жуда ёшлигида отасидан ажралган, онаси тарбиясида қолди. Таътил вақтида бобосиникига бориб, деҳқонларнинг оғир ҳаётини кўради ва халққа раҳмдил бўлиб ўсди. Аввал бошланғич мактабда, сўнгра лотинча мактабда ўқиди.

Асарлари: «Линград ва Гертруда», «Гертруда ўз болаларини қандай ўқитди», «Кузатиш алифбеси», «Оққуш қўшиғи» каби асарларни ёзиб қолдирган. Тарбиянинг асосий вазифаси – келгусида ижтимоий ҳаётда қатнашиб фойда етказа оладиган ва ҳамма жиҳатлари уйғун бўлиб камол топган инсонни етиштиришдир, деб билади Песталоцци. Унинг таъкидлашича, боланинг ахлоқи оилада шаклланади, боланинг онага бўлган муҳаббати аста-секин оиладаги бошқа аъзоларига ҳам ўтади. Таълим жараёнида олимнинг педагогик қарашларидан намуналар келтириш натижасида талабаларда меҳр-оқибат, инсонийлик каби юксак ахлоқий фазилатларни юксалтириш мумкин.

Платон (эр.ав. 427-347).

Устози – Суқрот.

Таълимоти: «Сиёсат» асарини яратган. У «идеялар дунёси» бирламчи, ҳис қилинадиган нарсалар дунёси иккиламчи, деб ҳисоблаган. У ғояларни ўзгармас абадий деб билган. Давлатни мустаҳкамлаш ва юксак ғояларни амалга оширишнинг бирдан-бир воситаси тарбия эканлигини қайд қилган. Платон тарбиянинг мақсади файласуф ва жангчиларга хизмат қилиш эканлигини назарда тутиб, ўзига хос педагогик тизим яратди. Унга кўра болалар 3 ёшгача – давлат назорати остида, 3 ёшдан 7 ёшгача – махсус болалар майдончаларида мақсадга йўналтирилган турли ўйинлар орқали тарбияланган. 7 ёшдан 12 ёшгача бошланғич мактабда ўқиш, ёзиш, ҳисоб, мусиқа илмини ўрганган. 12 ёшдан 16 ёшгача – гимнастик мактаб – палестрада, 16

ёшдан 18 ёшгача – арифметика, геометрия, фалакиёт ўрганган. 18 ёшдан 20 ёшгача эфеблар мактабида ҳарбий тайёргарликка ўргатилган, 20 ёшдан кейин йигитларнинг иқтидорига қараб, ҳарбий хизматга ёки таълимнинг 3-босқичида таълим олганлар.

Поклик – зеҳн ва идрок тиниқлигидир, маънавий поклик зиёсидир. Покиза ақл инсонни рағбатлантиради ва шодлик келтиради. Киши ҳаётида ахлоқий поклик биринчи даражадаги мезондир. Ахлоқи поклик таъма ва молпарастликка зид ҳисобланади. *(Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Ибрагимова Г., Тўрақулов Х.А., Алибекова Р. Т.: «Чўлпон» 2004, 44-бет).*

Полвонниёз Ҳожи Юсупов (1863- 1936) ўз халқининг тараққиётпарвар сиймоларидан. Хива жадидлари ва «Ёш хивалик» партиясининг раҳбарларидан бир Полвонниёз Ҳожи Юсупов 1863 йили Хива шаҳрида савдогар оиласида туғилган. 1871 йилга қадар ота – онасининг улар вафотидан кейин эса амакиси Юсуфбойнинг қўлида тарбияланган. 13 ёшида эски мактабда ўқиб, савод чиқарган. Мактабни тугатгач, савдо ишлари билан шуғулланган.

Полвонниёз 1877 йилда амакиси билан Москвада бўлди. Кейинчалик 1885 йилда жадид мактабини тугатади. У араб, форс ва рус тилларини яхши билган. 1904 йилда Туркия, Миср, Сурия мамлакатларида ва Макка шаҳрида бўлади.

Полвонниёз 1917 йил 4 – апрелда Хива хонига тақдим этилган давлат бошқарувда ислоҳатлар ўтказиш тўғрисидаги манифестларнинг тузувчиларидан бири эди. Хива хонининг жадидларига қарши сиёсати натижасида 1918 – 1920 йилларда 30 – апрелда Хоразм Халқ Совет Республикаси нозирлар кенгаши раиси лавозимига тайинланди.

1926 йил 10 январда Хоразм вилояти ижроия қўмитаси раисининг хўжалик бўйича ўринбосари бўлиб ишлайди. Кейинчалик Ичанқалъа музейида хизмат қилади.

Полвонниёз Юсупов 1936 йилда вафот этади.

Политолог (сиёсатшунос) – сиёсат билан шуғулланувчи мутахассис.

Предмет соҳалари – таълим олувчининг ўқиш маҳоратини ривожлантирадиган ўргатишга қарама-қарши ўлароқ ушбу атама ўрганилаётган нарсага тааллуқлидир. Масалан, тарих, математика, адабиёт ва шу кабилар.

Прогноз - бирор бир ходисанинг келажакдаги холати ҳақидаги илмий тадқиқотларига асосланган эҳтимолий мулоҳоза (*Фалсафа. Қомусий луғат- 337бет*)

Прогноз қилиш асосан қуйдагича икки йўналишда олиб борилади:

1.Табиий-илмий прогноз. Булар метеорологик, гидрологик, геологик, биологик, тиббий-биологик, илмий-техник, космологик, физик-химик бошоратлар;

2.Ижтимоий прогноз. Булар иқтисодий, исихологик, педагогик, социологик, сиёсий, технологик башоратлар.

Прогнозлаш – бирор бир ҳодисанинг истиқболларини махсус илмий тадқиқот этиш (*Фалсафа. Қомусий луғат- 337бет*).

Прогнозлаш вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Субъектив фикр мулоҳазаларни объективлаштириш мақсадида аҳоли (бирон бир соҳага тегишли бўлган омма) сўровини амалга ошириш;

- интериоляция ва экстрополяция методлари ёрдамида башорат қилинаётган жараён кўрсаткич (параметр) ларининг ўзгариб бориш

қонуниятларини аниқлаш ва истиқболдаги қийматлар кетма – кетлигини жадвал асосида ҳосил қилиш;

- моделлаштириш ёрдамида башорат қилинаётган ҳодиса ва жараёнлар кечиши алгоритмини яратиш.

Прогнозлашда асосий манба вазифасини тажрибадан олинган маълумотлар, башорат қилинаётган ҳодисанинг истиқболига доир аналогияга асосланган баҳолар, маълум тенденциялар экстрополляцияси, ҳодисаларнинг келажакдаги ҳолатига доир моделлар ва бошқалар ўтайди (*Фалсафа. Қомусий луғат 337б.).*

Прогнозлаш услублари :

-индукция ва дедукция;

-башорат қилинаётган жараён ва ҳодисаларнинг аналогияларини яратиш;

-статистика (маълумотларни қайта ишлаш технологиялари);

-жараён ва ҳодиса кечишини моделлаштириш ва алгоритмлаш;

-иқтисодиёт ва ундаги тадқиқот йўналишлари;

-социалогия ва ундаги тадқиқот йўналишлари;

-жараён ва ҳодисаларни имитация қилиш ва идентификациялаш;

-тажрибани режалаштириш йўналишлари ва шу кабилар.

Прогнозлашнинг асосий босқичлари:

-мўлжалларни аниқлаш (манба ва нарсаларни, мақсад ва вазифаларни ишчи гипотезани, методологияни, режалаштирилган натижани, натижанинг тадқиқ қилинаётган соҳадаги аҳамиятини белгилаб чиқиш);

-прогнозлаш учун режага мос маълумотлар тўплаш ва уларни прогнозлаш мақсади ва вазифаларига мос ҳолда уларни тизимларга ажратиб, ахборот кўринишига келтириш;

-прогнозлаш учун асос бўладиган модель (аналогия) яратиш;

-мавжуд тенденцияларнинг оқибатларини аниқлаш мақсадида башорат қилиш;

-кутилаётган ҳолатнинг юзага келиши муддатини аниқлаш мақсадида башорат қилиш;

-олинган натижаларнинг асосланганлиги даражасини аниқлаш

-тавсиялар тизимини яратиш.

Педагогик тадқиқотларда прогнозлаш қуйидаги йўналишларда олиб борилиши мумкин:

-натижанинг мавзуни ҳал қилишдаги аҳамияти (ўрни ва ролини);

-натижанинг йўналиш очиш ҳақидаги аҳамиятини;

-натижанинг фанни ривожлантиришдаги аҳамиятини;

-натижанинг таълимни ривожлантиришдаги аҳамиятини ва шу кабилар.

Прогностика (юнон.«прогностике» олдиндан пайқаш, келажакни кўриш, илмий асосда башорат) - бирор бир ҳодисанинг ривожланиш истиқболларини махсус тадқиқ этиш (*Фалсафа. Қомусий луғат 337б.).*

Прогностика географик, физик, астрономия, экология, политология, социалогия, психология, педагогика, математика фанларининг татқиқот вазифаси ҳисобланади.

Прогностикадан ташқарии диагностика ҳам бор. У воқеликни бевосита аниқлаш, баҳолаш, даражаси, кўрсатгичи, ҳолати кабиларни белгилаш билан шуғлланади.

Прогностикада эса содир бўлмаган ҳодисалар амалга оширилмаган фаолият натижалари юзасидан илмий омиллар, қонуниятлар, методлар, методикалар, электрон, асбоблар ёрдамида олдиндан башорат қилишга асосланади.

Об-ҳаво, иқлим, биосфера, ноосфера муносабатлари, ишлаб чиқиш самарадорлиги, меҳнат маҳсулдорлиги, геопалитика, мамлакатлараро

алоқалар, цивилизация, фан ва техника тараққиёти юзасидан илмий маълумотларга асосланган мулоҳазалар билдириш.

Профессор – (лотинча professor – муаллим, ўқитувчи) ОЎЮ ўқитувчиси ёки илмий муассаса ходимининг илмий унвони, лавозими. Профессор терминини дастлаб Рим империясида (милоддан аввалги биринчи аср ўрталари – милодий бешинчи аср охири) грамматика ва воизлик мактаби ўқитувчилари, мураббий-ўқитувчилар ва бошқаларга нисбатан қўлланилган. Ўрта асрларда диний мактаб ўқитувчилари, ўн иккинчи асрдан бошлаб университет ўқитувчилари профессор деб аталган. Ўрта асрларда профессор термини магистр ёки фан доктори (фалсафа, илоҳиёт) илмий даражаларига синоним сифатида ишлатилган.

Чет элларда профессорлик унвони ординар, экстра-ординар ва хизмат кўрсатган профессорларга бўлинади. Ординар профессор ОЎЮ доимий штатидаги ўқитувчи бўлиб, одатда кафедрани бошқаради. Экстра-ординар профессор вақтинчалик, штатсиз ўқитувчилар (кўпинча бошқа ОЎЮда, ҳатто, бошқа мамлакатлардан таклиф қилинади) бўлиб, кафедра ва ОЎЮнинг ишларида ҳал этувчи овозга эга бўлмаган ҳолда маълум курс бўйича маърузалар ўқийди. Хизмат кўрсатган профессорлик унвони катта илмий ва педагогик стажга (25 йил) ва мутахассислиги бўйича йирик илмий асарларга эга бўлган профессорларга берилади.

Процессор — 1. Компьютернинг буйруқларини таҳлил қилувчи ва бажарувчи функционал қурилмаси. Процессор камида буйруқларни бошқариш қурилмаси ва арифметик — мантиқий қурилмадан иборат бўлади.

2. Муайян буйруқларнинг аниқ бажарилишини таъминловчи функционал қурилма.

Психика - юнонча сўз бўлиб, **«псюхе»**, яъни «руҳ», «жон» деган маъноларини англатади. Бу юксак ва мукаммал даражада шаклланган матерининг асосий ҳоссаларидан бири бўлиб, унинг иштирокида объектив оламни субъектив ҳолатда акс эттиришдир.

Психолог – мунозарада талабаларнинг унимли алоқа ва муносабатни ташкил этишга жавоблар, ҳаракатларнинг ҳамжиҳатлигига интилади, мунозарадаги зиддиятларни юмшатиб, уларни ҳазилга айлантирган ҳолда мажарога айланиб кетишга йўл қўймайди, мулоқот олиб бориш қоидаларига риоя қилишни кузатиб боради *(Зуҳра Исмоилова).*

Психологик хизмат – кишиларда ижтимоий ва иқтисодий таъсирлар натижасида юзага келувчи психофизилогик зўриқишларининг олдини олиш ва уларни бартараф этиш мақсадида махсус маълумотларга эга мутахассис – психолог томонидан амалга оширилувчи фаолиятдир. Махсус таълим муассасалари тарбияланувчиларига малакали психологик хизмат кўрсатиш аномал хусусиятли болаларга таълим – тарбия бериш жараёнининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда уларда кўзга ташланувчи психологик зўриқиш ва тушкунликни бартараф этиш орқали уларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашдан иборат.

Психология – инсон ички дунёси, руҳий ҳолатлари ҳақидаги фандир. **Психология – «псюхе» ва «логос»** сўзларидан иборат бўлиб, у руҳ ва жон ҳақидаги таълимотдир.

Р

Расадхона, обсерватория – астрономик, геофизик, метеорологик ва бошқа тадқиқотлар учун махсус жиҳозланган илмий муассаса жойлашган бино. Дастлаб объектларни кузатиш билан шуғулланадиган

жой сифатида пайдо бўлган, кейин илмий тадқиқот муассасига айланган. Ўрта асрларда Шарқда кўплаб расадхоналар қурилган. (ЎзМЭ. 7-том, 255-бет).

Улуғбек расадхонаси – Самарқанддаги XV аср меъморчилигининг нодир намуналаридан бири, кўҳна астрономик кузатув муассасаси. Улуғбек фармойиши билан 1428-29 йилларда Кўхак (Чўпонота) тепалигида улкан цилиндр шаклида бунёд этилган; айрим қўлёзмалар («Бобурнома»)га кўра, баландлиги 30,4 м дан иборат, 3 қаватли қилиб қурилган. Мирзо Улуғбекнинг энг йирик астрономик асари «Зижи Кўрагоний» расадхонада яратилган. Унинг қурилиши ва кейинги илмий фаолияти Улуғбек таклифи билан йиғилган қатор машҳур олимлар Ғиёсиддин Коший, Қозизода Румий, Али Қушчи ва бошқалар номи билан боғлиқ (ЎзМЭ. 9-том, 80-бет).

Рационализм – яъни, ақлни ҳақиқатнинг мезони сифатида тан олишда ва бунинг натижасидаги мантиқни ривожлантириш соҳасида ишлатилади ва инсонпарварликни улуғлаш йўналишидаги таълим-тарбия соҳасида ундан фойдаланилади, шунингдек, инсоннинг ахлоқий-маънавий гўзаллиги, камолатини оллоҳнинг юксак инъоми сифатида талқин этишда ишлатилади.

Рағбатлантириш методлари – қувонч, қониқиш, қаноатланиш кечинмаларини пайдо қилувчи жараёнларни таъминлаш методлари бўлиб, улар ёрдамида тарбияланувчиларда тетикли ва ғайратли бўлишликка хоҳиш юксалтирилади. Ўз кучига ишонч мустаҳкамланади, ижобий хатти-ҳаракатлар рағбатлантирилади, ўз фаолиятига ва хулқига маъсулият оширилади. Рағбатлантириш методлари хилма-хил бўлиб, улар таркибига маъқуллаш, кўнгил кўтариш, далда бериш, ишонч билдириш, қайд қилиш, оғзаки ёки ёзма ташаккур билдириш,

мукофотлаш ва бошқалар киради. Рағбатлантириш педагогик талабларни ҳисобга олган ҳолда қўлланилиши лозим.

Раҳбарлик – инсонларга мақсадли таъсир ўтказиш қаратилган, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш билан боғлиқ фаолиятдир. Раҳбарлар қатор фукнцияларни бажаради: жамоа фаолият мақсадларини аниқлайди ва шакллантиради, рағбатлантириш воситаларини ва усулларини белгилайди, уларни назорат қилишни амалга оширади *(Джураев Р.Х., Турғунов С.Т).*

Раҳбарнинг коммуникативлик қобилияти - билан ўзаро бу раҳбарнинг таълим муассасасининг умумий мақсадини эътиборга олган ҳолда ўз ходимлари билан ўзаро онгли муносабатда бўлилиш белгиланган мақсадни амалга ошириш борасидаги фаолиятда бошқарув мулоқотини тўғри ва самарали ташкил этиш, ўз ходимларининг кўнглига тўғри йўл топа олишлик, улар билан педагогик фаолият нутқаи – назаридан мақсадга мувофиқ ўзаро муносабатда бўлишликлар асосидаги педагогик тактнинг мавжудлигига ва амалийлигига қаратилган фаолиятидир.

Раҳбарнинг нутқ қобилияти – раҳбарнинг ўз фикрини, ҳис – туйғуларини нутқ ёрдамида, шу билан бирга **мимика ва пантомимика** ёрдамида аниқ ва равшан қилиб ифодалаб бериш ҳамда уларнинг фаолиятини маълум йўналишда ўзгартириш ёки керакли йўналишда ташкил этиш қобилиятидир. Раҳбар ўз фикрини ёки топшириқнинг мазмун – моҳиятини бўйсинувчиларга тушунарли тарзда етказа олиш зарур. Баъзи бир ходимларга бир оғиз сўз кифоя, айримларига эса узоқ тушунтиришга тўғри келади. Раҳбарнинг нуқти жонли, образли, аниқ - равшан, интанацияли ва ифодали, эмоцияга бой, дона – дона бўлиб, бунда стилистик ва грамматик хатолар мутлақо бўлмаслиги керак.

Шунда раҳбарни ходимлар нафақат тинглайди, балки эшитади, тушунади ҳам *(Джураев Р.Х., Турғунов С.Т).*

Раҳбарнинг ташкилотчилик қобилияти - раҳбарнинг таълим мусассаси жамоасини муайян мақсад атрофида уюштира олиши ва унинг негизида жамоада соғлом психлогик муҳитни шакллантира олиши, яъни, жамоада аҳиллик ва бирдамлик, ҳамда ҳамкорликни вужудга келтира олишлик, шунингдек, жамоа аъзоларининг мақсадларини муштарак ҳолга келтира олишлик қобилиятидир.

Раҳбарнинг шахсий умумий хислати – раҳбарнинг ёқимлилик, жозибадорлик, дилбарлик, кўркамлик, ҳурматга сазоворлилик, буюклик, салоҳиятлилик, жиддийлик, босиқлик, мослашувчанлик, маданиятлилик, одоблилик, зиёлилик, табиийлик, одиллик, оддийлик каби ҳислатларининг мажмуидир.

Режалаштириш – энг кам восита (технология) ва вақт сарфлаб тадқиқот йўналиши бўйича максимум даражадаги маълумот олиш ва уларнинг етарли даражадаги аниқлигига эришишни кафолатловчи жараён.

Режалаштириш - таълим жараёнини бошқаришда ўқув билув маънавий – маърифий, ташкилий ва шу каби таълим жараёнининг ташкил этувчи босқичларини сай – ҳаракатларининг қатъий кетма – кетлигини белгилаб олиш ва улар орқали бошқарувни, назорат қилиш ва фаолиятни йўналтиришларга имконият яратишдир. Режалаштиришда режани тайёрлаш қаралаётган жараён ва уни бошқаришда асосий ҳаракатлантирувчи куч вазифасини бажаради.

Рейтинг – таълим олувчиларнинг ақлий ривожланишининг назоратини миқдорий белгилаш воситаси бўлиб, бунда таълим олувчилар барча фаолият турларини балларда интеграл баҳолайди.

Рейтинг – баҳолаш, тартибга келтириш, таснифлаш бирор ҳодисани олдиндан белгиланган шкала бўйича баҳолаш. (**шкалалаш** – аниқ жараёнларни рақамлар тизими ёрдамида моделлаштириш). Рейтининг ёрдамида социал – психологик объектларни (ўқувчи – талабаларни) улар учун умумий бўлган хусусиятларнинг ёркин даражасига қараб дастлабки таснифлаш амалга оширилади *(Б.Зиёмуҳаммадов.).*

Рейтинг – инглизча сўз бўлиб, унинг маъноси «индивидуал коэффициент» ёки «баҳо» демакдир.

Рейтинг тизими (РТ) – талабаларни фаол ўқув фаолиятига рағбатлантирувчи ва муҳим асосли кучга эга бўлган талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими.

РТ педагогик назоратнинг диагностик, ўргатувчи, ташкил этувчи ва тарбияловчи функцияларини яхшироқ амалга оширишга ёрдам беради.

РТ нафақат ўқув ишларига тегишли, балки ундан таълим – тарбия жараёнининг барча жабҳаларини баҳолаш, назорат қилиш ва бошқаришда фойдаланиш мумкин. Унда талабанинг семестр, ўқув курси давомида (фанни, мавзуни ўзлаштириш ёки бутун ОЎЮ ни тугатиш давомида) тўпланган баллар йиғиндиси орқали, уларни таққослаш имкони туғилади, яъни, талабанинг гуруҳидаги сафи аниқланади, ДТС даги эгалланган билим, кўникма ва малакаларни эгаллаганлиги аниқланади. Бу талабанинг тайёргарлик даражасини ҳис этиш, мусобақалашиш кўникмаларини таълим – тарбия жараёнига киритиш, билимни ўзлаштиришдаги ўз тезлик даражасини танлаш, касбий фаолиятни эгаллашда қандай ўринда бораётганлигини аниқлаш, ўқишдаги ижобий туйғусини синаб кўриш имкониятини беради.

Ренесанс – маънавий-маърифий, маданий ҳаётдаги уйғониш, яъни, халқлар ривожининг юксалиш даври. (Шарқ ренесанси).

Унда маданиятнинг ўтмишда эришган ютуқларини, хусусан, қадимги Юнон, Ҳинд, Хитой меросини чуқур ўрганиш ва уни жорий ривожлантириш.

Табиатни ўрганишга қизиқишни орттиради ва табиий фанлар тараққиёти (астрономия, география, математика ва ҳ.к)га самарали таъсирни илмий-назарий жиҳатдан асослайди.

Республика (лотинча «respublika» сўзидан олинган бўлиб, «res»-иш, «publicus» жамият, ижтимоий деган маънони англатади). – Давлат бошқарувининг республика шакли қуйидаги турларга ажратилади: 1. Президентлик республикаси (АҚШ, Мексика, Ўзбекистон), бунда Президент умумхалқ сайловида сайланиб, бир вақтнинг ўзида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи ҳисобланади. 2. Парламент республика (Италия, ГФР, Венгрия), бунда парламент тўлиқ ҳокимиятга эга бўлиб, унинг олдида ҳукумат сиёсий жавобгар ҳисобланади. Парламент Президентни сайлайди. Бунда Президент фақат давлат бошлиғи бўлиб, ижро этувчи ҳокимият бошлиғи ҳисобланмайди. 3. Аралаш типдаги республика (ярим президентлик), бунда Президентлик республикаси билан парламент республика хусусиятлари қўшилиб кетади, яъни, президент умумхалқ сайловларида сайланиб, юридик ва реал тенг ваколатларга эга бўлади. Бироқ ҳукумат парламент томонидан ташкил этилади ва Президент олдида, балки парламент олдида ҳам сиёсий жавобгарлик бўлади. Бунда Президент ҳукуматга умумий раҳбарлик қилади, лекин уни Бош вазир бошқаради. Президент маълум ҳолатлар юз берганда парламентни тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга.

Реферат – (лотинча refero – ахборот бераяпман) – бирор илмий асар, мақола, ўқилган китоб ва шу кабилар мазмунининг қисқача ёзма ёки оғзаки баёни. Ўрганилган илмий масаланинг натижаси ҳақидаги

ахборот ёки тегишли адабиёт ва бошқа манбалар таҳлилини ўз ичига олувчи маъруза.

Реферативжурналлар – китоблар (монографиялар, ўқув қўлланмалар ва кўрсатмалар, дарслик ва шу кабилар), мақолалар, ихтиро ва кашфиётларнинг аннотациялари чоп этиладиган махсус нашрдир.

Реферативкартотекалар – чеккалари парфорациялашга тайёрланган картотекалар бўлиб, илм-фаннинг муайян йўналишлари бўйича чоп этилган манбалар тўғрисида маълумот берадиган манба.

Рефлексив компонент – педагогик илмий тадқиқот жараёни давомида тадқиқотчининг ўз ижодий фаолиятини ва юзага келган педагогик муаммоларни ўзи таҳлилий жиҳатдан ўрганиш, улар асосида бажариладиган тажриба синов ишларининг мақсад ва вазифаларини шакллантиришга бўлган интеллектуал салоҳияти.

Ривожланиш – инсоннинг руҳияти ва организмидаги сифатий ўзгаришлардир. Бу ўзгаришлар ижтимоий муҳит, уй – жой шароитлари, уни қуршаб турган кишиларнинг таъсир натижасида юз беради. Инсоннинг ривожланишида, яъни, уни тарбиялашда жамият томонидан ташкил этилган таълим муассасаларининг ва таълим – тарбия жараёнига қатнашаётган тарбия муҳим роль ўйнайди.

Ривожланиш - объектив жараён бўлиб, ташқи ва ички бошқарилувчи омиллар томонидан миқдор ва яъни, шахснинг фазилатлари, сифатлари ва ҳулқларининг шаклланиши, осондан - қийинга, оддийдан – мураккабга, мавжумдан – аниқликка, оддий ҳаёт кечириш шаклларидан – олий фаолиятга ўтиш жараёнидир *(Джураев Р.Х., Турғунов С.Т).*

Ривожлантирувчи мақсад – таълим жараёни таъсирида шахснинг ақлий камолотини, билиш қобилиятини, ўқишга, меҳнатга бўлган муносабатини ривожлантиришни кўзлашдир.

Ростгўйлик – ростини, ҳақиқатни гапириш, ўзини ва ўзгаларни алдамасликни англатувчи тушунча; тўғрисўзлик. Ростгўй киши ҳақиқий аҳвол ҳақида тўғри маълумот беради, қусур ва камчиликларни тан олади, юз бераётган воқеа ва ҳодисаларга ҳолисона баҳо беради. Ростгўйлик жамиятнинг барқарорлиги ва жамият аъзолари ўртасидаги ишончни таъминлашга хизмат қилади. Шу сабабли ҳар бир инсоннинг ажралмас хусусияти бўлмоғи лозим. Қуръони Карим ва ҳадисларда ростгўй бўлишга, ҳақ сўзни сўзлашга даъват этилади, ростгўйлик эзгуликка бошловчи фазилат сифатида баҳоланади. (ЎзМЭ. Т.: 2004, 7-том, 373-бет).

Рус-тузем мактаблари (рус. туземец – маҳаллий аҳоли) – Туркистонда октябр тўнтаришига қадар маҳаллий аҳоли болалари учун очилган бошланғич рус мактаблари. Уни очишдан асосий мақсад ўлкани руслаштириш эди. Туркистон генерал-губернатори К.П.фон Кауфман «мусулмон ва рус мактабларининг ажралиб туриши»ни иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан зарарли деб ҳисоблади. Бу ғояни Кауфманнинг издоши генерал-лейтенант Н.О.Розенбах давом эттириб, ибтидоий турдаги янги мактаблар – рус-тузем мактаблари тармоғини яратиш лойиҳасини ишлаб чиқди. Биринчи рус-тузем мактаблари 1884 йил 19 декабрда Тошкентда очилган, унда 41 бола ўқиган. 1891 йил Хивада, 1894 йил Бухорода очилган. Уларнинг сони XIX аср охирида 100 дан ошган. Рус-тузем мактабларида таълим муддати 4 йил бўлган. Рус-тузем мактаблари русча ва маҳаллий синфларга бўлинган. Рус тили, ўқиш, ёзиш, ҳисоб, геометрия, тарих, бошланғич ўзбек тили, араб тили ва ислом дини асослари ўқитилган. Рус тили, ўқиш, ёзиш, ҳисоб,

геометрия, тарих дарсларини рус ўқитувчиси, ўзбек тили, араб тили ва ислом дини асосларини ўзбек муаллими ўқитган. Саидрасул Саидазизовнинг «Устоди аввал» (1902), Алиаскар Калининнинг «Муаллими соний» (1903), С.М.Граменицкийнинг 3 қисмдан иборат ўқиш китоблари рус-тузем мактаблари ўқувчиларининг асосий дарсликлари бўлган. Айрим рус-тузем мактаблари ҳақида катталар учун (рус грамматикаси асосини ўргатиш мақсадида) кечки мактаблар, кўчманчи аҳоли учун эса интернатлар ташкил этилган. Кейинчалик 2 йиллик ва аёллар учун ҳам рус-тузем мактаблари очилган. Рус-тузем мактаблари маҳаллий аҳолисининг бир қисмига ўша давр учун илғор бўлган маданият ютуқларидан баҳраманд бўлиш имконини яратган (ЎзМЭ. 7-том, 395-бет).

С

Сабр - ғам-кулфат, азоб-мусибатларга чидаш, тоқат қилиш, ўз ихтиёри билан нафсини тийиш; қаноатли бўлиш. Исломда тўғри йўлдан адашмасдан бориш учун киши ўз майлларини сўндириши лозимлиги таъкидланади. Сабрли бўлиш мусулмонларнинг асосий фазилатларидан бири ҳисобланади. Қуръоннинг бир неча оятларида мусулмонларнинг сабрли бўлишига даъват бор. Ҳадисларда инсон учун сабрдан яхшироқ ва улуғроқ неъмат ато этилмагани баён этилган. Киши оғир пайтда бардош билан, неъмат етганида шукр ва яхшилик билан сабр қилиши керак. (ЎзМЭ. Т.: 2004, 7-том, 407-бет).

Сабр-қаноатлилик – юқори ижтимоий сифатлардан ҳисобланиб, борига барака қилиб, энг оз миқдордаги нарсаларга қаноат қилиб юрувчи кишига нисбатан қўлланилади. Шу билан бирга бундай одам ейиш-ичиш, кийиниш ва бошқа зарурий эҳтиёжларни қаноатлантирувчи нарсалар бўлмаганда сабр қилади, яъни, тушкунликка

тушмайди. Бундай одам ҳар қандай қийинчиликда ҳам матонат билан сабр қилади ва натижада уни енгади ҳамда мақсадга эришади. *(Зиёмуҳаммадов Б. Комилликка элтувчи китоб. Т.: «Турон иқбол» 2006, 119-б).*

Сабр-қаноат – инсонлар учун буюк бир фазилат. Инсон ҳар бир ишини сабр ва қаноат билан бажарса, мақсадга эришади. Тинч ва роҳатда яшашни истаган киши ҳар ишда ошиқмай ҳаракат қилади, нафсини фалокатдан сақлайди. Сабр бошимизга келган бало - қазоларга чидамли бўлишни талаб этади. Шунинг учун сабр ҳар бир ишда юксак ахлоқий фазилатдан бири бўлиб, мўмин - мусулмон кишининг руҳий таянчи ва ҳидоятга бошловчи омилдир.

Савод – кишининг муайян бир фан ёки амалиёт соҳасида, шунингдек, ҳунардан эгаллаши шарт бўлган билим ҳажмига эга бўлганлик даражасидир.

«... саводнинг тури кўп. Булар:»

Диний савод – муайян диндаги билимларни мукаммал бўлганлик даражаси;

Техник савод – техника сирларини яхши тушунганлик;

Сиёсий савод – сиёсатшунослик фанидаги билимларни тўла эгаллаб, улардан ҳаётда фойдалана олишлик малакаси;

Математик савод – математикадаги қонун -қоида ва формулаларни яхши билиб, улардан малакали фойдалана олиш;

Касбий савод – маълум бир касбдан керакли билимларни эгаллаб, улардан амалиётда фойдалана олиш ва ҳоказо». *(Б.Зиёмуҳаммедов)*.

Саводхон одам – ҳаёт тўғрисида мукаммал билим ва тушунчага эга бўлган, муайян бир соҳа эгаси бўлишга етарли бўлган ҳажмдаги билимларни эгаллаб, улардан амалий фаолиятда самарали фойдалана оладиган онгли шахсдир.

Саволлар – таълим–тарбия жараёнида асосан ўзлаштирганликни аниқлаш учун талаба – ёшларга қилинадиган бўлиб, унинг ёрдамида улар фаоллигини таъминловчи омил (жиҳат) ҳосил қилинади. Саволлар оддий, аниқловчи, тушунтирувчи, баҳоловчи, ижодий ва шу кабилар кўринишида учрайди.

Оддий саволлар – булар ёрдамида таълим – тарбия жараёнига тегишли далилларни англаш, улардан янги (кейинги) таълим-тарбия жараёнида фойдаланишга тайёрлаш жараёнларини амалга оширади.

Аниқловчи саволлар – ушбу саволлар орқали бирор киши фикри қайта мулоқот орқали аниқланиб, тасдиқланиб олинади. Бунда шундай эмасми? каби саволлар ёки ….. демоқчимисиз каби мурожатлар орқали мақсад амалга оширилади.

Тушунтириш саволлари – бунда мавзуда баён этилаётган маълумотлар ахборот кўринишига келтирилади. Бунда неча?, нима учун? каби саволларга жавоб беришликни эътиборга олиб таълим-тарбия бериши маъқул бўлади.

Баҳоловчи саволлар – асосан талаба – ёшларнинг ўзлаштирганлиги мезонлари асосидаги саволлар берилади. Бунда мавзу юзасидан таянч иборалар ва мавзуни баёни режасига тааллуқли маълумотларни ўзлаштирилганлигини баҳолашга қаратилган билимлар аниқланади.

Ижодий саволлар – асосан илмий фаразга ва башоратга тааллуқли саволлар бўлиб, улар талаба – ёшларни ижодий фикрлашга ундайди.

Бу борада охирги 3 та турдаги саволлар таълим-тарбия интерфаол усуллардан фойдаланишда талаба-ёшларнинг фаоллигини, мустақил фикрлаш, ишлаш кўникмаларини ва энг асосийси уларнинг инновацион жараёнларга кириб боришига катта ёрдам беради.

Саидносир Миржалилов (1884 - 1937). Атоқли маърифатпарвар, Туркистондаги миллий озодлик ҳаракатининг таниқли намоёндаларидан

бири Саидносир Миржалилов 1884 йил Туркистон шаҳрида таваллуд топган.

Ёшлигидан ўта зийрак, тадбиркор ва меҳнаткаш бўлган. Саидносир тужжорлик фаолиятини кичик бир газлама дўконини очишдан бошлаган. Кўп ўтмай, Туркистонда биринчи жадид мактабини ташкил этди. 1914 йилда пахта заводини қуриб, Туркистоннинг таниқли бойлари ва савдогарларидан бири сифатида шуҳрат қозонган.

С.Миржалилов 1917 йил сиёсий фаолиятга ўтади. Феврал инқилобидан сўнг Тошкентда ташкил этилган «Шўро исломия» ташкилотининг фаол аъзоларидан бирига айланди, Туркистон мустақилликка эришишини орзу қилган Саидносир Миржалилов тижоратчи сифатида топган сармоясининг катта қисмини миллий иттиҳод ва истиқлол учун олиб бориладиган курашга бағишлади. Туркистон аъзоси этиб сайланди. Муҳторият қонга ботирилиб, унинг раҳбарлари тақиб остига олингач, С.Миржалилов муҳторияти ҳукуматининг барпо этилишида фаол иштирок этди ва хорижга кетишга мажбур бўлди ва дастлаб Самарага бориб, Туркистонда рўй бераётган хунрезликларга чек қўйиш йўлларини ахтарди, сўнг Туркия ва Тифлисда бир муддат яшади. Большевиклар эълон қилган умумий афвга ишониб, 1921 йили ватанига қайтди. У орқали истеъдодли ёшларни Германия ва бошқа мамлакатларга ўқишга юбориш, «Нашри маориф» жамияти фаолиятини авж олдириш ишига ўз улушини қўшди. Лекин большевиклар кузатувидан озод бўлган С. Миржалилов 1925 йил 12 – декабр куни ҳибсга олиниб, Салобецк ороларига қамоққа юборилди. У уч йиллик қамоқ муддатини ўтагандан кейин 1932 йили яна беш йил муддатга қамалади. Ниҳоят 1937 йил 21 – июнь куни такрор ҳибсга олиниб, ўша йилнинг 25 октябрида отиб ташланади.

Саидносир Миржалилов қабрининг қаердалиги номаълум.

Сайт – графика ва мультмедиа элементлари жойлаштирилган гипермедиа хужжатлари кўринишидаги мантиқан бутун ахборот *(Абдуқодиров А.А ва бошқалар «Ахборот технологиялари» Т..: Ўқитувчи 2002 й. 137 бет.)*

Саломатлик – чин маънодаги саломатлик инсоннинг ҳам маънан, ҳам жисмонан етуклигидир. Саломатлик деганда инсоннинг руҳий, жисмоний ва ижтимоий саломатлиги тушунилади. Руҳий саломатлик – инсонни доим эзгуликка ундовчи ички бир куч. Руҳий саломатликка эришган инсон маънан етук бўлади. Инсон руҳини чиниқтирувчи воситалар – илоҳий қонунларни ўзида мужассамлаштирган Қурони Карим ва Ҳадиси Шариф, «Авесто» ҳамда бой маънавий меросимиз ҳисобланмиш мумтоз бадиий адабиётларни тинмай мутолаа қилишдир. Ижтимоий саломатлик кишининг олдига қўйган мақсадлари, яъни, ниятлари билан белгиланади. Инсон ўз олдига оиласи, ёру биродарлари ва миллат фаровонлигини оширишни одамларга яхшилик қилишдек эзгу ниятларни қўйган бўлса, сўзсиз у ижтимоий саломатдир. Ижтимоий саломатлик фаолликни тақозо этади. Киши яхшиликни фақат ният қилиб қўймай, амалда уни рўёбга ичқариши керак. Жисмоний саломатлик деганда жисмонан бақувват ва тани-жони соғ киши тушунилади. Бунинг учун одам танаси ва вужудини пок тутиши ҳамда шамоллашдан ўзини сақлаши керак. *(Зиёмуҳаммадов Б. Комилликка элтувчи китоб. Т.: «Турон иқбол» 2006, 117-б).*

Салоҳият – истеъдоднинг бир тури бўлиб, инсон ўзини муайян тарзда унга келадиган илҳомни қабул қилишга тайёрлангандан сўнг юз берадиган сифатдир. Тасаввуф намояндалари, сўфийлар хонақоҳларда мудом ўтириб узлатга чекиниб ўзларини ана шу тарзда тайёрлашган. Бундай ақл-истеъдод эгаларини салоҳиятли кишилар дейилади.

Салоҳият сўзи киши ёки жамиятнинг ички имкониятлари, ҳали тўла намоён бўлмаган куч-қуввати маъносида ишлатилади.

Самарадорлик – замонавий педагогик технологиялар аниқ шароитларда амал қилади ва натижалар бўйича самарали бўлиши, сифатлари бўйича эса оптимал бўлиб, таълимнинг стандарт ютуқларини маълум даражада кафолатлашдир.

Самарадорлик - самара тушунчаси билан узвий боғлиқ бўлиб, жараённинг ижобий томонга юксалишини билдирувчи сифатдир, яъни, олиб борилиши лозим бўлган фаолиятда қўйиладиган мақсадга тўла (баъзи ҳолларда қисман) эришишдир. Мақсадга қисман эришиш жараёни жорий ва оралиқ текширувлар орқали амалга оширилади.

Самарадорликни аниқлаш илмий тадқиқот иши бўйича тажриба-синов ишларини шакллантириш ва уюштириш ҳамда улар натижаларини тадқиқот мақсади нуқтаи назаридан таҳлил қилиш орқали амалга оширилади.

Саховат – ҳалоллик, поклик, меҳнаткаш, меҳрибон бўлиш ва виждонан ишлашдир. Саҳоватли бўлиш, маънавий ахлоқий покланиш, болалар уйлари, етимхоналарга бориб, ногиронларга, етим – есирларга хайр – эҳсон, яхшилик қилиш, кўнгилларини сўраш, моддий ёрдам бериш, уларнинг руҳиятини кўтаришдир.

Саховатлилик – инсоннинг баркамолликка эришганини билдиради. Саховатлилик негизида, одамнинг ўзида бўлган билими, ахлоқ ҳамда моддий бойликларини тинмай улашиш ҳаракати ётади. Бундай инсонларни биз саховатпеша инсонлар деб атаймиз, бу халқимизга хос бўлган юксак гўзал фазилатлардан биридир (*Зиёмуҳаммадов Б.*).

Саҳиҳ (араб. ишончли, тўғри) – энг ишончли деб ҳисобланган ҳадис номи. Ўрта асрларда ҳадисларни тўплаш билан шуғулланган

муҳаддислар уларни дин нуқтаи назаридан ҳақиқий ва ноҳақиқийларини ажратиш (яъни, кодификация қилиш) билан шуғуланиб, ҳадислар асосланган исноднн текшириш йўли билан саҳиҳ (ишончли), ҳасан (яхши) ва заиф (заиф, кучсиз)дан иборат уч тоифага бўлган, улардан саҳиҳларини тўплам қилганлар. Шу муносабат билан баъзи тўпламларнинг номи саҳиҳ деб аталган (масалан, «Саҳиҳи Бухорий», «Саҳиҳи Муслим»). Саҳиҳ ҳадис деб: унинг санади то охирги муҳаддисга қадар ўртада узилиб қолмаган, санаднинг бирор табақасидаги ровийнинг маънавий нуқсони бўлмаган (кар, соқов, дудуқ, ақл заифлик ёки ёлғон гапириб қўйишлик каби иллатлар бўлмаган), санаднинг бирор табақасидаги ровий ёлғизланиб қолмаган ва барча санаддаги ровийларнинг ишончлилиги элга машҳур бўлган кишиларнинг ривоятига айтилади *(Ислом энциклопедияси. Т.: 2004, 209-бет).*

Сезги – атроф-оламдаги (теварак-атрофдаги) моддий дунёни, нарса ва ҳодисаларнинг инсон онгида акс этишидир. Бу борада ҳиссий билиш бошқа нарса, яъни, ҳиссий билиш сезгидан ташқарида мавжуд бўлади, аммо ҳисий қабуллаш ва тасаввур каби шаклларга эга бўлиб, улар нарса ва ҳодисаларни (жраёнларни) чуқурроқ билишга хизмат қилади.

Сезиш – сезиш деб атрофдаги нарса-ҳодисаларнинг сезги аъзоларимизга бевосита таъсир этиши натижасида уларнинг айрим белги-хусусиятларининг миямизга таъсир этишга айтилади.

Сенат – Олий Мажлиснинг юқори палатаси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонунларида Олий Мажлис палаталарининг ваколатлари аниқ белгилаб берилган. Шунга кўра юқори палата - Сенат ва қуйи палата - Қонунчилик палатасининг биргаликдаги ваколатларига, жумладан, Конституцияни қабул қилиш,

унга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш; турли қонунлар қабул қилиш; ички ва ташқи сиёсатнинг асосий йўналишларини белгилаш; қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органларининг ваколатларини белгилаш; бож, валюта ва кредит ишларини тартибга солиш; солиқларни жорий этиш; бир қатор маъмурий - ҳудудий масалаларни ечиш; мукофот ва унвонларни таъсис этиш; Бош вазир номзодини тасдиқлаш каби ваколатлар киради. Парламентнинг биргаликдаги ваколатларига кирадиган масалалар, қоида тариқасида аввал Қонунчилик палатасида, сўнгра Сенатда кўриб чиқилади.

Олий Мажлис Сенатининг мутлақ ваколатлари қаторига, хусусан, Сенат Раиси ва унинг ўринбосарларини сайлаш; Конституциявий судни, Олий ва Олий хўжалик судини сайлаш, Ўзбекистон Республикаси Призидентининг тайинлов тўғрисидаги бир қатор фармонларини тасдиқлаш ва шу каби бошқа ваколатлар киритилган. Аммо Олий Мажлиснинг Сенати ва унинг аъзолари қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлмайдилар.

Сервер – тармоқ ишини таъминловчи махсус компьютер *(Абдуқодиров А.А ва б.)*.

Сертификат – лотинча «certificatus» - тасдиқланган. У бирор далилни тасдиқловчи ҳужжат. Масалан, маълум курсни (циклни) битирганлиги (тинглаганлиги)ни тасдиқловчи ҳужжат. Қисқартирилган таълим дастурлари бўйича касбий тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларини тамомлаганлигини тасдиқловчи ҳужжат. Бу педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни тасдиқловчи ҳужжат сифатида кўпроқ фойдаланилади.

Сигнал ахборот – республика фондидан жой олган материаллар рўйхатини даврий равишда эълон қилиб боришга мўлжалланган нашр.

Сиёсий маданият – ижтимоий фаолиятда намоён бўлади. Маданиятнинг бу қисмини ўзлаштириш кўрсаткичлари ва натижалари – сиёсий хабардорлик; шахснинг ҳуқуқлари ва эркларини ҳимоялашни таъминловчи давлат касаба уюшмалари тузулмаларини билиш; сиёсий партиялар, характерлар, асосий давлат ва жамоат ёшлар ташкилотларининг дастури ва ҳаракатлари тўғрисида хабардорлиги ва баҳоловчи фикрларга эга бўлиш; ижтимоий фоллиги ишлаб чиқариш ва ижтимоий муносабатларни ислоҳ қилишга, бошқарувда иштирок этишга тайёргарлиги давлат ва дунё тақдирига масъулият ҳисси.

Синетик метод – ижодкорлик фаолиятини стимуллаштириш учун алоҳида шароит, муҳит яратиб, кутилмаганда янги аналогларнинг ва ассоциациянинг туғилиши ёки яратилишига шароит яратади. Синетика сўзи турли элементларни, кўрсатгичларни, параметрларни маълум қонуният асосида бирлаштирувчи маъносини англатади.

Синергетика фани (СФ) – мувозанат ҳолатда бўлмаган тизимларда шаклланувчи ўз-ўзидан уюшиш жараёнлари, ҳар хил табиатли тузилмаларнинг турғунлиги ва емирилиши тўғрисидаги фандир. СФ фанларнинг ўзаро уйғунлашуви асосида шаклланиб келмокда.

Синтез – объектни (объектларни) бир бутун ҳолида қараб, уни (уларни) акс эттирувчи кўрсаткичларни (параметрларни, омилларни) ўзаро алоқадорлик ҳолатдаги тадқиқот усули. Одатда синтез усули таҳлил (анализ) усулидан кейин, яъни, объектни кўрсаткичларнинг мерархияли таҳлилидан кейин, уларни ўзаро алоқадорлик даражаларини ҳисобга олган ҳолда олиб борилади.

Синтез (бирикиш, қўшилиш**) –** анализга қарама-қарши бўлган фикрлаш жараёнидир. Унда ўрганилаётган нарса, воқеа ва

ҳодисаларнинг алоҳида қисмларини, бўлакларини бир бутун қилиб бирлаштиришдир.

Синф - турли феъл-атворли ва характерли, лекин барчасининг ёши бир хил бўлган ўғил ва қизларнинг ўқитувчилардан таълим олиши ва шу жамоанинг бошқарувчиси, ёрдамчиси ва аълочи ўқувчилар жамоасидир.

Синергетика – грекча «сенергос» сўзидан олинган бўлиб, «ҳамдўстлик», «ҳамкорлик» каби тушунчаларнинг илмий тилдаги ифодасидир.

XX асрнинг 70 йилларига келиб, Эйнштейннинг хаотик динамика ҳақидаги ишларини белгиялик физик-кимёгар И.Пригожин давом эттириб, сенергетика фанига асос солди. Ушбу фан йўналиши фанлараро янги йўналиш ҳисобланиб, табиий ва гуманитар фанлар ўртасидаги алоқадорликни ўрнатиш имконини беради.

Сенергетика фани фан қонун-қоидалари табиат ва жамият ҳамда оламни ўрганишнинг илмий манзарасига қаратилган гипотеза ва ғояларни шакллантиришга қаратилган бўлади.

Синергетика – даставвал мажмуалар назарияси ўз мақсадини жамики нарса ва ҳодисалар ҳамда уларни ташкил қилувчи қисмларда бирдай ишлайдиган умумий тамойилларни аниқлашга қаратди. Техник мажмуалар моделлаштиришни кибернетика ўз зиммасига олган бўлса, ахборот берувчи мажмуаларни ўрганиш жараёнида информацион назария вужудга келди ва охирида ҳаммасини интеграциялаштирувчи умуммажмуалар назарияси-синергетик пайдо бўлди. *(Б.Зиёмуҳаммедов)*.

Система (юнонча Sustema – қисмлардан ташкил топган, қўшилган) – бир бутунлик сифатида ташкил топган объектни ифодаловчи тушунча. Система тушунчаси «Элемент», «алоқадорлик»,

«бир бутунлик», «яхлитлик», «бирлик», «Структура», «иерархия», «элементлар ўртасидаги алоқадорлик қонуниятлари» ва шу каби терминлар (тушунчалар) билан боғлиқ ҳолда ифодаланади.

XX аср ҳар хил техналогияларнинг ривожланишини системани сунъий-техник ўзлаштиришда янгича сифатга эришилди, яъни, лойиҳалаштириш ишлари йўлга қўйилди. Натижада бошқариш манбаларига система сифатида қарашлар пайдо бўлди.

Умуман олганда система атамаси (термини) барча касб соҳаларига кириб кела бошлади.

XX аср ўрталарида илм-фанда системалар назарияси пайдо бўла бошлади ва натижада системали ёндашув тадқиқот усули шаклланди.

Системали анализ (тизимий таҳлил) - мураккаб манбаларни тадқиқ этиш ва лойиҳалаштиришда қўлланиладиган метод ва воситалар мажмуасидир *(Фалсафа. Қомусий луғат-370 б)*

Тизимий таҳлил тизимий ёндашув тадқиқот усулига асосланган бўлиб, 1950 йилларда алоҳида илмий йуналиш бўлиб шакллана бошлади. Тизимий таҳлил бугинги кунда алоҳида назария сифатида шаклланди ва ундан кўпинча сунъий манбаларни тадқиқ этишда фойдаланилади. Тизимий таҳлил асосан бошқариш муаммоларини ҳал қилишда, айниқса қарорлар қабул қилишда, унинг мақсадини ва унга эришишининг оптимал вариантларини танлашда қўл келади. Тизимий таҳлилнинг муҳим **босқичи,** тадқиқ этилаётган тизимнинг умумлашган **моделини** яратиш. Таълим ва тарбия тизимлари ҳамда уларни бошқаришда мақсадлар кетма-кетлигига етказиш алгоритмини яратишда тизимий таҳлил тадқиқот методининг роли беқиёс.

Системалилик – билиш объектларининг хусусиятларини тадқиқ этиш имкониятини яратади. Бу билимда объектни худди система сингари яратиш ҳақида фикр юритишга олиб келади.

Система элементлари ва қисм орасидаги алоқадорлик ва структурани тадқиқ этиш ҳамда улар ўртасидаги боғланишларни ифодалаш.

Сканер - 1. Компьютерга қоғоз варағи, тасма ва ҳ.к.лардан графика ва матн ахборотини киритиш қурилмаси. Сканер ёрдамида компьютер хотирасига икки ўлчамли тасвирни киритиш мумкин.

2. Дастурлаштириш тизимларида маърузавий таҳлилчи атамасига тенг кучли.

Тармоқ хавфсизлиги тизимларида — тармоқлараро экранлар ва бошқа тармоқ дастурий таъминотида автоматик равишда заифликларни топиш дастури.

Скептицизм – тез-тез учрайдиган фикрларни синчиклаб кўриб чиқиш.

Сон – математиканинг асосий тушунчаларидан бири бўлиб, дастлаб буюмларни санашга бўлган эҳтиёж туфайли пайдо бўлган ва сўнгра математик билимларнинг ривожлана бориши билан такомиллашиб борган. Антик дунё олимларининг асарларида натурал сонлар қатори чексиз эканлиги аниқланган (эрамиздан олдин III аср). Натурал сонлар қаторининг, туб сонлар қаторининг чексиз эканлиги муаммолари ва истаганча катта бўлган сонга ном берилиб, улар **Евклиднинг** машҳур **“Асослар”** асарида ва **Архимеднинг “Қум санаш” (Псаммит)** китобида муҳокама қилинган.

Сонли маълумот – сифатий маълумотлардан фарқли ўлароқ бўлган истеъмолга тайёрланган маълумотлар фақат сонлардан иборат бўлади.

Сифатий маълумотлардан ҳам сонли маълумот ҳосил бўлади, қачонки уларда кодлаштириш амалга оширилган бўлса. Бундай ҳолда улар сонли маълумотлар сирасига киради.

Софизм – атайлаб чиқариладиган нотўғри хулоса, бирор жумланинг нотўғри исботи. Бунда исботдаги хато исботнинг бирор босқичида анча усталик билан билинтирмай юборилади.

Социалогик тадқиқот методи - анкета саволлари орқали амалга ошириладиган тадқиқот бўлиб, бундан кўзланган мақсад талаба-ёшларнинг касб-ҳунарга бўлган муносабатларини, талабалар орасидаги дўстлик муносабатларини аниқлаш, ўзи таълим-тарбия олаётган олий ўқув юртидаги шарт-шароитларни билиш, ютуқ ва камчиликларни, ёшлар орасидаги муносабатларни, динга, хусусан, тасаввуфга бўлган қизиқишларини аниқлаш, талабаларнинг маънавий сифатлари даражасини, билим олишга иштиёқи, адабиётлар билан таъминланганлик даражаси, илмий ва касбий маҳоратини оширишдаги машғулотлар тури, стипендиялар миқдори, ота-оналарнинг моддий ёрдами, уларнинг маълумоти, иш жойи, талабаларнинг яшаш жойи, илмий дунёқарашини шакллантиришида таъсир этувчи омиллар, уларнинг онглилик даражаси жараёни, маънавий сифатлар, комилликка эришиш учун тезроқ қутилиш керак бўлган салбий сифатларни аниқлашдир.

Соғлом муҳит. Оиладаги соғлом муҳит – соғлом мафкурани шакллантириш манбаидир. Жамиятда ҳар бир оиланинг мустаҳкамлиги, фаровонлиги, ўзаро ҳурмат ва аҳилликни таъминлаш – миллий мафкурада кўзда тутилган мақсадларни амалга оширишда таянч бўлади.

Соғлом турмуш тарзи (СТТ) – инсон умрини қисқартиришга олиб келувчи касаллик ва бошқа сабабларнинг олдини олишга қаратилган ҳаракатлардан ва инсон умрини узайтиришга қаратилган ҳаёт тарзидир.

Спарта тарбия тизими - қулдор ота-оналар раҳбарлигида тарбияланган соғлом болалар 7 ёшдан мактабга қабул қилинган. Афина

тарбия тизимидан фарқли ўлароқ Спарта давлатида жисмоний камолотга катта эътибор берилиб, аёллар ҳам бу ишга жалб этилган. Чунки соғлом бақувват аёллар соғлом авлодни вужудга келтириши мумкин эди. Қизлар 18 ёшгача оилада жисмоний ва ҳарбий билимлар олганлар (*Ҳасанбоева О., Ҳасанбоев Ж., Ҳамидов Ҳ.*). Мактабларда беш асосий ҳаракат ўргатилган: беш кураш; ашула ва диний рақс, мусиқа, ҳарбий ўйинлар, жисмоний тайёрлгарлик берилган. Беш кураш турлари – югуриш ва сакраш, диск ва найза улоқтириш, курашиш, қўл жанги, сувда сузиш ўргатилган. Қулларнинг болаларига эса ота-оналарининг касб-ҳунарлари ўргатилган.

Стандарт – андоза – таълимда таълим олувчига қўйилган минимум талаблар, яъни, унинг эгаллаши лозим бўлган билимига, кўникмасига ва малакасига қўйилган минимум талаблар. Бунда таълим олувчи мазкур стандарт асосида баркамол шахс бўлиб шаклланади.

Стандарт – кўпчилик манфаатдор томонлар келишуви асосида ишлаб чиқилган ва маълум соҳаларда энг мақбул даражали тартиблаштиришга йўналтирилган ҳамда фаолиятнинг ҳар бир турларига ёки натижаларига тегишли бўлган умумий ва такрор қўлланиладиган қоидалар, тавсиялар, талаблар ва усуллар белгиланган ва тан олинган идора томонидан тасдиқланган меъёрий ҳужжат.

Стандарт лойиҳаси – кенг муҳокама қилиш, овозга қўйиш ёки тасдиқлашга тавсия этилган стандарт.

Стандартлаштириш – мавжуд ёки бўлажак масалаларга нисбатан умумий ва кўп марта тадбиқ этиладиган талабларни белгилаш орқали маълум соҳада энг мақбул даражада тартиблаштиришга йўналтирилган илмий техникавий фаолият.

Статистик ва динамик қонунлар – табиат ва жамиятдаги воқеа ва ҳодисалар ўртасидаги такрорланувчи алоқа ва муносабатларни

(барқарор ва ўзгарувчан) ифодаловчи категория *(Фалсафа. Қомусий луғат-378б)*

Динамик қонунлар – воқеа ва ҳодисалар ривожининг даражаларини аниқлаб бориш имконини беради. Халқ таълим тизими, таълим ва тарбиядаги технологик жараёнлар динамик қонуниятлар асосида фаолият кўрсатади.

Умуман динамик қонуниятлар ёрдамида тизимлар ўзгаришини башорат қилиш мумкин. Биологияда, тиббиётда, психологияда, педагогика, социалогияда ва шу кабиларда улардан кенг фойдаланилади.

Статик қонунлар – тахминийлик характерга эга ва улар тасодифий ҳодисаларни тадқиқ қилишнинг асосий йўлидир.

Статистик гипотеза – номаълум тақсимотнинг кўриниши ҳақидаги ёки маълум тақсимотнинг номаълум параметр ҳақидаги гипотезадан иборат.

Статистик критерий (ёки оддийгина критерий) деб нолинчи но гипотезани қабул қилиш ёки қабул қилмаслик ҳақидаги қоидага айтилади.

Статистик маълумотларни анализ ва синтез қилиш методи – педагогик тадқиқотнинг керакли статистик маълумотларини маълум бир мақсад билан тизимли ўрганишдан иборат бўлиб, бундан мақсад мустақил Ўзбекистонда фан, маданият, таълим-тарбияни тараққий этишига салмоқли ҳисса қўшиш. Халқ таълими соҳасидаги, жумладан, ажратилган маблағларнинг доимий ўсиб бориши, дарслик ва ўқув қўлланмалари, кўргазмали қуроллар, ўқитувчи кадрлар тайёрлаш, мактаб қурилиши, хўжалик шартномалари ва улардан тушаётган маблағлар **статистика усули** орқали аниқланади.

Статистик умумлаштириш (СУ) – тўлиқсиз индукциянинг алоҳида бир тури бўлиб, илмий индукция сингари, хулоса чиқаришда элиминация қилиш усулига, яъни, кераксиз ҳолатларни муҳокамадан чиқариб ташлаш йўли билан керакли ҳолатларни ажратиб олишга асосланади *(Фалсафа, Қомусий луғат-378б)*.

СУ манбаларни ўрганишда кўрсаткичлар (параметрлар)нинг орасидан биринчи даражали ва иккинчи даражалиларини ажратишни амалга оширади.

Масалан, таълимда таълим олувчилар билимларини (ўзлаштирганлигини) ҳисобга олиш ва даражалашда, тарбияда тарбияланганликни даражалашда СУ методларидан самарали фойдаланилади, шунингдек, иқтисодий кўрсаткичларни, ёки илмий тадқиқот ишларини, тажриба-синов ишларини, туғилишнинг ўзгаришини ва шу кабиларни СУ методлари асосида хулосаланади ва уларга мос тавсиялар тайёрланади.

СУ қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Оммавий тусдаги ҳодисаларнинг ўрганилаётган гуруҳи (намуна)ни ташкил этувчи ҳолларнинг умумий сони;

- Тадқиқотчини қизиқтираётган белгининг такрорланаётган ҳоллари миқдори;

- Қаралаётган белгининг пайдо бўлиш частотаси (даврийлиги).

Стереотип қарорлар – мавжуд амалдаги ҳужжатлар, йўриқномалар ва таълим муассасасининг низоми асосида қабул қилинадиган қарор бўлиб, улар асосан ходимларни ишга олишда ва ишдан бўшатишда, шунингдек, муассаса фаолиятини такомиллаштириш йўналишида чиқарилган буйруқлар кўринишида амалга оширилади.

Стратегик мақсад – узоққа мўлжалланган умумий аниқ режани ифодалайди.

Стратегия - ташкилот, соҳалар, ҳудудлар, мамлакат, миллат тақдири учун жиддий аҳамиятга эга бўлган, аниқ белгиланган мақсадларга эришишга йўналтирилган асосий ҳаракатларнинг узоқ муддатли дастури.

Стратегиялар – излаш учун русум-қоидалар мавжудлиги ва улардан фойдаланиш хоҳиши.

Таълим соҳасидаги бош мақсадларга қаратилган узоқ муддатли ишларни амалга ошириш дастури таълим стратегиясини ташкил этади.

1. Сезиш.

2. Синф.

3. Синтез.

Студент (талаба) - қунт билан ишловчи, шуғулланувчи – ОЎЮ ўқувчиси. Қадимги Римда илм билан шуғулланувчи барча шахслар студент деб аталган.

Субъект - юнонча сўз бўлиб, истеъмолда фойдаланишига қараб турлича ифодаланади. Улардан **биринчиси** - ташқи оламни (борлиқни) билишга ва ундаги ҳодиса ва жараёнларни ўрганишга интиладиган ва ўз ақлий фаолияти билан уларга таъсир кўрсата оладиган онгли одамдир ва **иккинчи** - муайян фаолият (жараёнда) қандайдир хусусиятларни ташувчи (етказувчи) одамдир.

Суггестив қобилият – ўқувчиларга эмоционал таъсир кўрсатишда намоён бўлади *(Зуҳра Исмоилова).*

Суггестия - таъсир кўрсатиш ишонтириш, мулоқот шаклида ўқувчи (суггеренд) таъсир кўрсатувчи, ишонтирувчи (ўқитувчи-суггестор) нинг айтганларини пассив, ихтиёрсиз, ўйламасдан ўзлаштиради ва унинг топшириқларини мотивлар курашисиз бажаради.

Суггестопедия – асосчиси болгариялик врач Лозанов. Бу таълим жараёни бир одам, яъни, ўқитувчининг ўз ўқувчисига таъсиридан

иборат. Бу чет тилларни ўрганишда қўл келади ва бошқа фанларни ўрганишда фойдаланиш мумкин.

Ўқувчилар фикрини жамлаш учун аутоген машқлар бажарадалар, яъни, паст овоздаги сокин мусиқа ёрдамида хотиржам ҳолатга келтирилади.

Классик мусиқа билан бир вақтда ўқитувчи турли интонацияларда таъсирчан, баланд, баъзан эса жуда паст овозда, лекин аниқ, тушунарли қилиб чет тилдаги матнни ўқиб, маъносини она тилида тушунтиради.

Бунда инсон онгига маълум ахборот осон кириб боради. Лекин бундан ташқари ўқувчилар олган билимларидан машғулотларда фаол фойдаланишлари лозим.

Бу усулда диққатни тўлиқ жамлаб англанган, эслаб қолинган ахборот англанмаган ахборот билан қўшилиб, хотира имкониятларини кенгайтиради.

Сулаймон Боқирғоний (?-1186). Самарқанднинг Боқирғон қишлоғида таваллуд топган. Болалик йиллари шу ерда ўтган, дастлабки хат-саводни шу ерда олган. У ислом дини тариқати, шариат қонунлари, Қуръони Каримни пухта ўрганади, тасаввуфнинг сир-асрорларини ўрганади.

Устозлари: Аҳмад Яссавий.

Боқирғоний шеърий йўналишда ижод этган. Унинг асарларида инсон камолоти ва маънавий етуклиги тўғрисидаги мулоҳазалар илгари сурилади. Илму маърифатнинг сўнгги манзили ҳақиқат бўлиб, унга таҳсил билан эришган киши ахлоқий покликка ва маънавий етукликка эришган комил инсон ҳисобланади, деб таъкидлайди. Мутафаккир ижодида илгари сурилган инсонпарварлик, баркамоллик, инсофли, диёнатли бўлишга ундовчи, инсон маънавий-руҳий поклиги хусусидаги

мулоҳазалари ёшларни ахлоқий жиҳатдан юксалтириш, уларда ахлоқий фазилатларни ривожлантиришга ёрдам беради.

Сунъий интеллект – одам интеллектининг баъзи вазифаларини ўзида мужассамлаштирган автоматик ва автоматлаштирилган тизимлар.

Сунъий интеллект фани (СИФ). Сунъий интеллект дейилганда компьютернинг инсон томонидан бажариладиган фаолиятига тақлид қилиш тушунилади.

Сунъий интеллект – фандаги янги соҳа. У кўпгина фанлар негизида шаклланмоқда ва шунинг учун ҳозирга қадар унинг аниқ, мукаммал таърифи йўқ. Бу фан кибернетика, математик психология, лингвистика ва бошқа фанлар билан бевосита боғлиқдир.

СИФ нинг асосий вазифаси – инсон ташқи қиёфасининг табиий интеллектини формаллашган муносабатлар ва техник воситалар ёрдамида имитациялашдан иборатдир.

Суҳбат, баҳс – ўқитиш ва ўқишнинг диалогик, савол жавоб усули. Булар, таълим олувчиларни сермаҳсул фаолият кўрсатишларини таъминловчи, таълимга муҳокама қилувчи ва ривожлантирувчи тус берувчи дарс бериш ва усулларидир *(Зуҳра Исмоилова).*

Суҳбат методи – тадқиқотнинг турли кўпгина босқичларида қўлланилади. Улар: дастлабки таниш босқичида; таълим тарбияни тўғри олиб борилаётганини ростлаб бориш мақсадида оралиқ босқичида;

Натижанинг тадқиқот объектига нисбатан аҳамиятини аниқлашда ва шу соҳа бўйича тавсия ишлаб чиқишда охирги босқичда ҳам;

Айниқса, кузатиш методи орқали қўлга киритилган хулосаларни аниқлашда ва шу кабилар.

Суҳбат методида самарали фойдаланиш ижобий педагогик натижаларга эришишни кафолатлайди.

Сўз эркинлиги – инсоннинг шахсий ва фуқаронинг сиёсий ҳуқуқларидан бири бўлиб, «оммавий ахборот эркинлиги» деб номланган умумий ҳуқуқнинг таркибий қисмидир. Фикр ва хоҳишнинг оғзаки, ёзма, оммавий ахборот воситаларидан эркин фойдаланган ҳолда баён этилиши сўз эркинлигидир.

Сўнгги назорат (СН) – якуний назоратлар натижалари тўғрисидаги қарорни жамоавий бўлиб қабул қилиш керак бўлган комиссия таркибида анъанавий тарзда ўтказилади. Талабаларга нафақа белгилаш ва уларни курсдан-курсга ўтказиш ҳамда якуний давлат аттестацияси СН га тегишли.

Т

Табақалашган таълим технологияси – технологияда таълим олувчиларнинг индувидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда гуруҳларга бўлиниши ҳисобга олинади. Айниқса, уларнинг гуруҳларга бўлишга уларнинг мазкур фанни ўрганишга бўлган шахсий қизиши, шахсий муносабатлари ёки ўша соҳа муаммолари ечимларига муносабатлари, ўша соҳанинг бошқа амалий ва истиқболли аҳамиятларини баҳолай олишлиги ва шу кабилар асосий мезон сифатида қаралади.

Бунда ўрганилаётган манбанинг (мавзунинг, бобнинг, фаннинг, курснинг, соҳанинг ва шу кабилар) мазмуни, ҳажми, мураккаблиги билан бир-биридан фарқланадиган турли даражадаги ўқув дастурлари ва режалари, дидактик ва инновацион коммуникатив дидактик материаллар тайёрланади. Уларни бажариш ва улардан фойдаланиш методологияси тайёрланади.

Табиий қадриятлар – ер юзида илм-фанни тараққий эттириш, тенгликни сақлаш, ядровий қуролларнинг лойиҳасини тўхтатиш,

халқаро хавфсизликни таъминлашни муҳофаза қилиш, қашшоқлик ва саводсизликка барҳам бериш, саноат хом ашёси, энергия манбалари ва озиқ - овқат билан таъминлаш билан боғлиқ бўлган ҳолатлар мажмуидир.

Тавсияли қарорлар – таълим муассасасининг фаолиятини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнига илғор педагогик технологияларни тадбиқ этиш, янги ахборот технологияларини жорий этиш ҳамда илғор педагогик тажрибаларни оммалаштириш йўналишида қабул қилинадиган қарорлар бўлиб, бунда таълим муассасасини ривожлантириш ва педагогик хидомларнинг фаолиятини такомиллаштириш йўналишидаги тавсиялар ўз ифодасини топади *(Джураев Р.Х., Турғунов С.Т).*

Тадрижий – секин – аста, даражама – даража содир бўладиган, яъни, эволюцион деган маънони англатади.

Тадқиқий қобилият – ўқитувчининг ўз педагогик фаолиятига ижодий ёндашиш орқали муоммоли вазиятларни ўз вақтида ҳал эта олиш ва жараёнларни ҳар қандай шароитда тўғри баҳолай олиш маҳоратларининг маҳсулидир.

Тадқиқот материалини батафсил ўрганиш – тадқиқот материалини чуқур ҳақиқий ўрганишдир. Бунда материаларни ўрганишга умумий тарзда эмас, балки чуқур илмий, таҳлилий нуқтаи назардан ёндашилади ва ундан тадқиқотни олиб боришда тўлиқ фойдаланишга эришилади.

Тадқиқот материалини тушуниш – тадқиқот материалларини тушуниб етишдан иборат бўлиб, ИТИни олиб боришда вақт бюджети ва тадқиқот сифатини (аниқлиги, ишончлилиги, амалийлиги, қулайлиги ва шу кабилар) оширишни кафолатлайди. Умуман олганда **тушуниш** – мантиқий фикрлашга асосланган мавжуд билимлар асосида, қилинган

таққослашлар, умумлаштиришлар орқали ҳосил қилинган билимлар ва асосланган ишчи гипотеза ҳамда илмий башоратларни ифодалаш ҳақидаги билим.

Тажриба – воқеликни амалий жиҳатдан ҳиссий-эмперик билиш жараёни. Тажриба кенг маънода ўқув, малака ва билимларнинг бирлигидан иборат. Шунингдек, фалсафада билишнинг эмперик усулларидан бири – **эксперемент** усули ҳам тажриба деб аталади. Тажриба қадимда фалсафа тарихида муҳим роль ўйнаган ва тадқиқот объекти бўлиб келган. Шарқ фалсафасида бирор нарсадаги муайян хосса ёки хусусиятни текшириб кўриш мақсадида ўтказиладиган синов тажриба деб аталади. Ҳозирги даврда педагогик тадқиқотлар олиб бориш (илмий гипотеза асосидаги) илмий ишланмаларни тажриба синов ишлари асосида илмий тадқиқотчининг олган натижасини нечоғлик амалий фаолиятни акс эттиришини ва педагогик самарадорликларни текшириб кўрилади.

Тажриба синов ишлари (ТСИ) – педагогик тадқиқотлар ва улар амалий аҳамиятини аниқлаш жараёни.

ТСИ нинг мақсади: яратилган амалий фаолият нуқтаи назаридан таълим технологияси натижаларини таҳлил қилиш, илмий ишланмалар натижалари кўрсаткичларини баҳолаш ва улардан амалиётда фойдаланишга қулай ҳолга келтириш, яратилган инновацион таълим услубияти билан таълим олувчиларни қуроллантириш, таълим олувчиларда ўганилаётган мавзунинг яратилиши ва унинг ўрганиш босқичлари ҳамда ривожланиш даражалари ҳақидаги билим ва тасаввурларни шакллантиришдан иборатдир.

ТСИнинг вазифаси тадқиқот илмий-назарий асосларининг амалий аҳамиятини қай даражадалигини баҳолашдан иборатдир.

ТСИнинг предмети қилиб қуйидагилар олиниши мумкин. Таълим берувчи ва таълим олувчиларнинг шуғулланаётган соҳаси (йўналиши ёки технология ёки мавзу) бўйича тарихий-илмий маълумотлар мажмуи ва уларнинг илмий-услубий салоҳияти; соҳа мутахассис олимларининг фалсафий-педагогик мероси; таълим берувчи ва таълим олувчиларнинг касбий ва маънавий-ахлоқий таълим-тарбияси; замонавий педагогик технология; ахборот технологияларидан фойдалана олиш имкониятлари ва шу кабилар.

Тажрибани режалаштириш – аниқ ва оптимал вариантлари мавжуд тажрибаларни уюштиришнинг алгоритмик тизими бўлиб, ўзгарувчиларни (кўрсаткичларини) илгаридан (назорат тадқиқотлар пайтида) ишлаб чиқилган схема бўйича қўйиши таъминланган тажриба ўтказиш тартиби.

Тактика – бош мақсад йўлида хусусий, оралиқ масалаларни ҳал қилишга йўналтирилган ҳаракатларни ташкил қилиш усули. Тактика жараёнининг охирида стратегик мақсадларга кўпроқ самара билан эришишни таъминлаш учун шароитнинг ўзгаришларини мос равишда ҳисобга олиш.

Такрорланадиган гуруҳлар – маълумотлар омборидаги маълумотлар муаммо (масала)нинг қўйилишига ва уларнинг ечимларини топилишига қараб гуруҳларга ажратилади ва бу гуруҳлардан баъзиларидан муаммо ечимини охирига еткунча бир неча марта фойдаланишга тўғри келадиганлигидир.

Талаба – жамиятимизнинг келажаги, келгувси ишларингизнинг давомчиси – вориси, меросимиз эгаси. Талаба «ҳар бир талаба учун ягона талаб»ни қасамёд сифатида қабул қилади ва бажаради. У билим юртининг ўзига хос қоидаларига, ички тартибига бўйсинади ва уларга амал қилади ҳамда бажарилишида фаол қатнашади. Талабанинг ҳуқуқ

ва бурчи қонун билан ҳимоя қилинади. Талаба ҳамма турдаги таълим – тарбия мажмуидан фойдаланади. У билим юрти раҳбарлари, гуруҳ раҳбарлари, фан ўқитувчиларига онгли равишда қулоқ солади ва улар томонидан берилган топшириқларни сўзсиз бажаради *(Зуҳра Исмоилова).*

Талабаларнинг ўқув фаолиятини шакллантириш технологияси – ушбу технологиянинг мазмун – моҳияти қуйидагича: бунда талабалар (ўқувчилар) билим олишга ўқув фаолиятининг алоҳида шакли сифатида қарайди ва ўқув фаолиятида билимларни ўқув топшириқлари ёрдамида эгаллашга йўналтиради яъни, дарс бошланиши билан талаба – ўқувчиларга ўқув топшириқлари таклиф этилади ва улар ечимлари дарс давомида ҳал қилиниб борилади. Дарс охирида уларнинг ўзлаштиришлари тест усулида аниқланади ва хулосаланади. Шуни унутмаслик керак–ки, бунда ўқитувчи фан (курс, бўлим, боб, мавзу, тушунча, қонун, қоида, мезон ва ҳ.к) ни ўзлаштириш бўйича ўқув топшириқларининг мантиқий тизимини ишлаб чиқади ва ўз ўқитувчилик фаолиятида яратилган тизим асосида «ўқиш – ўқитиш – ўқиш» тизимини оғишмай амалга оширади.

Талабалар техник ижодкорлиги тамойиллари (ТТИТ) – Дидактик ва маънавий-маърифий тамойилларга бўлинади.

Дидактик тамойиллар: синчковлик, кўргазмалилик, илмийлик, тушунарлилик, амалиёт билан боғлиқлик, мустақиллик ва фаоллик, индивидуаллик ва поғоналилик.

Маънавий-маърифий тамойиллар: онгли муносабатда бўлиш, бирдамлик, ватанпарварлик, бурчга ва ўз ишига садоқатлилик, танланган йўналишнинг осон келиши, фаолликни ошириш, ривожлантириш.

Талабанинг фаол мустақил фаолияти – ўқитувчи раҳбарлигида аниқ ўқув машғулотларини бажариш орқали касбий билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш бўйича билув масалаларини ечишга йўналтирилган ўқув фаолиятидир *(Тўрақулов О.Х.)*.

Талант – деб одамга қандайдир мураккаб меҳнат фаолиятини муваффақиятли, мустақил ва оригинал тарзда бажариш имконини берадиган қобилиятлар уюшмасига айтилади.

Қобилиятлар тараққиётининг юксак босқичига талант деб аталади.

Қобилиятлар каби талант ҳам фақат ижодиётда юксак маҳоратга ва аксинча муваффақиятга эришиш имкониятидан иборатдир. Бу оқибат натижада ижодий ютуқлар одамларнинг ижтимоий-тарихий яшаш шароитларига боғлиқдир. Агар жамият талантли кишиларга мухтож бўлса, агар бундай кишиларнинг ривожланиши учун шароит яратилган бўлса, ундай пайтда бундай кишиларнинг пайдо бўлиш имконияти туғилади. Демак, талантларнинг уйғониши ижтимоий шарт-шароитларга боғлиқдир. Талант қобилиятлар йиғиндисидан, уларнинг мажмуидан иборатдир.

Талантли шахслар йирик хажмдаги ва назарий масалаларни ҳал этадилар, илғор харакатларга эга бўлган янгилик ва ижодий ишларни амалга оширадилар.

Талантли шахсларда сезги, идрок, хотира, хаёл тафаккур, хиссиёт, ирода каби руҳий холатлар тараққий этган бўлади. Бу ҳол шахсни янада фаоллаштиради, унинг талантини кенгроқ намоён этади. Талантли шахслар ўз касбининг устаси бўлади. Уларнинг фаолиятига ибрат, намуналилик хосдир. Талантли бўлишнинг ягона шарти шахнинг ўз устида систематик равишда ишлашидир.

Тамойил, принцип (лотинча «асос», «биринчи, ибтидо») хатти – ҳаракатнинг биринчи ибтидоси, раҳбар ғояси, асосий қоидаси.

1. Назария, таълимот, фан ва шу кабиларнинг асосий қонун-қоидаси; фаолият учун асос қилиб олинган қонун - қоида.

2. Киши оғишмай амал қиладиган қоида, нуқтаи назар, қараш, маслак.

Тамойил (принцип) – обектив мавжуд қонуниятлардан, яъни, бутунни бир бутун қилиб турувчи қисимлари орасидаги зарурий боғлиқлардан келиб чиқиб, амал қилиниши лозим бўлган ҳаракатлар тушунилади. Таълим-тарбиянинг тамойиллари ўқиш ва ўқитиш жараёнида объектив мавжуд бўлган ва уни бутун қилиб турган қисмлари орасидаги зарурий боғлиқлардан келиб чиқиб, одамлар томонидан ишлаб чиқилган ва таълим-тарбия жараёнида амал қилишликка тавсия этилган ҳаракатлар тартибининг мойиллигидир. Кўп йиллик изланишлар ва баҳслар натижасида педагогикада қуйидаги дарс ўтишнинг умумий тамойиллар тизими ишлаб чиқилган:

- **онглилик ва фаоллик –** билимини талабалар томонидан онгли равишда ва фаол қатнашиб эгаллашлик;
- **кўргазмалилик –** «юз маротаба эшитгандан бир маротаба кўрган яхши» тамойилидан келиб чиқиб, билим беришга турли – туман кўргазмали қуроллардан самарали фойдаланиш;
- **тизимлилик ва мунтазамлилик –** билимни маълум бир тизимда ва узлуксиз равишда олиб бориш;
- **мустаҳкамлик** – билимни тушунарли тилда қайта - қайта такрорлаш йўли билан бериш;
- **тушунарлилик –** билимни ҳаммага тушунарли ва ҳаммабоп қилиб бериш;
- **илмийлик –** илмни болаларда аввалдан мавжуд билимларга асосланиб ва улардан келиб чиққан ҳолда бериш;

• **назария билан амалиёт бирлиги –** билим беришда назарий билимларнинг амалиётда ишлашини, яъни уни ҳаёт билан, амалиёт билан боғлиқлигини кўрсатиб бериш *(Зиёмуҳаммадов Б.)*.

Танқидий фикрлаш – берилган фикрлар доирасидан четга чиқадиган фикрларнинг мавжудлиги: мавзуда янги ўлчовларни кўриш; муаммоларни излаш ва ечиш; шунингдек, масалан, далилланган ёзиш ёки мунозаралар шаклида ифодаланадиган фикрлар ўртасидаги тафовут.

Танқидий фирклаш – берилган фикрлар (маълумотлар) даврасидан четга (кенгроқ бўлган ҳолга) чиқарадиган фикр (маълумот) ларнинг мавжудлигини идрок қилдириш ва бунга эришиш; мавзу бўйича маълумотларни кенгайтириш борасида янги ўлчовларни яратиш; тегишли муаммоларни излаш ва улар оптимал ечимларини топиш.

Танқидий фикрлаш – ахбооротларни ўзлаштиришдан бошланадиган ва хулоса чиқариш билан тугалланадиган мураккаб ўйлаш жараёни.

Танқидий фикрлаш – очиқ ва демократик жамиятнинг ғоятда муҳим рамзидир.

Танқидий фикрлаш – фикр ва имкониятларни мураккаб ижодий яхлит ҳолга келтириш ахборот ва концепцияларнинг моҳиятини ўзгартириб, уларни қайтадан мушоҳада этиш жараёнидир.

Танқидий фикрлаш – мураккаб ўйлаш жараёни.

Танқидий фикрлаш – тўғри тузилган педагогик жараённинг натижаси бўлиб, унда ўқитишнинг мақсади танқидий фикрлашни ривожлантиришдир.

Танқидий фикрлаш – берилган фикрлар доирасидан четга чиқадиган фикрларнинг мавжудлиги; мавзуда янги ўлчовларни кўриш; муаммоларни излаш ва ечиш; шунингдек, далилланган ёзиш ёки мунозара шаклида ифодаланадиган фикрлар ўртасидаги тафовут.

Тараққийпарварлик – тараққиётнинг самарали босқичлари учун жонбозлик кўрсатиш, Ватан равнақи ҳақида тинмай қайғуриш ва кишиларни бундай буюк ғояларни амалга оширишга жалб қилиш.

Тарбия – инсон шахси маънавий қиёфасини шакллантиришга қаратилган сай – ҳаракатлар тизимидир.

Тарбия – кенг маънода у ёки бу сифатларнинг ёки ижтимоий гуруҳларнинг мақсадларига мувофиқ одамларнинг янги авлодларига аввал авлодларнинг ижтимоий – тарихий тажрибасини узатиш воситаси билан жамиятнинг ривожланишини таъминловчи вазифаси.

Тарбиялашнинг тор маъноси – ижтимоий институтлар доирасида ва таъсирида ижтимоий амалиётнинг ҳар бир доирасидаги ҳаётий фаолиятига, ижтимоий вазифаларни ва ролларни бажаришга тайёрлаш мақсадида шахсни онгли, мақсадга йўналтирилган, мунтазам шакллантириш жараёни. Тарбиялаш ижтимоийлаштиришнинг асосий ҳалқаси бўлиб, ўқитиш билан узвий равишда боғлиқдир ҳамда таълим тизимининг таркибий қисми ҳисобланади.

Тарбия – маънавий манбалар ва ҳозирги замон талаблари ва эҳтиёжларини назарда тутган ҳолда ўқитувчининг ўқувчи билан аниқ бир мақсадга қаратилган ўзаро оммавий ва назарий мулоқотидир.

Тарбия вазифаси – маънавий манбалар ва ҳозирги замон талаблари ва эҳтиёжларини назарда тутилган ҳолда ўқитувчининг ўқувчи билан аниқ бир мақсадга қаратилган тарбиянинг самарадорлиги тарбиянинг қандай методидан фойдаланишга боғлиқ.

Тарбия жараёни – тарбия жараёнининг моҳияти ва жамият тараққиётидаги роли ниҳоятда беқиёсдир. Инсонни тарбиялаш, уни билим олишга, меҳнат қилишга ундаш ва бу хатти-ҳаракатини аста-секин кўникмага айлантириб бориш лозим.

Тарбия мақсади – талаба-ёшларда миллий ғоя ва миллий мафкурани шакллантиришда илмий педагогик тадқиқот методлари қўлланилади.

Тарбия методлари – метод лотинча metodoc – йўл сўзидан олинган. Метод тадқиқот йўли, назария, таълимот деб таржима қилинади. Илмий тушунча сифатида «метод» сўзи кенг маънода муайян мақсадга эришиш йўли тушунилади.

Тарбия тамойиллари: тарбиянинг мақсадга йўналтирилганлиги ва ғоявийлиги; тарбияда демократик ва инсонпарварлик ғояларининг устунлиги; тарбияда миллий, умумбашарий қадриятларнинг устунлиги; тарбияда изчиллик ва тизимлилик; тарбияни ижтимоий ҳаёт билан уйғун ҳолда олиб бориш; тарбияни меҳнат фаолияти билан боғлаш; тарбияланувчи шахсини ҳурмат қилиш; тарбияда тарбияланувчининг ёш ва алоҳида ҳусусиятларини ҳисобга олиш; жамоа ва жамоа ёрдамида тарбиялаш; тарбияда тарбияланувчи хулқидаги ижобий сифатларга таяниб салбий томонларни йўқотиш.

Тарбия қоидалари:

- тарбиянинг аниқ бир мақсадга қаратилганлиги;
- тарбияни ҳаётий фаолият билан боғлиқ ҳодиса деб билиш;
- шахс тарбиясида жамоанинг ўрни борлиги;
- тарбияланувчи шахсига нисбатан талабчан бўлиш ва унинг шахсини ҳурмат қилиш;
- тарбияланувчининг тарбия жараёнида ёши ва ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиш;
- тарбиявий ишларнинг изчиллиги ва мунтазам олиб борилишига эътибор.

Тарбия мақсадининг аниқлиги – Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ги Қонуни, ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий

дастури» ларининг ғояларини эътиборга олган ҳолда эркин, ижодкор, мустақил фикр эгаси бўлган баркамол инсонни тарбиялаб вояга етказишдан иборатдир. Ушбу мақсадга эришиш йўлидаги асосий восита бу шахсда умумий маданиятни таркиб топтиришдир, яъни, шахснинг ақлий, аҳлоқий, жисмоний, эстетик, иқтисодий, экологик, ҳуқуқий, мафкуравий ҳамда меҳнат маданиятини шакллантириш каби тарбиянинг бош мақсадини амалга ошириш имкониятини яратишдан иборатдир.

Тарбия қоидаси (ТҚ) – педагог таълим ва тарбия жараёнини яхшироқ ташкил этиш мақсадида фойдаланадиган бошланғич ҳолат, раҳбарлик асосидир. ТҚлари деганда ўқитувчи ва тарбиячиларга йўл-йўриқ кўрсатувчи қоидалар ҳисобланади. ТҚ Шарқ ва Марказий Осиё донишмандларининг фикрлари ва миллий педагогика эришган ютуқларига асосланади.

ТҚларига қуйидагилар киради:

- тарбиянинг маълум мақсадга қаратилганлиги;
- тарбиянинг инсонпарварлик ва демократия қоидаси;
- тарбиянинг ҳаёт ва меҳнат билан боғлиқлик қоидаси;
- тарбияда миллий-маданий ва умуминсоний қадриятларнинг устиворлиги қоидаси;
- тарбияда ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш қоидаси;
- изчиллик, тизимлилик, тарбиявий таъсирларнинг бирлиги ва узлуксизлиги қоидаси *(Мунавваров А.)*.

Тарбиявий жараён – ривожланиб бораётган авлоднинг катта ёшдагилар тажрибасини эгаллаб бориш жараёни бўлиб, инсонларнинг ривожланишини бошқариш ҳамда уларнинг шахсий ҳислатилари шаклланишига зарур шароитлар яратиб беради. Айрим ҳолларда **тарбия билан ривожланиш** ўртасидаги ўзаро боғлиқлик йўқдек туюлади,

аслида улар ўртасида боғлиқлик жуда мураккаб ва аҳамиятлидир. Инсон шахси тарбия жараёнида ривожланиб боради, ривожланиш даражаси унинг тарбиясига ижобий таъсир кўрсатади, яъни, ўзгартиради, шакллантиради. Яхши ташкил этилган тарбия жараёни шахснинг ривожланиш даражасини тезлаштиради ва яна тарбияга қайта таъсир кўрсатади. Шу тарзда инсоннинг бутун ҳаёти давомида бу таъсир ва акс таъсирлар ўзаро бир – бирини тўлдириб, таъминлаб боради *(Джураев Р.Х., Турғунов С.Т).*

Тарбиявий мақсад – фан асосларини ўзлаштириш орқали унинг мазмунида ётган ғоялар, дунёқарашлар таъсирида ўзининг шахсий сифатларини, иймон-эътиқодларини шакллантиришни кўзлашдир.

Тарбиявий муносабатлар (ТМ) – инсонлар ўртасидаги доимий муносабат (алоқалар) бўлиб, улар инсон шахсининг ривожлантиришга, яъни, мустақил маълумот, мустақил таълим олиш ва ўз – ўзини тарбиялашни шакллантиришга хизмат қилади, шунингдек, бу бошқарув жараёнида раҳбарлар билан ходимлар ўртасидаги муносабатларда турли шаклларда намоён бўлади, яъни, раҳбарларнинг билими, муомала ва мулоқот маданияти, кийиниши, гавда ҳаракатлари, бошқарувчилик қобилияти, фан – техника, санъат ва табиатга бўлган муносабати ҳамда қизиқиши ходимларнинг фаолиятига ўз таъсирини кўрсатди.

ТМ – инсонларнинг ўзаро тажриба алмашиниши, тажрибаларни ўзлаштириши, қўллаши бўлиб, бунга фан, техника, санъат ва табиат билан бўлган муносабатлари киради. Буларга асосан ТМ нинг асосий шаклларини ажратиб кўрсатиш мумкин: **«инсон – инсон», «инсон – китоб - инсон», «инсон – техника - инсон», «инсон – санъат - инсон», «инсон – табиат - инсон»** шулар жумласидандир. Бу ТМ жараёнида инсон иккинчи бир инсонга бевосита ўзининг ҳаракатлари билан ёки воситалар ёрдамида таъсир ўтказиш мумкин.

ТМ ни инсонлар ўртасидаги доимий муносабат, яъни, **алоқалар тизими** деб ҳисоблар эканмиз, бу жараён ихтиёрий таълим муассасаларидаги раҳбарлар билан ходимлар, ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги муносабатларни қамраб олади *(Джураев Р.Х., Турғунов С.Т)*.

Тарбиявий соатлар – билим юрти шароитида дарсдан ташқари тарбиявий ишларни ташкил этишнинг асосий шаклларидандир. Тарбиявий ишлар маърифий, йўналтирувчи, баҳоловчи сингари уч асосий қисмларга бўлинади.

1. **Маърифий таркибий қисмда** – ўқув дастурларидан ташқари ўқувчиларнинг этик, эстетик, психологик тушунчаларни, фан, техника, халқ хўжалиги, дунё воқеаларига оид мавжуд билимларни бойитишда ва кенгайтирадиган ишлар амалга оширилади (10 минут).

2. **Баҳоловчи тарбиявий қисмда** – моддий – маънавий бойликлар ҳамда атроф – муҳитни муҳофаза қилиш, ундан оқилона фойдаланиш меҳнат кишилари ва Ватан ҳимоячиларининг шон – шуҳрати, улуғ халқимизнинг урф – одатлари, миллий қадриятлар ҳақида тегишли тушунчаларни ҳосил қилиш ва мустаҳкамлаш ишлари амалга оширилади (25 минут).

3. **Йўналтирувчи таркибий қисмда** – талабаларнинг мавжуд ҳаёти ҳақидаги билим ва тушунчалари тўғри, мақсадга мувофиқ йўналтирилиб, уларнинг ҳаёт тажрибаси, ахлоқи, турмушда ўз йўлини тўғри танлашдек, ҳаётий фаолиятлари бошқариб борилди *(Зуҳра Исмоилова)*.

Тарбиявий технологиянинг комплекслилик хусусияти – бунда қаралаётган технологик жараённинг барча элементлари (ташкил этувчилари омиллари, жиҳатлари) нинг ўзаро боғланишларини мувофиқлаштиришни тақозо этади ва унинг мазмуни хилма-хиллиги ва

кўп омиллиги ижтимоий-тарбиявий технологияларга комплекслик хусусиятини бахш этади.

Тарбиявий технологиянинг иерархиялик хусусияти – бунда қаралаётган ижтимоий-тарбиявий технологияни амалга оширишда уни ташкил этувчиларини ўзаро боғлиқ ҳолда аниқ мақсад сари босқичма-босқич, яъни, қатъий алгоритм асосида олиб бориш технологияси тушунилади ва ҳар бир қуйи босқичда қўлга киритилган натижа юқори босқич учун пропедевтик материал бўлиб ҳисобланиб борилаверади.

Тарбиявий технологиянинг тизимлилик хусусияти – тизимлилик технологиясининг ўзи маълум бир қонуниятга асосланади ва тизимлилик ҳар қандай технология учун муҳим хусусиятдир. Тизимлилик тизим элементларини ўзаро бирлигини таъминлайди ва технологик жараён элементларининг (омилларининг) ўзаро таъсири, мазмуни, мақсад-вазифаси, метод ва шаклларини қамраб олади. Тизимдаги омиллар алоқаси пировард натижада қўйилган мақсад ва вазифа ечимини ифодалайди.

Тарбиявий технологиянинг яна бир муҳим хусусияти шундан иборатки, унинг ташкил этувчилари орасида албатта ирсий, тарихий, мазмуний ва функционал боғланишларда учрайди.

Тарбиявий технологиянинг яхтилик хусусияти – мазкур технологик жараёнда қатнашувчи элементлар (ташкил этувчилар)нинг умумий интегратив сифати мавжудлиги ва уларнинг ўзига хос ва мос қонуниятлари сақланишидир. Шунингдек, мазкур технологиянинг умумий мақсад асосидаги бирлиги таркибига кирувчи тизимларнинг косцептуал асоси ва уларнинг ташкилий-тузулмавий характерга эгалиги ва шу асосда ушбу жараённи бошқаришда яхлитлилик талаб этилиши.

Тарбияда демократик ва инсонпарварлик ғояларининг устунлиги – тарбияда инсон шахсини ижтимоий қадрият деб тан

олиниши, ҳар бир бола, ўсмир ва ўспириннинг бетакрор ва ўзига хослигини ҳурматлаш, унинг ижтимоий хулқи ва эркинлигини ҳисобга олишдир.

Тарбияда жамоат йўналиши – тарбиявий ишлар мазмунида жамоага нисбатан ижобий муносабатларни қарор топтириш жараёнидир. Бунда асосий мақсад жамоа ёрдамида шахснинг ҳар томонлама тараққиёти унда дунёни англаши ва уни тўла қонли талқин этиши, инсонпарварлик ва ҳамкорлик туйғуларининг юзага келишини ва ривожланиб боришини амалга оширишни тарбияланувчига англатишдан иборатдир.

Тарбияда изчиллик ва тизимлилик – тарбияга яхлит тизимли ёндашув асосидаги педагогик ҳаракатларнинг пировард натижасига йўналтирилганлик даражасини эгаллашдир. Тарбияда изчиллик жуда муҳимдир. Таълим олувчиларга бирданига кўп талаб ва қоидаларни тақдим қилиш мумкин эмас. Ўқитувчилар таълим олувчиларга бўлган муносабат жараёнида ўзаро бир-бирига зид ҳаракатда бўлмасликлари, ягона талаб қўйилиши лозим.

Тарбияда ихтиёрийлик – таълим берувчининг таълим олувчидаги қизиқиш, фаолият, ўртоқлик ва фуқоролик бурчини англаш, мустақилликка интилиш туйғуларини кўра ва англай олиш асосларидаги талабанинг шахсига таъсир кўрсатишига йўналтирилган фаолияти бўлиб, бунда талабаларнинг ирода эркинлиги тарбия ғоялари моҳиятини қарор топтиришда муҳим маънавий асосдир, чунки усиз тарбия жараёнини оқилона ташкил этиб бўлмайди ва шунинг билан бирга тарбия жараёнини оқилона ташкил этиш бир вақтнинг ўзида ўқитувчи ва талаба маънавиятининг баб-баробар бойитишига хизмат қилади.

Тарбияда миллий ва умуминсоний қадриятлар устунлиги – халқнинг кўп асрлик қадриятларини ва улкан ҳамда бой меросини чуқур

билиш, миллий ўзликни англаш, миллат ғурур туйғусини қарор топтиришларга қаратилган фаолиятдаги асос. Бунда халқ анаъналари, урф-одатлари, маросимлари, халқ оғзаки ижоди, миллий ўйинлар ва уларда ифодаланган ғояларни таълим олувчилар онгига сингдириш, уларда ушбу ғояга нисбатан ҳурматини қарор топтириш муҳим аҳамият касб этади. Умумбашарият учун қадрли, ардоқли бўлган, инсоният ўтмиши, бугуни ҳамда келажаги учун дахлдор қадр - қимматга эга бўлган анаъналар, урф-одатлар ҳақидаги маълумотлар бериш, уларда меҳр-муҳаббат туйғусини уйғотиш, уларни қўллаб-қувватлаш, эзгу ғоялар учун курашиш ҳиссини қарор топтириш тарбия жараёнида амалга оширилиши лозим.

Тарбияда тарбияланувчининг ёш ва алоҳида хусусиятларини ҳисобга олиш – тарбиянинг мазмуни, шакл ва методлари болаларнинг ёши ва савиясига қараб турлича бўлишлигидир. Шу даврлар ичида боланинг ахлоқий турғунлиги ривожланади, хулқи ва онги ўртасидаги уйғунлик вужудга келади. Шунинг билан бирга тарбия беришда тарбияланувчининг шахсий хусусиятлари ҳисобга олинади.

Тарбияланганлик – шахс тарбиясидаги кўрсаткичи бўлиб, шахснинг тажрибаларни яхши ўзлаштирилганлиги, тарбиявий ривожлантириш мақсадида йўналтирилганлиги билан баҳоланади.

Тарбияланганлик – миллий урф-одатларимиз, қадриятларимизга эътиқод билан риоя қиладиган, ноқонуний ишлардан ўзини тия оладиган, ўз хатти-ҳаракатлари билан ўзгалар нафратини қўзғамайдиган хулқ-атвордир.

Тарбияланувчиларни тушуниши – ўқитувчиларни назокатсиз муомаладан сақлаб қолиб, уларга ҳар қандай вазиятда таъсир эта олиш ва бу борада тадбир белгилай олиш каби хатти – ҳаракатлар маҳсули *(Зуҳра Исмоилова).*

Тарбияланувчи шахсини ҳурмат қилиш – тарбияланувчиларни ижтимоий тарбиялаш тамойилларига оид тарбиялаш жараёни бўлиб, инсонпарварликка асосланган бўлади. Тарбияланувчи шахсини ҳурмат қилиш, уларга меҳр-муҳаббат кўрсатиш ва уларга ишониш ушбу тарбия йўналишида ўта муҳимдир, чунки қаерда тарбияланувчиларга ҳурмат, муҳаббат, ишонч бўлсагина ўша жойда тарбиянинг таъсири самарали бўлади ва тарбияланувчиларга ҳурмат ва муҳаббат улар кучига куч қўшади, ўқитувчига нисбатан ҳурматини уйғотади.

Тарбияни демократиялаштириш – тарбияни маъмурий эҳтиёж ва қизиқишларидан юқори қўйиш, тарбиячи ва тарбияланувчи ўртасидаги ўзаро ишонч, ҳамкорлик асосида педагогик муносабатлар моҳиятини демократлаштириш демакдир. Бу тарбия ишига жамоатчиликни жалб қилиш, унинг ривожланишига жамоат омилини киритиш демакдир. Ўқитувчи таълим олувчига аввалгидек, тарбия обеъкти эмас, балки ўзи каби субеъкт деб қараш керак. Яъни, таълим олувчини тенг хуқуқли ҳамкор, ҳамфикр деб қараш керак. Таълим ва тарбияни **инсонпарварлаштиришнинг** педагогик диққат ҳамда эътибор марказида инсоннинг муҳим масаласи ва муддоаси, яъни, болаларда инсон шахсига дунёдаги энг юқори, бебаҳо бойлик сифатидаги муносабатини шакллантиришдек фаолият ётади.

Тарбияни ижтимоий ҳаёт билан қўшиб олиб бориш – тарбияни таълим олувчиларнинг ўсиб улғайиши ва шахсининг шаклланишида ҳаёт ва ижтимоий жамият таъсири остида олиб бориш жараёнидир. Бундан мақсад талабаларни турмуш учун мустақил фаолиятга тайёрлашдир.

Тарбиянинг аниқ мақсадга йўналтирилганлиги - ўқитувчининг ижтимоий тарбия мақсади ва вазифаларини аниқ тасаввур этиши ва пухта англаб олишидир.

Тарбиянинг йўналтирилганлиги – таълим муассасаларидаги таълим – тарбия жараёнининг марказий нуқтасида тарбиявий ишлар дастури, тадбирлари, шакл, метод ва воситалари эмас, балки талаби турганлигини англатишга хизмат қилувчи фаолиятдир, чунки тарбия жараёнида талабанинг шахсий хусусиятлари, қизиқишлари ўзига хос тавсифи, ўз қадр - қимматини англаш туйғулари ривожлантириб борилади.

Тарбиянинг объетив қонунлари – булар ўқув-тарбиявий жараённи ташкил этиш ва ижтимоий ҳаётнинг шахсни, уни ўзига хослиги ҳамда сифатларини шакллантиришга қаратилган қонунлар бўлиб, уларда талабаларни турғун бўлган анъаналарга хос билимлар билан қуроллантиришга эътибор қаратилади.

Тарбиянинг хусусиятлари – тарбия инсонни комилликка етаклайди. Комил инсон бўлиш учун болани туғилган кунидан бошлаб тарбиялаш лозим. Тарбия жараёнида ота-она, атроф-муҳит муҳим рол ўйнайди. Шунинг учун ота-оналар фарзандлари олдида намунали хулқли бўлишлари шарт.

Тарбиянинг ғоявийлиги – ёш авлодни юксак ғоявийлик руҳида тарбиялашдан иборат бўлиб, унда тарбияланувчиларнинг онгига халқ, миллат, юрт, жамият манфаатларидан юқорироқ манфаат бўлиши мумкин эмаслигини сингдириш, уларни ватанга, халққа муҳаббат руҳида ва садоқатли қилиб тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади. Бу соҳада мустақил республикамиз халқ таълими ходимларининг асосий вазифаси ғоявий етук, ижодкор, мустақил ва эркин фикрлаш қобилиятига эга бўлган **баркамол шахсни** тарибялашдан иборатдир.

Тарбиячи – устоз бўлиши учун, бошқаларнинг ақл – идрокини ўстириш, маърифий зиёсидан баҳраманд қилиш, ҳақиқий ватанпарвар, ҳақиқий фуқоро этиб етиштириш учун, энг аввало, тарбиячининг ўзи

ана шундай юксак талабларга жавоб бериши, ана шундай юксак фазилатларга эга бўлиши керак *(Зуҳра Исмоилова).*

Тарбиячи – инсон, авлодлар тажрибасини эгаллаш учун мажбурий ёки зарурий таъминотчи бўлиб, тарбиячилар тақдири учун масъулдир, яъни, авлодлар тажрибаларини ўрганадиган ва эгаллайдиган шахслар ривожланиши таъминотчисидир.

Тарбиячи: «эскини ўзлаштирган ва янгини тушунишга қодир инсонгина тарбиячи бўла олади» (Конфуций)

Тарих – халқ маънавиятининг асосидир. Ҳаққоний тарихни билмасдан туриб, ўзликни англаш мумкин эмас. Инсон учун тарихидан жудо бўлиш – ҳаётдан жудо бўлиш демакдир.

Тарих, тарихийлик – дейилганда тарихда қоладиган, тарих фанига оид бирор соҳанинг ўтмишни ўрганиш маънолари англашилади.

Бошқача айтганда, ҳар бир нарса ёки воқеа – ҳодисани уни юзага келтирган мавжуд шароит билан узвий боғланишда текшириш ва баҳолаш тамойилидир. Тарихийлик дейилганда, қачон бажарилганлиги, қай вақтда бўлганлиги аниқ кўрсатилиши, санаси ёзилиши назарда тутилади. Масалан, республикамиз Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган барча қонунлар тарихий хужжатлардир. Ўтмишда тарихни ёзиб борган кишилар тарихнавислар дейилган, шунингдек, уларни солномачи, йилномачи деб атаганлар. Ҳозирги кунда тарих фани мутахассисига, тарих илми билан шуғулланувчи олим ва ходимга тарихчи дейилади.

Тарих дунё ва жамиятдаги ҳар қандай емирилиш ва ривожланиш жараёнларини таҳлил этади. Шу маънода қуёш тизимидаги сайёралар тарихи, ўз сайёрамиз тарихи, айрим фанлар – адабиёт тарихи, ислом тарихи, фалсафа тарихи ва шу кабилар тушунилади. Тарих – инсоният,

кишилик жамиятининг муайян тариққиёт ва таназзул йўлларини ўргатувчи фан.

Тарихий хотира – миллий ғурур ва ифтихор ҳиссининг заминларидан бири. Миллат ва элатлар аста-секин, тарихан ташкил топадилар. Бу жараён, вазиятга қараб, бир неча асрга чўзилиши мумкин. Миллатнинг шаклланиши, айни вақтда миллат томонидан ўз ўтмиши, тарихи, аждодларнинг меҳнати, қаҳрамонлиги, миллий маънавият ва маданиятнинг барча йўналишлари, тармоқлари, хилма – хиллиги ҳамда ўзига хослигини ўрганиш, уларга ишлов бериб, бу жараёнда такомиллашишидир.

Тариқат (араб. – йўл, усул) – суфийликка хос тушунча. Уч маънода ишлатилади: 1) умуман суфийлик йўли; 2) суфийликнинг муайян тармоғи; 3) суфийлик босқичларидан бири. Лекин тариқатнинг суфийлик йўналишлари (сулуклари), тармоқлари маъносида қўллаш кенгроқ тарқалган. Суфийликда тариқатлар ғоятда кўп бўлган. Ўрта Осиёда илгаридан нақшбандийлик, кубровийлик, яссавийлик тариқатлари тарқалган (*Ислом энциклопедияси. Т.: 2004, 222-223 бет*).

Тармоқнинг ахборот ашёлари – архив, кутубхона, фондлар, маълумотлар омбори ва бошқа ахборот тизимларидаги ҳужжатлар йиғиндиси. *(Абдуқодиров А.А ва б.)*.

Тасаввур – олдин идрок қилинган нарсаларнинг кўз олдимизга келган образларидир. Тасаввуларнинг турлари одамларнинг касбларига, қизиқишларига, хавасларига, характер ва қобилиятларига боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Турли кишиларда тасаввур образларининг яққоллиги ва равшанлиги турли хил бўлади.

Тасаввур – бўлган ва бўлмаган воқеа ва ҳодисаларни инсон кўз очиқ ва ёпиқ ҳолда ҳам ўз тасаввурида бўладиган жараён ҳисобланади.

Тасаввуф, суфийлик – исломда инсоннинг руҳий дунёси тўғрисидаги қараш. Тасаввуф узоқ асрлар давомида халқимиз маънавиятини бойитишга хизмат қилиб келган. Инсоннинг руҳий-ахлоқий покланиши, илоҳий муҳаббат билан юксалиб бориш бу таълимотнинг асосий ғояларидир. Шу боис тасаввуф чуқур инсонпарварлик ғоялари билан омухта бўлиб, ҳақиқат талабида юрган одамлар қалбига йўл топди, одамларнинг поклик, абадий ҳаёт, кўнгил ҳуррияти ҳақидаги орзуларини ифодалаб келди. Халқимиз суфий дарвешларга ҳурмат-эҳтиром орқали Аллоҳ таолога, унинг инсонни улуғлаган қудрати ва файзу футуҳига эътиқодларини изҳор этганлар. Шайхларнинг кароматлари, сўзлари ва сийрату сурати юксак ахлоқ ва илоҳий муқаддаслик намунаси сифатида қабул қилинган. Тасаввуф шайхлари халқнинг маънавий раҳбарлари, руҳоний мураббий сифатида майдонга чиқиб, пайғамбар фаолияти, ҳолатларини давом эттиришга жазм этганлар.

Улуғ суфий ва шоир Фаридиддин Аттор ўзининг «Тазкиратул авлиё» асари муқаддимасида қайд этадики, авлиёларнинг сўзи киши қалбининг малҳами ва руҳининг қувватидир. Кимки авлиё сўзини дилига жо этса, Қуръон ва Ҳадислар мағзига эшик очади, ўзининг ҳолати, ахлоқини, қилаётган ишларининг яхши-ёмонлигини ўйлайдиган бўлиб қолади ва ҳаёт, охират, инсонийлик тўғрисида мулоҳаза юритиб, ички оламини тартибга солади (*Ислом энциклопедияси. Т.: 2004, 223-227 бет*).

Тасаввуф – VII–VIII асрларда ислом дини негизида пайдо бўлган. Унда фалсафий – ахлоқий, ижтимоий - сиёсий қарашлар ва ғоялар мужассамлашган. Тасаввуф таълимоти мусулмон Шарқида кенг тарқалган. Бу таълимотда халқнинг ақли, тафаккури, маънавий ҳаёти, ҳикматлари ўз аксини топган. Тасаввуф таълимоти турли йўналиш ва

оқимларини вужудга келтиради, усул ва услублар тизимини юзага чиқаради.

Тасаввуф – Аллоҳ ва пайғамбарни яхши кўриш, бор вужудини уларга бағишлаш, Ҳаққа интилиб, пок ва ҳалол яшашдир. Пайғамбар алайҳиссаломнинг шаъриат ҳукмларини самимийлик, софдиллик ва ихлос билан адо этишдир.

«Тасаввуф» сўзини Ҳусайн Воиз Кошифий ҳарфма-ҳарф қуйидагича шарҳлаган: «Т – тажрид, яъни, ортиқча нарсалардан холи қолиш, беҳуда ишлардан чекланиш, С – сидқу сафо, В – вафо, Ф – фано».

Тасдиқлаш - башорат ёки фараз қилиш орқали аниқлаб бўлинган нарсага асосланган текшириш натижаси ёки фикрлаш умумлашмаси.

Тасдиқлаш - башорат, фараз қилиш ёки аниқлаб бўлинган маълумотга (ахборотга, нарсага) асосланган фикрни (ғояни, қонунни, қоидани, назарияни, таълимотни, моделни, алгоритмни, мезонни тамойилни) текшириш.

Тафаккур – фалсафий тафаккур ривожи инсоният тараққиёти билан узвий боғлиқ жараёндир. Маълумки, ҳаётдаги воқеа-ҳодисаларнинг барчаси ижтимоий онгда акс этади.

Тафаккур – инсониятнинг неча минг йиллик тарихий ривожланиши даврида ижодкорлик жараёни билан боғлиқ ҳолда ҳосил қилиниб борилган ва эришилган олий ва ақлий неъматдир.

Тафаккур операциялари – қиёслаш, таҳлил, синтез, абстраклаштириш, умумлаштириш, конкретлаштириш, таснифлаш, тизимлаш.

Таълим – шахснинг жисмоний ва маънавий камол топиш жараёни унинг онгли равишда айрим ибратли фаолиятларга йўналиши ва тарихан майдонга келиб, ижтимоий намуна бўлишга ҳар томонлама

баркамолликка интилиш жараёни тушунилади. Таълим бутун жамият ва шахслар ҳаётининг ажралмас жиҳати сифатида намоён бўлади.

Таълим – таълим олувчига махсус тайёрланган мутахассислар ёрдамида билим бериш ва улардаги кўникма ҳамда малакаларни шакллантириш жараёни бўлиб, кишининг шахс сифатида ҳаётга ва меҳнатга онгли равишда тайёрлаш воситаси.

Таълимнинг бошланғич (дастлабки) вазифаси таълим олувчини ўқитишдан иборат. Шунинг билан бирга оила, ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларга маълумот бериш вазифасини бажаради.

Таълим бериш (ТБ) – таълим олувчининг интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга қаратилган педагогик фаолияти бўлиб, инсоннинг ақлий фаолиятини ривожлантириш жараёнидир. ТБ таълим олувчиларнинг ўқиш-ўқитиш жараёнининг мазмун-моҳиятини онгли равишда англаб етишлари орқали амалга оширилади.

ТБ да ва уни бошқаришда **тескари алоқа** талабалар томонидан ўқув материалини англаб етишнинг асосий воситаси ҳисобланади. Бу ерда тескари алоқа ўқитувчи ва талаба мақсад сари тўғри бораётганлигини аниқлаб ва керакли ҳолларда жараён кечишини ростлашда ниҳоятда катта аҳмиятга эга. Унинг ёрдамида мақсадга эришишнинг **оптимал вариантини** танлаш кафолатланади. Ёки бошқача айтганда тескари алоқа дарсга қўйилган мақсадга қай даражада эришганлиги тўғрисида мунтазам равишда ахборот олиб туришни таъминлайди. Бу жараёнда материалнинг моҳиятини тушуниш муҳим аҳамият касб этади. Бундай дарсларни ташкил этишдан асосий мақсадларидан бири талабани ижодкорликка ўргатишдир. Бу орқали талабалар ўқув материали моҳиятини англаб етадилар, оптимал ечимларни излаб топадилар, педогогик амалиётда маълум бўлган ғоялар ва қонуниятларни,

шунингдек, талабалар ўзларининг интеллектуал салоҳиятларини такомиллаштирадилар.

Таълим дастури – ўқув фанларининг бакалавриат йўналишлари ёки магистратура мутахассисликларига қўйиладиган малака талабларига мувофиқ кадрларнинг зарурий ва етарли даражадаги тайёргарлигини таъминловчи блокларга жамланган рўйхати.

Таълим жараёнини ташкил этиш шакллари – таълим жараёни бўлган тизимдир. Таълим жараёни сифатида билимлар, кўникмалар ва малакаларнинг йиғиндисини фаолият ва муносабатларнинг тегишли тажрибаларини ўтказишга қаратилган махсус ишларнинг ташкил қилинишидир.

Таълим мазмуни – инсон ўқитиш жараёнида эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар ҳажми ва характери.

Таълим мазмуни – белгиланган мақсадга мувофиқ йўналиш ва ҳажмига эга бўлади. У тегишли меъёрий ҳужжатлар: таълим стандартлари, ўқув режа, дастурлар шаклида расмийлаштирилиб, ўрнатилган тартибда тасдиқланади.

Таълим мазмуни тўғри белгиланиши ҳамда унга зарур ўзгартишлар киритиш, янгиланиб бориш имкониятлари назарда тутилиши лозим. Белгиланган мазмун асосида ўқув фанлари, ўқув соатлари, машғулот турлари ва шу кабилар аниқланади.

Таълим мазмунини унификациялаш ва табақалаштириш тамойили – таълим мазмунини унификациялаш ва табақалаштириш, **биринчидан,** маълум бир йўналиш бўйича мутахассис тайёрланаётганда уни бир неча тур модификацияни (хилларини) тайёрлаш имкониятини берувчи унификациялашган ўқув режаларни тузишни кўзда тутса, **иккинчидан,** умумтехник ва умумпедагогик ҳамда махсус предметлар мазмунини табақалаштириш, ижтимоий

ишлаб чиқариш ривожланиши анъаналарини ҳисобга олади *(Зуҳра Исмоилова).*

Таълим мақсади – ҳар бир педагогик технологияни яратишда асос бўлиб ҳисобланади. Мақсаднинг замонавий таълим ва тарбия муаммоларини юқори самарадорлик билан ҳал қилишга қаратилган бўлиши зарур асос ҳисобланади. Бирор педагогик технологияни яратиш учун энг зарур шарт шундай долзарб мақсадни аниқлай олишдан иборат. Бундай мақсадни зарур тадқиқотлар, ижодий изланишлар олиб бориш, ўзининг ва бошқа мутахассисларнинг иш тажрибаларини чуқур таҳлил қилиш орқали аниқланади.

Рақобатбардошлик ҳар бир педагогик технологиянинг мақсадга мувофиқлигини бозор иқтисодиёти нуқтаи назаридан айтганда, ўз вазифаларини ижтимоий эҳтиёжларга мувофиқ бажараётганлиги даражасини белгилайди.

Бундай мақсадлар юқори рақобатбардошликни таъминлашга йўналтирилиши ҳозирги талаблардан келиб чиқади.

Рақобатбардошлик ҳар бир педагогик технологиянинг мақсадга мувофиқлигини, бозор иқтисодиёти нуқтаи назаридан айтганда, ўз вазифаларини ижтимоий эҳтиёжларга мувофиқ бажараётганлиги даражасини белгилайди.

Бундай мақсадлар юқори рақобатбардошликни таъминлашга йўналтирилиши ҳозирги талаблардан келиб чиқади.

Рақобатбардошлик педагогик технологиянинг барча таркибий қисмлари учун энг зарур шарт бўлиб, бунда якуний натижани бевосита тайёрловчилар бўлган ўқитувчи ва ўқувчининг рақобатбардошлигига эришиш асосий кўрсаткич ҳисобланади. Бу унга бўлган талаб юқори бўлишини таъминлаш учун мунтазам такомиллаштириб бориш заруратини келтириб чиқаради.

Таълим менежери (ТМен)– менежментлар фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида қўлланиладиган масалаларни бошқариш, яъни, ходимлар ва ишчилар меҳнатини ташкил қилиш тамойиллари, усуллари, воситалари, шакллари.

ТМен – таълим муассасини замонавий менежмент қонунларига мувофиқ бошқарувчи мутахассис.

Ўқитувчи таълим олувчининг билиш фаолиятини фаоллаштириш орқали таълим мақсадига эришиш мумкин. Билим бериш замонавий технологияларга мос келиши учун ўқитувчи таълим олувчилар эътиборини мустақил таълим олишга жалб этиши зарур. Бу педагогик менежментнинг муҳим ресурси сифатида қаралади ва ўқитувчининг мақсад ва вазифаси ҳақида шаклланган стерлортип қарашларни оптималлаштиришга олиб келади.

Таълим менежменти ва маркетинги – педагогик технологиянинг замонавий ижтимоий, иқтисодий ва бошқа талабаларга мувофиқлигини аниқлаган ҳолда уни лойиҳалаш, ишлаб чиқариш, амалиётга тадбиқ қилиш масалаларини ҳал этади.

У долзарб йўналишларни аниқлаб, мутахассислар учун таклифлар тайёрлайди. Тегишли тартибда бизнесрежалар тузиш ва уларни амалга оширишни ҳал этади. Бу масалаларни муваффақиятли ҳал қила олиш учун таълим менежменти ва маркетинги соҳаларига чуқур ва пухта билимга эга ҳамда тажрибали мутахассислар жалб қилинади.

Таълим менежменти ва маркетингида тегишли долзарб йўналишлар аниқланиб, мутахассислар учун таклифлар тайёрлайди, тегишли тартибда бизнес режалари тузиш ва уларни амалга ошириш билан шуғулланади.

Бундай муаммолар ечимларини топишнинг оптимал вариантини топиш учун таълим менежменти ва маркетинги бўйича чуқур ва пухта билимга эга ҳамда тажрибали мутахассислар жалб этилади.

Таълим менежменти (ТМ) – илмий асосда ташкил этилган. Ўзига хос поғонавийликка асосланган бошқарув: раҳбар, педагогик жамоа, таълим олувчилар жамоаси. Шунга кўра бошқарувни турли хил моделлар асосида амалга ошириш мумкин: интеграл модел, **биринчи поғона** педагогик жамоа фаолиятини бошқариш, **иккинчи поғона** - ўқувчилар фаолиятини бошқариш. **ТМ нинг асосий мақсади** – таълим муассасаларида ташкил этилган таълим – тарбия жараёнини илмий асосда ташкил этишда, муассаса олдига қўйилган мақсадларга эришиш ва рақобатбардош битирувчилар тайёрлашда таълим – тарбия жараёни иштирокчилари бўлган раҳбарлар, мутахассислар ва иштирокчиларнинг муносабатлари ва фаолиятларини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ҳамда самарали бошқаришни таъминлашдан иборат.

ТМ фани таълим муассасалари раҳбарларининг бошқарув фаолияти, бошқарув масъулияти ва маданияти, бошқаришнинг қонун - қоидалари ва тамойиллари, раҳбар ва лидер фазилатлари, таълим муассасаси раҳбарларининг функционал вазифалари, таълим муассасаларини бошқаришда ахборот ва коммуникация, раҳбарларнинг инновацион фаолиятлари, бошқарувда тарбиявий муносабатлар ва раҳбарлик услублари, таълим муассасаларининг ташкилий тузилиши, стратегик бошқарув ва режалаштириш, раҳбарнинг иш вақти ва ундан фойдаланиш, персонални бошқариш ҳамда таълим мусасасаларини бошқаришда мотивлаштириш ва мотивлаштириш назарияларини тадқиқ этади *(Джураев Р.Х., Турғунов С.Т).*

Таълим методи – таълим жараёнида ўқитувчи ва талабаларнинг аниқ мақсадга эришишига қаратилган биргаликдаги фаолиятидир.

Таълим методлари ўқитишнинг ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш усулларини ҳамда ўқув материалларини назарий ва амалий йўналтириш йўлларини англатади. **Таълим методи** ўқитувчи билан талабаларнинг ўқиш вазифаларини бажаришга қаратилган назарий ва амалий билиш фаолияти йўлидир.

Таълим методи - ўқув материалини баён қилишга ва уни таълим олувчилар яхши билиб олишга қаратилган фаолиятнинг **йўли, усулидир**. Таълим жараёни ва натижалари ўқитувчини таълим олувчилар билиш фаолияти ҳаракатини белгиловчи иш усулларига боғлиқдир. Шу сабабли доимо педагогикада таълим методларига ўқитувчининг иш усуллари ва таълим олувчиларнинг билиш фаолияти усуллари деб қараладики, бу усулларнинг ҳар иккаласи ўқув вазифаларини бажаришга қаратилгандир.

Таълим методлари – метод юнонча атама бўлиб, айнан нимагадир йўл, усул орқали мақсадга эришиш йўлини билдиради, у 4 гуруҳга бўлинади: 1) сўз орқали ифодалаш; 2) кўргазмалилик усуллари; 3) амалий намуна усули; 4) рағбатлантириш ва жазо усули.

Таълим мониторинги (ТМ) – педагогик тизим фаолияти ҳақида ахборотлар йиғишни ташкил этиш, сақлаш, қайта ишлаш ва уларни синфларга ажратиш тизимидан иборат бўлиб, кузатилаётган объект ҳолатини ва келгусида унинг ривожланиши динамикасини олдиндан башорат қилиш жараёни.

ТМ – таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражасини назорат қилиш учун маълумотлар йиғиш технологияси, таълим натижалари даражасини таққослаш учун керак бўладиган маълумотлар мажмуасини тайёрлашдан иборат.

ТМ – педагогик тизим фаолиятидан олинган далилий хулосавий натижаларни унинг мақсадига нечоғлик мослигини кўрсатувчи, тескари

алоқани таъминловчи мустақил бошқарувчи вазифаларни амалга ошириш жараёнидан иборатдир.

Мониторинг – объектлар турли ҳодиса ва жараёнлар ҳолатини баҳолаш, назорат қилиш, олдиндан башорат қилиш мақсадида махсус ташкил этилган тизимдан иборат бўлиб, ундан жараёнларни динамикада мунтазам равишдаги кузатишда фойдаланилади.

ТМ – тадқиқот натижаларини мунтазам илмий асосланган ҳолда кузатиш (динамик жараённи кузатиш учун) ҳамда уларни берилган эталон билан қиёслаш жараёнида мунтазам равишда ривожланиб боради.

Профессиографик мониторинг махсус тайёрлаш педагогик жараённинг ҳолати ва ривожланиши учун мақбулроқ таълимий вазифалар, шунингдек, метод ва вазифаларни танлаш мақсадида узлуксиз, илмий асосланган, режали фаолиятли кузатиб бориш жараёни.

Таълим мониторинги – педагогик тизим фаолияти ҳақида ахборотлар йиғишни ташкил этиш, сақлаш, қайта ишлаш ва тақсимлаш тизими, кузатилаётган объект ҳолатини ва келгусида унинг ривожланишини олдиндан башорат қилувчи тизимдир.

Таълим муассасаси – мактаблар, коллежлар, лицей ҳамда олий ўқув юртларидир.

Таълим сифати. “Таълим жараёнининг турли иштирокчилари таълим муассасаси томонидан кўрсатилаётган таълим хизматларидан кутганларининг қаноатлантирилиши даражаси” ёки “Таълимда қўйилган мақсад ва вазифаларга эришиш даражаси” *(Йўлдошев Ж., Йўлдошева Ф., Йўлдошева Г.).*

Таълим сифати (ТС) – таълим жараёнининг турли қатнашчиларини ўқув муассасаси томонидан кўрсатилган таълим

хизматларидан қониқиш даражаси ёки таълимда қўйилган мақсад ва вазифаларга эришганлик даражаси.

ТС – ўқув муассасасининг муваффақиятли фаолиятини муҳим кўрсаткичи, ўқув муассасасини ички бошқаруви вазифаларининг тизим ҳосил қилувчиси ҳисобланади.

ТС – таълим олувчиларнинг ўзларини, жамиятни, таълим буюртмачилари талабларини қондиришга қодир бўлган таълим натижаларининг муҳим жиҳат ва хусусиятлари мажмуасидир.

Сифат категорияси инсоннинг объектив реалликни билишдаги маълум босқични ифодалайди. Билиш жараёнининг дастлабки босқичида объект субъект олдида ўзининг айрим ёки бир неча хоссаси билан намоён бўлади. Бевосита ҳиссий идрокда сифат кўплаб хоссаларнинг мажмуи тарзида кўриниш беради.

Талаб этилган даражадаги ТСга маълум ижтимоий-педагогик тизим орқали эришиш мумкин. Бу тизим қуйидаги қисм тизимларидан ташкил топади: ДТС; бўлажак мутахассислар меъёрий модели; ТС ни баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари ҳамда мониторинги.

МАХСУС МАЪНОДА «Таълим олувчи→таълим берувчи» даражасида ТС - бу мунтазам равишдаги ўлчамлар асосида таълим берувчи ва олувчиларнинг ўзаро муносабатини, таълим олувчилар фаолияти, таълим натижаларининг таълим тарбиясига мослигини белгиловчи даражададир.

УМУМИЙ МАЪНОДА «Таҳсил олувчи - таълим муассасаси» даражасида ТС - бу тизимли ва квалиметрик кўринишларда мунтазам ўлчамлар асосида аниқланадиган таълим – тарбия натижаларнинг мослик даражасидир.

Таълим сифати мониторинги (ТСМ) - таълим жараёни ва унинг ривожланиши узлуксиз равишда назорат қилиб баҳолаш ва диагностик-

прогностик кузатиб боришга имкон берувчи илмий асосланган методдир (Абдухаликов Т.Х).

МАҚСАДИ: Режалаштирилган вақтда таълим олувчи билим, кўникма ва малакалари сифатини қатъий белгилаш ва қайд этиб бориш, амалда бўлган ДТС талаблари билан таққослашдан иборат.

ВАЗИФАЛАРИ: ахборот алмашиш; башорот қилиш, назорат қилиш; баҳолаш; ўзгартиришлар киритиш; диагностик-прогностик башорат қилиш.

ТСМ - қўйилган мақсад билан олинган натижаларининг муносабати (таълим - тарбия) ни мунтазам аниқлашга асос бўлади; кўзланган мақсадга эришганликни мунтазам равишда назорар қилиб боришга эришилади.

ТСМ – ўқув мавзусини ўрганиш жараёнининг бошида ва охирида; ўқув предметини ўрганишдан олдин, охирида ёки бошида ўқув жараёнида таълим сифатини баҳолашда фойдаланилади.

ТСМ бўйича таълим олувчининг шахсий ривожланганлиги: ОЎЮ битирувчиси модели билан шахсда шаклланган ижтимоий муҳит шахсий фазилатларнинг ўзаро муносабати касбий муҳим шахсий фазилатларнинг шаклланганлиги; таълим муассасаси битирувчисининг моделига таълим олувчилар касбий талабларга мос келиши; ўз – ўзини баҳолаш, ривожлантириш ва режалаштира олиш методларининг эгалланганлиги орқали аниқланади.

ТСМ бўйича таълим олувчининг таълимий ривожланганлиги: ўқув предметлари бўйича шаклланган билим, кўникма ва малакалар; натижалар ДТС га мос келишини аниқлаш мумкин; таълим муассасасида тузилган умумий мақсадларга мос умум ўқув билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни ўз вақтида аниқлаш имконияти берилганлигида сезилади.

Таълим сифатини назорат қилиш – ўқитиш мазмуни ва натижаларининг ДТС талабларига мувофиқлигини текшириш.

Таълим стандарти – стандарт текшириш усулларига мувофиқ келадиган ва ўқитиш сифатининг стандарт кўрсаткичлари билан ифодаланган мазкур таълим турида ўқувчини ўқитиш ва тарбиялашда қўйиладиган талаблар кўрсаткичларнинг мазмуни.

Таълим тамойиллари – ўқитувчининг фаолиятини ва таълим олувчининг билиш фаолияти хусусиятини белгиловчи асослардир. Таълим томойиллари таълим берувчи ва таълим олувчи фаолиятининг муҳим ички томонларини акс эттиради ҳамда турли формада, турли мазмунда ва ҳар хил йўсинда ташкил этиладиган таълимнинг самарадорлигини белгилайди. Шунинг учун таълим тамойиллари таълим беришнинг маълум объектив қонуниятларини ўзида акс эттиради.

Таълим-тарбия – инсоннинг жисмоний, маънавий ва интеллектуал жиҳатдан камол топиш жараёнидан иборат бўлиб, инсоннинг онгли равишда режалаштирилган фаолият бўйича аниқ йўналиш олиб ижтимоий намуна бўлишга ҳар томонлама баркамолликка интилиш жараёнидаги маънавий манбалар ва ҳозирги замон талаблари ҳамда эҳтиёжларини назарда тутган ҳолда таълим берувчининг таълим олувчи билан аниқ бир мақсадга йўналтирилган ўзаро таълимий ва тарбиявий мулоқотидир.

Таълим-тарбия тизими ва узунлик тамойили – таълим-тарбияда қатий мантиқий изчиллика риоя қилиши керак бўлган жараёндан иборат бўлиб, бунда ўрганилган билимлар ва шаклланган тасаввурлар олдинги ўрганилганларидан келиб чиқади, уларни мустаҳкамлайди, чуқурлаштиради ва кейинги таълим-тарбиявий жараёнга замон ҳозирланади. Мазкур тамойил ўқиш жараёнида дидактиканинг

умумийликдан ҳусусийликка (дидукция) ва аксинча хусусийликдан умумийликка (индукция) қоидасини ва ўқув фанларининг бир – бири билан узвий боғлиқ бўлишини таъминлайди.

Таълим-тарбиянинг амалиёт билан боғлиқлиги тамойили – таълим мазмунининг амалда ўз ифодасини топиш жараёни билан узвий боғлиқ бўлиб, унда тарбияни ҳаёт билан узвийликда олиб боришлик жараёнидир. Ушбу тамойил дидактиканинг асосий қоидаларидан бири бўлиб, руҳий ҳодисалар билан яхлит таълим-тарбия жараёнини ташкил этади.

Таълим-тарбиянинг бирлиги тамойили – кишиларга билим ва тарбия бериш жараёнидан иборат бўлиб, бунда эгалланган билим ва кўникмаларни ҳаётга қўллай олишга ўргатилади ҳаётда таълим олувчиларнинг ҳам ителектуал, ҳам маънавий жихатдан уйғунликда ривожланиши таъминланади. Яхлит таълим-тарбия жараёнида иккала ўзаро боғлиқ жуфтлик, яъни, **билим бериш ва тарбиявий кўникмаларини шакллантириш** ҳамда **шаклланган таълимий-тарбиявий билимлар ва кўникмалар бўйича фаолият кўрсатишга ўргатиш,** объектив борликдаги қонуниятларни ўрганиш ва унинг амалий муносабатларини таркиб топтиришда намоён бўлади. Шу сабабли таълим олувчиларга билим беришда эгаллаган билимни амалда ишлатишга ўргатиш, яъни, тарбиялаш жараёни ҳам уйғунликда олиб борилмоғи лозим бўлади.

Таълим-тарбияда кўргазмалилик тамойили – таълим олувчиларнинг эшитиш ва кўриш аъзоларининг биргаликдаги фаолият кўрсатишда уларнинг сезги аъзолари орқали хотирада сақлаб қолиш қобилиятларининг уйғунликдаги таълимий ва тарбиявий фаолиятлар мажмуидир. Маълумки эшитиш аъзолари орқали олинган билимларнинг

15-20 фоизи эсда қолса, кўриш орқали олинган билимларнинг 80-85 фоизи эсда қолар экан *(Б.Зиёмуҳаммадов.)*.

Таълим-тарбиянинг мунтазамлийлик ва давомийлик тамойили – таълим-тарбиядаги зарур физиологик – психологик қонуният ҳисобланиб, билимни мантиқий боғлиқликда ўрганишни таъминлаб беради. Бу тамойил ҳар – бир фан бўйича тузилган ўқув режа ва дастурларда дастурлик ва услубий тавсияномаларни яратишда тадбиқ этилди. Амалиётчи ўқитувчи ўқув режа ва дастурларидан четга чиқмаслиги лозим. Бу қонуният тушунчалар, далиллар ва бошқа фикрлар орасидаги, уларнинг тадрижидан келиб чиққан алоқадорликлар қонун ва қоидалар билан амалий ишларни бажариш ўртасидаги мантиқий боғлиқликларни ўрнатиш орқали амалга оширилади. Бу қонуният ўқиш фаолиятини ташкил этишнинг асоси ҳисобланади. Унга амал қилмаслик ўқувчилар тафаккурида ўзаро боғлиқ бўлмаган узуқ - юлуқ билимларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Бундай билимлардан кишининг ижтимоий моҳиятига наф бўлмайди, улар тафаккурни чарчатади холос *(Б.Зиёмуҳаммадов.)*.

Таълим-тарбия онглилик ва фаоллик тамойили – таълим олувчилар олаётган билимини ҳаётда қўллай билишлари учун таълим бериш жараёнини фаол фикрлашга айлантириш керак. Бунда ўқитишни шундай ташкил этиш керакки, таълим олувчилар билимларини машғулотларда онгли ва фаол қатнашиб эгаллаб олишсин. Шунда талабаларда онг ўсиб, ижтимоий ташаббускорлик ва ўқув фаолиятида мустақиллик таркиб топади. Таълим - тарбиянинг онглилик тамойили таълим олувчиларда таъриф, тушунча ва қоидаларни ёдлаш ва эсда сақлаш билан уларни эгаллаш эмас, балки бу билимларни, ҳаётий ҳодисалар, жараёнлар билан боғлиқ бўлган мазмунини тушунишларини талаб этади. Билимларни онгли равишда ўзлаштириш таълим

олувчиларда билимларга нисбатан маълум муносабат ҳосил қилишни, ҳиссий кечинмалар уйғотишини ўз ичига олади. Бу тамойил тафаккурини шакллантирувчи қоида бўлганлиги учун муаммони мустақил ҳал қилиш мақсадида дарсда таълим олувчиларга муаммоли вазиятлар тақдазо этади *(Б.Зиёмуҳаммадов.)*.

Таълим тизими – Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими қуйидагиларни ўз ичига олади:

- давлат таълим стандартларига мувофиқ таълим дастурларини амалга оширувчи давлат ва нодавлат таълим муассасалари;

- таълим тизимининг фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлаш учун зарур бўлган тадқиқот ишларини бажарувчи илмий-педагогик муассасалар;

- таълим соҳасидаги давлат бошқарув органлари, шунингдек, уларга қарашли корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар.

Таълим технологияси – тизимий тамойил бўлиб, ўқув жараёнини ифодаловчи ва ташкиллаштирувчи ҳамда таълимда қўйилган мақсадга етиш учун кўрсатмадир. Дарс машғулотлари даврида ўқитувчининг маҳоратини ташкиллаштиришни таълим технологияси ўз ичига олади.

Таълим технологияси бир пайтнинг ўзида режалаштирилган натижага эришишга мўлжалланган ўқув жараёнини технологиялаштиришни ва таълим жараёнининг метод ва воситалари мажмуасини ўз ичига олади.

Таълим технологияси қуйидагиларда тузилган: таълимнинг режалаштирилган натижасини ифодалай олиш; таълим жорий ҳолатини ташхис қилишнинг восита метод ва методологияси; таълим моделлари мажмуаси; таълим жараёни муаммо ва шартларнинг аниқ ечимларини топишнинг оптимал моделларни танлашнинг мезонлари тизими.

Таълим технологияси – аниқ бир ўқув предметини ўқитишнинг илмий асосланган қонун-қоида, метод ва усулларидан иборат бўлиб, таълимда кўзланган мақсадга эришиш босқичларини ўзида акс эттиради ва таълим жараёнини мақсадга мувофиқ бошқаришга эришиш имконини берувчи жараён.

Таълим-тарбияга инновацион ёндашув қилишга имконият яратиш: ўқитишнинг услуб ва усулларини индивидуаллаштириш ва интеллектуаллаштириш: ижодий қабул қилиш ва ўқув-услубий материалнинг репродукцияси: қўлланиладиган дидактик воситаларининг мулоқот бойлиги ва фаоллиги: таълим олувчиларнинг билиш қобилиятини юксак даражада шакллантириш. Ҳозирги замон ахборот ва телекоммуникацион воситалар таълим олувчиларга ўрганиладиган ҳар бир фан бўйича мураккаблик даражасига кўра танлашга, шунингдек, уларни ўзларининг қизиқиши ва касбий режаларига мувофиқ ҳолда ижодий ўрганишга имкон беради.

Мутахассислар тайёрлашнинг шахсий фаолияти концепцияси таълим жараёни индувидуал – ижодий шахсни шакллантириш жараёни сифатида қарашга, шунингдек, ўқитишни нафақат ўқитиладиган фан мантиқига, балки шахснинг ривожланиши мантиқига мувофиқ ҳолда ташкил этишга имкон беради.

Таълим олувчининг яратувчилик (ижодий потенциалини) мулоқот қила олиш қобилиятини; таълим олиш маданиятини; таълим-тарбия жараёнининг барча босқичларида самарадорлик ва сифатни оширишда; замонавий ахборот жамиятини қуриш орқали ижтимоий жамият буюртмасини бажариш (ахборот технологиялари соҳаси, ахборот таълим ҳужжатлари, фойдаланувчилари) каби жараёнларни ривожлантиришда оптимал вариантларни танлашда истиқболли натижаларни қўлга киритишни кафолатлайди.

Таълим турлари – Ўзбекистон Республикасида таълим қуйидаги турларда амалга оширилади: мактабгача таълим, умумўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, олий таълим, олий ўқув юртидан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, мактабдан ташқари таълим.

«Таълим тўғрисида» ги Қонуннинг мақсади – фуқароларга таълим, тарбия бериш, касб-ҳунар ўргатишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаш ҳамда ҳар кимнинг билим олишдан иборат конституцион ҳуқуқини таъминлаш.

Таълим қонунлари:

- **ўзаро боғлиқлик қонуни –** таълим тарбия жараёнида иккита руҳий ҳаракатнинг ўзаро боғлиқликдаги ривожланиши қонуни. Бу қонун бўйича таълим-тарбия жараёни таълим берувчи ва таълим олувчи руҳининг бир йўналишдаги ҳаракатини таққозо этади. Бу қонунга биноан, агар таълим-тарбия жараёнини ташкил қилувчи икки шахсдан бирининг руҳ ҳаракати иккинчисиники билан мос тушмаса, таълим тарбия жараёни содир бўлмайди. Билим бериш жараёни содир бўлиши мумкин, тазйиқ йўли билан, аммо ҳақиқий таълим-тарбия жараёни амалга ошмайди. Бу қонунга биноан дарсни ташкил қилиш ва уни амалга ошириш учун педагог синфда ёки аудиторияда бир хилдаги руҳий ҳолатни, яъни, билим бериш ва билим олиш ҳолатини шакллантириш керак;

- **Машқ қонуни –** қонун бўйича, эгалланган билимни кўникма, сўнг малакага айлантиришда, машқни иложи борича тез амалга оширишни тақозо этади;

- **Интенсивлик қонуни –** қонун бўйича, машқлар жавоби қанчалик интенсив равишда бўлса, шунчалик тез ўзлаштирилади;

• **Ассимиляция қонуни** бўйича ҳар бир янги «туртки» қайтар реакцияни вужудга келтиради, дейилади. Шунинг учун эгаллаган билимни қайтариш йўли билим «туртиб» туриш керак, дейилади.

• **Натижавий қонунда** реакция ижобий бўлса, билим мустаҳкамланади, агар салбий бўлса, хотира уни ўчириб ташлайди, дейилади *(Б.Зиёмуҳаммадов.)*.

Таълим қонуниятлари – «Таълим тўғрисида»ги Қонунни ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ғояларига кўра ижтимоий тарбиянинг асосий мақсади эркин идрок ижодкор мустақил фикрлар эгаси бўлган комил инсонни тарбиялаб вояга етказишдан иборат. (*Алимов Н.Н.*).

Таълимда замонавийлик – таълим амалиётига илмий асосланган ва тажрибада синалган дидактикага оид янгиликлар, фаол методлар ва шакллар, тартиб-қоидаларни жорий этишнинг мажбурийлиги миллий дастур ғоясидир. Таълимнинг тараққиёт даражаси унинг мазмунига киритилаётган фан-техника янгиликлари билан тавсифланади.

Таълимда интеллектуал соҳани ривожлантириш – таълим олувчининг фикрлашини (билишини, ижодини) хотирасини, диққатини, ақл сифатларини (теранлик, эгилувчанлик, тежамкорлик, мустақиллик), фикрлаш кўникмаларини (ажратиш, қўшиш, таҳлил ва ҳ.к.), билиш (ўқувчиларни қарама-қаршилик ва муаммоларни кўриш, саволлар қўйиш, фаразларни илгари суриш ва ҳ.к.), ўрганишни билишини ривожлантириш, предметга оид билим, ўқув ва кўникмаларни шакллантириш жараёни *(Тўрақулов О.Х.)*.

Таълимда ирода соҳасини ривожлантириш – таълим олувчида мақсадга интилишни шакллантириш жараёни бўлиб, унда асаб ва мускулларнинг зўриқишини енга олиш, ташаббускорлик, ўз кучига ишониш, ўзини бошқара олишни ривожлантириш, билимларни ўқитиш

(қандай фаолият кўрсатиш), фаолиятни ривожлантириш, уни қандай амалга ошириш ва назоратни ташқи кўникмасиз олиб бориш каби қобилиятлар муҳим ҳисобланади *(Тўрақулов О.Х.).*

Таълимда мотивацион соҳани ривожлантириш – таълим олувчининг интеллектуал билимларга, табиатни англашга, жамиятга, инсонга, фикрлаш ва билиш қонуниятларига бўлган эҳтиёжларини шакллантириш жараёни *(Тўрақулов О.Х.).*

Таълимда онглилик, фаоллик ва мустақиллик тамойили – таълим олувчиларнинг билимларини ҳаётда қўллай олиш учун таълим бериш жараёнини фаол фикрлаш жараёнига айлантириш асосида уларда ижодий ташаббускорлик ва мустақил тафаккур, нутқ маданияти ва илмий дунёқараш, эътиқодни таркиб топтириш жараёнидир.

Таълимда ташкилотчилик. Бу дарсда дидактик жараённи тартибга солишнинг оптимал вариантини танлай оладиган педагог фаолияти бўлиб, унинг мазмунини таълим беришни яхши бир тизимга тушириш қўйилган мақсад (“Уфқ”) сари сай-ҳаракатларнинг энг қулай вариантини шакллантиришни ташкил этади.

Таълимда эмоционал соҳани ривожлантириш – таълим олувчида ўз ҳиссиёти ва руҳий ҳолатларини бошқариш бўйича зарурий кўникмаларни шакллантириш жараёни бўлиб, унда ортиқча хавотирни енгиш ва ўзини холисона баҳолаш кўникмасига эга бўлишликни тарбиялаш муҳим ҳисобланади *(Тўрақулов О.Х.).*

Таълимда ўқув фаолиятини яхлит шакллантириш – таълим олувчиларнинг диққатини бошқариш, уларга бажариладиган ишларни тушунтириш, зарурий эҳтиёж – мотивацион ҳолатларни фаоллаштириш, фаолиятга ёрдам бериш, тузатиш киритиш жараёни ва таълим олувчилар ўқув фаолиятининг натижасини баҳолаш жараёни *(Тўрақулов О.Х.).*

Таълимий-ахлоқий йўналиш бу соҳада қомусий олимлар ўз қарашларини ижтимоий-фалсафий ва илмий асарлари таркибида ёки ахлоқий асарларида баён этсалар, адиб ва тарбияшунос олимлар таълимий-дидактик асарларида ифодалаганлар. Маълумки, Шарқ Уйғониш даврида инсон муаммоси маънавият соҳасидаги асосий масала бўлган. Шунинг учун, таълим-тарбия масалаларига катта эътибор берилган, яратилган асарларда Шарққа хос бўлган инсонинг ахлоқий-руҳий камолотини улуғлаш етакчи ўрин тутган (*С.Очил, К.Ҳошимов*).

Таълимий мақсад - ўқув материалларининг мазмунини билиш, яъни, ушбу фанга тегишли илмий билимларни ўзлаштириш ва амалиётга тадбиқ қилишни кўзлашдир.

Таълимий функция – тарбиявий ва ижодий фаолиятга ёрдам берувчи функция бўлиб, кўпроқ малакали мутахассис тайёрлашнинг мақсадини аниқлаш учун хизмат қилади ва қуйидаги жиҳатларини ўзида мужассам қилади: фундаментал назариялар асосида талабаларни ихтисослик ва махсус билимлар тизими билан қуроллантириш; назария билан амалиётнинг диалектик боғлиқлигини очиб бериш: фактлар (далиллар, исботлар) – ишчи фараз – абстракт моделлар, қонунлар, қоидалар, алгоритмлар – тамойиллар – назарий хулосалар – тажрибада текшириш – назарияни амалда текшириш; фаннинг хўжалиги ва касбий фаолиятда қўлланиши тамойилларини тушуниш (*Алимов Н.Н.*).

Таълимни ахборотлаштирилган тизими – таълим жараёнида ўргатиш ва ўрганганликни текшириш ва назорат қилиш имкониятини берувчи дастурий ҳисоблаш воситалари тизимидир.

Таълимда ўргатиш ва билимларни назорат қилишни ЭҲМлар зиммасига юклашдан иборат.

Таълимни ахборотлаштириш – ахборотлаштирилган жамият шароитида талаба-ёшларни жамоатчилик ва касбий фаолиятида

тўлақонли ва самарали қатнашишига тайёрлаш мақсадида таълим тизимининг барча компонентларини компьютерли ва ахборотли технологияларни қўллаш асосида яхшилаш.

Таълимда универсал дидактик қурилмалардан фойдаланиш мумкинлигини англатади.

Таълимни ахборотлаштириш (ТА) – ахборотлашган жамият шароитида ўқувчи ёшларни жамоатчилик ва касбий фаолиятда тўлақонли ва самарали қатнашишига тайёрлаш мақсадида таълим тизимининг барча компонентларини ахборот технологияларини қўллаш асосида яхшилаш жараёнидир.

ТА қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ўқув-услубий ишларни қайта ташкил этиш;
- ўқитувчи ва унинг ролини ўзгартиришга бўлган талабларни орттирилади;
- ўрганувчи шахснинг ва унинг индивидуаллаштириш хусуссияти ролининг ортиши;
- таълим муассасаси ролининг замонавийлашуви, ўзгариши ва унинг таълим олувчилар таркиби жойлашган жойга таъсири;
- ахборот ресурсларининг мумкин бўлган ҳажмининг тўсатдан ортиши;
- замонавий ахборот хизмати кўрсатишга талабнинг ортиши асосидаги, унинг аҳамияти ўсиши, айниқса башоратли, таълимий ва илмий характердагилар;
- бешта муҳим масалаларни ҳал қилишни кафолатлайди, яъни, таълим сифатини ошириш, таълим олишни қулай ҳолга келтириш асосида енгиллаштириш, аҳоли билимдонлиги савияси ошиши ва мамлакатнинг иқтисодий потенциали ўсишини таъминлаш, миллий таълимнинг жаҳон таълими тизимига интеграцияланишини таъминлаш.

Таълимни бошқариш – бошқарувчининг – ўқитувчининг мавжуд имкониятлари (фан юзасидан мавжуд билимлари, эгалланган турли ўқитиш услублари, ўқув восита ва қуроллари, педагогик маҳорати) асосида талаба-ўқувчига керакли (зарур бўлган) билим, кўнима ва малакаларни қўйилган мақсадга мос шакллантириш жараёнидир. Маълумки, **бошқариш** – мавжуд имконият ва воситалар орқали режалаштирилган мақсадга эришиш демакдир. Кўзланган режани амалга оширишда тез ва қулай вариантдан фойдаланиш ижрочини албатта қизиқтиради. **Таълимни оптимал бошқариш** деганда кичик имкониятлардан фойдаланиб, юқори самарадорлик (натижага) эришиш жараёни тушинилади.

Таълимни бошқарув қарори (ТБҚ)га тегишли ахборотни танлаш, таҳлил қилиш, таълим ҳаражатларини мослигини текшириш ва жорий этишга тақдим қилиш. Ўқитишнинг оптимал вариантини илмий-услубий жиҳатдан асослаб олиш ва ундан фойдаланишга услубий тавсиялар бериш.

Мақсади: муқобил қарорни танлаш. Вазифалари: таълимдан қабул қилинган қарорга мос ахборотларни танлаш, мақсадга эришишга зарур бўлган ахборотларни танлаш, муқобил қарорни танлаш ва таҳлил қилиш, қарорни КТМД, ДТС ва ўқув фани бўйича режа ва дастурга мослигини текшириш, тавсия этилган қарорни асослаб олиш, мавзу бўйича қабул қилинган қарорни жорий этишга услубий тавсиялар бериш.

Таълимни бошқаришда тўғри қарор қабул қилиш таълим самарадорлигини кафолатлайди. Таълим-тарбиядаги тўғри қарор қабул қилишда тескари алоқа ҳам муҳим роль ўйнайди ва у орқали талаба ва ўқитувчи ўртасида мунтазам алоқа ўрнатилади ҳамда ушбу соҳадаги оптимал вариант кафолатланади.

ТБҚ таълимда жараёнларни, айниқса таълим ва тарбияда оптимал қарорлар қабул қилишда ва улар асосида таълимни бошқаришнинг самарадорлигини назорат қилиб бориш йўналишидаги ишларда фойдаланилади.

Жамиятни ахборотлаштириш билан уйғун ҳолда ТБҚларидан фойдаланиш мунтазам равишда ривожланиб бораверади, акс ҳолда таълим технологияларига мос жараён рўй бермай қолади.

Таълимни илмий асосда ташкил этиш тамойили – талабаларни ўқитиш ишларини фаоллаштирадиган, онгини ўстирадиган, уларни мустақил билим олишга йўналтирадиган усулларга ўргатади ҳамда педагогик, техник атамалардан тўғри фойдаланишга одатлантиради.

Таълимни компьютерлаштириш – таълим жараёнидаги ҳодиса ва жараёнларни моделлаштириш, бошқариш ва таҳлил қилиб ўрганиш жараёнларининг универсал дидактик асосларидан бири бўлиб ҳисобланади. Жамиятда инсон фаолиятининг барча соҳалари компьютерлаштирилаётган ҳозирги шароитда ёш авлодни компьютер билан эркин мулоқот қилишга ўргатиш муҳим ҳисобланади. Зеро, ёшларнинг компьютердан кенг фойдалана олиши жамиятда фан-техника тараққиётининг жадаллашишини ва шу асосда ижтимоий-иқтисодий ривожланишига эришиш учун хизмат қилади.

Таълимнинг автоматлаштирилган тизими – таълим жараёнида ўргатиш ва ўрганганликни текшириш ва назорат қилиш имкониятини берувчи дастурий ҳисоблаш воситалари тизимидир.

Таълимнинг жамоа усули – ўқувчиларнинг бир-бирини ўқитиш усули. Ҳар бир ўқувчига янги дарс мавзуси бўйича бир варақдан кам бўлмаган ҳажмдаги илмий матн ёки мақолани қайта сўзлаб бериш ва ҳамма саволларга жавоб бера олиш даражасида ўрганиш жараёни.

Жамоа тизимининг мақсади ҳар бир ўқувчи навбатма-навбат бир неча ўқувчи билан биттадан абзацни, мисолни, саволни ўзаро муҳокама қилиб, ўзлаштиришдан иборат.

Бундай кичик гуруҳ ёки бутун синф олдида топшириқни сўзлаб, бажариб беради ёки шу бўйича ўқитувчи саволларига жавоб беради ёки ёзма равишда топшириқни бажаради. Бу усулни қўллаш жараёнида якка ва гуруҳли таълим шакллари амалга оширилади.

Таълимнинг кўргазмалилик тамойили – ўрганилаётган ҳодиса ва воқеаларни жонли идрок этиш асосида ўзлаштирилишни кўзда тутади. Таълимнинг кўргазмалилик тамойили ўқув материалини аниқ образлар орқали бевосита идрок қилишни таъминлайди. Таълим жараёнида кўргазмали воситалардан тўғри фойдаланиш талабаларнинг педагогика, психология, тарбиявий ишлар методикаси, ўқитиш услубияти ва техникага оид фанларни пухта ўзлаштириб олишга, уларда малака ҳосил бўлишига ёрдам беради. Агар кўргазмали қурол бирор фикрни билдириш учун ёрдамчи восита бўлса, нутқ асосий қурол ҳисобланади. Кўргазмали қурол кузатишни ривожлантириш учун қўлланилса, нутқ қисқа бўлиб кузатишнинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишга қаратилган *(Зуҳра Исмоилова).*

Таълимнинг кўргазмалилик тамойили – таълим жараёнидаги сифатни оширишга, талабаларнинг билим олишларини осонлаштиришга (ойдинлаштиришга) қаратилган фаолият бўлиб, унда талабалардаги ўрганилаётган жараёнларни (нарса ва ҳодисаларни) бевосита ҳиссий – амалий жиҳатдан идрок қилиш асосида билимларни онгли равишда ўзлаштириш жараёнига асосдир.

«Таълимнинг миллий модели» - Ўзбекистон Республикасида таълим тизимини янгиланган соғлом педагогик тафаккур асосида тубдан ислоҳ қилиш, таълим-тарбия муассасаларида тайёрланадиган

кадрларни интеллектуал, маънавий ва аҳлоқий савиясига кўра ривожланган мамлакатлардаги даражага етказиш бўйича белгиланган назарий-методологик, Амалий педагогик ёндашувлар мажмуи. Таълимнинг миллий моделида маънавий интеллектуал жиҳатдан баркамол шахснинг ўз ижодий қобилиятини тўла намоён этишини таъминлаш кўзда тутилади *(Жўраев Н.)*.

Таълимнинг муаммоли қидирув усули (ТМҚУ) – талаба ёшларнинг билимини мустақил равишда излаб топишга йўналтирилган таълимий фаолият йўли.

Ушбу усулда билим бериш сўз орқали ифодалаш, кўргазмали ва амалий усуллар ёрдамида амалга оширилади.

Таълимдаги режалштирилган ўқув материалини мазкур усул ёрдамида баён қилишда муаммоли маъруза ифодаси (изоҳи) орқали мулоҳаза юритиш, исботлаш, умумлаштириш, далилларни таҳлил қилиш ва режага мос тизимлаштириш, тингловчини ушбу мавзудаги маълумотларни ўзлаштириш бўйича ўз ортидан эргаштириш билан бирга уни фаолроқ қилиш каби усуллардан фойдаланиш кўзда тутилади.

Таълимнинг мулоҳазаларга асосланган қарори (ТМАҚ) - қарорни амалга оширишдаги бошқарувчи (ўқитувчи) ва бошқарилувчи (талаба) орасидаги вазифаларни белгилаш ва таклиф мулоҳазаларни ҳисобга олиш ҳамда амалиётда фойдаланишга тавсиялар ишлаб чиқиш.

Ўқитишга ҳар томонлама мос тушувчи таълим технологияларини яратиш. Илғор ахборотли таълим технологиясини ҳаётга жорий этиш. Қарорни қабул қилиш бўйича талаба вазифаларини белгилаш, қарорни жорий этиш бўйича илмий-педагогик мутахассислардан таклиф ва мулоҳазалар йиғиш ва улар асосида мукаммал қарор қабул қилиш.

ТМАҚ илмий-педагогик, ташкилий-педагогик фаолиятда ва улар натижаларини назорат қилиш йўналишидаги ишларда қўлланилиши

самарали натижаларни беради. Ҳужжатларни расмийлаштириш ва йўриқ хатларини тайёрлашда фойдаланилади.

Яратилган таълим технологиясидан оммавий фойдаланишни ташкил этишда янада юксак самараларни беради. Расмийлаштиришга керакли ҳужжатларни танлаш, уларни расмийлаштириш, мезонларини аниқлаш ва уларни иш юритиш учун узатиш.

ТМОҚ қуйидаги ишларни бажаришда қўл келади: ҳужжатларни расмийлаштириш учун керакли маълумотларни йиғиш, ҳужжатлар шаклини танлаш ва уни асослаш, маълумотлар ҳамда матнлар устида ишлашни аниқлаш, ҳужжатларни расмийлаштириш ва фойдаланиш учун узатиш.

Таълимнинг муҳим функциялри: Халқ таълими асосан қуйидаги уч муҳим функцияни бажаради:

1. Заманавий фан асослари билан қуроллантириш;

2. Инсон шахсини тараққий эттиради, такомиллаштиради, уни маънавий, аҳлоқий, бадиий жиҳатдан ривожлантиради, ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб етишишига ёрдам беради;

3. Мамлакат иш кучини такрор ишлаб чиқаради. Ҳозирги замонда чекланган, ноёб ресурслар шароитида мамлакат ўсиб бораётган эҳтиёжларини мунтазам равишда қондира бориш муаммосини ҳал этишда халқ таълими тизими муҳим роль ўйнайди.

Таълимнинг намойиш қилиш усуллари (ТНҚУ) – таълимнинг дарс машғулотлари жараёнида ўқув ва кўргазмали воситаларидан фойдаланиш йўлларидан иборат бўлиб, унинг асосий мақсади дарс самарадорлигини оширишдан иборатдир.

Ҳозирга пайтда ТНҚУ ига тегишли замонавий воситалардан кенг фойдаланилмоқда. Одатда дарс жараёнларида қурилма, макет, асбоб ва улар асосидаги тажрибалар намойиш қилинаётган бўлса, бугунги кунда

диафильм, кинофильм, коммуникацион технологиялардан фойдаланиш кенг йўлга қўйилмоқда.

ТНҚУ ни қўллаганда кўрсатиш яхши кўринишни ва тушунарлиликни таъминлаш, ўтказилган намойишни муҳокама қилиш ва ҳоказо тадбирлардан фойдаланилади.

ТНҚУ дан фойдаланишнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, улар сўз билан ифодалаш усули билан у ёки бу даражада уйғунлашиб кетади ва ушбу жараёнда таълим берувчи, яъни, ўқитувчи таълим воситаларини олдиндан кўриб олган бўлишлари керак.

ТНҚУ да оғзаки ва кўргазмалилик усуллари алоқадорлигининг хилма-хил шакллари мавжуд бўлиб, уларнинг таълимда зарурийлигига алоҳида талаб қўйилмасдан балки керакли жойларда уларнинг ҳар биридан самарали фойдаланиш эътиборга олинади, чунки таълимда мавзунинг мазмуни, мавжуд кўргазмали воситаларнинг характери ва таълим олувчилар тайёргарлиги даражасидан келиб чиқиб, ҳар бир таълим жараёни ҳолатига мос улар уйғунлигидан оқилона фойдаланиш дарс самарадорлигини таъминлашга имконият яратади.

Таълимнинг онглилик ва фаоллик тамоили – талабаларга илмий билимларни онгли ва ижодий ўзлаштиришга имкон берадиган ўқитиш жараёнини ташкил этишни кўзда тутади. Талабалар бунга машғулот вақтидаги жуда фаолликлари билан эришишлари мумкин. Бу тамойил педагогик ўйинли машғулотларни ўқув жараёнига тадбиқ этишда касбий малака ва билимларни онгли ўзлаштиришда ҳамда унда рол ўйновчиларнинг бундай жозибали ҳаракатлари талабаларда қизиқиш уйғотади. Ўз навбатида таълим олувчиларнинг фаоллиги ортишига имкон беради *(Зуҳра Исмоилова)*.

Таълимнинг оғзаки услублари: ҳикоя, маъруза, суҳбат ва бошқалар. Бу услубларни қўллашда ўқитувчи сўз ва қўл ҳаракатлари

воситасида ўқув материалини ахборот кўринишига келтириб баён қилади, тушунтиради, таълим олувчилар тинглаш, эслаб қолиш орқали қабул қиладилар.

- **Ҳикоя.** Ушбу услубда таълим олувчиларга бериладиган билим (ахборот) мазмуни оғзаки баён қилиниши назарда тутилади ва бунда таълим олувчиларга маълумотларни қай даражада етказа олиши ўқитувчининг педагогик маҳоратига боғлиқ бўлади.

- **Маъруза.** Бу ҳам билим бериш услубларидан бири ҳисобланиб, таълим олувчиларга бериладиган билимни (кўпроқ назарий билимни) оғзаки баён қилинади ва бунда бериладиган билимларни, яъни, маълумотларни ахборот кўринишига келтириб олиб оғзаки баён қилиш назарда тутилади. Ушбу жараёндаги оғзаки билим беришдаги маълумотлар ҳажмининг катталиги, мантиқий изчиллиги, образли ифодаланилиши, жараён ёки ҳодисанинг таълим олувчиларга мос таснифланиши, ҳамда таърифланиши, бериладиган материалларнинг мантиқий тизимлаштирилганлиги ва маъруза охирида уларнинг умумлаштирилиши, хулосаланиши таълим берувчининг педагогик маҳорати ва тажрибасига боғлиқ;

- **Суҳбат** – мавзуни тўлиқ баён қилишни назарда тутилган ҳолда тузилган саволлар ёрдамида таълим берувчи билан таълим олувчи ўртасидаги мулоқотдан иборат бўлиб, таълим олувчиларнинг фикрлаш тизимини янги тушунчалар ва қонуниятларни ўзлаштирилишига олиб келади.

Таълимнинг оғзаки усулларининг бу усулини қўллашда қуйидаги саволлар кетма-кетлигига эътибор берган маъқул:

- Аниқловчи;
- Асосий;
- Йўлловчи;

- Қўшимча;
- Хулосаловчи ва ҳ.к..

Бунда таълим олувчининг жавоб ва мулоҳазаларни муҳокама қилиш, суҳбат давомида хулосаларни шакллантириш, жавобларини тузатиш усулларидан фойдаланилса дарс машғулоти самаралироқ кечади.

Таълимнинг стандартлаштирадиган турлари – ДТС – таълимнинг қуйидаги турлари учун белгиланади:

- умумий ўрта таълим, шу жамладан, бошланғич таълим, ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими (академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари); олий таълим (бакалавриат, магистратура).

Мактабгача, мактабдан ташқари, олий ўқув юртидан кейинги таълим кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш учун давлат бошқарувчининг ваколатли органлари томонидан давлат талаблари белгиланади.

Таълимнинг стандартлаштириш объектлари - қуйидагилар таълимнинг стандартлаштириш объектлари ҳисобланади:

1. Таълим фанларининг тузилмаси, мазмуни, ўқув малакаси, ҳажми, таълим олувчилар ва битирувчиларнинг малака даражаси ва тайёргарлик сифати;

2. Талаблар, меъёрлар ва қоидалар, педагогик ва ахборот технологиялари: таълим усуллари ва воситалари, шунингдек, таълим тизимида фойдаланиладиган атамалар, тушунчалар ва категориялар;

3. Таълим олувчиларнинг билим даражасига ва касб-кор малакасига ташхис қўйиш тартиби, битирувчилар сифатини, таълим фаолиятини, педагогик ва илмий педагогик ходимлар сифатини баҳолаш.

Таълимнинг тарбиявий характери – талабаларга касбий билим бериш, уларнинг ақлий ўсиши ҳамда дунёқарашини шаклланиши учун шароит яратади. Таълимни амалга оширишда ўқитувчи талабаларда ўз мутахассислигига меҳр қўйиш, ўз меҳнатини режалаштира билиш, жамоа билан ишлай олиш кўникмаларини тарбиялаш лозим. Ҳар бир маъруза, машғулот талабаларнинг билим ва малакалари билан бирга дунёқарашини шакллантиради *(Зуҳра Исмоилова).*

Таълимот – воқеликнинг бирон – бир соҳаси ҳақидаги назарий қоидалар мажмуи; бирон-бир буюк донишманднинг (алломанинг, файласуфнинг, мутафаккирнинг) қарашлари тизими. Масалан: И.П.Павлов таълимоти, Сеченов таълимоти, Зардуштра таълимоти, Ислом таълимоти ва ҳ.к.

Тафаккур – инсонларнинг ақлий фаолиятининг ва онгли ҳатти – ҳаракатларининг юксак шакли ҳисобланиб, ижтимоий муҳитни, мавжуд жараёнларнинг вужудга келиш сабабларини ва воқеликни англаш воситаси, шунингдек, барча инсонларнинг эҳтиёжларини қондириш йўналишидаги фаолиятларини мувофиқлаштирувчи фикрлар ғоялар ва қарашлар натижасида вужудга келган хулоса ва қабул қилинган қарор *(Джураев Р.Х., Турғунов С.Т)*.

Ташаббускорли қарорлар – таълим муассасаси раҳбарларининг бошқарув фаолияти жараёнида зарур маълумотлар тўплаш методларидан фойдаланиб жамланган ахборотлар, ишланган ахборотлар ҳамда ўрганилган вазиятларнинг натижаларига асосан қабул қилинади ва улар таълим муасасасининг истиқболини назарда тутади.

Ташаббускорлик – бунёдкор ғояларни амалга ошириш борасида, оилада, маҳаллада, жамоада, кишилар ўртасида ижобий ишлар, тадбирлар ташкилотчиси бўлиш ва ўзи ҳам фаол иштирокчига айланиш орқали амалга оширилади.

Ташкилий қобилият – ўқитувчининг ўқувчиларни жипислаштириш, уларни банд қилиш, вазифалар бўлиб бериш, ишни режалаш, қилинган ишларни жамлаш маҳоратида номаён бўлувчи жараён маҳсули.

Тақвимий режа – ОЎЮ да тузилган жадвал ва ишчи дастурида кўрсатилган мавзулар асосида тузилиб, ўқитувчиларнинг дарс Машғулотларини олиб бориш, яъни, маъруза ўқиш ёки амалий машғулотларни олиб боришнинг ой ва кунлар бўйича (вақти кўрсатилган) тартибни ифодаловчи расмий хужжат.

Тақризчи – ижодий жамоа ёки тадқиқотчилар олдида илмий маъруза ёки илмий ишланма ёки диссертацияга ушбу соҳага тегишли илмий ходимнинг ўрганилаётган иши бўйича таҳлилий фикрини билдирувчи шахс.

Тақсимланган маълумотлар омбори – бир ахборот тизимида фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотлар омборининг турли жойлардаги компьютерларда сақланиши *(Абдуқодиров А.А ва бошқалар «Ахборот технологиялари» Т..: Ўқитувчи 2002 й. 137 бет.)*

Таққослаш – нарса ва ҳодисалардаги тафовут ҳамда ўхшашликни, тенглик ва нотенгликни топа олишга йўналтирилган фикрлаш операцияси демакдир.

Таҳлил (анализ) – манбани, муаммони, натижани илмий ўрганиш услуби. Бунда тадқиқот объекти фикран ёки эҳтимолий равишда таркибий қисмларга ажратилади ёки объектга мос белгилар ва кўрсаткичлар ҳамда уларнинг алоқадорлиги ўрганилади. Кўрсаткичлар (омиллар) орасидаги боғланишларни ўрганишдан мақсад тадқиқот объектини ифодаловчи кўрсаткичлар сонини камайтириш ва уларни асосий ва иккинчи даражали кўрсаткичларга бўлиш масаласи бўйича ўрганилади.

Таҳлил методи – бунга қуйидаги компонентлар киради:

- маълумотларни ахборот кўринишига келтира билиш;

- ахборотларни англаб идрок этиш;

- маълум ва номаълумларнинг муҳим белги ва муносабатларини ажрата билиш;

- элементларга ажратиш ва бошланғич структурали бирликни топиш;

- алоқаларни англаш (элементлар ёки ташкил этувчилар орасидаги) ва тушунтириш ҳамда синтез қила билиш.

Таҳлилий фикрлаш (ТФ) – таълим олувчининг берилаётган билимни эгаллашдаги ижодий фаолияти бўлиб, у орқали ўрганилаётган маълумотлар иерархик босқичлар асосида ўзлаштирилади.

ТФ асосан уч алгоритмик босқичда амалда жорий этилади. Улар: даъват, англаш ва мулоҳаза.

Даъват: таълим олувчиларнинг гуруҳи (кичик гуруҳ) фаолиятида сезиларли фаолликка ундаш жараёни бўлиб, унда янги билимларни эгаллашга, ўзи кўзлаган асосий мақсадга интилиш муҳим асос бўлиб ҳисобланади.

Англаш: ушбу жараёнда олдинги ва кейинги эгалланган билимлар мониторингига эътибор кучли қаратилади ва бунда ўқув материалини босқичма – босқич узвий ҳолда тўлиқ ўзлаштирилишига эришилиши асосий вазифа бўлиб ҳисобланади.

Мулоҳаза: бу босқичда ўзлаштирилиши лозим бўлган билимлар мантиқий кетма-кетликда таълим олувчида шакллантирилиш кўзда тутилади, яъни, таълим олувчининг янги фикр, ғоя, қараш ва ахборотларни эгаллаганлиги унинг ушбу соҳа бўйича эркин фикрлай олишлиги асосида хулосаланади.

Тезис – юнонча сўз бўлиб, thesis - қоида, исбот демакдир. У илмий асарлар, мақола, маъруза ва бошқалардаги баён этиладиган асосий (қисқача) фикр, хулоса.

Текшириш – меъёрий ҳужжатни қайта тасдиқлаш лозимлигини аниқлаш мақсадида шу ҳужжатни кўриб чиқишдан иборат бўлган фаолият.

Телеанжуманлар – аудиоанжуманлар, аудиографик анжуманлар, видеоанжуманлар, компьютерли анжуманлар. Барча олий таълим муассасаларида (шунингдек, бошқа таълим муассасаларида) компьютер тармоғи орқали товуш, график, видео ва матнларни узатиш асосида телеанжуманларни ўтказиш ҳозирги куннинг долзарб талабларидандир. Ўқув анжуманларининг асосий турлари технологик томондан компьютер тармоқларининг мультимедиясини ривожлантириш мобайнида яқинлашадиларда, аммо дидактик томондан ўзаро алоҳида фарқларини сақлайдилар.

Умуман ҳар бир телеанжуманларнинг ҳар бир турида масофадан туриб ўқитишнинг махсус методлари шаклланади. Охирги пайтларда ўқитишда фойдаланиладиган барча турлар орасида компьютерли анжуманлар (электрон алоқа, шунингдек, web технологияси асосида ўтказиладиган компьютерли синхрон ва асинхрон анжуманлар) кенг тарқалмоқда.

Олий таълим тизимида ахборот технологияларни қўллаш: янги педагогик метод ва усулларни ривожлантиришга; ўқитувчиларнинг ўзларининг олдида турган масалаларини ҳал этиш стилини ўзгартиришга; педагогик тизим тузилишини ўзгартиришга олиб келади.

Замонавий компьютерлар ва телекоммуникациялар технологиялари асосида ўқитиш методлари қуйидаги 4 та йўналишда фаолият кўрсатади: ўз-ўзини ўқитиш методлари; «биттаси биттасини»

ўқитиш методлари; «биттаси кўпни» ўқитиш методлари; коммуникация асосида «кўп кўпларни» ўқитиш методлари.

Олий ўқув юрти ўқув-тарбия жараёни янги ахборот ва телекоммуникация технологиялар асосида ЯПТ фаолиятини киритилиши ҳозирда қўлланилаётган анъанавий таълим тизимини тубдан ўзгартиради. Бу жараён жамият тараққиётига мос равишда мунтазам ривожланиб боради.

Телеконференция - ахборотларни узатиш ва қайта қабул қилишнинг рақамли техникаси имконияти телеконференция - янги техник даражадаги телефон ва телевидениенинг бир қўшилган варианти.

Телеконференция ўтказиш технологияси бир пайтнинг ўзида турли муассасаларнинг турли масофадаги кишилар билан биргаликда турли мулоқотлар қилиш имкониятини яратишдан иборат. Иштирокчилар бунда бир-бирин кўриш ва эшитиши билан бирга ёнма-ён, юзма-юз турганидек шариотга эга бўладилар.

Муаммовий конференциялар ўтказишда, кутубхоналар форталига уланишда, олий аттестация комиссиясидаги форталга уланишда, нуфузли олий ўқув юртларининг интеллектуал салоҳиятдан фойдаланиш орқали таълим – тарбияда истиқболли натижаларни қўлга киритиш мумкин.

Муаммоларнинг ечимини тезкор ҳал қилишда, фойдаланувчиларни моддий жиҳатдан иқтисодни ва вақтини тежашда, ахборотларнинг барча турларидан фойдаланиш имкониятини яратишда, қарорлар қабул қилишнинг оптимал вариантларини яратишда телеконференция пайтида ҳар қандай иштирокчи, унга тегишли маълумотлар базасидан фойдаланиш имкониятини кенгайтиришда фойдаланилади. Масофадан туриб маълумот алмашиш ва ундаги

оптимал вариантларни танлаш борасида ривожланиб, такомиллашиб бораверади.

Телеконференция ўтказиш учун факсимиль алоқа, телевизионкамера, дисплей, акустик аппаратуралар керак бўлади.

Телекоммуникация тизими.

МАҚСАДИ: Ахборот узатиш. ВАЗИФАСИ: Ахборотлар устида бажариладиган амалларни бажаришга ёрдамлашиш ва масофавий таълимни амалга оширишнинг оптимал вариантларини танлашга шароит яратиш.

Компьютерлар, моделлар, алгоритмлар, кабеллар, тармоқ дастурий таъминотлардан амалиётда фойдаланишда қўлланилади.

Телемедия киоблар – телекоммуникация воситалари ёрдамида масофадан ўқитишга хизмат қилувчи китоблардир.

Террор, терроризм (лотинча «terror» - қўрқинч, даҳшат) - қўрқитиш сиёсати, сиёсий мухолифларни зўравонлик чоралари билан бостириш. Терроризм, террорчилик жамоат хавфсизлигига қарши қаратилган жиноят бўлиб, халқнинг тинчлигини бузиш, қилинадиган қарорларга таъсир ўтказиш мақсадида одамларнинг ҳаётига хавф соладиган, мол – мулкка катта миқдорда зиён етказадиган, хавфли оқибатларга олиб келадиган портлаш, ўт қўйиш ёки бошқа ёвуз ҳаракатларни содир этиш, шунингдек, юқоридаги ҳаракатларни амалга ошириш нияти билан дўқ-пўписа орқали тазйиқ ўтказиш ҳисобланади.

Терроризм – террорчи (қўпорувчи) ёки террорчиликни мақсад қилиб олган жамоа (ташкилот) томонидан давлат ёки давлатлар манфаатларига зарар етказадиган ҳаракатлар бўлиб, уларнинг асосий мақсади бир давлат ҳудудидан чиқиб бошқа давлатлар манфаатларига зарар етказишдан иборатдир. Ёки бир давлатнинг фуқаролари томонидан бошқа давлатнинг фуқароларига нисбатан ҳамда давлатга

нисбатан зўравонлик ва қўпорувчилик сиёсатини ўтказишга бўлган ҳаракатлардир.

Тескари алоқа – тўғри каналдаги маълумотларни узатиш характерига тескари канал орқали таъсир этиш *(Абдуқодиров А.А ва бошқалар «Ахборот технологиялари» Т..: Ўқитувчи 2002 й. 137 бет.).*

Тест – (инглизча – синаш) бирор-бир фаолиятни бажариш учун маълум даражадаги билимни эгаллашга қаратилган топшириқлар. Тест тўғри бажарилганлигини ўлчаш ва баҳолаш мақсадида ҳар бир тестга эксперт методи ёрдамида эталон ишлаб чиқилади.

Тест – инглизчадан олинган бўлиб, у синов текшириш, тадқиқот маъноларини билдириб «Синалаётган шахснинг психофизиологик ва шахсий хусусиятларини, шунингдек, интеллектуал ривожи, қобилият ва малакасини текширишда қўлланиладиган стандарт машқлар» демакдир. Педагогик, услубий адабиётларни таҳлил қилиш натижасида дидактик тестлар қуйидаги 2 гуруҳга ажратилади:

- назарий билимларрни назорат қилувчи, малака ва қобилиятларни текширувчи ўзлаштириш тестлари;
- реал, ўқув имкониятлари бўича (Ю. Бабанский) диагностика тестлари ҳамда умумий ва махсус (масалан, микро ёки макро иқтисодиёт фани ва бошқа фанлар бўича) ўқитиш тестлари.

Тест деганда, аниқ вазифани такомиллашганлик даражасини аниқлашда сифат ва сифат ўлчамларини белгилаш имконини берадиган, фаолликнинг бирон шаклини, бирон аниқ топшириқ шаклдаги синов қуроли тушунилиди.

Тестлар методи – тестлар иложи борича бир хилликка келтирилган шахс интеллектуал салоҳиятини ёки унинг муайян бир соҳаси (йўналиш)ни тезкорлик билан синаш усулидир.

Назарий асосланган ва эмпирик жиҳатдан тахлил қилинган тестлар ва тадқиқотчи учун илмий юксак амалий жиҳатидан аҳамият касб этади.

Тестнинг афзаллиги қуйдагилардан иборат:

- назорат учун кам вақт сарифланади;

- назарий ва амлий билимлар даражасини объектив шароитда аниқлаш имконини беради;

- кўп сонли талабалар билан бир вақтнинг ўзида назорат олиб бориши мумкин;

- билим натижалари ўқитувчи томонидан тезкорлик билан текширилади;

- барча талабаларга бир хил қийинликдаги саволлар бериб, бир хил синов ўтказилади *(Зиёмуҳаммадов Б.)*.

Техник ижодкорлик фаолияти вазифалари:

1. Ҳозирги замон ишлаб чиқариш таломйиллари ҳақидлаги билимлар билан талабаларни қуроллантириш ва шу асосда илмий техник фирклашини кучайтириш.

2. Талабаларда билимларнинг илмий-техник, технологик, иқтисодий, экологик масалаларни ҳал этиш учун қўллаш қобилиятни шакллантириш.

3. Касбий маҳорат ва қобилиятларни жамият аҳлига ҳос шахсий сифатларни шакллантириш.

4. Меҳнатга ижодий муносабатда бўлиш, ижодий ташаббускорлик ва серҳаваслик, ишончлилик, табиат бойликлари ва техника объектлари, технологик жараёнларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш.

Техник ижодкорлдик фаолияти мақсади - фақат айрим қобилиятлар ва самараларни ривожлантиришдангина иборат бўлмай,

балки ҳаёимизга маъно бахш этишга кўмаклашиш ва ўтмишни идрок этиш-у, келажакни қарши олишга мардона тайёрланишга ёрдам беришдан иборатдир.

Алимов Н.Н

Техник ижодкордлик фаолияти предмети – олий ўқув юрти шароитида бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг замонавий ишлаб чиқариш, фан, техника ва технологияларга доир олган билимлари билан чегарланиб қолмасдан, уларнинг ривожланиш истиқболларини олдиндан кўра билишга қодир, танланган касбининг нозик қирларини онгли равишда ўзлаштирган, тадқиқотчилик кўникмалрига эга, назарияни амалиётга қўллашни биладиган етук мутахассислар қилиб тайёрлашга қаратилган илмий-техникавий ва ташкилий-педагогик ишлар мажмуаси (*Алимов Н.Н.*).

Техник ижодкорлик фаолияти таркиби – бу бевосита педагогик жараёнга тааллуқли бўлиб, унинг таркиби қуйидагилардан иборат: қайд қилинган ва қайд этилмаган факт (далил) лар, кузатишлар таҳлили; ижодкорлик масаласи объектини ўрганиш ва ўрнатиш; тушунчалар таҳлили; қоидалар, тамойиллар таҳлили; қонунлар ва қонуниятлар таҳлили; изланишлар, ечимлар таҳлили; ишчи фаразни белгилаш; тадқиқотлар ўтказиш; назария, ғоялар таҳлили; натижаларни таҳлил қилиш; хулоса чиқариш; очиқ муҳокамага тақдим қилиш; ҳаётга тадбиқ қилиш (*Алимов Н.Н*)..

Технологик ёндашув (ТЁ) – бу таълимнинг аниқ кутилган натижаларига эга бўлган узлуксиз жараёнидир.

ТЁ нинг компонентлари: тизимли ёндашув асосида ўқув жараёнини лойиҳалаш; ўқув мақсадини мумкин қадар аниқлаштириш; талабаларни уларнинг хатти-ҳаракатлари асосида ўқитиш; тескари алоқа; билим, кўрикма ва малакаларнинг тўла ўзлаштирилиши режалаштирилган

мақсадларга эришишни кафолатлаши; ўқитишнинг самарадорлигига эришилиши.

Технологик компонент – инновацион муаммони танлаш, тажриба ва тадқиқот (изланиш) лар олиб бориш учун дастур туза билиш уқуви, муаллифлик дастурини ишлаб чиқиш методикасини эгаллаш, педагогик жараёнга янгиликларни киритишнинг турли усулларини, тажриба ишлари натижаларини кузатиш методикаси ва ташхис қилишни эгаллаш *(Сайфуров Д.И.).*

Технологик харита – бу ўқитиш фаолиятининг бажарилиши бўйича амалга ошириладиган амалий ишлар мажмуидир. Технологик харитани **лойиҳалаш** педагогик маҳорат чўққиси ҳисобланади, чунки машғулот давомида бажариладиган амалий иш жараёни технологик харитада қоидали тарзда тасвирланади.

Технологик харита – жараённинг қадамма - қадам, босқичма – босқич, изчиллик билан (кўпинча график усуллар) қўлланилган воситаларни кўрсатиб берган ҳолда тасвирлаш (*Зуҳра Исмоилова*).

Технология – бу маълум бир муайян мақсадга ёки мақсадлар тизимига эришиш учун амалга ошириладиган жараёнлар кетма-кетлигидан иборат бўлган яратувчилик (пайдо этиш жараёни) фаолиятига айтилади ёки бошқача айтганда **технология** деганда манбалардаги (объектлардаги) сифат ўзгаришларга олиб келувчи жараёнга айтилади.

Технология тушунчаси ишлаб чиқариш жараёнидаги технологик операциялар ва маҳсулотни тайёрлаш мазмун-моҳияти билан боғланган.

Технология замирида жараёнлар кечишини амалга ошириш усуллари ва воситалари ҳақида билимлар йиғиндиси, шунингдек, объектда содир бўладиган сифат ўзгаришлари англанади. Технология сўзи фанга 1872 йиллардан бошлаб кириб кела бошлади.

Технологиялар жараёнларга қараб қуйидаги кўринишларда бўлиши мумукин:

- саноат технологияси (озиқ-овқат технологияси, машинасозлик технологияси ва ҳ.к.);
- китоб чоп этиш технологияси;
- таълим технологияси (ўқув жараёни технологияси, ЯПТ, инновацион таълим технологияси ва ҳ.к.);
- ахборот технологияси (ЯАТ ва ҳ.к.) ва шу кабилар.

Технологиялар уч хил бўлади. Улар ахборотли, ускунавий ва ижтимоий нуқтаи назарларни қамраб олувчи моддий ва маънавий бойликларни ишлаб чиқаришни ўз ичига олади.

Ахборотли – нуқтаи назар моддий ва маънавий бойликларни ишлаб чиқаришнинг тамойиллари ва усулларини баён қилинишини амалга оширади.

Ускунавий нуқтаи назар ишлаб чиқариш жараёнида амалга ошириладиган меҳнат қуроллари яратиш технологиясини амалга оширади.

Ижтимоий нуқтаи назар ходимлар ва уларни ташкил қилишни амалга оширади.

Технология – юнонча «tehne», яъни «маҳорат», «санъат» ва «logos» - «фан», деган сўзлардан олинган. Унинг ёрдамида манбаларда сифат ўзгаришлар рўй беради.

Технология – бирор ишда, маҳоратда, жараёнда, саъатда, саноатда қўлланиладиган йўллар, усуллар мажмуаси.

МАҚСАДИ: Ўқитишни такомиллаштиришга ундайди.

Технолог – бирор технология бўйича малакали мутахассис.

Технологияни ўрганиш – ахборотларни ўзлаштиришда объект ҳақидаги умумий маълумотларни бир тизимга келтириб ахборотга

айлантириб олгандан кейин ахборотлар орасидаги ўзаро алоқадорлик қонуниятларини очиш жараёни. Ана шу қонуниятлар ахборотлар йиғиш, тизимлаш, қайта ишлаш ва узатиш каби босқичларни босиб ўтишга тўғри келади ва улар орқали режалаштирилган натижаларга эришилади. Бу жараён ахборотларни ўзлаштиришнинг **технологик босқичи** дейилади.

Тизим – бу маълум қонуният асосида (яхлитлик нуқтаи назаридан) тартибланган, ўзаро узвий боғланган ҳамда белгиланган мақсад сари биргаликда умумий функционал вазифани бажарувчи элементлар (қисм тизимлар) мажмуаси **тизим** деб айтилади. Тизимлар таркибида қатнашаётган элементлар (қисм тизимлари) характерига қараб содда, мураккаб, динамик ва статистик тизимларга бўлинади.

Халқ таълими тизимида, айниқса, таълимни бошқаришда мураккаб динамик тизимлар кўп учрайди. Бундай тизимларни илмий-услубий тадқиқ қилиш ва улардан жараёнларни бошқаришда фойдаланиш кўпгина махсус муаммоларни ечимини топиш имкониятини беради:

- режалаштирилган таълим жараёнини тизим таърифи талаблари асосида қисм тизим, элементлар ва улар ўртасидаги боғланишлар, чуқур таҳлил қилиш;
- режалаштирилаётган таълим жараёнини “элементлар – қисм тизимлар – тизим” нуқтаи назардан кўрсаткичлар тўпламини яратиш ва уларни мутахассислар ёрдамида муҳокама қилиб, синфларга ажратиш;
- Кўрсаткичлар орасидаги боғланишларни ўрганиш, боғланиш қонуниятларини (формулаларини) ўрнатиш ва улар ичидан асосийлари ҳамда иккинчи даражалиларини ажратиш;

• аниқланган асосий кўрсаткичлар асосидаги таълим жараёнини бошқариш алгоритмини ишлаб чиқиш ва уни синовдан ўтказиш каби муаммолар ечими осон ҳал бўлади.

Тизим атамаси икки хил маънода ишлатилади. Улар: тизим – хосса сифатида; тизим – объект сифатида. Шахсий компьютерлар асосида локал ва кўп поғонали ҳисоблаш тармоқлари яратилмоқда ва уларни жорий этиш ижобий натижалар беради.

Ҳисоблаш тармолари ўзида маълумотларга ишлов беришнинг яхлит компьютер тизимлари (ЯКТ)ни мужассамлаштиради. Маълумотларга ишлов беришнинг ЯКТ маълумотларни тасвирлашнинг ягона усулига, тизим компьютерлари билан фойдаланувчи ўртасидаги ўзаро муносабатнинг ягона усулига асосланган ҳамда мутахассисларнинг профессионал ишларида ахборотга ва ҳисоблаб бўлган талабини қондирувчи мураккаб-технологик ва дастурий мажмуадир.

Тизим – объект сифатида жуда мураккаб ва маълум шаклда тартибланган (узлуксиз таълим тизими, таълим-тарбия жараёни ва шу кабилар) ички тузилмага эга бўлган жараёнларда намоён бўлади ва қаралаётган жараённи тизимий ўрганишга имконият яратади.

Тизим қўйилган мақсадларга эришиш мақсадида бирлашган, бошқарув персоналининг характерларини ўзаро мувофиқлаштириш ва бир-бирига мослаш соҳаларида ишлатилади.

Тизим, тизимий таҳлил ва тизимий ёндашув жараёнларида мунтазам фойдаланилиб бораверади ва тадқиқот ишларини самарали олиб боришнинг асосий негизларидан бирини тахминлайди.

Тизим – хосса сифатида макон ва замондаги муайян миқдордаги ҳамма тартибланган унсурлардан ва уларнинг рационал

комбинациясидан ташкил топган. Бу унсурларнинг ҳар бири бутун объект фаолиятининг муваффақиятига таъсир этади.

Тизим - маълум мақсад сари йўналтирилган ёки ягона маълум мақсад асосида ифодаланган ўзаро боғлиқ манбалар (қисм тизимлар, тизим элементлари) мажмуаси ёки ўзаро таъсир (қонуният) асосидаги қисм тизимлар ва тизим элементлари мажмуаси.

МАҚСАДИ: Муаммони бир бутун қилиб тадқиқ этишга имкон яратиш.

ВАЗИФАЛАРИ: таълим жараёнини бир бутун яхлит тизим шаклида ифодалаш; таълим-тарбия жараёнига «тизим яхлит», «тизимий ёндашув» тадқиқот усулларини жорий этишга имконият яратиш.

Тизим таълим-тарбия жараёнини тизим элементлари, қисм тизимлар кўринишида ифодалаб, кадр орасидаги алоқадорликни ўрнатиш орқали таълим-тарбия жараёнидаги қонуниятларни очиш имкониятини яратади ва мазкур жараёнларни оптималлаштиришга ёрдам беради.

Тизим таълим-тарбияга оид муаммоларни ҳал этишда «тизимий таҳлил», «тизимий ёндашув», «иерахик тизим» ларга тегишли тадқиқот усулларини амалиётга жорий этишда кенг қўлланилади.

Тизим педагогик технологияларнинг истиқболли вариантларини яратишда ва уларнинг замон талабига жавоб берадиган вариантлар мониторингни ишлаб чиқаришда доимо керак бўлади.

Тизим Система (юн. Systeme - қисмлардан иборат, бутун) – ўзаро муносабат ва алоқада бўлган муайян яхлитликни ҳосил қилувчи кўп қисмлар (элементлар) мажмуи.

Тушунчалар, тахминлар, назариялар, илм, форматлаштирилган мантиқий тизимлар.

Тизим (Система) – ягона мақсад йўлида бир вақтнинг ўзида ҳам яхлит, ҳам ўзаро боғланган тарзда фаолият кўрсатадиган бир неча турдаги элементлар мажмуи *(Абдуқодиров А.А ва бошқалар «Ахборот технологиялари» Т..: Ўқитувчи 2002 й. 137 бет.)*

Тизим- бу ўзаро узвий боғлиқ, таркибий ва ташкилий жиҳатдан бир бутун бўлган элементлар мажмуасидир.

Тизим ўз навбатида қисм тизим ва қисм элементларидан ташкил топган бўлиб, ички ва ташқи алоқадорликлар билан боғлиқ ўзининг босқичли ривожланиши тузулмасига структурасига эга.

Тизим эламенти – бу унинг ички функционал таркибига тааллуқли, лекин масаалани ҳал қилишда қисмларга ажратилмайдиган бир бўлагига айтилади.

Алоқадорлик – бу муҳит, тизим ва элементлари орасидаги моддий, энергетик, иқтисодий ва ахборотлар алмашинувидир.

Муҳит – бу тизимни ўраб турган фаолият кўрсатишига таъсир кўрсатадиган нарсадир.

Тизимга солиш – бу тизимлаштириш деб юритилади ва бунда айрим нарсалар, далиллар, ҳодисалар ва фикрлар муайян тартибда мантиқий тиртибда жойлаштирилади.

Тизимий ёндашув – илмий-методологик йўналиш бўлиб, у илм-фандаги турли тизимларни тадқиқ этиш, лойиҳалаш, моделлаш ва шу кабиларни ўз ичига олади.

Тизимий ёндашув номли методологик йўналиш билиш методлари, тадқиқот методлари, ҳамкорликда фаолият кўрсатиш йўналишидаги тадқиқот методидир.

Ушбу ёндашув мураккаб объектларни тадқиқ этишда кенг фойдаланилади. Мураккаб (динамик) объектларга кўп даражали, динамик ўзгарувчан, кўп параметрли, иерархик, биологик, тиббий,

психологик, педагогик, социологик, илмий-техник, технологик ва шу кабиларда фойдланилади.

Тизимий ёндашув (Тён) – ижтимоий ҳаёт ва илмий билишдаги методологик йўналиш бўлиб, манбани тизим сифатида ўрганади ва тадқиқотчига тизимнинг мақсад-мазмунини ифодалаш имкониятини ҳамда элементлар ва қисм тизимлар орасидаги турли боғланишлардан битта мақсад сари фойдаланилади.

Таълим-тарбия жараёнида такомиллаштириш ишларини олиб боришда Тён тадқиқот усулини қўллаш ва унда ахборотни қайта ишлаш технологиясидан фойдаланиш, мазкур соҳа бўйича ўзига хос инновацион ёндашув бўлиб, бунинг ёрдамида тадқиқот жараёнида ижобий сифат ўзгаришларига эришилади.

Таълим-тарбия соҳасида Тён ёрдамида олиб бориладиган тадқиқот ишларини комьютерлаштиришдан фойдаланиш юқори самаралар беради, яъни, тадқиқотчига тадқиқот ишини олиб боришнинг оптимал вариантларини қўлга киритиш имконини беради.

Тён тадқиқот усули «маълумотлар→маълумотлар базалари→ ахборот→ахборотлар банки→ахборотлар тизимлари» узлуксизлиги билан тўғри ва аниқ фаолият юритади.

Тизимий ёндашув (ТЁ) - илмий методологик йуналиш бўлиб, у илм-фандаги этиш, лойиҳалаш, моделлаш ва шу кабиларни ўз ичига олади. ТЁ-социал ҳаёт ва илмий билишдаги методологик йўналиш бўлиб, манбани тизим сифатида ўрганади ва тараққиётчига тизим мақсад мазмунини ифодалаш имкониятини ҳамда элементлар ва қисмтизимлар орасидаги турли боғланишлардан битта мақсад сари фойдаланилади. ТЁ методологик йўналишининг билиш методлари, тадқиқот методлари, конструкторлик фаолияти методлари ҳамкорлигида фаолият кўрсатиш йўналишида пайдо бўлган янги

йўналиш бўлиб, бу мураккаб манбаларни тадқиқ этишда кенг қўлланилади. Мураккаб динамик манбаларга кўп даражали, динамик ўзгарувчан, кўп параметрли, иорархик, биологик, тиббий, психологик, педагогик, социалогик, илмий-техник, технологик ваш у кабилар киради.

Узлуксиз таълим тизимига бугунги кундаги талаб жаҳон таълимининг замонавий талабларига жавоб бериши лозим. Бу борада ТЁ тадқиқот усулини қўллашда қуйидаги асосларга таяниш лозим:

- ўрганилаётган манба бўйича назарий ва амалий маълумотлар банкини тайёрлаш;

- тайёрланган маълумотлар банкини таълим технологияси ва мақсадига қараб тизимларга ажратиш;

- ўрганилаётган фан мазмунини ТЁ нуқтаи-назаридан таҳлил қилиб чиқиш;

- ТЁ нинг манбага нисбатан мақсадини аниқлаш;

-ТЁ тузилишига қараб элементлар ва қисм тизимларни аниқлаб чиқиш;

- ТЁ вазифасини аниқлаш;

- ТЁ ни қўллаш алгоритмини аниқлаш;

-ТЁ ёрдамида ўқитиш дастури ва жараёнини дастлабки экспертизадан ўтказиш;

- ТЁ ёрдамида ўқитишга кўрсатма ва услубий тавсиялар тайёрлаш;

- Олинган натижаларни баҳолаш мезонини ишлаб чиқиш;

- Мақсадга эришганлик даражасини аниқлаш мезонини ишлаб чиқиш;

- ТЁ ёрдамида таълимни бошқариш тўғрисида хулоса чиқариш ва бу методлардан амалиётда фойдаланишга тавсиялар тизимини тайёрлаш.

Тизимий ёндашув – илмий билим ва ижтимоий амалиёт методологияси йўналиши бўлиб, унинг асосида тадқиқот объектларининг тизим сифатида ўрганилиши қаралади, ҳамда тадқиқот объктини ўзаро алоқадорликдаги қисм тизим ва элементлардан тузилган яхлит тизим сифатида ифодалашга имконият яратади.

Тизимий таҳлил – илмий, техник, иқтисодий ва сиёсий характердаги мураккаб муаммолар ечимини асослаш ва топишдаги методологик воситалар мажмуаси.

Муаммони элементларга бўлиб ўрганишни таъминлайди.

Тизимни бошқариш – тизимни ташкил этувчи элементларга нисбатан амалга ошириладиган мақсадга йўналтирилган таъсир *(Абдуқодиров А.А ва бошқалар «Ахборот технологиялари» Т..: Ўқитувчи 2002 й. 138 бет.)*

Тизимлилик – педагогик технология тизимининг ҳамма белгиларига, жараённинг мантиқига, ҳамма қисмларининг ўзаро боғлиқлигига, бутунлигига эга бўлишидир.

Тинчлик – дунёдаги энг катта бойлик ҳисобланади. Чунки тинчлик бўлса, ҳамма эркин нафас олади, ҳамма ўз иши билан машғул бўлади. Шунинг учун юрт тинчлиги – барқарор тараққиёт гаровидир. Тинчликдан ҳамма манфаатдор.

Тинчлик – шахслар, гуруҳлар, миллатлар ва давлатлараро дўстона муносабатларни ўрнатиб, оилада, меҳнат жамоаларида, кўча-кўй, маҳалла, шаҳарлар ҳамда давлат ичида, жумлаи жаҳонда барча ижтимоий қарама-қаршиликларни тугатиб, инсонлар учун осойишта ҳаётни таъминлаб беришдир (*Ибрагимова Г., Тўрақулов Х.А., Алибекова Р.*).

Толиқиш - бу инсоннинг маълум бир фаолиятни бажариш давомида меҳнат фаолият кўрсатиш қобилиятининг пасайишидир.

Тренер – маълум йўналишда таълим олиш, машқлар бажариш бўйича тренинг машғулотларини олиб бориш (раҳбарлик қилиш) учун махсус юқори тайёргарликка эга бўлган мутахассис.

Тренинг – маълум йўналишда мақсадли таълим олиш, машқлар бажариш бўйича тренерлар томонидан (раҳбарлигида) ўтказиладиган машғулотлар *(Йўлдошев Ж., Йўлдошева Ф., Йўлдошева Г.).*

Тренингнинг гуруҳли – мунозара методи – бу муаммо саволларни (масалаларни) ҳамкорликда муҳокама этишда тренинг қатнашчиларининг назария ва стратегиялари асосидаги қарорлар қабул қилиш методидан иборат бўлиб, бунда тренер мунозарани турли саволларни ўртага ташлаш орқали таълим-тарбия жараёнини бошқаради ва ушбу жараённи тўғри ечим сари йўналтиради.

Тузиш – меъёрий ҳужжатларни нашр этилган матндаги босма тилшуносликка оид ва бошқа шунга ўхшаш хатоларни бартараф қилиш.

Туркий халқларнинг дастлабки савод мактаблари. Бизгача етиб келган маълумотларнинг кўпчилиги мамлакатимизда Ислом таълимоти даврларга тегишли бўлганлиги сабабли таълим-тарбия тизими ва муассасалари – мактаб, мадраса, мадрасаи олия каби арабча атамалар билан аталган.

Маълум бўлишича, ўтмиш таълим-тарбия тизими уч босқич ва унинг уч муассасаси – бошланғич мактаб, ўрта махсус (мадраса) ва олий, яъни, мадрасаи олиядан иборат бўлган.

Таълимнинг биринчи босқичи бошланғич мактаб – «мадрасат-ул-ибтидоия», иккинчи босқичи – ўрта махсус билим юрти – «мадрасат-ус-сонавия» ва учинчи – олий ўқув юрти – «мадрасат-ул-олия» тарзида номланиши қайд қилинган. Шу билан бир қаторда давр тақозоси билан таълимнинг иккинчи босқичи – ихтисослаштирилган билим юртлари – «мадрасат-ул-ҳарбия» (ҳарбий билим юрти), «мадрасат-ус-саноъия»

(санъат билим юрти), «мадрасат-ул-муаллимин» (педагогика институти) тарзида аталиши ҳам уқтирилган.

Ўтмиш таълим тизимидаги учинчи босқич – олий таълим муассасаси «мадрасаи олия» деб аталган ва у университет мақомида бўлган (*Валихўжаев Б.*).

Туркистон – она-Ватанимизнинг азалий мўътабар номи. Қадимги туркий, паҳлавий, хитой, ҳинд, араб, яҳудий, гуржи, арман, қароим, юнон, лотин, славян ва бошқа ёзма манбаларда юртимиз шу ном билан аталган, 1867-1886 йиллардан эътиборан қўлланила бошлаган. «Туркистон ўлкаси» истилоси ҳам муайян маънода мазкур илмий тарихий ҳақиқатни, чоризмнинг стратегик мақсад режалари доирасида бўлса-да, акс эттирар эди. Туркистон – «Туркий халқлар яшайдиган ўлка, юрт, жой», муқаддас ўчоқ, қадимги туркий битиклардаги «Турк будун» мазмунини ифодалайди. Тор маънода «Туркистон» деб асосан Марказий Туркистон тушунилади.

Турон (форсча «турон» туркийлар деган маънони англатади) – туркий халқлар яшайдиган ҳудудларнинг билдирувчи ижтимоий, тарихий-этник атама. «Турон» атамаси бундан 2500-3000 йиллар олдин ҳам қўлланилган, «Турк юрт», «Турк эли», «Турк будун», «Туркистон» атамалари ёзма битикларда учрайди. Бу атама туркий халқларнинг жаҳоний ҳамда ижтимоий этник бирлигини ифодаловчи асосий тушунча ва ном сифатида XX асргача етиб келган.

Тушуниш – инсон ақлий фаолиятининг тафаккур жараёни, ўрганилаётган манбанинг янги мазмунини ўзлаштириш ва уни мавжуд ғоя (фикр таъминот) ҳамда тасаввурлар тизимига қўшишдан иборат бўлиб, илмий билишнинг асосий функцияларидан бири.

Тушунишга ёрдам берувчи изоҳлаш-баҳолаш стандартини излаш ва уни муҳокама қилинаётган масалага мувофиқ келишини асослашдан

иборат. Табиатни тушуниш унинг ҳодисаларига унда нималар рўй бериши лозимлиги нуқтаи назаридан, яъни, нарса ва ҳодисаларнинг табиийлиги тўғрисидаги илгариги тасаввурларни билиш тажрибасига таянадиган нуқтаи назардан келиб чиқиб баҳолаш.

Тушунтириш – илм-фан ва таълим-тарбиянинг асосий вазифаси ҳисобланади. Тушунтиришнинг шакллари қуйидагилар: илмий тушунтириш; рационал тушунтириш.

Тушунча – воқеликдаги нарса ва ҳодисаларнинг муҳим белги ва хусусиятларини бир сўз ёки сўзлар бирикмаси билан ифодалашдан иборат тафаккур шакли. Таълим жараёнининг диалектик характерга эгалиги боис тушунчалар аста-секин чуқурлашиб ва мураккаблашиб боради.

Тушунчаларни аниқлаш ва тушунтириш усули – бунга хил ва тур белгиларини топиш; кўрсатиш, тушунтириш, тасвирлаш, таъриф бериш, натижаларини (мантиқий таърифлаш, тушунча диктанти, ўйинлар ва ҳ.к. лар тарзида) белгили расмийлаштиришлар киради.

Тьютор – масофавий таълим жараёнининг муваффақиятли кечишини ва унинг самарадорлигини таъминловчи асосий маслаҳатчи ўқитувчи. Тьютор сўзи лотинча **«tulor»,** инглизча **«tutor»** сўзларидан келиб чиққан. Уларнинг рус тилидаги ифодаланиши **домашний учитель, репититор, наставник**лардан иборат. Демак, тьютор сўзи ўзбек тилида консультант – ўқитувчи, маслаҳатчи – ўқитувчи, устоз маъноларини билдиради.

Тьюторнинг ахборотга оид функцияси – тьюторнинг ўқув модуллари орқали ёки бошқача режада тақдим қилинган назарий ва ахборот сифатидаги маълумотни таълим олувчилар томонидан тушуниб етишлари ва талқин қилишларида ёрдам бериш, шунингдек, уларга

мустақил ўқишларни ташкиллаштириш масалаларида йўл-йўриқ кўрсатиш, маслаҳат бериш билан характерланади.

Тьюторнинг баҳолаш ва назорат функцияси – таълим олувчиларнинг эгаллаётган янги билим, кўникма ва малакаларини текшириб ва баҳолаб боришни кўзда тутади. Назорат қилиб ва баҳолаб бориш тьюторга таълим олувчилар фаолиятидаги, шунингдек, ўқиш фаолиятидаги ютуқ ва камчиликларни аниқлаб бориш ва керак бўлса ўз фаолиятига, тингловчилар фаолиятига ўз вақтида тегишли корректировкалар (тузатишлар) киритиб бориш ва камчиликларни тузатиб бориш имконини беради.

Тьюторнинг диагностик функцияси – ўқув жараёнида таълим олувчилар шахсини ўрганиб боришни, уларнинг билим, кўникма ва малакаларини, мотивлари заминини ҳамда пайдо бўлиши мумкин бўлган муаммоларни аниқлаб ва таҳлил қилиб бориш вазифасидан иборат. Диагностика натижалари **бир томондан** тьюторга таълим олувчи тўғрисида самарали мулоқот ўрнатишга ёрдам берувчи ахборотга эга бўлиш имконини берса, **иккинчи томонда**н шунга яраша ўқитишнинг адекват шакл ва усулларини танлаш асосларидан бири бўлиб хизмат қилади.

Тьюторнинг идентификациялаш функцияси – кишининг бошқа киши томонидан идрок этилиши, тушунилиши механизмига оид категория бўлиб, хусусан тьюторнинг хаёлан ўзини таълим олувчининг ўрнига қўйиб кўриш орқали унинг ички ҳолати, ниятлари, ўй-фикрлари, мойилликлари ва ҳис-туйғулари ҳақида тахмин қилиш орқали уни тушуниши, идрок қилишидир. Тьюторнинг бу функцияси унга ўзи билан мулоқотга киришган таълим олувчилар тўғрисида тўлиқ ахборотга эга бўлишига ёрдам беради. Агар тьютор ўзи билан мулоқотга киришадиган таълим олувчилар тўғрисида доимо тўлиқ,

илмий жиҳатдан асосланган ахборотга эга бўлганда эди, улар билан бўладиган ўзаро тактикасини бехато ва аниқ ишлаб чиқиши мумкин бўлар эди.

Тьюторнинг лойиҳалаш функцияси – таълим мазмуни ва жараёнини тўлиқ тасаввур қилишни амалга ошириш жараёни бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади: ўз фаолияти натижаларини олдиндан кўра билиш; мақсад томон боришда амаллар кетма-кетлигини белгилаб олиш; таълим жараёни тактикаси ва стратегиясини тузиб олишларни ўз ичига олади.

Тьюторнинг мақсадга йўналтириш функцияси – таълим олувчилар ва тьюторларнинг эҳтиёжини, шунингдек, ижтимоий буюртмани мақсадга қарата йўналтириш ва шакллантириш вазифасидан иборат.

Тьюторнинг мотивлаштириш функцияси - ўқитиш самарадорлиги ортиши, таълим олувчилардаги мотивациянинг юқори даражадалиги ва кучлилигини таъминлашдан иборат. Тьюторнинг таълим олувчига ва унинг олдида пайдо бўлаётган қийинчилик ва муаммоларга эътиборлилигида ҳамда таълим олувчини ўз вақтида қўллаб - қувватлаши ва тўғри маслаҳатлар бериб боришида намоён бўладиган мотивлаштириш функцияси ўқув-билув жараёни самарали кечишининг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Тьюторнинг мулоқотга оид функцияси – виртуал гуруҳларни шакллантириш ва таълим олувчиларнинг тьютор ва бир-бирлари билан ўқиш ва иш юзасидан муносабатлари, шунингдек, бу функция таълим олувчиларни **«контакт сессиялар», «кучли курслар»** шароитида гуруҳларда ишлаш, самарали мулоқот кўникмаларини эгаллашларидаги вазифадир.

Тьюторнинг рефлексив функцияси – тьютор томонидан таълим олувчиларнинг идрок этилишига оид котегория бўлиб, идентификациялаш функциясига туташдир. Тьюторнинг бу функцияси у билан мулоқотга киришган таълим олувчи томонидан, кенг маънода унинг ўзини, хусусан ўзи томонидан тақдим қилинган ахборотни (ёки умуман, ахборотни) қай тарзда идрок этилишини тушуниб етганлигини англаб етиши билан боғлиқ. Рефлексив функциянинг роли шахсни ўзига бошқаришдан ташқари қараши, ўз фаолиятини таҳлил қилиб ва баҳолаб бориши, бунинг оқибати ўлароқ маънавий ва интеллектуал камол топишида намоён бўлади. Тьюторнинг шахсий рефлекцияси эса уни ўзини-ўзи ривожлантириши ва камолга эришишида рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилади.

Тьюторнинг технологик функцияси – бевосита лойиҳалаш функциясига туташ бўлиб, ўқув-билиш фаолияти технологиясини ишлаб чиқишни, ўқув жараёнида қўлланадиган ва таълим мазмунининг, таълим олувчиларнинг, тьюторнинг ва техникавий имкониятларнинг хусусият ва характеристикаларини ҳисобга олувчи асосли ва мақсадга энг мувофиқ усул ва шакллар танлашни назарда тутиш жараёнидир.

Тьюторнинг ташкилотчилик функцияси - бевосита ўқув-педагогик жараёнда амалга ошириладиган фаолият бўлиб, таълим жараёни қатнашчиларининг бу жараённинг сифат ва самарадорлигини таъминлашдаги масъулиятини белгилашни, шунингдек, уларнинг куч ва вақтларини тегишлича тақсимлашни назарда тутади.

Тьюторнинг фаоллик функцияси – ўқув жараёнини оптимал ташкил қилиш, таълим олувчиларда бошқарув кўникмаларини шакллантириш ва бундай фаолиятларни таҳлил қилишлар асосидаги фаолиятдир.

Тьюторнинг ўз-ўзини ривожлантириб бориш функцияси – тьюторнинг шахсий фаолиятларини, шунингдек, унинг ўз билими, кўникма ва малакаларини ривожлантириб ва такомиллаштириб боришга бўлган эҳтиёжларига тааллуқли бўлиб, бу ортиқча изоҳни талаб қилмайди. Демак, тьютор – махсус психологик – педагогик ва ахборот – коммуникация технологиялари муҳитида таълим олувчиларнинг мустақил ўқув-билиш фаолиятларини ташкил этувчиси, уларнинг шахсий – касбий ривожланишидаги – маслаҳатчи устоз *(Йўлдошев Ж., Йўлдошева Ф., Йўлдошева Г.).*

Тўлаган Хўжамёров – Тавалло (1882 - 1937) XX аср бошлари Тошкент адабий муҳитининг кўзга кўринган намояндаларидан эди.

У 1882 йили Тошкентнинг Кўкча даҳасига зиёли оиласида туғилган. Аввало эски мактабда, сўнг Бекларбеги мадрасаси таҳсил олади. Бу даврларда Тошкент адабий ҳаётининг марказларидан бир эди. Тавалло шу ерда Каримбек Камий, Мискин, Хислат, Юсуф Сариёмий каби замонасининг атоқли шоирлари билан танишади. Айниқса Юсуф Сариёмий билан яқин алоқага киришиб унинг ўзининг пири, устози сифатида эътироф этади.

«Тавалло» деб таҳаллус олиши ҳам мазкур устоз даъвати билан бўлади.

Тавалло ўзи яшаб турган воқелик моҳиятини, Туркистоннинг чор истибдоди остида ҳуқуқсиз, забун бир қисматга маҳкум эканлигини англаган паллада, яъни, 1905 йиллардан бошлаб жадидчилик ҳаракатларига қўшилади. Бу ҳаракатнинг барча муҳим жабҳаларида иштирок этади. Хусусан, миллий матбуотимизнинг илк намуналари ҳисобланган «Тариққий», «Шуҳрат», «Садои Туркистон», «Садои Фарғона» газеталарида унинг шеър ва мақолалари мунтазам чиқиб туради. 1914 йил августида тошкентлик тараққиётпарвар ёшлар

томонидан ташкил этилган «Нашриёт» ширкати муассислари қаторида Тўлаган Хўжамёров номи ҳам учрайди. 1913 йилнинг ўрталарида Тошкентда биринчи миллий театр труппаси фаолият бошлайди. 1914 йилнинг 27 февралида «Колизей» театр биносида намойиш этилган «Падаркуш» спектакли шу труппанинг илк миллий театр томошаси эди. Таввало бу ҳаракатнинг ташкилотчилари ва жонкуярлари қаторида кўринади. Ана шу воқеага бағишлаб махсус шеърлар ёзади.

1916 йил Тавалло ўзининг матбуотда эълон қилинган ва босилмаган шеъларини тўплаб «Равноқ - ул - ислом» номи билан чоп эттиради. Тўпламда 70 га яқин шеър жамланган бўлиб, уларнинг барчаси маърифатпарварлик руҳи билан йўғрилган.

Таввало 1917 йил октябрь тўнтарилишидан сўнг турли идораларда ишлади. «Муштум» журналида ҳажвий шеърлар билан фаол иштирок этди.

Шоир 1937 йили кўплаб сафдош ҳаммаслаклари қатори ҳақсизлик қурбони бўлди. Ҳибсга олиниб, қамоқда вафот этди.

Таввало қабрининг қаердалиги номаълум.

Тўлов-контракт – олий маълумот олиш истагида бўлган ёшлар тегишли ўқув юртлари, маъмуриятлар билан иккала томоннинг вазифаларини белгилаб берувчи шартнома тузувчи имконият. Бунда талабалик сафига тест синовлари натижалари ёки грантлардан сўнг баллар кетма-кетлиги рейтинг асосида қабул қилинган абутуриентлар белгиланган миқдордаги маблағни олий ўқув юрти ҳисобига ўтказадилар. Тўлов-контракт шаклида ўқиш қоидалари ва шартлари давлат томонидан мавжуд қонунчиликка асосланган ҳолда белгиланади.

Тўғрилик – маънавий бойлик, ахлоқий фазилат бўлиб, инсонни соғлом одимлар билан бахт сари етаклайди. Тўғрилик инсон қадрини юксакликка кўтаради. Тўғрилик умр ва эзгулик таянчидир. Тўғри одам

бамисоли шам, шам ёниб тугагунча нур таратади. У бор экан ёруғлик мавжуд. Тўғри одам ҳам умри давомида меҳр-садоқат нурларини таратади. Шунинг учун тўғриликни яхши хулқларнинг посбони дейишади (*Ибрагимова Г., Тўрақулов Х.А., Алибекова Р.*).

У

Убайдулла Хўжаев (1880 - 1938). Жадидчилик ҳаракатининг йирик намояндаларидан бири, давлат ва сиёсат арбоби Убайдуллахўжа Асадуллахўжа ўғли 1880 йил Тошкент шаҳрида туғилган. Рус – тузем мактабини тамомлагач, давлат муасасаларида таржимонлик билан шуғулланган. Убайдулла Хўжаев дастлабки ўзбек адвокатларидан бири эди.

Ўқишни тугатгач, Тошкент округ судида адвокат бўлиб хизмат қилди. Ўз атрофига ёшларни тўплаб, «Умид» яширин жамиятини тузди. Кейинчалик бу ташкилот «Тараққийпарвар» деб номланиб, жадидларнинг асосий ташкилотларидан бирига айланади.

Убайдулло Хўжаев 1914 йилда маҳаллий сармоядорларнинг кўмагига таянган ҳолда «Садои Туркистон» газетасини ўз муҳаррирлиги остида чоп этади. У ушбу газета саҳифаларида миллий ўзликни англашга даъват этувчи, маҳаллий халқнинг сиёсий онгини оширишга хизмат қилувчи кўплаб мақолалар эълон қилади.

Газета ёпиб қўйилгач, Убайдулла Хўжаев Андижонга келади ва рус тилида «Туркестонский голос» газетасини нашр этади.

1917 йил феврал инқилобидан кейин Туркистондаги мустақиллик ва тараққиёт учун миллий ҳаракатининг фаол раҳномаларидан бирига айланди. Тошкент «Шўрои Исломия» ташкилотига раис, Бутун Россия мусулмон шўросига аъзо этиб сайланди. У 1917 йилда бўлиб ўтган IV фавқулодда ўлка мусулмонларининг съезди уни Туркистон

Мухториятининг Ҳарбий Нозири этиб сайлади. Туркистон Мухторияти тор–мор этилгач, Убайдулла Хўжаев Оренбургга боради ва Бошқардистон Мухторияти ҳукуматини тузишда фаол иштирок этади. 1920 – 1938 йилларда совет ҳокимиятига зид бўлган сиёсий қарашлари учун унга бир неча бор тазйиқ ўтказа оладилар. 1938 йилда Совет ҳокимиятига зид бўлган сиёсий қарашлари учун уни бир неча бор таъқиб остига оладилар. 1938 йилда барча тараққийпарвар ўзбек зиёлилари қатори у ҳам қатоғонга учрайди ва отиб ташланади.

Убайдулла Хўжаев қабрининг қаердалиги номаълум.

Увайсий (XVIII асрнинг 80-йилларида туғилиб, 65 ёшида вафот этган). Тўлиқ исми: Жаҳон Отин Увайсий. У Маарғилон шаҳар Чилдухтарон маҳалласида туғилади, ёшлигидан шеъриятга ҳавас қўяди ва отаси унга адабиётдан дарс беради. Тез орада шоира бўлиб, етишади, ўзбек форс-тожик шоирларининг асарларини қунт билан ўқиб, ўрганади. Шоира Нодирабегим билан ижодий алоқада бўлди. У онаси отинлик қилган хусусий қизлар мактабида дастлаб халифалик қилди, сўнгра мустақил равишда отинлик қилди. Увайсий муаллимлик фаолияти билан биргаликда қалами ўткир шоира эди. У ғазаллари, чистонлари билан Умархон саройида «ман-ман» деган шоирлар билан бахслашар эди.

Увайсий ўзининг мактабдорлик ва ижодий фаолияти билан ёшлар таълимида юксак ўринга эга. Унинг маърифий фаолиятида аёлларнинг саводхонлигини ошириш, ақлий тарбия, мусиқа санъати, қобилиятли қизлар билан иш усуллари алоҳида ўринга эга. У ўз даврининг ёш толибаларига ҳаётга муҳаббат туйғуларини сингдириб борган, тез фикрлаш, чиройли сўзлаш ва бошқа тарбия воситалари билан боғлиқ бўлган чистон-топишмоқ усулларини яратишни ўргатган. Шунинг учун

Увайсий ижодий меросини ўрганиш ва уни ҳозирги давр мактаблар таълим-тарбия тизими мазмунига киритиш катта аҳамиятга эга.

Узвийлик – таълим-тарбия жараёнини муайян кетма-кетлик асосида ташкил этилишини ифодаловчи муҳим сифат бўлиб, маълум босқичда аввалги босқич ўқув фаолиятини мазмунини ташкил этувчи билим, кўникма ва малакаларнинг мустаҳкамланиши, кенгайтирилиши ва чуқурлаштирилишини таъминлайди. Узвийлик фалсафий, психологик ва педагогик жиҳатларга эга.

- **Фалсафий жиҳатдан узвийлик** категорияси **«ривожланиш»** категорияси билан боғлиқ бўлиб, унинг моҳияти **«ҳаракат»** категорияси билан солиштиришда аён бўлади. Узвийлик ривожланаётган барча ҳодиса ва жараёнларга тааллуқли бўлган умумий, муҳим алоқаларни акс эттиради ҳамда **янгида эскининг мавжудлигини аниқлайди**.

Ривожланиш нуқтаи назаридан узвийлик ҳам сифат ўзгаришлари жараёни, ҳам янги сифатни ҳосил қилиш мақсадида бир даражадан иккинчи даражага ўтиш тарзида талқин этилади. Узвийлик олдинги босқичлардан қўлга киритилган натижаларнинг ривожланишини назарда тутади.

- **Психологияда узвийлик** мураккаб психологик ривожланиш қонуниятлари ёш билан боғлиқ бўлган ўзгаришларни ўрганиш; билимларни босқичма-босқич ўзлаштириш; фаолиятнинг етакчи турлари ўзгариши доирасида кўриб чиқилади.

- **Педагогик жиҳатдан узвийлик – бу дидиктик** тамойил (ўқув жараёнининг мазмуни, ташкилий усул ва шаклларини белгилаб берувчи асосий қоида), **шароит** (таълим жараёнини самарали ташкил этишга кўмаклашувчи ҳолатлар), **ҳаракатга келтирувчи куч (**таълим жараёнини амалга оширишга ёрдам берувчи омил**),** таълим,

ривожланиш ва тарбия жараёнида мажбурий бажарилиши керак бўлган талаб сифатида изоҳланади.

Таълимда узвийлик икки хил турда қўлланилади. **Биринчидан, таълим турлари (бўғинлар**и) **орасидаги узвийлик. Иккинчидан,** ўқув фанлар орасидаги узвийлик. Бу одатда фанлараро ёки предметлараро боғланиш орқали амалга оширилади.

Педагогик луғатларда кўрсатилишича, **узвийлик таълим мазмунининг муайян кетма-кетликда, тизимли жойлаштирилиши,** янги мавзуни ўзлаштиришда мавжуд билимларга таяниши, ўқув материалининг маълум даражада навбатдаги босқичларида қўлланилишини, ўқув-тарбия жараёни босқичларининг давомийлигини ифодалайди. Ҳозирги кунда узлуксиз таълим тизими нуқтаи назаридан узвийлик муаммосининг ечимини топиш, уни амалиётга тадбиқ этишнинг самарали усул ва воситаларини ишлаб чиқиш зарурияти вужудга келади. Бунда таълим олувчилар ёш хусусиятларига мос келадиган таълим мазмунини танлаш, танланган таълим мазмунини узвийлик тамойилига асосан жойлаштириш ва уни педагогик жиҳатдан асослаш муҳим аҳамиятга эга. Танланган таълим мазмуни имкониятларидан келиб чиққан ва таълим олувчилар билим даражасини инобатга олган ҳолда мавжуд ҳамда янги билим, кўникма, малакаларни тизимли ва узвий равишда шакллантириш таълим олувчиларнинг тўлиқ ўзлаштиришини таъминлайди. Таълим мазмунини узвийлик асосида жойлаштириш нафақат муайян фаннинг ўқув дастури ва режасининг тузилишига, балки унга турдош бўлган фанлар ўқув дастурига мослаштирилиши орқали таълим самарадорлигига таъсир этади.

Узлуксиз таълим – миллий моделнинг асосий қисми бўлиб, қуйидаги таълим турларини ўз ичига олади: мактабгача таълим; умумий ўрта таълим; ўрта махсус, касб-ҳунар таълими; олий таълим; олий ўқув

юртидан кейинги таълим; кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш; мактабдан ташқари таълим.

Узлуксиз таълим – малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турлари, ДТС ни, кадрлар тайёрлаш тизими тузилмаси ва унинг фаолият кўрсатиш тизимини ўз ичига олади. Ўзаро мантиқий изчиллик асосида боғланган ҳамда соддадан мураккабга қараб ривожланиб борувчи ва бир-бирини тақозо этувчи босқичлардан иборат яхлит таълим тизими. Ўзбекистон Республикасида кадрлар тайёрлаш тизимининг асоси, таълим соҳасида давлат сиёсатининг асосий тамойилларидан бири 1997 йил 29-августда қабул қилинган «Таълим тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида тамойил сифатида қайд этилган. Умумий таълим миллий моделининг асосий таркибий қисмлардан бири (қисм таълимнинг миллий модели), Ўзбекистон Республикасининг ижимоий-иқтисодий тараққиётини таъминловчи жамият ва давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, илмий-техникавий ва маданий эҳтиёжларини қондирувчи устувор соҳадир. Умумий таълимнинг фаолият кўрсатиш тамойиллари қуйидагилардан иборат;

1. Таълимнинг устуворлиги.
2. Таълимнинг демократлашуви.
3. Таълимнинг инсонпарварлашуви.
4. Таълимнинг ижтимоийлашуви.
5. Таълимнинг миллий йўналтирилганлиги.

Узлуксиз таълим тизими – кадрлар тайёрлаш тизимининг асоси. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг таъминловчи шахс, жамият ва давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, илмий – техникавий ва маданий эҳтиёжларини қондирувчи устувор соҳа.

Узлуксиз таълим тизими ижодкор, ижтимоий фаол, маънавий бой шахс шаклланиши ва юқори малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлаш зарурий шарт-шариотларини яратади. Ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратиш, баркамол авлодни шакллантиради.

Таълим олишда, шунингдек, болалар ва ёшларни маънавий-ахлоқий, интеллектуал ва жисмоний жиҳатдан тарбиялашда оила, ота-оналар, жамоат ташкилотлари, маҳаллалар алоқаси асосида чора-тадбирларни белгилайди ва амалга оширишда узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинларда аҳамияти берилади. Таълим жараёни ва кадрлар тайёрлаш сифатида холис баҳо бериш тизимини яратиш ва жорий этишга кенг имкониятлар яратади.

Инсон қобилиятларининг ечилиши ва унинг таълимга нисбатдан бўлган турли-туман эҳтиёжларнинг қондирилиши миллий ва умумбашарий қадриятлар устуворлигининг таъминланиши, инсон жамият ва атроф-муҳит ўзаро муносабатларни уйғунлашувини амалга ошириш борасида қўлланилади.

Узлуксиз таълим тизими мустақил равишда 9 йиллик умумий ўрта таълим ҳамда 3 йиллик ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини жорий этишда ва уларнинг изчил амалга оширилишида ривожланиб бораверади.

Умар Хайём (1048-1123). *Тўлиқ исми* – Ғиёсиддин Абдулфатҳ Умар ибн Иброҳим Нишопурий (Хайём тахаллуси). Болалиги Нишопурда ўтган, Балх, Бухоро, Самарқанд, Исфахон каби шаҳарларда таҳсил олади. Исфахондаги расадхонага бошчилик қилади ва математика, астрономия соҳасига оид катта илмий тадқиқотлар олиб боради.

Устозлари: Муҳаммад Мансур, олим Абу Али ибн Синони ҳам ўзининг устози деб билади.

Асарлари: «Борлик ва мажбурият ҳақида рисола», «Уч саволга жавоб» «Умумий фаннинг предмети ҳақида ақл нури», «Мавжудликнинг умумийлиги тўғрисида рисола» кабилар. 1079 йилда Қуёш тақвимини ислоҳ қилиб, янги тақвим яратди, баъзи сабабларга кўра ушбу тақвим ҳаётга жорий қилинмай қолиб кетди. Умар Хайёмнинг таъкидлашича, тарбиянинг мақсади соғлом фикр, зийрак ақл ва ўткир зеҳнга эга бўлган инсонни шакллантиришдир. Тарбия жараёнида олимнинг талабчанлиги асосида ёшларда ижобий ахлоқий фазилатларни таркиб топтириш, ёмон иллатлардан холос бўлишига эришиш мумкин.

Умумдавлат таснифлагичи – стандартлаштириш билан (стандартлаштириш бўйича) шуғулланадиган давлат идораси ёки бошқа тегишли ҳуқуққа эга бўлган республика идораси томонидан тасдиқланган ва истеъмолчиларнинг кенг доирасига яроқли бўлган стандарт.

Умумий ўрта таълим – тўққиз йиллик (I – IX синфлар) ўқишдан иборат бўлган умумий ўрта таълим – мажбурий таълимдир. Бунда таълим (I – IV синфлар) ни ҳам қамраб олади, ҳамда ўқувчиларнинг фанлар асослари бўйича мунтазам билим олишларини, уларда билим ўзлаштириш эҳтиёжларини, асосий ўқув – илмий ва умуммаданий билимларини, миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган маънавий – аҳлоқий фазилатларни, меҳнат кўникмаларини, ижодий фикрлаш ва атроф – муҳитга онгли муносабатда бўлишни ва касб танлашни шакллантиради.

Демак, ўрта умумтаълим – узликсиз мажбурий таълим бўлиб, унда қуйидаги муаммолар ҳал бўлади:

- фанлар асослари бўйича узлуксиз билим берилади;
- мехнат кўникмалари шаклланади;
- ижодий фикрлаш ва атроф муҳитга онгли муносабатда бўлиш ўргатилади;
- касб танлаш шаклланади.

Умумий ўрта таълим тугаллангандан кейин таълим фанлари ва улар бўйича олинган баҳолар кўрсатилган ҳолда давлат томонидан тасдиқланган наъмунадаги аттестат берилади.

Умумий қарорлар – таълим муссасаси фаолиятини ва жамоа аъзоларининг иш тартибини белгилаш, яъни, таълим муассасаси регламентини беглилаш йўналишидаги қарорлар бўлиб, улар умумий тавсифга эга бўлади ҳамда барча бўғинлар учун бирдек амал қилади *(Джураев Р.Х., Турғунов С.Т).*

Умумилмий тадқиқотлар (УТ) – инсон ақлий фаолиятининг маълум (аниқ) мақсадга йўналтирилган ижодий харакатлари мажмуасидан иборат бўлиб, улар ҳодиса ёки нарсалар ўртасидаги алоқадорлик ҳамда тараққиёт қонуниятларини яратишга мўлжалланган ижодкорликдир.

Умуминсоний қадриятлар – илмий – техникавий ва интеллектуал имкониятлар: маориф, таълим – тарбия, тиббий хизмат, миллий мерос, турли ташхисларда намоён бўладиган маданият дурдоналари, тил, адабиёт, санъат, халқ хунармандчилиги маҳсулотлари, ноёб тарихий ва маданий ёдгорликлар, обидалар, архитектура ва шу кабилар мажмуидир.

Умумлаштириш - нарса ва ҳодисаларнинг ўхшаш ҳамда муҳим белги ва хусусиятларини, боғланишларини фикран муайян тушинишга бирлаштириш жараёни ва унинг натижаси *(Фалсафа. Қомусий луғат – 414 б)*

Умумлаштиришда хусусийликдан умумийликка (индуктив ҳолат) ўтилади ва улар асосида умумий кўринишдаги тушунча, фикр, ғоя, ҳукм, концепция, таълимот, назария шаклланади.

Фанлар орасидаги ривожланиб бораётган алоқадорлик, ҳамкорлик туфайли бир фаннинг тадқиқот методи иккинчи бирида қўлланилмоқда. Натижада фанларнинг ўзаро алоқадорлиги асосида синтезлашган, умумлашган янги соҳалари-кибернетика, глабалистика, сенергетика, биофизика, биомеханика, молиявий математика, кибернетик дидактика, ижтимоий психология, эрганомика, информатика, сунъий тафаккур каби ўнлаб ва ҳаттоки юзлаб фанлар вужудга келмоқда. Натижада илм – фанда янги йўналишлар ва мезонлар яратилмоқда. Улар объектив дунё ҳодисаларини янада чуқурроқ ўрганишга имкон бермоқда.

Умумлаштириш методи – қуйидаги компонентларни ўз ичига олади: типик фактларни танлаш, материалдаги асосий ёки «бошланғич хужайра» ни ажратиш; қиёслаш, дастлабки хулосалар; катта таърифлаш; катта кодлаш; генезисни, ходисанинг ривожланиш диалектикаси ва умумлаштириш натижаларини белгили расмийлаштириш (хулоса, тенденция, назария, формула, чизма, модель ва ҳ.к). *(Алимов Н.Н).*

Умумий ўрта таълимнинг ДТС – ўқувчилар умумтаълим тайёргарлигига, савиясига қўйиладиган мажбурий минимал даражани белгилаб берувчи, ўзининг тузилиши ва мазмунига кўра давлат, ҳудуд, мактаб манфаатлари ва воситалари мувозанатини акс эттирувчи, ўқувчи шахси, унинг интилишлари, қобилиятлари ва қизиқишлари устуворлигини таъминловчи ҳужжат.

Умумий ўрта таълим ДТСнинг таянч ўқув режаси – ДТСнинг таркибий қисми бўлиб, таълим соҳаларини меъёрлашга ҳамда мактабнинг молиявий таъминотини белгилашга асос бўладиган давлат ҳужжати. Таянч ўқув режаси ўқув предмети бўйича бериладиган таълим

мазмунини ўқувчига етказиш учун ажратилган ўқув соатларини минимум ҳажмдаги миқдорини ифодалайди. У ҳар бир синфда муайян ўқув предмети бўйича давлат стандартларига мувофиқ бериладиган таълим мазмунини аниқлашга асос бўлади.

Умумпедагогик технология – турли даражада тизимларни ифодалайди. У айрим таълим муассасасидаги (таълимнинг босқичидаги) барча таълим-тарбия соҳаларига тегишли бўлади.

Умумпедагогик технология ўз таълим муассасасидаги таълим-тарбиявий мақсадлар, мазмун-моҳият, воситалар, бошқарув шакллари ва усуллари, ўқув-тарбия жараёни иштирокчилари фаолиятининг алгоритмларини белгилайди.

Умумпедагогик технологиянинг мақсади баркамол инсонни шакллантириш ва ривожлантириш бўлиб, асосан қуйидагиларда таркиб топади: таълим тарбия бериш; ахборотларни авлоддан-авлодга ўтказиш; мустақил фикрлашга ўргатиш; билим, кўникма ва малакаларни ўргатиш ва ўзлаштиришга эришиш; турли методикаларни қўллаш ва такомиллаштириш; диагностика, мониторинг олиб бориш; таълим-тарбия жараёнида мафкуравий тамойилларга асосланиш; таълим менежменти, маркетинг талаблари ва хулосаларини, ижтимоий мотивларни ҳисобга олиш.

Педагогика технологиянинг ҳаракатга келиши ва ундан режалаштирган натижага эришиш фақат педагогик фаолият жараёнида амалга оширилади. Чунки, педагогик технология ва педагогик фаолият бир – бири билан узвий боғлиқ тушунчалар ҳисобланади ва уларнинг бири иккинчисисиз ўз маъносини ва аҳамиятини йўқотади.

Педагогик технология барча ўқув фанлари билан боғлиқ бўлиб, уларнинг ҳамда ўзининг мунтазам ривожланиб боришини кадрлар тайёрлаш орқали таъминлаб боради. Шунингдек, педагогик технология

кенг кўламли ижтимоий ҳодиса бўлиб, кўп фанларнинг тадқиқот объекти ҳисобланади. Бунда ҳар бир фан ўз мақсад ва вазифаларига мувофиқ йўналишларда педагогик технологияни чуқур ўрганиши натижасида уни такомиллаштириш йўл-йўриқларини белгилаб боради.

Университет – кадрлар тайёрлаш ва билимларнинг кенг соҳаси бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълим дастурларини амалга оширишга имкон беради.

Урф-одат – ҳаётимизга сингиб кетган, такрорланиб турувчи хулқ-атвор қоидаларидир. Кичикларнинг катталарга салом бериши, эрта туриб, уй-ҳовлини супуриш, тартибга келтириш, меҳмонларга алоҳида ҳурматда бўлиш, байрам арафасида беморлар, етим-есирлар ҳолидан хабар олиш, ёрдам лозим бўлганларга ҳашарга бориш ўзбек халқининг азалий ва замонавий урф-одатларидандир.

Шунингдек, асрлар мобайнида шаклланган, аждоддан авлодга бебаҳо мерос сифатида ўтиб келаётган урф-одат, маросим ва байрамлар миллий мафкуранинг асосий ғояларини сингдиришда муҳим омил бўлади. Хусусан, Мустақиллик, Наврўз, Ўқитувчилар ва мураббийлар, Хотира ва Қадрлаш куни каби янги байрам ва маросимларимиздан жамият хаётига замонавий мазмун бахш этиш йўлида оқилона фойдаланиш зарур.

Бугунги кунда урф-одат ва анъаналаримизнинг жамиятни бирлаштирувчи хусусиятларидан янада тўлароқ фойдаланиш лозим. Миллий анъаналарни ўрганиш, тарғиб этиш билан бир қаторда тўй-маъракаларни, одат ва удумларни ихчамлаштириш, бу борада исрофгарчилик ва дабдабабозликка йўл қўймасликка алоҳида эътибор қаратиш даркор.

Урхун-Энасой обидалари асосан тошларга ўйиб битилган ёзувлардан, идиш, танга каби буюмларда ва қоғозларда ёзилган

битиклардан иборат бўлиб, бир қанча вақтлар олимлар учун ўқилиши жумбоқ бўлиб қолади. Шунга кўра у қадимги скандинав-гермат тилларига оид рун, руний ёзуви номи билан юритилади. Фақат XIX асрнинг 90-йилларида бу ёзувни дастлаб даниялик олим В.Томсен ва рус туркшуноси В.В.Радлов ўқийдилар. Улар бу ёдгорликларни туркий халқларга тегишли эканлигини аниқлаб берадилар.

Урхун-Энасой ёзуви билан битилган энг йирик обидаларга қуйидагилар киради:

1. Ўнгин (онгин) битиктоши – энг қадимий ва йирик ёднома бўлиб, 689 ёки 692 йилларга тегишли.

2. Тунюқуқ битиктоши – 712-716 йилларда тошга ўйиб битилган.

3. Кул тегин битиктоши – 732 йилга тегишли бўлиб, жуда яхши сақланган. Урхун дарёсининг Кўкшин ирмоғидан топилган.

4. Билга ҳоқон битиктоши – Кул тегин битиктоши билан бирга топилган.

5. Қули чур битиктоши – VIII асрга тегишли.

6. Моюн чур битиктоши – VIII асрга (тахминан 759 йиллар) тегишли.

7. Ирқ битиги (фолнома) *(Педагогика тарихи. Маърузалар матни. Шеранова М., Фарсахонова Д. Жиззах, 2007, 26-бет)*

Услуб – нарса, ҳодиса ёки бирор жараённи ўрганиш ва амалга ошириш учун фойдаланиладиган усуллар тизими.

Кишилар фаолиятининг барча соҳаларида алоқа қилиш жараёнида тилдаги лексик, фразеологик, грамматик, фонетик воситаларни танлаш ва ишлатишда бир-биридан маълум даражада фарқ қилади.

Адабий тилнинг қуйидаги вазифавий усуллари мавжуд: сўзлашув; расмий; илмий; публицистик; бадиий услублар.

Услубий кўрсатма (лаборатория ва амалий машғулотларни бажариш бўйича) – муайян фаннинг ўқув дастури бўйича лаборатория ва амалий ишларни бажариш тартиби аниқ ва батафсил ифодаланган ҳамда ушбу фан бўйича талабаларда зарурий амалий кўникмалар ҳосил қилишга мўлжалланган, таълим муассасаларининг илми (педагогик) кенгаши тавсияси асосида нашр этиладиган кичик ададли тарқатма материал.

Услубий кўрсатмалар (мустақил ишларни бажариш бўйича) – муайян фан бўйича мустақил ишлар мавзулари ва уларни бажариш бўйича услубий кўрсатмалар мажмуидан иборатдир.

Услубий кўрсатмалар (курс ишлари (лойиҳалари) мавзулари ва уларни бажариш бўйича) – муайян фаннинг ўқув дастури бўйича курс иши (лойиҳаси)ларини бажариш тартиби аниқ ва батафсил ёритилган ҳамда ушбу фан бўйича талабаларда зарур амалий кўникмалар ҳосил қилишга йўналтирилган таълим муассасаларининг илмий (услубий) кенгаши тавсияси асосида нашр этиладиган кичик ададли материал.

Услубий қўлланма – ўқитувчилар (профессор-ўқитувчилар) ва билим олувчилар учун мўлжалланган бўлиб, дарснинг мақсади ва таълим натижалари, дарс ўтиш воситалари ва улардан фойдаланиш усуллари, дарснинг мазмуни, амалий машғулотлар, қўшимча топшириқлар ва ҳоказолар баён қилинадиган, таълим муассасаларининг илмий (педагогик) кенгаши тавсияси асосида чоп этиладиган нашрдан иборатдир.

Усул – грекча **metodos** сўзидан олинган бўлиб, изланиш ёки билиш йўли, назария, таълимот маъносини англатади. У аниқ вазифани ечишга бўйсиндирилган, борлиқни амалий ёки назарий ўзлаштириш йўллари йиғиндисидир. **Таълим усули** – ўқитишда белгиланган мақсадга

эришиш учун таълим олувчи билан таълим берувчининг ўзаро боғлиқ фаолиятини мужассамлаштириш усулидир *(Зуҳра Исмоилова).*

Усул – нарса, ҳодиса ёки бирор жараённи ўрганиш ва амалга ошириш кетма-кетлиги. Кенг маънода қўланиладиган «усул» ўқитишнинг ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш, маълум объектни ўзлаштириш борасидаги назарий ва амалий фаолиятларни англатади.

Устоз – муайян фан, билим, соҳада бетакрор олим, педагог, мутахассис, ўз йўналиши бўйича барча янгиликлардан бохабар, ҳаётда ўз ўрнини топган, мавқеи, салоҳияти ва мактабига эга.

Олим-фузало, оқил, комил, ўрнак бўладиган, ўзининг илғор тажрибасига эга ва келажакни илмий тасаввур қиладиган, илмли, билимли, ҳамма томондан тан олинган маслаҳатгўй инсон.

Ф

Файзулла Хўжаев (1896- 1937). Атоқли давлат ва сиёсати арбоби, Бухоро жадидчилигининг фаол иштирокчиси «Ёш бухороликлар» партиясининг раҳбарлардан бири Файзулла Хўжаев 1896 йили Бухоро шаҳрида йирик савдогар оиласида туғилган.

У ёшлигида эски мактабни битириб Бухоро мадрасасида ўқиган. 1907-1912 йилларда Файзулла Хўжаев Москвада шахсий ўқитувчилардан таълим олади. 1913 йилда жадид сифатида фаолият кўрсатади ва халқ орасида маърифат тарқатиш билан шуғулланади. 1917 йилдан «Ёш бухороликлар» партияси ташкилотчиларидан бири бўлади.

Бухоро жадидлари сўл қанотининг инқилобий руҳдаги аъзоларидан бўлиб 1920 йилда Бухора амирини тахтдан ағдаришга ҳаракат қилади.

1920 йилда Туркистон муҳжирликда бўлиб, «Ёш бухороликлар» партиясининг Туркистон бюросини ташкил қилган. Файзулла Хўжаев томонидан тузилган партиянинг дастури шариат асосида бўлиб

халқнинг миллий анъаналарини ва ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган. Бухоро амири тахтдан ахдарилгач, ҳокимият ёш бухороликлар қўлига ўтди ва Файзулла Хўжаев ҳукумат раҳбари етиб сайланди. У бу лавозимда Бухорода халқ демакратик республикасини ташкил этиш ҳамда мустақил сиёсат олиб боришга Россия ва Хорижий мамлакат билан тенг мулоқот қилишга интилган. 1922 йилда Германияга чет эл савдо намояндалари ва йирик савдо компаниялари билан шартнома тузишга борган.

1925 йилда Файзулла Хўжаев Ўзбекистон халқ нозирлари кенгашининг раиси этиб сайланди. Ўз фаолиятида ўзбек халқининг иқтисодий ва маданий равнақига хизат қилишга интилди. Файзулла Хўжаев Совет тузуми томонидан «Миллий зиёлилар» нинг фаолиятини чеклаш сиёсатига қарши чиқди. У узоқ йиллар давомида марказнинг тазйиқи остида ишлашга мажбур бўлди. 1926 йилда жадидлар тарихига бағишланган «Бухоро инқилоби тарихига материаллар» китоби учун компартия томонидан қаттиқ таъқибга олинди.

Файзулла Хўжаев ҳукумат раҳбари сифатида Ўзбекистон хўжалиги (пахтачилк, ирригация, капитал қурилиши, чорвачилик) ни ривожлантиришга маориф ва маданиятни равнақ топтиришга ҳаракат қилди.

Файзулла Хўжаев 1937 йили қатағон қилинади ва ўлимга маҳкум қилинди. Файзулла Хўжаев қабрининг қаердалиги номаълум.

Файл — ягона яхлит деб қараладиган маълумотлар ёки дастурлар мажмуаси. Файл ўз номига эга бўлган ва тизимда сақланадиган маълумотларнинг асосий элементи бўлган объектдир.

Фойдаланувчи файлни яратиши, таҳрирлаши, бир қурилмадан бошқасига жўнатиши ва йўқ қилиши мумкин.

Ҳар бир файл атрибутлар ва ундаги ахборотдан иборат. Файлнинг атрибутларига, биринчи навбатда унинг исми ахборот тури, яратиш куни ва вақти, ундан эркин фойдаланиш усули, уни ишлатишга рухсат бериш шартлари киради. Файлни кузатиб бориш муҳим тушунчалардандир. У даврий захира нусхаларини яратиш ва файлни самаралироқ излаш имконини берадиган тарзда ташкил қилишни назарда тутади. Матн, график ва товуш файллари ажратилади.

Файл вируси — ўз кўпайиш жараёнида у ёки бу усул асосида бирор бир операцион тизимнинг (ёки тизимларнинг) файл тизимини ишлатадиган вирус. Амалда, файл вируси барча оммавий операцион тизимларнинг бажараётган ҳамма файлларига юқиши мумкин. Дастурнинг дастлабки матнини, кутубхона ёки объектли модулларни ўз ичига олган файлларни заҳарлайдиган вируслар мавжуд. Вирус, маълумотлар файлига ёзилиши мумкин. Бироқ, бу вируснинг хатоси туфайли ёки унинг тажовузкорлигини намоён бўлиши оқибатидир. Макро — вируслар ўзларининг кодларини маълумотлар файлларига, ҳужжатлар ёки электрон жадвалларга ёзиб қўядилар, аммо бундай вируслар махсус аломатга эга бўлиб, алоҳида гуруҳ ҳосил қиладилар.

Факс-модем – ичига алоқа ўрнатиш, модуляция ва тасвирларни узатиш бўйича факс баённомалари ўрнатилган модем. Бундай модем одатий модемлар (маълумотларни узатиш баённомалари воситасида) каби, факсмашиналар (тасвирни узатиш баённомалари орқали) билан ишлай олади. Одатда, барча замонавий модемлар факсларни бирдай яхши узата оладилар. Лекин одатий факслардан қолишмасада қабул қилиш вазифасини уларнинг ҳаммаси эплай олавермайди.

Факультет – бир ёки бир неча турдош таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича билим олаётган талабалар ва уларга хизмат кўрсатувчи кафедраларни бирлаштирувчи бўлим. Факультетни декан ва унинг муовунлари бошқаради.

Фалсафий дунёқараш (ФД)нинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, дунёни қандай бўлса, шундайлигича, ҳеч бир ёт нарсани аралаштирмай муболағасиз тушунтиради, кишиларга табиат, жамият, инсон тафаккурини ривожлантиришнинг энг муҳим қонуниятлари ҳақида бир бутун, яхлит маълумот бериб, мифологиядан фарқли ўлароқ инсонни қуршаб олган моддий оламни ҳеч ким томонидан яратилмаганлигини, абадийлигини, инсоният жамияти тараққиёти сабаблари ва моҳиятини ўзига хос хусусиятиларини, қонуниятларини илмий асосда тушунтириб беради. Фалсафий дунёқараш кишиларда олам ҳақида бир бутун тўғри, яхлит дунёқарашни шакллантиришдан ташқари барча фанлар учун дунёни билишдаги методологик қурол ҳамдир (*Ж.Тулинов, З.Ғофуров*).

Фан 1. Юқори малакали мутахассислар тайёрловчи ва улардан фойдаланувчи илғор педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқарувчи.

2. Дунё ҳақидаги билимлар системаси, ижтимоий онг шаклларидан бири. У янги билимларни эгаллаш билан боғлиқ фаолиятни, бу фаолиятнинг маҳсули одамнинг илмий манзараси асосини ташкил этувчи билимларни ўз ичига олади. Фаннинг илк куртаклари кишилик жамиятининг пайдо бўлиши билан боғлиқ ҳолда майдонга келган. Фан тизими қуйидаги катта гуруҳларга бўлинади. Табиий фанлар; гуманитар фанлар. Бу гуруҳларнинг ҳар қайсисидан жуда кўп мустақил фан соҳалари ажратилади.

Фан – дунё ҳақидаги объектив билимлар мажмуаси. Тарихий тараққиёт жараёнида фан жамиятнинг ишлаб чиқрувчи кучларига айланиб боради. **Фаннинг вазифаси** табиат, жамият ва тафаккур ҳақидаги янги билимлар ҳосил қилишдан то уларни амалиётга жорий қилишгача бўлган фаолиятни ўз ичига олади. **Илм-фаннинг мақсади –** кишининг организми ва руҳияти ҳамда **интеллектуал салоҳиятини** атроф-муҳит, бепаён олам сирлари ва ривожланиш механизмларини ўрганиб, улардан кишилик жамиятининг равнақи учун фойдаланишдан иборатдир.

Фан билан таълим жараёни алоқадорлигини ривожлантириш – таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида илғор амалий, илмий тадқиқотлар ўтказиш, таълим сифати ДТСга мувофиқ келишини ташкил этиш ва таъминлаш мақсадида педагогика ва таълим соҳасида илмий-услубий қўлланмалар ишлаб чиқишни фаоллаштириш. Фундаментал ва амалий фан соҳасидаги илмий кадрларнинг таълим жараёнидаги иштирокини рағбатлантириш, педагогик ва илмий-тадқиқот жараёнларининг алоқасини таъминлаш. Ёшларнинг фан, техника соҳасидаги ижодкорлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш.

Фан доктори – илмий даража бўлиб, магистр даражасини олган ва докторлик диссертациясини ҳимоя қилган шахсларга берилади. Биринчи марта 1130 йили Болонья Университети томонидан берилган. Россияда 1819 йилда жорий этилган. Собиқ СССРда 1934 йилда таъсис этилган.

Фан номзоди – илмий даража бўлиб, номзодлик имтиҳонларини муваффақиятли топширган ва номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган олий маълумотли шахсларга берилади (Собиқ СССРда 1934 йилда таъсис этилган).

Фанни ўқитиш методикаси – муайян фанни ўқитишни ташкил этиш, ўтказиш, уюштириш, билим ва кўникмаларни баҳолаш методикаларининг изчил тизимий шакли бўлиб, унда фанни ўқитишда қўлланиладиган инновацион таълим технологиялари ва фаол методлар ҳисобга олинади ва фанни ўқитишнинг технологик хариталари ишлаб чиқилади.

Фаннинг сўнгги ютуқлари – мазкур фанга тегишли бўлган ва унинг даврий янгиланиши бўйича сўнгги янгилик ва ютуқлар мажмуидан иборат бўлиб, улар "Интернет" ва бошқа манбалардан мунтазам равишда ҳисобга олиб борилади.

Фаол таълим (ФТ) – таълим жараёнида тарбия берувчи ва таълим олувчиларнинг онгли ва фаол иштироки, мустақиллиги ҳамда ижодий қобилиятларини таъминловчи тизимий-педагогик жараёндан иборат. ФТ шароитида ўзлаштирилган билим ва иш ҳаракат усуллари мазмунан мукаммал тизимли, мантиқан тугал ва турли ишлаб чиқариш вазиятларида қўлланишга яроқли бўлади. Бунда асосан қуйидаги таълим методлари фойдаланилади: баҳс-мунозара; фикрлашга жалб қилиш; доскада мустаҳкамлаш; ишбилармонлик ўйини; ролли ўйин; ақлий ҳужум ўйини; китоб (манбалар) билан ишлаш ўйини; танқидий фикр ўйини; мулоқот-назорат дарси; касбий компьютерли ўйинлар ва ҳ.к.

Фаол ўрганиш – тадқиқ қилиш (ижод) ва ўрганишга қизиқишни (интилишни) юзага чиқарувчи фаолият ёндашуви.

Фаоллик – инсонларда «ўз кучи билан жавоб қилиш» қобилиятларини билдиради. Инсонларни муайян тарзда ва муайян йўналишда ҳаракат қилишга ундайдиган эҳтиёжлар унинг фаоллиги манбаи ҳисобланади *(Джураев Р.Х., Турғунов С.Т)*.

Фаолият - инсонни белгиланган (режалаштирилган, кўзланган) мақсадларга эришиш йўналишида бошқариладиган (йўналтирилган) ички ва ташқи фаолликларининг мажмуи орқали табиатга ва бошқа инсонларга таъсир кўрсатиш борасидаги ҳатти–ҳаракатлар мажмуидир.

Фаолият – бирор нарсани аниқлаш учун бирор нарса қилиш хоҳиши (жараён).

Фаолият – кишининг моддий ва маънавий неъматлар яратиш борасидаги ҳамда шахсий ва ижтимоий соҳадаги маълум бир мақсад сари қиладиган ҳатти-харакатлар мажмуасидир.

Инсоннинг ҳар қандай фаолиятининг пировард мақсади шахсий ёки ижтимоий муаммоларни ечимини топишга йўналтирилган бўлади.

Инсон ақлий фаолиятида «мулоҳаза» ни аҳамияти катта. Унинг ёрдамида инсон онгида пайдо бўладиган ҳаётнинг моддий ва маънавий жиҳатлари устида фикр юритиб, улар ҳақида ҳукм чиқариб, фаолиятдаги эҳтиёжини мақсадга айлантириб борилади.

Эҳтиёж мақсадга айлангандан кейин, мақсадга эришиш учун тахминий режа (гипотеза) тузилади ва фаолиятнинг навбатдаги босқичини амалга ошириш бошланади.

Фаолиятни аттестациялаш – таълим муассасасининг фаолиятини узлуксиз таълим стандартлари талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш мақсадида ўтказиладиган тадбир.

Фаолият маҳсулини ўрганиш (ФМЎ) методи – бу педагогика ва психология тарихини ўрганишда, таълим менежменти асосларини ифодалашда ҳамда таълим – тарбия жараёнларини бошқариш жараёнида оптимал қарорлар қабул қилишда кенг фойдаланиладиган методдир.

Фаолиятни лойиҳалаш технологияси – бунда асосан татқиқот фаолияти мазмуни, моҳияти ва вазифалари ифода этилади. Умуман

олганда фаолиятни лойиҳалаш технологиялари ижодий, ахборот берувчи, фантастик, татқиқий ва бошқа турларда учраши мумкин.

Фараз – тасдиқланмаган ва исботланмаган, муайян соҳа бўйича назариядан келиб чиқадиган илмий фикр бўлиб, унинг ёрдамида илмий тадқиқот ишини олиб боришига йўналиш асосланади.

Илм – фанда фаразлар асосан қуйидаги ҳолларда учрайди улар: назарий фаразлар, ва эмпирик фаразлар.

Назарий фаразлар назарий билимлар асосида, яъни, фан методологиясининг назарий йўналишлари ва баъзи ҳолларда ички фаразлар асосида рўёбга чиқарилади.

Эмпирик фаразлар экспериментал усуллар ёрдамида рўёбга чиқарилади.

Фаразлар доимо тадқиқотчини режалаштирилаётган изланишга йўналтиради, унинг эътиборини нимага қаратиши, нимани изланишини аниқлаб беради.

Илмий билишда пайдо бўлган тахминлар кейинги тадқиқотларда текширилиб, уларнинг ҳақиқатлиги тасдиқланади ёки хатолиги исботланиб рад этилади. Фаразни рад этиш учун унинг хатолигини исботловчи биргина илмий далил етарлидир.

Фаразнинг ҳақиқатлиги илмий асосланса, назарияга айланади.

Фармон – айрим мамлакатларда, жумладан, Ўзбекистонда давлат бошлиғи – Президент томонидан қабул қилинадиган ҳужжатнинг номи. Ўзбекистон Президенти ўзига тегишли ваколатлар юзасидан фармонлар чиқаради. Фармон қонундан кейинги юқори юридик кучга эга бўлган ҳуқуқий ҳужжатдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти янги марказий органлар тузса ёки уларни бекор қилса, марказий орган раҳбарларини лавозимга тайинласа, лавозимдан озод қилса, чет мамлакатларга дипломатлар тайинласа, фуқароларни орден-медаллар,

фахрий ёрлиқлар билан мукофотласа, амнистия эълон қилса ва қонунда белгиланган бошқа ҳолларда фармон чиқаради.

Фаробий (873-950). *Тўлиқ исми* – Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Узалиқ ибн Тархон ал-Фаробий. Ўтрор (Фароб) деган жойда ҳарбий хизматчи оиласида туғилган. Бошланғич маълумотни Фаробда олган, Шош, Бухоро, Самарқандда таълим олган, сўнг Бағдодда турли фан соҳаларини ўрганади. Бағдодда математика, мантиқ, тиббиёт, илми нужум, мусиқа, ҳуқуқ, тилшунослик, поэтика, билан шуғулланади, турли тилларни ўрганади. Манбаларда ёзилишича, 70 дан ортиқ тилни билган.

Устозлари: Абу Башар Мата (юнон тили), Юханна ибн Хайлон (тиббиёт, мантиқ), Али Сирожиддин.

Асарлари: «Фозил одамлар шаҳри», «Бахт-саодатга эришув тўғрисида», «Ижо ал-улум», «Илмларнинг келиб чиқиши», «Ақл маънолари тўғрисида», «Фалсафа манбалари», «Субстанция ҳақида», «Логикага кириш», «Масалалар манбаи», «Фалсафани ўрганишдан олдин нимани билиш керак» ва бошқалар. Буюк мутафаккирнинг инсон камолотига оид асарларида жамият талабларига тўла-тўкис жавоб бера оладиган ва уни тинчлик ва фаровонликда сақлаб туришга хизмат қиладиган комил инсонни тарбиялаш хусусида фикр юритилади. Бугунги кундаги баркамол авлод тарбиясида олим ижодидан кенг кўламда фойдаланиш лозим.

Фарғоний (IX аср). Тўлиқ исми: Абул Аббос ибн Муҳаммад ибн Кассир ал-Фарғоний.

Асарлари: «Сайёралар илми», «Астролябия ҳақида мукаммал китоб», «Астролябия санъати ҳақида», «Ўттиз бобдан иборат Мажистийга кириш фасллари рисоласи», «Ой ер устида ёки унинг остида бўлган пайтидаги вақтларни ўрганиш ҳақида рисола», «Етти

иқлим китоби», «Мармарнинг хизмати ҳақида китоб» каби асарлари мавжуд.

Феноменал хотира – идрок қилинган нарса ва хусусиятларни, уларнинг боғланиши муносабатларини фавқулодда тез ҳамда аниқ эсда қолдириш ва эсга туширишдан иборат нодир хотира қобилияти.

Фасилитатор – дарс самарадорлигини ошириш мақсадида гуруҳларда гуруҳ ишини ташкил этувчи, олиб борувчи шахс. Машғулотларда регламент норма ва машғулот учун қулай шароит яратувчи. Гуруҳ аъзоларини жипслаштирувчи, самарали ишлаш муҳитини яратувчидир.

Фасилитация – шахсларнинг таъсири, иштирокида меҳнат унумдорлигини ошириш, янгиликларни қўллаш орқали сифат ва самарадорликка эришиш *(Йўлдошев Ж., Йўлдошева Ф., Йўлдошева Г.).*

Федерация – давлат тузилиши шартларидан бири. Федератив давлатлар мураккаб тузилишли давлатлар деб юритилади. Бунинг боиси шундаки, федератив давлат, одатда давлатларнинг ўз сиёсий мустақиллигини ихтиёрий равишда ва муайян доирада чеклаш йўли билан ягона иттифоққа бирлаштирув натижасида юзага келади.

Феодал давлатлар – X асрдан бошлаб Мовароуннаҳр ва Хуросонда Тохирийлар, Сомонийлар, Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар, Хоразмшохлар мустақил феодал давлатлари пайдо бўлди. Бу даврда пул муомаласи ривожланди. Жамият сиёсий, ижтиоий, ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар, албатта маданий ҳаётга ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади.

Сомонийлар давлати Марв, Бухоро, Самарқанд ва Урганч ўша даврнинг маданий марказларидан саналарди.

Бу даврда араб тили илмий ва алоқа тили эди. Мактабларда дарслар араб тилида олиб борилар эди. Расмий ҳужжатлар, шариат қоидалари

араб тилида юритилар эди. Илмий асарлар араб тилида ёзилар эди. X аср ўрталарига келиб, форс-тожик тилида иш юритила бошланди, аммо ёзиладиган ҳужжатлар, ишлар форс-тожик тилида бўлса ҳам, араб имлосида ёзилар эди.

X асрнинг иккинчи ярмида ташкил топган Қорахонийлар давлатида ҳам баъзи хонлар ўз саройларида кутубхоналар ташкил этдилар. Бу кутубхоналарда араб ва ҳатто Ғарбий Европа олимларининг асарлари мавжуд эди. Бу даврда туркий тил шаклланиб борди. Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Қошғарий каби олимлар ўзларининг жаҳон аҳамиятига эга бўлган асарларини яратдилар.

XI аср бошида Ғазнавийлар давлати, кейинроқ салжуқийлар, Хоразмшохлар давлати ташкил топди. Ғазнавийлар даврида илмий, ижтимоий-фалсафий фикрлар ривожланди. Маҳмуд Ғазнавий ўз саройига жуда катта маданий бойликларни тўплайди, олимларни илмий ишга жалб этади. Жумладан, Абу Райҳон Беруний ҳам Маҳмуд саройида яшаб, машҳур «Ҳиндистон» асарини шу ерда яратган.

XI асрда Хоразмда илм-фан айниқса тараққий этади. Хоразм шоҳи Маъмун ўз саройига энг забардаст олимларни таклиф этади. У ташкил этган «Байтул ҳикма» - «Донишмандлик уйи»да қомусий олимлар – Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, тарихчи Мискавайх, риёзиётчи Абу Наср ибн Ироқ, файласуф Абу Салҳ ал-Масиҳий, табиб Абдулҳайр Ҳаммор каби олимлар илмий ижод билан шуғулланганлар, лекин тож тахт учун кураш натижасида бу илм даргоҳи ўз фаолиятини тўхтатади.

Салжуқийлардан Алп Арслон Муҳаммад ҳокимиятни бошқарган даврда унинг вазири Низом ул-Мулк ўз даврининг машҳур сиёсий арбоби ва маърифатпарвар инсон сифатида довруқ қозонди. У Ғазнавийлар иш услубига бир оз ўзгартиришлар киритиб, ҳокимиятни

бошқаришнинг ўз услубини ишлаб чиқади ва уни ўзининг «Сиёсатнома» асарида (1091-1092) баён этади (*С.Очил, К.Ҳошимов*).

Фикр – бирор нарса, кимса ҳақидаги ўй-ҳаёл. **Ғоя** билан фикр бир-биридан фарқ қилади. **Фикр** шахсий муносабатларни ифодалайди. **Ғоя** ижтимоий муносабатни акс эттиради. Шунинг учун ҳам **ғоя** тафаккур маҳсули, ижтимоий қимматга эга бўлган **фикрдир.**

Фикрлаш – таҳлил ва синтез қилиш, таққослаш, абстракциялаш, умумлаштириш ва хулоса қилиш сингари хаёлий ҳаракатлар (операциялар) орқали амалга оширилувчи ақлий фаолиятдир.

Фикрлаш – бу бирор хулосага келиш учун нарса, ҳодисаларни таққосламоқ, ўйламоқ, мулоҳаза қилмоқ, разм солмоқ.

Фикрлаш – дарс босқичи бўлиб унинг давомида талабалар ўзлари учратган фикрларга ва ўзлари ўзлаштирган маъноларга қайтадилар ва саволлар берадилар, талқин қиладилар, қўллайдилар, мунозара юритадилар ва ушбу маънони қўллашнинг янги соҳаларга қадар кенгайтирадилар.

Фикрлаш - ҳар хил муаммо ва масалаларни ечишга йўналтирилган фаолият.

Фикрлаш – инсон ички туйғуси билан боғлиқ амалга ошириладиган фаолият.

Фикрлаш – одамни ўраб турган муҳит ҳақидаги тасаввур ва тушунчалар асосида вужудга келадиган фаолият бўлиб, унинг асосини фикрлаш жараёни ташкил қилади. Фикрлаш жараёни муаммоли вазият вужудга келтирилгандан бошлаб содир бўлади.

Фикрлаш – дарс давомида амалга оширилади, фикрлаш давомида таълим олувчилар ўзлари дуч келган фикрларга ва ўзлари ўзлаштирган маъноларга қайтадилар ва саволлар берадилар, талқин ва таҳлил

қиладилар, қўллайдилар, мунозара юритадилар ва ушбу маънони қўллашнинг янги соҳаларига қадар кенгайтирадилар.

Фикрлаш эркинлиги – инсоннинг энг асосий шахсий ҳуқуқларидан бири бўлиб, аввало, шахснинг ҳар қандай мафкуравий тазйиқдан холи, эркин эканини, ҳар ким ўзи хоҳлаган маънавий қадриятлар тизимини мустақил танлашини англатади. Фикрлаш эркинлиги инсоннинг интеллектуал ва маънавий ҳаётининг ҳамма йўналишларини ўз ичига олади. Фикрлаш эркинлиги инсоннинг мутлақ ҳуқуқи бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29 – моддасига кўра, ҳар ким фикрлаш эркинлиги ҳуқуқига эга, фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин.

Фикрли киши – ўйлаб, ақл билан иш тутадиган мулоҳазали кишидир.

Фильтер дастурлар ёки резидент дастурлар – вируслар томонидан зарарни кўпайтириш ва зиён етказиш мақсадида операцион тизимга қилинаётган мурожатларни ушлаб қолиш ва улар ҳақида фойдаланувчига маълум қилиш вазифасини бажарувчи вирусга қарши дастурлар *(Абдуқодиров А.А ва б.)*.

Фитрат (1886-1993). Абдурауф Абдураҳим ўғли Фитрат. У 1886 йил Бухоро шаҳрида туғилган. «Фитрат» адабий тахаллус бўлиб, «туғма табиат», «туғма истеъдод» деган маъноларни англатади. У дастлаб эски мактабда, сўнгра Бухородаги Мирараб мадрасасида таҳсил олди ва араб, форс-тожик, турк, адабиётларини, фалсафани, Шарқ халқлари тили, тарихи ва маданиятини чуқур ўрганади. Фитрат ўша даврда кенг тарқалган жадидлар ҳаракатига раҳбарлик қилади. 1923-1924 йилларда Москва ва Ленинграда яшаб ижод қилади ва шу ерда уни классик

адабиёт намояндалари тўғрисидаги тадқиқотлари учун профессорлик унвонига тавсия этилади. Жонли Шарқ тиллари институтининг илмий кенгаши унга профессорлик унвони бериш ҳақидаги тавсияни тасдиқлайди ва Ўрта Осиёнинг биринчи профессори бўлиб тарихга киради. Фитрат таълим муассасалари учун бир қатор дарслик ва қўлланмалар публицистик мақолалари билан мунтазам равишда матбуотда қатнашиб туради. Бундан ташқари халқимиз ўтмиш меросини чуқур ўрганиб, адабиёт, мусиқа, дин, жамият, ҳатто шаҳмот тарихига оид мақола ва рисолалар ёзади. У драматург сифатида ўндан ортиқ драмалар яратади: «Бегижон», «Мавлуди шариф», «Темур сағанаси», «Чин севиш», «Ҳинд ихтилочилари», «Абулфайзхон» ва бошқалар. Етук олимнинг таъкидлашича, ахлоқ тарбияси инсонни ахлоқий баркамолликка етказиш ва унинг башарият жамиятига фойдали инсон қилиб тарбиялшдан иборат.

Флеш — Macromedia Flash — тармоқда, ўзаро фаол векторли графикани ва анимацияни яратиш имконини берадиган дастур. Веб — дизайнерлар F1ashни турли тугмачаларни, айлантириш чизгичларини, меньюни, анимациялашган логотурларни ва бошқа элементларни шу жумладан, товушни яратиш учун ишлатадилар. FIash файллари ихчам ва тез юкланади

Фозил – фан асосларини яхши эгаллаб олган киши; олим.

Формат – ахборот объектининг тузилмаси. Формат маълумотларни турли объектларда, яъни, жадвалларда, мегабайтда, принтерларда, маълумотлар блокларида жойлашиш ва ифодаланиш усулларини белгилайди. Манзиллар, кодлар, буйруқлар, саҳифалар, қаторлар ва ҳоказоларнинг форматларини ажратадилар, Компьютер билан боғлиқ барча тушунчалар ўзининг форматига эга.

Форматлаш 1. Хотира қурилмасини, одатда дискни ёзишга ва ўқишга тайёрлаш. Дискни форматлашда операцион тизим дискда жойлашган барча ахборотни ўчиради, дискни ҳамма соҳаларининг ишончлилигини текширади, яроқсиз соҳаларни белгилайди ва манзиллар жадвалини яратади. Булар кейинчалик дискдаги ахборотни топиш учун ишлатилади.

2. Танланган форматга монанд бажарилаётган ҳаракат. Махсус дастурлар ёрдамида бажарилади. Масалан, матнни форматлаш, уни сақлаш, узатиш, чоплаш ёки экранга, ёки принтерга чиқариладиган кўринишга келтиришдир. Бу жараёнга сарлавҳалар ва хатбошларини шакллантириш, қаторларни ўнг тарафдан текислаш, саҳифаларга бўлиш киради.

Формула – бирор даъво (жумла, фикр) ни англатувчи ҳар қандай символик ёзув (алгебраик ифода, шунингдек, тенглик).

Форум – сайтда мулоқот юритишдир. Форумда ахборот берувчининг ўз муаммолари бўлиб, ахборот мазмунини белгилайди. Форумлар маълум мавзуларга эга бўлади. Унда иштирок этувчи маълум томон мазмунини очишга ҳаракат қилади. Форум мазмуни, мавзулари интернетда узоқ вақт сақланиши мумкин.

Форум – шундай жойки, мавзу ёки муаммоларнинг ечимини ҳамкорликда муҳокама этиш мумкин.

Форум – интетнет имкониятларидан биридир. Форум қуйидаги имкониятларни яратиб беради:

- Тезкор (оператив) муҳокама этишга имконият яратиш. Унда тезликда ахборотни ўқиш, жавоб бериш ёки ўз шахсий фикрини билдириш ёки савол бериш, берган саволига маълум вақт ўтиши билан жавоб олиш имконини беради;

- Бирор лойиҳа ёки ҳужжатларни яратишда ҳамкорликда ишлаш. Форумда ҳужжатларни, расм, схемаларни намойиш этиш, муҳокама этиш, таҳрир қилиш мумкин. Бу ўз навбатида ғоялар, ҳужжатларни иштирокчилар фикрини ҳисобга олиб яратиш имконини беради;

- Иштирокчи ўзига қулай вазиятда мурожаат этиши, материаллар билан танишиши, шулар асосида жавобларни ёзиб юбориши керак;

- Ўзаро тажриба алмашиш, маълум мавзулар бўйича билим ва ахборотларни олиш-бериш мумкин. Иштирокчи пассив ҳолда фақат мавзу мазмунини эркин олиш мумкин. Зарур мавзулардаги маълумотларни олиш орқали касбий, методик маҳоратларини ривожлантириш имконига эга бўлади;

- Форумда ўз ҳамкасблари, дўстларини қидириб топиш имконияти туғилади. Қатнашчилар ўз касбий ва ижодий ишларини намойиш этиши ва аксинча ахборотларни **Онлайн** хабарлар орқали олиши мумкин.

Фундаментал тадқиқот (ФТ) – муайян соҳа бўйича билимларни ривожлантириш ва улар асосида аниқ янги билимларни ҳосил қилишдир.

ФТ нинг мақсади табиат ва жамиятнинг янги қонунларини кашф қилиш, ҳодиса ва жараёнлар орасидаги алоқадорлик қонуниятларини очиш ҳамда янги назариялар яратиш.

ФТ лар илмни ривожланишини ҳамда илм-фаннинг бевосита жамият тараққиётини тезлаштирувчи қудратли кучга эгалигини таъминлайди.

«Функция» сўзи лотинча бўлиб, бажариш, вазифа, фаолият, мажбурият маъносини билдиради *(Джураев Р.Х., Турғунов С.Т)*.

Фуқаро – шахснинг ҳуқуқий асослар орқали маълум давлатга мансублиги. Шахс фуқаро ҳисобланса, маълум ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлади. Фуқаронинг ҳуқуқий ҳолати тегишли мамлакатда фуқаросиз

шахсларнинг ёки хорижий мамлакатлар фуқароларининг ҳуқуқий ҳолатидан фарқ қилади. Масалан, сиёсий ҳуқуқлар фақат фуқароларга тааллуқли бўлади.

Фуқаролик – шахснинг муайян давлат қарамоғида бўлиши, шу давлатга мамлакат ичида ҳам унинг ташқарисида ҳам мансублиги, шу мансубликнинг ҳуқуқий ҳужжатлар ёрдамида тасдиқланганлиги.

Фуқаролик масъулияти – жамиятнинг демократик ривожланиши жараёнида эришган ғалаба, ютуқ ва муваффақиятларга фуқароларнинг онгли муносабати, ютуқларни янада кўпайтириш ва улардан фойдаланишда фаол қатнашиши.

Х

Хабар – компьютер тармоғи бўйича узатилган бирор бир моддий кўринишга эга бўлган ва истеъмол учун тайёрланган маълумот.

Хабардорлик – унинг ёрдамида ўйлаш мумкин бўлиши учун олам ҳақидаги ахборотлар фондининг мавжудлиги.

Характер - шахс фаоллиги жараёнида муҳрланиб қолган, зарб қилинган, нисбатан мустаҳкам шаклланган сифатлари мажмуи бўлиб, кишининг ўзига, атрофдаги одамларга нарсаларга муносабатида намоён бўлади. Шу сабаб одамлар характерига қараб **самимий, ростгўй, камтар, илтифотли, ишга пухта, меҳрибон, дилкаш ёки «яхши одам», «характери ёмон»** ва ҳоказо кўринишларда тавсифланадилар.

Харизма (ёки харизматик легитлилик) – бирор шахснинг бошқаларга нисбатан мисли кўрилмаган даражада устун хусусиятларга эгалиги ва шу устунлик ёрдамида ҳалқни бошқаришга хақли эканлигини ифодалайдиган тушунча. Харизма тушунчаси илк бор италиялик руҳоний Ст.Паул томонидан мўъжизавий қобилиятга эга бўлган насронийлар пайғамбари Исога нисбатан ишлатилган. Аммо илмий

тушунча сифатда харизма асосан немис социологи М.Вебер томонидан чуқур тадқиқ қилиниб “Gnadengabea’, эҳсон дея номланган. М.Вебернинг фикрича, Худо томонидан берилган эҳсондир. Инглиз олими Ч.Андриан эса бундай шахсий, яъни, харизматик устунликни “grace”, яъни, қобилият деб номланган ва унинг фикрига кўра бу – Тангри томонидан берилган қобилиятдир. Харизма асосланган сиёсий ҳокимиятни Ч.Андриан “эҳсон этилган қобилият ҳокимият” деб атайди. Қадимги даврларда фақат илоҳий мазмунга эга бўлган тушунча вақт ўтиши билан олимлар томонидан реал ҳаётга тадбиқ этила бориб, олоҳий қобилиятга эга бўлмаган, аммо устун хусусиятларга, юксак фазилатларга эга бўлган етакчи тарихий шахсларга нисбатан ҳам ишлатила бошлаган.

Халқ - Конституциявий ҳуқуқ фанида одатда муайян давлатнинг барча аҳолиси тушунилиб, ягона ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий умумийликни вужудга келтиради (гарчи у бир неча миллий умумийликка бўлинган бўлса-да). Шу маънода, замонавий Конституцияларда халқ тўғрисидаги «суверенитет эгаси» ва «ҳокимиятнинг бирдан-бир манбаи» деган иборалар кўп ишлатилади. Ўзбекистон Конституциясига кўра, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир (7-модда). Шунингдек, Ўзбекистон халқини миллатидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади.

Халқ оғзаки бадиий ижоди – халқ оммасининг бадиий фаолияти. Инсон нутқи шаклланиши билан халқ оғзаки бадиий ижодининг қадимги тур ва жанрлари қоришиқ ҳолда юзага кела бошлади. Кишилик бадиий тафаккурининг турли шаклларини ўз ичига олган бу синкретик ижод намуналари ибтидоий инсон маишати ва фаолиятининг барча жиҳатлари билан маҳкам боғланган бўлиб, қадимги қарашларини, бошланғич илмий (эмпирик) билимларини, табиат ва жамият ҳақидаги

тасаввурларини акс эттирган. Бироқ қадимги фольклорнинг бундай намуналари бизгача етиб келмаган, балки уларнинг излари, айрим қисмлари халқнинг яшаш ва турмуш тарзи билан боғлиқ турли-туман тасаввур ва қарашларида, халқ урф-одатлари, удумлари, маросимлари, байрамлари таркибида, баъзи бир ёзма манбаларда, кейинги даврларда ёзиб олинган фольклор асарларида қолдиқ ҳолидагина сақланиб қолган. Афсона, ривоят, лоф, латифа, мақол, топишмоқ, эртак, достон, қўшиқ ва бошқалар халқ оғзаки бадиий ижодининг асосий жанрлари ҳисобланади. *(ЎзМЭ. 9-том, 366-369 бет).*

Халқ оғзаки ижоди инсоният нутқи пайдо бўлиши билан юзага кела бошлади. Уни ташкил топишида ўша давр шарт-шароити одамларнинг меҳнат турмуш тажрибалари, дунёқараш ва тушунчалари ҳал қилувчи рол ўйнаган. Энг аввал оғзаки насрий турининг дастлабки намуналари вужудга келган. Улар ниҳоятда содда бўлиб, турли хилдаги ундов, хитоблар ва воқеалар баёнидан иборат бўлган меҳнат жараёни ҳамда онгнинг ривожланиши воқеа ва ҳодисалар талқинида оддий баёндан образли тасвирга олиб келди. Содда ва такрорий жумлалар бадиий тил воситалари билан бойиб борган. Шундай қилиб дунёни бадиий ва эстетик дид билан фахмлай олиш бадиий сўз тажрибаларининг тараққиёти дастлабки жанрларни юзага келтирди. Аввал кичик-кичик нақл ва мифлар, меҳнатни англатувчи, руҳан пишиқ қилувчи, хаёл оғушига олиб кирувчи эртак ҳамда афсоналар яратилди. Меҳнат жараёнини ифодалаб берувчи қўшиқларнинг намуналари пайдо бўлди. Демак, энг қадимги халқ оғзаки ижоди юзага келмасдан анча олдин пайдо бўлган ёзма адабиётнинг ташкил топишига муҳим хисса қўшган, оғиздан-оғизга, авлоддан-авлодга ўтиб ижодий ишлаган. *(Педагогика тарихи. Маърузалар матни. Шеранова М., Фарсахонова Д. Жиззах, 2007, 30- бет).*

Халқ таълими – мамлакатда тарбиявий, ўқув ва маданий-маърифий муассаса ва тадбирлар тизими ҳамда уларни бошқараш органлари. Халқ таълими тушунчаси XX асрнинг 80-йилларида ўзбек тили лексикасидан ўрин олди. Унгача «халқ маорифи» атамаси қўлланилган бўлиб, кишиларнинг билими ва онгини ошириш, умумий савиясини кўтаришга қаратилган таълим-тарбия тарзида, нисбатан торроқ маънода қўлланилган. «Халқ таълими» атамаси илм-фан ёки касб-ҳунар соҳалари бўйича эгалланиши зарур бўлган маълумот ва кўникмалар мажмуини, таълим-тарбия, ахлоқ-одоб, кўрсатма, билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш йўл-йўриқ ўргатиш тушунчаларини қамраб олади. Ўзбекистонда халқ таълимининг бош мақсади – маънавий баркамол инсонни тарбиялашдан иборат бўлиб, инсонпарварлик ва демократик характер касб этади. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» халқ таълими тизимининг барча йўналишларини такомиллаштириш ва ривожлантириш учун кенг имкониятлар очиб берди. Қонун ва дастурда кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари, жумладан, узлуксиз таълим таърифланиб, унинг асосий вазифаси белгилаб берилган. Халқ таълими: мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими, олий таълим, олий ўқув юртидан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, мактабдан ташқари турларини қамраб олади. Халқ таълимининг умумий ўрта тури (9 йил) мажбурий, ўрта-махсус, касб-ҳунар таълим тури (3 йил) ихтиёрий-мажбурийдир. Ўзбекистонда халқ таълими ва кадрлар тайёрлашнинг давлат ва нодавлат таълим муассасаларини таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва уларни изчил

ривожлантириш давлат йўли билан бошқарилади ва марказлашган ҳолда демократик тарзда олиб борилади. *(ЎзМЭ. 9-том, 373-374 бет).*

Халқ ҳокимияти – вилоятларда халқнинг хоҳиш-иродасини амалга ошириш усулидир. Демократик мамлакатларда, жумладан, Ўзбекистонда ҳокимиятнинг ягона манбаи халқдир. Халқ ўз ҳокимиятини ўзи сайлаб қўйган ёки тузадиган органлар орқали рўёбга чиқаради. Халқ ҳокимияти давлат ҳокимияти орқали сиёсий жараёнга айланади. Агар ҳокимият бирор-бир нарсага эга бўлиш, таъсир кўрсатиш, ҳатто мажбурлаш ҳуқуқига эга бўлса, шу имкониятни халқ давлат ҳокимияти орқали амалга оширади. Халқ ҳокимияти – сайлов, референдум, муҳокамаларда иштирок этиш, ўзини-ўзи бошқариш органлари каби тушунчалардан вужудга келади. Халқ ҳокимияти халқ суверенитетининг ифодасидир.

Хотира – атроф-муҳитдаги воқеликни бевосита ва билвосита, ихтиёрсиз ва ихтиёрий равишда, пассив ва актив ҳолда, репродуктив ва продуктив тарзда, вербал ва новербал шаклда, мантиқий ва механик йўл билан акс эттирувчи эсда сақлаб қолиш, эсга тушириш, унитиш ҳамда таниши, эслашдан иборат руҳий жараён, алоҳида ва умумийлик намоён қилувчи ижтимоий ҳодиса, барча таъсирларни ижодий қайта ишлашга йўналтирилган фаолият.

Хотирани 5та муҳим мезонга мувофиқ равишда турларга (кўринишларга) ажратиш мумкин: **руҳий фаолиятнинг фаоллигига кўра** хотира қуйидаги турларга бўлинади:

- ҳаракат ва мотор ҳаракатли хотира;
- образли хотира;
- ҳис-туйғу ёки ҳиссиёт хотираси;
- сўз мантиқ хотираси.

Руҳий фаолиятнинг мақсадига биноан:

- ихтиёрсиз;
- ихтиёрий;
- механик.

Руҳий фаолиятнинг давомийлигига кўра:

- қисқа муддатли;
- узоқ муддатли;
- оператив (тезкор).

Руҳий фаолият қўзғатувчисининг сифатига қараб:

- мусиқий эшитиш.

Руҳий фаолиятнинг инсон йўналишига эътиборан:

- феноменал касбий (*Фалсафа: қомусий луғат. – Т.: «Шарқ», 2004. – 496 б.).*

Хаттотлик (араб. – ҳуснихат ёзувчи), каллиграфия – ёзув (хат) санъати, китоб кўчириш ҳамда меъморий иншоотлар, бадиий буюмларнинг китобаларини яратиш касби. Ёзувнинг пайдо бўлиши натижасида юзага келган. Айниқса, араб ёзувининг кенг тарқалиши туфайли хаттотликнинг ривожланиши жадаллашди. Шарқда, жумладан, Ўрта Осиёда китоб босиш вужудга келгунига қадар қўлёзма китоб тайёрлаш, уларнинг нусхаларини кўпайтириш (матн кўчириш) билан хаттотлар шуғулланган. Хаттотлик Марказий Осиёда Темурийлар, Шайбонийлар ва сўнгги сулолалар даврида юксак даражада тараққий этган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур янги хат ва алифбо «Хатти Бобурий» ихтирочисидир. *(ЎзМЭ. 9-том, 403-бет).*

Хислат. Шахснинг умунинсоний хислатларидан **олти** гуруҳга бўлиб ифодаланади:

1. Шахснинг умумий хислатлари;
2. Шахснинг ахлоқий хислатлари;
3. Шахснинг ишбилармонлик, ишчанлик, уддабуронлик хислатлари;

4. Шахснинг заковатлилиги, идроклилиги ва зукколик хислатлари;

5. Шахснинг иродавий хислатлари;

6. Шахснинг эҳтиросли хислатлари.

Хоразм Маъмун академияси – Хоразмда X аср охири XI аср бошларида фаолият кўрсатган илмий муҳит. Бу илмий муассасада худди Афинадаги «Платон», Бағдоддаги «Байт ул-ҳикмат» академияси фаолиятига ўхшаб илмнинг барча соҳаларида тадқиқот ва изланишлар олиб борилган, жуда кўп манбалар тўпланган, таржимонлик ишлари бажарилган; ҳинд, юнон, араб олимларининг ишлари ўрганилган; Ал-Хоразмий, Ал-Фарғонийларнинг ўлмас асарлари, илмий ишларидан фойдаланилган ва тадқиқ қилинган. XVII-XX аср тарихчи олимлари томонидан илмий муассаса ҳар томонлама ўрганилган ва ўз фаолияти нуқтаи назаридан бу даргоҳ ўз даврининг академияси бўлганлиги исботланган ва унга «Маъмун академияси» номи берилган. *(ЎзМЭ. 9-том, 479-481 бет).*

Хоразмий (783-850). Тўлиқ исми: Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий ал-Мажусий. У 783 йилда Хоразмда туғилган. Дастлабки маълумотни ўз уйида олган. Математика билан қизиқиб шуғулланган, бу соҳага оид барча асарларни қунт билан ўрганган. Араб, форс, ҳинд, юнон тилларини билган ва бу тилда ёзилган асарларни ўқиган. Унинг дастлабки устози – отаси.

Асарлари: «Ал-жабр вал муқобала», «Ҳинд арифметикаси ҳақида китоб», «Синус зижлари», «Китоб суратл ард», «Ер сатҳининг ўлчаш», «Қуёш соати тўғрисида», «Яхудийлар тарихи ва уларнинг байрамларини белгилаш», «Васиятлар китоби» каби асарлар яратган.

Хотира 1. Маълумотлар жойлаштириш, сақланиши ва олиниши мумкин бўлган функционал қурилма.

2. Буйруқларни бажариш учун ишлатиладиган ишлов бериш қурилмаси ва ҳар қандай бошқа ички хотирадаги бутун манзил макони.

Хулоса қилиш – нимадандир тасдиқлаш ёки инкор этиш орқали ҳукм чиқаришга бағишланган таҳлилий-ақлий фаолиятдир.

Хулосалаш – илмий тадқиқот ишида муҳим босқич бўлиб, бунда тадқиқот охирги босқичидаги натижалар асосида умумлаштиришлар олиб борилади ва унда олинган натижаларнинг муаммо қўйилиши билан мослиги ифодаланади. Назарий тадқиқот учун бу сўнгги босқич бўлади ва натижаларни ўзлаштирилишига киришилади.

Хуросон (форс. – кун чиқиш, шарқ) – Эроннинг шимолий-шарқий қисмидаги тарихий вилоят. Парфия подшолигининг маркази (мил.ав.250 – мил.224). Хуросон номи сосонийлар давридан маълум. Хуросон III асрдан XVIII аср ўрталаригача ҳозирги Эроннинг шимолий-шарқий қисми, Марв воҳаси, ҳозирги Туркманистоннинг жанубий қисми ва Афғонистоннинг шимолий ва шимолий-ғарбини ўз ичига олган. Машҳуд, Нишопур, Марв, Балх, Ҳирот, Тус, Сарахс, Обивард, Нисо, Сабзавор Хуросоннинг муҳим шаҳарлари бўлган. VII аср ўрталарида уни араблар эгаллаган. Араб халифалиги таназзулига учрагач, Хуросон Тохирийлар, Саффорийлар, Сомонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар, Ҳулокуийлар, Куртлар давлати таркибига кирган (IX-XIV асрлар). VIII асрдан XIII асрнинг 20-йилларигача Хуросон Яқин ва Ўрта Шарқда иқтисодий жиҳатдан энг ривожланган ўлкалардан бири бўлган. 1220-1223 йилларда Хуросонга мўғуллар ҳужум қилиб, вайрон этган, аҳолисининг кўпчилигини қириб ташлаган. Шундан кейин Хуросон аввалги мавқеига чиқа олмаган. XIV аср охирида Амир Темур Хуросонни ўз давлатига қўшиб олган, кейинчалик Шайбонийлар, 1510-1736 йилларда Сафавийлар давлатига тобе бўлган. Кейинчалик

Хуросоннинг бир қисми (Хирот вилояти ва Балх) Афғонистонга, бир қисми Эронга қўшилган. (ЎзМЭ. 9-том, 518-бет).

Хусусий дидактика - муайян ўқув фанларини ўқитиш қонуниятлари, усуллари, воситалари, шакллари ва йўлларини ўргатувчи методика (тадрис) фанлари ҳам педагогика фанлари туркумининг асосий соҳаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Умумий дидактика ютуқлари асосида ривожланади ва унинг назарий умумлашмаларига асосланган ҳолдагина такомиллашиб боради. Муайян бир фанга тадбиқ этилган дидактик қонуниятлар, ўша предметнинг умумий жиҳатларини қонунлаштиради ва уларда ўқитишнинг универсал жиҳатлари намоён бўлади.

Хусусий муаммони қўйиш – бош муаммони тўлиқ ифодалашга имкон берувчи муаммолар ва улар кетма –кетлигини ҳамда алоқадорлик қонуниятларини илмий талқин қилиш асосида муаммони шакллантириш жараёни.

Бунда қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

- тадқиқот манбаи фаолият кўрсатишга тегишли кўрсаткичлар, олимларни ўрганиб чиқиш ва улар орасидаги мавжуд алоқадорлик қонунларини ўрганиш ҳамда кўрсаткичлар иерархиясига эътибор ва ниҳоят маълумни номаълумдан ажратиш;

- муаммони қўйиш учун ўша соҳадаги илм-фан, таълим-тарбия, техника-технологияларнинг ютуқларини тадқиқотчи мукаммал ўзлаштирган бўлмоғи лозим, акс ҳолда ечилган муаммони ва ҳаттоки ундан савияси пастроқ муаммо ечимини топишга ортиқча вақт сарф қилиши мумкин;

- Номаълумларни чеклаш: тадқиқот манбаини акс эттирувчи (ифодаловчи) кўрсаткичлар табиатини ўрганиш ва асосийларини олиб қолиш, иккинчи даражаларини ташлаб юбориш;

- номаълумларнинг аниқланиш ва ўзгариш соҳаларини аниқлаш;

- муаммо ечимининг аниқ шароитларини белгилаб олиш ва шунинг билан бирга муаммо тури ҳам асосланади;

- бутун тадқиқотнинг умумий методологиясини асослаш, ўлчам ва баҳолаш мезонларини аниқлаш;

- тадқиқот ечими вариантларини мавжуд ечимлардан янгилиги ҳамда истиқболли эканлигини асослаш.

Хусусий технология – таълим-тарбия мавзунинг айрим йўналишларини амалга ошириш усуллари ва воситалари мажмуини ўз ичига олувчи педагогик тизимларни қамраб олади. Бунга айрим фанларни ўқитиш технологиялари, раҳбарнинг, тарбиячининг ва ўқитувчининг ишлаш технологиялари киради.

Хусусий технология ўқув фани кўринишда педагогик технологияларни ижтимоий ҳодиса, назарий фан, таълим-тарбия тизими, жараёни, педагогик фаолият ва унинг услублари, алоқадор фанларнинг илмий-тадқиқот соҳаси сифатида турли таълим муассасаларида белгиланган ўқув дастури асосида ўргатишдан иборат.

Хусусий технология таълим - тарбия тизими кўринишида педагогик технология белгиланган таълим-тарбия фаолиятини амалга оширишга хизмат қилувчи моддий таъминоти ва маънавий қадриятлардан иборат бўлиб, унинг ёрдамида таълим-тарбия жараёнида инновацион ўзгаришлар қилишга замин яратилади.

Хусусий технология маълумотларни ўзлаштириш учун қулай шакл ва усулда узатиш ва ўзлаштириш жараёнидан иборат бўлиб, ҳозирги замон дидактикаси ва педагогикаси тараққиётининг маҳсули. Педагогиканинг ҳозиргача мавжуд бўлган ҳамда такомиллашиб келаётган барча асосий йўналишлари бўйича амалий вазифаларни янада юқорироқ даражада амалга оширишга хизмат қилади.

Хусусий технологияни ўқув жараёнида қўллаш – бу таълим-тарбия жараёнида олимлар, мутахассислар томонидан ўз билим ва тажрибаларини ўсиб келаётган авлодга ўргатишдан иборат бўлиб, бу жараёнда, асосан инсон ҳаёти учун зарур бўлган ахборотларни авлоддан-авлодга узатиш амалга оширилади.

Ўқув фанларининг сони кўплигини эътиборга олганда, педагогик фаолиятнинг кўп қисми хусусий (ўқув фанлари) педагогик технологиялар учун сарфланади. Шунинг учун хусусий фанлар даражасидаги педагогик технологиялар кўпроқ тарқалган. Шу айтганлар асосида педагогик технология, энг аввало, педагогик фаолият ва унинг методикалари кўринишида намоён бўлади ва ривожланиб боради.

Хусусий технология – хусусий (ўқув фанлари), альтернатив ҳамда муаллифлик педагогик технологиялари йўналишларида ҳам ривожланади. Шунингдек, хусусий технологиялар эмперик, когнитив, инклюзив, эвристик, креатив, инверсион, интегратив, адаптив педагогик технологиялар йўналишлари бўйича ривожланади.

Хулосалаш – тафаккурнинг тарихан таркиб топган мантиқий формасидир. Тафаккурнинг мантиқий формаси воситаси билан бир ёки бир неча маълум ҳукмлардан янги ҳукм – хулоса чиқарилади.

Хулоса чиқариш- - нарса ва ҳодисаларни ўрганиш натижасида ҳосил бўлган фикрлар (тушунчалар)нинг ўзаро мантиқий алоқадорлиги ва узвий боғланиши асосида ҳосил бўлган умумий янги ҳукм.

Хулосалаш турлари қуйидагилар:

1.Индуктив хулоса чиқариш, яъни хусусий тасдиқлардан (ҳукмлардан) умумий тасдиқларга ўтиш;

2.Дедуктив хулоса чиқариш, яъни умумий тасдиқлардан хусусий тасдиқларга эга;

3.Аналогик хулоса чиқариш, яъни моделлаштириш ва уларнинг манбани идентификация қилиши орқали хулосалаш.

Хулқ, хулқ-атвор – ахлоқшунослик тушунчаларидан бири. Инсоннинг феъл-атвори билан боғлиқ ахлоқий ходиса бўлиб, киши феълининг ахлоқийлик доирасида намоён бўлиши тушунилади. Инсоннинг ахлоқийлик доирасидаги хатти-ҳаракатлари хулқдан ташқари одоб ва ахлоқни ўз ичига олади. Одоб инсон ҳақида ёқимли таассурот уйғотадиган, лекин оила, жамоа, жамият ва инсоният ҳаётида ўзгариш ясайдиган даражада аҳамият касб этмайдиган хатти-ҳаракатлардан иборат бўлса, ахлоқ муайян жамият, замон инсоният тарихи учун таъсир эта оладиган турли хатти-ҳаракатлар мажмуи, инсоний камолот даражасини белгиловчи маънавий ҳодиса. Хулқ қамровлилик жиҳатидан ана шу икки ходиса ўртасидаги хусусиятларга эга; у одобдан кенг, ахлоқдан тор маънога эга бўлиб, ахлоқ сингари жамият, замон, тарих миқёсидаги воқеликка таъсир кўрсата олмайди. Лекин, оила, меҳнат жамоаси, маҳалла-кўй доирасида сезиларли даражада кўзга ташланади. Ахлоқ ўзини эзгулик ва ёвузлик, адолат, инсонпарварлик, фидоийлик сингари ижтимоийлашган тушунчалар ва тамойилларда намоён қилса, хулқ яхшилик ва ёмонлик, бурч жўмардлик, меҳмондўстлик каби тушунчаларда акс этади, одоб камтарлик, инсофлилик, босиқлик, ҳалоллик, ростгўйлик ва б. ахлоқий меъёрларда ифодаланади. Шарқ фалсафаси ва ахлоқ илмида ахлоқий ҳодиса жуда қатъий чегараланган бўлмаса-да, бир-биридан қатъий тарзда олиб қаралган. Европада хулқ билан ахлоқ кўп ҳолларда айнанлаштирилади ёки улар бир-бирига синоним тушунчалар сифатида талқин этилади.

Хулқ ўзича, «соф» олинганда мавҳум ахлоқий ҳодиса, инсон хатти-ҳаракатларида аниқлик касб этади; ижобий хатти-ҳаракатларда

намоён бўлиши – хушхулқлилик, салбий амаллардаги кўриниши – бадхулқлилик деб аталади. Хушхулқ инсон мулойим, ширинсуҳан, меҳрибонлик билан муносабатда бўлса, бадхулқ одам қўпол, оғзи шалоқ, бемеҳр ва ҳ.к. бўлади.

Ц

Цивилизация – жамиятнинг ўз тараққиёти жараёнида яратган моддий ва маънавий бойликларини янада кўпайтириб ҳамда такомиллаштириб бориш усулларининг мажмуи.

Цитата – бирорта матндан, асардан, ҳужжатдан ёки кимнингдир оғзаки айтганларидан сўзма-сўз олинган бўлак. Маъруза жараёнида мавзуга доир айрим цитаталардан фойдаланиш зарур бўлиб қолади. Шунда уларнинг асосий манбага тўлиқ мос эканлигигига ишонч ҳосил қилган ҳолда фойдаланишга одатланиш зарур ҳисобланади *(Йўлдошев Ж., Йўлдошева Ф., Йўлдошева Г.).*

Ч

Чақириш усуллари - бунда талабалар томонидан турли жавоблар чиқиши ва чуқур баҳслашишга олиб келиши кутилади. Агарда сиз қуйидаги жиҳатларга амал қилсангиз мазкур жараён яна самарали бўлади:

- балки сиз қандай жавоблар кутаётганингизни намойиш қилишингиз лозим бўлар;

- балки сизга мунозара оқимининг матнини қайтариш керак бўлар;

- жавоблардаги фарқларни тушуниш ва ривожлантириш;

- хушёр бўлинг – иштирокчилар жавобларини тўғриламанг.

Чақириқ - асосан танқидий фикрлашни ривожлантиришга кўпроқ тешгишли бўлган дарс босқичи бўлиб, унинг давомида талабалардан

мавзу хусусида уларнинг нима билишлари тўғрисида ўйлаш, мавзу бўйича саволар бериш ва ўрганиш учун масалалар қўйиш сўралади.

Ш

Шакл - дарс жараёнини амалга оширишнинг энг қулай усуллари, воситалари, кетма – кетлиги, ўқитишдаги болалар сони, сарфланган вақт жойининг қулайликларини ўз ичига олади *(Йўлдошев Ж., Йўлдошева Ф., Йўлдошева Г.).*

Шариат (араб. – остона ва сув ичиш жойи; йўл; мусулмончиликда шариат қонунчилик маъносида қўлланилади) – Аллоҳ жорий қилган амалий ҳукмлар мажмуаси, шу маънода шариат фиқҳ маъносида ҳам тушунилади. Самовий динларнинг барчасидаги амалий қисм шариат деб аталади. Ислом шариати ҳукмлари Қуръон, суннат, ижмоъ ва қиёсдан олинади. Шариатнинг мақсадлари учга: зарурий, ҳожатлик ва яхшилаш қисмларига бўлинади. Дин ва дунё учун зарур бўлган мақсадлар зарурий мақсадлар дейилади. Улар йўқ бўлса, дунёнинг ишлари бузилади ва охиратда азобга қолинади. Ислом шириатининг мақсадлари динни, жонни, ақлни, наслни ва молни асарашдан иборат. Шариатнинг ҳожатлик мақсадлари кишиларга осонлик туғдириш, улардан қийинчилик ва машаққатни аритишга қаратилган. Бунга мусофир ва бемор кишиларга номозни қаср қилиб ўқиш ва рўзани очиб юборишга берилган рухсатлар ва шунга ўхшаш кўплаб шаръий ҳукмлар киради. Шариатнинг яхшилаш мақсади жамиятда бир-бирига мурувват кўрсатишни таъминлайди. Агар у нарса йўқ бўлса ҳаёт низоми бузилиб кетмайди, шунингдек, одамларга машаққат ҳам туғилмайди. Аммо, инсонийлик мурувватига путур етади. Бу мақсадда асосан, яхши одатлар ва хусни хулқ кўзда тутилади. Покизаликка бошловчи, кийим бош, турар жой, жисм ва бошқаларни пок тутиш ҳақидаги шаръий

кўрсатамалар, еб-ичиш одоблари, оммавий алоқаларни яхшилаш каби кўплаб ишлар ҳақидаги шаръий ҳукмлар шу жумлага киради *(Ислом энциклопедияси. Т.: 2004, 267-бет).*

Шарҳ – жамият тараққиёти учун муҳим аҳамият касб этадиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни, шунингдек, баҳсга мос асарларни, ғояларни, фикрларни, қарашларни ва таклифларни изоҳловчи, муайян масалалар (муаммолар) ечимини кўрсатувчи, кенг оммага мўлжалланган қўшимча адабиёт сифатида фойдаланиладиган нашр.

Шарм-ҳаё – уят, уялиш деган маъноларни англатади. Шарм-ҳаё дейилганда нафсини тийиш, ёмонликни тарк этиш, беҳаёликдан узоқ юриш, ўз номуси ва шарафини сақлаш каби фазилатлар тушунилади. Шарм-ҳаё инсоннинг безаги, зийнати, комил хулққа эга бўлган киши руҳининг тафаккури, маънавий тимсолидир. *(Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Ибрагимова Г., Тўрақулов Х.А., Алибекова Р. Т.: «Чўлпон» 2004, 55-бет).*

Шахс – кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субеъкти ва обеъкти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истемолчиси ва уларни амалга оширувчи. Шахс деганда муайян жамиятнинг аъзоси тушунилади. Одам шахс бўлмоғи учун руҳий жиҳатдан тараққий этган, ўз хусусиятлари ва сифатлари билан бошқалардан фарқ қилиши мумкин.

Одамни ижтимоий мавжудот сифатида шахс номини олиш учун ижтимоий-иқтисодий ҳаёт ва тарбия керак.

Шахснинг камол топишида ва унинг хулқида ижтимоий ва биологик омиллар таъсир кучи ҳамиша бир хил бўлавермайди. Чунки, унинг хулқига, муносабатларига, алоқаларига, ёши, билими, одатлари, тажрибаси ва ниҳоят вазият ҳам таъсир этади. Шахснинг камолга етишида насл – ирсият, ижтимоий муҳит мақсадга мувофиқ амалга ошириладиган таълим-тарбия ва ниҳоят ўзининг мустақил фаолияти

ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шахс қайси жамиятда яшаса, ўша жамият ҳаётида қонун-қоидаларига асосан камол топади.

Ҳар бир одам шахс сифатида турлича намоён бўлади. У ўзининг характери, қизиқиши ва қобилияти, ақлий ривожланганлик даражаси, эҳтиёжи ва меҳнат фаолиятига муносабати билан фарқланади. Булар шахснинг ўзига хос хусусиятлари бўлиб, ана шу руҳий хусусиятлари ривожланиб, маълум бир босқичга етсагина уни мукаммал камол топган инсон дейилади.

Шахс – одамнинг жамият аъзоси сифатида. Ўз – ўзини англаш ва тафаккурни, фаолиятнинг обективлигини, мулоқот ҳамда ҳамкорликдаги билувчанликни ташувчанлигидадир. Шахснинг камолга етишида насл (ирсият) биологик, ижтимоий муҳит, мақсадга мувофиқ амалга ошириладиган таълим – тарбия ва ниҳоят ўзининг фаволияти муҳим аҳамиятга эга *(Зуҳра Исмоилова)*.

Шахс обрўси – шахснинг жамоа аъзолари томонидан тан олиниши ва ҳурмат қилиниши, унинг субъектив сифатларининг жамоа фаолиятининг объектив талабларига мос келишини билдиради. Бунда шахснинг билими, тажрибаси, касб маҳорати, уддабуронлиги, тадбиркорлиги, фаоллиги муҳим аҳамият касб этади *(Джураев Р.Х., Турғунов С.Т)*.

Шахсга йўналтирилган технологиялар – таълим маркази талаба шахси турадиган технология бўлиб, ундаги асосий мақсад талаба шахсини маънавиятини тафаккурини, ривожлантириш, дунёқарашини кенгайтириш интеллектуал салоҳиятини юксалтириш билан боғлиқ бўлган шарт – шароитларини яратишдан иборатдир.

Шахснинг ахлоқий сифатлари – шахснинг ақлий жиҳатдан камолатга етишувчи бўлиб, унда таълим олувчининг ақлий, зеҳний сифатлари, фазилатлари муҳим аҳамият касб этади ва билағонлик,

обективлик, ижодий фикрлаш кенглиги, меҳрибонлик каби сифатлар асосида шаклланади.

Шахснинг касбий сифатлари – шахсни муайян фаолияти учун жуда муҳим қобилиятларнинг тўплами ҳамда касбий фаолиятнинг самарадорлигини оширувчи хоссаларга шахснинг касбий сифатлари дейилади. Бу сифатларнинг ўзига хос хусусиятларига қуйидагилар киради. Булар: касбий фикрлаш (техникавий, иқтисодий, гуманитар) қобилиятлари; психомотор вазифалари; меҳнат операцияларини бажариш фаолиятида интеграциянинг жуда юқори эканлиги натижаси бўлиб, минтақавий бозорлар билан рақобат қила олиш учун имконият яратди. Бозор дастаклари амал қилиш натижасида, айрим ҳудудлар табиий, ишлаб чиқариш ва илмий-техника омилларидан фойдаланиш самарадорлиги даражасини ошириш ҳамда имкони борича энг юқори даражада фойдалана олиш учун шароит яратилади.

Ягона иқтисодий минтақа унга кирувчи мамлкатлар ўртасида келишув шартнома тузиш асосида ташкил этилади. Ягона иқтисодий минтақага Европа Иттифоқи, Марказий Осиё мамлакатлари мисол бўла олади.

Шахсни мўлжаллаб йўналганлик – бу таълимда янгича йўналганлик бўлиб, у ривожланаётган шахснинг (таълим берувчининг ҳам, таълим олувчининг ҳам) манфаатлари ва эҳтиёжларининг устуворлиги, унинг индивидуал – психологик ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш ва юқори даражада рўёбга чиқариш ва ўзини ҳар томонлама намоён қилиш, ахлоқий, маънавий, жисмоний ва интеллектуал ривожланиш учун шароитлар яратиш.

Улар таълимни ташкил этишга қўйиладиган қуйидаги талабларни ифодалашга асос бўлади: таълимнинг фан ва техникадаги ўзгариб бораётган вазиятга, жамиятнинг янги эҳтиёжларига тез мослашуви;

таълим мазмунининг ҳозирги замон илмий-техник ва ижтимоий билимларга мувофиқлиги; узлуксиз таълимнинг барча бўғинларида ўқитишнинг юксак сифатини таъминлаш; катта ҳажмдаги ахборотларни мақбуллаштириш.

Кадрлар тайёрлаш ва ўқитишни жадаллаштириш, вақт ва воситалардан оқилона фойдаланиш, таълим технологиясини такомиллаштириш, фаолиятнинг янги шакллари ва усулларини қидириб топиш, таълим берувчилар билан таълим олувчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва ҳоказо.

«Тор ихтисосликлар»ни бартараф этиш ва меҳнат бозори шароитларига тез мослашишга қодир бўлган кенг ихтисосли кадрлар тайёрлаш «Анъанавий ва янги касблар, мутахассисликлар ва бошқалар доирасида касбий фаолиятнинг мазмун параметрларига уйғун ҳолда таълимни стандартлаш.

Янги авлод кадрларини шакллантириш жараёнининг натижалари, белгиланган меъёрий кўрсаткич (параметр)ларга эга бўлган мутахассислар билан ижтимоий –педагогик жиҳатдан тўлдириб бориш кўплаб омилларга боғлиқ бўлиб, улар таълим сифатига эришиш воситалари ёки шарт-шароитлари бўлиб хизмат қилади.

Шахснинг ҳуқуқий маданияти – умум эътироф этилган ижтимоий қадриятлар нуқтаи назаридан қараганда индивидуал қарашлар, баҳолар, сабаблар, ҳуқуқий йўл-йўриқлар бўлиб, улар ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган қонуний ҳамда ижтимоий фаол ҳаракатга асос бўлади.

Шахс ғурури – бу фахрдир. Ҳар бир шахс ўзининг ютуқларидан мамнуният ҳиссини туяди. Ота-она қобул фарзандларидан, устоз истеъдодли шогирдларидан, ёзувчи яхши асарларидан, боғбон сўлим боғидан, миллат ўз мероси, истеъдодли фарзандларидан фахрланади.

Шкалалаш – аниқ жараённи рақамлар тизими ёрдамида ифодалаш (кодлаштириш, моделлаштириш) дан иборат бўлган мантиқий – статистик жараёндир. Уларда сифатий маълумотлар билан иш кўрганда кодлаштириш масаласи қаралади, сонли маълумотлар бўлганда эса қаралаётган сонли оралиқларга бўлиниб, шкалаларга бўлиниб, шакллар кўринишида белгиланади. Бу шакллар мақсад функцияси сифатида белгиланганлиги сабабли моделлаштириш термини қўлланилади.

Шовинизм – бу **“буюк миллат”**нинг миллий устунлигини эътироф этувчи сиёсат бўлиб, ушбу сиёсат вакиллари ўша миллатнинг устунлигини кенг кўламда тарғиб қилади, унинг муносабатларини бошқа миллат манфаатларига қарама-қарши қўяди.

Шовинизм – французча сўз бўлиб, буржуа миллатчилигининг ўта реакцион шаклини билдиради. Наполеон истилочилик сиёсатининг ишқибози бўлган француз солдати Шовин номидан келиб чиққан. Бошқа халқларни таъқиб этиш ва хўрлаш, эзиш, турли ирқ ва миллат кишилари ўртасида миллий адолат ва нафратни кучайтиришни ёқловчи, уларни бир-бирларига қарши гиж-гижлаб, миллатлар ўртасида душманлик туғдирувчи реакцион сиёсат.

Э

Эволюция (юнон. evolitio- авж олдириш, ривожлантириш) – революция (инқилоб) га ва инқилобий йўлга қарши бўлган, тадрижий ривожланиш усули, у тўғрисидаги фалсафий таълимот (фал. Қомусий луғат – 455б)

Узлуксиз таълим тизимидаги ислоҳатлар «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида, яъни уч босқичда эволюцион (тадрижий) тарзда амалга оширилиб борилади ва ҳар бир босқичдаги ютуқ ва

камчиликлар таҳлил қилиниб, уларни кейинги босқичда эътиборга олинади.

Эвристик – бу йўналтирувчи саволлар бериш йўли билан ўқитиш тизими; топқирлик, фаолликни ривожлантиришга ёрдам берувчи таълим методи; ўқув-изланишли; оптималлаштирилган тафаккурни ривожлантиради.

Бунда топқирилик, фаолликни ривожлантиришга ёрдам берувчи таълим методи жорий этиладида, ўқув изланишли ўқитиш услубини такомиллаштиради ҳамда оптималлаштирилган тафаккурни ривожлантиради.

Эвристик ва муаммоли қидирув (ЭМҚ) - таълим олувчиларнинг янги билимларни ўзлаштиришда мустақил равишда ҳаракати билан дарсдаги муаммоли вазиятни ҳал этишнинг бутун бир тизимидир.

Умуман олганда ЭМҚ усуллари талаба-ёшларнинг мутақил равишда билим олишларига қаратилган фаолият бўлиб, бундай жараёнларда ўқитувчи таълим олувчилар олдига қатор изчил ва ўзаро узвий боғлиқ бўлган муаммоли вазиятлар кетма-кетлигини қўяди. Бунда таълим олувчилар топган жавоблари (ечимлари) ни тўғри эканлигини мутақил равишда исботлашга харакат қиладилар. Булар эса таълим олувчиларни топқирликка ва ижодкорликка ўргатади. Ушбу фаолият (жараён) нинг асосий мақсади ҳам таълим олувчиларни ижодий билим фаолияти кўрикмаларни ривожлантиришга қаратилгандир.

Эйдетизм (юнон eidas образ) аввал идрок қилинган нарса ва ҳодисаларнинг образларини онгда аниқ, тўлиқ ва ёркин холда узоқ вақт сақлаб қола олиш қобилиятида ифодалайдиган руҳий ходиса; идрок образларидан деярли фарқ қилмайдиган тасаввур сифати.

Эвристик таълим - бу таълим жараёнида йўналтирувчи саволларни ёзиб боришга асосланган ўқитиш тизимидир. Бунда

синчковлик, топқирлик, изланувчанлик, мақсадлар кетма – кетлигини илғай олишликларга асосланиб фаолликни ривожлантиришга йўналтирилган фаолият асос бўлиб хизмат қилади ва унинг натижасида таълим жараёни изланишли бўлиб, оптималлаштирилган тафаккурни ривожлантиришга эришилади.

Эвристик таълим – таълим олувчиларнинг мустақил, фаол, ижодий фаолиятини ташкил этишда фойдаланиладиган эвристик методларга асосланган таълим.

«Эвристика» - грекча сўз бўлиб, «henrist» сўзи, «излайман», «топаман», «очдим» маъноларини беради. Умуман, эвристик таълим жуда узоқ антик замонлардан бери қўлланилиб келинади. Биринчи бора таълим жараёнида қўлланилганда – эвристик суҳбатлар йўналтирилган, кетма-кет берилган саволларга жавоб бериш жараёнида шаклланган, саволларга жавоб беришда жавоблар ўқувчи томонидан муаммолар ечимига қатнашиш жараёнида ривожлантирилган. Педагогикада ўқувчи фикрини ривожлантирувчи, мақсадли, сермаҳсул изланишлар асосида қўллана бошлаган, кўпроқ бу усулни биринчилардан бўлиб математик олимлар, ўқитувчилар истеъмолга киритганлар. Кўпинча «математик ечиш санъати» методлари шаклида қўллаш маъқул кўрилган. Кейинчалик уни бошқа ўқув предметларини ўқитиш жараёнида илғор универсал методлар сифатида қўллашга ҳаракатлар – ўрганишлар бўлган. Бу муаммо билан ўз даврида философ , грек математиги Папп Александрийский, кейинчалик француз философ ва математиги Рене Декартлар шуғулланиб, эвристик таълим универсал методдир деган фикрга келганлар *(Йўлдошев Ж., Йўлдошева Ф., Йўлдошева Г.).*

Экзотерик билимлар – бу кўзга ташланувчи билимлар бўлиб, улар илм-фан қоидалари асосида вужудга келади.

Экзотерик (пинҳоний) билимлар – бу астрология каби соҳаларга оид билимлардир.

Экологик тарбия – таълим олувчиларга экологик билим бериш асосида шахс, жамият ва табиат бирлиги ҳамда алоқадорлигини уларга тушунтириш, экологиянинг инсон, инсоният, жамият тараққиётидаги муҳим ўрни ва аҳамияти борасида тушунчаларни қарор топтириш, шунингдек, экологик маданиятини шакллантиришдир.

Экологик маданият – касбий фаолиятда қарор қабул қилиш учун экологик жавобгарликни ҳис қилиш, табиат муҳофазаси соҳасидаги билимларга эгалиги, жаҳон ва ҳудудий даражада экологик муаммоларни очишда қатнашишга тайёргарлиги ва бошқалар.

Экологик тенглик хавфи – XX аср давомида техниканинг ривожи, халқ хўжалигини ва кундалик турмушни кимёлаштириш, Ер юзида аҳоли сонининг кескин кўпайиши оқибатида табиат билан инсон ўртасидаги мувозанатнинг бузилиши, ер, сув, ҳавонинг инсон ҳаётига зарарли даражада ифлосланиши натижасида пайдо бўлган ҳолат.

Эксклюзив – бу ғайри оддий, фақат маълум бир объектга тааллуқли, ўзига хос бўлган хусусиятлар ва бошқа белгилар мажмуи. Фақат ўзига берилган (ҳуқуқ).

Эксперимент – фан ва билиш соҳасида фавқулотда ҳолатдан чиқиш, муаммоли вазиятни ҳал қилиш жараёнлари, шахснинг ҳис – туйғулари, характери, қобилияти, ақл-заковатини ўрганишда қўлланиладиган усул. (Фалсафа. Қомусий луғат-456б)

Эксперимент табиий усулда ва лабаратория усулида олиб борилиши мумкин бўлиб, улардан табиий усулда социологик, педагогик, психологик, масалаларни ҳал қилиш қаралади. Шунингдек, лабаратория усуллари ёрдамида диққатнинг сифатлари (сезги, идрок, хотира ва тафаккур) нинг хусусиятлари, эмоционал, ифодавий ва ақлий зўриқиш

сингари психик ҳолатлар текширилади. Булардан ташқари учувчи, ҳайдовчи, оператор, электрончилар ва шу кабилар қобилиятлари ҳам эксперимент ёрдамида текширилади.

Эксперимент методи – ҳодиса ва жараёнлардан режалаштирилган ишчи фараз асосидаги далил –исботларни рўёбга чиқариш ва уларнинг ташқи шароитга боғлиқлигини асослашга йўналтирилган йўл.

Эксперимент методининг афзаллиги шундан иборатки, бунда тадқиқотчи ўз ҳохиши билан муайян жараён ёки хусусиятни юзага келтириб, ҳодисанинг ташқи шароитга боғлиқлигини текшириб кўриш мумкин.

Эмпирик, яъни тажриба йўли билан қўлга киритилган – исботларнинг асосийлари педагогика ва психология соҳасидаги тадқиқотларда эксперимент олиб бориш йўли билан олиб борилади.

Эксперт – мунозара унумлилигини, фаразлар тўғрилигини баҳоловчи шахс, у ёки бу қатнашчининг умуий масалани ечиш ҳиссаси тўғрисида фикр билдиради, қатнашчиларнинг мунозарасидаги муносабатга баҳо беради *(Зуҳра Исмоилова).*

Эксперт баҳолаш методи (ЭБМ) – шахс психологиясида кенг қўлланиладиган метод бўлиб, унда экспертлар сифатида текширилаётган кишиларни яхши билувчилар тахлилий фаолиятини амалга ошириш йўли. «эксперт баҳоларни кўпроқ хусусиятларни сифат жиҳатидан намоён бўлишини тасвирлаш эмас (буни экспертлар билан қилинадиган кейинги суҳбатларда ўтказилса анча фойдалироқ бўлади), балки ўрганилаётган хусусиятларнинг ифодаланишини миқдорий баҳолаш тарзида, яъни у ёки бу хусусият ёки хулқ - атвор элементлари даражаларини баҳолаш тарзида ўтказилса мақсадга мувофиқ бўлади. Экспертлар умумлаштириш билан боғлиқ бўлмаган хулқ-атвор элементларининг анча-мунча майда қисмлари ифодаланганлигини қайд

қилиш лозим. Умумлаштириш – экспертнинг эмас, балки тадқиқотчининг ишидир». » *(Нишонова З.Т. Қаршиева Д.С. Экспериментал психология. –Т..: 2006й. -14 бет.)*

Эксперт тизимлар (ЭТ) - суъний интеллект, билимлар базаси, эксперт, билимларни ўзлаштириш, мантиқан хулосалаш, тушунтириш ёки излаш, фойдаланувчининг интеререйси, интерпретатор, тизимни яратиш модули ва қобиқлар асосида шаклланади. Бу ҳақдаги батафсил маълумотни Х.А.Турақуловнинг «Педагогик тадқиқотларда ахборот тизимлари ва техналогиялари» номли монографиясининг 185-186 бетларидан олиш мумкин.

Ҳар қандай ЭТни яратиш ва ундан фойдаланишда қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

- ЭТга ўз билимини беришга қодир мутахассислар борлигига;

- муаммони ҳал этишдаги катта ҳажмдаги ахборатлар ва билимларнинг бўлишлигига;

- предмет соҳасидаги ахборотни тўлиқ билмай қолган ҳолларида эвристик методларни қуллай билишлиги;

- хотирада сақлаш учун тўпланган ахборотни етарли даражада тўлиқ ва аниқ билишлигини таъминлашга;

- ЭТ фаолиятининг оптимал вариантда олиб боришини таҳлил қилиш, баҳолаш ва ундан фойдаланишга тегишли мезон ва тамойилни ишлаб чиқилганлиги;

-олинган натижаларни нечоғлик ишончли эканлигига ва шу кабиларга.

Эксперт тизимлар – хулоса чиқариш қоида ва механизмлари йиғиндисига эга бўлган билимлар омборини ўз ичига олган сунъий интеллект тизими *(Абдуқодиров А.А ва б.)*.

Эксперт тизимлар (ЭТ) турлари.

ЭТлар қуйидаги куринишларда фаолият кўрсатади: режалаштируви ЭТлар; бошаратловчи ЭТлар; ташхисловчи ЭТлар ва ўргатувчи ЭТлар.

Режалаштирувчи ЭТлар-лойиҳалаштирилган мақсадга эришишни таъминловчи дастурларни яратиш фаолиятидир.

Башоратловчи ЭТлар-бу олдинги ва ҳозирги мавжуд ахборотлар асосида кейинги холатни башоратлаш жараёни бўлиб, унда асосан динамик параметрик моделлар қўлланилади.

Ташхисловчи ЭТлар- бунда мавжуд маълумотлар асосида жараён ёки ҳодиса кечишининг эталон хатти- ҳаракатидан четлаш аниқланади ва ташхис қуйилади.

Ўргатувчи ЭТлар-бунда истеъмолчига қоралаётган соҳа бўйича ташхис қўйиш, башоратлаш, таҳлил этиш, имконятлари берилади ва улар асосида ЭТ хулоса ясайди ҳамда кейинги фаолиятга кўрсатма беради.

Эксперт тизимлар (ЭТ) - бу айрим мавзу (соҳа йўналиш, жараён, ҳодиса ва ҳ.к.) бўйича шароитни таҳлил этиш, аҳамиятли ахборотни танлаб олиш ва мумкин бўлган йўллардан воз кечган ҳолда энг мақбул қарор қабул қилиш ҳақидаги билимларни ёйиш ва улардан амалиётда фойдаланишни амалга оширишнинг усуллари ҳамда воситалари мажмуидан иборат.

Эксперт тизимларда билимлар базаси қаралаётган муаммо бўйича мураккаб вазифалар ечимини топиш учун маълумотларни қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва хулосалаш асосида юзага келувчи модель, алгоритм, қоида, қонуният, кўрсаткичлар, мезон, тамойил мажмуасидир.

Таълим-тарбияда билимларни ўзлаштириш, маълумотлар базасини ҳосил қилиш, билимлар ва маълумотларни муаммо мақсади бўйича ечимга мос қилиб тайёрлаш технологиялари мажмуидан фойдаланиш истиқболли натижаларни беради.

Эксперт тизимлар қуйидаги йўналишларда қўлланилади: режалаштирувчи эксперт тизимлар; бошоратловчи эксперт тизимлар; ташхисловчи эксперт тизимлар ва ўргатувчи эксперт тизимлар. Эксперт тизимлардан фойдаланиш юқори малакали мутахассислардан фойдаланишга қараганда вақт нуқтаи назаридан ҳам, иқтисодий жиҳатдан ҳам тежамли.

Эксперт тизимлар-мутахассисларнинг бой тажрибасига ва таълим соҳасидаги бошқариш тажрибалари (усуллари, шакллари, воситалари, методлари, методологиялари ва ҳ.к.) га асосланиб қарорлар қабул қилиш йўналишида ривожланиб, такомиллашиб бораверади.

Эксперт тизимларни яратишнинг қатъий босқичлари мақсадга мувофиқ амалга оширилади. Улар концепциялаш, реализация, тестдан ўтказиш, жорий этиш, кузатиб бориш, модернизациялардан иборат бўлиб, унчалик мураккаб жараён бўлмасдан, уларга кундалик ҳаётда дуч келиб қолиш мумкин.

Мақсади: мутахассисларнинг бой тажрибасига ва муайян соҳадаги бошқариш тажрибалари (усуллари, шакллари, воситалари, методлари, методологиялари ва шу кабилар) га асосланиб қарор қабул қилиш пайтида уларнинг энг мақбулини танлаш имкониятини яратиш ва бу орқали муаммонинг оптимал ечимини топишга эришиш. Вазифалари: ахборотлашган жамиятда жараёнларни бошқаришда оптимал вариантларни танлаш ва энг мақбул қарорлар қабул қилишни замонавий компьютерлар зиммасига юклаш, таълим-тарбия жараёнидаги бошқарув ишлари маълумки, интеллектуал тизимларга тегишли ва бу вазифани ҳал қилиш ЭТ зиммасига юклатилади.

ЭТ нинг интеллектуаллиги, улар билан ишлаш кўникма ва малакаларни ҳосил қилишни муваффақиятли амалга оширишга имконият яратилади, билимлар базасини бир гуруҳ мутахассислар

билимларининг мажмуи сифатида ифода эта олади, ЭТ билимлар базасини янги билимлар билан тўлдиришга қодир.

ЭТ дан фойдаланиш юқори малакали мутахассислардан фойдаланишга қараганда вақт нуқтаи назаридан ҳам, иқтисодий жиҳатидан ҳам тежамлидир, у ҳар қандай истеъмолчига керакли натижага етиб келиш босқичларини яққол намоён эта олади.

ЭТ лар ўз-ўзидан ўқитишга ҳам қодир. ЭТ тўпланган ахборотларни тизимларга ажратади, хулосалайди, идентификациялайди, ташхис қўяди, башаротлайди ва шарҳлаб беради, шунингдек, унда тўпланган билим йўқолмайди, балки улар йиғилади, керакли манбаларга узатилади ёки ижро этишга тавсиялар берилади.

Экспресс ахборот – ихтисослашган илмий журналларда босиб чиқариладиган материалларнинг қисқача мазмун-моҳиятини (аннотациясини) баён қилувчи махсус нашр.

Электрон алоқа - бу технология таълим-тарбия жараёнида таълим берувчи билан таълим олувчи ўртасидаги алоқани танлаб беришда қанчалик муҳим бўлса, ёшлар орасида ўтказиладиган турли анжуманлардаги ўзаро алоқаларда ҳам ундан самарали фойдаланиш мумкин.

Электрон алоқа орқали мунозарали форумлар ўтказиш ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш учун турли рўйхатларни жонлантиришни ташкил этишга мўлжалланган.

Ёпиқ компьютерли анжуманлар (ҳамма талабалар (ўқувчилар) нинг қатнашиши имконияти мумкин бўлганда) га нафақат пуллик, балки, маълум бир даражадаги касбга эга бўлган ёшлар учун мўлжалланган бепул анжуманлар киради.

Кўпгина яқин ва узоқ хорижий давлатларда, шу жумладан, Россияда гуруҳий манзиллар, обуналар, саралаш ва маълумотларни

жўнатишларни ташкил этиш учун алоқали анжуманлар ўтказишнинг махсус ускунавий воситалар ишлаб чиқишда фойдаланилади.

Кўпчилик ўқув алоқа анжуманларида мунозараларни бошқариш ва уларни мувофиқлаштириш мақсадга мувофиқ. Бундай анжуманлар модерланувчи ҳисобланади. Ушбу технологияда ўқув жараёнида фойдаланишнинг самараси кўп томондан модератор (фасилитёр) нинг ихтисослаштирилганлиги, унинг ўқув курси мақсадига энг юқори даражада эришилишини таъминлайдиган мунозараларни бошқара олиш жараёнида фойдаланиб борилаверади.

Электрон дарслик анъанавий дарсликдан фарқли ўлароқ, фанга оид тегишли материалларни динамик талқинда, яъни фойдаланувчи эътиборини жалб қилувчи турли ранглардан, мультимедиа, аудио ва видео анимациялар, гипермурожаатлардан ўринли фойдаланган ҳолда тузилган ёхуд дастурлаштирилган дарсликдир. У компьютер технологиясига асосланган ўқув услубини қўллашга, мустақил таълим олишга ҳамда фанга оид ўқув материаллари, илмий адабиётларнинг ҳар томонлама самарали ўзлаштиришига мўлжалланган адабиёт.

Электрон дарслик – маълум кетма-кетликда тизимлаштирилган ва ноқоғоз ахборот ташувчи (дискета, СД, ДВД ва ҳ.к.) га жойлаштирилган ўқув курси бўйича тўлиқ ахборот *(Сайфуров Д.М.).*

Электрон дарслик (ЭД) – фаннинг ўқув ҳажмини тўлиқ қамраган ва масофавий ўқитиш ҳамда мустақил ўрганиш учун компьтер технологияларига асосланган, мустақил таълим олишга ҳамда фанга оид ўқув материаллар, илмий маълумотларнинг ҳар томонлама самарали ўзлаштиришга мўлжалланган бўлиб, унда материаллар (ўқув ва илмий материаллар фақат виртуал (матн) шаклида, ўқув материаллар виртуал (матн) ва икки ўлчамли график шаклида) мультимедиа (кўп ахборотли) элементлари, яъни маълумот икки-уч ўлчамли график кўринишида,

видео, анимация ва қисман виртуал (матн) шаклида; тактил (ҳис қилинувчи, сезиладиган) хусусиятли, объектларга нисбатан ҳаракатланиш тасаввурини яратадиган шаклда ифодаланади.

Электрон китоблар (ЭК) – таълим тизимига CD – ROM ва мультимедиа технологияларининг кенг жорий қилиниши, электрон китобларнинг ишлаб чиқилишига ва уларнинг таълим-тарбияда самарали қўлланишига катта имкониятлар яратиш жараёни.

ЭК лар тўртта йўналишдан иборат. Улар: қомусий; маълумот берувчи; ўқитувчи; имтиҳон олувчи. ЭК лар ахборот турлари ва уларни фойдаланувчига етказиб бериш билан шуғулланади. Бунда мультимедиали китоблар – битта ахборот ташувчи воситага жамланган ҳамда матнли овозли статик динамик ва видеотасвирли маълумотлардан ташкил топган китоблардир.

Яриммедиа китоблар – мультимедиа китоблардан фарқли равишда маълумотларни етказиб беришда турли воситаларнинг комбинациясидан фойдаланувчи китоблар. Гипермедиа китоблар – мультимедиали китобларнинг такомиллашган шакли бўлиб, бунда фойдаланувчи асосий матндан ташқари турли қўшимча манбаларга ҳам (шархларга, атамаларнинг изоҳларига, тузатишларига) мурожаат қилиши мумкин бўлган китоблардир.

Интеллектуал китоблар – имтиҳон олувчи китобларга ўхшаш бўлиб, бунда талабаларнинг қобилиятлари, билим даражалари, махсус тестлар ёрдамида уларнинг компьютер билан мулоқоти жараёнида аниқланади ва баҳоланади.

Телемедиа китоблар – телекоммуникация воситалари ёрдамида масофадан ўқитишга хизмат қилувчи китоблардир. Кибернетик китоблар – математик моделлаштириш воситалари ёрдамида

ҳодисаларни ва объектларни ҳар томонлама ўрганиш ва тадқиқ қилишга ёрдам берувчи китоблар.

Электрон нашр – бу графикли, матнли, рақамли, нутқли, мусиқали, видео-фото ва бошқа ахборот объектларидан иборат бўлган жамламаси ҳисобланади.

Электрон почта – ахборот алмашиш хизматини кўрсатиш воситаси. Ундан фойдаланувчи ҳар қандай ташкилот ва ҳаттоки ўз уйида терминал орқали керакли манзилни кўрсатган ҳолда ахборот жўнатиш мумкин ёки қабул қилиб олиш мумкин. Бунинг учун ахборот компьютерда юборилади, у ерда эса тегишли манзилнинг электрон қутисига файл жўнатилади.

Мақсад: Босма материаллар, фотография, жадвал, график иш қоғозлари ва журналларни электрон почта усулида жўнатилади.

Вазифаси: Ахборотлар (хат-хабарлар) ни узатиш ва қайта ишлашнинг электрон усулидан фойдаланиш.

Ахборот узатишнинг ушбу усули сифатидан таълим олувчилар, масофавий таълим билан шуғулланувчилар учун қўл келади.

Электрон почта хизматидан фойдаланувчи ўқ файлини олиб кўриш орқали ахборотни қабул қилиб олиш мумкин. Ушбу жараёнда ахборот имзоланган ва тасдиқланган расмий ҳужжат ёки график, фото ва ҳоказолардан иборат бўлса, у ҳолда факсимил хизматидан фойдаланилади. Улар қуйидагилар: ахборотни жўнатувчи ва олувчиларнинг иш вақтига унчалик халақит бермайди; ахборот олувчининг бошқа жойга боришига ҳожат йўқ; электрон почта қутисига (файлига) кириш қийинчилик тўғдирмайди; чунки алоқа бўлимларида, меҳмонхона ва шу кабиларда мавжуд терминаллар ва умумий фойдаланишга мўлжалланган; ҳар қандай турдаги ахборотларни,

жумладан, молиявий ҳужжатлар, чизмалар, иш қоғозларини узатиш имконияти кенгаяди.

Электрон таълим ресурслари – булар фан бўйича яратиладиган электрон ўқув қўлланмалар, электрон кўрсатмалар, маълумотномалар, луғатлар, виртуал стендлар, мультимедиа воситалари ва бошқа электрон нашрлар мажмуидир.

Электрон услубий қўлланма – бу педагогик тажрибани умумлаштириш ва узатиш ҳамда таълим фаолиятининг янги моделларини шакллантириш ва тарқатиш шаклидир. Унда педагогик тажриба машғулотларининг рақамлаштирилган видео-лавҳалари, электрон ёки унга ўгирилган шаклда яратилган дарслар бўйича режалаштирилган шаклда кўрсатилади.

Электрон форумлар – интернет ва электрон почталардан фойдаланиб ўтказиладиган семинардир. Семинарнинг модератори иштирокчиларга материалларни беради. Унинг мазмун-моҳияти тушунтиради, сўнг савол беради ёки мавзу мазмунини муҳокама этади. Семинар иштирокчиларини материал билан таништиради, саволларга жавоб беради, ўз хулосаларини чиқаради. Ҳар бир иштирокчи муҳокамада иштирок этади. Музокара натижалари асосида хулосалар чиқарилади. Хулосалар асосида семинар қатнашчиси тўғри, якуний жавобни олади. Бу эса олган билимларни мустаҳкамлашга таъсир этади *(Йўлдошев Ж., Йўлдошева Ф., Йўлдошева Г.).*

Электрон шаклдаги ўқув – услубий материаллар – булар электрон дарслик, электрон ўқув қўлланмалар, электрон маъруза матнлари, электрон кутубхоналар, мос (CD, Flash ва ҳ.к.) сиғимдаги аудиовизуал материаллар, интерфаол ўқув курслари, компьютерда ҳисоблаш тажрибасини ўтказиш учун лаборатория вазифалари, тест синовларини ўткизиш бўйича тизимлар.

Электрон ўқув нашри – таълим олувчилар томонидан билимлар, кўникмалар ва малакаларни ижодий ва фаол эгаллашларини таъминлайдиган илмий-амалий билим соҳасига мос равишдаги тизимлаштирилган ўқув материалига эга бўлган электрон нашр.

Электрон ўқув қўлланма - фанниг ўқув ҳажмини қисман ёки тўлиқ қамраган ва ахборотнинг адатция блокини ўз ичига олган бўлиб, масофавий ўқитиш ва мустақил ўрганиш учун мўлжалланган ўқув манбаи.

Электрон ўқув адабиётлар (ЭЎА) – замонавий ахборот технологиялари асосида маълумотларни тўплаш, тасвирлаш, янгилаш, сақлаш, билимларни интерактив усулда тақдим ва назорат қилиш имкониятларига эга бўлган манбадир.

ЭЎАни яратишда қўшимча равишда қуйидагиларга эътиборни қаратиш керак:

- режалаштирилган (эгалламоқчи бўлган) касбни мустаҳам эгаллашга, унга қизиқишни кучайтириш ҳақида рақобатбардош мутахассислар тайёрлашни таъминлашга;
- мустақил ва эркин фикр юритиш, тўғри қарор қабул қилишга қодир бўлган шахсларни тарбиялашга;
- маълум фан соҳасига оид хусусиятларни инобатга олиб илм-фаннинг охирги ютуқларини ўзида мужассамлаштирган кўргазмали маълумот беришга ва ҳоказо *(Тойлоқов Н., Маллаев З.).*

Электроника фани (ЭФ). Электроника – электрон ва ионларнинг электромагнит майдон, газлар, суюқликлар, қаттиқ жисмлар ҳамда плазма билан ўзаро таъсирида рўй берадиган ҳодисаларни ўрганувчи, электрон ва ионли ҳодисалар асосида ишлайдиган электрон асбоб ва қурилмалар яратиш ҳақидаги фан.

ЭФ нинг назарий асосларини асосан математика, физика, назарий электротехника ташкил этади.

Электротехниканинг асосий илмий яралмаси ваакуум, электромагнит майдон ва бир жисмли бўлмаган муҳитда зарядланган атом заррачаларининг ҳаракати ва бу билан боғлиқ бўлган физик ҳодисаларни ўрганиш ва амалий йўналишни белгилаш.

Электротехниканинг амалий муаммоси информацияни ҳосил қилувчи, ўзгартирувчи ва узатувчи системаларда, ҳисоблаш техникасида, энергетик қурилмаларда, ишлаб чиқариш технологиясида ҳар хил вазифаларни бажарувчи электрон асбоб ва қурилмалар яратишдан иборат.

Эмперик билим – билишнинг кузатиш, ўлчаш, тажриба усулларини қўллаш натижаси. Нарса-ҳодисаларнинг сифат ва нуқта кўрсаткичларини ифодалайди. Эмперик кўрсаткичлар орасидаги боғлиқликларнинг мунтазам шаклланиши эмперик қонунлар ёрдамида ифодаланади, улар кўпинча эҳтимолий характерга эга бўлади.

Эмперик метод – бу тажриба-синов методига оид маълум бўлган адабиётлар, қўшимча адабиётлар, ғоялар, тажрибаларни ўрганиб чиқиш асосида тажриба-синовга оид фаразлар, моделлар, бажарилиши керак бўлган ишлар лойиҳасини яратиш, синаб кўриш ва амалиётга тадбиқ қилиш методидир.

Эмпирик фикрлаш жараёни бевосита қабул қилинадиган жараён бўлиб, ҳиссий образларга ва тасаввуралрга таянади, улар чегарасидан чиқмайди. Шунингдек, умумий муҳим тасаввурлар босқичи ва эмпирик тушунчаларнинг ҳосил бўлишини аниқлаш билан чегараланади.

Энциклопедия – маълум қоидалар тўплами, илмий ёки илмий оммабоп нашр.

Энциклопедия – бу маълум йўналишдаги ҳаёт учун зарур барча йўл-йўриқлардир.

Энциклопедия атамаси дастлаб **Греция**да юзага келган. Уни фан оламига инглиз олими **Томас Элито** киритган. **Сэр Элиот** эса энциклопедияни «барча фанлар ва соҳаларни тушунтириб берувчи китоб», деб атади.

Энг қадимги қомус Римда эрамиздан олдинги **биринчи** асрда **Плиний** томонидан ёзилган. У бу китобни «**Табиий тарих**» деб атади ва 37 жилддан иборат қилиб тайёрлади. Унга **йигирма мингдан** ортиқ мақолалар жамланган бўлиб, унда 450 нафар муаллифларнинг изланишларини ўрганиб, уларнинг мақолаларидан фойдаланилган. Уни **1536** йилгача **43** маротаба қайта нашр қилдиришга улгуришган.

(«Туркистон» г. – 14.04.07й. 5-бет).

Эпистимология – билимларни тадқиқ этувчи таълимот бўлиб, билиш қонуниятлари ва имкониятлари, билимнинг объектив реалликка муносабатини ўрганади ҳамда билиш жараёнининг босқичлари ва шаклларини, билишнинг ишончлилик ва ҳаққонийлик шартларини ва мезонларини тадқиқ қилади.

Эратосфен ғалвири - барча натурал сонлардан туб сонларни ажратиб олишнинг («ғалвирдан ўтказишнинг») энг қадимги усулларидан бири. Бу усулни қадимги грек олими **Эратосфен** (эрамиздан олдинги III аср) топган.

Эргонамик тизимлар – «Одам ЭҲМ мулоқотини йўлга қўйиш» ва «Одам ЭҲМ тизими ёрдамида ҳодиса ва жараёнларни бошқаришга ёрдам бериш»ларга мўлжалланган тизим.

«ЭҲМ - ўқитувчи оператор», «Ўқитувчи – ЭҲМ - талаба» тизимларида таълим-тарбия жараёнини бошқаришнинг оптимал вариантларини топишда, талабалар, ўзлаштиришини юксалтиришда

универсал дидактик восита сифатида аҳамиятлидир. Компьютер, компьютер тармоқлари ва бошқа ҳисоблаш техникаси воситалари асосида олиб бориладиган интеллектуал соҳаларда фойдаланилади.

Эркинлик – инсон ҳаётининг моҳиятидир. Яъни, эркин бўлмаган, қуллик ва қарамликда ҳаёт кечирган одам ўзининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини тўлиқ қондиролмайди, ўзича фикр юритиб, ўзича фаолият кўрсата олмайди. Шунинг учун эркин ҳаёт азалдан инсониятнинг орзуси, юксак тараққиётнинг асосий шарти бўлиб келган.

Эрудиция – (лот eridito – ўқимишлилик, билиш) – эрудиция, барча ижодий ақл сифатларига эга бўлиш, ўқимишлилик, фаннинг бирор соҳасини чуқур билишлик.

Эсда олиб қолиш – ақлий жараёнга тегишли фаолият бўлиб, энг аввал мия пўстида идрок қилинаётган буюм, сўз, фикр, ғоя, таълимот, қонун, қоида ва шу кабиларнинг излари ҳосил бўлишидан ва айни вақтда эсда олиб қолинадиган материал билан кишида мавжуд билим ва тажриба ўртасида боғланиш вужудга келишидан иборат бўлган жараён.

Эстетик тарбия – бу таълим олувчиларда эстетик ҳис-туйғу, эстетик дидни тарбиялаш, уларнинг ижодий қобилиятларини тараққий эттириш, эстетик маданиятини шакллантиришдир.

Эстетик ғоянинг манбалари – эстетик идрок, ишонч ва талаб кабилардир.

Эстетик ҳис – инсонни ўраб турган муҳитга муносабатнинг асосий шакли бўлиб, ҳаёт ҳақиқатини ўзлаштиришнинг, ижодий қобилиятини таъминлашнинг асосий босқичидир.

Этник онг – уруғ, қабила, элат, миллатларнинг ижтимоий ҳаёти, маданияти, урф – одат ва анъаналари, тарихий ижтимоий психологияси, дунёқарашидир *(В.А.Сухамлинский)*.

Эътиқод – шахснинг ўз қарашлари, таомйиллари ва дунёқарашига мос равишда ҳаракат қилишга ундовчи англанилган эҳтиёжлар системасидир.

Эътиқод эркинлиги – киши онгида чуқур ўрнашиб қолган ва амалга оширилиши шахснинг кундалик эҳтиёжига айланган интилиш, хатти-ҳаракат ва дунёқарашлар тизими.

Эҳтиёж – жонли мавжудотнинг ҳаёт кечиришининг конкрет шарт-шароитларига қарамлигини ифода этувчи ва бу шароитларга нисбатан унинг фаоллигини вужудга келтирувчи ҳолатдир.

Эҳтиёж – инсоннинг, унинг ҳаёти ва ривожланишини таъминлайдиган маълум шароитларга бўлган зарурати.

Эҳтиёж – инсоннинг воқеликка ва ўз вазифаларига бўлган муносабатини белгиловчи шахс хусусияти, охир-оқибат бу муносабат, унинг яшаш, ҳаёт тарзи ва фаолияти.

Эҳтиёж – инсоннинг тирик организм ва шахс сифатидаги фаолияти учун моддий, маданий ҳамда маънавий нарса ва факторларга заруратини ифодаловчи шахс руҳиятининг маълум бир ҳолати. Эҳтиёжлар инсонда фаолликни уйғотади ва ҳаётий фаолият дастури сифатида намоён бўлиб, уни маълум қадриятларни эгаллашга йўналтиради. Эҳтиёжнинг қондирилиши билан боғлиқ бўлган фаолиятга ундовчи ва унинг йўналишини белгиловчи сабаблар **мотивлар** деб айтилади *(Йўлдошев Ж., Йўлдошева Ф., Йўлдошева Г.).*

Инсоннинг эҳтиёжлари ҳам ижтимоий, ҳам шахсий хусусиятларга эга бўлиб, у **биринчидан**, шунчаки тон маънодаги шахсий тавсияга эга бўлиб туюлганда ҳам ижтимоийдир. **Иккинчидан,** инсон ўз эҳтиёжларини қондириш учун мазкур ижтимоий муҳитда тарихан таркиб топган воситалар ва усуллардан фойдаланади. **Учинчидан,** инсоннинг кўпгина эҳтиёжлари шахсий эҳтиёжларидан кўра биргаликда

меҳнат қилдиган жамиятнинг, жамоанинг, гуруҳнинг эҳтиёжларии ифодалайди, яъни жамоа эҳтиёжлари кишининг шахсий эҳтиёжлари тусини олади (йиғилишда маъруза билан чиқиш учун тайёрлаш эҳтиёжи) *(Джураев Р.Х., Турғунов С.Т)*.

Ю

Юсуф Хос Ҳожиб. У Боласоғун шаҳрида (Еттисув ўлкасида) туғилган. Шоирнинг ҳаёти ҳақида етарлича маълумот йўқ.

Асарлари: «Қутадғу билиг» («Саодатга йўлловчи билим») (1069-1070 йилларда ёзилган). Ушбу асар таълим ва тарбия, маънавий камолот, ахлоқ ва одобга доир асардир. Шоир инсон камолотга эришиши учун ақлий, ахлоқий ва жисмоний жиҳатдан соғлом бўлиши зарурлигини таъкидлайди. Асарда ижтимоий-ахлоқий муносабатлар тўғрисида фикр юритилади. Таълим жараёнида ушбу асарлардан фойдаланиш натижасида талабалар ўртсасида ўзаро ахлоқий муносабатлар таркиб топтиришга имкон яратилади.

Я

Якуний назорат – умумий натижалар баҳоларини аниқлаш мақсадида ўтказилади. Бу босқичдаги назорат натижалари талабанинг фанни ўзлаштиришни, ўқитувчининг касбий фаолияти бўйича ишини баҳолаш имконини беради. Бу орқали қаралаётганда таълим – тарбия жараёнига хулоса ясашга имконият яратилади ва улар асосида талабага таълимнинг кейинги босқичига ўтишга даража берилади, ўқитувчига эса таълим – тарбия олиб боришда қайси ҳолатларга кўпроқ эътибор бериш лозимлиги ҳақидаги хулосаларни чиқаришга асос бўлади.

Янги ахборот технологиялар – ҳисоблаш техникаси ва алоқа воситалари асосида ахборотларни тўплаш, сақлаш ва керакли манбаларга узатишнинг замонавий усуллари.

Таълимни ахборотлаштириш орқали таълим сифатини оширишни кафолатлайди.

ЯАТ- бу ахборотларни қабул қилиш, қайта ишлаш билан шуғулланади ва натижада янги (фойдаланувчига керакли кўринишдаги) ахборотни компьютер ёрдамида ишлаб чиқилади.

Умуман олганда ЯАТ қандайдир яратиш фаолиятини амалга оширувчи компьютер ва унда жорий этилган дастурий таъминот назарда тутилади ва ўз навбатида замонавий таълим технологиялари яратиш ва ундан амалиётда самарали фойдаланишга кенг имкониятлар яратади.

Янги педагогик технология (ЯПТ) – таълим мақсадларини аниқлаб, ўқув жараёни режасини тузиб, уларни жорий этиш ёрдамида таълим самарадорлигини оширувини таъминловчи ўқув жараёнининг оптимал бошқарувини ўз ичига олган ягона тизимдир.

Таълим-тарбия жараёнида ижодий ёндашувни таъминлаш.

ЯПТни ўқув жараёнига қўллашнинг қуйидаги афзалликлари бор:

- профессор-ўқитувчи, талаба ҳам қулай вазиятлардан фойдаланиб, тушунтириш ва тушуниш имкониятига эга бўлади;
- талабаларнинг билим кўникмаларини эгаллаш самараси ошади;
- дарсни юқори савияда сифатли олиб бориш учун шароит яратилади;
- ўқитишнинг энг прогрессив усулларидан фойдаланишга имконият яратилади;
- педагог ва талабалар ҳамкорлигида нафақат ўзи учун янги билимлар ўзлаштирилади, балки бунда талаба ўзгача кашфиётлар

қилади. Бундай фаолият талаба учун алоҳида шахсий қадриятга эга бўлади ва унинг ўрганиш иштиёқини орттиради;

- мавзу мазмунини тўлиқ ўзлаштиришга имкон яратилади.

ЯПТ нинг афзалликлари:

- профессор – ўқитувчи ҳам, талаба ҳам қулай вазиятлардан фойдаланиб, тушунтириш ва тушуниш имкониятига эга бўлади;

- талабаларнинг билим кўникмаларини эгаллаш самараси ошади;

- дарсни юқори савияда – сифатли олиб бориш учун шароит яратилади;

- ўқитишнинг энг прогрессив усулларидан фойдаланишга имконият яратилади;

- ўқитувчи ва талабаларнинг ҳамкорлигида нафақат ўзи учун янги билимлар ўзлаштирилади, балки бунда талаба ўзгача кашфиётлар қилади.

- мавзу мазмунини тўлиқ ўзлаштиришга имкон яратилади.

ЯПТнинг муҳим хусусиятлари – ижтимоий муҳандислик тафаккурининг маҳсули;

Технократик илмий фикрнинг таълим соҳасидаги лойиҳаси, таълим жараёнини маълум даражада стандартлаштириш такрорланадиган педагогик жараёнга айлантиришдир.

Бу фаолият онгли, мақсадли ва иродавий йўналишда бошқарилади ва бунда мунтазам равишда диагностика (ташхислаш) прогностика (башоратлаш) коррекциялаш (тузатиш киритиш) қарор қабул қилиш каби жараёнлар ҳукм суради ҳамда ушбу жараёнда ўқитувчи ҳар бир таълим олувчида ақлий, интеллектуал, касбий жиҳатдан рўй бераётган ўзгартиришларнинг тизимли мониторингини олиб боради.

Юқоридагиларни эътиборга олиган ҳолда ЯПТ қатор муҳим хусусиятларга эга бўлади. Улар қуйидагилар:

1.Тизимли ёндашув асосида таълим олувчининг ўқиш-билиш фаолиятини тасвирлайдиган таълим жараёни лойиҳасини тузиш.

2.Ўқитувчи томонидан ўз психологик билимларини, педагогик мақсадни ҳаётга тадбиқ этишга эришиш малака ва кўникмаларига эга бўлиш.

3.Таълим жараёнини олдиндан лойиҳалаш ва ўқувчи, талабалар билан қайта ишлаб чиқиш.

4.Таълим олувчилар имкониятларидан қониқиш, мотивациясида ҳар дарсда, ҳар томонлама фойдаланиш.

5.Мустақил ўрганилаётган билимлар, тушунчалар,шаклланаётган малакалар пайтида ўқитувчи томонидан таълим олувчиларнинг роҳатланиши, ўйинларни ишлай билиши.

6.Таълим мақсадининг реал бўлиши ва унинг тузилиши, мазмунининг яхлитлиги, ўзаро боғлиқлигига эришиш.

7.Таълим жараёнида техник воситалар, кўргазмали иш қуроллари ҳамда инсон салоҳиятининг ўзаро таъсирини ҳисобга олиш.

8.Таълим мақсадини эталон асосида таълим олувчиларнинг кузатиладиган, ўлчанадиган ҳаракатлари шаклида ойдинлаштириш.

9.Таълим олувчининг фаоллигини оширишга эришиш.

10.Ўқиш жараёнида рўй берадиган хатоларни аниқлаб, тузата бориш (имконият борича таълим олувчилар ўзлари ўз хатоларини индивидуал билиб, ўзлари коррекция ишлари олиб боришга эришиш).

11.Таълим олвчилар маваффақиятларини белгиланган мезонларга биноан тест вазифаларини бериб диагностикалаш.

12.Таълимнинг режалаштирилган натижасига эришишнинг кафолатланганлиги ва самарадорлигининг юқорилиги *(Мўминов С, Файзуллаев Ш.).*

Яриммедия китоблар – мультимедия китоблардан фарқли равишда, маълумотларни етказиб беришда турли воситаларнинг (CD-ROM, магнит диск, қоғоз ва ҳ.к) мажмуасидан фойдаланувчи китоблардир.

Яхлит компъютер тизимлари (ЯКТ) – маълумотларга қайта ишлов беришга мўлжалланган тизим бўлиб, маълумотларни тасвирлашнинг ва тизим коапанентлари билан фойдаланувчи ўртасидаги ўзаро муносабатнинг ягона усулига ҳамда мутахассислар ва уларнинг профессионал ишларида ахборотга ва ҳисоблашга бўлган талабни қондирувчи мураккаб ахборот-технологик ва дастурий мажмуадир.

ЯКТ шахсий компъютерлар ёрдамида локал ва кўп поғонали ҳисоблаш тармоқлари асосида яратилмоқда. Бу тармоқлар ўз навбатида маълумотларга ишлов беришнинг ЯКТни мужассамлаштиради.

Яхшилик – чинакам инсонийлик бўлиб, у халқимизнинг инсонпарварлик қарашлари ва қувончларини ифодалайди. Яхши гап гапириш, яхши сўз эшитиш, ёмонликдан кўз юмиш буларнинг ҳаммаси инсонийликка киради. Шунинг учун ҳам инсоннинг кечирган ҳаёти, унинг қилган яхшиликлари халққа келтирган нафи, меҳр-муҳаббати, раҳм-шафқати билан ўлчанади (*Ибрагимова Г., Тўрақулов Х.А., Алибекова Р.*).

Яхшилик – ахлоқий-ижобий фазилат бўлиб, норматив этиканинг идеалини, индивидуал алоқада ижобий – хулқий фазилатларнинг мазмунини, инсон фаолияти ёки бирор хатти – ҳаракатига ижобий муносабатнинг йиғиндисини акс эттиради *(Зуҳра Исмоилова).*

Яхшилик – ахлоқшунослик фани тушунчаси бўлиб, одамларнинг хатти-ҳаракатларига, ижтимоий ҳодисаларга берилган ижобий баҳони ифодалайди. Яхшилик энг муҳим фазилат бўлиб, инсон фаолиятининг

асл ва азалий моҳиятини англатади. У инсонга кучли руҳий лаззат бағишлаши баробарида, уни шахсга айлантирадиган ҳақиқий бахтга олиб боради. Шунинг учун ҳам «эзгу (яхши) фикр», «эзгу (яхши) сўз», «эзгу (яхши) амал»тушунчалари «Авесто»дан тортиб, барча муқаддас китобларда муқаддас ўрин эгаллаган. Яхшилик инсоннинг ахлоқий ва амалий фаолиятида юзага чиқиб, унда камтарлик, ҳалоллик, инсофлилик, адолат, ростгўйлик каби фазилатлар мужассам бўлади.

Ў

Ўзбекистон Президенти – Ўзбекистон давлат бошқаруви шаклига кўра, президентлик республикаси, парламент республикаси ва аралаш республикага хос хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 89-моддасида қайд қилинганидек, «Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикаси давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти айни вақтда Вазирлар Маҳкамасининг раиси ҳисобланади». Конституциянинг 90-моддасига кўра, Президент «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари томонидан тўғридан-тўғри сайлов асосида яширин овоз бериш йўли билан беш йил муддатга сайланади». 93-моддага биноан, Президент «Республика Олий Мажлисига ҳар йили ички ва халқаро аҳвол тўғрисида маълумотнома тақдим этади».

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таълим соҳасидаги ваколатлари – улар қуйидагилардир: талим соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш; таълимни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; таълим муассасаларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартибни белгилаш; таълим муассасаларини акредитациядан педагог илмий кадрларни

аттестациядан ўтказиш тартибини белгилаш; давлат таълим стандартларини тасдиқлаш; давлат грантлари миқдорини таълим муассасаларига қабул қилишларини белгилаш; давлат олий таълим муассасаси ректорларини тайинлаш ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Ўзбекистон Республикаси XII чақириқ Олий кенгашнинг II сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган. Мустақил давлатимизнинг бу асосий қонуни умумбашарий ғоялар билан суғорилган, Ўзбекистон халқларининг асрий эзгу орзуси бўлиши мустақилликка, жамиятдаги янги ижтимоий муҳит яратишга хизмат қилишга қаратилган. Унда илк бор Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятлари, қонунларнинг устунлиги, ҳокимиятнинг уч тармоққа бўлиниши тамоийили фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият эканлиги акс эттирилган.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат Байроғи – Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан тшқари ўтказилган VII сессиясида 1991 йил 18 ноябр куни тасдиқланган. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи мамлакат давлат сувиренитетининг рамзларидан биридир. У бугунги Ўзбекистон сарҳадида қадимда мавжуд бўлган давлатлар билан тарихан боғлиқлигини англатади ҳамда мамлакатнинг миллий-маданий анъаналарини ўзида мужассамлаштиради.

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи ўз кўринишига кўра бутун узунлиги бўйлаб ўтган тўқ мовий ранг, оқ ранг ва тўқ яшил рангли учта эндан таркиб топган тўғри тўртбурчак шаклидаги мато. Байроқнинг узунлиги 250 см га, кенглиги 125 см га тенг. Мовий ранг, оқ ранг ва яшил рангли энларнинг кенглиги бир хил. Ҳар бир эн 40 см га тенгдир, байроқнинг ўртасидаги оқ рангли эннинг четларида кенглиги

2,5 см га тенг қизил хошиялар ўтказилган. Байроқнинг юқори қисмидаги мовий ранг эннинг юза томонида, дастага яқин жойда, оқ рангли янги ой ва унинг ёнида 12 та оқ рангдаги беш қиррали юлдуз тасвирланган.

Халқ идрокида байроқнинг юқори қисми Ўзбекистоннинг мовий осмонини, байроқ ўртаси халқимизнинг оқ кўнглини ва унинг оқ пахтасини, байроқнинг туб қисми эса бизнинг чексиз яшил далаларимиз ва табиатимизни ифода қилади. 12 юлдуз – кенг ва беҳад Ўзбекистонимиз таркибидаги Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар азалий тарихимизга содиқлигини билдиради, ярим ой эса юртимиз ислом шарқи мамлакати эканлигидан дарак беради, байроқдаги икки қизил йўл мавжуд бирлик ва бузилмас дўстликка эришиш учун юртимиз фарзандлари қон тўкканларига ишора қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат Герби – мамлакатимиз давлат мустақиллигининг рамзларидан биридир. «Ўзбекистон Республикасининг Давлат Герби тўғриси»ги Қонун 1992 йил 2 июлда қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби юмалоқ кўринишга эга бўлиб, бу шаклнинг сўл томони буғдой бошоқларидан, ўнг томони эса чаноқлари очилган ғўза шохларидан иборат чамбарга ўралган, узоқдаги тоғлар, дарёлар манзарасидаги гуллаган водий узра қуёш заррин нурларини сочиб туради. Гербнинг юқори қисмида эса Ўзбекистон озодлигининг рамзи сифатида 8 бурчак юлдуз, унинг ички қисмида эса ярим ой ва юлдуз, марказида бахт ва эрксеварлик рамзи қанотларини ёзган хумо қуши тасвирланган. Гербнинг пастки қисмида Ўзбекистон Республикаси давлат байроғини ифода этувчи чамбар тасмасига «Ўзбекистон» деб ёзилган.

Ўзбекистон Республикасининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълим стандартлари тармоқ тизими – ўрта махсус касб-ҳунар таълими чуқурлаштирилган умумтаълим предметлари бўйича ва амалий-назарий, таълимнинг асосий мажмуини аниқлайдиган, маълум тайёрлов йўналишлари касблар, мутахассисликлар бўйича касбий тайёргарликнинг сўнгги мақсадларини белгилайдиган ҳамда аниқ белгилаш воситаси билан таълимни аниқ кафолатли даражаси ва сифатини аниқлайдиган меъёрий ҳужжатлар мажмуи.

Ўзбекистон узлуксиз таълим давлат сантлартлар тизими – таълим жараёнини белгилаб бериш, ўқитишнинг асосий мазмунини, ўқув муассасалари битирувчиларига қўйиладиган умумий малака талабаларини, кадрлар сифати ва ўқув муассасалари фаолиятини баҳолаш мезонларини ва механизмларини аниқлаш орқали кадрлар тайёрлаш соҳасида энг мақбул тартиблаш даражасига ва ЎМКҲТнинг кафолатланган даражаси ва сифатига эришишга қаратилган меъёрий ҳужжатлар мажмуаси.

Ўзбекистон халқи – мамлакатда яшовчи асосий ва кўпчилик аҳоли. Агар Ўзбекистонда яшовчи ҳамма кишиларни Ўзбекистон аҳолиси десак, уларнинг мутлоқ кўпчилигини Ўзбекистон халқи ташкил этади. Ўзбекистон халқини, ўз навбатида, миллатидан қатъий назар, Ўзбекистон фуқаролари ташкил этади. Демак, халқни аниқлашда уларнинг миллати эмас, фуқаролиги ҳал қилувчи белги ҳисобланади *(Конституциянинг 8-моддаси).*

Ўзбек миллатини ўз-ўзини англаши – халқ ҳақиқий мавжуд субъект муаяйн моддий ва маънавий бойликларнинг ифодаловчиси, ягона тил, урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар ва давлатга масъуллигини, манфаатлар ҳамда эҳтиёжлар умумийлигини тушуниб етиш жараёнининг шаклланиши.

Ўзбек миллатининг ўз-ўзини англаши, унинг миллий онги, ягона тили, урф-одатлари, анъаналари, қадриятлари ва маънавиятнинг пастдан юқорига, оддийдан мураккабга томон ривожланиб бориши жараёнида намоён бўлса, бу онгнинг ўз навбатида такомиллашиш ўзбек миллатини ўз-ўзини англаш даражасига кўтарди.

Ўзгариш – меъёрий ҳужжатдаги белгиланган матннинг айрим қисмларини ўзгартириш варағини нашр этиб киритиш йўли билан тақдим этилади.

Ўзини тутиш ва шахслараро муносабатлар маданияти – муомала қилишда ва ўзини тутишда шахснинг ҳуқуқий маданияти унинг жамиятнинг ижтимоий ва ахлоқий меъёрларига қай даражада риоя қилганида намоён бўлади.

Маданиятнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари ва натижалари эса ўзини-ўзи баҳолаш, тартибга солиш қобилияти, юриш-туришини ижтимоий талаблари билан белгиланган намунага мувофиқлиги; уюшқоқлик лаёқати, бошқа одамлар билан биргаликда фаолият олиб бориш лаёқати жамиятда ўзини тута билиш лаёқатидан иборат бўлади.

Ўзлаштириш – тушуниш, ўрганиш орқали ахборотнинг мазмун-моҳияти, ундан фойдаланиш ёки ҳаракатларни бажариш тартиби тўғрисида билим, кўникма ва малакаларнинг ҳосил бўлиш жараёни.

Ўзлаштириш даражалари: ўргатилган билим, кўникмаларни тўғри такрорлаш; уларни амалий фаолиятда қўллаш; улардан тегишли мақсадларда фойдаланиш имкониятига эга бўлиш; уларни таҳлил қилиш, қиёслаш, умумлаштириш, хулосалар чиқариш асосида такомиллаштириш фаолиятини амалга ошириш имкониятига эга бўлиш.

Ўзлаштириш даражаси – ўқув элементларида акс эттирилган ахборотларни ўзлаштириш даражаси. Таълим стандартларида қуйидаги ўзлаштириш даражалари қўлланилади:

1-даража: аввал ўрганилган объектлар, хусусиятлар жараёнларини таниш ёрдамга таянган ҳолда амалларни бажара олиши.

2-даража: намунавий амалларни мустақил равишда ёдда бажара олиш.

3-даража: аввалдан ўрганилган намунали амаллар асосида бажарилиши лозим бўлган янги фаолият алгоритмини ярата олиши, маҳсулий фаолият кўрсатиши.

Ўзлаштириш сифати – англашувчанлик, инсон томонидан фаолиятни сифатли бошқариш шартларидан бири – уни тушуниб етиш англаш даражаси ҳисобланади.

Ўз-ўзини англаш – инсоннинг ҳаётида ўз шахсий ҳаёти ва бахтининг субъекти сифатида эътироф этилишидир. Бунда инсон камолотида фуқоролик, касбий ва аҳлоқий ўз-ўзини англаш ғояларига таяниб тарбиялаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўз – ўзини кузатиш методи (ЎЎКМ) – кишининг ақлий фаолияти бўлиб, ўзининг интеллектуал салоҳияти ва касби билан боғлиқ бўлган сермаҳсул ишларни амалга ошириш йўли.

Суҳбат ва сўроқ - чизиқча методларини ЎЎКМ орқали олинган маълумотларни қўллаб бўлмайди. Буни суҳбат ва индивидуал савол – жавоб ўтказиш учун саволлар тузишда ҳисобга олиш керак.

Ўзини – ўзи тарбиялаш - инсоннинг ички туйғулари ёрдамида миллий қадриятларни, айниқса миллий – маънавий қадриятларни, инсон ҳаётидаги ютуқ ва муаммоларни, тажрибаларни, кўникма ва малакаларни шакллантириш жараёнидир.

ЎМКҲТ ўқув муассасалари ўқувчи (талаба)ларнинг касбий тарбияси – бўлажак мутахассисни касбий меҳнат фаолиятига тайёрлаш ва меҳнат бозорида рақобат қила олишга тайёргарлиги ва қобилиятини

таъминлаш мақсадида ижтимоий етук шахсни шакллантириш ва ривожлантириш жараёни.

Бу индивиднинг талаблари, қобилиятлари, психик-физиалогик имкониятлари ҳамда ижтимоий этнек омиллар таъмирини ҳисобга олган ҳолда ўқув жараёни ва ўқув ишлаб чиқариш фаолияти доирасида дастурлаштирилади ва амалга оширилади.

Ўрганиш – ахборотдан фойдаланиш ва турли ҳаракатларни кўрсатилган тартибда мустақил бажариш кўникмаларини эгаллаш.

Ўргатиш – ахборотдан фойдаланиш ва турли ҳаракатларни бажариш кўникмаларининг ўқувчилар томонидан ўзлаштирилишини турли восита ва усулларни қўллаб тушунтириш, кўрсатиш ва машқлар орқали амалга ошириш жараёни.

Ўргатиш – ижтимоий хулқ-атворни одатий шаклга айлантириш мақсадида таълим олувчилар билан режали ва тизимли тарзда ташкил этиладиган турли ҳаракатлар, ташкилий ва амалий ишларга ундовчи фаолиятдир. Ўргатиш таълим олувчиларни тарбиялаш ва ривожлантиришнинг барча босқичларида самарали восита саналади.

Ўрта махсус касб-ҳунар таълими (ЎМКҲТ) – узлуксиз таълим тизимидаги мустақил таълим тури бўлиб, умумий ўрта таълим негизида амалга оширилади. ЎМКҲТ йўналиши академик лицей ёки касаб-ҳунар коллежларида камида 3 йил муддат ичида амалга оширилади. Бунда ўқиш ўқувчилар томонидан ихтиёрий танланади. ЎМКҲТ олий ўқув муассасаларида ўқишни давом эттириш ёки касбий фаолият билан машғул бўлиш ҳуқуқини беради.

Ўрта махсус касб-ҳунар таълими – Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълим тизимидаги таълим турларидан бири Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилган «таълим тўғрисида» ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» га

мувофиқ, умумий ўрта таълим негизига асосланади. Ўрта махсус касб-ҳунар таълими табақалаштирилган асосда ва шахс имкониятларини ҳисобга олган ҳолда қурилади ҳамда академик лицей ва касб-ҳунар коллежида амалга оширилади. ЎМКХ таълим тизимида ўқув юртларининг асосий типлари академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими стандарти – малака талабларига мос ҳолда касбий тавсифнома асосида муайян тайёрлов йўналиши ва касб-ҳунар бўйича таълим мазмунининг мажбурий минимумини ва сўнгги мақсадларини, ўқув юкламалари хажмини аниқловчи ва таълим сифатини стандарт талабларига мувофиқлигини таъминловчи меъёрий ҳужжат.

ЎМКҲТ ўқув муассаси битирувчиларининг рақобатбардошлиги, ёш мутахассиснинг меҳнат бозорида рақобатбардошлиги: 1.Сифатли тавсифлари касбий малакаси; умум касбий тайёргарлиги; ижтимоий етуклиги; ташкилотчилик сифатлари; касбий тайёргарлик даражасининг касб стандартига мувофиқлиги. 2.Тайёргарликнинг технология сифатлари. 3.Тежамлилиги билан баҳоланади.

Ўрта Осиёдаги мактаблар (Ўрта Осиёни Чор Россияси босиб олгунга қадар фаолият юритган мактаблар):

1. Бошланғич диний мактаб – (халқ болалари учун) Туркистонда кенг тарқалган мактаблардан бири. Шаҳар мактабларида ўқувчилар сони 20-30 тага, қишлоқ жойларда эса10-15 тага етар эди. Ўқишга 6 ёшдан қабул қилиниб, 14 ёшда, болаларнинг ўзлаштиришига қараб 17-18 ёшларда тугатилар эди. Оталар болаларини мактабга олиб келганда «Суяги бизники, эти сизники, яхши билимли бўлса бас» деб мактаб раҳбарларига мурожаат қилар эдилар. Таълим мазмунида қуйидаги

предметлар қўйилган эди: Алифбе, Ҳафтияк (2-3 йил ўқитилар эди), Чор китоб, Сўфи Оллоёр ҳамда Қуръони карим эди. Тарбиявий тадбирлар ҳадис ҳамда Қуръони каримдаги ғояларга асосланар эди.

2. *Қизлар мактаби* - қизлар мактаби отинбибилар хонадонларида ташкил қилинар эди. Қизлар мактабида аёлга хос ҳаё, иффат, одоб ва юксак аёллик сифатлари шакллантирилар эди. Отин бибилар қўлида тарбияланган қизлар оилавий ҳаётга мукаммал тайёрланар эди. Қолган таълим мазмуни эса ўғил болалар мактаби билан бир хил эди.

3. *Қорихоналар* қорихона интернат шаклидаги мактаб бўлиб, унда турли ёшдаги кўзи ожиз болалар таълим-тарбия олар эдилар. Таълим мазмунида асосан Қуръони каримни ёд олиш, Қуръони каримдаги сура ва оятларни халқ оммасига ўқиб бериш эди. 1882-йили Фарғонадаги бу мактабларда 252 талаба таълим олди.

4. *Далилхона* – катталар мактаби бўлиб, талабалар домла раҳбарлигида араб тилини ўрганар эдилар. Бу мактаб учун асосий дарслик «Далали-ҳайрат» (Муҳаммад пайғамбар ҳақида ёзилган тўплам) ҳисобланарди. Бу тўпламни ўқиш муддати бир йил эди. Аммо бундай мактаб жуда кам тарқалганди. Жумладан, Тошкентда 4-5 та, Фарғонада 2 та, Андижонда 2 та шундай мактаб мавжуд эди. Маддоҳлар кўчаларда, базмларда, жамоатчилик жойларида ислом динини тарғиб ва ташвиқот қилар эдилар.

5. *Мадраса* – олий маълумот берувчи мактаб эди. Мадрасалар асосан Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон шаҳарларида қурилган эди. 1420 йили Самарқандда Улуғбек мадрасаси, 1618 йили Шердор, 1646 йили Тиллакори, 1590 йили Тошкентда Кўкалдош мадрасалари қурилган эди. Булардан ташқарии, амирлик даврида Қўқонда 34 та, Марғилонда 25 та, Самарқандда 22 та, Андижонда 18 та, Наманганда 14 та, Тошкентда 14 та, Хожикентда 10 та мадрасалар фаолият кўрсатиб

турарди. Мадрасаларнинг таълим мазмунидаги асосий предметлари: Шамсия (логика – мантиқ), Ақоид (ислом динига доир масалалар), «Мантиқ Таҳзиб» (грек фалсафаси бўлиб, араб тилида ёзилган эди), Шариат (ҳуқуқ), «Авали илм» (илмнинг бошланиши, араб грамматикаси, математика кабилар) *[Ҳасанбоева О., Ҳасанбоев Ж., Ҳамидов Ҳ. Педагогика тарихи. Т.: 2004, 145-146 бет].*

Ўрта умумий таълим (ЎУТ) – ЎУМ нинг кейинги босқичи. ЎзР да ЎУТ 5-9 синфларни ташкил этиб, ундан ўрта махсус, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларга ўқувчилар тавсиялар оладилар.

Ўхшашига яқинлашиш – ИТИдаги қўлга киритилган ахборотни тадқиқот йўналишига мос ва мавжуд бўлган ҳолатдагисига яқинлаштириш ёки ўхшашини топиш жараёнидир. Бундай ўхшашликдан олдинги маълум билишнинг индукция ва дедукция тамойилларидан фойдаланиш имконияти туғилади.

«Ўқитиш» ва «ўқиш». Ўқиш ўз мазмун – моҳияти жиҳатидан мақсад, вазифа, тамойил, мезон ва ҳаракатлар билан боғлиқ бўлиб, улар ёрдамида талабалар маълум билимларни ўзлаштирадилар. Ўқиш ва уни самарадорлиги талабанинг ҳар томонлама фаоллигига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади ва бу жихатлар турли шаклларда намоён бўлади. Улар: меҳнат фаолияти, жамоатчилик фаолияти, китобхонлиги, касбий ўйинларни яхши кўришлиги, ўз касбига оид янги билимларни эгаллашга ўчлиги ва шу каби шаклларда намоён бўлади. Ўқитиш натижасида шахс зарурий билимлар билан таъминланиб, келгусида турли даражадаги махсус маълумотни олиш имконига эга бўлади.

Демак, ўқиш – бу талабаларнинг воқеликни билиш давомида маълум билимлар, кўникмалар ва малакаларни режали ўзлаштириш жараёнидир. Ўқиш жараёни маълум даражада кучли мотивлаштиришдан вужудга келади ва у шахснинг қарашлари,

эътиқоди, хатти – ҳаракатлари, умумий камолотига, пировардида эса унинг хулқига таъсир этадиган билимлар, кўникмалар ва малакалар мажмуасининг шаклланишига боғлиқ намоён бўлади. Педагог талабалар ишининг боришини кузатиш ва улар эришган натижаларни баҳолаш асосида ўзининг кўрсатмалари, йўналтирувчи саволлари, тегишли тушунтиришлари ва ҳоказолар билан уларнинг ўқув фаолияти жараёнига тузатишлар киритади. Шунга кўра таълим биринчидан, ўқишни, иккинчидан, ўқитишни, яъни ўқишни ва шу билан бирга уни назорат қилиш ҳамда тузатиш тадбирларини ўз ичига олади.

Ўқитиш ғоятда мураккаб иш, бунинг далили сифатида шуни айтиш мумкинки, педагогнинг таълим жараёнидаги раҳбарлик ролини таъминлашга уриниши ва ҳаракатларни сақлашга интилиши ўртасидаги таълимга хос диалектик зиддият аслида юксалишнинг манбаидир. Шунингдек, ўқитишда деярли ҳамма вақт унинг тарбиявий жиҳатлари яққол билиниб туради. Таълим мақсад, мазмун, ўқитувчининг шахси, талабалардаги дастлабки билимларнинг характери, ўқитишнинг моддий-техник базаси ва бошқа омиллар билан белгиланади.

Халқ педагогикасида инсон ақлан баркамол бўлишининг энг муҳим шарти уни болалигида ўқитиш ва тарбиялаш деб ҳисоблайди.

Ўқитиш маълум қонуниятларга бўйсинади ва умумфалсафий методологияга мувофиқ бу қонунлар таълим жараёни билан анча кенгроқ ижтимоий жараёнлар ўртасидаги умумий, муҳим зарур, барқарор алоқалардан, шунингдек, таълимнинг алоҳида компонентлари, яъни унинг мақсади, мазмуни, шакли, усуллари ва услублари ўртасидаги ички боғланишларидан иборат. Аниқланган дидактик қонуниятлардан қатор асосий талаблар келиб чиқади, уларга риоя қилиш ўқитувчининг сифатли ва самарали амалга оширувини таъминлайди *(Зиёмуҳаммадов Б.)*.

Ўқитиш - инсонлар орасида яшаш, ҳаётда турмуш кечириш ва фаолият кўрсатиш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакалар йиғиндисини ўзлаштиришга қаратилган онгли фаолият ифодасидир.

Ўқитиш натижасида шахс зарурий билимлар билан таъминланиб, келгувсида турли даражадаги махсус маълумотни олиш имконига эга бўлади.

Ўқитиш алгоритми – ўқитиш жараёнининг алгоритмини ишлаб чиқиш ва таълим-тарбия жараёнида ахборотдан самарали (алгоритмик тарзда) фойдаланишга эришиш.

Ўқитиш алгоритмини ишлаб чиқиш. Ишланган алгоритм учун ташкилий-тузилмавий модель яратиш. Ўқитиш жараёнидаги ахборотлар базасини тайёрлаш.

Ўқитиш алгоритмини яратиш орқали олиб бориладиган таълим жараёнининг узвийлигини ва узлуксизлигини таъминловчи қатъий кетма-кетлик яратилади.

Ўқитиш алгоритмини яратиш орқали таълим дидактикасини жорий этишнинг аниқ механизмларини яратиш борасидаги таълим-тарбиявий ва педагогик тадқиқотлар соҳаларидаги ишлар янада ривож топади.

Ўқитиш алгоритми XXI аср таълим-тарбиясида асосий педагогик терминлардан бири бўлади, чунки замонавий ўқитиш технологиялари шу каби терминлар асосида таълимда янгича сифат босқичига кўтарилади.

Ўқитиш воситалари – ахборотни узатиш ва ўзлаштириш ҳамда ақлий ва жисмоний меҳнат бўйича малака ва кўникмаларни эгаллаш учун ўқитиш жараёнида қўлланиладиган ўқув жиҳозлари ва воситалари.

Ўқитиш воситалари – маълум ўқитиш усулини муваффақиятли амалага оширмоқ учун зарур бўлган ёрдамчи ўқув материаллари – асбоб, қурол, аппарат ва шу кабилардан фойдаланишдир.

Дарс жараёнида табиий ёки тасвирий кўргазмали материаллар лаборатория ёки намойиш қисми машғулотларида қўлланиладиган қурол ва асбоблар ўқув, кино ускуналари, проекцион фонар, микроскоп ва бошқа аппаратлар, шунингдек, мавзуга оид бошқа ўқув материалларидан келтирилган далиллар (маълумотлар, исботлар, таъриф, қоида)нинг ишлатилишидир.

Ўқитиш мазмунини интеграцияси – ўзаро таъсир, алоқа, бир-бирига ўтиш жараёни ва натижалари, билим синтези, фаолият турлари ва иқтидори (қобилияти) яхлит бир тизим деб тушунилишидир.

Ўқитиш методлари - таълим жараёнида ўқитувчи ва талаба фаолиятининг қандай бўлиши, ўқитиш жараёнини қандай ташкил этиш ва олиб бориш кераклигини ҳамда шу жараёнда талабалар қандай иш ҳаракатларини бажаришлари кераклигини белгилаб беради.

Ўқитиш технологияси – таълимни илмий асосда такомиллаштириш синоними ёхуд илмийлик биринчи галда у ёки бу ечимнинг қиммати тўғрисидаги хусусий фикрга эмас, балки қабул қилинаётган ечимларнинг илмий далилларга асосланишини белгилайди.

Ўқитиш тушунчаси – инсонлар орасида яшаш, ҳаётда турмуш кечириш ва фаолият кўрсатиш учун зарур билим, кўникма малакалар йиғиндисини ўзлаштиришга қаратилган онгли фаолият ифодасидир.

Ўқитишга ахборот танлаш - масаласининг ечими характерига мос орқали ахборотлаштириш йўналишини белгилаш. Бундан ташкилий-педагогик ва назорат қилиш ишларини самарали вариантларини танлашнинг имконияти кафолатланади.

Муаммонинг қўйилиши ва ечимини ҳал қилишда қатнашувчи ахборотлар оқими ҳамда ҳажмини белгилаш. Ахборотлар манбаини ва уларни қабул қилиш каналларини белгилаш ҳамда ахборотлар кириш имкониятларини аниқлаш. Ўқитишни ташкилий-педагогик ва назорат қилиш.

Ушбу жараён педагогик тадқиқотлар олиб бориш ва таълим-тарбия ишлари учун ахборотлар жамланмасини ҳосил қилиш ва уларни таълим-тарбиявий жараёнлар учун мос ахборотлар тизимини яратиш имконини беради ва таълимни бошқаришда катта самара беради.

Ўқитишга ахборот танлаш, ахборотнинг дастлабки идентификациясини қилиб чиқишда ижобий самара беради. Муайян ўқитиш жараёнини ахборотлаштириш ёрдамида оптимал бошқариш мумкин.

Ўқитишда ахборот танлаш ва уларнинг самарали усулларини яратиш, ўрганилаётган жараён ва ҳодисаларни янги ахборот технологиялар асосида ўргатишнинг замонавий истиқболли вариантларини яратишга мустаҳкам илмий-услубий асос бўлади.

Ўқитишда ахборотни (маълумот) таҳлил қилиш (ЎАТҚ) – таълим беришда ахборот таркиби, шакли ва мазмунини аниқлаш, мезонларини белгилаш. Элементлар қисм ва тизимларни ифодалаш ва улар орасидаги боғланишлар кўринишларини белгилаб олиш.

Муаммонинг ҳал бўлишида маълумотлардан фойдаланиш имконияти борлигини аниқлаш. Қаралаётган ўқитиш варианти яхлит бир тизим деб қараб, қисм тизим ва элементларни аниқлаш. Ахборотлар таркибини, мазмунини аниқлаштириш ва ишончлилигини белгилаш ЎАТҚ нинг асосий вазифасидир.

Ушбу ЎАТҚ методи ташкилий-педагогик ва ижтимоий-психологик фаолиятнинг назарий қимига мустаҳкам асос бўлиб,

ахборотлар (маълумотлар) дан фойдаланишнинг самарали йўлларини яратишга имконият яратади.

Таълим элементлари ва қисм тизимлари орасидаги боғланиш қонунларини ишлаб чиқишда фойдаланилади. Қисм тизим ва элементлар орасида таълимни оптимал бошқаришдаги асосий ва иккинчи даражалиларини аниқлашга имкон беради.

Таълим-тарбия жараёнида инновацион ўзгаришлар қилиш ёрдамида таълимни оптимал бошқаришда катта самара беради.

Ўқитишдаги интегрция – кўпгина элементлардан тузилган таълим жараёнини ташкил қилиш хосса ва қонунларни яхлит эгаллаш.

Ўқитишда хусусиятларни тарбиялаш – фанларни ўқитиш ўқитувчиларда илмий муносабатни, қуйидагиларни хусусиятлайдиган муносабатларни тарбиялаш мақсадини кўзлайди:

- **қизиқиш** (билиш хоҳиши) ва **фаолият** (бирор нарсани аниқлаш учун бирор нарса қилиш хоҳиши);
- **скептицизм** (тез-тез учрайдиган фикрларни синчиклаб кўриб чиқиш хоҳиши);
- **далиллар** (билим олишда исботлаш мантиқи ва қоидаларидан фойдаланиш маҳоратлари);
- **хабардорлик** (унинг ёрдамида ўйлаш мумкин бўлиши учун олам ҳақида ахборотлар фондининг мавжудлиги);
- **стратегиялар** (излаш учун қоидалар мавжудлиги ва улардан фойдаланиш хоҳиши);
- **молйиллик** (янги билимларни олиш натижасида талаба ўзини олам ҳақидаги фикрлаш усулини қайта қуришни бошлаши учун бошқаларнинг фикр ва тушунчаларини қонуният асосида бир чизиққа жойлаши).

Ўқитишни компьютерлаштириш (ЎК) – ўқитишда кириш (дастлабки) ва чиқиш (натижавий) ахборотларни тайёрлаш ва дастурда улардан фойдаланишни белгилаб чиқиш. Ахборотли технологияли ўқитиш услубини яратиш. Натижавий ахборотларни керакли шаклларида фойдаланувчига тақдим этиш.

Ўқитишда компьютер техникасини жорий этишни амалга ошириш. Вазифалар: кириш ахборотларини танлаш, ишчи дастурлар тузиш, дастлабки маълумотларни ЭҲМ тилида ёзиш, маълумотларни компьютерга киритиш, оралиқ ва натижавий маълумотлардан олиш ва текшириш.

Таълим ва тарбияда ташкилий-педагогик ва илмий техник муаммолар ечимини излашнинг энг самарали восита ва усулларини яратишга кенг имкониятлар яратилади.

Ўқитишни компьютерлаштириш таълим-тарбия жараёнида янги ахборот технологияларини жорий этиш ёрдамида инновацион таълим технологиясини яратиш йўналишидаги таълим-тарбия жараёнида ва педагогик тадқиқотларнинг мазкур йўналишдаги ишларида фойдаланилади.

ЎК таълимини технологиялаштиришда, юқори сифат ўзгаришларни қўлга киритишда мустаҳкам асос бўлади ва XXI аср таълим-тарбиясининг асосий термини бўлиб ҳисобланади.

Ўқитишнинг асосий воситалари – асосий ўқув мазмунига эга бўлган режалар, ўқув дастурлари, дарслик ва қўлланмалар.

Ўқитишнинг қўшимча воситалари – ўқувчилардаги билим, малака ва кўникмаларни шакллантирувчи масалалар, машқлар тўплами, маълумотномалар, тарқатма материаллар, кўрсатмали ва кўргазмали воситалар, дискетлар, ЭҲМ ва бошқалардир.

Ўқитишни оптимал бошқариш (ЎОБ) – кичик имкониятлардан фойдаланиб юқори натижага эришишдир.

ЎОБ – бу бошқарувчи (ўқитувчи)нинг мавжуд имкониятлари (фан юзасидан мавжуд билимлари, ўзлаштирган турли ўқитиш услублари, ўқув восита ва қуроллари, педагогик маҳорати) асосида талаба (ўқувчи)да керакли (зарур бўлган) билим, кўникма ва малакаларни қўйилган мақсадга мос шакллантириш жараёнидир.

Ўқитишни такомиллаштирувчи дастур воситалари – мутахассислар гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган ва прдметдаги тегишли мавзулар бўйича дарс жараёнини ташкил қилишга имкон берадиган дастурлар*(Абдуқодиров А.А ва бошқалар «Ахборот технологиялари» Т..: Ўқитувчи 2002 й. 138 бет.)*

Ўқитишнинг билвосита ҳавола қилиш усули - бу таълим олувчиларга эски ва янги маълумотларни солиштириш ва қарама-қарши қўйишга ёрдам берувчи усул. Бу усул қўшимча тавсифларни амалга ошириш учун қарашларни эслаб қолиш ва бериладиган маълумотларни такрорлашга ёрдам беради.

Ўқитишнинг верификация қилиш усули -назорат қоидаларининг ҳақиқийлигини текшириш ва тасдиқлаш усулидир. Бундан таълим олувчилар илгари фойдаланиб келган қарашларни тасдиқлаш ёки инкор этиш учун фойдаланилади. **Верификация қилиш** учун фойдаланиладиган қарашлар (қоидалар, қонунлар, мезонлар, тамойиллар ва ҳ.к.) таълим олувчиларга тўғридан-тўғри ёки билвосита тарзда тасдиқланувчи маълумотлар ўртасидаги фарқни аниқлашга ёрдам беради.

Ўқитишнинг диққатни қайта жамлаш усули - қарашлар (маълумотлар)дан фойдаланишнинг кенг тарқалган усули бўлиб, уни муҳокама қилиш учун асосий йўналиш нуқтаси сифатида мавжуд

маълумотлардан фойдаланиб, диққатни ўқитишнинг аниқ вазифаларига жамлайди. Лекин бу усулни суистеъмол қилиш мунозарани (муҳокамани, таҳлилни ва ҳ.к.) зерикарли бўлиши ва таълим олувчиларнинг ўз билимларидан фаол фойдаланиш истакларини пасайтириши мумкин.

Ўқитишнинг «Ёпиқ китоб» усули - таълим олувчилардан муайян фан бўйича қонун-қоидалар, мезонлар, тамойиллар, доимийликлар ва шу кабиларни эслаб қолишни талаб этадиган усул. Бу усул бошқа усуллар билан уйғунликда бўлишни ва таълим олувчиларни ўқитишда фақат **«қайта баён этиш»** билан чегараланмасликларини талаб этади.

Ўқитишнинг ғояларни қайта ифода қилиш усули - муайян фан бўйича қарашларда баён қилинган ғояларни қайта ифода қилиш, таълим олувчилар қийин материал бўйича жавоб бераётганларида уларда дадилликни ривожлантиришга қаратилган усулдир. Қайта ифода қилишда таълим олувчилар муайян фан бўйича қарашларга бутунлай ва тўлиқ ёпишиб олмасдан, муайян фан бўйича қарашлардан фойдаланишнинг бошқа усулларини уйғунликда олиб бориш лозим.

Ўқитувчи - ёш авлодни (ўқувчини) ҳаётга, онгли меҳнатга тайёрлаш учун халқ олдида давлат олдида, жамият олдида жавоб берадиган, ёшларга таълим-тарбия бериш учун махсус тайёргарликка эга бўлган ва педагогик фаолият билан касбий жиҳатдан шуғулланаётган шахсдир.

Ўқитувчининг касбий фаолиятига қўйиладиган талаблар:

. таълим –тарбия беришда касб жиҳатидан қобилиятли, ташкилотчи, ижодкор ва ишбилармон бўлиши керак;

. миллий-маънавий ва умуминсоний қадриятларни улуғлайдиган, дунёвий билимларни мукаммал эгаллаган, диний илмлардан тарбия

жараёнида самарали фойдалана оладиган, маънавий жиҳатдан етук бўлмоғи лозим;

. миллий мафкурамизни чуқур биладиган ва шу асосда яратидиган давлат келажаги буюклигига ишонадиган, ватанпарварлик бурчини чуқур англаган, фидоий ва мустақил давлатимизга эътиқодли бўлиши керак;

. ўз касбини ва энг асосийси ўз ўқувчиларини яхши кўрадиган ва уларнинг келажакда жамиятимиз фаол иштирокчилари бўлишига чин кўнгилдан ишонадиган, уларнинг баркамол шахс сифатида юксалиб, инсон сифатида камол топишида асосий рол ўйнай олиши керак;

. ўз касбий фаолияти бўйича чуқур билим, кўникма ва малакага эга бўлмоғи лозим ва бу фаолиятини жамият тараққиёти ютуқлари асосида мунтазам равишда такомиллаштириб боришига эриша оладиган бўлиши керак;

. эркин ва ижодий, танқидий ва таҳлилий фикрлай оладиган, таълим-тарбияда муаммоли вазиятларда тўғри қарорлар қабул қила оладиган бўлиши керак;

. ёшларга ва ўзига талабчан, адолатли қаттиққўл, одобли ва энг асосийси ўз шогирдларига ибрат-намуна кўрсата оладиган бўлмоғи лозим;

. ўзининг фидокорона меҳнати билан ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш сифатини оширишга катта ҳисса қўшадиган ижодкор ва изланувчан мутахассис бўлишга эришиш лозим;

. чуқур умумий билим, кенг дунёқарашга ва касб тайёргарлигига эга бўлиши керак;

. компьютерли саводхон бўлишлик, ўз билимини замон талабига мос ҳолда янгилаш ва тўлдира олишлик қобилиятига эга бўлиши керак;

. интизомли, ўз ўқувчиларига ибрат-намуна бўлишлик, зиёлилик ҳислатлари шаклланганлик, ўз билимини ўз касбий фаолиятига, ўз мамлакати мустақиллигига, Ватан ва жаҳон тараққиёти йўлида эзгулик ва адолатга садоқат туйғулари шаклланган бўлиши керак;

Ўқитувчи фаолияти турлари:

. ёшларга ўқув муассасаларида, таълим-тарбия бериш;

. дарсдан ташқари ва бошқа маънавий – маърифий муассасаларда тарбиявий ишлар билан шуғулланиш;

. маҳаллада ижтимоий педагогика масалалари билан шуғулланиш;

. ота-оналар ва бошқа жамоат жойларида мамлакатимиз давлат сиёсатини тарғибот қилиш;

. илм бериш орқали ёшлар савиясини ошириш ва уларнинг малакаларини юксалтиришга бағишланган интеллектуал тадбирларни уюштириш.

Ўқитувчи шахсининг хусусиятлари:

. миллий-маънавий ва илмий дунёқарашнинг кенглиги, эътиқоднинг мустаҳкамлиги, ижтимоий маънавий юксаклик ва ахлоқий комилликни тушуниш;

. фуқаролик ва жамият олдидаги бурчга содиқлик, ижтимоий сиёсий фаоллик;

.миллий мафкурамизга содиқлик ва уларни ёшлар онгига сингдиришга собитқадамлик;

. ёшлар онгидаги миллий ғояларимизга содиқликни ҳар қандай фанни ўқитишда ҳам шакллантиришга эришиш;

. интеллектуал салоҳиятли, янгиликни ҳис қила билиш ва педагогик касбий фаолиятга тегишли маълумотларни мунтазам равишда ошириб боришга эришиш;

. педагогларга хос касбий билим, кўникма ва малакаларни ва маҳоратни доимо ошириб бориш тўғрисида қайғуриш;

. таълим олувчиларни севиш ва улар тақдирига қайғуриш ҳамда улар билан ишлашга қизиқиш, педагогик фаолиятни севиш;

. руҳий педагогик зийраклик ва кузатувчанлик, педагогик такт, педагогик тасаввур ва ташкилотчиликнинг юксак бўлиши;

. ҳаққонийлик, дилкашлик, талабчанлик ва қатъийликнинг ўзида мужассамлиги;

. мақсадга эришишга етарлича хатти-харакат қила билиш, касбий лаёқатлилик;

. вазминлик, адолатли қаттиққўллик қобилиятига эга бўлишлик;

. кенг интеллектуал салоҳиятга, маънавий етук бўлишлик;

. янгиликка интилувчан ва янгиликни қўлга киритишни ҳис қила билиш, педагогик илмий салоҳиятни оширишга интилувчанлик;

. педагогларга хос касбий билим, кўникма, малака ва маҳоратни мунтазам равишда ошириб боришлик қобилиятларига эга бўлишлик ва улардан амалиётда самарали фойдаланишга ҳаракатчанлик ва шу кабилар.

Ўқитувчи ва ўқувчининг дастурли фаолияти – ўқув жараёнида аҳамиятсиз ҳаракатларни йўқотиш самарали ўзаро алоқани таъминлаш ва режалаштирилган натижаларга ўз вақтида эришиш жараёнидан иборатдир. Бунда ўқитувчи технолог-назоратчи сифатида қатнашади. Ушбу жараёнда таълим мақсадини аниқ ифодаланиши муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, ўрганилаётган ўқув материалларининг мазмунини саралашда ўқувчиларнинг ўзлаштириш фаолият даражаларини, фанни баён қилишнинг илмий тилини ҳисобга олиши ва ниҳоят, ташкилий шаклларнинг мосини танлаб белгиланган вақт доирасида самарали дидактик жараённи ташкил этади.

Ўқитувчидаги навбатчи саволлар - бунда ўқитувчининг ҳаёлида доимо қуйидаги саволларга жавоблар бўлиши лозим:

1.Талабалар қандай концепцияни (қарашни) тақлим этадилар.

2.Концепция билан танишиш учун талабалар қандай фаолиятни амалга ошириш керак?

3.Талабалар нималарни кузатишлари ва ёзиб боришлари керак?

4.Талабаларга қандай кўрсатмалар берилиши лозим?

5.Талабалар ахборот ёки кашфиётларнинг қандай турлари тўғрисида сўзлашлари керак?

6.Уларнинг «Кашфиётларини» умумлаштириш учун мен талабаларга қандай ёрдам бера оламан?

7.Мен талабаларни қандай бошқаришим ва ҳатто, уларнинг тушунишлари етарлича бўлмасада, улар аниқлаши мумкин бўлган нарсаларни, уларга айтмасликдан ўзимни тўхтатиб туришим мумкин. Улар концепцияни тўғри қуришлари учун улардаги мавжуд ахборотдан фойдаланишда мен уларга қандай ёрдам бера оламан.

8.Агар улар нима учун ана шу концепция муҳим бўлиб ҳисобланади, деб мендан сўрашса, мен талабаларга қандай жавобларни келтиришим мумкин?

9.Талабалар ушбу концепцияга даҳлдор бўлган аввалги тажрибага эгадир! Мен ушбу концепцияни улар тажрибаси билан қандай боғлай оламан?

10.Ушбу концепция талабаларга бундай фандан ўзлари учун фойдани кўришда ёрдам беришига қандай мисоллар бор? Фан, техника-технология ва жамиятнинг ўзаро муносабатларини тушунишда ёрдам беришигачи? Фан тарихи ва моҳиятига доир ахборот олиш учун уларга ёрдам беришигачи?

Ўқитувчилар ва мураббийлар куни – 1996 йил 27 декабр куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарори билан 1 октябр - «Ўқитувчи ва мураббийлар куни» ва ўша кунни «дам олиш» куни деб белгиланди.

Ўқитувчиларнинг касбий шаклланиши – таълим олувчининг олий ўқув юрти даргоҳида ўқув – билув фаолиятида иборат бўлган жараён. Албатта уларда тайёрланадиган мутахассис йўналишига мос ўқув режа ва фан дастурлари ҳамда ДТС талаблари асосидаги педагогик жараён давом эттирилиб, таълим олувчиларга касб сир-асрорларини ўргатиш, илмий билимлар бериш, ўқувчининг касбий маҳорати ҳақида маълумотлар бериб борилади ва улар ўқитувчилик касби ҳақидаги билимга эга бўлиш билан бирга маълум кўникмаларга (амалиётлар давомида) эга бўлади.

Таълим жараёнида фанлар бўйича амалга ошириладиган семинар, амалий ва лобаратория машғулотлари назарий билимларни мустаҳкамлашга ҳамда уларни кўникмага айлантиришгагина эмас, балки уларни амалий иш жараёнида қўллашга имкон беради. Бундай машғулотлар танланган касби тўғри эканлигига ишонч ҳиссини туғдиради.

Олийгоҳдан кейинги даврдаги ўқувчиларнинг касбий шаклланиш жараёнида мактаб раҳбарияти, айниқса, илмий мудир ҳамда педагогик жамоатчилик катта роль ўйнайди. Ёш ўқитувчиларга тажрибали ўқитувчиларни бириктириб қўйиш, уларнинг дарсларини кузатиш, услубий ишларга жалб этиш мактаб раҳбариятининг вазифасидир. Ўқитувчи ўз касбини секин-аста ўзлаштириб бориши билан бирга ота-оналар ўртасида педагогик билимларни тарғиб этади. Шу йўл орқали **касбий шаклланиш** такомиллаштириб боради.

Ўқитувчилик касбини ва педагогик маҳоратни эгаллаш жараёни, уни мактаб ўқитувчилар жамоасига киритиб, унда ўз-ўзини топиб кета олишига боғлиқ. Жамоанинг ёрдамидан юз ўгирмаслик, қийинчиликларга дуч келганда руҳан тушмай, ўз хатоларини кўра билиш ва уларни бартараф этиш учун ҳаракат қилиш ўқитувчи шаклланишидан дарак беради. Ушбу билан бирга ўқитувчининг касбий шаклланиши ўзини-ўзи тарбиялаб боришга, ўз устида тинмай ишлашига ва ўз вақтида малакасини ошириб боришига узвий боғлиқ. Уларнинг ҳаммаси касбий фазилатларнинг ажралмас қисми ҳисобланади *(Зиёмуҳаммадов Б.)*.

Ўқитувчининг масъулияти – маъсулият тушунчасининг бутун мазмунини сақлаган ҳолда муаллимнинг фаолияти ва таълим – тарбия жараёнининг аниқ вазифаларини ҳам ўз ичига олади. Ўқитувчи зиммасига боланинг шахс сифатида ҳар томонлама камол топтириш маъсулияти юкаланади. Муаллим ўқувчига чуқур назарий билим бериши, уни ҳаётга, меҳнатга тайёрлаши лозим. Шу билан бирга ўқувчидаги мавжуд лаёқат ва қобилиятни ўз вақтида пайқаб, индивидуал муносабатда бўлиши, унда мавжуд бўлган ижобий ахлоқий сифатларни авайлаб ўстириш даркор *(Зуҳра Исмоилова)*.

Ўқитувчининг энг муҳим фазилати – одамлар билан тезда тил топа олиши, кўпчиликка қўшила билиш, улфатижонлик, дилкашлик бўлиб, бу ундаги муомала маданиятининг юксаклигини ифодалайди. Чунки унга ҳамиша одамлар билан алоқа қилишга, улар билан ишлашга тўғри келади. Ҳозирги шароитдан келиб чиққан ҳолда ўқув – тарбия жараёнида қулай муносабатлар яратиш учун касбий жиҳатдан аҳамиятли асослар бўлувчи педагогнинг инсоний хислатлари муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда *(Зуҳра Исмоилова)*.

Ўқитувчининг энг муҳим хислати – инсонпарварлик, яъни ўсаётган инсонга олий қадрият каби муносабатда бўлишлигидир. Инсоний муносабатлар ўқитувчининг шахсиятига қизиқиши, ўқувчига нисбатан хайрихоҳлик, унга ёрдам бериш, уларнинг фикрига қулоқ солмоқ, унинг ўқувчилик фаолиятига юксак талабчанлик ўқувчининг шахси сифатида камол топишига интилишдан иборат *(Зуҳра Исмоилова).*

Ўқиш. **Ўқиш жараёнининг асосий ғоялари**:

- ўқиш – бевосита бажариладиган жараён бўлиб, унинг ёрдамида одамлар бутун ҳаётлари давомида янги ахборотлар олади;
- болаларни ўқишга ўргатишнинг ўзи камлик қилади, улар чуқур ўйланиб ўқишга ўргатиш керак ва булар натижасида ўқувчи-талабаларда янги фикр пайдо бўлиб, уларнинг илмий ижодга кириб келиши таъминланади;
- ўқиш – оддий ўрганиш фани эмас, балки фикрлаш ва дунёни билиш қуролидир;
- ўқиш ва ўқиганда жавобан таъсирланиш танқидий таҳлилнинг асосий йўлидир;
- ҳар хил фанларни ўрганиш, одатда ўқувчидан жуда кўп мустақил ўқишни талаб қилади, шунинг учун ўқиш жараёнини тушуниш аниқ фан бўйича ўқилганни ўзлаштиришни ва таҳлил қилишни яхшилаш мумкин;
- ўқиш ва ёзиш орасида чамбарчас алоқа бор. Бу алоқани тушуниш ўқитиш жараёнини бойитади ва рағбатлантиради.

Ўқиш сифатини назорат қилиш – талабаларнинг билим савиясини текшириш ва унинг ўқув дастурини ўзлаштириш даражасини аниқлаш.

Ўқув адабиётлари – муайян таълим тури (йўналиши ёки мутахассислиги) ўқув режасида қайд этилган фанлар бўйича тегишли

ўқув дастурлари асосида зарур билимлар мажмуаси келтирилган, ўзлаштириш услублари ва дидактикаси ёритилган, шу жумладан, хорижий таржималар ҳам манба бўлиб кирган нашр.

Ўқув дастури – ҳужжат ҳисобланиб, бўлажак мутахассис шахсига қўйилган талабларга мос ҳолда таълим мазмунини ва уни ўқувчи (талаба)лар томонидан ўзлаштиришни ташкил этиш усулларини ўзида акс эттиради. Ўқув дастурларида умуминсоний тажриба, шунингдек, таълим ва тарбия тажрибаси маълум кўринишда (ёки шаклда) сақланади. Бу тажриба бўлажак мутахассис ўзлаштириши керак бўлган турли хил ахборотлар ва бу тажриба ўқитиш жараёнида қандай узатилиши кераклиги тўғрисида маълумотлардан иборат бўлади.

Ўқув дастури – бўлажак мутахассис шахси талабларига мувофиқ таълим мазмуни ва уни таълим олувчилар томонидан ўзлаштиришнинг мақсадга мувофиқ келувчи, хусусан ташкил этиш йўллари аниқланган ҳужжат ҳисобланиб, учта асосий таркибдан иборат бўлиб, унда таълим мақсадлари, таълим жараёнининг мазмуни, шунингдек, ўқув соатларининг тақсимланиши белгиланади *(Тўрақулов О.Х.)*.

Ўқув жараёни - таълим жараённинг компонентларини ўз ичига олиб, унда ўқитиш ва унда фойдаланиладиган воситалар, муайян мақсад – вазифаларни ҳал қилиш учун таълимнинг усуллари, мазкур жараёнда мустақил ишлайдиган талаба ҳамда кўргазмали ва техник воситалар иштироки таъминланади.

Ўқув жараёнининг дидактик таъминоти – таълим-тарбия жараёнини тўлиқ ва сифатли таъминлаш учун зарур бўлган ўқув дастурий ҳужжатлар ва ўқитиш воситаларини ишлаб чиқиш.

Ўқув жараёнинин оптималлаштириш – кам куч сарфлаб, юқори самарадорликка эришишдан иборат бўлган жараён. Бунда асосий мақсад таълим жараёни учун энг мақбул шароит яратишдан иборат,

яъни лойиҳаланаётган диддактик жараён босқичларига мос ҳолда ўқитиш методларини, шаклларини, техник воситаларини, шунингдек, мос ахборотли технологияларни танлаш, белгиланган мавзу мақсадига мувофиқ тарзда ва ўқув вақти миқдорини ҳисобга олиб таълим жараёнини олиб боришни талаб этади.

Ўқув ишлари усулларини шакллантириш технологияси – қоидалар, намуналар, алгоритмлар, моделлар (концептуал, ташкилий, тузилмавий, коррепяцион ва ҳ.к), режалар баёни ва бирор нарсанинг предметининг (жисмининг) тавсифи шаклида ифодаланади. Бунда қатор дарсликларнинг методик таъминотида ўз аксини топади ва уни ўқитувчилар яхши ўзлаштириб олишлари лозим бўлади. Мазкур технология ёш ўқитувчилар (стажёр ўқитувчилар) ларга фойдалидир, улар шу технологияга эътиборни қаратиш жуда зарур.

Ўқув мавзуси – дастурга киритилган бўлимларнинг мазмунини ифода этадиган бўлаги.

Ўқув машғулотининг технологик харитаси (ЎМТХ) – ўқув жараёнидаги ўрганилаётган мавзу режасига мос ўқув-билув топшириқларини мантиқий изчилликдаги (босқисма-босқич ҳолдаги) ўрганиш алгоритмидир ва қуйидаги алгоритмлик босқичлар асосида фаолият юритишини таъминлайди: дасрнинг мақсади ва вазифалари; муайян ўқув машғулотининг ўқитиш натижалари ва қўйилган мақсадни босқичма-босқич амалга ошириш ва режалаштирилган натижаларга эришиш; ўргатиш технологиясининг усулубий воситалари (усуллар, шакллар ва ўқитиш воситалари). Шунингдек, **ЎМТХ** га ўқув ахборотли дарсининг қайси босқичида, қандай ҳажмда маълумотлар бериш ва бунга қандай усул ва воситаларнинг фойдаланиш лозимлиги эътиборга олинади.

Ўқув методи – метод, аввало жараён бўлиб, билиш йўлидир, бирор жараёндаги назарий ва амалий билимлар соҳасини эгаллашга йўналтирилган ҳаракатлар, усуллар мажмуасидан иборат.

Метод ўз навбатида янги илмий назариялар ва қонуниятларнинг очилишига восита бўлади. Шу нуқтаи назардан метод билан илмий назария функциясига кўра бир-биридан фарқ қилувчи илмий амал ҳисобланади.

Ўқув предмети – ўқув муассасасида ўқитиш учун фаннинг мувофиқ соҳаларидан танлаб олинган билимлари малакалар кўникмалар, меъёрлар ва қадриятларнинг дидактик асосланган тизими.

Ўқув режа – ҳар бир мутахассислик бўйича малака ва давлат таълим стандартларида келтирилган талабларни таъминловчи муайян таълим йўналиши бўйича ўқув фаолияти турлари, ўқув фанлари ва курсларининг таркиби, уларни курс ва семестр давомида ўрганишнинг изчиллиги ва соатларидаги қатнашишини белгилайдиган ҳужжат. Ўқув режасига кирган фанлар мазмунини ўқув дастурлари ва мавзулар режаси ташкил этади *(Тўрақулов О.Х.).*

Ўқув режаси – ўқув шаклларини, ўқув предметларининг рўйхати ва ҳажмини, уларнинг ўқув ҳафталари, ярим йилликлари бўйича тақсимланишини белгилайдиган, бўлажак мутахассисларни ўқув предметлари, касбий ва умумтаълим тайёргарлиги орасида ўзаро боғлиқликни таъминловчи меъёрий ҳужжат.

Ўқув режаси – олий таълимнинг муайян йўналиши ёки мутахассислиги бўйича ўқув фаолияти турлари, ўқув фанлари ва курсларининг таркиби, уларни ўрганишнинг изчиллиги ва соатлардаги ҳажмини белгилайдиган норматив ҳужжат.

Ўқув режасининг модули – узлуксиз таълим мазмунининг асосий инвариант таркибий компонентларини акс эттирувчи ўқув режасини тақдим этиш шакли.

Ўқув-услубий мажмуа – муайян фан ёки касбни тўлиқ ва сифатли ўрганиш учун зарур бўлган ўқув-услубий ҳужжатлар ва ўқитиш воситалари мажмуи.

Ўқув-услубий мажмуа – ажратилган вақт доирасида фанни (касбни) тўла ва сифатли ўрганиш учун зарур бўлган ўқув-дастурий ҳужжатларнинг ва ўқитиш воситаларининг мақбул тизимидир *(Тўрақулов О.Х.).*

Ўқув-услубий мажмуа (ЎУМ) – таълим-тарбия жараёнини тизимлашган кўрсатмаларини ўз ичига қамраб олувчи, амалиётда қўлланиладиган барча ўқув-услубий ҳужжатлари (ўқув режалар, фан дастурлари, ўқув-услубий қўлланмалар ва ҳ.к.) тўплами бўлиб, мутахассисларни тайёрлашда дидактик бошқариш воситаси ҳисобланиб, таълим жараёнини тизимли-услубий таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган адабиётдир. ЎУМ педагогик тизимнинг мажмуий маълумот модели бўлиб, маълум даражада таркибини белгиловчи элементларни акс эттиради. Фаннинг ЎУМнинг **асосий функцияси** – талабаларнинг фан бўйича билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш ва мустақил билим олиш ҳамда меҳнат фаолиятини ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратишдан иборат бўлиши керак.

Ўқув-услубий таъминот – муайян ўқув юртида таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш учун лозим бўлган ўқув-услубий ҳужжатларни ишлаб чиқиш.

Ўқув услубий таъминот мажмуаси медели (ЎУТММ) – бу ўқув мазмуни ва ундан таълим жараёнида фойдаланиш методологияси ҳамда

улар интеграцияси асосидаги ўқитиш жараёнининг алгоритмик тузилмасидир.

ЎУТММ таркибига қуйидагилар киради: ўқув мавзуси режаси; модулли ўқув ахборот; машғулотни технологик харитаси; тажриба-амалий машғулот режаси; йўриқномали харита; талабанинг лаборотория-амалий машғулот натижаларини ёзиб бориш учун мўлжалланган иш дафтари; назарий ва амалий машғулотлар учун топшириқлар; назорат турлари.

Ўқув фани – таълим муассасасида ўрганиш учун фан, техника, санъат, ишлаб чиқариш фаолиятининг муайян соҳасидан саралаб олинган билимлар, ўқув ва кўникмалар тизими.

Ўқув фани дастури – таълим мазмуни, унинг талабалар томонидан ўзлаштирилишининг энг мақбул усуллари, ахборот манбалари кўрсатилган норматив ҳужжатлар.

Ўқув фанлари блоки – таълим дастурининг кадрлар тайёрлаш жараёнида аниқ мақсад ва вазифаларга эришиш учун муайян билим соҳаси ёки фаолиятининг ўзлаштиришини таъминлайдиган ўқув фанларини бираштирувчи таркибий қисми.

Ўқувчининг қувонч ҳисси (ЎҚҲ) - таълим олувчининг дарс жараёнида ўқув топшириқларини бажаришга муваффақиятли вазиятни яратишдаги маънавий муҳим ҳосиласидир.

Бу таълим жараёнидаги асосий жиҳатларидан бири бўлиб, унда ўқишга ҳавасни рағбатлантиришнинг таъсирчан усулларидан бири амалга оширилади ва уларда қувонч ҳиссини рўёбга чиқарилади.

Маълумки, ўқувчи муваффақият қувончларини бошидан кечирмас экан, кейинги муваффақиятларга тўла ишона олмайди. Шунинг учун тажрибали ўқитувчилар ўқувчилар учун топшириқларни шундай танлайдиларки, улар тегишли босқичда ечилиши осон топшириқларга

айланади. Бунда икки турли топшириқлардан фойдаланилади, улардан бирини ўқувчи беъмалол бажара олади ва нисбатан мураккаброқ бошқа топшириқни ечиш учун унда интилиш базаси яратилади. Муваффақият базаси бир хил мураккабликдаги топшириқларни табақалаштириш йўли билан яратилади. Муваффақият вазиятини яратишда ўқув топшириқларини бажариш учун қулай маънавий муҳитни танлаш муҳим рол ўйнайди. Қулай микро-ижтимоий муҳит ўқиш вақтида ўзаро ишончсизлик, чўчиш ёки қўрқиш, ийманиш тўйғуларига барҳам беради. Бунда иккиланиш ҳолати ишониш ҳолати билан алмашинади. *(Зиёмуҳаммадов Б. «Комилликка элтувчи китоб»- Т.: Турон- Иқбол., 2006 й. 299 бет)*

Ўқув ўйин фаолияти технологияси - технология табақалашган ўқитиш технологиясига ўхшашроқ бўлиб, унда ўқув ўйини ўқитувчи ва таълим олувчи фаол бўлганда мазмунли бўлади. Бунинг учун ўқув ўйини лойиҳаси олдиндан ишлаб чиқилади ва режалаштирилган натижаларнинг баҳоланиши олдиндан аниқланади, шунингдек, ўқув вазифалари аниқ белгиланган, мураккаб вазиятдан чиқиб кетишнинг методик усуллари, имкониятлари аниқланган бўлиши керак.

Ўқув элементи – ўрганиш мақсадида танланган барча фан объектлари ёки ўқув предметларининг мазмунини акс эттирувчи компонентлари.

Ўқув қўлланма – дарсликни қисман тўлдирувчи, муайян фан дастури бўйича тузилган ва фан асосларининг чуқур ўзлаштиришини таъминловчи айрим боб ва бўлимларни кенг тарзда ёритишга ёки машқ ва машғулотлар олиб боришга мўлжалланган нашр.

Қ

Қадимий давлатлар – эрамиздан олдинги биринчи асрларнинг биринчи ярмида Бақтрия ва Сўғдиёна, Хоразм, Марғиёна, Паркана,

Парфия каби ўлкаларда халқ хўжалигининг турли соҳаларидаги ривожланиш билан бирга маданият ҳам ўзига хос тараққиёт йўлини босиб ўтди. Бу тараққиёт эрамиздан олдинги IX-VI асрларда пайдо бўлган Аҳамонийлар ҳукмронлиги, кейинроқ эрамиздан аввалги III аср ўрталарида ташкил топган Грек – Бақтрия давлати, эрамизнинг I асрида эса Кушонлар давлати, V асрда Эфталитлар ҳукмронлиги, сўнгра сосонийлар эмперияси ва ниҳоят, турк ҳоқонлиги даврларини ўз ичига олади *(Ўзбек педагогикаси анталогияси. Тузувчилар. С.Очил, К.Ҳошимов. Т.: «Ўқитувчи», 1999, 7-8 бетлар).*

Қадр – кишининг жамиятда тутган ўрни, обрў-эътибори, ҳурмати, нуфузи.

Қадрият – теварак-атрофдаги нарсаларнинг, кишининг жамият учун ижобий ёки салбий аҳамиятини кўрсатувчи тушунча бўлиб, ахлоқий тамойиллар, ғоялар, йўл-йўриқлар ва мақсадларда ифодаланган ана шу тушунчага баҳо бериш мезони ва усуллари ҳисобланади.

Қадриятга умуминсоний қадриятлар – маълум бир ахлоқ меъёрлари, илғор, тараққийпарвар маданий меросларкиради.

Қадриятлар моддий, ижтимоий, сиёсий, маънави қадриятларга ҳамда ижобий ва салбий қадриятларга бўлинади *(Абдураҳмонов А. Қадрият – маънавий меросдир FF «Маърифт гулшани» г. – 12 (77) 2007й. – 7-бет).*

Қадрият – қадр-қиммат маъносини англатиб, инсон учун қадрли бўлган барча нарса ва ҳодисалар (предмет ва жараёнлар) мажмуидир.

Қадрият – воқеликдаги муайян ҳодисаларнинг умуминсоний, ижтимоий ахлоқий, маъданий –маънавий аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланиладиган тушунча.

Қадрият категорияси фақат буюм ва нарсаларнинг иқтисодий қийматини эмас, жамият ва инсон учун бирор аҳамиятга эга бўлган

воқеликнинг шаклларини, нарсалар, воқеа ҳодисалар, талаб ва тартибларнинг қадрини ифодалаш учун ишлатилади.

Қадриятлар ишлаб чиқариш соҳасидаги фаолият, инсонлар ўртасидаги муносабатлар учун фойда келтирадиган нарсалар мажмуаси сифатида юзага келиб, айрим кишилар ижтимоий гуруҳлар ҳаракатини тартибга соладиган маънавий ҳодисага айланади.

Муайян бир элат, милат, халқнинг ҳаёти, турмуш тарзи, тили, маданияти, анъаналари ўтмиши ва келажаги билан боғлиқ қадриятлар миллий қадриятлар ҳисобланади.

Қадриятлар фақат ўтмиш учун қадрли бўлмасдан, балки ҳозирда ҳам келажак тараққиётида ҳам қадрли бўлиб, улар жамият тараққиётига ижобий таъсир қилади ҳамда кишилар онгига сингиб ижтимоий аҳамият касб этадиган моддий, маънавий, табиий, диний, ахлоқий, фалсафий ва ҳ.к.лар мажмуи тушунилади.

Қадрият турлари қуйидагилар:

- табиий қадриятлар;
- моддий қадриятлар;
- маънавий қадриятлар;
- эстетик қадриятлар;
- миллий қадриятлар;
- умуминсоний қадриятлар.

Булар ўз навбатида шажаравий хусусиятга эга.

Табиий қадриятлар – инсоннинг яшаши ва ривожланиши учун зарур бўлган ресурслар, яъни ер ва ер ости бойликлари, сув, ҳаво, ўрмонлар, ўсимликлар, ҳайвонот дунёси ва бошқалар.

Моддий қадриятлар – инсонларнинг моддий эҳтиёжларини қондиришда қадрли бўлган нарса (предмет, буюм)лардир. Улар: ишлаб

чиқариш воситалари ва қуроллари, меҳнат предметлари, моддий неъматлар, киши фаолияти жараёнини амалга оширишдаги буюмлар.

Маънавий қадриятлар – сиёсий, ҳуқуқий, бадиий, диний, эстетик, фалсафий, ахлоқий, маърифий, маданий қадриятлар мажмуасидир.

Эстетик қадриятлар – барча ҳам шаклан, ҳам мазмунан гўзалликлардир (барча табиий ва ижтимоий гўзалликлар).

Миллий қадриятлар – муайян халқ ва миллатларнинг узоқ тарихий даврлар асосида ривожланиб келган ва маълум шакл ва мазмунга эга бўлган моддий ва маънавий бойликлар мажмуасидир.

Умуминсоний қадриятлар – умумбашарий аҳамиятга эга бўлган ва унинг цивилизацияси билан боғлиқ бўлган моддий ва маънавий қадриятлар мажмуасидир. Умуминсоний қадриятларнинг **асосини** курраи заминдаги илм-фанни тараққий эттириш, дунё бўйича тинчлик ва барқарорликни сақлаш, экологик муаммолар ечимини излаш, ядровий қуроллар пойгасини тўхтатиш, турли халқаро хавфларни олдини олиш, турли касалликларнинг олдини олиш, табиатни муҳофаза қилиш, қашшоқлик ва саводсизликка барҳам бериш, саноат хом ашёси, энергия манбаларини яхшилаш, коинот ва жаҳон океани ресурсларини ўзлаштириш ва шу кабилар билан боғлиқ бўлган муаммолар ташкил этади.

Қайта нашр этиш – меъёрий ҳужжатни ўзгартирилмаган ҳолда қайтадан нашр этиш.

Қайта кўриб чиқиш – меъёрий ҳужжатларнинг мазмуни ва расмийлаштирилиши учун керак бўлган барча ўзгаришларни киритиш. Қайта кўриб чиқиш натижалари меъёрий ҳужжатни янгидан нашр этиш йўли билан тақдим этилади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим муассасаси – ўқув жараёнини мақсадли ташкил этиш, таълимнинг шакли, услублари ва

технологиясини танлаш йўли билан тингловчиларга таълим дастурларини ўзгартиришлари учун зарур шароитлар яратилди.

Қайта тайёрлаш таълим муассасалари – мутахассисларнинг малакасини ошириш ва уларга қайта тайёрлаш университетларида, малака ошириш инситутларида ва профессонал қайта тайёрлаш ҳуқуқига эга бўлган ўқув марказида амалга оширилади.

Мазкур жараён ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ва қисман ажралмаган ҳолда бўлиши мумкин. Унинг шакли малака ошириш таълим муассасаси томонида таълим дастурининг мураккаблиги эътиборга олинган ҳолда ва буюртмачининг у билан тузилган шартномаси асосидаги эҳтиёжига мувофиқ равишда белгиланади.

Қаноат – арабча сўз бўлиб, қониқиш, озга ёки борига кўникиш, бори билан кифояланиш, нафси тийиқлик, кўпга, ортиқчаликка интилмаслик демакдир. Орзу-ҳавасини чеклаш, қаноатга кўникма ҳосил қилиш руҳий осойишталикни, хотиржамликни таъминлайди. *(Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Ибрагимова Г., Тўрақулов Х.А., Алибекова Р. Т.: «Чўлпон» 2004, 56-бет).*

Қаноатлилик – кишининг ўзида мавжуд бўлган ва ўз имконияти даражасида ишлаб топган ҳалол маблағи билан кифояланиб, оз бўлса ҳам унинг соғлиги ҳисобига мамнуният билан кун кечиришидир. Қаноатлилик кишига хотиржамлик келтиради.

Қарор – бошқарув фаолиятининг шундай шаклики, унда раҳбар меҳнати гавдаланиб, меҳнат жамоаси бўлган мақсадга йўналтирилган таъсир ўз ифодасини топади, шунингдек, ушбу жараёндаги қарорни қабул қилиш раҳбар фаолиятининг етакчи жараёни бўлиб, кейинги бошқарувдаги муваффаққиятини беглилайдиган ҳужжат.

Қарор - бажарилиши лозим бўлган ишнинг аниқ бир йўлини танлаб олишдир. Бошқача қилиб айтганда, **қарор** - у ёки бу йўлни танлаб

олишда бир тўхтамга ёки муайян бир фикрга келишдир *(М.Шарифхўжаев, Ё. Абдуллаев)*.

Қарор - бошқариш фаолиятининг охирги наижасидир. Агар бошқарувда меҳнат предмети ахборот бўлса, унинг меҳнат натижаси (маҳсулоти) – бошқарув қароридир *(С.С. Ғуломов)*.

Қаттиқ диск дисководда доим мустаҳкамланган қаттиқ магнит диски ёки дисклар мажмуи. У ёзиш, ўқиш каллаклари билан бирга чангдан тозаланган атмосфера босими остида оддий ҳаво билан тўлдирилган герметик ёпиқ корпусга солинган.

Қиёсий педагогика – XX аср бошларида педагогика фанининг алоҳида тармоғи бўлиб ажралиб чиқди ва турли халқларнинг педагогик қарашлари ва таълим – тарбия тизимини қиёсий - генетик нутқаи – назардан солиштиради. Қиёсий педагогикада таълим-тарбия борасидаги инновацион услублар ва ёндашувларни солиштириш амалга оширилади. Ҳамда уларни ҳар бир халқ, миллат, ўзининг, миллий тарбияси нуқтаи-назаридан таҳлил қилиб чиқилади.

Қиёсий педагогикда жаҳон таълим-тарбия воситалари, усуллари, шакллари, йўллари ва шу кабилардан ўз миллий тарбиясига мос бўлганларини танлаб, уларни миллий педагогика фани ва амалиётига жорий этади.

Қиёслаш методи – қиёслаш объектларини аниқлаш; қиёслашнинг асосий белги ва параметрларини ажратиш, солиштириш, қиёслаш, қарама-қарши қўйиш, ўхшашлик ёки фарқлашни аниқлаш (учинчи объектни киритиш, қарши образни яратиш); қиёслаш натижаларини белгили расмийлаштириш (қиёсий характеристика, режа, чизма, модель, алгоритм кўринишида ва ҳ.к) лар орқали мужассамлашади.

Қизиқиш – инсоннинг билиш жараёни билан боғлиқ бўлган эҳтиёжларнинг ҳиссий намоён бўлишидир. Бизда қизиқиш туғдирган нарса тезроқ ва мустаҳкамроқ эсда қолади.

Қизиқиш – билиш хоҳиши асосида шаклланадиган жараён бўлиб, унинг ёрдамида илмий ижодиётга кириб бориш мумкин.

Қизиқувчанликни ривожлантириш. Қизиқувчанликни энг юқори чўққига чиқариш қуйидагилар асосида олиб борилади:

1. Таълим олувчиларнинг барча саволларига тўлиқ ва аниқ жавоб бера олишлик.

2. Таълим олувчиларнинг кузатишларига раҳбарлик қилиш ва уларни илмий жараёнга жалб этиш ёки фикрлаш кўрикмаларини ривожлантириш учун саволларни ўртага ташлаш санъатига эга бўлиш.

3. Тадқиқот жараёни тўхтаб қолмаслиги учун таълим олувчиларнинг шаъма ва ишораларини мунтазам эътиборга олиб бориш.

Қисм тизим – ягона, яхлит тизим ва унинг функцияси бўйича қўйилган мақсад ечими сари йўналтирилган ўзаро боғланган элементлар мажмуаси.

Қобилият - инсоннинг бирор бир хусусиятининг ўзигина эмас, балки шахс фаолиятининг талабларига жавоб бера оладиган ва шу фаолиятда юқори кўрсаткичларга эришишни таъминлашга имконият берадиган хусусиятлар синтезидан иборатдир. Бу инсоннинг индивидуал салоҳияти ва имконияти ҳамдир.

Қобилиятнинг етакчи хусусиятларидан бири – бу нарса ва ҳодисалар моҳиятини ижодий тасаввур қилишдир.

Қобилият қуйидагича умумий ва махсус турларга бўлинади:

- умумий қобилият – бунда юксак ақлий имконият ва тараққиёт тушунилади. У табиий равишда шаклланиши мумкин;

- махсус қобилият бу муайян режа асосида ривожлантирилади. Қобилиятни такомиллаштиришнинг махсус воситаларини қўллаш, шахснинг фаоллик аломатларини максимал даражада ривожлантириш, инсон шахсига алоҳида ёндашишни умумий талаблар билан уйғунликда олиб бориш ва шу каби йўллар билан рвожлантириш мумкин.

Қобилиятнинг юқори даражаси истеъдод ва даҳоликда намоён бўлади.

Қобилят - кишининг у ёки бу фаолиятига тайёрлиги, ярақлилиги ва шу каби имконятлари мажмуи. Азалдан қобилят кишининг жисмоний, наслий хусусиятлари билан боғлиқ деб ҳисобланади.

Қобилият – шахснинг индувидуал хусусияти бўлиб, у ёки бу маҳсулдор фаолиятни муваффақиятли амалга ошириш шартидир *(Р.Декарт, Г.В.Лейбниц)*

Қобилият алоҳида олинган билимларни ҳам янги усулларини эгаллашга тайёр бўлишни ўз ичига олади *(М.Н.Скаткин)*.

Қобилият – шахснинг муайян фаолият юзасидан лаёқати ва унинг ишни муваффақиятли бажаришидаги ўзига хос имкониятларни ифодаловчи индивидуал руҳий хусусиятлар. Ҳар бир кишида муайян соҳа бўйича бирор хусусият бошқаларга қараганда нисбатан кучлироқ ривожланган бўлиши мумкин. Ана шу унинг қобилиятидир. Қобилиятдаги хусусиятлар туғма бўлади, шу қобилият эгаси билим олиши, малака ҳосил қилиши орқали уни такомиллаштира бориши ва аксинча, танбаллик қилиб бора-бора сўндириб юбориши ҳам мумкин.

Қобилият – инсоннинг индивидуал салоҳияти, имкониятлари. Қобилият билимдан кескин равишда фарқланади, чунончи билим бу мутолаа натижаси ҳисобланса, қобилият шахснинг психологик ва физиологик тузилишининг хусусияти саналади. Қобилият деганда бирорта хусусиятнинг ўзини эмас, балки шахс фаолиятининг

талабларига жавоб бўла оладиган ва шу фаолиятда юқори кўрсаткичларга эришишни таъминлашга қурби етадиган хусусиятлар синтезини тушунмоқ лозим. Қобилиятнинг етакчи хусусиятларидан бири – нарса ва ходисалар моҳиятини ижодий тасаввур қилишдир. Қобилият шахснинг шаклланиши ва ривожланиши натижасида бўлиш билан бирга, у табиий манбага эга. Мазкур табиий манба кўпинча зеҳн тушунчаси билан юритилади.

Қобилиятлар – имкониятлардан иборат бўлиб, бирор-бир ишдаги зарурий меҳнат даражаси жиҳатдир.

Боладаги намоён бўлган мусиқа қобилияти унинг мусиқачи бўлишига ҳеч бир жиҳатдан кафил бўла олмайди. Боланинг мусиқачи бўлиши учун унга махсус таълим берилиши, қатъийлик, саломатлилигининг яхши бўлиши, мусиқа асбоби, ноталар ва бошқа жуда кўп шароитлар бўлиши керак. Буларсиз қобилиятлар тараққий этмай турибоқ, сўниб кетишлари мумкин.

Қобуснома – фарзанд тарбияси ҳамиша Шарқ мутафаккирларининг дидактик марказида туради. Кайкавуснинг «Қобуснома» асарида фарзанд тарбиясига алоҳида эътибор берилади. Шунинг учун ушбу асар Шарқ педагогикасининг қомуси сифатида қарийиб асрлар давомида жаҳон халқлари эътиборини қозониб келмокда. Асардаги мўъжаз латифалар, ихчам ривоятлар китобнинг ниҳоятда жозибали, ўқимишли бўлишлигини таъминлаган. Асарнинг баъзи бир боблари, унда келтирилган ривоятлар баркамол авлодни тарбиялашни мукаммаллаштиришга ундайди.

Қоида – инсон фаолияти тарбиясининг сўнги босқичи бўлиб, объектив қонуниятлар асосида ишлаб чиқилган тамойилларнинг у ёки бу ҳаракатларини чуқурлаштириб, конкретлаштириб берувчи чора ва

тадбир тартибидир. Қоидалар назария билан амалиёт орасини боғлаб турувчи воситалар *(Зиёмуҳаммадов Б.).*

Қонун – мамлакат миқёсида олий юридик кучга эга бўлган ҳужжат. Қонун Ўзбекистонда мамлакатнинг олий вакиллик органи – Олий Мажлис томонидан қабул қилинади ва Сенат томонидан тасдиқланади. Қонунлар умумхалқ овози – референдум йўли билан муҳим ижтимоий муносабатларни тартибга солиш учун конституциявий ва оддий қонунлар шаклида қабул қилинади. Унинг аниқ жараён ва тартиблари белгиланган.

Қонун – ижтимоий ҳаётдаги инсон ва нарсалар орасидаги гоҳо зарурий, гоҳо назарий (бировнинг фойдасини кўзлаб) ўрнатилган боғлиқликдир.

Қонуният – бизнинг ихтиёримиздан ташқари объектив мавжуд бўлган нарса ва ҳодисалар ўртасидаги, уларнинг тадрижий ривожи, (эволюцияси) заруриятидан келиб чиққан **боғланиш.** Табиий фанларда, қонун деб ҳам номланади. Масалан, ернинг тортилиш қонуни, Марказдан куч қонуни, Жоул – Ленц қонуни, ва ҳ.к.

Таълим тарбия жараёнининг қонуниятларини тушунтирадиган бўлсак, улар таълим-тарбия жараёнинг тадрижий ривожи заруриятидан келиб чиқувчи таълим-тарбияни бир бутун қилиб турган қисмлари орасидаги зарурий боғлиқликлардир. Чунончи, таълим берувчи ва таълим олувчи орасидаги зарурий боғлиқлик ёки таълим берувчи билан ўқув дастур орасидаги зарурий боғлиқлик ва ҳ.к. *(Зиёмуҳаммадов Б.).*

Қуръон – (арабча - қироат – ўқув) ислом динида муқаддас деб тан олинган китоб. Унда ислом ақидалари, эътиқод талаблари, ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрлари, чеклаш ва таъқиқлари ўз ифодасини топган.

Қуръони Карим оллоҳ томонидан пайғамбаримиз Муҳаммад алаҳиссаломга ваҳийлар орқали 23 йил давомида нозил қилинган. Унда

114 та сура бўлиб, ҳар бир сура 3 ва ундан кўп оятлардан ташкил топган. Қуръоннинг марказий ғояси талҳит, яъни якка худо – оллоҳ тўғрисидаги таълимотдир. Қуръони Карим 1990-1991 йилларда Алоуддин Мансур томонидан замонавий ўзбек тилига ўгирилди.

Ғ

Ғоя - инсон тафаккурида вужудга келадиган, жамият ва одамларни мақсад сари етаклайдиган фикр. Унда оламни билиш ва ўзгартириш мақсадлари, уларга эришиш йўллари ва воситалари мужассам бўлади *(Ўз.М.Э – II ж.-238 бет.).*

Ғоя – инсон тафаккури маҳсули, ташқи олам, объектив воқелик ҳодисаларини фикрда акс эттириш шакли.

Ғоя (юнонча “idea”) – биринчи манзара, дастлабки –объектив борлиқ, мавжудликнинг инсон фикрида акс этиш шакли. Ғоялар асосан икки йўналишда намоён бўлади. Улар: Бунёдкор ғоялар ва бузғунчи ғоялар.

Ғоявий иммунитет (ҒИ) – муайян шахс ёки жамиятга хос маънавий-ахлоқий сифатлардан бири бўлиб, энг олий инсоний қадриятларни тан олиш, фақат эзгу ғояларни ифода этувчи ва инсоният тараққиётига хизмат қилувчи қарашларгагина эгаликни ифодалайди.

ҒИ – маълум бир шахсда ёки ижтимоий гуруҳда ўзига хос бўлган, қатъий, барқарор, соғлом мафкуравий қарашнинг шаклланганлиги, маълум мафкура тамойилларини, улар томонидан ўз ижтимоий-сиёсий фаолияти ва яшаш тарзининг мезонларига айлантирилганлиги билан ифодаланади. *(Толипов Ў.Қ., Усмонбоева М.Х., Ғозиева Л.М.).*

Ғоявий содиқлик – мустақил Ўзбекистоннинг келажаги буюк давлат бўлишига ишонч, давлатимиз Президенти олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатга ишончдир.

Ғоявий тарбия – таълим олувчиларга мафкуравий билимларни бериш, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Мустақиллик мафкурасининг бош ва асосий ғоялари, фуқоролик жамияти асослари, миллий давлат тузулиши, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи мафкураси мазмунини ўрганишни таъминлаш асосида таълим олувчиларда мафкуравий фаолият кўникма ва малакаларини қарор топтириш, мафкуравий маданиятни шакллантиришдир.

Ғояларни қайта ифода қилиш – матнда баён қилинган ғояларни қайта ифода қилиш ўқувчи-талабалар қийин материаллар бўйича жавоб бераётганларида уларда дадилликни ривожлантириш мумкин. Қайта ифода қилишда ўқувчи-талабалар матнга бутунлай ва тўлиқ ёпишиб олмасдан, матнни ишлатишнинг бошқа усулларини ҳам биргаликда қўшиб олиб боришлари керак.

Ғурур – она тилимиз асрлар бўйи халқимиз томонидан заргарона сайқал берилиб, шундай мукаммаллик қилиб яратилганки, у орқали ҳар қандай маъно ва тушунчаларни, уларнинг энг нозик жиҳатларигача аниқ ва тиниқ ифодалаш мумкин. Яъни, неча минг йиллар давомида халқимиз онги тўлишиб бораверган, унда ҳосил бўлган тушунчаларимизни ўз туб сўзларимиз билан ҳам, ўрнида жаҳон тилларига оид сўзлар билан ҳам янги – янги сўзлар яратиш воситаси билан ифодаланган.

Шу тарзда тил бисоти бойиб келган. Тилимиздаги ғурур, фахр ва ифтихор сўзларини олиб кўрайлик. Булар бир-бирига яқин маъноларни англатсада айни бир пайтда бир-биридан муайян даражада фарқланувчи тушунчаларни билдиради.

Ҳ

Ҳадис – жаноб пайғамбаримизнинг айтган сўллари, феъл атворлари, ахлоқлари, қавл ва тақрирлари, пайғамбарликка қадар бўлган

ҳамда пайғамбарлик йилларидаги сийратларини, яъни ҳаёт йўлларини англатувчи суннатлари.

Ҳадис (араб. «хабар», «янгилик») – Муҳаммад (сав) нинг айтган сўзлари, қилган ишлари, кўрсатмалари тўғрисидаги ривоятлар. Икки қисмдан иборат бўлади: матн ва иснод. **Матн** – ҳадис истилоҳида санаднинг ниҳояси, яъни маънолардан ташкил топган ҳадиснинг лафзлари. **Иснод** (араб. – тиргак, далил, асос) – ҳар бир ҳадиснинг таркибий қисми. Иснод айтилган сўзни айтувчисига боғлашлик. Муҳаддис олимлар санад билан иснодни бир маънода қўллайдилар. Ҳадиснинг бошланишида уни биринчи бўлиб айтган ва эшитган кишидан бошлаб ҳадисларни тўпловчига қадар барча шахсларнинг исмлари бирма-бир кўрсатиб чиқилади ва бу ҳадиснинг асоси, далили ҳасобланади. Ҳадиснинг ҳақиқий ёки сохта эканини уламолар шу илмларни таққослаш йўли билан текширган. Ҳадисни нақл қилувчи кишиларнинг яшаган йиллари ва ижобий сифатлари шартга тўғри келса, иснод тўғри, демак ҳадис ҳам тўғри деб ҳисобланган.

Ҳадис икки турга бўлинади:

1. Ҳадиси Қудсий.
2. Ҳадиси Набавий.

Ҳадис – арабча сўз бўлиб, ўзбек тилига таржима қилинганда «ҳикоя», «хабар», «билдириш», «нақл қилиш» деган маъноларни англатади. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг айтган сўзлари, қилган ишлари, кўрсатмалари, ўгитлари ҳадис дейилади.

Ҳадиси Қудсий – маъноси оллоҳ таолоники бўлиб, айтилиши Русулуллоҳ (сав)дан бўлган ҳадислар. Уни Оллоҳ таоло ўз набийсига илҳом бериш, тушида кўрсатиб билдириш орқали хабар беради, Пайғамбар (ас), бунинг маъносини Оллоҳ номидан, Оллоҳ таоло айтди, деб саҳобаларига етказганлар.

Ҳадислар эътиборга олиниши жиҳатидан яна уч қисмга бўлинади: 1. Саҳиҳ. 2. Ҳасан. 3. Заиф. *(Ислом энциклопедияси. Т.: 2004, 302-бет).*

Ҳаё – ахлоқ-одоб фазилатларининг улуғи бўлиб, андиша қилиш ва уялиш, номус, шарафни сақлаш кабиларни англатади. Ҳаё инсон ҳаётининг безаги, зийнати ҳасобланади. У комилликка эришган киши руҳининг тафаккури, маънавий тимсолидир. Пайғамбаримиз «Ҳаё имондандир, имон эса жаннатга элтади», «Ҳаё билан имон бир-бирига боғлиқ, бири кетса, иккинчиси ҳам кетади», деб бежизга айтмаганлар. Ҳаё инсон қалбида, туйғусида, ташқи кўринишида намоён бўлувчи, иффат ва назокатини оширувчи ақл-фаросат гулшанининг тоза гулидир. Ҳаёли одамларда ростгўйлик, ширинсўзлик, яхшиликка яхшилик қайтариш, ўз ёрига вафодорлик, дўстликни қадрлаш каби бир қанча маънавий, ахлоқий фазилатлар мужассамлашган бўлади. *(Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Ибрагимова Г., Тўрақулов Х.А., Алибекова Р. Т.: «Чўлпон» 2004, 56-бет).*

Ҳаё – инсоннинг абадий гўзаллиги ва латофатидир. Ҳаёсиз юз жонсиз жасадга ўхшайди *(Абу Али ибн Сино).*

Ҳаётий билим – кундалик кузатишлар ва тажрибалар асосида ҳосил бўладиган билим шакли.

Ҳамкорлик – таълим берувчи ва таълим олувчиларнинг ўзаро мулоқотига асосланган ижодий фаолият жараёни.

Ҳамкорлик педагогикаси – ҳамкорлик педагогик технологияси. Таълим берувчилар ва олувчиларнинг ўзаро мулоқотига асосланган шаклда таълим беришга асосланган тизим.

Ҳамкорлик технологияси - таълим берувчи ва таълим олувчиларнинг ўзаро тенг муносабатларидаги онгли ҳамкорлиги бўлиб, ушбу таълим жараёнининг диққат марказида демократия, тенглик, мунтазам равишда фикрлашишлик ва шу кабилар жараёнидир.

Ҳалоллик – ахлоқшуносликнинг тушунчаси бўлиб, жамият аъзолари зиммасига юклатилган ахлоқий-ҳуқуқий талабларни виждонан бажарилишини англатади.

Ҳар бир талабага алоҳида – алоҳида муносабатда бўлиш тамойили – бу талабаларни ҳар томонлама ўрганишни, уларга ўз вақтида ёрдам беришни, уларнинг ташаббускорлиги ва ижодий қобилияти намоён бўлишига шароит яратишни талаб этади. Бунда ҳар бир талабанинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш учун ўқитувчи дарс давомида уларнинг тавсифномаси билан танишиши ва ҳар бири билан алоҳида – алоҳида суҳбатлашиши керак *(Зуҳра Исмоилова).*

Ҳарбий педагогика - миллий армиямиз учун мутахассислар тайёрлайдиган ҳарбий ўқув юртларида ёшларга тълим бериш ҳамда тарбиялаш муаммолари билан шуғуланади *(Джураев Р.Х., Турғунов С.Т)*

Ҳарбий таълим – қуролли кучлар ва қўшин турлари учун кадрлар тайёрлаш жараёнини вужудга келиши ҳарбий фан ва ҳарбий санъат билан боғлиқ ҳолда рўй берган.

Муайян ўқув дастурини тўлиқ ўзлаштирган ва якуний давлат аттестациясини муваффақиятли топширган курсантларга «лейтинант» офицерлик унвони ҳамда соҳасига тегишли олий маълумотларни тасдиқловчи давлат намунасидаги диплом топширилади.

Ҳарбий ўқув юрти – ҳарбий таълимни амалга оширувчи ўқув муассасаси бўлиб, унга қуролли кучларнинг барча турлари, қўшин турлари ва махсус қўшинлар учун кадрлар тайёрловчи ўқув муассасалари киради.

Ҳарф – алифбо сирасида бўлган, ёзувда нутқ товушларини (фонемаларни), уларнинг вариантлари ва баъзи бири қўшилмаларини ифодалаш учун хизмат қиладиган босма ёки ёзма график белги. Одатда ҳар бир ҳарф бир товуш (фонема) ни билдиради, лекин ёзилган сўзнинг

ҳарфларга ажралиши ва тегишлича талаффуз этилувчи сўзнинг фонемаларга ажралиши идеал ҳолатлардагина ўзаро мос келади *(Уз МЭ. -2 жилд. -317 бет)*

Ҳасаб - аслида хислат, фазилат дегани, ўқимишли, билимли, фозил одамга бериладиган нисбат. Насаб эса зот дегани, лотинча айтсак ген. Ўзбекчасига таг, ўзак дегани. Тож-тахтли, палаги тоза дейилса, насл-насаби яхши деган маъно англашилишини биламиз. Бинобарин насаб аждоддан-авлодга қон орқали ўтиб келувчи гендир. Ана ўша генни умумхалқ миқёсида янада яхшилаб бориш йўлида кўриладиган чора-тадбирлар ва уларнинг самарасига ҳасаб дейилади. Шунингдек, насаб йўли билан эмас, шахсан қозонилган номдорлик, донг, шуҳрат, обрў, шарафга ҳам ҳасаб дейилади.

Ҳасаб ижтимоий тузумнинг қандайлигига боғлиқ ҳолда юзага келади. Агар тузум адолатли бўлса, у намоён бўлади, акс ҳолда ҳасабнинг юз кўрсатиши мумкин.

Ҳасад – (ичиқоралик) – ҳасад (ичиқоралик) қилувчини ҳосид, ҳасадчи дейишади. Ундай одамлар бировнинг ўсишини, ютуғини, фаровон ҳаёт кечиришини ич-ичидан кўролмайди. Ҳасадчи қанча куюнмасин, ҳасад қилмасин, Аллоҳ азиз қилган одамларга зарар етмайди. Яъни, алломаларимиз айтганларидек, «Ҳақ азиз қилган кишини – бандаси хор айламас!»

Ҳасад – ҳамма ҳаром ишлар ва ярамас хулқларнинг бошидир. Чунки кимда-ким ҳасадчи бўлса, бўҳтон, ғийбат, ҳақорат, фазозат каби ғайриахлоқий хислатларнинг деярли ҳаммаси унда жамулжам бўлади.

Ҳалоллик – ҳаётнинг барча жабҳаларида бунёдкорлик ғоялари билан суғорилган ишларни «мен Ватанга нима бердим?» тушунчасини англаган ҳолда масъулиятни ҳис қилишдир.

Ҳикоят – шарқ ва жанубий шарқий Осиё халқларидаги адабий термин. *(Ўз МЭ. – 2 жилд. -331 бет).*

Ҳисоблаш мантиқий тизимлар – бошланғич маълумотлар асосида бошқаришнинг илмий масалаларини режалаштириш ва лойиҳалаштириш масалаларини ҳал қилиш имконини берадиган тизимлар *(Абдуқодиров А.А ва бошқалар «Ахборот технологиялари» Т.: Ўқитувчи 2002 й. 138 бет.).*

Ҳужжат — 1. Матн ёзиш ёки тасвир шаклида ахборот ёзилган, замон ва маконда узатиш ҳамда сақлаш ва жамоат томонидан фойдаланиш учун мўлжалланган моддий объект.

2. Маълум бир фактни ёки бирор нарсага ҳуқуқни тасдиқловчи иш қоғози.

3. Кўрсатувчи шахсини аниқловчи гувоҳнома, расмий қоғоз.

4. Маълум тарихий воқеалар, фактлар ҳақидаги ёзма гувоҳнома.

Ҳурфикрлилик – эркин фикрлаш асосида ҳақиқатни англаш дегани. Ҳурфикрлилик ҳар қандай устувор тасаввур ҳам вақти келиб эскиради, ҳақиқатни англаш йўлидаги тасаввурлар учун бир босқич бўлиб хизмат қилади, деб ҳисоблайди.

Ҳуқуқ - ушбу сўзнинг бир неча маъноси бўлиб, биринчидан, у давлат томонидан бажарилиши мажбурий қилинган юриш-туриш қоидалари, хатти-ҳаракатлари йиғиндиси. Иккинчидан, ҳуқуқ тушунчаси фуқароларга нисбатан олинса, уларга берилган имконият. Ҳуқуқ конституциявий ёки оддий ҳуқуқларга бўлинади. Конституциявий ҳуқуқлар конституциявий нормалар билан, оддий ҳуқуқлар оддий қонунлар билан белгиланади. Учинчидан, ҳуқуқ ўз навбатида тармоқларга бўлинади: конституциявий ҳуқуқ, маъмурий

ҳуқуқ, фуқаролик ҳуқуқи, жиноят ҳуқуқи ва бошқалар; улар алоҳида ҳужжатлар билан мустаҳкамлаб қўйилади.

Ҳуқуқий давлат – давлат тузилиш ва фаолиятининг ҳуқуққа асосланганлиги. Ҳуқуқий давлатда қуйидаги шартлар албатта бўлиши керак: халқ ҳокимиятининг амалга ошиши; шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳеч ким, шу жумладан, давлат томонидан ҳам ҳеч қандай ҳолда бузилмаслиги; Конституция ва қонуннинг устунлиги; ҳокимиятнинг бўлиниш тамойилига амал қилиш; судларнинг мустақиллиги. Давлат фақат ҳуқуқ яратиб қолмай, ўзи ана шу ҳуқуқ нормаларига амал қилиши ҳуқуқий давлатнинг асосий хусусиятидир.

Ҳуқуқий маданият деганда, ҳар бир давлатнинг қонун асослари, ҳуқуқ меъёрларининг мавжудлиги, фуқароларнинг мавжуд қонунларни билиши ва ўз фаолиятида уларга риоя этиши - ҳуқуқий ва демократик давлат барпо этишнинг муҳим шарти ҳамда фуқаролик жамиятида кишиларнинг етук маънавияти, уларнинг ҳуқуқий бурч ва масъулияти тушунилади.

Ҳуқуқий маданият – фуқароларнинг етуклиги ва онглилигини кўрсатувчи мезон. Ҳуқуқий маданият тушунчаси ҳуқуқнинг ривожланиш даражаси, аҳолининг ҳуқуқ ҳақидаги тушунчаси, қонунларнинг аҳволи, ҳуқуқни амалга ошириш ишларини ташкил этиш даражаси, ҳуқуқнинг обрўйи сингари элементлардан ташкил топади. Ҳуқуқий маданиятга ҳуқуқ фанининг ривожланиш даражаси, ҳуқуқни ташвиқот қилишнинг қандай йўлга қўйилганлиги, маданиятнинг умумий даражаси таъсир қилади. Ҳуқуқий маданият ҳуқуқий онгнинг амалиёти, яъни ҳуқуқни қўллаш, амалиётга тадбиқ этишдир. Шахс қанчалик ҳуқуқий билимга эга бўлмасин, қонун ва бошқа қоидаларга амал қилмаса, у жамият учун катта зарардир.

Ҳуқуқий маданият – кенг тушунча бўлиб, ҳуқуқий онгни ўзида қамраган ҳолда, одамларнинг қонунга муносабатларини ифодаловчи қарашлари ва эътиқодларида, уларнинг ҳуқуқ ҳақидаги тасаввурларидан интилишлари ва туйғуларидан иборатдир.

Меҳнат ва ижтимоий фаолиятда намоён бўладиган бу хусусиятни ўзлаштириш, ўз бурчи мажбуриятларини билиш мутахассис ва шахс сифатидан ижтимоий ҳимояланишини таъминлаш, ишга жойлаштириш ва иш берувчи билан ўзаро муносабатларини бўлажак касбий фаолият билан боғлиқ бўлган қонунчилик асосида амалга ошириш демакдир.

Ҳуқуқий нормалар – ҳуқуқни белгиловчи, ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи нормалар. Улар турли кўриниш ва шаклда намоён бўлади. Ҳуқуқий нормалар Конституцияда, қонунларда ва бошқа норматив ҳужжатларда баён қилинади.

Ҳуқуқий онг – кишиларнинг ҳуқуққа, қонунга, одил судловга бўлган муносабатларини ифодалайдиган қарашлар йиғиндиси. У ҳурматда бўлиш ёки ҳуқуқни менсимасликка таъсир қилади. Кишиларнинг ҳуқуқий онги қанчалик кучли бўлса, бу ҳуқуқ нормаларининг ихтиёрий бажарилишига олиб келади. Ҳуқуқий онг ҳуқуқий билимлар асосида шаклланади.

Ҳуқуқий онг – ҳуқуқий англаш демакдир. Одамларнинг ҳам амалдаги ҳуқуқига ҳамда уларнинг ўзлари истаган ҳуқуққа муносабатини ифода этадиган тасаввур ва ҳис-туйғуларнинг мужассамидир. У табиатан ҳуқуқ билан муштаракдир ва шу сабабли мавжуд иқтисодий муносабатларга нисбатан иккиламчидир. Ҳуқуқий онг жамиятнинг, турли иқтисодий ва ижтимоий гуруҳларнинг объектив равишда келиб чиққан эҳтиёжлари ва манфаатларининг бевосита таъсирида шаклланади, ўзгариб турадиган объектив шароитлар ва жараёнлар таъсири остида доимий ривожланиб боради. Ҳуқуқий онг

ижтимоий онгнинг бир қиқсмидир ва шу сабабли унга фалсафий мафкуравий ва сиёсий қарашлар таъсир этиб туради.

Ҳуқуқий онг даражаси – фуқароларнинг янги қонунлар қабул қилиш давлат органларининг қонуни қўллаш фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш фаолияти билан боғлиқ фикрлари ва кайфиятларини уларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган демакратик ҳамда иқтисодий ўзгаришларга муносабатини белгилайди.

Ҳуқуқий тарбия – таълим олувчиларга давлат Конституцияси ҳақидаги таълимотни, чунончи, фуқоролик, оила, меҳнат, хўжалик маъмурий, нафақа, суд ишларини юритиш ва бошқариш ҳуқуқларининг маъносини тушунтириш борасида улар онгига ижтимоий-ҳуқуқий меъёрларнинг шахс ва жамият ҳаётидаги аҳамияти ҳақидаги тасаввурга эга бўлишларини таъминлаш, уларда ҳуқуқий онг, шунингдек, ҳуқуқий фаолиятни ташкил этиш борасидаги кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, ҳуқуқий маданиятни шакллантиришдир.

Ҳуқуқий тарбия – ўқитувчининг ҳар бир таълим олувчининг ҳуқуқий нормаларга (талабларга) бўлган шахсий муносабатларини ҳуқуқнинг турли тармоқларни ўзлаштира олиш ҳислатларини ҳисобга олган ҳолда ўртоқлари, устозлари ота – оналари ва ўсмирлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларни онгли равишда шакллантириш фаолияти.

Ҳуқуқий тарбиянинг мақсади таълим олувчиларда ва тарбияланувчиларда юқори ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий хулқ - атвор унсурларини ифодаловчи мустақил ижтимоий ҳислатларни шакллантиришда иборат.

“3 * 4” технологияси – ўқувчини эркин фикрлашга ўргатувчи технологиялардан бири бўлиб, турли ғоя ва фикрларни якка ҳолда кичик гуруҳларда таҳлил этиб, хулоса чиқариш, таъриф бера олиш

малакасини шакллантиришга ёрдам беради. Ўқувчиларга тарихий воқеаларнинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилишда нимага эътибор бериш кераклигини ўргатади.

A

Абдураззоқ Самарқандий

Абдураҳмон Жомий

Абстракт тушунча

Авесто

Авлоний

Автоматлаштирилган ахборот технологиялари

Автоматлаштирилган ахборот тизимлари

Автомониторинг

Автореферат

Авторитар педагогика

Авторитет

Адаптация

Адаптативлик

Адаптив машғулот

Адекват

Адекватлик

Адолат

Адъюнкт

Аз-Замахшарий

Академик лицей

Академик

Академик даража

Академия

Алгоритм

Алгоритмлаш

Алишер Навоий

Ал-Ахсикатий

Амалга ошириш

Амалиёт

Амал қилиш муддати

Амир Темур

Анализ

Анъанавий дарслар

Андиша

Андоза

Андозалаштириш

Аниқлаштириш методи

Анъанавий ўқув адабиётлар

Анкета

Аннотация

Архив методи

Асимметрия тамойили

Асириддин ал-Ахсикатий

Асос

Аспирант

Аспирантура

Атама

Аттестат

Ат-Термизий

Афина мактаб тизими

Афина тарбияси

Афсона

Ахборот

Ахборот излаш

Ахборотлар банки

Ахборотли модул

Ахборотни факсимиль узатиш

Ахборот ресурс маркази

Ахборот ресурслари

Ахборот тармоғи

Ахборот-таълим муҳити

Ахборот технологиялари

Ахборот технологияси фани

Ахборот тизими

Ахборот тизимлари

Ахборот цивилизацияси

Ахлоқ

«Ахлоқи Жалолий»

«Ахлоқи Муҳсиний»

Ахлоқий маданият

Ахлоқий муносабатлар

Ахлоқий онг

Ахлоқ нормаси

Ахлоқий тарбия

Ахлоқ тузилмаси

Ахлоқий тушунчалар

Ахлоқий ҳиссиётлар

Ақл.

Ақллилик

Аҳмад Югнакий

Б

Байналминаллик

Бакалавр

Бакалавриат

Бахт

Башоратлар

Бағрикенглик

Белгили маълумот

Беруний

Беҳбудий

Билвосита ҳавола қилиш

Билим

Билимга қўйилган талаблар

Билимлар

Билимлар омбори

Билимлар омборини бошқариш тизими

Билиш

Билиш усуллари

Билишнинг Декарт усули

Биология

Биологик модель

Бирламчи модул

Бобур

Бозор иқтисодиёти

Босма табоқ

Ботаника

Бош компьютер

Бошланғич мактаб

Бошланғич таълим

Бош масалани ажратиш методи

Бошқариш функцияси

“Бумеранг” технологияси

Бунёдкор киши

Бунёдкорлик

Бурч

В

Вазирлик

Валелогия

Ватан

Ватанпарварлик

Верификация қилиш

Вертикал педагогика

Виждон

Визуал маъруза

Г

Гельвеций

Гениал

Гений

Гербарт

Гимназия

Гипермедия китоблар

Гипнопедия

Гистограмма

Глобал тармоқ

Глобал таълим

Гуруҳли таълим

Д

Давлат байроғи

Давлат ва жамият

Давлат герби

Давлат гимни

Давлат грантлари

Давлат рамзлари

Давлат стандартлари

Давоний

Дайжест

Далил

Дарс

Дарслик

Дастур

Дастурлаштирилган таълим

Дастурлаш тили

Дастурлаштириш тизими

Дастурли маъруза-маслаҳат

Даҳо (гений)

Де брифинг

Дедукция

Дени Дидро

Дефектология

Диагностика (ташхислаш)

Дидактика

Диний бағрикенглик ғояси

Диний дунёқараш

Диний экстремизм

Диплом

Диссертация

Дистервег

Диққатни қайта жамлаш

Доктор

Докторант

Докторантура

Донишманд

Достон, поэма

Доцент

Дунёқараш

Ё

Ёзув

«Ёпиқ китоб» усули

Ж

Жадидчилик

Жамиятни ахборотлаштириш

Жараённи мўлжаллаб йўналганлик

Жасурлик

Жисмоний маданият

Жон Локк

Жорий назорат

З

Замонавий педагогик технологияларни қўллаш

Зако

Замонавий ўқув адабиётлар

Зеҳн

И

Ибн Сино

Ибтидоий даврда тарбия

Идеал

Идрок

Идрок қилиш

Иерархик тизим

Иерархия

Ижод

Ижодкор

Ижодиёт

Ижодий ёндашув

Ижодий фаолият

Ижодий қобилиятлар

Ижодкорлик

Ижодкорлик фаолияти

Ижодкор шахс

Ижоднинг ривожлантирувчи функцияси

Ижоднинг тарбиявий функцияси

Ижтимоий йўналганлик

Ижтимоий ҳимоялаш

Ижтимоийлаштириш

Ижтимоий функция

Ижтимоий ҳамкорлик ғояси

Изоҳли луғат

Изоҳли-тасвирли ёндашув

Иккинчи босқич

Илк Уйғониш даври

Илмий даража

Илмий изланишлар

Илмийлик

Илмий муаммо

Илмий муносабатнинг антитизалари

Илмий маъруза

Илмий-техникавий ижодкорлик

Илмий-техник ижодкорлик

Илмий унвон

Илмий ғоя

Имконият

Имом Бухорий

Имон

Импровизация

Инверсион таълим

Индуктив хулосалаш

Индукция

Инклюзив йўналиш

Инноватика

Инновацион дастурий дидактик мажмуа

Инновацион компонент

Инновацион ривожланиш модели

Инновацион таълим

Инновацион таълим истиқболлари

Инновация

Инсон камолоти

Инсонпарварлик

Инсоф

Институт

Интеграл

Интеграллашган дастурлар

Интегратив йўналиш

Интегратив функция

Интеграция

Интеграциялаш

Интеллект

Интеллектуал ахборотни излаш тизимлари

Интеллектуал китоблар

Интеллектуал тизимлар

Интеллектуал мулк

Интервью методи

Интернет

Интернетнинг ахборотли қисми

Интернетнинг дастурий таъминоти

Интерфаол машғулот

Интерфаол усул

Интуиция

Информатика

Ирсият

Исбот методи

Ислом дини

Ислоҳат

Истиқлол

Истеъдод

Ихтиро

Ихтирочилик ҳуқуқи

Ихтисослик

Ички мотивация

Ишлаб чиқариш

Ишланма

Ишчи тизимлари

Ишчи ўқув дастури

Ишчи ўқув режаси

Иқтидор

Иқтисодий маданият

Иқтисодий таълимнинг асосий мақсади

Иқтисодий функция

Й

Йўриқнома технологик харитаси

Йўриқнома харита

К

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури

Кадрлар тайёрлаш миллий модели

Кайковус

Камтарлик

Касб

Касбий маданият

Касбий тавсифнома

Касбий тайёргарлик

Касбий тайёргарлик мазмунининг мажбурий минимуми

Касбий тарбия

Касбий фаолиятнинг мазмуний параметрлари

Касбий фаолият соҳаси

Касбий функция

Касб-ҳунар коллежлари

Касб-ҳунар коллежларида тайёрлов йўналишлари

Касб-ҳунар таълими

Кашфиёт

Каталог

Катталик

Кафедра

Квалиметрия

Кереатив

Кибернетик китоблар

Кибернетик тизимлар

Килобайт

Кимёдан ўқув дастурининг асосий вазифаси

Кимё таълими стандарти

Кириш назорати

Китоб

Киши инсонийлиги математик модели

Кичик мутахассис

Кичик технологиялар

Клавиатура

“Кластер” (Тармоқлар) методи

Кодлаш

Когнитив

Комил инсон

Комил инсон тарбияси

Комил инсон ғояси

Комиллик

Коммуникатив - мунозара фаолият технологияси

Коммуникацион тизимлар

Комплекс

Компьютер

Компьютерда дастурлаш

Компьютерлаштириш

Компьютерли дастур

Компьютерли моделлаштириш

Компьютерли таълим дастурлари

Компьютерли ўқитиш тизими

Компьютер тармоқлари

Компьютер тизими

Конституция

Конструктивизм

Концепция

Конструктивизм

Кошифий

Кузатиш (илмий билиш)

Кузатув методи

Кузатиш методи технологияси

Курсор

Кўникма

Л

Лаёқат

Лазер диск

Лазер принтери

Лафз

Локал тармоқ

Лицензия

Лицензиялаш

Луғат

М

Мавлоно

Мавзу

Магистр

Магистратура

Маданий мерос

Маданий функция

Маданият

Мадраса

Мадҳия

Мажбурий таълим

Мажмуий-услубий таъминот

Мазмунни мўлжаллаб йўналганлиги

Мактаб

Мактабгача таълим

Мактабдан ташқари таълим

Мактабдан ташқари таълим муассасалари

Мактабда таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш

Мактабшунослик

Малака

Малака ошириш

Малака талаблари

Мантиқ, логика

Мантиқий амаллар

Мантиқий қонунлар

Манфий сонлар

Маориф

Мардлик

Марказий процессор

Маркетинг

Масофавий таълим

Масофавий ўқитиш

Масофадан таълим

Масофадан ўқитиш

Масофадан ўқитиш технологияси

Матбуот

Матбуот конференцияси

Математикалаштириш

Математика фани

Математик модель

Матн материалларини қўллаш усуллари

Матрицавий принтер

Мафкура

Мафкуравий тизим

Мафкуранинг функциялари

Махсус қобилият

Машқ

Маъданий - маърифий ишлар

Маълумот

Маълумот бериш

Маълумотлар банки

Маълумотлар модели

Маълумотларнинг иерархик модели

Маълумотларнинг иерархик омбори

Маълумотларнинг тармоқли модели

Маълумотларнинг реляцион модели

Маълумотларни тартиблаш

Маълумотларни чегириш

Маълумотлар омбори

Маълумотлар омборидаги доимий маълумотлар

Маълумотлар омборидаги ўзгарувчан маълумотлар

Маълумотлар омборини бошқаришнинг иерархик тизими

Маълумотлар омборини бошқаришнинг реляцион тизими

Маълумотлар омборини бошқаришнинг тармоқли тизими

Маълумотлар омборини бошқариш тизими

Маълумотлар тўплами

Маъмун академияси

Маънавий-ахлоқий маданият

Маънавий-ахлоқий тарбия

Маънавият

Маънони англаш

Маърифат

Маърифатчилик

Маъруза, лекция

Маъруза икковлон

Маърузалар матни

Маърузалар курси

Маъруза-маслаҳат

Маъруза-матбуот конференция .

Маъруза-мунозара

Маъруза-суҳбат

Маъруза-тадқиқот

Маъруза тескари алоқа техникасини қўллаш

Мақола

Мақсад функцияси

Маҳмуд Қошғарий

Маҳорат

Маҳсулдор фаолият

Менежер

Менежмент

Менталитет

Меню

Мерос

Метод

Методика (методик)

Методик (услубий) кўрсатма

Методик қўлланма

Методист

Методист-технолог

Методлар компонентлари

Методологик

Методология

Меъёрий ҳужжат

Меҳнатсеварлик

Меҳнат тарбияси

Миллат

Миллатлараро тотувлик ғояси

Миллий дастурнинг мақсади

Миллий дастурни рўёбга чиқариш босқичлари

Миллий ифтихор

Миллий мафкура

Миллий модель

Миллий педагогика

Моддий-техника таъминоти

Миллий ғоя

Миллий ғурур

Минтақавий тармоқ

Мирза

Мирзо Улуғбек

Мифологик дунёқараш

Мовароуннаҳр

Модель

Моделлаштириш

Моделли дарс босқичлари

Модул

Модул даража

Модулли ўқув ахбороти

Модул тўплами

Мойиллик

Мониторинг

Монография

Мотив

Муаллифлик гувоҳномаси

Муаммо

Муаммоли маъруза

Муаммони ёйиш

Муаммони излаш

Муаммо технологияси

Мударрис

Мулоқотли ишчи дастур

Мультимедия

Мультимедияли китоблар

Мураббий

Муслиҳиддин Саъдий

Муснад

Мустақиллик байрами

Мустақил таълим

Мустақил фикрлашга ўргатиш

Мусулмон мактабларида таълим тизими

Мутахассислик

Муҳаббат

Муҳаддис

Н

Нажмиддин Кубро

Назарий метод

Назария

Назорат қилиш дастур воситалари

Намунавий ўқув

Намунавий ўқув режаси

Насл

Нақшбандия таълимоти

Номус

Нохолислик

Нотўғри хабардорлик

Нутқ фаолияти

О

Объект

Огаҳий

Одамийлик

Одат

Одоб

Одобли

Оила

Ойна

Олий Мажлис

Олий маълумот даражаси

Олий таълим

Олий таълимнинг ДТС

Олий ўқув юртидан кейинги таълим

Онг

Онлайн

Оператор

Оптимал бошқариш

Ор

Оралиқ назорат

Орият

Отинойи мактаблари

Оуэн

Очиқ тизим

П

Парадигма

Парадигманинг эпистимологик

Парол

Пассивлик

Патент

Педагогика

Педагогика методологияси

Педагогика тарихи фани

Педагогика тарихи фани бўлимлари

Педагогика тарихи фанининг вазифаси

Педагогика тарихи фанининг мақсади

Педагогика тарихи фанининг методологик асоси

Педагогика тарихи фанининг миллий асоси

Педагогика тарихи фанининг ўзига хос илдизлари

Педагогика тарихи фани ўрганувчи манбалар

Педагогика фанининг вазифалари

Педагогик инновация

ПИнинг мақсади

ПИ нинг мазмун-моҳияти

Педагогик инновациянинг муҳим белгилари

ПИ имкониятлари

ПИнинг вазифалари

ПИнинг ривожланиш жараёни босқичлари

ПИни ҳаётга тадбиқ этишнинг ташкилий асослари

ПИ тамойиллари

ПИ ривожлантириш механизмлари

ПИдан фойдаланишга услубий тавсиялар

ПИларни жорий этишда бўлажак ўқитувчиларда шаклланадиган инновацион хислатлар

Педагогик лойиҳалаш

Педагогик моҳорат

Педагогик моделлаштириш

Педагогик прогностика

Педагогик технология

Педагогик тизим

Педагогик тизимнинг мақсади

Педагогик тизимнинг маҳсулоти

Перцептив қобилият

Песталоцци

Платон

Поклик

Предмет соҳалари

Прогноз

Прогнозлаш

Прогностика

Профессор

Процессор

Р

Расадхона, обсерватория

Рационализм

Рейтинг

Рейтинг тизими

Ренесанс

Реферат

Ростгўйлик

Рус-тузем мактаблари

С

Сабр

Сабр-қаноатлилик

Савод

Саволлар

Сайт

Саломатлик

Салоҳият

Саховатлилик

Саҳиҳ

Сезги

Сезиш

Сервер

Сертификат

Сиёсий маданият

Синергетика

Синф

Система

Системали анализ (тизимий таҳлил)

Системалилик

Сканер

Скептицизм

Сонли маълумот

Спарта тарбия тизими

Стандарт

Стандартлаштириш

Стандарт лойиҳаси

Статистик ва динамик қонунлар

Статистик умумлаштириш

Стратегия

Студент (талаба)

Суггестия

Суггестопедия

Сулаймон Боқирғоний

Сунъий интеллект

Суҳбат методи

Сўнгги назорат

Т

Табақалашган таълим технологияси

Тажриба

Тактика

Такрорланадиган гуруҳлар

Талабаларнинг ўқув фаолиятини шакллантириш технологияси

Талабалар техник ижодкорлиги тамойиллари

Талант

Танқидий фикрлаш

Тарбия

Тарбия вазифаси

Тарбиявий технологиянинг комплектлилик хусусияти

Тарбиявий технологиянинг иерархиялик хусусияти

Тарбиявий технологиянинг тизимлилик хусусияти

Тарбиявий технологиянинг яхлитлик хусусияти

Тарбия жараёни

Тарбия мақсади

Тарбия методлари

Тарбиянинг хусусиятлари

Тарбиячи

Тарбия қоидаси

Тариқат

Тармоқнинг ахборот ашёлари

Тасаввур

Тасаввуф, суфийлик

Тасдиқлаш

Тафаккур

Тафаккур операциялари

Таълим

Таълим бериш

Таълим дастури

Таълимда замонавийлик

Таълим жараёнини ташкил этиш шакллари

Таълимий-ахлоқий йўналиш

Таълимий функция

Таълим мазмуни

Таълим мақсади

Таълим менежери

Таълим менежменти ва маркетинги

Таълим методлари

Таълим мониторинги

Таълим муассасаси

Таълимни ахборотлаштирилган тизими

Таълимни ахборотлартириш

Таълимни бошқарув қарори

Таълимни компьютерлаштириш

Таълимнинг жамоа усули

Таълимнинг муаммоли қидирув усули

Таълимнинг мулоҳазаларга асосланган қарори

Таълимнинг муҳим функциялри

Таълимнинг стандартлаштирадиган турлари

Таълимнинг стандартлаштириш объектлари

Таълимнинг намойиш қилиш усуллари

Таълим сифати

Таълим сифати мониторинги

Таълим сифатини назорат қилиш

Таълим стандарти

Таълим технологияси

Таълим тизими

Таълим турлари

«Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг мақсади

Таълим қонуниятлари

Тақсимланган маълумотлар омбори

Таҳлил методи

Таҳлилий фикрлаш

Тезис

Текшириш

Телеанжуманлар

Телеконференция

Телекоммуникация тизими

Телемедия китоблар

Тескари алоқа

Тест

Тестлар методи

Техник ижодкорлик фаолияти вазифалари

Техник ижодкорлик фаолияти мақсади

Техник ижодкордлик фаолияти предмети

Техник ижодкорлик фаолияти таркиби

Технологик ёндашув

Технология

Тизим

Тизимга солиш

Тизимий ёндашув

Тизимий таҳлил

Тизимни бошқариш

Тинчлик

Тузиш

Туркий халқларнинг дастлабки савод мактаблари

Тушуниш

Тушунтириш

Тушунча

Тушунчаларни аниқлаш ва тушунтириш усули

Тўлов-контракт

Тўғрилик

У

Увайсий

Узлуксиз таълим

Узлуксиз таълим тизими

Умар Хайём

Умумдавлат таснифлагичи

Умумий ўрта таълим

Умумлаштириш

Умумлаштириш методи

Умумий ўрта таълимнинг ДТС

Умумий ўрта таълим ДТСнинг таянч ўқув режаси

Умумпедагогик технология

Урхун-Энасой обидалари

Услуб

Усул

Устоз

Ф

Файл

Файл вируси

Факс-модем

Факультет

Фалсафий дунёқараш

Фан

Фан билан таълим жараёни алоқадорлигини ривожлантириш

Фан доктори

Фан номзоди

Фаолият

Фаолиятни аттестациялаш

Фаолият маҳсулини ўрганиш

Фаолиятни лойиҳалаш технологияси

Фаол таълим

Фаол ўрганиш

Фараз

Фаробий

Фарғоний

Федерация

Феодал давлатлар

Фикрлаш

Фильтер дастурлар ёки резидент дастурлар

Фитрат

Флеш

Фозил

Формат

Форматлаш

Фуқаролик

Фуқаролик масъулияти

X

Хабар

Хабардорлик

Характер

Харизма

Халқ оғзаки бадиий ижоди

Халқ таълими

Хаттотлик

Хислат

Хоразм Маъмун академияси

Хоразмий

Хотира

Хуросон

Хусусий дидактика

Хусусий муаммони қўйиш

Хусусий технология

Хулосалаш

Хулоса чиқариш

Хулқ, хулқ-атвор

Ц

Цивилизация

Ч

Чақириш усуллари

Чақирик

Ш

Шариат

Шарҳ

Шарм-ҳаё

Шахс

Шахснинг касбий сифатлари

Шахсни мўлжаллаб йўналганлик

Шахснинг ҳуқуқий маданияти

Шахс ғурури

Э

Эволюция

Эвристик

Эвристик ва муаммоли қидирув

Экологик маданият

Экологик тенглик хавфи

Эксклюзив

Эксперимент

Эксперимент методи

Эксперт баҳолаш методи

Эксперт тизимлар

Электрон алоқа

Электрон дарслик

Электрон китоблар

Электрон почта

Электорон шаклдаги ўқув – услубий материаллар

Электрон ўқув адабиётлар

Эмперик билим

Эмперик метод

Энциклопедия

Эргономик тизимлар

Эрудиция

Эсда олиб қолиш

Эътиқод
Эътиқод эркинлиги

Ю

Юсуф Хос Ҳожиб

Я

Якуний назорат
Янги ахборот технологиялар
Янги педагогик технология
Яриммедия китоблар
Яхлит компъютер тизимлари
Яхшилик

Ў

Ўзбекистон Президенти
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таълим соҳасидаги ваколатлари
Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
Ўзбекистон Республикасининг Давлат Байроғи
Ўзбекистон Республикасининг Давлат Герби
Ўзбекистон Республикасининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълим стандартлари тармоқ тизими
Ўзбекистон узлуксиз таълим давлат сантдартлар тизими
Ўзбек миллатини ўз-ўзини англаши
Ўзгариш
Ўзини тутиш ва шахслараро муносабатлар маданияти
Ўзлаштириш

Ўзлаштириш даражаси

Ўзлаштириш сифати

Ўз-ўзини кузатиш методи

ЎМКҲТ ўқув муассасалари ўқувчи (талаба)ларнинг касбий тарбияси

ЎМКҲТ ўқув муассаси битирувчиларининг рақобатбардошлиги

Ўрганиш

Ўрта махсус касб-ҳунар таълими

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими стандарти

Ўрта Осиёдаги мактаблар

Ўрта умумий таълим

Ўқитиш

Ўқитиш алгоритми

Ўқитиш воситалари

Ўқитишга ахборот танлаш

Ўқитишда ахборотни (маълумот) таҳлил қилиш

Ўқитишдаги интеграция

Ўқитишда хусусиятларни тарбиялаш

Ўқитиш мазмуни интеграцияси

Ўқитишни компьютерлаштириш

Ўқитишнинг асосий воситалари

Ўқитишнинг қўшимча воситалари

Ўқитишни оптимал бошқариш (ЎОБ)

Ўқитишни такомиллаштирувчи дастур воситалари

Ўқитувчи

Ўқитувчи ва ўқувчининг дастурли фаолияти

Ўқитувчидаги навбатчи саволлар

Ўқитувчилар ва мураббийлар куни

Ўқиш. Ўқиш жараёнининг асосий ғоялари

Ўқиш сифатини назорат қилиш

Ўқув адабиётлари

Ўқув дастури

Ўқув жараёнининг дидактик таъминоти

Ўқув жараёнини оптималлаштириш

Ўқув ишлари усулларини шакллантириш технологияси

Ўқув мавзуси

Ўқув машғулотининг технологик харитаси

Ўқув методи

Ўқув предмети

Ўқув режаси

Ўқув режасининг модули

Ўқув-услубий мажмуа

Ўқув-услубий таъминот

Ўқув услубий таъминот мажмуаси модели

Ўқув фани

Ўқув фани дастури

Ўқув фанлари блоки

Ўқувчининг қувонч ҳисси

Ўқув ўйин фаолияти технологияси

Ўқув элементи

Ўқув қўлланма

Қ

Қадимий давлатлар

Қадр

Қадрият

Қайта нашр этиш

Қайта кўриб чиқиш

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим муассасаси

Қайта тайёрлаш таълим муассасалари

Қаноат

Қаттиқ диск

Қиёсий педагогика

Қиёслаш методи

Қизиқиш

Қизиқувчанликни ривожлантириш

Қисм тизим

Қобилият

Қуръон

Ғ

Ғоя

Ғояларни қайта ифода қилиш

Ғурур

Ҳ

Ҳадис

Ҳадиси Қудсий

Ҳаё

Ҳалоллик

Ҳамкорлик

Ҳамкорлик педагогикаси

Ҳарбий таълим

Ҳарбий ўқув юрти

Ҳарф

Ҳасаб

Ҳикоят

Ҳисоблаш мантиқий тизимлар

Ҳужжат

Ҳуқуқий маданият

Ҳуқуқий онг

Ҳуқуқий онг даражаси

“3 * 4” технологияси

МУНДАРИЖА

Сўз боши ……. 3
А …..…… 5
Б ……...……. 67
В …..…… 97
Г ……...……. 104
Д …..…… 108
Ё ……..……. 135
Ж …...……... 135
З ……...……. 141
И …..…… 142
Й ……...…… 206
К ……...…… 207
Л …..…… 243
М …...……... 249
Н …..…… 364
О …..…… 370
П …..…… 382
Р ……...……. 419
С …..…… 427
Т …..…… 446
У …..…… 521
Ф …..…… 534
Х …..…… 550
Ц …..…… 562
Ч …..…… 562
Ш …..……... 563
Э …..…… 568
Ю …..…….. 586
Я ……...…… 586
Ў ...……..….. 591
Қ …..…… 621
Ғ ……...…… 631
Ҳ …..…… 632
642